

ОЗОД ШАРАФИДИНОВ

# ДОВОНДАГИ ЎЙЛАР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

Ўзбекистон Қаҳрамони, олим ва адиб Озод Шарафиддинов мазкур асарида асрлар ва асрдошлар, истиқлол ва унинг олис, яқиндаги жонфидолари, дарғалари образини яратган. Китобдаги мақола, бадиаларда меҳр-муҳаббат, инсоний мурувват масалалари кенг, асосли мушоҳада, ҳаётий воқеа-ҳодисалар орқали тасвирланади. Асардаги барча мақолаларни асосий қаҳрамон — китоб муаллифининг Олам ва Одам ҳақидаги кенг, теран ўйлари ўзаро боғлайди. Асар изланувчи, фикрловчи, ҳаёт мағзини, чақишишга интилувчи китобхонлар ҳурматини қозонади деган ишончдамиз.

Ш26

**Шарафиддинов О.**

Довондаги ўйлар. — Т.: «Маънавият», 2004. — 528 б.

ББК 66.3(5У)6

Ш 4702620204-40  
М25(04)-04

© «Маънавият», 2004

## МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРИ

---

Халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди.

*Ислом КАРИМОВ*

### ЙЎЛБОШЧИ

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилганида юртимизнинг биринчи Президенти ҳам 50 ёшдан эндигина ўтган миқти жуссаси, ажинсиз юзларидан нур ёғилиб турган навқирон қиёфада эди. Албатта, у ўша куни улуғ бир тарихий вазифани адо этганини, Мустақилликнинг Бош меъмори бўлиш бахти насиб этганини ўйлаб, ўзини бахтиёр ҳис қилган бўлса, ажаб эмас.

Аммо, кўп ўтмай маълум бўладики, юксак минбардан туриб, мустақилликни эълон қилиш унинг Йўлбошчи сифатида бажарган ва келажакда бажармоғи лозим бўлган ишлари орасида нафақат энг шарафлиси, балки айна чоғда осони ҳам экан.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Президентлик лавозимига келган кезларда замон оғир, кечаги иттифоқда алғов-далғов авж олган, кўп жойларда тўплар гумбирлаб, кўча-кўйлар танкларнинг ваҳимали садосига тўлиб кетганди. Ўзбекистон ҳам тўрт томони ёнғин билан қуршалган оролга ўхшарди. Мустақил юртнинг дўстлари, душманлари ҳам кўп бўлар экан. Аммо «дўстинг юзта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп» деган мақол бор. Ўша душманларимиз ўта маккорлик билан мустақиллик йўлидаги биринчи қадамларимизданоқ бизнинг уйимизда ҳам ёнғин чиқаришга, халқ бошига қирғину ихтилофлар балосини ёғдиришга ҳаракат қилишди. Тошкент, Паркент,

Ўш воқеалари ҳали эсимизда, ҳануз уларнинг излари битгани йўқ.

Ўшанда эркинликка атак-чечак қадамларини қўя бошлаган халқ ҳам, унинг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам жуда жиддий ва қалтис синовга дуч келган эди. Қатъият ва матонат билан ҳаракат қилмоқ, айтиш чоғда ҳамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесиш талаб қилинарди. Ислом Каримовнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги намоён бўлиб, унинг раҳбарлигида тутаб келаётган ёнғин ўчоқлари ўчирилди, ўлкада тинчлик ва осойишталик қарор топди. Ўша кезларда ва кейин ҳам турли вилоятлар ва туманларда юзлаб одамлар билан учрашганман. Улар, айниқса, қариялар эрта тонгда ҳам, кундуз ҳам, дастурхон устида ҳам, шунчаки суҳбатларда ҳам тинчлигимиз, хотиржамлигимиз учун шукроналар айтишар, шу барқарорликни барпо этишда жонбозлик кўрсатган йўлбошчимиз ҳақиқа дуолар ўқишарди. Дарҳақиқат, ўша таҳликали кезларда Президент бир дақиқа ҳам тиним билгани йўқ, эртаю кеч воқеалар марказида бўлди, катта-кичиклар билан маслаҳатлашди, одамларга ҳамдарад бўлди. Мен, масалан, Президентнинг машина боролмайдиган олис тоғ қишлоқларига от миниб борганини эшитганман. Юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан ғайрат эвазига барпо этилган.

Эҳтимол, сиз — азиз ўқувчим, ана барқарорлик ҳам ўрнатилди, энди бундан буёғига бемалол яна роҳат қилса ҳам бўлаверади, деб ўйларсиз? Йўқ, дам, истироҳат, ҳузур қаёқда дейсиз? Яна узлуксиз меҳнат, изтиробли изланишлар, яна юрт учун, одамлар учун поёни йўқ куйиб-ёнишлар. Ҳа, Президентнинг қисмати шунақа, чунки унинг зиммасида шу ўлкада яшайдиган ҳар бир одам учун масъулият юки бор. Йигирма тўрт миллионнинг ҳар биттаси инсон, ҳар бир одамга кийим-кечак, бошпана керак, хўжаликларда боғча, мактаб, катталарга меҳнат қилиб, тирикчилигини бемалол ўтказмоқ имкони зарур. Хўш, уларни таъминламоқ учун нима қилмоқ керак? Умуман, қайси йўлдан борилса, тўқлик ва фаровонлик манзилига етилади? Адолат ва диёнат салтанатига, ҳақиқат ва инсоф ўлкасига элтадиган омиллар қаерда? Бу саволларнинг аниқ жавобини ким билади? Ҳар куни оёқ остидан кўзиқорин-

дай бодраб чиқадиган минглаб муаммоларнинг ечими қандай бўлади? Бу саволларга жавобни, муаммолар калитини ташқаридан биров олиб келиб бермайди, уларни ўз идрокинг, ўз билимларинг билан ўзинг ҳал қилмоғинг керак. Хуллас, янги жамият қурмоқ зарур. Уни қуриш учун танланган йўл тўғри эканлигига одамларни ишонтирмоқ зарур, фақат шундагина одамлар комил ишонч билан бу йўлдан юрадилар. Муаммолар кўп эди, хилма-хил эди. Энг муҳими шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим, долзарб, ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган муаммолар эди.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов ишни Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига эш қилишдан, уни дунёга танитиб, халқаро нуфузини оширишдан бошлади. Бу айтишга осон, аммо амалга ошириш ҳаддан ташқари қийин эди. Гап шундаки, ўтмишда инсоният тарихида катта роль ўйнаган Ўзбекистонни бурунги замонда ҳеч ким танимас эди. Чунки ўтмишда «Ўзбекистон» деган давлат бўлмаган, шўролар замонида эса номигагина шундай республика бўлиб, у жаҳон билан алоқасини фақат марказ орқали амалга оширарди. Марказнинг рухсатисиз бирорта ўзбекнинг хорижга бориб-келиши ёки бирорта хорижликнинг Ўзбекистонга келиб-кегиши мумкин эмас эди.

Бир сўз билан айтганда, дунёга, ўзбекнинг кимлигини уқтирмоқ керак эди. Буни қуруқ хитоблар, ҳужжатлар билан ёхуд бежирим дипломатик табассумлар ёрдамидагина ҳал қилиб бўлмасди. Жаҳоннинг манаман деган сиёсатчилари ўзбекнинг зукколигига, фаросатига, ҳалоллигига, бағри кенглигига тан бермоғи керак эди, шундагина Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кирмоғига йўл очиларди. Шундоқ бўлди ҳам. Жаҳон сиёсатчиларининг кўпчилиги – президентлар, қироллар, подшоҳлар, премьер министрлар, вазирлар, дунёга донг таратган миллиардер-бизнесменлар, фан ва адабиёт намояндалари Президент билан учрашди, у билан суҳбатлашди, унга илмоқли ва илмоқсиз, мураккаб ва жўн саволлар беришди, уни таниш орқали Ўзбекистон ҳақида ҳам, ўзбеклар тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қила бошлашди. Бу тасаввур кўп ҳолларда ижобий бўлди.

Менга бир воқеани айтиб беришган. Парижда Президент китобининг тақдимоти бўлибди. ЮНЕСКО Бош ди-

ректори Федерико Майор жаноблари бир ёққа учмоғи керак экан, бироқ тақдимотни эшитиб, самолётни тўхтатиб қўйиб, мажлисга келибди-да, қисқа нутқ сўзлабди. У айтибдики, «мен дунёдаги икки юзга яқин мамлакатни кезиб чиққанман, уларнинг маданий-тарихий ёдгорликлари билан танишганман, лекин ҳеч қаерда Самарқандда бўлганимдаги каби ҳаяжонланмаган эдим. Улуғбек расадхонасида жаноб Президент менга устурлобни кўрсатди. Улуғбеклар, Али Қушчилар қўли теккан бу асбобни қўлга олар эканман, гўё ўзимни XV асрга бориб қолгандек, Улуғбек каби буюк олимлар билан ҳамнафасдай ҳис қилдим. Ҳозирга қадар ҳам ўша ҳаяжон бот-бот бутун вужудимни қамраб олади. Ўшанда жаноб Ислон Каримов Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асарини кўрсатди. Мен ҳам шарқ илмидан хабардорлигимни кўрсатиб қўйиш учун «Жуда зўр асар. Ҳозирги компьютерларнинг таҳлилига кўра Улуғбек юлдузлар ҳаракатини аниқлашда бор-йўғи ярим минутга адашган экан», дедим. Ислон Каримов ялт этиб менга қаради-да, лабларида ним табассум билан жавоб берди: «Йўқ, жаноб Федерико, Улуғбек адашмайди, компьютерларингиз хато қилган бўлиши керак». Бу жавобни эшитиб, жаноб Каримовнинг ўз халқини нечоғли севишини, ўзбек олимларининг ютуқларидан қанчалик фахр қилишини яна бир бор ҳис қилдим».

Жаҳоннинг кўпгина донгдор одамлари Президенти-миз ҳақида, унинг салоҳияти тўғрисида ана шундай илиқ гапларни кўп айтишган. Қизиқ, ҳар гал шунақа фактларга дуч келганда, киши қалби ўз Президенти учун ифтихор туйғуларига тўлиб тошар экан. Шу тарзда сон-саносиз сафарларда, беҳисоб суҳбатлар, зиёфатлар, симпозиумларда бирда ҳазил, бирда қатъият, бирда босиқлик билан бу дунёнинг «манаман» деган арбобларини ўзига ром этди.

Унинг саъй-ҳаракати боис Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошгандан оша борди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пештоқида республикамиз байроғи мағрур ҳилпирайдиган бўлди, ўнлаб халқаро ташкилотларнинг эшиклари Ўзбекистон учун ланг очилди. Қанчадан-қанча мамлакатлар Тошкентда ўз элчихоналарини ва бошқа ваколатхоналарини очди, ўзбек дипломатлари эса жаҳон юрт-

лари пойтахтларида ўз қароргоҳларини танлай бошладилар. Бутун дунёнинг кўзга кўринган ишбилармонлари ўзбеклар билан ҳамкорлик қилишга киришди. Ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳаво йўллари очилди. Жаҳон саноатининг янгиликлари Ўзбекистонга оқиб кела бошлади. Бугун буларни кўрган ҳар қандай кўнгли тўғри одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан ҳам буюк эканига имон келтирди. Бу улкан ишлар бор-йўғи етти йил ичида амалга оширилди.

Мамлакат ичидаги ишлар ташқи ишларга қараганда юз чандон қийин бўлса бўлдики, осон кечгани йўқ. Бизга ўтмишдан шўролар тарбиясини кўриб шаклланган, кўпгина фазилатларидан маҳрум қилинган, фикрлашга эринадиган, ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, миллат ғурури онгидан ситиб чиқарилган одамлар мерос бўлиб қолган эди. Хуллас, Ўзбекистоннинг чиндан ҳам мустақил бўлишини таъминламоқ учун, унда зарурий ислохотлар ўтказиб, ҳаётни тубдан янги изга солиб юбориш учун, аввало, одамлар психологиясида, дунёқарашида ўзгариш яшаш керак эди. Бу осон иш эмас, албатта. Президент одамлар психологиясини ўзгартиришни жамиятда демократияни жорий этишдан бошлади.

Қизиқ, ҳеч қайси ривожланган жамият демократиясиз яшолмайди ва шу билан бирга «демократия нима?» деган саволга лўнда жавобни биладиган одам жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам бу масалада, у билан боғлиқ равишда инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари масаласида жуда кўп тортишувлар, баҳслар бўлди. Кўпгина одамлар «эркинлик чегарасиз бўлмоғи керак! Ҳар ким демократик жамиятда кўнглига келган ишни қилаверсин! Унга ҳеч ким хўжайинлик қилмасин. Ҳеч қандай тақиқлар, ман этишлар бўлмасин», деган гапни айтишади. Бир қараганда, бу гаплар тўғрига ўхшайди, ахир, нима биландир чекланган эркинлик тўмтоқ, кемтик бўлмайдами? Лекин... Шу гапларни тўғри деб ҳаётга жорий қилсак, нима бўлади?

Мен метро вагонига кирсаму «ёлғиз ўзим кетгим келаяпти» деб ундаги йўловчиларни қувиб чиқарсам. Ёки ёзувчи эркинлигини пеш қилиб, шаҳвониятни улуғлаган асарини менга тиқиштира, мени ҳам ўзи билан бирга турли кир латталарни титкилашга, бўлар-бўлмас иғволар

билан шуғулланишга ундаса. Биз «демократия» десак-да, энди инсоний табиати шаклланиб келаётган ўғил-қизларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, улар «эркинман» деб чекса, ичса, безорилик қилса, бошқа ёмон йўлларга кириб кетса... «Демократия» дегани шуми? «Эркинлик» дегани шуми? Бунақа меъёрлар билан иш юритсак, жамият боши берк кўчага кириб қолмайдими?

Демократиянинг ҳудудлари, эркинликнинг чегараси бўладими-йўқми, билмайман, лекин шуни аниқ биламанки, демократик жамият дегани тизгинсиз, бошбошдоқ, зўравонлик жамияти эмас. Эркинликнинг моҳияти нима эканини икки минг йил аввал яшаб ўтган машҳур рим нотиғи Цицерон чиройли қилиб айтган экан: «Эркин бўлмоқ истагидаги ҳар қандай одам қонуннинг кули бўлмоғи керак!»

Президентимиз бу ҳақиқатни чуқур англаб етган. Шунинг учун у биз қурмоқчи бўлган янги жамиятда қонун устувор бўлишини тарғиб қилади. Қонун олдида ҳамма тенг бўлмоғи керак. Албатта, қонун қабул қилингандан кейин у ишламоғи лозим. Бироқ, афсуски, атиги етти йил ичида ҳаётнинг ҳар саҳифасида, ҳар бобида фақат қонун кучи билангина иш юритишга эришиб бўлмайди. Бизнинг жамиятимизда кечаги кундан қолган ва бугунги номукамал шароитларда болалаб бораётган иллатлар анча-мунча бор. Ислом Каримов бу иллатларнинг нима эканлигини жуда яхши билади, уларга қарши ғоят қатъият ва шиддат билан кураш олиб боради. Энг муҳими шундаки, бу борада дастлабки ютуқларга эришилди.

Бир мисол. Эсингизда бўлса, яқин-яқинларда олий ўқув юртларида порахўрлик авжига чиққан эди. Бунинг оқибатида ҳар йили имтиҳонлардан ё зари борнинг, ё зўравоннинг боласи ўтар, бу эса жамиятдаги адолатсизликни кучайтирарди. Албатта, олий ўқув юртларининг домлалари орасида порадан ҳазар қиладиганлари, унга яқин йўламайдигани ҳам бор эди. Аммо улар ҳам юзлари шувит бўлиб, бошлари маломатдан чиқмас эди. Ислом Каримов қабул имтиҳонларида тестни жорий қилди, назоратни кучайтирди, уч-тўртта қўли эгриларни қаттиқ жазолади. Қарабсизки, ириб-чириб кетган соҳа кўз ўнгимизда ўзига кела бошлади, адолат тикланди, фақат билимли ёшлар-



гина ўқишга кира бошлади. Ҳар ҳолда «фалон институтга фалонча бердим» қабилидаги гаплар ўз-ўзидан тўхтади. Қанчадан-қанча оддий одамлар «қилса бўлар экан-ку» деб енгил нафас олди ва яна Президентнинг ҳақиға дуо қилмоқ учун кўл кўтаришди.

Президент Ислон Каримовнинг юртимиз равнақи йўлида қилаётган ишлари ҳақида гапирганда, уларнинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш шарт. Бу — маънавият борасидаги ишлардир. Ислон Каримов теран билим эгаси сифатида яхши биладикки, бугунги дунёда фақат моддий бойликлар, техника тараққиёти соҳасидаги ютуқлар билан чекланиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг келажаги буюк экан, буни фақат ҳар томонлама комил инсонларгина ярата олади. Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин. Манқурт эса на Ватанни билади ва на онани танийди. Манқурт ёвузлар қўлида қурол бўлади, холос. Ислон Каримов буни жуда яхши билади ва бизнинг одамларимиз маънавият масалалари ҳақида узлуксиз ўйламоқлари кераклигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмай ўзини Ўзбекистондаги маънавиятнинг асосий ҳомийси деб эълон қилди. Шунинг учун халқ маънавиятининг юксалишига хизмат қиладиган бирорта соҳадан маблағ аяётгани йўқ. Кейинги икки-уч йил ичида Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Андижонда ва яна бошқа шаҳарларда шундай иморатлар қурилдики, улар бугун жаҳон меъморчилигининг энг ноёб ва мукамал намуналари қаторидан ўрин олмоғи мумкин. Ажаб эмаски, бугун биз Самарқанду Бухорода ёки Хивада бобокалонларимиз қуриб кетган бинолар билан қандай ғурурланаётган бўлсак, бизнинг невара-чевараларимиз ҳам ҳозир биз қураётган қошоналарни ҳаммага кўз-кўз қилиб, фахрланиб юрсалар.

Сўнгги йилларда халқ истеъдодларининг гуллаб-яшнашига катта ғамхўрлик қилинмоқда. Кўп узоққа бормайлик — фақат биргина 1997 йилда бўлиб ўтган байрамлардаги концертларни эслайлик. Мустақиллик куни, «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови, «Шарқ тароналари» ва яна... Шу концертларни кўриб ўтириб, кўзларимга ёш келди, уларнинг ҳаммаси ҳам мазмунан, ҳам шаклан турфа хил ва баркамол, бир-бирини такрорламайди. Беихти-

ёр ўйлаб кетасиз — халқимиз бунча истеъдодли бўлмаса?! Қаерда ётган эди шунча истеъдод? Гўё улар ер остида ётган булоқ эди-ю, бирдан булоқнинг кўзи очилиб, истеъдодлар қайнаб чиқа бошлади.

Кейинги йилларда шахсан Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маънавият» нашриёти, «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, Хоразмда Маъмун академияси ва Тошкентда Бадиий академия ва яна бошқа ўнлаб ташкилотлар очилди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюкларимизнинг, бобокалонимиз Амир Темурнинг, олим ва давлат арбоби Улуғбекнинг улуғ сиймолари тикланди. Ҳозирги кунларда эса Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзодларнинг саналарини, буюк халқ эпоси «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик кетяпти. Чиндан ҳам улуғвор ишлар! Улуғ халққа ярашадиган катта ишлар! Шуларни ўйлаганда, Мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган борйўғи етти йил ичида шунча иш қилинганига мағрурланиб кетасан киши.

Кейинги пайтларда телевидение орқали ёхуд бошқа йиғинларда, учрашувларда, мажлисларда Ислом Каримов халққа мурожаат қилиб, чуқур ҳаяжон ичида «азиз дўстлар, мен сизларни яхши кўраман, ҳаммаларингизни бағримга босгим келади» деган гапни бир неча марта такрорлади. Эътибор берган бўлсангиз, бу гапларда ясамалик йўқ эди, улар қалб қаъридан сизиб чиққан самимий гаплар. Президент чиндан ҳам Ўзбекистон халқини бағрига босгиси келади, бисотида бор жамики бойлигини, жамики муҳаббатини унга бағишлашни истади. Бу гапни фақат сўзма-сўз тушунмаслик керак. У юртнинг келажagini ўйлайди, бу юртда ҳар бир хонадоннинг тинч, осойишта ҳаёт кечиршини, унинг дастурхонидан файзбарака кўтарилмаслигини истади. Эҳтимол, бу қутлуғ орзу ҳали тўла ушалиб улгурмагандир, эҳтимол ҳали номукамал ҳаётимизда кемтиклар анча-мунча топилаётган. Бу табиий, янги жамият бир кунда қурилмайди. Энг муҳими, шу олижаноб ният йўлида изланмоқ ва меҳнат қилмоқдир.

Йўлбошчи бўлиш шарафли, лекин жуда қийин иш.

Ахир, йигирма тўрт миллион кишилик юртнинг юки енгил бўладими? Билмадим, Президент бирор куни лоақал уч-тўрт соатга юрт ташвишини қилмай, фақат ҳузур-ҳаловатга берилиб, истиқомат қила олармикан? Менимча, бунинг имкони бўлмаса керак. Йўлбошчилик – тинимсиз меҳнат, тинимсиз изланиш, тунни тонгга уланиб кетадиган уйқусиз кечалар. Бунинг эвазига эса фақат бир мукофот – бугунги ўзбек дўпписини бошига қўйиб, ҳеч кимдан ўзини паст қўймай, қаддини ғоз тутиб, гердайиб юрса, дунёнинг ҳар бурчагидаги одамлар «ўзбек» деганни эшитганда ички бир ҳурмат ва тавозе билан бир тин олиб қўйса, бас!

## МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРИ

*Президент Ислам Каримов сиймосига чизгилар*

Мени олий унвон билан мукофотлаш тўғрисидаги фармон эълон қилиниши биланоқ журналистлар «Қалбингиздан қандай ҳислар кечмоқда?» деб савол беришди. Савол бир оз риторик руҳда эди – унинг жавоби олдиндан маълум. Ўзингиз ўйланг, Ватанининг энг олий мукофотиغا сазовор бўлган одам қалбида қувончу шодликдан, мамнунияту ифтихордан бошқа яна қандай ҳислар бўлиши мумкин? Менинг ҳам бошим осмонга етди, албатта. Фақат менгина эмас, бутун оиламиз, қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар, шоғирдлар биргаликда қувондик, Президентимиздан чексиз миннатдор бўлдик.

Тўғрисини айтсам, бу мукофот мен учун мутлақо кутилмаган бир неъмат эди. Бундай ишлар одатда аввалдан овоза қилинмайди, лекин шундай бўлса-да, барибир, шабадаси сезилиб қолади – мукофотга лозим кўрилган одамни бирор ташкилот тавсия этади, унинг тўғрисида анчамунча хужжатлар йиғилади. Аммо мени ҳеч ким ҳеч нарсага тавсия этгани ҳам йўқ, менга тегишли бирон-бир хужжат ҳам тайёрланмади. Унвон тўғрисида мен фармон телевизорда ўқилишидан ярим соатгина олдин эшитдим ва ҳанг-манг бўлиб қолдим... Воқеанинг тафсилотини Мустақиллик майдонидан байрам томошасини кўриб, чиқиб келаётганимизда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов айтиб берди:

– Сизни мукофотлаш фикри шахсан Президентнинг ўзларидан чиқди. Давлат мукофотларига тавсия этиш комиссиясининг йиғилишида сизнинг саломатлигингизни сўраб-суриштирганларидан кейин «Домлага Қаҳрамонлик унвонини берсак, нима дейсизлар?» деб сўрадилар. Биз «Қандоқ бўларкан, яқинда орден олган эдилар», дедик. «Бир гал қоидадан чекинсак, ҳеч нарса қилмас», дедилар Президент.

Бу гапни эшитиб қувончимга яна қувонч қўшилди. Бу улуг инсоннинг саховатпешалиги, бағрикенглиги, одамларга ғамхўрлиги беқиёс эканига яна бир марта амин бўлдим. Бутун вужудим қувончга тўла эди-ю, лекин кўнглимнинг бир чеккасида бир ўй ўқтин-ўқтин ғимирлаб қўярди: «Нега мен? Мендан муносиброқлар ҳам борку! Мен ҳали бу унвонга лойиқ хизмат қилиб улгурганим йўқ. Нечук Президент менинг камтарин хизматимни бу қадар юксак баҳолади? Нима бу – омадимнинг чопгани, толенинг кулиб боққаними?»

Саволлар... саволлар... Ҳарчанд ўйлаган билан тагига етиб бўлмасди.

Мақтанишга йўймайсиз-у, муҳтарам ўқувчим, мустақиллик йилларида мен Президентимизнинг диққат-этиборини, ғамхўрлигини мунтазам равишда сезиб келмоқдаман. Зарур топган чоғларида мени ҳузурларидаги баъзи бир муҳим мажлисларга таклиф қиладилар, бетоблик пайтларимда вакиллари юбориб ҳолимдан хабар оладилар, мақолаларимни ўқиб фикр-мулоҳазаларини айтадилар. Давлат ишлари билан ҳар қанча банд бўлишларига қарамай, назаримда, у киши мени муттасил кузатиб тургандек туюлади. Бундай этибор менга жуда катта куч-қувват беради, бамисоли қанот бағишлайди. Президентнинг назарига тушиш – халқнинг назарига тушиш билан баробар. Айниқса, ёш улғайган бир даврда бундай этиборга эришиш – зўр бахт. Шунинг учун журналистлар баъзан «Мустақиллик шахсан сизга нима берди?» деб сўраб қолишса, «Мен ўзимнинг юртимга, халқимга керак эканимни, янги Ўзбекистонни барпо этишда менинг ҳам ўрним борлигини теран ҳис қилдим», деб жавоб бераман. Лекин, барибир, яна ўша савол кўндаланг бўлаверади: наҳотки, бу

марҳаматлар, диққату эътибор, ғамхўрликларга ўзимнинг қай бир сифатларим туфайлигина сазовор бўлаётган бўлсам? Ахир, мен оддий бир зиёлиман, қандайдир фавқулодда сифатларим ҳам йўқ... Бу тўғрида ўйлаганим сари бир тўхтамак келаман – ҳа, гап менинг ўзимдагина эмас. Албатта, менда ҳам қандайдир ижобий сифатлар бўлса керак, лекин улар мен кўраётган иззат-икромлар учун кифоя қиладими? Йўқ, бу ўринда гап Президентнинг муносабатида, унинг табиатида, бағрикенглигида. Назаримда, унинг менга бўлган эътибори жонажон Ватанига – Ўзбекистонга, унинг халқига бўлган улкан муҳаббатидан бир учкун бўлса ажаб эмас. Ислом Абдуғаниевич кўпгина йиғинларда, анжуманларда тез-тез «Барчангизни бағримга босаман ёки Ўзбекистоннинг ҳамма болалари – менинг фарзандларим» деган гапларни айтади. Менимча, бу сўзлар шунчаки лутфкор иборалар эмас, балки улкан юрак тубидан отилиб чиққан самимий дил изҳорларидир. Жисмонан имкони бўлганда, Президент чиндан-да, ҳаммани бағрига босар, бирон одамдан саховатини дариф тутмаган бўлар эди.

Мен Ислом Каримовнинг асарларини ўқиб, унинг турли вазиятлардаги феъл-атворини кузатиб, қилган ишларини кўриб шундай хулосага келдимки, бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазиятда самимийлигини сақлаб қолишга интилади, расмиятчиликни жиндан бадтар ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли, зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Хуллас, улкан сиёсатчи учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик ва дадиллик қўшилиб, уни бениҳоя қатъиятли инсонга айлантирган. Айни чоғда, одамларнинг табиатини яхши ҳис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар.

Яخشиси, мен Юртбошимиз ҳақида билганларим ва ўйлаганларимдан бир шингил гапириб берай, эҳтимол, сиз ҳам фикрларимга қўшиларсиз ва мен билан бирга Оллоҳ таоло ўзбек халқига ҳар жиҳатдан муносиб Йўлбошчи ато этганига қувонарсиз.

Саксонинчи йилларнинг охирларида умримда биринчи марта мен вилоят партия конференциясида вакил сифатида иштирок этдим. Ўша кезларда мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол анча ночор эди, лекин шунга қарамай, конференция жуда катта дабдаба билан ўтди. Мажлис зали ҳар хил шиорлар ва хитоблар билан безатилган, фойеда эса турли ноз-неъматлар, танқис таомлар ҳайрон қоларли даражада арзон нархда сотилиб турди. Конференция бир кун давом этдими ёки икки кунга чўзилди — ҳозир аниқ эсимда йўқ. Нима бўлганда ҳам, мен илгари ҳеч қачон бунақа зерикарли, бунақа диққинафас йиғинни кўрмаган эдим. Анжуман олдиндан белгилаб қўйилган қатъий тартиб асосида ўтди: мажлис очилди, ҳайъат сайланди, регламент белгиланди, маъруза ва қўшимча маърузалар ўқилди, кейин музокара бошланди. Аммо маърузалар ҳам, нутқлар ҳам бир-бирига ўхшаш адоқсиз такрорлардан, ҳамду санолардан иборат эди. Уларнинг биронтасида жонли фикр, кишини ҳаяжонга соладиган бирор жиддий мулоҳаза йўқ эди. Шундай таассурот туғилардики, бу нутқларнинг ҳаммасини конференциядан олдин кимдир кўздан ўтказиб, бир хил қолипга солган, «ғадир-будур» жойларини тарашлаб, силлиқлаб қўйгандай эди. Нотиклар ўзининг итоатли ва интизомли вакил эканини намойиш этиб, гўё оламшумул муаммони ҳал қилиб ташлаган одамдай виқор билан минбардан тушиб кетарди. Бунақа мажлисида соатлаб қадалиб ўтириш кони азоб эди. Аммо чидамоқ керак — мажлисни ташлаб чиқиб кетиб бўлмайди, «партия интизоми» деган гап бор, бунақа шаккоклик учун суробингизни тўғрилаб қўядилар. Қўйингки, шу аҳволда бир амаллаб конференциянинг охирига ҳам етиб келдик. Вилоят партия қўмитасини сайлашга киришилди. «Сайлаш» деяшман-у, лекин шўро замонида ҳар қандай сайлов номигагина ўтказилар, аслида, керакли одамлар керакли жойга тайинлаб қўя қолинар эди. Вакиллар эса шунчаки расмийат учун қўлларини кўтариб ёки тушириб «сайлов»да иштирок этарди. Мажлисида ўтириб ўзимга ўзим ачиниб кетдим, бутун вужудимда бу ўйинларга қарши норозилик уйғонди. Ҳадемай норозилигимни ифодалашга қулай баҳона ҳам топилди. Ви-

лоят қўмитасига номзодлар рўйхати тарқатилди. Назарим-да, рўйхат бир ёқлама тузилгандай кўринди. Қўлимни кўтариб сўз сўрадим. Мажлисни олиб бораётган мутасадди эн-саси қотиб, жеркигандек:

— Ҳа, нима гапингиз бор? — деди.

— Рўйхатга биронта ҳам ёзувчи ёки олим киритилмабди. Мен қуйидагиларни рўйхатга қўшишни таклиф қиламан... — шундай деб уч ёзувчининг номини айтдим.

— Тартибни биласизми ўзи? — деди мутасадди. — Ҳозиргина рўйхат остига чизиқ тортилсин, деб ўзингиз ҳам қўл кўтардингиз. Чизиқ тортилгандан кейин, тамом, унга ҳеч кимни қўшиб бўлмайди. Бундан ташқари, вилоят қўмитаси сизнинг илмий кенгашингиз эмас...

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, — дедим ўжарлигим тутиб. — Ҳолбуки, қўмита илмий кенгаш даражасида ва ҳатто ундан ҳам юқорироқ даражада бўлиши керак. Менга сўз беринг, далилларимни айтай...

Даҳанаки жангимиз одамларнинг эътиборини тортди — ҳамма сергакланиб, гап нима билан тугашини кута бошлади. Раис ҳам мени ўз жойимга ўтқазиб қўйиш учун оғиз жуфтлади. Шу пайт ҳайъатда ўтирган бир одам луқма ташлади:

— Шошманг, — деди у раислик қилаётган мутасаддига. Кейин мажлис аҳлига мурожаат қилди: Қўмита таркиби уч кишига кўпайса, нима қилади? Осмон узилиб ерга тушадими?

Залдан «ҳеч нарса қилмайди, бўлаверади» деган овозлар эшитилди.

— Шундай бўлсин деганлар қўл кўтарсин!

Ҳамма баравар қўл кўтарди. Ҳайъатдаги одам яна залга мурожаат қилди:

— Домла таклиф қилаётган одамларни биласизларми? Тузук одамларми? Сайласак бўладими?

Залдан яна «биламиз, тузук одамлар» деган овозлар эшитилди.

— Қани, бўлмаса, шу уч киши рўйхатга киритилсин деганлар қўл кўтарсин!

Таклифим бир овоздан қабул бўлди. Лекин мен бу учун хурсанд бўлишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, мени ҳайъатдаги одамнинг муносабати лол қолдирган эди. Мен

дарҳол ён-беримдагилардан у кишининг кимлигини сўрадим. У киши янги саркотиб Ислом Абдуганиевич Каримов экан. Буни билгач, ҳайратим яна ўн чандон ортди. Негаки, бизга ўхшаган оддий аъзолар партиянинг «темир қонунлари»дан баъзи бирларини аҳён-аҳёнда билиб-билмай бузиб турса, ҳечқиси йўқ эди. Аммо бу ишга саркотибнинг ўзи бош қўшса, нима дейиш керак?! Ахир, аксинча, унинг асосий вазифаларидан бири – бу тартибларни мутгасил мустаҳкамлаб бориш, уларнинг тўла-тўқис бажарилишига эришиш эмасми? Бу йўлда улар ҳаётий заруриятларни ҳам, мантиқ талабларини ҳам инобатга олмасликлари зарур. Аслида, бу борадаги бирдан-бир «тўғри йўл» расмиятчилик удумини маҳкам тутиш эди.

Аммо янги саркотибимиз бундай одам эмас экан – у табиатан тўғри, ҳақиқатгўй, бағрикенг инсонлигидан ҳар қандай расмиятчиликдан юқори турар экан. Албатта, Ислом Каримовнинг ўша кунги таклифга муносабатида – партиявий удумларнинг қотиб қолган шаклларига қарши чиқишида алоҳида бир фавқулоддалик йўқ эди. Бироқ вилоят конференциясидек катта анжуманда ҳамманинг кўз ўнгида партия «демократияси»нинг асосий тирговичларидан бирига айланиб қолган «сайлов» тартибларига қарши чиқмоқ ҳазилакам гап эмас эди. Бунинг учун саркотиб кишининг қўл-оёғигагина эмас, тафаккурига ҳам тушов бўладиган қолиплардан холи, том маънода эркин инсон бўлмоғи лозим эди. Кейинги учрашувларимизда мен бу хулосамнинг тўғри эканига неча марталаб амин бўлдим. Ўша куни Ислом Каримов чин инсондай фикрлаб, чин инсондай ҳаракат қилди. Бу жасорат эди, чунки шўро замонида инсондай яшамоқ ва инсондай фикрлаб, инсондай ҳаракат қилмоқнинг ўзи ҳам катта қаҳрамонлик талаб этарди. Кейинги воқеалар ниҳоят республикамиз юртбошига ёлчиганидан далолат берди, сўнгги ўн-ўн икки йиллик тарихимиз ҳам айни шу ҳақиқатнинг исботидир.

Ислом Каримов саркотиб бўлиб иш бошлаганда юртимиз ўз тарихидаги энг мудҳиш, энг қора кунларни бошдан кечирмоқда эди. Бутун мамлакат бўйлаб кучайган бўҳрон республикамиз осмонини ҳам қора булутларга чуллаган, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги тангликлар ҳар қадамда бири биридан чигал муаммоларни туғдириб, одам-



лар ҳаётини осойишталик ва хотиржамликдан маҳрум қилган эди. Бунинг устига, Шароф Рашидов вафотидан кейин юртимизга раҳбар бўлган одамлар ношудликлари ва уқувсизликлари сабабли, бўҳроннинг янада чуқурлашишига йўл очдилар. Улар мураккаб муаммолардан саросимага тушиб, вазиятдан чиқиш йўлини топа олмай, мавқеларини сақлаб қолиш учун халқнинг қўл-оёғини боғлаб, қассоблар ихтиёрига топширишдан ўзгасига ярамадилар. Уларнинг бири ёрдам учун Марказдан «десант» чақирди, бошқаси бу «десант» фаолияти қанчалик «самарадор» ва «фойдали» бўлгани тўғрисида ҳамду санолар ўқиди. Бу «сиёсат»нинг оқибати жуда хунук бўлди, мудҳишлик жиҳатидан 37-йиллардагидан қолишмайдиган қатағонлар бошланди. Бу ишлар шунинг учун ҳам Марказга маъқул тушдики, шу тариқа гўё бутун СССРни ич-ичидан емираётган бўҳроннинг «айбдор»ларини топиш имкони туғилди – «Ўзбеклар ўғри, ўзбеклар текинхўр, барча бойликлар шуларнинг жиғилдонига кетяпти, ўзбекларнинг ҳаммаси битиб кетган, шундоқ бўлгандан кейин мамлакат қандай ривожлансин?!»

Бу афсоналар, албатта, газетада ёзилган гапларнинг ҳаммасига чиппа-чин ишонадиган оми одамларга мўлжалланган эди, аммо улар мамлакатдаги қийинчиликлар сабабчиси ўзбеклар дея, ҳақиқий гуноҳкор бир ёқда қолиб, бор нафратини ўзбекларга қарши йўналтирди. Гдяну Ивановга ўхшаган «шоввоз»лар эса тажрибали, синалган кадрларни йўқ қилишга, республиканинг гули бўлган одамларни қамоқларда чиритишга зўр берди. «Қама-қама» васвасасига учраган бу ваҳшийлар шу даражада жазавага тушиб кетдики, бутун умри давомида пахта экиб, пахта етиштиришдан бошқасини билмаган оддий заҳматкашларни ҳам таъқиб остига олди. Юртимизда мотамсаро кайфиятга тушмаган хонадонни топиб бўлмай қолди, ҳамма жойда адолатсизлик ва ҳақсизлик, ҳақорат ва зулм ҳукм сурарди.

Ислом Каримов иш бошлаган илк кунлариданоқ ана шундай мураккаб ва ғоят мушкул муаммоларга дуч келди. У ўзбек халқини оғир маломатлардан қутқармоғи, юртни мислсиз бўҳрондан халос этиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатмоғи керак эди. Ўша шароитда бу бамисоли катта бир тоғни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўйиш

билан баробар эди. Ҳатто жуда зўр шижоату қатъиятга эга бўлган жасур ва довюрак раҳбар ҳам бундай вазифани удаллаши амримаҳол эди. Негаки, шўро замонида миллий республикаларда нафақат оддий одамларнинг, балки биринчи раҳбарларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари чекланган эди. Агар бундай арбоб шаккоклик қилса ё «керагидан ортиқ» ташаббускор бўлса, унинг баҳридан ўтиб қўя қолинарди. Шўронинг аёвсиз қатағон усуллари билан донг таратган ташкилоти – КГБ ҳали бақувват эди, ҳали у қўлини қаерга чўзса етарди. Хуллас, бутун бошли тузумга, унинг ошкора мустамлакачилик сиёсатига, уни ҳимоя қиладиган мафкуравий ва ҳарбий кучларга қарши яккама-якка жангга киришмоқ зарур эди. Бунинг учун фавқулодда қатъиятга эга бўлмоқ, ўзига ишонмоқ, том маънода шерюраклик талаб қилинарди. Бахтимизга, бизга юртбоши бўлган инсон ана шу сифатларга эга экан. У иккиланиб ўтирмасдан майдонга дадил тушди. Биринчи навбатда келгинди тафтишчиларни юртдан қувлаб чиқарди, минглаб бегуноҳ қамалганларни озод этди, асоссиз бошланган тергов ишларини бекор қилдирди – кўплаб оила бошлиқлари болачақаларининг бағрига қайтди, одамларнинг чеҳраси ёришди, кўксига шамол теккандек бўлди, уларнинг қалбида адолат ва ҳақиқатга ишонч тикланди.

Албатта, бунга эришиш осон кечмади – олий мақомга эга бўлган турли-туман идора ва мансабдор шахслар билан жанг қилишга, муттасил талашиб-тортишишга тўғри келди. Ҳақиқат букилар, лекин синмайди, дейдилар. Аммо букилган ҳақиқатни тўғриламаоққа киришган одамнинг бели синиши мумкин... Бу ишларнинг нечоғли машаққат билан қилинганини кўрсатиш учун биргина мисол келтираман.

1990 йил 20 июлда Ўзбекистон Олий судининг пленуми «пахта ишлари» юридик жиҳатдан асосланмагани ҳақида қарор чиқарди.

1990 йилнинг 26 октябрида СССР Олий судининг раиси бу қарорни бекор қилишни талаб этди.

1990 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистон Олий судининг пленуми бу талабни рад этди.

1991 йилнинг 25 мартда нуфузли «Известия» газетаси шу тортишувга аралашди.

1991 йил 17 майда СССР Олий судининг пленуми Ўзбекистон Олий суди пленумининг қарорини бекор қилди.

1991 йил 20 май кўни Ўзбекистон Олий суди Илмий маслаҳат кенгаши бир гуруҳ етакчи ҳуқуқшуносларга мурожаат қилиб, улардан фикр сўрайди ва академик В. Н. Кудрявцев, профессорлардан С. В. Бородин, И. М. Галперин, Н. В. Радутная, И. И. Карпец, Ю. П. Касаткин Ўзбекистон Олий судининг қарори батамом тўғри экани ҳақида фикр билдиришади.

Бу — ўзбек халқини бадномликдан қутқариш йўлида олиб борилган мислсиз жангнинг бир лавҳаси эди, холос. Шу курашнинг бошида унинг ташкилотчиси ва илҳомчиси сифатида Ислоҳ Каримов турди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз она юртимизнинг истиқболи йўлида бири биридан улуғ, бири биридан муҳим кўп ишлар қилди. Мен улардан биронтасини камситмаган ҳолда, Ислоҳ Каримовнинг юртбоши сифатида қўйган биринчи қадамини энг қутлуғ қадам деб, ўзбек халқини маломатдан қутқариб, унга тинчлик ва хотиржамликни қайтариб берганини энг улуғ жасорат, тенгсиз бир қаҳрамонлик деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бутун юртимиз бу фидойи инсоннинг ана шу буюк хизматини эътироф этади ва юксак қадрлайди.

\* \* \*

Шундай одамлар борки, улар билан ҳар бир учрашув кўнгилда ўчмас из қолдиради. Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ана шундай одамлар сирасига-киради. У киши билан ҳар учрашганимда кўнглимда қандайдир нурли туйғулар пайдо бўлар, улардан бутун вужудимга алланечук қувват югургандек туюлар эди. Шундай учрашувлардан бири ҳали ҳикоя қилиб берганим вилоят конференциясидан кейин кўп ўтмай юз берди. Бу тасодифий учрашувда ҳам мен Ислоҳ Каримовнинг кишини лол қолдирадиган ажойиб сифатларидан яна баъзи бирларини кашф этгандай бўлдим.

1990 йили биз профессор Бегали Қосимов билан бирга Москвага учмоғимиз, у ерда Ёзувчилар уюшмасида бўладиган бир мажлисда қатнашмоғимиз лозим эди. Самолётга чиқиб, жойимизга ўтирдик. Ҳадемай йўловчи чиқариш тўхтатилди. Биз ўтирган салоннинг олдинги томонида икки

қатор жой бўш қолди. Кейин, самолёт қўзғалишига бир-икки дақиқа қолганда ёрдамчи ва соқчилари билан салонга Ислом Каримов кириб келди. Улар ўша бўш жойларни эгаллашди.

Самолёт ҳавога кўтарилганидан сўнг бирмунча фурсат ўтгач, мен нима сабаб биландир салоннинг олд томониغا ўтдим ва жойимга қайтаётганда Ислом Каримовнинг менга тикилиб турганини кўриб, салом бердим. У киши алик олдилару кўришмоқ учун қўлларини узатдилар. Мен жадал бориб у кишининг қўлларини олдим.

— Қалай, соғ-омон юрибсизми? Кайфингиз чоғми? Бола-чақалар саломатми?

Ислом Каримовнинг муомаласи жуда самимий эди. Ўша конференция ва ундан кейинги бир-икки йиғинда қатнашганимни айтмаса, бу бизнинг биринчи марта яқиндан учрашувимиз эди. Шунга қарамай, у киши менга эски танишларидай муомала қилди. Ахир, республика раҳбари минглаб одам билан учрашади, мулоқотга киришган ҳар бир кишини эслаб қолиши шарт эмас-ку! Мен бу одамнинг хотирасига тан бермай иложим йўқ эди.

— Йўл бўлсин? — деб сўрадилар у киши. Мен Ёзувчилар уюшмасига кетаётганимизни айтдим.

— Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича комиссия бор. У ҳар йили бир-икки йиғилиб, долзарб масалаларни муҳокама қилади. Бу гал қатағон қилинган ўзбек ёзувчиларининг ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш масаласи кўрилар экан. Шу мажлисга бизни ҳам таклиф қилишган.

Ислом Абдуғаниевич бу гапга қизиқиб қолдилар — кўпроқ қайси ёзувчилар ҳақида гап кетаётганини, уларнинг ижодини тарғиб этишда қандай муаммолар борлигини сўрадилар. Чўлпон ва Фитратларни, уларнинг асарлари нега таржима қилинмаётганини суриштирдилар. Мен бу борада ҳамон қандайдир ҳадиксираш ва чўчишлар борлигини айтдим.

Ислом Каримов меросимизни ўзимиз авайлаб асрашимиз кераклигини, бу ишни бизга ҳеч ким қилиб бермаслигини айтдилар. Кейин Тошкентда Ёзувчилар уюшмасидаги аҳволдан рози эмасликларини изҳор қилдилар:

— Жуда мураккаб даврда яшаяпмиз. Бугун бугун халқ

ёзувчининг оғзига қарайди, унинг маслаҳатларига муҳтож. Ёзувчилар бўлса, билмадим, отасининг молини талашадимики, бир-бири билан тортишгани тортишган. Бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ аҳиллик керак.

Бу гапни Ислом Абдуғаниевич қандайдир бир ички дард билан айтди. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда ёзувчилар митингбозликка берилиб кетган ва ҳақиқатгўйлик баҳона ҳуда-беҳуда хитоблар, пухта ўйланмаган чақириқларни ўртага ташламоқда эди. Масъулиятсизлик билан айтилган бунақа гаплар катта можароларга сабаб бўлиши мумкин эди. Ахир, баъзи бир республикаларда шундай бўлмадими? Ёзувчиларнинг бийрон-бийрон гаплари одамларнинг юрагига гулгула солиб, уларни оёққа турғизмадими? Анчайин суҳандонлик билан бошланган митинглар хунрезликка, биродаркушликка олиб келмадими? Бундай можаролар бошлангач, кеча оғиз кўпиртириб одамларни «ҳақиқат ва адолат» учун курашга ундаган қаламкаш дўстларимиз ўзларини пана-панага уришмадими?! Ислом Абдуғаниевич мутлақо ҳақ эди – ёзувчининг ўйламай, масъулиятсизлик билан айтган биргина сўзи қуруқ хашакка учкун ташлашдай бўлиши ҳеч гап эмас эди.

Мен бу қисқагина суҳбатдан ғоят мутаассир бўлдим. Дарҳақиқат, бу одам эртаю кеч республика муаммолари билан банд, ҳозирги алғов-далғов замонда, қандай бўлмасин, барқарорликка эришиш, ўйиндан ўт чиқиб кетишига йўл қўймасликни ўйлар ва бу машаққатли ишда ижодкорларнинг ҳамжиҳатлик билан хизмат қилишини истар экан, деган фикрга келдим. Ким билади дейсиз, ўша таҳликали кунларда Ислом Абдуғаниевич турли тоифадаги зиёлиларнинг қанчаси билан батафсил суҳбатлар қурди экан! Буни билмадим-у, лекин эски тузумдан янги ҳаётга кўчиш бизнинг юртимизда нисбатан тинч, фожиаларсиз ўтганига бутун дунё гувоҳ.

\* \* \*

1991 йилнинг 31 август куни Президент Ислом Каримов Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. Халқимиз ҳақли равишда Ислом Каримовни мустақиллигимизнинг бош меъмори деб атайтиди.

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришмоқ — жуда қийин иш. Лекин уни сақлаб қолмоқ, истиқлол йўлига кирган ўлкани бўҳронлар ботқоғидан олиб чиқмоқ, турли-туман ёвуз кучлар хуружидан асрамоқ янада қийинроқ экан. Бунинг учун якка ният ва хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу иш беқиёс фидойиликни, чинакам қаҳрамонлик ва довюракликни, юксак ақл-заковат, улкан жисмоний ҳамда маънавий салоҳиятни талаб қилар экан.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бизни кўролмаган, кўрқитиб, дўқ-пўписалар билан йўлимиздан қайтармоқчи бўлган ёвуз кучлар турли ифво, ҳатто қонли хуружлар уюштирдилар. Фарғона воқеалари, Паркент ва Бўкадаги тўполонлар, Ўш можароси, Тошкентдаги зиддиятли тўқнашувлар... Буларнинг ҳаммаси жуда таҳликали ҳодисалар эди. Уларнинг ҳар бири она юртимизни қонли биродаркушлик уруши гирдобига тортиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бу оловларни ғоят босиқлик ва донолик билан ўчириш, одамлар орасига кириб, уларнинг қалбига йўл топиш лозим эди.

Мен бугун ўша мудҳиш кунларни ўйласам, бу можароларни бартараф этишда Президентимиз нақадар катта хизмат қилганига яна бир бор амин бўламан ва бу инсоннинг довюраклигига, жасоратига, чинакам қаҳрамонлигига таҳсинлар айтаман. Жунбишга келган оломон орасига дадил кириб бориб, у билан юзма-юз гаплашиш — қайнаб турган дошқозоннинг ичига тушишдай гап!

Хижолатли томони бўлса-да, бир воқеани айтиб берай. Фарғона воқеалари бошланган кунларда Москва телевидениеси мендан интервью олди. Мен хунрезликни қоралаб, қўлдаги қон юқи ҳеч қачон кетмаслигини, экстремистик ҳаракатларга асло йўл қўйиб бўлмаслигини айтдим. Эртаси куни уйимда телефон жиринглади. Гўшакдан мутлақо нотаниш кимсанинг овози эшитилди: «Нега бизни экстремист дедингиз? Жонингиздан умидингиз бўлса, тилингизни тийинг!» деб ўдағайлади у. «Мен ўзимнинг фикримни айтдим. Осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юбора қолинг!» деб кўрслик билан жавоб қайтардим жаҳл ус-тида. Шундай дейишга деб қўйдим-у, очиғини айтсам, юрагим орқага тортиб кетди. Бир неча кунгача хавотир ичида юрдим — замон оғир эди, кўча-кўйда ҳар куни тур-

ли хил зўравонлик ва безориликлар содир бўлиб турар, мафиянинг ошиғи олчи келган кезлар эди.

Ўзингиз тасаввур қилинг: минглаб одам жунбишга келган, бақириб-чақирган, мушт ўқталиб ўдағайлаган, кўзлар бежо, оғизлардан кўпик сачрайди. Хуллас, бошбоғини узган оломон ҳеч қанақа бошқарувга бўй бермайди, нуқул айтганини қилдирмоқчи бўлади. Беш-олти безорибашара, сўхтаси совуқлар оломоннинг ғазаб гулханига пайдар-пай мой сепиб турибди. Ана шу портлаш ёқасидаги ғазаб уммонига, жаҳли келиб, ақли кетиб турган одамлар орасига ёлғиз, қуролсиз, соқчиларсиз кириб бориш осонми? Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Циркда йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи артистлар арслоннинг оғзига бошини тикқанини кўргансиз. Оломон билан юзма-юз мулоқот қилиш арслоннинг оғзига бош суқишдан камми?! Лекин бирида — ўргатилган арслон, иккинчисида эса — ғазаб ўтида ёнаётган бебошбоқ оломон! Унинг ўртасига тушмоқ учун, унга керакли гапни сабр-тоқат билан уқтирмоқ учун қандай юрак, қанчалар жасорат керак!

Воқеаларга шоҳид бўлган одамларнинг айтишича, ўша кезларда Ислом Каримов доим бундай ҳодисаларнинг қоқ марказига етиб боришга ҳаракат қилган. 1990 йили Бўкада содир бўлган тартибсизликлар чоғида исёнкор оломон орасида Ислом Каримовни четда турганлар кўролмаб қолган. Шунда у киши отга миниб халққа мурожаат қилади... Ёхуд Наманган воқеаларини айтинг! Оломоннинг «раҳнамо»лари сурбетларча муомалада бўлгани, дўқ-пўписалар, дағал сўзлардан қайтмаганини эсланг. Ислом Каримов ўшанда, ҳаёти хавф остида қолаётганини хаёлига ҳам келтирмай, оломон ичига дадил кириб борган, юзма-юз, очиқчасига гаплашган, гаплашганда ҳам одамларни хушёр торгтирадиган, уларни тинч-тотувликка ундайдиган бирдан-бир тўғри сўзни, таъсирчан ибораларни топиб гапирган. Ҳамонки, ўшанда ўлкамизнинг у ер-бу ерида ловиллаган гулханлар бутун республикани чулғаб олувчи алангага айланмаган экан, бунда, биринчи навбатда, Ислом Каримовнинг хизматларини таъкидламоқ лозим.

Ўша нохуш воқеалар аллақачон кечаги кунга, ўтмишга, тарихга айланиб қолди. Баъзи бировлар бугун уларни унутиб юборишга ҳам мойил. Менимча, бу мутлақо хато.

Биз ҳамиша мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилмаганини эсда тутмоғимиз керак. Биз Президентимизни мустақиллигимиз меъмори деб атар эканмиз, унинг меъморлиги фақат мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берадиган турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда раҳбарлик қилишдан иборат бўлмаганини, балки Юртбошимиз ўз ҳаётини хавф-хатарга қолдириб, жонини жабборга бериб, мардлик ва матонат кўрсатиб истиқлолимиз пойдеворига асос қўйганини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим. Айни чоғда, улғайиб келаётган ёш авлодни ҳам бу ҳақиқатдан доимо воқиф қилиб бормоғимиз даркор.

Мен ўтган таҳликали кунлар тўғрисида ўйласам, Ислом Каримовнинг табиатида туғма курашчанлик, туғма қаҳрамонлик сифатлари борлигига амин бўламан. У енг шимариб кураш майдонига чиқишдан ҳеч қачон чўчимади. У мағлубиятни ёқтирмади ва ҳамиша ғалабага интилади. Афтидан, Президент ўзидаги бу сифатларни яхши билади ва уларни тарбиялаб, камолга етказишга ҳаракат қилади. Мен унинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишидан хабардор эдим. Яқинда бир одам унинг жисмоний машқларни нечоғли кунт билан астойдил бажаришини айтиб берди. У ҳафтада тўрт марта икки соатдан теннис ўйнайди, ўйнаганда ҳам ўзини аямай, роса ҳолдан тойгунча ўйнайди. Рақибни бўшашиброқ ҳаракат қилса, «Коптокни силаш эмас, мана бундай уриш керак!» деб танбеҳ беради...

Инсон учун бундай жисмоний машқлар нақадар зарурлигини мен шахсий тажрибамдан яхши биламан. Биз — домлалар дорилфунунда йигирма беш йил мобайнида ҳар ҳафта икки мартадан бирор кунни қанда қилмай волейбол ўйнаганмиз. Биз, албатта, олимпия чемпиони бўлганимиз йўқ, лоақал, Осиё биринчиликларида медаль олишга ҳам эришмадик. Лекин ҳар гал ўйиндан кейин худди байрамдагидек зўр кайфият билан, бардам бўлиб, яна икки-уч кун завқ билан яшашга ҳамда ишлашга тайёр ҳолда спорт майдончасини тарк этардик. Ислом Каримов нафақат ўзи жисмоний тарбия билан шуғулланди, у бутун Ўзбекистон аҳлини ҳам матонатли курашчи сифатида кўрмоқни истади. Шунинг учун юртимизнинг шаҳарларида ҳам,



олис қишлоқларида ҳам, айниқса, ёшлар ўртасида спортнинг оммавий ривожланишига ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу ғамхўрлик асло зое кетмади — юртимизнинг кўплаб вакиллари алақачон жаҳон чемпионлари, дунё кубоги соҳиблари, олимпия ғолиблари, Осиё биринчиликларининг совриндорлари бўлиб етишди. Мамлакатимиз тарихида ҳали ҳеч қачон биз спорт соҳасида бу қадар юксак шон-шуҳратга эришмаган эдик. Президент Ислон Каримов мустақил юртнинг фарзандлари ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи кераклигини яхши билади ва бунинг учун ҳамма шароитни муҳайё қилишга интилади.

\* \* \*

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ҳозир дунёда қирқ мингга яқин касбкор бор экан. Агар президентликни касб ёки ҳунар деб ҳисоблаш мумкин бўлса, у ўша қирқ минг касб ичида энг оғир ҳамда машаққатли, инсоннинг бутун жисмоний ва руҳий кучини талаб қиладиган вазифадир.

Дейлик, бугун ёмғир ёғиб қолса, мен, нари борса, зонтигимни, ёмғирпўшимни, қалинроқ пойабзалимни қидириб қоламан, Президент эса пахта ва ғаллани ўйлайди, бевақт ёққан ёмғир туфайли энди ҳосил тақдири нима бўлади, деб ташвиш чекади. Мен, масалан, фақат рўзғор ғами билан яшайман, шу биргина рўзғор аравасини ҳам инқиллаб-синқиллаб зўрға тортаман. Президент эса йигирма беш миллион одамнинг ташвиши билан яшайди. Йигирма беш миллион инсоннинг тинчлиги ва хавфсизлигини ўйлаш, ишлаши, ўқиши, ҳаёт кечириши учун шароит яратиб бериш, мамлакатнинг эртанги куни ҳақида қайғуриш — осон гапми?! Йигирма беш миллион одамнинг ҳар қайсиси ҳар хил табиатга, ҳар хил савияга эга — Президент улар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминламоғи керак. Масалан, бирор жойда бирор одамнинг бурни қонамадимикан, кимдир адолатсизлик ё ноҳақликдан азият чекмадимикан, бирор нопок амалдор деҳқоннинг ҳақиға кўз олайтирмаяптими, бирор юлғич пахтакорнинг ҳақини еб кетаётгани йўқми, ҳамманинг қора қозони қайнаб турибдими... Эҳ-ҳэ, бунақа ташвишларни санаб адо қилиб бўлмайди! Ана шу йигирма беш миллион фуқаронинг масъулият юки эртаю кеч Президентнинг зиммасида. У

бирор ишни «буниси енгил, жўн, мана буниси муҳим» деб бир чеккага суриб қўя олмайди. Мамлакатни галла, нефту газ билан таъминлаш, иқтисодиётни янги асосда юритишдан тортиб, юртимиз сарҳадларини дахлсиз асраш, Ватан осмонини беғубор сақлаш, бу йўлда ҳар хил давлатлар билан тил топишиш – буларнинг барчаси Президентнинг зиммасида.

Бугун мустақиллигимизнинг илк босқичидаги таҳликали кунлар оғтида қолди. Юртимиз осмонидан қора булутлар ариди, одамлар енгил нафас олиб, яна ҳузур-ҳаловатда яшай бошлади. Бошбошдоқлик йилларида авж олган рэкет, талончилик, босқинчилик каби жиноятлар ҳам аста-секин камайди. Мамлакатимиз тинч қурилиш даврига кирди. Одамлар энди кўпда ташвишланмай, бемалол тирикчилигини қилаверса бўладиган кунлар келди. Бу гап ҳаммага тегишли, фақат Президентгина бундан мустасно.

Президент учун ақл бовар қилмайдиган даражада шиддатли меҳнат йиллари бошланди. Ахир, шўролардан бизга шалоғи чиқиб кетган, деярли ишга ярамай қолган давлат ва хўжалик тизими мерос қолган эди-да. Ўта марказлашган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизим оқибатида республикаларнинг иқтисодий инфратузилмаси шундай хусусиятга эга эдики, ҳар бир йирик корхона қай бир жиҳати билан бошқа республикаларга боғлиқ эди. СССР парчаланиши билан улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди, аксарият корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолди. Буларнинг барини йўлга солиб юбормоқ, кўп ишларни бошидан бошламоқ, кенг қўламда иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказмоқ даркор эди. Бу гап – айтишга осон, уни амалга ошириш эса жуда-жуда қийин. Бу ислохотларнинг йўналишини, асосий тамойилларини белгилаб чиқиш, уларнинг натижасини олдиндан кўра билиш, самарадорлигига одамларни ишонтира олиш зарур эди.

Ҳаёт шундай серқирра жараёнки, у ҳар куни, ҳар қадамда янги-янги муаммоларни кўндаланг қўяверади, бунинг оқибатида жамиятда бири биридан мураккаб, бири биридан чигал масалалар келиб чиқаверади. Уларни муваффақиятли ҳал қилиш учун жуда теран ақл-заковат, билим ва ирода даркор. Бу жараёнларда ҳаммага бирдай маъқул ечимлар топиш қийин, кўпинча кимларгадир малол

келадиган, уларнинг тирикчилигини маълум даражада бўлса-да, чеклайдиган қарорлар қабул қилиш зарур бўлади. Бу эса ҳаммасидан оғир.

Мана, ўн йилдан зиёд вақт ўтибдики, Ислом Каримов ана шундай муаммолар ичида яшамоқда, уларнинг ечимини топиб, халқнинг оғирини енгил қилиш ташвишлари билан банд.

Бироқ ҳаёт, тараққиёт биргина иқтисодий муаммолардан иборат эмас — одамзод қорни тўқ, усти бут бўлибгина мукамал бахтга эриша олмайди. Инсон учун руҳият, маънавият масалалари ҳам муҳим.

Шу боис Ислом Каримов дастлабки қадамларданоқ маънавий камолот масалаларини, миллий қадриятларни кўз қорачиғидай асраш муаммоларини ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим вазифаси сифатида белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг кенг кўламли, пухта ўйланган дастурини ишлаб чиқди. Президент Ўзбекистоннинг салоҳияти буюклигига, унинг ўтмишда жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшганига асосланиб, келажаги ҳам буюк бўлиши тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Бу улғувор ғояни амалга ошириш учун эса юртимиз жаҳон ҳамжамиятида етакчи ўринлардан бирини эгалламоғи керак. Шу тариқа Президент фаолиятининг яна бир муҳим қирраси — халқаро робиталарда, бошқа давлатлар ва мамлакатлар билан муносабатларда намоён бўлган фаолияти бошланди.

Бу фаолият миқёсини тасаввур қилмоқ учун Президентнинг ўн-ўн бир йил мобайнида дунёдаги қайси мамлакатларга, неча марталаб бориб келганини, Тошкентда қанча катта-кичик давлатларнинг раҳбарларини қабул қилганини эсламоқ kifоя. Ахир, булар шунчаки кўнгилочар суҳбат ва учрашувлар эмас. Ҳар бир сафар, хорижий арбоблар билан бўладиган ҳар бир мулоқот кишидан қанчадан-қанча жисмоний ва руҳий куч, қанчадан-қанча ақл-заковат талаб қилади! Бунинг устига, Президент бирон мамлакатга бечораҳол, қашшоқ қариндош янглиғ хуржун кўтариб, қўл чўзиб борган эмас, балки ҳар гал хур ва мустақил Ўзбекистоннинг — ўз ғурурига эга, ўз ўтмиши ва келажагини яхши биладиган озод юртининг раҳбари сифатида ташриф буюрган. Унинг бошқа бирон давлат раҳбаридан кам жойи йўқ.

Лекин бу ҳақиқатни амалда – ишда ва ақл-заковатда исбот ҳам қилиб бериш керак. Мен Президентимизнинг бу қийин вазифани ҳам шараф билан ўринлатганини, бугун дунёнинг ўзига бино қўйган казо-казо арбоблари унга эҳтиром билан пешвоз чиқиб, эҳтиром билан кузатиб қўяётганини, у билан ҳисоблашаётганини, уни дўст сифатида ўзига яқин олиб, бу билан ифтихор қилаётганини кўриб беҳад тўлқинланиб кетаман, она юртимнинг, қадрдон халқимнинг жаҳон тарихида ўзига муносиб ўринга эга бўлиб бораётганидан бошим кўкка етади.

Биз Ўзбекистон мустақиллигининг ўн иккинчи йилига қадам қўйдик. Шу йиллар мобайнида Ислом Каримовнинг халқимиз, юртимиз ривожини йўлида қилган эзгу ишларини санаб чиқаман десангиз, катта бир китоб ёзсангиз ҳам камлик қилади. Йўқ, у ойлари номини янгиламади, ўзига олтиндан ҳайкаллар ясалмади, аксинча, у она юртимизнинг улуғворлигини ҳар биримизга яққол намоян қилиб берди.

Хўш, нима учун бу одам ўзини аямай, фидойилик билан ёниб яшаб, шу қадар улуғ ишларни амалга оширмакда? Нима учун мақтаниш, ўзига бино қўйиш унга мутлақо бегона? Нима учун у ҳар гал сессиялар ва бошқа анжуманларда нафақат ютуқларимиз, балки ҳали ҳал қилинмаган муаммолар, иқтисодий мураккабликлар, ислоҳотимиз нималарда оқсаб қолаётгани ҳақида астойдил куйиб-ёниб гапиради, жамоатчилигимиз, халқимизни бу муаммоларни бартараф этишга чорлайди?

Фикримча, буларнинг замирида фақат бир нарса ётади – у ўз юртини, ўз халқини дил-дилидан яхши кўради, унинг салоҳиятига ишонади, унинг ўтмиши ва келажаги билан ифтихор қилади, ўзини шу юртининг, шу халқнинг садоқатли фарзанди деб ҳисоблайди.

Менимча, бирон журналист Юртбошимиздан «Ҳаётингизнинг маъносини нимада кўрасиз?» деб сўраб қолса, у киши ҳеч иккиланмасдан «Шу муқаддас юртининг буюк келжагига замин ҳозирлашда, ҳар бир ватандошимизнинг фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ўзимни аямасдан хизмат қилишда» деб жавоб бериши мумкин ва бу жавоб айтиш ҳақиқат бўлади. Ислом Каримов «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким

қилиши керак» деган гапни кўп такрорлайди. Бу бежиз эмас. Бу — нафақат бошқаларга қаратилган, балки биринчи навбатда унинг ўз ҳаётий принципини белгилайдиган даъватдир.

Мен Президентимизга бу олий ниятларини амалга оширишда мустақкам соғлиқ, буюк муваффақиятлар, узоқ умр тилайман. Бугун у миришкор боғбон сифатида ҳориш нималигини билмай, юртимизни безавол бир боғу бўстон, жаннатмонанд гулистонга айлантириш учун меҳнат қилмоқда. Илоҳим, шу хизматларининг самараларини кўриш, улардан баҳраманд бўлиш бу улуғ инсонга насиб этсин!

Йиллар ўтар, бугунги юксак ниятлар ҳақиқатга айланар. Келажакнинг яшнаган боғларида авлодларимиз, не-вара-чевараларимиз мени ҳам ёд этиб, бу муҳташам боғу бўстонни яратган буюк давлат арбоби Ислом Каримовга бизнинг бобомиз замондош бўлган, деб қўйсалар бас — мен учун бундан ортиқ мукофот бўлмас эди.

2003

## ИСТИҚЛОЛ ЖИЛОЛАРИ

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!*

Мен ўз умримнинг анча қисмини истиқлолни қўмсаб, юртимизнинг қарамликдан қутулиб, ёруғ кунларга етишини кутиб ўтказганман. Албатта, шўро замонида бундай орзуларни ошкор қилиш мумкин эмасди, кўнглингда шунақа истаклар борлигининг ҳиди чиқса бас, оёғингни ерга теккизмасдан тегишли жойга олиб бориб қўярдилар. Лекин шунга қарамай орзу қилишни тўхтатмасдик. Айниқса, икки-учта энг синашта, энг яқин дўстлар халқнинг аҳволи оғир экани, ўзбек деҳқони «миллион жўякларга таралиб яшаётгани», саратон дошқозонининг ичига тушиб пахта етиштираётгани, лекин бу оғир меҳнатининг самараларидан ўзи баҳраманд бўлмаётгани, косаси оқармаётгани, бўзчи белбоққа ёлчимай умр кечираётгани тўғрисида кўп гаплашардик. Лекин бундан нарига ўтишга қўрқар эдик.

1991 йилнинг 31 августида, ниҳоят, биз орзиқиб кутган кун келди — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис минбари-

дан туриб, бутун дунё эшитадиган баланд овозда Ўзбекистон Мустақиллигини эълон қилди. Бутун зални тўлдириб ўтирган депутатлар учун бу сира кутилмаган бир гап бўлди, шекилли, улар ҳатто дабдурустан унинг маъносини тузукроқ илғаб ҳам олмадилар, ҳатто ўринларидан турмадилар, бўлар-бўлмасга пол тепиб, гулдурос қарсақ чалиб юрган одамлар бу гал лоақал чапак ҳам чалмадилар. Буларнинг бари ўша кезларда телевидениеда намоёйиш қилинарди. Депутатларнинг Ватанимиз тарихининг энг юксак, энг ардоқли, энг орзиқиб кутилган палласини бундай қарши олганларини кўриб биз ҳам роса ҳайрон бўлган эдик. Президент «Чапак чалмайсизларми? Нега индамай ўтирибсизлар?» дея хитоб қилганидан кейингина зал бирдан сесканиб уйғонгандай бўлди, депутатларга жон кирди ва бу буюк, унутилмас тарихий воқеага муносиб гулдурос қарсақлар янгради.

Ўшанда Ўткир Ҳошимов билан бирга Бешариқдаги санаторийда дам олаётган эдик. Қани энди ўшандаги қишлоқ зиёлиларининг, ўқитувчилар, шифокорларнинг, водийнинг ҳар хил жойларидан келган турли касбдаги, турли ёшдаги эркак-аёлларнинг хурсандчилигини кўрсангиз! Ҳамманинг юзида табассум, ҳамма бир-бирини олқишлаган, бир-бирига яхши тилаклар билдирган, ўз-ўзидан давра олиниб, ашула-ўйинлар бошланди, бир зумда аллақасқдан қиздириб олиб келинган чилдирманинг гижбанги ҳаволарни титратди. Ҳатто санаторийнинг мутасаддилари ҳам эриб кетди. «Бор-е» деб ўша куни ҳаммага ош тортди. Мана, шунга ҳам кўз очиб юмгунча ўн икки йил бўлипти. Кўҳна бобо тарихнинг тоши билан ўлчайман десангиз, унда бу муддатни тортиб кўришга ярайдиган бирон кичкина тош топилмаса керак, эҳтимол, уни аптекачиларнинг мисқоллаб дори тортадиган кичкина тарозиларида тортиш мумкин бўлар. Лекин бир одамнинг қаричи билан ўлчасангиз, ўн икки йил ҳам унчалик кичкина муддат эмас — ўртача одам умрининг олтидан ёки еттидан бир қисмини ташкил қилади. Аммо ҳар нима бўлганда ҳам, босиб ўтилган шу йилларда қилиб улгурилган ишлар нуқтаи назаридан қаралса, улар бирдан улуғ бир салобат касб этади, мазмунан жуда кенгайиб кетади. Курилишлар, бозор иқтисодиётига ўтиш, саноат соҳасидаги силжишлар,

олий таълим ва умуман таълим соҳасидаги ислохотлар, маънавият бобида тарихимиздаги унутилаёзган қадриятларнинг тикланиши, бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги ўрнига қайтарилиши, борган сари чирой очаётган, яшариб бораётган шаҳарларимиз... Эҳ-ҳе, айтаман деса, бутун бошли китоб ёзганда ҳам айтиб тугатиб бўлмайди. Ўтган ўн икки йилнинг яна бир аҳамиятли, ғоятда муҳим жиҳатини тилга олмай бўлмайди – афсуски, бу йиллар дунёда тинчлик, осойишталик йиллари бўлгани йўқ. Ҳали у қитъада, ҳали бу минтақада тўпларнинг гумбурлаши, ракетааларнинг совуқдан-совуқ чийиллашлари, танклар ва самолётларнинг ўкиришлари эшитилиб турди. Ҳатто собиқ шўролар худудида ҳам қонли можаролар тўхтамади, етим қолган болаларнинг фарёди тинмади. Сайёра осмони яна қора булутларга чулғанди. Лекин бизнинг юртимиз бу қонли можаролардан, хатарли ёнғинлардан ташқари бўлди, кексаларнинг, халқнинг дуоси ижобат бўлиб, юртимиз осмони тоза турди, унда ҳар хил қора қузғунлар учиб, бошимизга кулфатлар ёғдирмади. Халқимиз эса тинчликни жуда қадрлайди, айрим муаммолар бўлса ҳамки, элу юрт тинч бўлса, қонли урушлар бўлмаса, бола-чақаси омон, рўзғори тинч бўлса, Оллоҳга беадад шукурлар қилади. Ва... Президент Каримовни дуо қилади, унга узоқ йиллар сиҳат-саломатлик тилайди. Чунки биладик, буларнинг барига биз Президентимиз раҳнамолигида эришдик, унинг билимдонлиги, шижоати, довюраклиги, келажакка назар ташлай билиши, майда-чуйда нарсалардан устун туриб, узоқни кўзлай олиши ва ниҳоят, Ватан деб, эл-юрт деб куйиб-ёниб яшаши тўфайли эришдик.

Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Япония сафаридан қайтиб келди. Сафар ҳақида у билан анча гаплашиб ўтирдик – у кўп нарса кўрипти, кўп одамлар билан учрашипти, кўп нарсаларга қойил қолипти. Лекин уни энг ҳайрон қолдирган нарса тўғрисида ғоятда ҳаяжонланиб, тўлқинланиб гапирди:

– Биласизми, – деди Абдуллажон, – мен дунёни кўп кездим, турфа хил мамлакатларда бўлдим. Лекин ҳеч қаерда Япониядагидек ўзбек халқига ҳурмат-эътиборни кўрганим йўқ. Улар ҳатто тарихимизни, тилимизни ўрганишар экан.

Ўзбекча ўрганаётган япон ёшлари ўзбек билан унинг тилида бир-икки оғиз гаплашиш мақсадида ҳузуримга келишди. Лекин японлар ўртасида ҳаммадан ҳам Президентимизнинг обрўи катта экан, очикдан-очик суҳбатларда унинг Японияга ташрифини эслашиб, «Бунақа зўр давлат арбоби камдан-кам бўлади» дейишди.

Мен Абдуллажоннинг бу гапини эшитиб ғурурланиб кетдим. Ўзим ҳам мақолаларимдан бирида ЮНЕСКОнинг аввалги раиси, жаҳонга таниқли олим Федерико Майорнинг Парижда жуда муҳим сафарини кечиктириб, Ислом Каримов билан учрашувга келиб, нутқ сўзлагани тўғрисида ёзган эдим.

Яна бир воқеани эсга олмай бўлмайди. Бу Президентнинг Америкага сўнгги сафари вақтида рўй берган эди. Нью-Йоркда йирик давлат арбоблари, донгдор молиячилар, миллиардер бизнесменлар овқатланадиган ошхона бор экан. Мезбонлар Ислом Каримовни шу ерга олиб кириштипти — бу дастурдан ташқари бўлган экан. Залда уч юздан ортиқ одам овқатланиб ўтирган экан. Ислом Каримовнинг залга келгани баланд овозда эълон қилиниши билан ҳаётда унча-мунча президентларни менсимайдиган, уларнинг олдида бамайлихотир овқатини кавшаб, сақичини чайнаб ўтираверадиган уч юз одам ўринларидан сапчиб туриб, уни давомли қарсақлар билан олқишлапти.

Мен бу гапларни эшитганимда яна бир марта бир қоп семирдим — гўё ўша залда мен ҳам бор эдим-у Американинг манаман деган зодагонлари мени муборакбод қилиб қарсак чалишган эди. Аслида ҳам шундай эди-да — Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Президенти эди, у ўзбек халқининг вакили, шу халқнинг мухтор элчиси эди. Унинг шаънига янграган олқишлар айни чоғда ўзбек халқининг, менинг халқим шаънига янграган эди. Бунинг учун ифтихор қилмай бўладими?

Беихтиёр 70-йилларда бўлган бир воқеа эсимга тушиб кетди. Ўшанда биз — бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Тувага борган эдик. Шунда бизга бир вақтлар Туванинг мустақил давлат бўлганини, лекин уни собиқ СССР ва Мўғулистондан бошқа ҳеч ким танимаганини, Қизил шаҳрида шу икки мамлакатнинггина элчихоналари бўлганини айтиб беришди.



Мен Тува халқини камситмоқчи эмасман, лекин ўзингиз холисанилло айтинг — халқ учун бундан ортиқроқ хўрлик бўладими?

Шу 12 йил мобайнида Ислом Каримов жуда кўплаб катта-кичик мамлакатларга давлат ташрифи билан бориб келди, у ерларда юзлаб давлат арбоблари, сиёсатчилар билан учрашди. Анча-мунча сиёсатчилар, бизнесменлар, давлат арбоблари Тошкентга келишди. Бу одамларнинг кўпчилиги ўзига бино қўйган, ўта мутакаббир, биров билан тузукроқ кўришишни ўзига эп кўрмайдиган, мабодо кўришмасликнинг иложи бўлмаса, қўлининг учини бериб, бош ирғаб қўя қоладиган одамлар эди. Ислом Каримов шуларники ўзига ром қилиб, ўринларидан туриб қарсак билан олқишлашга мажбур қила олган экан, умрида бирор меҳмонини, қандай рутба эгаси бўлишидан қатъи назар, қасрининг эшигидан нари кузатиб чиқмаган япон императорини кўчасининг оғзигача кузатиб чиқишга мажбур қилган экан, демак, бизнинг Президентимиз чакана одам эмас экан-да! Хўш, Ислом Каримов нима учун «йўл азоби — гўр азоби» эканига қарамасдан машаққат чекиб бу сафарларга боради? Ўзининг ақл-заковатини, билимдонлигини, топқирлигини кўз-кўз қилиш учунми? Ҳар хил қитъалардаги турфа хил одамларни ўзига маҳлиё қилиш учунми? Йўқ! Менимча унинг асл мақсади бутун дунё аҳлига ўзбекнинг кимлигини таништириш, дунё-да Ўзбекистон деб аталмиш бир гўзал юрт борлигидан ҳаммани хабардор қилишдир. Назаримда, у бу мақсадига тўла эришди. Эҳтимол, 12 йил ичида биз ҳали дунёда ривожланган эмас, ривожланаётган давлатлар қаторида ҳам олдинги сафларга ўтиб олганимиз йўқдир. Эҳтимол, ҳозирча юртимизга келган ҳар хил меҳмонлар юзимизга қараб, «мунча қашшоқсизлар?» дея таъна қилиб кетишганда асослари ҳам бордир. Ҳақиқатан ҳам истиқлолимизнинг иқтисодий самаралари анча кечикиб келгандир. Лекин буларга чидаса бўлади, ҳадемай ёруғ кунлар, фаровон турмушга ҳам етишиб қоламиз. Аммо бутунги кунда Президентимизнинг инсоний жозибаси, гурури, ақли-заковати туфайли ўзбек халқини дунёнинг кўпгина жойларида яхши таниб олишди, у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолишди. Энг муҳими эса бутунги ўзбек қаддини тиклаб олди, гурурини тиклаб олди, биз дунёда ҳеч ким-

дан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни намоёиш қилди. Кечаги эзилган, таҳқирланган, бўйни эгик, мискин ва бечора бир халқдан бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг авлодларига муносиб ғурури сарбаланд бир халққа айландик. Буларнинг бари бор-йўғи 12 йилда содир бўлди! Бу ҳазил гапми? Бу Мустақиллигимизнинг энг буюк самараларидан бири эмасми? Мен бу мақоламга «Истиқлол меъмори» деб сарлавҳа қўйган эдим. Бу иборани халқдан олган эдим. Яна ва яна ишонч ҳосил қиламанки, Ислом Каримов чиндан ҳам истиқлолимизнинг баркамол бўлиши учун чин юракдан қайғурадиган инсон экан. Минтақамизда янги шароит вужудга келгандан кейин ҳар хил объектив ва субъектив сабаблар билан яқин қўшниларимиз билан орамизга совуқликлар тушди. Бу халқимизни ҳам, Президентимизни ҳам ташвишлантирмай қўймас эди. Чунки биз шунчаки жўн қўшнилар эмас, балки тарихий тақдирларимиз бир, дастурхонларимиз бир, тилимиз ва дилимиз бир хил халқлар эканимизни Президент яхши биларди. Биз бир-биримизга тумтайишиб, орамизга янги баланд деворлар қуриб яшай олмаймиз. Биз бир-биримизни узоқроқ кўрмасак соғинишиб қоламиз. Оллоҳнинг ўзи бизни яқин қўшнилар қилиб яратиб, насибамизни ҳам, қисматимизни ҳам бир-бирига яқин қилиб қўйган бўлса, ажаб эмас. Президентимиз буни ҳам яхши билганидан, алоқаларимиз йўлидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш борасида дастлабки қадамларни қўйди — Алматида бўлган сўнгги саммит бунинг далилидир.

Истиқлолимиз 12 ёшга тўлмоқда. Мен бу ўринда унинг бир жиҳати, бир жилоси тўғрисидагина сўзладим. Бу гапларнинг ёнига қўшимча қилиб, фақат бир нарсани айтиш мумкин — Мустақиллик одамларни ўз-ўзидан неъматларга, фароғатга кўмиб ташлайдиган афсонавий нарса эмас. Истиқлол ёки Мустақиллик бир имконият, холос. Бу имконият туфайли, унинг неъматларидан тўла фойдаланмоқ учун, юртимизни том маънода гулистонга айлантормоқ учун ҳар бир одам, ҳар бир фуқаро чин дилдан, ҳалоллик, фидойилик билан курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида! Ҳеч шубҳа йўқ — яхши ният ярим мол дейдилар, орзуимиз ушалажак, ёруғ кунларга эришгаймиз. Иншолло!

2003

## ИНСОН ҲАМИША МЕҲРГА МУҲТОЖ

Ўтган йили Конституция кунига бағишланган тантанали йиғинда Президентимиз Ислон Каримов 2004 йили «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилишни таклиф қилганда, Республикамизда қувонмаган одам қолмаган бўлса керак. Аммо ҳаммадан ортиқ менинг дўстим, келиб чиқишига кўра корейс миллатига мансуб АҚШ фуқароси Рональд Хонг хурсанд бўлди, десам муболаға бўлмас. У эртаси куниеъ бизни-кига келди-да, салом-алиқдан кейин кўтаринки оҳангда деди:

– Президент Каримовга хат ёзмоқчиман. Шунини маслаҳатлашгани келдим...

Мен хайрон бўлдим, «Унинг фаолияти билан боғлиқ бирон муаммо чиққан бўлса керакки, давлат бошлиғига мактуб йўллашга аҳд қилибди-да», деган фикр кечди кўнглимдан. Йўқ, бу тахминим тўғри чиқмади, гап бутунлай бошқа ёқда экан.

– Албатта, эшитган бўлсангиз керак, Президент 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишни таклиф этди. Кеча бу гапни эшитганимдан бери севинганимдан ўзимни қўйишга жой тополмайман...

Дарҳақиқат, Рональд Хонг АҚШ фуқароси бўлса ҳам, бу гап бевосита унга дахлдор эди. Мана ўн йилдирки, у юртимизда хайр-саховат улашиш билан банд. У бошчилик қилаётган фирма ногиронларга замонавий протезлар ясаб бериш билан шуғулланади.

– Биласиз, касбим тақозоси билан кўпгина мамлакатларни кезиб чиққанман. Албатта, ҳамма жойда ҳам меҳр-мурувват, саховат ва яхшилик деган тушунчалар одамлар ҳаётида катта роль ўйнайди. Лекин ҳеч қаерда мен сизнинг юртингиздагидек меҳр-мурувват, маънавият ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрмадим. Ҳеч қаерда сизнинг юртингиздагидек бундай муҳим давлат дастурлари ишлаб чиқилмайди ва уларнинг амалга оширилишига синчиклаб эътибор берилмайди. Қувончимнинг боиси шуки, демак, менинг ишларим беҳуда эмас экан-да?! Бу ишлар ҳам одамларга керак экан-да! Президентингизнинг таклифи бирдан менинг ҳаётимга чуқур маъно бахш этгандек, бу улуг арбоб билан менинг орамда аллақандай руҳий яқинлик пайдо бўлгандай бўлди.

Мистер Хонг кўп ажойиб одам. Бир қарасанг, жуда содда, ҳар нарсага ишонадиган одам. Баъзиларда учрайдиган калондимоғлик унга бутунлай ёт. Ёши етмишлардан ошган бўлса-да, доимо ҳаракатчан, тиниб-тинчимас. Ногиронлигига қарамай, ҳар куни бир неча чақирим югуради, эрталаб астойдил бадантарбия қилади, кўп пиёда юради. Бундай одамлар табиатан романтик ёки идеалист бўлади. У одамларнинг яхшилигига, бу дунёда ҳамма бир-бирига биродар эканига ишонади. У бу дунёни гўзаллик эмас, яхшилик қутқаради, дейди. Ҳар қандай инсон ҳаётининг маъноси бошқаларга яхшилик қилишда, оқибатли бўлишда, бир-бирини қадрлашда, бир-бирига меҳр улашиб, мурувват кўрсатишда деб ҳисоблайди.

— Мен Президентингиз фаолиятини анчадан бери кузатиб келаман, - дейди мистер Хонг. — Албатта, катта юртни, миллионлаб одамларни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Лекин, шунча ишу ташвишга қарамай, у ҳамиша оддий одамларни ўйлашдан тўхтамайди, у ҳар қандай одамнинг қалбида бўладиган инсоний туйғуларни уйғотишга ва ишга солишга ҳаракат қилади. Кўп давлат арбоблари сиёсатдан бўшамаган бир вақтда Ислом Каримов «Савоб ишни ҳар ким қилмоғи керак, ҳар кун қилмоғи керак» деган шиорни ўртага ташлади ва уни сиёсатга айлантирди. Мана, ҳозир ҳам меҳр-мурувват жамиятнинг маънавий ҳаётидаги энг муҳим омил эканини англаган ҳолда, бутун халқни меҳр-мурувватли бўлишга, яхшилик қонуни асосида яшашга чақиряпти... Бунга қувонмай бўладими?

Рональднинг гапларини тинглар эканман, юртим учун, халқим учун, Президентим учун фахрланишдан ўзга иложим қолмаган эди. Булар — Америкада улуғ бир мамлакатнинг оддий фуқароси томонидан айтилган сўзлар эди. Бу сўзларнинг замирида таъна ёки ғараз йўқ. Улар океан ортидаги олис юртдан насибаси кўшилиб, бизнинг ўлкага келиб қолган ва унинг табиатини, одамларини, уларнинг беғуборлиги ва тантилигини ёқтириб қолган олижаноб бир инсоннинг дил сўзлари эди.

Мен мистер Хонгга мактубни қандай ёзиш ва қандай жўнатиш борасида маслаҳатлар бердим. Мистер Хонг мактубни жўнатди. Фақат билмадим, у эгасининг қўлига бориб тегдими ёки йўл-йўлакай бирор ғаладоннинг тубига тушиб кетдими?

Хўш, меҳр нима? Мурувват-чи? Уларга нима деб таъриф бериш мумкин? Очигини айтсам, бу саволнинг жавобини билмайман. Лўнда ва мухтасар-таъриф беришдан ожизман. Фақат, билганим шуки, меҳрни ҳам, мурувватни ҳам кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди. Улар бозорда сотилмайди, ақчага топилмайди. Лекин сувсиз, ҳавосиз яшаб бўлмаганидек, меҳр-мурувватсиз ҳам яшаб бўлмайди. Яна шунга ишончим комилки, инсон инсон бўла бошлаган биринчи кунларданоқ меҳр пайдо бўлган ва инсонийликни белгилайдиган, уни «чорпо»дан ажратиб турадиган энг муҳим омилга айланган. Эҳтимол, муваффақиятли овдан кейин қабила аъзолари гулхан теграсида ўтириб, ўлжанинг гўштини тановвул қилаётганларида овчи йигит қўлидаги сўнгги бўлакни ёнида ўтирган онаси, аёли ё дўстига тутган бўлса, эҳтимол меҳр деганлари ўшандан бошлангандир. Хуллас, бора-бора меҳр ҳам диёнат, имон, инсоф, виждон каби жамиятни тутиб турадиган энг муҳим омиллар қаторидан ўрин олган. Тарихий тараққиёт аллақачон шуни исбот қилдики, жамият иқтисодий жиҳатдан ҳар қанча қувватли бўлмасин, унинг маънавий рукнлари заиф ва чиркин бўлса, у мутлақо яшай олмайди. Бу ҳақиқат минглаб йиллардан бери одамларга яхши маълум ва ҳамма улуғ динлар бу ҳақиқатларни одамлар қалбига мустаҳкам жойлаш билан, яъни кўнгилларини обод қилиши билан улуғлик ва боқийлик касб этганлар.

Мен яна бир нарсага аминман — маънавий қадриятлар ичида меҳр ва мурувват энг қудратлиси, энг мўъжизакоридир. Меҳр дарёларни тескари оқизмаса-да, одамни тубдан яхшилаши мумкин, бир одамдан бутунлай бошқа — юксак фазилатли, гўзал табиатли янги одамни бунёд қилиши мумкин. Жаҳон адабиётида бу мавзуда кўплаб ўлмас асарлар яратган. Улардан фақат биттасини мисол қилиб келтирай: буюк француз адиби Виктор Гюгонинг «Хўрланганлар» романини эсланг. Унинг қаҳрамони болалигида бир тишлам нонни ўғирлаб егани учун қамалган Жан-Валжан кўп йиллар мобайнида қамоқхоналар ва сургунарлар «дорилфунуни»да ўқиб ашаддий жиноятчи бўлиб етишади. Унинг юрагида шафқатсиз, бемеҳр жамиятга, адолатсиз одамларга нафратдан ўзга туйғу

йўқ. Уни қамоқдан бўшатадилар, лекин шубҳа-гумонлардан, ҳадиксираш ва таъқиблардан озод қилишмайди. Энди у яна бошпанасиз, оч-яланғоч, кир-чир, жулдурвоқи либосда ҳаётдан ўзига паноҳ излашга мажбур бўлади. У адашган ит каби кўча-кўйларда тентираб юрган кунларидан бирида бир епископнинг уйига рўпара келади. Бу дин арбобининг эшиги ҳамма бева-бечораларга, мискинларга, очларга, муштипарларга, муҳтожларга ҳамиша очиқ экан. Унинг уйида нажот излаб келган одамдан «Кимсан? Нима жиноят қилгансан?» деб сўраш одати йўқ экан. Жан-Валжан ҳам шу уйдан паноҳ топади. Унга оппоқ тоза дастурхонларни ёзиб, тансиқ овқатлар билан қорнини тўйғазадилар, озода кўрпа ва чойшаблар, юмшоқ пар ёстиқларни қўйиб жой қилиб беришади. Жан-Валжан умрида биринчи марта эртақлардагидек юмшоқ ўринда ухлайди. Эрталаб Жан-Валжан нонуштани қилиб, хайр-хўшлашиб йўлига равона бўлади. Аммо, ярим соат ўтмай, иккита полициячи уни қайтариб, олдиларига солиб, епископникига олиб келишади. Жан-Валжаннинг турқидан гумонсираган полициячилар уни тўхтатиб, текшириб кўришса, тўрвасидан кумуш қошиқлар, пичоғу санчқилар чиқади. Булар епископники эканлигини шу ерда яшайдиган етти яшар боладан етмиш яшар чол-кампиргача ҳамма жуда яхши билар эди. Негаки, бу кумуш анжомлар епископнинг бисотидаги бирдан-бир қимматли ашёси эди. Бунинг устига у ёдгорлик сифатида ҳам епископга ғоятда қадрли эди. Жан-Валжан кечаги меҳмондўстлиги ва меҳрибонлиги учун миннатдорчилик ўрнида бу буюмларни ўғирлаб олиб чиқиб кетган эди. Мана энди қўлга тушиб ўтирибди. Озодлик ҳақидаги, эркинликда бемалол яшаш тўғрисидаги орзуларининг ҳаммасига алвидо айтиш керак. Эркинлик ҳавосига тўйиб улгурмай яна ўша бадарғага, оғир кишанларга, яна ўша кети узилмайдиган қоронғи, ғурбатли кунларга қайтиб бориши керак. Бироқ полициячилар далил сифатида кумуш анжомларни епископга кўрсатишса, у гап нима-да эканини дарров фаҳмлайди-ю, жавоб беради:

— Йўқ, бу киши кумуш анжомларни ўғирлаган эмас. Буюмлар уники. Кеча оқшом мен унга совға қилгандим. Олинг буюмларингизни, ўғлим!

Шу пайтда тўсатдан осмондан момақалди роқ гулди-  
раб, чақмоқлар чақилса ёхуд ер ёрилиб, унинг қаъридан  
вахшат алангаси отилиб чиқса ҳам Жан-Валжан бу қадар  
ҳанг-манг бўлиб қолмас эди. Шу пайтга қадар одамлар  
ўртасидаги олижанобликни у ухлаб тушида ҳам кўрмаган  
эди. Ҳали бирор меҳрибон қўл унинг пешонасини силаб,  
бир тишлам нон тутган эмасди. Қаранг, меҳр деганлари  
бахри муҳитдай бепоён, тоғдай залворли бўлар экан-да.  
Ҳозир бу меҳр уни эзиб қўйган, миннатдорчилик билди-  
ришни ҳам, қуллуқ қилиб епископнинг қўлини ўпишни  
ҳам унутганди. У қуруқ жасадга айланиб қолганди. Унда  
ғаройиб эврилиш юз бермоқда эди. Юзларида из қолди-  
риб тўхтовсиз оқаётган кўз ёшлари билан вужудидаги эски  
Жан-Валжан чиқиб кетмоқда, унинг ўрнини эса нурга  
чулганган янги Жан-Валжан эгаллаб бормоқда эди.

Дарҳақиқат, асарда меҳр меҳр туғдиришини, одамда-  
ги ёмон қусурлару, ёлғончи майлларни ўлдиришини ўзин-  
гиз кўрасиз. Фақат Ғарбда эмас, Шарқда ҳам, шу жумла-  
дан, ўзбеклар ўртасида ҳам меҳр-мурувватли, саховатпе-  
ша, олиҳиммат бўлиш энг қимматли ва энг зарур удум-  
лардан бўлган. Бизнинг адабиётимизда ҳам бу тўғрида  
кўплаб ривоятлар айтилган, дostonлар ва қиссалар би-  
тилган. Энг машҳур қиссалардан бири Хорун ар-Рашид  
ҳақидаги халқ китоби эди. Лекин мен бу ўринда китобдан  
эмас, бевосита ҳаётнинг ўзидан олинган тарихий факт-  
ларни эслаб ўтмоқчиман. Буюк бобомиз Алишер Навоий-  
нинг нечоғли олиҳиммат бўлгани беш асрдан бери халқи-  
миз хотирасида сақланиб келяпти. Ҳазрат Ҳиротда жуда  
катта қурилишлар қилган. Мадрасалар, масжидлар, кар-  
вонсаройлар шулар жумласидандир. Ёки бир шаҳарнинг  
йиллик солиғини тўлаб юборгани ҳақидаги гап-сўзлар  
ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб юради.

Ўзбек халқининг меҳри дарё эканини кўрсатувчи яна  
бошқа фактлар келтириш мумкин. Масалан, урушнинг энг  
оғир йилларида фронт яқинидаги жойлардан Ўзбекистонга  
неча юз минглаб етим-есир болалар олиб келинган эди.  
Уларнинг биронтаси ҳам кўчада қолгани йўқ. Халқ қалби-  
даги меҳр шу болаларнинг ҳаммасига улашмоқ учун етар-  
ли бўлди.

Халқимизнинг бу фазилати тўғрисида кўплаб асарлар

ёзилди. Дунёга донғи кетган болалар шоири К.Чуковский «Ўзбекистон ва болалар» деган рисоласини, Фафур Фулом «Сен етим эмассан» деган даҳо шеърини ёзди, атоқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов бу воқеага бағишлаб ўлмас кинофильмини яратди. Ҳар ҳолда тарихан меҳр ва мурувват ўзбеклар ҳаётидаги энг муҳим маънавий суянчиқлардан бири бўлиб келган эди.

Кейин эса 70 йиллик умримиз шўролар даврида коммунистлар етагида ўтди. Албатта, у йилларнинг ҳам баъзан баҳор осмонида булутлар орасидан бир кўриниб қўядиган шуъласидай ёруғ кунлари ҳам бўлган. Лекин, минг афсуски, ёмон кунлари кўпроқ эди. У йилларда меҳр тушунчаси ошқора тарзда ҳаётдан қувиб чиқарилди, «виждон», «инсоф», «диёнат», «ҳиммат» деган нарсалар ўз-ўзидан барҳам топди. Одамларни ёмон ишлардан, ёмон майллардан, зўравонлик ва жиноятлардан тийиб турадиган энг муҳим маънавий омиллар жуда сусайиб кетди. Ҳаётда адолат ўрнида ҳақсизлик қарор топди, ҳақиқат ўрнини ёлғон эгаллади, икки хил ўлчов билан, яъни мунофиқлик билан ҳаёт кечириш, ўғирлик, ҳаромхўрлик одат тусига кирди. Одамлар раҳбарларнинг кўзига чўп соларди, раҳбарлар фуқарони лақиллатарди, кимлардир медаль олган дея улуғланарди, кўп ўтмай унинг ёлғон машъал экани маълум бўларди.

Социализм жамиятига хос бўлган бу иллатлар, айниқса, 1979 йилда бошланиб, 1989 йилда тугаган афғон компаниясида ўзининг энг олий кўринишида намоён бўлди. Баъзан «бу урушда қатнашган оддий солдатларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, улар фақат буйруқни бажаришган, солдатлик бурчларини ўташган, холос» деган гапларни эшитиб қоласан. Майли, шундоқ ҳам бўла қолсин. Аммо бутун-бутун қишлоқларга танкларни йўллаган, бола-бақра, эркак-аёл, ёшу қари — ҳаммасини баравар йўқ қилишга буюрган, рўпара келган «душман»нинг биронтасига раҳм-шафқат қилмай, қириб ташлашга ундаганлар, гарчи, «ватан» номидан иш юритган бўлсалар-да, минглаб ёшларни энг тўғри маънодаги одамқушликка ўргатмадими? Йиллар давомида одам қонини тўккан «шоввозлар», одам қадри пўчоқчалик эмаслигига ишонч ҳосил қилган «азаматлар»нинг юрагида меҳр-мурувват деган нарсаларга жой



қолганмикан? Дийдаси қотган, димоғларида ёндирилган қишлоқларнинг дуди, қулоқларида бегуноҳ қатл қилинган одамларнинг фарёдига ўрганиб қолганлар бугун кундалик турмушларида «мехр», «мурувват», «саховат», «одамийлик» деган тушунчаларини раҳнамо билиб иш юри тармикинлар?..

Совет империяси қулагандан кейин биз гарданимизда унинг оғир иллатларини кўтарган ҳолда янги жамиятга қадам қўйдик.

\* \* \*

Мустақиллик йўлига қадам қўйгандан кейин биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришни бош мақсад сифатида белгиладик. Бу жамиятда шундай бир механизм амал қиладики, у ҳар қандай эски, ақлга хилоф, ёлғонга асосланган, ривожланишга халақит берадиган нарсаларни ўз-ўзидан супуриб, бир четга чиқариб қўяди. Бу механизмнинг номи рақобатдир. Бироқ у бемалол ва самарали амал қилмоғи учун ҳалоллик ва тўғрилиқ асосига қурилган бўлмоғи даркор. Фақат эркин ва адолатли рақобатгина жамиятни муттасил олға олиб борадиган қудратли омил бўла олади. Ўз-ўзидан аёнки, идеал рақобатнинг амал қилмоғи учун жамият нафақат ижтимоий жиҳатдан, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам баркамол бўлмоғи керак. Одамлар у ёки бу ишларини амалга оширадиган эканлар, буни Жиноят кодекси мажмуасидан кўрққани учун, бошида турган қамчидан чўчигани вазидан қилмасликлари керак, балки бошқача яшашни тасаввур этолмаганлари учун ҳалоллик, инсоф, диёнат ички заруриятига айланиб қолгани учун шундай қилмоқлари лозим. Бунга эришмоқ учун эса ҳаётда маънавий қадриятлар ҳар қандай буйруғу кўрсатмалардан юқори турмоғи даркор. Шунинг учун ҳам мустақил ривожланиш йўлига ўтишимиз биланоқ жамият олдида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан бир қаторда совет империяси даврида камситилган маънавий қадриятларни қайта тиклаш, ўз ўрнига қўйиш вазифаси ҳам кўндаланг бўлганди. Бу табиий бир ҳол эди, негаки иқтисодиёт ҳар қандай жамиятнинг пойдевори бўлса, маънавият шу жамият биносининг устунларидир. Устунсиз қурилган ёки

чириган устунлар ёрдамида қуриладиган иморат бўш ва омонат бўлади.

Шуниси таҳсинга сазоворки, бу ҳақиқатни Президентимиз Ислон Каримов илк дамларданоқ чуқур англаб етди ва маънавий ривожланиш масалаларига фавқуллодда аҳамият берди. Президент буни бир-икки ойда ўтиб кетадиган вақтинча бир тадбир сифатида эмас, доимий эътиборни талаб қиладиган энг муҳим стратегик вазифа сифатида қўйди ва маънавият масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Жуда яхши эсимда, дастлабки кенгашлардан бирида Президент вилоятларда баъзи ҳокимлар бу масалага беписанд қарашяпти, деган фикрни эшитиб, «бунақа ҳоким ўз ўрнига муносиб эмас», деб қатъий айтган, ва «билиб қўйинглар, — маънавиятнинг бош ҳомийси мен ўзимман», дея баралла эълон қилган эди.

Шундан бери ўтган вақт ичида бевосита Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан маънавият соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Улар бугун халққа яхши маълум. Фақат мен юқорида айтган бир фикрни яна такрорламоқчиман. Бир неча йиллардан бери ҳар бир йилимиз бирор катта масалага бағишланади: Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Оила йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили... Мана бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Авваллари мен булар ўртасидаги алоқага кўп аҳамият бермаган эканман. Энди ўйлаб қарасам, улар ўзаро жуда мустаҳкам ички мантиқ билан боғланган экан. Йилларнинг ҳар бири маънавиятнинг таркибий қисми сифатида бир-бирини тўлдиради ва давом эттиради. Бинобарин, биз ҳар йили пухта ўйланган дастурлар асосида маънавиятнинг бирор қиррасини қайтадан чуқур идрок этишимиз, унинг кемтикларини тўлдиряшимиз ва кўнглимизга жо қилиб оляшимиз. Менинг назаримда, буларнинг ҳаммасини бамисоли «маънавият дорилфунуни» деб атаса бўладики, унда олинган сабоқлар йил ўтгандан кейин ҳам бизни фаол ҳаракатга чорлайди. Президентимиз бу дорилфунунда ҳаммамизга маънавият сабоқларини тинмай ўргатиб келмоқда. Табиийки, бу ҳаракатлар зое кетмайди, ўзининг самарасини беради ва одамлар нафақат фаровонлик бобида, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳаётимизни тўқис қилишда фидокорлик кўрсатадилар.

Хўш, меҳр-мурувват деган нарсанинг ўзи нима? Унинг шакли қанақа? У қандай намоён бўлади? Мақоланинг бошланишида мен бу саволларга бирор формула шаклида ихчам ва лўнда жавоб бериш қийин дедим. Лекин шунга қарамай, айрим мулоҳазаларни айтиш мумкин, деб ўйлайман. Дарҳақиқат, меҳрнинг қонунлаштириб қўйилган битта шакли йўқ, у ҳаётда бениҳоя хилма-хил шаклларга, кўринишларга эга. Худди ҳар бир кўнгил муҳаббатни янгилагани каби, бировга меҳр-мурувват кўрсатадиган ҳар бир одам унинг шакли шамойилини ўзи белгилайди. Йиглаб турган боланинг бошини силаб, кўзидаги ёшни артиш ҳам меҳр. Йиқилган одамни суяб турғазиб қўйиш ҳам меҳр. Шикаста кўнгилга далда бериш, унинг дардига шерик бўлиш ҳам меҳр. Бирор муштипарнинг, мискиннинг кўнглини кўтариш, беморнинг юрагига умид нурларини ёқиш, бирор кимсани ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш... Эҳ-ҳе, меҳрнинг турларини, мурувватнинг кўринишларини санаб адо қилиб бўлмайди. Баъзан одамлар ўртасидаги баҳсни эшитиб қоласан — баъзилар меҳр-мурувватни етим-есирларга, мискин, бечораларга моддий ёрдам кўрсатиш, саховатпеша бўлиш билан боғлашадилар. Тўғри, бу ҳам меҳр. Лекин шу билан бирга руҳий мадад, кўнгилни кўтариш ҳам жуда катта меҳр. Мен юқорида бу фикрни далиллайдиган бир-икки мисолни келтирдим. Бу ўринда бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари айтган ва бугун халқимиз уни такрор-такрор тилга олиб, унга амал қилишга интилаётган яна бир ҳикматни келтирмай ўта олмайман.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Моддий шакларда ифода бўладиган меҳрнинг аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, агар меҳр бирор одамнинг кўнглида унинг одамларга керакли эканига, жамиятда унинг ҳам ўрни борлигига, ўз навбатида унинг меҳрига зорлар ҳам мавжудлигига ишонтиролса, бу ўша одамнинг ҳаётига янада чуқур маъно касб этар эди.

Меҳр кўрсатиш, мурувватли бўлиш одамнинг ички эҳтиёжидан туғилади. Инсон инсон бўладиган бўлса, у ҳеч кимнинг таъкидисиз, ҳеч кимнинг қистовисиз ўз ҳам-жамоаларига, ўз қавмининг аъзоларига меҳрибонлик

кўрсатмоғи, ғамхўрлик қилмоғи керак. Бу – соҳиби қудратнинг қалами билан ҳар бир инсоннинг қисмат китобига ёзиб қўйилган бўлиши керак. Шуниси қизиқки, меҳр кўрсатишдан, мурувватли бўлишдан шикаста дил одамларгина эмас, меҳр соҳибларининг ўзлари ҳам ғоятда баҳраманд бўладилар. Буни ҳар бир одам ўз ҳаётида неча марталаб синаб кўрган. Бирор беморни кўриб, ҳол-аҳволини сўраб чиқсангиз ёки бирор мискиннинг кўнглини кўтарган бўлсангиз, ўша куни дилингиз қанчалик равшан бўлганини, руҳингиз енгил тортганини яхши эслангиз керак.

Юқорида айтилган гаплардан хулоса чиқарадиган бўлсак, лўнда қилиб, меҳрнинг отаси яхшилик, онаси муҳаббат, инсонийлик деган бўлур эдим.

Биз бугун меҳр-мурувват тўғрисида жуда кўп гапирадиган, бир-биримизга унинг нималигини кўп уқтирадиган бўлиб қолдик. Лекин, назаримда, гапларимизда муайян маҳдудлик ҳам йўқ эмасга ўхшайди. Бугунги гапларимизда меҳр-мурувват деган нарса, асосан, маҳалла ҳудудидан чиқмай қолаётгандай, фақат фуқароларнинг ички иши сифатида талқин қилинаётгандай кўринади. Ҳолбуки, муаммонинг яна бир муҳим қирраси борки, у тўғрида гапирилмаса, масала кемтиклигича қолади.

Шўро доҳийларидан бири ўша даврдаги «демократия» тўғрисида мақтаниб, «бизда ҳар қандай оқсоч хотин ҳам давлатни бошқаришда қатнаша олади» деган эди. Бу, албатта, бемаъни бир гап эди, демократиянинг моҳияти бу эмас. Оқсоч аёл оқсочлигини қилгани яхши, давлатни эса билимдон, ақли, узоқни кўра оладиган, ташаббускор ва истеъдодли одамлар бошқаргани маъқул. Лекин бояги гапнинг бир жиҳати бор – демократик давлатда фуқаронинг ҳаммаси, шу жумладан оқсоч аёл ҳам давлатнинг меҳру мурувватидан бебаҳра қолмаслиги керак.

Давлат сиёсатини амалга оширадиган турли-туман катта-кичик амалдорлар, мансабдорлар, мутасаддилар, ишбошилар, раҳбарлар билан оддий фуқаро ўртасида энг яхши инсоний муносабатлар ҳукм сурмоғи лозим. Фуқароларнинг раҳбарларга ҳар куни, ҳар соатда иши тушиб туради – унда улар бу ишларнинг қонун асосида тез ва беғараз ҳал қилинишига, давлат ва идоралардан адолат ва

ҳақиқат топишларига ишонмоқлари даркор. Ўзи, аслида ҳам фуқаро тепасида турадиган сон-саноқсиз раҳбару мутасаддиларнинг энг бирламчи, энг муқаддас вазифаси одамларнинг оғирини енгил қилиш, фаровонлигини таъминлаш, уларга давлат номидан доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиш эмасми?

Президентимиз неча марталаб таъкидлаганидек, бирор идорада ўтирган раҳбар халқнинг хизматкори эмасми? Амалдорлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири халққа доимий равишда меҳр-мурувват кўрсатиб, унинг мушуқулларини осон қилиб туриш эмасми?

Ҳа, шундай. Президентнинг «Савоб ишни ҳар ким қилмоғи, ҳар кун қилмоғи керак» деган ҳикмати фақат фуқароларга эмас, амалдорларга, мансабдорларга ҳам қаратилган. Афсуски, ҳаётда биз ҳали ҳам кўп ҳолларда бу қонуннинг — энг муҳим ахлоқий принципнинг амал қилаётганини кўрмаймиз. Аксинча, айримлар бирор мансабни эгаллашга ҳаракат қилсалар, буни одамлар устидан ҳукмронлик қилиш, унга хўжайин бўлиб олмоқ учун қиладилар. Мансабга минганларидан сўнг халқ ҳаётини яхшилаш тўғрисида эмас, ўз пичоқларининг доим мой устида бўлишидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдилар. Ҳар ҳолда, фақат оғизда халққа хизмат қилиб, амалда унинг тақдирига мутлақо бефарқ, беписанд ва лоқайд қарайдиган мансабдорлар озми?

Энг ёмони шундаки, бундай мутасаддилар одамларга меҳру мурувват кўрсатиш, саховатпеша бўлиш ўрнига, ўзларининг манфаатлари кўндаланг бўлиб қолса, халқ манфаатидан бутунлай кўз юмиб юбораверадилар, натижада халқ мулки, кўпчиликнинг моли ўлда-жўлда қолиб, йўқ бўлиб кетса ҳам, ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Тошкентда экскаватор заводи бўлар эди. У ўз вақтида халқаро миқёсдаги совринларга сазовор бўлган — «Оврүпонинг олтин дарвозаси» деган мукофотни олган эди. Бу мукофотга сазовор бўлган заводнинг маҳсулоти учун Оврүпонинг ҳамма дарвозалари очиқ, халқаро бозорда харидоргир бўлар экан. Бугун шу завод йўқ бўлиб кетди, ундаги ғоятда ноёб ва бебаҳо ускуналар кимларгадир шафтолиқоқи баҳосида сотилиб кетди. Шу заводда ишлаб, болачақасини боқиб турган юзлаб одамлар ишсиз қолди. Энг

қизиғи шуки, бу заводдан чиққан экскаваторлар нархидан икки баравар қимматга хориждан экскаваторлар сотиб олинди. Тўғри, бу ишлар 90-йилларнинг биринчи ярмида бўлиб ўтди, лекин барибир, қор ёғди, излар босилди деб бунақа ҳоллардан кўз юмиб кетиб бўлмайди. Ахир, ўша заводда менинг ҳам ҳиссам бор эди-да, унинг борлиги менинг давлатимнинг бир кемтигини бутлаб турарди. Фараз қилайлик, завод директорлари нобоп, уқувсиз одамлар эди, ношудлик қилиб заводни шу аҳволга тушириб қўйишди. Лекин вазир-чи? Ахир, шундай заводнинг йўқ бўлиб кетиши унинг фатвосисиз бўлмайди-ку? Ёки у бутунлай беҳабар қолдимикин? Давлат одами-я? Шу соҳада давлат сиёсатини юритадиган одам-а? Завод ҳазилакам нарса эмас – унинг тақдири бутун республиканинг аҳволига таъсир қилади, унинг маъмуриликка путур етказди. Шундоқ экан, унинг беҳатар ва бенуқсон ишлашидан хабардор бўлиб, назорат қилиб турадиган катта идоралар қаёққа қаради экан?

Бу каби ҳоллар халққа нисбатан меҳрсизликнинг намунаси эмасми?

Фикримизни далиллайдиган яна бир мисол келтирамиз. Бугунги кунда ҳеч қайси шаҳар аҳли электрсиз, газсиз, водопроводсиз, яна бошқа бир қатор маиший қулайликларсиз умргузаронлик қилолмайди. Буларнинг бари учун ҳақ тўлаш керак. Лекин сўнгги йилларда – бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан нарх-наволар эркинликка чиққанда, қизиқ воқеалар рўй бермоқда. Афтидан, «нарх-навоси эркин қўйилади» деган гапни баъзи бир идора ва корхона раҳбарлари «бу борада билган номаъқулчилигинини қилавер» деган маънода тушунадилар, шекилли. Рақобатнинг йўқлигидан фойдаланиб улар «ўзим хон, кўланкам майдон» қабалида иш юритадилар – истасалар нарх-навонни осмонга чиқариб қўядилар, истасалар пастга тушириб қўядилар. Энг афсусли томони шундаки, одамлар назарида нарх-наво гўё давлат ва ҳукумат томонидан оширилаётгандек таассурот қолдиради. Мана, масалан, электр ҳақини олайлик. Электрлаштириш ва электр қувватидан фойдаланиш борасида анча-мунча муаммолар, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд бўлса керак. Албатта, ҳозирги шароитда ўқтин-ўқтин электр ҳақининг кўтари-

либ туриши ҳам табиий. Лекин энг ёмони шуки, бу соҳанинг мутасаддилари ўзларининг ҳамма мушкулотларини истеъмолчи ҳисобидан ҳал қилишга ўрганиб қолдилар, шекилли. Бир қараганда, улар «нархни ошир» деган вас-васага учраб қолганга ўхшайди. Масалан, фақат 2003 йилнинг ўзида нарх тўрт марта кўтарилди. 2004 йилнинг бошланишини ҳам янги ошириш билан нишонладилар. Назаримда электр ҳақини тўламаганлар касрига бошқалар қола-япти. Масалан, ҳозир электр ҳисоблагичларни тескари айлантириш одат тусига қиряпти — бундан истеъмолчи ҳам, назоратчи ҳам манфаатдор, фақат давлат зарар кўряпти, холос. Ҳар хил гулхона, иссиқхона ва шунга ўхшашларда ҳам жуда катта миқдорда электр қуввати истеъмол қилингани ҳолда, жуда кам ҳақ тўланади. Ҳақини улардан ундириб ола билмаган мутасаддилар осонгина нархни ошириш йўли билан кемтикни қоплаб қўя қоладилар.

Мен бу мутасаддиларнинг фуқароларга беписанд қарашига ҳайрон қоламан — лоақал бирор марта телевизорда чиқиб, нима учун нархлар оширилаётгани, бу аҳвол қачонгача давом этишини, шундай аҳвол вужудга келганининг асосий сабаблари, айбдорлари ким эканини эл-юртга айтганлари, номига бўлса-да, халқдан узр сўраганлари йўқ.

Кишини ўйга толдирадигани шуки, бугунги шароитда Президентимиз меҳр ва мурувват масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бева-бечораларнинг, қашшоқ ва мискинларнинг аҳволини енгилатиш тўғрисида қай-гураётган бўлса-ю, тўлов нархларини муттасил ошириб ётган идоралар эса бу меҳр-мурувватга путур етказмаяптиларми?

Ўйлайманки, одамларнинг бир-бирига меҳр кўрсатиши, мурувватли бўлиши пировардида ҳар кимнинг шахсий иши. Ахир ҳеч кимни «сен бировга меҳр кўрсат» деб мажбурлаб бўлмайди, бу — қалб амри билан бажариладиган иш. Лекин давлат бошқарувидаги бир мансабдор, ҳар бир амалдор, ҳар бир раҳбар одамларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлишга мажбур, чунки у давлат сиёсатини амалга оширади. Сўз билан иш бошқа-бошқа чиқиб қолмаслиги учун меҳр-мурувват фуқаролар ўртасида қанчалик кенг амал қилса, давлат идораларида ҳам оғишмай амал қилиши лозим бўлган бирламчи қонунга айланмоғи

керак. Шундагина бугун юртимизнинг гўзал хислатларига яна бир ноёб фазилатни кўшиб, фахр билан уни «Меҳр-обод» деб ҳам айтишимиз мумкин бўлади.

2004 йилда меҳр-мурувват бобидаги ишлар юзасидан ҳукумат дастури эълон қилинди. Жуда батафсил дастур, ҳамма асосий масалаларни қамраб олган. Мен бу дастурнинг амалга оширилишига тўла ишонаман. Негаки, халқимизнинг бахтига, ҳар куни бирор савоб иш қилишга, одамларнинг кўнглини обод этишга интилиш Президентимиз табиатида бор. Ислом Каримов давлат ишлари билан ҳар қанча бандлигига қарамай, одамларга мурувват кўрсатишга, уларга меҳр улашишга ҳам имконият топади. Шахсан мен ўзим Юртбошимиздан жуда катта меҳр-мурувватлар кўрганимни, бу эса менга оғир хасталикни енгиб ўтишимга ёрдам берганини, билакларимни кучга, қалбимни илҳомга тўлдирганини ёзган эдим. Қизиги шундаки, у кишининг меҳр-муруввати бир-икки мартада тугаб қолгани йўқ. 1999 йили мен 70 йиллик таваллудимни нишонлаганда ҳам Президентимиз менга шундай яхшиликлар қилдики, ростини айтганда, мен онадан янги туғилгандай бўлдим. Шу пайтгача қилган хизматларим ҳали жуда оз эканини ҳис этдим, ўзимнинг элу юртга кераклигимга ишончим ортгандан кейин чунонам ғайрат билан ишлай бошладимки, баъзан ҳатто ўзим ҳам ҳайратланиб қўяман. Бу тўғрида ҳам ёзгандим. Мана, охиргиси – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини олиш билан боғлиқ бўлди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Бу жуда улуғ, жуда фахрли унвон. Унга сазовор бўлган одам боши осмонга етмай қолмайди. Биз бутун уй ичимиз, қариндош-уруғларимиз билан бирга қувондик. Фақат битта «лекин»и бор экан: Фармон август ойининг охирларида чиқди, мукофот декабрнинг бошида топширилади. Буни билардим, лекин шундоқ бўлса ҳам 5 декабрь қачон келаркин деб кутавериб тоқатим тоқ бўлди. Ниҳоят, 3 декабрь куни сабрим чидамай девондаги дўстларимдан бирига ўзим кўнғироқ қилдим.

– Тинчликми? Таклиф қоғозидан дарак йўқ-ку? Мабодо, мукофотларни топшириш кечиктирилгани йўқми?

– Тинчлик. Топшириш куни кўчирилгани йўқ, лекин сизга уйингизга бориб топширилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳеч нарса деб хабар қилганимиз йўқ.



Мен анча тинчландим. Лекин кечаси ўйлаб, яна безовталандим. Нега энди менга уйда топширилар экан? Ҳамма қатори Оқсаройда, элу юртнинг кўз ўнгида олганим яхши эмасми? Йўқ, эрталаб кўнғироқ қилиб айтаман. Қандай бўлса ҳам ўзим етиб бораман. Президентнинг қўлидан олганга нима етсин!

Эртасига кўнғироқ қилиб, фикримни айтдим. Эсингизда бўлса, ўша йили декабрнинг боши қаттиқ совуқ келди, бўралаб қор ёғди, йўлларда юриш жуда қийин бўлиб қолди. Дўстим «келишга қийналасиз» деб яна такрорлади ва «майли, ҳали кечроқ ўзим кўнғироқ қиламан» деди. Кеч бўлишини кутдим. Айтган вақтида кўнғироқ жиринглади.

– Сиз айтгандек бўлди, – деди у. – Кун бўйи бир машина сизга бириктириб қўйиладиган бўлди. Эрталаб ўзим бориб сизни олиб келаман...

Мана ниҳоят, Оқсаройнинг муҳташам мажлислар залидамиз. Зал юмалоқ шаклда. Стол ҳам, стуллар ҳам гир айлантириб қўйилган. Ўртада гуллар чаман бўлиб очилиб ётибди. Зал ёруғ, худди кундуз кунни куёш нурлари чарақлаб, ёритиб турганга ўхшайди. Бош кўтариб юқорига қарсангиз, ложувард осмон кўринади. Унда қалдирғочлар чарх уриб учиб юришибди. Кейин билсам осмон ҳам, қалдирғочлар ҳам рассомнинг иши экан. Жуда ўхшатибди. Беихтиёр бир шоирнинг рассомлар шаънига айтган байти эсимга тушди:

«Шамолнинг расмини чизган художниклар омон бўлсун...»

Давра столи устига босма ҳарфлар билан ҳар бир меҳмоннинг ўтирадиган жойи белгилаб ёзиб қўйилган. Тўрда Ўзбекистон герби ва байроғи. Уларнинг ўртасига Президентнинг столи қўйилган.

Роппа-роса соат 11 да Президент кириб келди. У қисқача нутқ билан мажлисни очди. Ҳаммага мукофотлар топширила бошланди. Шунда яна бир бор алифбега тартиб берганлардан хафа бўлиб кетдим, ахир ҳарфларни «Ш» дан бошлай қолишса нима бўларди. Уларнинг айби билан ҳар гал рўйхатларнинг охирида юраман.

Ниҳоят менга ҳам «Олтин Юлдуз» топширилди. Президент мени бағрига босиб табриклади, яхши тилаклар билдирди. Неварам Азизхон ёнимда эди. Юртбошимиз

унинг ҳам қўлини қисиб табриклади. Сўнг мен миннатдорлик сўзлари билан залга мурожаат қилдим. Президентнинг бир одати бор: шунақа йиғинларда, ҳатто тантанали мажлисларда гапирган нотиклардан кейин уларнинг гапига жавоб беради, бирон муаммо кўтарган бўлса, уни шу ердаёқ ҳал қилади, тушунтиради, изоҳлайди, тўлдиради. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Бу кишининг бу ерга келишлари кеча кечқурунгача аниқ эмасди, — деди у киши табассум билан. — Ҳарҳолда совуқ, йўллар тойғоқ. Мен ўзим уйларига бориб, Олтин медални топшириб келмоқчи эдим. Ҳар қалай соғлиқлари кўтарибди — мана, келибдилар. Жуда хурсандман, Озод ака! Мен сизга юз йил умр тилайман. Ўшанда уйингизга бориб, дастурхонингизга меҳмон бўлиб келаман...

Президент мени совуқда юрмасин, азият чекмасин, тойғоқлардан эҳтиёт бўлсин, деб ғамимни еган экан.

Ўша кунги меҳрибонликнинг авж пардаси «Туркистон» саройида бўлди. Саҳнада ўтириб яна руҳланиб кетдим. Гўё қанот ҳосил қилгандай, гўё кўкларга парвоз қилаётгандай бўлдим. Кўнглимда бу улуғ инсонга нисбатан меҳрим янада жўш урди.

Дарҳақиқат, ўз фуқароларидан бирига — майли унинг хизматлари катта бўлсин ҳам дейлик, бунчалик изчиллик билан қайта-қайта меҳрибонлик кўрсатиш, унинг кўнглини кўтариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун Президентгина эмас, бағрикенг, савобталаб, имонли, диёнатли, саховатпеша ва самимий инсон ҳам бўлиши керак. Энг муҳими, фуқаропарвар инсон бўлмоғи керак. Президент бундай меҳр-мурувватни бир менга кўрсатгани йўқ. Республиканинг ҳамма вилоятларида, олис-олис туманларида истиқомат қилувчи кекса отахону онахонлар, норғул йигитлар, янги фарзанд кўрган оилалар, мактаб ўқувчилари, куёв-келинлар... эҳ-ҳе, уларни санайман десангиз саноғи адо бўлмайди. Қашқадарёлик адабиётшунос Поён Равшанов янги китобида Президентнинг қашқадарёлик оддий одамларга кўрсатган меҳр-мурувватини батафсил ёзади.

Ислом Каримов жуда кўп йиғинлар, анжуманларда одамларга мурожаат қилиб, «Ҳаммангизни бағримга босаман!» дейди. Бу гаплар шунчаки айтилган чиройли сўзлар

эмас. Улар юракнинг туб-тубидан чиққан, қўнгилда бор туйғуни самимий ифодаловчи сўзлардир. Ҳайлайманки, Президент 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиш билан амалда бутун ўзбек халқини бағрига босди, бутун халққа меҳр улашди. Мен бу гапларни образли тарзда айтаётганим йўқ, уларни реал ҳақиқат сифатида айтаяпман.

Яқинда девондаги дўстларимдан бири бу йил дастур нима учун бир оз кечикиб қабул қилинганини гапириб қолди.

Дастурнинг биринчи вариантини тайёрлаб киришганда Ислом Каримов дабдурустан сўраб қолибди:

– Республикада нечта кўзи ожиз бор? Қайси вилоятда қанчадан ногирон мавжуд? Улар қандай ёрдамга муҳтож? Нечта беванинг уйи таъмирталаб? Нечта қариянинг томини ёпиб бериш керак? Менга «ундай қилодирмиз, бундай қилодирмиз, олға ўртоқлар!» деганга ўхшаган умумий хитоблар эмас, фактлар, рақамларга асосланган аниқ дастур керак. Сарфланадиган пулнинг ҳар бир тийинигача ҳисоблаб чиқилган аниқ режалар зарур!

Дастур қайтадан ишланибди.

Бизнинг имонимиз, виждонимиз, меҳримиз, муруватимиз мукамал ва кемтиксиз, инсонлигимиз баркамол бўлмоғи учун Президентимиз шунчалик шахсий намуналар кўрсатиб, ғамхўрлик қилаётган экан, дастурда кўрсатилган барча режалар амалга ошишига ишончим комил.

*2004 йил «Ўзбекистон овози»*

### ЭЪТИҚОДИМНИ НЕГА ҲЗГАРТИРДИМ?

Эскирган, чуриган тамаллар  
Йўқликка эгри йўл изларкан,  
Нега мен ундан юз ўгирмай?

*БОТУ*

1996 йилнинг бошларида «Труд» газетасида Россия Коммунистик партиясининг раҳбари Геннадий Зюгановнинг суҳбати босилди. Унда қуйидаги гаплар ҳам бор эди: «Бутун умрини тинч яшаб ўтган, мамлакати, халқи ҳақида яхши гаплар гапириб келган, кейин айнаган одамни кўрсам, ундан ҳазар қиламан. Агар у бутун умри давомида ёлгон гапирган бўлса, ҳар куни уйига қайси юз билан кирди экан, яқинлари билан қандай мулоқотда бўлди экан? Одам 60 ёшга кирганида чинакамига кўзи очилиши ва ўтмишини қаҳру ғазаб билан қоралаб, оёқости қилиши мумкинлигига унча ақлим бовар қилмайди».

Аввалига бу гапларга унча эътибор берганим йўқ — бамайлихотир юравердим. Лекин негадир юрагим ғашланаверди, аллақерим зирапча киргандек лўқ-лўқ қилиб тинчлик бермасди. Ҳйлаб қарасам, бу аччиқ гаплар тўғридан-тўғри менинг шаънимга айтилган экан. Ахир, мен 30 йиллик партия аъзоси эдим, 60 ёшга кирганда партиядан чиқдим, бутун умрим давомида мамлакат ҳақида, халқ тўғрисида яхши гаплар айтиб келгандим, бугун эса ўзимнинг коммунистик ўтмишимни астойдил қоралаш билан бандман. Эндиликда эса эътиқодимни ўзгартирганим учун Зюгановнинг дашноми ачиб турган ярага туз сепгандай бўлди. Негаки, эътиқодсизлик чиндан ҳам ёмон нарса. Ҳзим ҳам бўлар-бўлмасга эътиқодини янгилайверадиган беқарор ва бебурд одамдан, оға-инисини, устозини сотиб юбо-

ришдан тоймайдиганлардан ҳазар қиламан. Бироқ эътиқодларинг ҳаёт синовига дош беролмаган бўлса, у сени аллақачон боши берк кўчага киритиб қўйгани исботланган бўлса, муқаддас деб ҳисоблаб келган байроғинг ёлгон чиқиб қолган бўлса, нима қилмоқ керак? Шунда ҳам одам миси чиққан эътиқодига кўр ҳассасига ёпишгандек ёпишиб олмоғи керакми? Йўлингдан устун чиқиб қолса, «мен фақат тўғри юраман» деган ақида билан бориб унга пешонангни уриш доноликдан эмас-ку. Шундай қилиб, мен 60 ёшимда эътиқодимни ўзгартирдим ва Зюгановнинг маломатига қолдим. На чора. Бу ҳам бир кўргиликда.

Ўртоқ Зюганов менга таъна тошларини отиб, анчамунча хумордан чиқиб олган бўлса, ажаб эмас. Аммо масаланинг битта «лекин»и бор. «Лекин»и шундаки, ўша кезларда эътиқодини ўзгартирган биргина мен эмас эдим. Ёки фақат Эшмат билан Тошмат эмас эди. Улар минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб эди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг – бир замонлар РСДРП, кейин РКП (б), ундан сўнг – ВКП (б) ва ниҳоят КПСС деган номлар билан машҳур бўлган партиядо 80-йилларнинг охирига келганда тахминан 20 миллион аъзо бор эди. 20 миллион-а. Айтмоққа осон. Бирор-бир ўртача Оврупо мамлакатининг аҳолисига тенг келади. Бугун уларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, мутлақ кўпчилиги коммунистик мафкурадан узил-кесил юз ўгириб, эътиқодини ўзгартирди. Тузукроқ ўйлаб қаранг: маънавий суянчиғи барбод бўлган, ихлос билан ишонган идеаллари сароб бўлиб чиққан салкам 20 миллион одам! Ҳаёт йўлининг ярмидан кўпини ўтиб қўйгач, бирдан ўтган умри беҳуда кетганини англаб қолган, дунёни поклашдек олий ниятга хизмат қиляпман деб ўйлаган, аслида эса бунинг ўрнига ўзи буткул кирланиб битган 20 миллион инсон. Инсоният тарихида ҳали ҳеч қачон бунақа катта фалокат, бунчалик ҳудудсиз фожиа рўй берган эмас эди ва эҳтимолки, бундан кейин ҳеч қачон рўй бермас ҳам. Бу шундай мислсиз фалокатки, шундай улкан маънавий емирилишки, унинг оқибатида курралар меҳваридан чиқади, жамиятнинг руҳий мувозанати бузилади, қанчадан-қанча одамлар тўсатдан ўзини жунун водийсига тушиб қолгандай ҳис қилади ва янги суянч тоғларини излаб

ҳар томон сар-сари югурадилар. Шундоқ экан, беқиёс фалокатдан озурда бўлган миллион-миллион одамлардан «ҳазар қилиш» билан масала ҳал бўлармикин? Улар «ўз ўтмишларини оёқости қилмоқдалар» дея таъна қилган билан иш битармикан? Тўғри, ўтмишни қоралашдан фойда йўқ. Чунки ўтмиш – ўтмиш. У алақачон тарихга айланган. Унинг бирор кемтигини бутлаб қўйиш мумкин бўлмаганидек, бирор бесўнақай жойини пардозлаб, текислаб ҳам бўлмайди. Ундан фақат сабоқ олишигина мумкин.

XX аср сўнгида юз берган мислсиз маънавий ҳалокат жуда кўп одамларни гарангситиб, саросимага солиб қўйди. Олимлар, мутафаккирлар унинг сабабларини ўрганишга киришди. Ҳозирнинг ўзида бу тўғрида ўнлаб, юзлаб салмоқли тадқиқотлар майдонга келди. Келажакда эса улар янада кўпроқ барпо этилади. Албатта, улкан тарихий эврилишлар силсиласида битта одамнинг бошидан ўтганлари махсус эътибор бериб ўтиришга арзийдиган катта воқеа эмас. Масалан, мен нега эътиқодимни ўзгартирдим, бу жараёнда қандай изтироблар чекдим, қандай ўйлар, ўқинчлар, афсусу надоматлар кўнглимдан кечди – бунинг кимга ҳам қизиғи бор, дейсиз? Аммо йиғлаб-сиқтаб зулматни қоралаётган чоғда битта одам кичкинагина шамчиरोқ ёқса, ўша зулматнинг бир чеккаси сал бўлса-да, ёришармиди? Дарёлар ирмоқлардан; ирмоқлар томчилардан ташкил топади. Шундоқ экан, бир одамнинг аччиқ тажрибаси ҳам нимагадир асқотиб қолиши мумкин-ку. Ҳамма бўлмаса ҳам, лоақал неvara-чевараларим ўқиб, мен бошимдан кечирган адашишлар ва хатоликлар йўлига қадам қўйишдан ўзларини тиярлар.

\* \* \*

Абдулла Қаҳҳорнинг ибораси билан айтганда, мен партиёга чақириқ қоғози билан кирган эмасман. Бинобарин, менинг коммунистик эътиқодим ҳам қандайдир мажбуриятлар туфайли, кимларнингдир қийин-қистови билан шаклланган эмас. Аксинча, эсимни танибманки, мен юрган йўллар тўппа-тўғри партиёга олиб келувчи йўллар бўлган эди. Балоғат ёшига қадам қўйишим биланоқ партиёга аъзо бўлиш, коммунистлар сафида одим отмоқ ҳаётим-

нинг бош мақсадига айланган эди. Мени бунга ҳеч ким мажбурлагани йўқ, лекин бутун турмуш тарзи, мактабда кечирган ҳаётим ҳам, оиламиздаги шароит ҳам, умуман, мен яшаб нафас олган муҳит бошидан оёғигача буткул менда шу иштиёқни туғдирди ва яшнатиб авж олдирди.

Бугун йиллар қаъридан назар ташласам, болалигим қирмизи алвонлар ял-ял товланиб турган, тантанавор мусиқа садолари янграб турган, гулларга тўла, чарогон нурларга кўмилган муаззам бир майдондан чиқиб келгандай туюлади. Айниқса мактаб йиллари... Барабан садолари, горн оҳанглари, пионер бўйинбоғларининг ҳилпирашлари, қувноқ кўшиқлар; сафларда шахдам юришлар... Қоматлар тик, бошлар мағрур кўтарилган. Том маънода ўзимизни бахтиёр ҳис қилар эдик. Тўғри, устимиз юпунгина эди, қорнимиз бирда тўйса, бирда тўймай ҳам қолар эди. Кўча-кўйларда, дала-даштларда ҳам бизга беташвиш, ҳамма нарсадан мамнун одамлардан кўра, тунд, қовоғи солиқ, пешонаси тиришган, тажанг одамлар кўпроқ рўпара келарди. Улар қандайдир ташвишлар остида эзилгандай кўринарди. Аммо бу ташвишлар билан бизнинг ишимиз йўқ эди. Биз бахтиёр эдик ва бахтиёрлигимиз учун меҳрибон отамиз доҳий Сталинга раҳматлар айтишдан бўшамасдик. Табиийки, у пайтларда биз дунёни боланинг кўзи билан кўрар, кўрганларимизни боланинг ақли билан идрок этар эдик. Ҳеч ким бизни «бахтнинг ўзи нима?» деган саволни бериб кўришга ундамас, «менинг бахтиёрлигим нимада?» деб ўйлаб кўришга рағбатлантирмасди. Мабодо ундаганда ҳам, бунақа масалалар устида фикр юритишга қурбимиз етмасди. У кезларда биз юмшоққина мумдек эдик — бизни истаган кўйга солса бўларди, биздан истаган кўғирчоқни ясаш мумкин эди. Бизга нимани уқтиришса, шуни ҳақиқат деб қабул қилардик, қулоқдан кирган панд-насихатлар, кўзимиз кўрган шиору чақириқлар юрагимизга бажарилиши, албатта, зарур бўлган ҳарбий буйруқлардек ўрнашиб қоларди.

Кейин балоғат ёшига етдик. Кечаги юриш-туришимизда ўйинга мойил томонлар кучли бўлган бўлса, биз ўзимизни анча улғайган, ҳамма ишларни ўзи мустақил ҳал қила оладиган одамлар сифатида ҳис қилдик. Комсомолга кир-

дик. Бу – ҳаётимизнинг илк босқичидаги энг жиддий, энг аҳамиятли воқеа бўлганди. Анкеталар тўлдирдик, ижтимоий келиб чиқишларимизни баён қилдик, мажлисларга масала бўлдик, район комсомол қўмиталарининг бюро мажлисларида тик туриб саволларга жавоблар бердик, уставда айтилган талабларга тўла амал қиламан деб қасам-ёдлар қилдик ва уни бажаришга бақадри имкон эришдик ҳам. Комсомол билети биз учун энг муқаддас ашё эди – уни кўз қорачиғидай асрар эдик. Комсомоллик йилларимиз уруш даврига тўғри келди. Биз ҳали ҳам юпун, чала-курсоқ эдик, яшаш шароитимиз жуда қолюқ ва оғир эди. Турмушда ҳали тузукроқ рўшнолик кўрганимиз йўқ, хонадонларимизда биримиз икки бўлгани йўқ, юртимиз ҳам ободончиликдан йироқ эди. Биз уларнинг барини урушга йўярдик-да, ҳамон ўзимизни бахтиёр ҳисоблашда давом этардик. Тўғри, юрагимизнинг аллақасерида бу бахтимиз кемтиклигини ғира-шира ҳис қилардик. Лекин «нега шунанқа? Бу кемтиклик нимада?» деб ўз-ўзимиздан сўрамасдик. Сўролмасдик ҳам. Биров ман этгани учун эмас, балки сўраб ўрганмаган эдик. Умуман, бизнинг совет ҳаётимизнинг бирор жиҳатига шубҳа билдириш, бирон ишимизга шак келтириш, бирон ақидамиздан гумон қилиш бизга ёт эди. Биз бахтиёр эдик, чунки бизга «сенлар бахтиёрсан» деб уқтиришган эди. Биз Сталиннинг фарзандлари эдик. Сталинга садоқатимиз шу қадар улуғ эдики, уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас эди. Биров «Сталин учун жон беришинг керак» деса кўпчилигимиз сира иккиланмасдан «Мен тайёр!» дея олдинга чиқардик. Биз ана шундай садоқатли ва фидокор эдик. Анча йиллар ўтиб кетгандан кейин билдим – фашистлар Германиясидаги бизга тенгқур ёшлар ҳам Гитлерга садоқатда худди ўзимизга ўхшар эканлар, улар ҳам ўзларининг фашистик идеаллари йўлида жон фидо қилишга тайёр эканлар. Қизиқ – бир-бирига ашаддий душман икки мамлакат, бир-бири билан ҳаёт-мамот жанги олиб борган икки партия ўз ёшларини бир хил йўлда тарбия қилишипти, уларни бир хил фазилатлар эгаси қилиб етиштирмоқчи бўлишипти. Кейин-кейин улғайиб, тажриба орттириб, беш-олти кўйлакни йиртгандан кейин мулоҳаза юритиб кўрсам, садоқат деганлари ҳам, шак, гумон деганлари ҳам ҳар хил бўлар экан. Садоқат деганла-



ри жуда яхши, қимматли фазилат, аммо у кўр-кўрона бўлса, садоқат туйғулари ақл ўтхоналарида тобланмаган бўлса, уни фазилат деб аташ қийин. Бундай «фазилат»дан фақат кулфат келиши мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай эркин фикр, ақлиёт бобидаги ҳар қандай кашфиёт гумондан бошланади, лекин «гумон» ҳам кўр-кўрона бўлса, меъёр ва чегаралардан чиқиб кетса одамни беҳаловат қилади, ҳамма нарсадан юз ўгирувчи, ҳар қандай неъматни оёқости қилувчи, ҳатто ўз имонини ҳам сустлаштирувчи махлуққа айлантиради. Аммо биз комсомоллик йилларимизда бу ҳақиқатлардан тамом беҳабар эдик, комсомолга, Сталинга, коммунизмга садоқатимиз билан ҳеч нарсани ўйлашга, фикр юритишга қобил бўлмаган, бунинг ўрнига ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаришга тайёр турган манқуртларга яқинлашиб қолганимизни билмас эдик.

Яна йиллар ўтди. Уруш тугади. Бизнинг ғалабамиз билан тугади. Биз мактабни тугатиб, талаба бўлдик. Талабалик йиллари чиндан ҳам олтин йиллар. Беш йиллик ўқиш мобайнида онадан бутунлай янги туғилгандай бўласан. Ҳар куни бир янги кашфиёт, ҳар куни ақлингга янги ақл қўшилгандай бўлади. Очиқ кўзларинг янгидан очилади — сен ҳайрат билан амин бўласанки, оламнинг ранглари аввал кўриб юрганларингдан бўлакча экан, авваллари жўн, оддий деб ўйлаб юрган нарсаларинг ғаройиб сеҳру асрорга тўла экан, одамларнинг табиати ҳам, қадр-қиммати ҳам бутунлай бошқача бўлар экан. Буларнинг бари сени бойи-тади, янгилайди, албатта. Лекин сезасанки, эски кўниккан одатларинг сени тарк этишга шошилаётгани йўқ, айниқса, асосий масалаларда сен ҳам уларнинг исканжасида. Бир вақтлар сени чирмаб олган кишилар яна ҳам мустақкам бўлса бўлдики, асло бўшашгани йўқ. Ҳамон газеталардан, радиодан, китоблардан, кино экранларидан кулоғингга социализмнинг улуғлиги, доҳиймизнинг донолиги, партиянинг қудрати ҳақидаги гаплар қуйилиб турипти. Албатта, бу гал ҳам уларнинг ҳақлигига заррача шубҳа қилмайсан ва фақат бизда — дунёнинг олтидан бирини ташкил қилувчи улуғ мамлакатимизда бахтлар салтанати қурилганига имон келтирасан. Албатта, сен чинакамига эркин фикрлаш иқтидоридан маҳрумсан, ҳаёт

ҳодисаларини мустақил таҳлил қилиб, ўтмишни ва бугунни мустақил таққослаб, мустақил хулосалар чиқара олмайсан. Шунинг учун партия доҳийларига эргашиб, «бизнинг давримизда ҳамма йўллар коммунизмга олиб боради» дея ҳайқариб юраверасан. Энди «коммунизм» деган сўз сенинг ҳам тилингдан тушмай қолади, коммунистик ғоялар студентлик нигоҳи қаршисида жозибадор ранглар билан намоён бўлади. Биласанки, «коммунизм» деган сўз аслида лотинча бўлиб, «умумийлик, муштарақлик, биргалик, аҳиллик» деган маъноларни билдиради. Яна биласанки, коммунистик ғояларда инсониятнинг энг олижаноб орзулари, энг инжа тилаклари мужассам топган. Ахир, инсон Инсон бўлгандан бери яхшиликни кўмсайди. Яхшилик салтанатини барпо этишни орзу қилади. Бу салтанатда ҳамма тенг бўлади, бир-бирига меҳрибон, ғамхўр бўлади. Унда ҳар қадамда, ҳар ишда адолат қарор топган бўлади, зулм, ҳақсизликлар унутилган бўлади, урушлар бўлмайди. Ҳамма юртлар, ҳамма элатлар, ҳамма халқлар бир-бирларига кўлни бериб, бир-бирига кўмаклашиб, яратувчи ижодий меҳнат билан банд бўладилар. Ҳақиқатан ҳам нақадар олижаноб ғоялар! Одам бутун умрини тикиб хизмат қилса арзийдиган ғоялар. Мафтунокор, жозибадор ғоялар. Умумбашарий ғоялар. Уларни рад этиш, уларга қарши чиқиш асло мумкин эмас. Аммо билмайсанки, ҳаёт жуда ғалати нарса — унда ҳар қадамда қалбакиликка, алдамчиликка рўпара келасан. Унда кўпинча гап бошқа-ю амал бошқа, суврат ўзгача-ю сийрат бўлакча бўлади. Ҳаётда бир ҳовуч ёвуз кучлар бор — улар қора ниятларини ниқоблаб, ана шу умуминсоний, олижаноб ғояларни ўзларига шиор қилиб олганлар, уларни ўзларича талқин қилиб, шу ғоялар соясида даври даврон суришга жаҳд қилганлар. Улар одамларнинг соддалиги ва ҳар нарсага осон ишонувчанлигидан фойдаланиб, ўзларининг қора мақсадларига эришишда улардан восита сифатида фойдаланмоқчи бўлганлар. Бироқ бу ҳақиқатни сен анча кейин — кўп йиллар ўтгандан сўнггина англайсан — буни англаш учун бутун умрингни сарфлашинг, жуда кўп қурбонлар беришинг, кўп изтироблар ва азоб-уқубатларни чекишинг керак бўлади. У пайтларда эса ҳали олдига похол солса кўниб кетаверадиган, ҳар нарсага лаққа тушадиган, осонгина алдана-

верадиған, кўзи очиқ бўлса ҳам, аслида ҳеч нарсани кўрмайдиган ёшгина толиб йигитсан. Ҳали ҳаётнинг паст-баландини унча кўрмагансан, аччиқ-чучугини етарли татимагансан, ҳали оёғинг ерда бўлса ҳам, кўнглинг самоларда, романтик хаёллар оғушидасан. Шунинг учун ёшинг улгайиб, комсомол сафини тарк этишинг биланоқ Коммунистлар партиясига киришга қатъий аҳд қиласан. Шундай қилиб, мен 20 ёшга тўлиб-тўлмаи — 50-йилларнинг бошида партияга кириш ҳаракатига тушиб қолдим. Бир қарашда бу йўлда мен учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди: партиянинг программаси ва устави билан танишман, уларни тан оламан, ўқишларим яхши, жамоатчилик ишларида фаолман, ижтимоий келиб чиқишим ҳам ёмон эмас — қариндош-уруғлар орасида бирон гумон туғдирадигани йўқ, комсомол тавсия берган, мени биладиган коммунистлар ҳам тавсия беришга тайёр. Хуллас, ҳамма нарса жойида. Йўқ, барибир, бўлмади — ҳозир зиёлилардан камроқ қабул қиляпмиз, деб жавоб беришди. Дарҳақиқат, ўша кезларда зиёлилар яна «қовун» туширишган эди — уларнинг ичидан бир гуруҳ халқ душманлари чиқиб қолди. Буни қарангки, бу галги халқ душманларининг ҳаммаси ўзимиз яхши билган, яқиндан мулоқотда бўлган, элу юрт олдида катта ҳурматларга эга бўлган Шайхзода, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон каби одамлар эди. Одам оласи ичида деганлари шу экан-да. Бўлмаса, Ҳамид Сулаймон бизга фарб адабиётидан бир йил дарс берган эди. Ҳали роса гўр эканмиз — бир йил бу одамнинг маърузаларини эшитиб-миз-у, бир марта ҳам душманлигини пайқамабмиз-а! Асл қиёфаларини зўр маҳорат билан яшириб юришар экан-да. Бунча таниш-билишлар қамалган бўлса-да, биз бир дақиқа ҳам уларнинг айбдорлигига шубҳа қилганимиз йўқ, чунки бизга «шонли чекистларимиз сира хато қилмайди» деб сингдиришган эди. Шунинг учун биронта одам қайсарлик қилиб, бирон қамалган одамнинг гуноҳкорлигига шубҳа билдирса, ғашимиз келарди. Саида Зуннунова деган ёш шоира бизнинг факультетда ўқирди. Энди биринчи китоби чиққан, умидли шоира ҳисобланарди. У андиджонлик бўлиб, яқинда Саид Аҳмадга турмушга чиққан эди. Раҳбарият Саидадан эридан воз кечишни, кўпчилик олдида

эрини қоралашни талаб қилди. Негаки, студентлар сафи ғоявий соғлом бўлмоғи керак, унда халқ душманларининг хотинларига ўрин йўқ эди. Саидаси тушмагур эса, ўзи жинқарчадай бўла туриб, «чиқадиған эрим йўқ, эрим гуноҳсиз» деб оёқ тираб туриб олди. Саидага ачинамиз — ҳар қалай, нима бўлганда ҳам ўзимизга ўхшаған толиба, турмушга чиқиб, ҳали бирор-бир рўшнолик кўргани йўқ, энди эса «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, боши очиқ қолса алам қилади-да. Бунақа десангиз, топған эри душман чиқиб қолған бўлса, нима дейсиз. Хуллас, Саида эридан ажрамади, уни университетдан ҳайдадилар. Биз эса томоша қилиб, бақрайиб туравердик. Хуллас, мен университетни тугатаётганимдаёқ партия аъзоси бўлмоғим керак эди, лекин бир гуруҳ душман зиёлилар бунга халақит берди.

Шунақа ташвишлар билан университет ҳам ортда қолди. Кейин Москвага аспирантурага кетдим. Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида ўқидим. Бу ерда ҳам аспирантлар орасида олдингилардан эдим. Ҳатто икки йил давомида институт комсомол ташкилотининг котиби ҳам бўлдим. Табиийки, бу ерда ҳам партияга кириш орзуси мени тарк этгани йўқ. Аксинча, бу орзу янада кучлироқ ўт олди. Бунинг боиси қуйидагича эди: институтимиз Воровский кўчасида жойлашған бўлиб, Краснопресненск райониға қарар эди. ВКП (б) тарихининг қисқа курсини хатм қилған ҳар бир сўтакка яхши маълумки, Краснопресненск рус инқилобининг марказларидан бири бўлған. 1905 йил инқилоби кунларида рус пролетариати баррикадаларида эксплуататорларға қарши қонли жанглар қилған. Ҳозир ўша жойларда ҳатто «Баррикада» деган кинотеатр ҳам бор. Хуллас, қутлуғ жой. Ана шундай тарихий ерда жойлашған институтда ўқишнинг ўзи қандай буюк шараф. Борди-ю, шу районда партияға кирсангиз-чи. Бунинг савобига нима етсин. Бу билан бутун умр фахрланиб юрсангиз арзийди. Бу ерда ҳам ишларим анча силжиб қолған эди — ҳатто район қўмитаси котибининг суҳбатидан ҳам ўтган эдим, фақат бюро мажлисидан ўтмоғим қолған эди, холос. Аммо партияға кириш бу гал ҳам насиб қилмаған экан — 1953 йилнинг март ойида Сталин вафот этди-ю, ҳаётимиздаги жуда кўп нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Табиийки, Краснопрес-

ненск райкомининг Тошкентдан келган бир ўзбекни партиёга қабул қилишдан кўра муҳимроқ ташвишлари кўпайиб қолган эди. Шундай қилиб, 1955 йилда Тошкентга қайтдим ва шу йилнинг сентябрь ойдан бошлаб, Тошкент давлат дорилфунунида ишлай бошладим. Бу ерда фаолият бошлашим биланоқ, албатта, яна ўша асосий орзуим — партиёга кириш орзуси менга раҳнамо бўлди. Ниҳоят, 1959 йилнинг январь ойида орзуим ушалди — мен партиёга аъзоси бўлдим.

\* \* \*

Ҳа, мен партиёга аъзоси бўлдим. Ҳаётимда жуда катта ўзгариш содир бўлди — мен ниятлари пок, виждони тоза, олижаноб, мард, фидокор ва содиқ одамлар гуруҳига қўшилган, улар билан бирга дунёда энг улуғ, энг бахтиёр, энг адолатли жамият қуришдек катта иш йўлида ҳаммаслақ бўлган эдим. Мен партиёга бирон мансаб излаб ёхуд бирон имтиёзга эга бўлиш мақсадида кирганим йўқ эди. Партиёга мабодо бирор имтиёз берса, ҳаммиша жангларда биринчи сафда бўлиш имтиёзини, жабҳаларнинг энг оғир жойларида чолишиш имтиёзини, масъулиятнинг энг оғир қисмини зиммасига олиш имтиёзини беришини яхши билардим. Коммунист дегани мен учун энг фаол ижодкор, эски дунёни таг-туғи билан барбод қилиб, унинг ўрнига янги дунё яратувчи курашчи эди. Авваллари у мен учун етиб бўлмас олисликларда эди, энди эса мен улар билан ҳамсаф, ҳамнафас бўлдим. Бугун бу гапларнинг ҳаммаси жуда анойи, гўл одамнинг ҳавойи гапларидек туюлади, лекин ўша кезларда буларнинг бари чинлигига астойдил ишонардик. 1959 йил мен учун ана шундай кўтаринки кайфият билан бошланди, аммо йилнинг охирига бориб, шундай воқеалар бошимга тушдики, улар мендаги партиёга ишончнинг томирига болта урди, биринчи марта танлаб олган йўлимнинг тўғрилигига шубҳа қила бошладим. Тўғри, ҳали шубҳа-гумонларимни ҳеч кимга ошкор қилганим йўқ эди, лекин барибир гумон қуртлари мени ич-ичимдан кемира бошлаган эди. Воқеа бундай бўлган эди: табиийки, мен партиёга кирганим билан ҳали ўзимни эски коммунистларга тенг деб ҳисобламас эдим. Ўзимни ёш коммунист деб ҳисоблардим. Ёш коммунист

эса ёши улуғ ҳаммаслақларига етиб олиш учун, уларга муносиб бўлиш учун ўн чандон ортиқроқ хизмат қилмоғи, партиянинг ҳамма топшириғини елиб-югуриб, ортиғи билан адо этишга тиришмоғи керак. Мен шундоқ бўлишга ҳаракат ҳам қилдим: маърузаларимнинг мазмундор бўлиши, талабаларга манзур бўлиши учун қайғурдим, жамоатчилик ишларини сидқидилдан бажардим, мунаққид сифатида фаол иш олиб бордим, ҳатто Москвада ўзбек адабиёти декадасида қатнашиб, у ердан «Шавкатли меҳнати учун» деган медаль билан қайтдим. Орадан кўп ўтмай, жамоамизда менинг елиб-югуришларим сезилди, менга ҳурмат анча ошгандай бўлди. Бунинг оқибатида мени бошланғич партия ташкилотига котиб қилиб сайлашди. Бу менга билдирилган жуда катта ишонч эди. Айни чоғда, зиммамга ҳаддан зиёд масъулият ҳам юкланган эди. Бундан буён мен жамоамиз ҳаётининг ҳамма соҳаси учун жавобгар эдим. Ҳаммаслақларимнинг ишончини оқламасликка ҳаққим йўқ эди. Шундай қилиб, ғайратимни ўн чандон орттириб ишлай бошладим. Партия бюросининг мажлисларини мунтазам ўтказиб тура бошладим, уларда енгилелпи масалалар эмас, ўқиш-ўқитиш ва тарбиянинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдик, партия хўжалигини, умумий мажлисларнинг қарорларини, бюро мажлисларининг қайдномаларини тартибга келтирдим, ҳар бир бюро аъзосининг бирон тайинли иш билан шуғулланишига эришдим, меҳнат интизомини қаттиқ назорат қила бошладик, кафедраларда ишни жонлантиришни талаб қилдик, ётоқлардаги аҳвол билан шуғулландик, факультет бўйича ягона сиёсий-тарбиявий ишлар режасини туздик ва шу режа асосида иш олиб бора бошладик. Мен бу ишларга бош-қош бўлар эканман, азбаройи худо, бунинг учун бирон мукофотга эришаман ёхуд бирон мақтовга сазовор бўламан деб қилганим йўқ. Менинг назаримда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди — ёш коммунист астойдил ғайрат билан енг шимариб ишлаши, роҳат-истироҳат унга бутунлай ёт бўлмоғи керак эди. Албатта, ўшандаги ишларимизда қандайдир нуқсонлар ҳам ўтган бўлиши мумкин. Лекин биз астойдил, «тўғри қиляпмиз» деган ишонч билан иш олиб бордик. Орадан кўп ўтмай, бу ишларимизни маъқул кўришаётганини сездим. Лекин шу билан бирга

ишлар кимларгадир маъқул бўлмагандай, кимларнингдир энсасини қотираётгандай бўлди. Баъзан-баъзан «югур, ҳа, югур, бир нарсадан қуруқ қоляпсан» дегандай истехзоларни ҳам ими-жимиди сезиб қолардим. Яна қайтариб айтаман — бу гаплардан ўша пайтдаги ишларимиз мутлақо нуқсонсиз эди деган хулоса чиқармаслик керак. Жамоамиз унча катта эмас, лекин коммунистларнигина эмас, умуман, партиясиз ўқитувчилар ва талабаларни кўшиб ҳисобласак, унча кичкина ҳам эмас эди. Ҳар қандай ўртача жамоа каби бизнинг жамоада ҳам ҳар хил одамлар, ҳар хил ёшлар бор эди. Ўша кезларда вазият анчагина мураккаб эди. Яқиндагина XX съезд бўлиб ўтган, унда Сталин шахсига сиғиниш қаттиқ танқид қилинган эди. Бу жамиятда фикрий уйғонишни вужудга келтирди. Ҳар хил тарзда эски ақидаларни ревизия қилиш бошланди. Бир-биридан қалтис саволлар устма-уст ёғила бошлади. Улар жавоб беришни талаб қиларди. Албатта, бунақа саволларнинг берилмагани, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолавергани яхши бўларди, аммо бунинг иложи йўқ эди — гишт қолипдан кўчган, тўғон ўпирилган эди. Шундай шароитда партия бошланғич ташкилотларида бунақа шаккокликларнинг бўлмаслигига алоҳида аҳамият берилди. Аммо қаёқда дейсиз?! Кунлардан бирида университет кутубхонасининг катта дафтарида «Социалистик реализм методи сохта метод! Ундан воз кечиш керак!» деган ёзув пайдо бўлиб қолди. Бу ҳам майли-я, муаллиф ёзувнинг тагига катта қилиб, «филология факультетининг талабаси Долгов» деб исм-шарифини ҳам ёзиб қўйибди. Тўполон бўлиб кетди. Қидирсак, ҳақиқатан ҳам бизнинг талабалар ичида Долгов дегани бор экан ва ҳақиқатан ҳам ўша гапларни ёзган экан. Парткомга югуришлар, райкомга чопишлар бошланди. Гап горкомгача бориб етди. Жуда ёмон воқеа рўй берган эди — бу жамоамизнинг бутун фаолиятига қора чизиқ тортгандай гап эди. Чунки социалистик реализмни инкор қилиш совет тузумини инкор қилиш билан баробар эди. Буни тўғридан-тўғри ошқора аксилшўровий фаолият деб баҳолаш мумкин эди. Зудлик билан Долговни қайта тарбиялаш бошланди — ўзи билан бир неча марта суҳбатлар ўтказиб, гапини қайтариб олиш таклиф қилинди. Аммо Долгов ёмон ўжар экан, ўз гапида оёғини тираб туриб

олди. Ҳатто совет адабиётидан кўп йиллар давомида дарс бериб келган, китоблар ёзган донгдор профессорлар ҳам бу талабага «социалистик реализм бор нарса» деб ишонтира олишмади. Нима қилмоқ керак? Бунақа шаккоқ талабани даф қилмаса, кўз очиб юмгунча яхши талабаларни йўлдан оздириши ҳеч гап эмас, 30- ёки 40-йиллар бўлганда-ку, бунақалар билан тегишли жойларда гаплашилларди-ю, дами ўчирилларди. Аммо энди замон бошқа эди — муҳит жиндай илий бошлаган эди, биз ҳам бўйбастимизга демократларнинг либосини ўлчаб кўра бошлаган эдик. Шунинг учун мустақил фикрга эга бўлиш вазидан талабани ўқишдан ҳайдаш ноқулайроқ эди. Юқори ташкилотлар бизга маслаҳат беришди — Долговни бирикки йилга бирор заводга жўнатишлар, ҳаётни кўрсин, чиниқсин, кейин ҳуши жойига келганда қайтариб оларсизлар. Шундай қилдик, Долгов шу кетганича тинчиб кетди. Ўшандан кейин десангиз, талабалар ичида бунақа намойиш қиладиганлари чиқмади. Тинчидик. Тинчидиг-у, бу воқеадан юрагимда ёмон чандиқ қолди. Мен ўша пайтга қалар соддалигимга бориб, ишчилар жамоасига аъзо бўлиш ҳар бир инсон учун улуг мукофот, шон-шараф иши деб ўйлаб юрар эдим. Партиявий раҳбарларимиз бир оз бошқачароқ ўйлашар экан — бирор гуноҳ қилиб қўйган нобоп одамни жазолаш учун ишчилар жамоасига жўнатишар экан. Демак, завод ва фабрика ҳам ўзига хос ахлоқ тузатиш меҳнат лагери экан-да! Ана холос! Бу ноҳуш воқеанинг захри кетиб улгурмасдан жамоамизда яна бир воқеа рўй берди — иккита профессор кўпчилик олдида айтишиб қолипти. Албатта, профессор одамнинг уришиб юриши уят гап, лекин на илож — ҳаёт-да! Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Бунинг ваҳима қиладиган жойи йўқ, иккала уришқоқни чақириб «бунақа қилманглар, уят!» деб танбеҳ бериб қўя қолса бўладиган гап. Лекин бу гал ҳам тўполон бўлиб кетди. Гап шундаки, профессорлардан бири юқорироқ доираларга яқин эди. Шунинг учун «ювиндиҳўр» деган таъна унга қаттиқ ботибди. У партия Марказий Комитетига шикоят ёзибди. Дарҳол шаҳар партия комитетининг комиссияси тузилди. Комиссия раиси Октябрь район комитетининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов эди. Комиссия қаттиқ ишлади, фақат икки профессор можаросини



эмас, бутун факультет ҳаётининг ҳамма томонини атроф-лича, чуқур ўрганиб чиқди. Таомилга кўра, комиссия бизнинг ҳам мулоҳазаларимиз ва таклифларимизни инобатга олган ҳолда шаҳар партия кўмитаси бюросининг қарор лойиҳасини тайёрлаб бермоғи керак экан. Бундай лойиҳа тайёрланди – унда аҳвол ҳолисанлилло баҳоланган ва маъқул таклифлар айтилган эди. Бироқ бюро мажлисида бирдан иш чаппасига кетди. Факультетда кекса журналистлардан Расул Муҳаммадий деган одам ишларди. Беайб парвардигор деганларидек, домласи тушмагур бир оз майда гапга мойилроқ эдилар. Факультетда Турсун Собиров деган домла билан сира чиқишмас эдилар. Бу тўғрида икковлари билан ҳам бир неча марта гаплашдик, ҳатто партбюро мажлисида ҳам кўриб чиқиб, икковларига ҳам жиддий танбеҳ берган эдик. Шу домла горком бюросида сўзга чиқди-ю, заррача уялмай, ёлғон-яшиқларни кўшиб, жуда қаттиқ гапирди. У кишининг гапига қараганда, факультет жуда катта ўпирилиш ичида эди ва ҳеч ким аҳволни тузатиш йўлида ҳеч нарса қилаётгани йўқ эди. У Турсун Собиров билан ўрталаридаги можарони жуда муҳим, принципиал тортишув тарзида кўрсатди-да, бу масалада партбюро унга ёрдам бермаётганини айтди.

– Ҳай, ҳай, бу гап ғирт ёлғон-ку! – дедим мен ўрнимдан сапчиб туриб.

– Ўтиринг! – деди мажлисни бошқариб бораётган горком котиби Қаюм Муртазоев. – Сизга гап берилгани йўқ! Гап берилганда гапирасиз.

Расул Муҳаммадийнинг гапи вазиятни кескин ўзгартириб юборди, шундай таассурот қолдики, гўё комиссия аҳволни тузукроқ ўрганмаган, лойиҳада кўп камчиликлар хаспўшлаб кўрсатилган. Қаюм Муртазоев кўлидаги қаламининг кети билан столга бир-икки урди-да, танаффус эълон қилди. Танаффус вақтида бюро аъзолари қарорни ўзгартириш ҳақида келишиб олишди, шекилли, танаффусдан кейин Муртазоев факультетдан икки-уч кишини жазолаш ҳақида таклиф киритди. Булар ичида мен ҳам бор эдим.

– Бошланғич ташкилот котиби Озод Шарафиддиновга шахсий варақасига ёзиш шarti билан қаттиқ виговор эълон қилинсин. Розимисизлар, ўртоқлар? Қани, ўртоқ Шарафиддинов, ўзингиз нима дейсиз? Розимисиз?

Буни эшитдим-у, ханг-манг бўлиб қолдим. Чунки шахсий варақага ёзиладиган қаттиқ виговор жуда оғир жазо эди. У одамга умрбод ёпиштирилган тавқи лаънат билан баробар эди. Албатта, бир-икки йил яхши ишласангиз бу жазони берган ташкилот уни олиб ташларди. Бироқ бунинг сиз учун ҳеч қанақа аҳамияти йўқ эди. Бундан кейин сиз бошқа бирон ишга ўтасизми, чет элга борадиган бўласизми ё бошқа бирон сабаб билан анкета тўлғасизми, албатта, «партия жазоси олганмисиз?» деган саволга жавоб беришингиз талаб қилинарди. «Ҳа, олганман» деган жавоб эса дарҳол қаршингиздаги истиқбол эшигини буткул тамғалаб ташларди – сиз эски ҳаммом, эски тослигингизча қолаверардингиз. Мен ёш коммунист бўлсам ҳам бу жазонинг одам учун нақадар даҳшат эканини, бу жазога мустаҳиқ бўлган одам ўз-ўзидан «иккинчи сорт» одамга айланиб қолажагини яхши билардим. Муртазоевнинг саволидан кейин дард-дунёим қоронғу бўлиб кетди, тиззаларим қалтиради, рангим бўзарди. Бир зумда ҳаёлимдан аллақанча ўйлар қуюндай ўтди. Котибнинг саволига нима жавоб беришимни билмасдим. Ногаҳон бир фикр, тўғрироғи бир савол миямга келди:

– Ўртоқ котиб, – дедим ҳаяжонимни босолмай, – менга горком бюросига эътироз билдириш мумкин эмас деб тушунтиришган эди. Шунинг учун саволингизга нима жавоб беришни билолмай қолдим. Фақат битта илтимосим бор – мен партияга кираётганимда ҳукумат мени юксак мукофот – медаль билан мукофотлаган эди. Тўққиз ой партия сафида бўлганимдан кейин менга шахсий варақамга ёзиш шарти билан қаттиқ виговор бериларди. Қандай қилиб медалга сазовор бўлган ёш бир одам тўққиз ой партия тарбиясини кўриб, қаттиқ виговор оладиган даражада тубан кетиши мумкин? Шунинг мантигини тушунтириб берсанглар, майли, ҳар қандай жазога розиман.

– Нима деяпсиз? – деди котиб. – Нега тўққиз ой?

– Шунақа-да. Партияга кирганимга энди тўққиз ой бўлди.

Котиб қаттиқ ғазабланди. Кўлидаги қаламнинг кети билан столга қаттиққина урди.

– Қани, дорилфунун парткомининг котиби борми? Ўрнидан турсин.

Партком котиби ўрнидан турди.

— Сиз қанақа одамсиз, ўзи? — Энди унинг бошида калтак қасир-қусур сина бошлади. Иш бунақа томонга айланиб кетишини мен ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Хижолат ичида гўдагимча турибман. — Сиз уставни биласизми? Бу кишини котиб қилишганда қаёққа қараган эдингиз? Ахир, уставда аниқ ёзиб қўйилган-ку — бир йиллик стажи бўлмаса, бошланғич ташкилотга котиб қилиб сайлаб бўлмайди. — Мен қолиб кетдим, гапнинг қуюғини бечора партком котиби эшитди. Ниҳоят, бюро аъзолари уни сўка-сўка чарчашди, шекилли, яна менга қайтишди.

— Қани, нима дейсиз? Шарафиддиновни нима қиламиз? — деди Муртазов.

— Оддий виговор бера қолайлик, — деди бюро аъзоларидан бири.

Мен яна эътироз билдирмоқчи бўлиб, ўрнимдан кўзгалган эдим, ёнимда ўтирган кексагина одам кўлимдан тортиб ўтқазиб қўйди.

— Бас, бўлди. Енгиллик қилаверма.

Ноилож жойимга ўтирдим. Мен берган саволга ҳеч ким жавоб бермади. Лекин мени жазолашди. Оддий виговор деганлари партиявий жазолар ичида энг енгилларидан бири эди, лекин, барибир жазо эди. Бир йилдан кейин мендан виговорни олиб ташлашди. Енгил тортдим — гўё баданимга ёпишиб олган алланечук кирдан поклангандай бўлдим. Аммо, бу бир йил мобайнида гавдамга ювган билан кетказиб бўлмайдиган аллақанча янги кирлар ёпишиб улгурган эди.

\* \* \*

Ўша кунги бюро мажлисидан кейин юрагимда бир нарса чирт узилди — назаримда эътиқодимнинг бир томири узилган эди. Кейинчалик мен уни аслига қайтаришга анча уриндим, аммо гишт қолипдан кўчгандан кейин бу жуда қийин экан. Ахир, партия, унинг раҳбар органлари менинг учун олий саждагоҳ эди, мен унга садоқатли фарзанддай хизмат қилмоғим, у ҳам мени ўз ўғлидай ардоқламоғи керак эди. Энг муҳими, партия ўз фарзандларининг ҳар қандай саволларига ҳаққоний жавоб бермоғи, ҳар қандай мушкулотини адолат билан ечиб бермоғи лозим эди. Ўша куни шу ишончим дарз кетди. Мен партия

учун жонимни жабборга бериб шунчалик хизмат қилсаму бир оғиз «раҳмат» ўрнига энг оғир жазога мустаҳиқ бўлиб ўтирсам?! «Адолат» деганлари шуми ҳали? Бу учига чиққан ноҳақлик эмасми? Сен партияни бошингга кўтариб ардоқлаганинг билан партия олдида сенинг қилча ҳам қадринг йўқ экан-да. Сидқидилдан унга кўрсатган хизматларинг нима-ю, ўзинг нимасан? Бувим раҳматлик айтиб юрадиган бир нақл бўларди: «Қозиқнинг учи ҳам бўлма, кети ҳам бўлма, учи бўлсанг, ерга кирасан, кети бўлсанг, тўқмоқ ейсан. Қозиқнинг бели бўл, болам». Бунақа ақида менга буржуа ахлоқининг ақидаси бўлиб кўринар ва мен уни қабул қилолмас эдим. Аммо жонажон партиям оғушида кечирган ҳаётим мени бу масалага бошқача қарашга ундади. Унчалик гўл бўлмаслик керак экан, теварак-атрофимга кўзни каттароқ очиб қарасам, менинг қаршимда шундай ҳақиқатлар намоён бўла бошладики, уларнинг олдида ақл шошиб қолди. Кўзни каттароқ очиб қарасам, партиямнинг ҳаёти инсоний мантиқдан холи, ҳақиқат ва адолатдан узоқ, кўпинча ёлғон асосга қурилган ҳаёт эди. Нафақат партия ҳаёти, партия раҳбарлигида барпо этилган жамият ҳаётида ҳам ақлга зид, ҳар қандай мантиқдан холи ишлар кўп бўларди. Уларнинг тагига етаман деб ҳарчанд уринманг, уринишларингиз бекор кетарди.

Бир неча йил мобайнида бизнинг факультетимиз Хадрада, беш қаватлик катта бир иморатда фаолият кўрсатди. Бир вақтлар унинг ёнида «Родина» кинотеатри бўларди. У 40-йилда қуриб битказилган, жуда чиройли кўринишга эга, олд томонида баланд-баланд устунлари бор, пештоқлари Оврупоча иморатларникига ўхшатиб ишланган эди. Одамлар бу кинотеатрни жуда яхши кўришар, унда ҳар доим янги фильмлар намоёиш этилар ва у ҳамиша жуда гавжум бўларди. Кунларнинг бирида тўсатдан кинотеатр ёпилди-ю, уни таъмир қила бошладилар. Биз ҳайрон бўлдик — кинотеатр янги бўлса, ҳали бирор жойи дарз кетмаган бўлса, унинг нимасини таъмир қиладилар? Бунақа нарса-ни биздан сўраб ўтиришармиди? Шундай қилиб, иш давом этаверди. Орадан кўп ўтмай биз ярим вайрона ҳолга келтирилган кинотеатр манзарасига кўникиб ҳам қолдик. Секин-аста бир йил ўтди, икки йил ўтди, учинчи йил ўтди. Таъмир эса сира охирига етмайди. «Нега бундай?»

деб суриштирсак, бу ерда Ҳамза номидаги театрға янги бино қуриляётган экан. Ҳамза театри чиндан ҳам янги бинога муҳтож эди, бу бинони чиндан ҳам Хадра майдонининг бирор жойига қурмоқ даркор эди. Аммо нега энди келиб-келиб «Родина» кинотеатрининг ўрнига қурмоқ керак эди? Нега яп-янги, муҳташам, шаҳарга кўрк бериб турган бир бинони олиб ташлаб, унинг ўрнига бутунлай бошқа бир бинони қўндирмоқ зарур эди? Ўша бинони бошқа жойга қуришганда, Эски шаҳардаги муҳташам бинолар сони биттага кўпаяр эди-ку? Яна бир масала — Ҳамза театрининг янги бинони қуриб битказилгунча «Родина» кинотеатри ишлаб турганда, бунақа театрлардан иккита-учтасини қуришга етадиган даромад берарди-ку! Нега бунинг ҳисоби қилинмади? Бу тарихий «таъмирлаш» сирин кейин аён бўлди. Ўша кезларда давлатимиз ҳар доимгидек сал камхаржроқ бўлиб қолган экан. Шунга кўра ҳар хил томошахоналар қуриш учун маблағ берилмай қўйилипти. Лекин биноларни таъмирлаш учун ҳар қанча маблағ керак бўлса, берилар экан. Қайси бир уддабурон каттамик шундан фойдаланибди-ю, Ҳамза театрига янги бино «қуриб берилди». Руслар бунақа ишни «афера» дейди. Афера — ўғирликнинг бир тури ҳисобланади. Ўзбекчада буни «фирибгарлик» дейдилар. Фирибгарлик биздан аввалги ҳамма жамиятда уят иш деб билинган. Фақат биздагина коммунистик партия раҳнамолигида хўжалик юритишнинг ҳамма соҳаларида қўлласа бўлаверадиган оддий ишлар қаторига кирди. Бундай фирибгарликлар ҳаммининг кўз ўнгида содир бўлар, лекин ҳеч ким бунга қарши лом-мим деб оғиз очмас эди.

Ҳар йили талабалар пахтага — ҳашарга олиб чиқиларди. Бунга ҳамма кўникиб қолган, ҳатто ҳар йили «қачон пахтага жўнаймиз?» деб сабрсизлик билан кутадиганлар ҳам бўларди. Чунки пахтага чиқишнинг ўзига яраша нашидаси ҳам бўларди. Аммо режани бажариш кечикса, талабалар ёгин-сочинли кунларга қолиб кетса, совуқ бошланиб қолса ёмон бўларди. Айниқса, декабрь ойига қолиб кетсак аҳвол жуда оғирлашарди. Эрталаблар ер музлаган, баайни қаҳратон қиш, кун илигандан кейин, музлар эриб, ҳаммаёқ билч-билч лойга айланади. Оёққа ботмон-ботмон лой илашиб, юриб бўлмайди. Лекин шўрлик талабалар

шунда ҳам далани тарк этишмайди, ушукдан кўкариб кетган панжаларига куҳлай-куҳлай теримда давом этадилар. Баъзан эса пахта қолмаган бўлади. Аммо раҳбарларимиз шунда ҳам даладан кетишга рухсат беришмайди. Талаба эрталабдан кечгача далада бўлмоғи керак. Болалар ичида касал кўпаяди, интизом бўшашади. Лекин, барибир, рухсат йўқ. Машиналарда райком котиблари ва бошқа катталар изғиб юради.

– Қани, бу талабаларнинг раҳбари ким?

– Мен, – дейман ботқоқ даладан судралиб чиқиб, катта-тамизнинг олдига борар эканман.

– Нега терим пасайиб кетди? Мана, кечаги маълумотномангиз, киши бошига ярим килограммдан ҳам тушмаяпти. Бу қанақаси бўлди?

– Кўриб турибсиз-ку, далада пахта қолмаган. Кун бўйи қиртишлаганда ҳам ярим кило чиқмайди. Умуман, бундай шароитда талабаларни далада тутишдан нима маъно бор?

Катта-тамиз менга еб юборгудай ўқрайиб қарайди, ранги бўзаради, ижирғаниб дейди:

– Сизни ким раҳбар қилиб қўйган? Партиянинг пахта сиёсатини тушунмас экансиз. Сиз билан бошқача гаплашамиз.

Катта-тамиз кетгандан кейин анча вақтгача «партия-нинг пахта сиёсати»ни тушуниб олишга тиришиб, миямни ишлатаман – мияларим торс ёрилиб кетгудай бўларди. Бу тиришишлар оқибатида фақат бир нарсани тушуниб етаман – қиш даласида пахта сира қолмаган бўлса-да, катталаримизга «пахта йўқ» деб бўлмас экан, уларга фақат «хўп бўлади, бажарамиз!» деб турмоғинг керак экан. Шундагина уларнинг қаҳр-ғазабидан омон қолишинг мумкин экан. Шундай қилиб, ҳаловатингни сақлаб қолиш учун беҳуда жазоларга мустаҳиқ бўлмаслик учун жиндай ёлғон ишлатсанг бўлаверади. Бунинг айби йўқ.

«Ёлғон» дегани юкумли касалдай жуда тез тарқаладиган нарса бўлар экан – унга бир марта йўл очиб берилса, кейин у баҳор селидай ҳаммаёқни қоплаб олади. Шу тарзда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига ёлғон суқилиб кирди, керак бўлса-бўлмаса ундан кенг фойдалана бошладик, ҳатто санъат соҳасида ҳам бошдан-оёқ ёлғонга асосланган, ёлғонга сажда қилиб яратилган, ёлғонни байроқ

қилиб олган асарлар пайдо бўлди. Ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Мен фақат битта мисол келтираман. Ҳамза ҳақидаги кўп сериялик телефильмни эсланг. Номи – «Оловли йўллар» эди, шекилли. Ҳамза – қуролфуруш, курашчи, Рабиндранат Тагорнинг дўсти, Миср инқилобининг ташкилотчиларидан ва ҳоказо ва ҳоказо. Инқилобчилик бобида шунақа чўққиларга кўтариладики, ҳатто Ленинни ҳам бир чўқишда қочиради. Назаримда, бу телефильмнинг номини «Ҳамза мавзуидаги хомхаёллар» деб қўйса, тўғрироқ бўлармиди. Қизиғи шунадаки, шундай фильм ҳам жамиятда ҳеч қандай эътироз туғдирмади, аксинча, унинг тўғрисида матбуотда кўпдан-кўп мақтовли мақолалар эълон қилинди. Фильмни ясаганлар ҳам, уни томоша қилганлар ҳам хижолат чекиб, бир-бирларидан кўзларини олиб қочмадилар. Негаки, ёлғон гапириш, ёлғонга сажда қилиш жамиятда аллақачон одат тусига кириб кетган эди.

Жонажон партиямнинг бағрида юриб, кашф этган ҳақиқатларимдан бири яна шу бўлдики, бу партия тили бошқа, дили бошқа партия экан. Катта-катта мажлисларнинг қарорларида, тантанали йиғинларда, шиорлар ва хитобларда бир хил гап айтиларди-да, амалдаги иш бу гапларга сира тўғри келмас эди. Масалан, партияни алдаш, унга ёлғон гапириш энг оғир гуноҳлардан ҳисобланарди, аммо партия аъзоси ҳар қадамда ёлғон гапирмаса, бошига фалокатлар ёғилар, куни ўтмас эди. Масалан, ўтмишда ота-боболаримиздан бирортаси руҳоний бўлган бўлса ёхуд савдогарлик билан шуғулланган бадавлатроқ одам бўлган бўлса, буни, албатта, яширмоқ даркор эди. Тўғрисини айтиб қўйсангиз, бошингиз маломатдан чиқмас эди. Назаримда, партияга ҳақиқатни гапирадиган ростгўй ва самимий одамлар эмас, балки керакли гапни гапирадиган, раҳбарларга маъқул гапларни айтадиган, керак пайтда ҳар қандай ёлғонни қўллашдан тап тортмайдиган чечан ва уддабуронлар керак эди. Келинг, яхшиси мен бир воқеани гапириб берай, хулосани ўзингиз чиқариб олинг.

Бир домламиз бўларди – Тоҳирий деган. Бу одам яхши маънодаги эски зиёлилардан эди. У киши педагогикадан дарс берар, лекцияни артистларга ўхшаш маҳорат билан ўқир, том маънода қомусий билимларга эга эди. Талаба-

лар у кишини жуда ёқтирар, маърузаларини мароқ билан тинглар, теварагидан сира одам аримас эди. Домла ёши бир жойга етиб, ишни тарк этиш муддатлари яқинлашганда, партияга киришни ихтиёр қилиптилар. Анча елиб-югуришлардан кейин ҳужжатлар тайёр бўлиб, кунлардан бирида дорилфунун парткомининг мажлисида домланинг аризаси кўрилди. Одатдагидек, домла партиянинг программаси ва уставини тан олишини айтди, саволларга эса жавоб берди. Мажлис аҳлидан бири ҳаммани қизиқтирган бир саволни ўртага ташлади:

– Нега шу пайтгача партияга кирмай, қариганда бу ишга аҳд қилдингиз?

Домла сира кутилмаган бир жавобни берди:

– Шу пайтгача мен ўзимни партияга нолойиқ деб ҳисоблаб келдим, негаки яқин-яқинларгача мен миллатчи эдим. Эндигина шу иллатдан қутулдим.

Бирдан бомба портлагандай бўлди – негаки, мажлис аҳлининг кўпчилиги «миллатчи» деган сўзни эшитган бўлса ҳам, тирик миллатчини кўрмаган эди. Умуман, бу даврада «мен миллатчи эдим-у, энди тузалдим» деган гап ҳали янграмаган бўлса керак. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Домласи тушмагур «партияни алдаб бўлмайди, унинг қаршисида самимий бўлмоқ керак», деб ўйлаб, бор гапни ошкора айтди-қўйди. Айтди-қўйди-ю, лекин ишнинг пачавасини чиқарди – чунки собиқ миллатчини, албатта, партияга қабул қилмайдилар. «Ахир, у миллатчилигидан халос бўлган-ку. Шундай бўлмаса, ўтмишини бу қадар ростгўйлик билан айтиб ўтирмасди. Уни самимияти учун жазоламайлик» деган гаплар ўтмади. Кейин анча вақтгача ҳар хил партиявий йиғинларда собиқ миллатчини партияга олишга сал қолгани ҳақида гапириб, университетга таъна тошларини ёғдириб юришди.

Партиянинг ички ҳаётида ёлгоннинг тўрға чиқиши жамият орасида жуда кўп иллатларнинг томир отишига олиб келди. Одамлар ҳам ошкора тилёғламалик, қалб амрига қарши бориб, виждонини сотиб иш тутиш, фақат ўз манфаатини ўйлаб фаолият кўрсатиш каби қусурлардан ҳазар қилмай қўйдилар. Мен нафақат олий ўқув юртида дарс берган педагогман, айни чоғда, танқидчилик ҳам қилганман. Фаолиятимнинг анча қисми Ёзувчилар уюшмаси би-



лан боғлиқ ҳолда кечган. Бу ердаги муҳим-муҳим йиғинларда ёзувчи дўстларимнинг иккиюзламачилигини, бибурдлигини, риёкорлигини кўриб, кўп изтироблар чекканман.

Бир куни Ёзувчилар уюшмасида катта йиғин бўлди. Унда Пастернак деган ёзувчининг хиёнаткорона ишларини қоралашимиз керак эди. Борис Пастернак шоир ва таржимон эди. Шеърят мухлисларининг айтишларича, у жуда истеъдодли, ўзига хос, ялтоқликдан узоқ шоир бўлган. У ўзбеклар ўртасида унча машхур ҳам эмас эди. Ва умуман, бу шоирнинг расмий доиралар билан муомаласи ёмон бўлиб, уни имкони борича қаторга қўшмасликка, ўзининг борлигини сезмасликка ҳаракат қилишарди. Шу одам «Доктор Живаго» деган роман ёзипти. Романда инқилобни қоралапти, оқ гвардиячи йигитларни тузуккина одам сифатида тасвирлапти. Бунақа асарнинг бизда нашр бўлиши мутлақо мумкин эмас эди — уни чет эллардаги аллақайси буржуа нашриёти босиб чиқарипти, унга ҳатто Нобель мукофоти беришипти. Шундан кейин адабиёт оламида катта ҳангомалар бошланди. Партиянинг буйруғи билан Москвада таниқли ёзувчилардан бир қанчаси Пастернакка очиқ хат ёзишиб, уни ватанфурушликда, ғоясизликда, буржуа мафкурасига мойилликда айблашди. Нобель мукофотидан воз кечишга ундашди. Бутун мамлакат бўйлаб ҳамма Ёзувчилар уюшмасида уни қоралаб, йиғинлар ўтказилди. Албатта, бундай йиғинларнинг ажабланидиган жойи йўқ, шўролар замонида қолипга сиғмаган ёзувчилар ҳамма вақт ҳар хил йўллар билан қораланиб келинган. Мени лол қолдирган нарса бошқа эди — бизнинг уюшмамизда йиғинга тўпланганлар ичида Пастернакни билмайдиган одамларгина эмас, умрида унинг номини эшитмаган одамлар ҳам кўп эди. «Доктор Живаго» романини ўқиганлар эса умуман йўқ эди. Шунга қарамай, сўзга чиққан нотиклар «Мен «Доктор Живаго»ни ўқиган эмасман, лекин Пастернакни бутунлай қоралайман, бунақа хоинга совет ёзувчилари сафида ўрин йўқ!» деб ҳайқаришди. Мажлис Пастернакни яқдиллик билан қоралади. Ёзувчилар, яъни энг пешқадам, энг фикри очиқ, энг ҳақпарвар зиёлилар йиғинида бир одам топилмадики, «эй биродарлар, асарни ҳеч қайсимиз ўқимаган бўлсак, гап нима тўғриси-

да бораётганидан беҳабар бўлсак ва, умуман, Пастернакнинг ўзини тузукроқ билмасак, унинг фикр-мулоҳазаларини эшитмаган бўлсак, қандай қилиб уни қоралашимиз мумкин? Бу виждонга, инсофга хилоф иш-ку!» деса... Ўшанда биз донолик билан эмас, жоҳиллик билан Пастернакнинг юзига тупурган эдик. Аслида эса... Пастернакнинг эмас, ўзимизнинг башарамизга туфлаган эдик.

Афсуски, партиянинг ички ҳаётидан ҳам, умуман, ўша даврлардаги жамият ҳаётидан ҳам бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг бари биз партия раҳбарлигида социалистик жамият эмас, аллақандай тўнкарилган — тескари жамият қурганимиздан далолат беради. Тўғри, ҳаётимиз аввалгидан бирмунча дуруст бўлиб қолганди. Еб-ичишимиз ҳам, кийим-кечагимиз ҳам, яшаш шароитларимиз ҳам анча эпақага келиб қолганди. Бироқ жамият ҳаётида ёлғон-яшиқнинг кучайиши, инсоний кадр-қимматларнинг камайиши, ҳаромхўрлик ва нопокликнинг авж олиши ахлоқни хароб қила бошлаган, эътиқодларнинг томирини қурита бошлаганди.

\* \* \*

Мен онамни «ая» дердим. Аям Қўқоннинг ёнгинасидаги Охунқайнар қишлоғида туғилиб ўсган, сўнг тақдир тақозоси билан аввал Қўқонга, кейин Тошкентга келиб туриб қолган. Аям чамаси 10 йилча савдо соҳасида меҳнат қилганларидан кейин — 1938 йилда партияга кирдилар. У киши партияга чин юракдан ихлосманд эдилар. Аёлликларига қарамай, у кишини том маънода партиянинг солдати деса бўларди. Партия қайси ишга, қандай лавозимга қўймасин, аям уларни гап-сўзсиз, эътирозсиз бажарар, партиянинг ҳар бир топшириғини сидқидилдан адо этишга тиришарди. Биз оилада тўрт фарзанд эдик, очигини айтганда, болаликда она меҳрига тўйганмизми-йўқми аниқ айта олмайман. Биз уйқудан турмасдан аям ишга кетиб қолар, кечқурун у киши ишдан қайтганда биз ухлаб қолардик. Шу алфозда йиллар ўтди — биз улғайдик, уйли-жойли бўлдик, аям ҳам салкам ярим асрлик аъзолик стажига эга бўлган партия фахрийсига айландилар. Аммо бир кун келиб, кексалик кор қилдими ё кўп йиллик «қадрдон» касаллари — диабет енгдими, ҳар ҳолда аям ётиб қолди-

лар. Бутун умри одамлар орасида, ҳаракатда, фаолиятда ўтган одам ётиб қолмасин экан — ташқи дунёдан узилиб, тўрт девор ичига қамалиб қолиш ёмон бўлар экан. Биз — фарзандлар, албатта, қўлимиздан келганча аямнинг аҳволини енгиллатишга ҳаракат қилдик, лекин у киши алам ва изтироблар ичида ҳаётдан кўз юмдилар. Кейин ўйлаб қарасам, у кишининг умрига зомин бўлган нарса фақат қанд касалининг тажовузларигина эмас экан. Гап йўқ, ўлим ҳақ! Аммо одамни қисматидан беш кун бурун бу дунё билан видолашувга мажбур қиладиган сабаблар ҳам кўп экан. Аямнинг ҳадеганда тилга чиқавермайдиган алланечук оғир пинҳоний бир дарди бор эди. Кўпинча ишдан қайтиб, ҳузурларига кирсам, кўзлари намиққан, юзлари тунд бўларди.

— Яна йиғладингизми, ая?

— Йўқ, болам, нега йиғлай? Шунчаки сиқилдим-да, — дердилар аям шикаста овозда.

Бир куни ўзлари ёрилдилар:

— Нега бунақа-а, ўғлим? Мен эллик йиллик умримни партияга бағишладим, сочимни супурги, қўлимни косов қилиб унинг хизматини қилдим, энди эса партия ширамни сўриб олиб, пўстимни туфлаб ташлади. Шунча хизматларим қумга сингиб кетдимми?

Дарҳақиқат, аям ётиб қолганларидан кейин у киши аъзо бўлган ташкилот аямни ҳисобдан чиқариб, маҳалладаги мактабнинг партия ташкилотига тиркаб қўйганди. Бу тўғрида бир одам келиб хабар бериб кетди-ю, ундан кейин бошқа ҳеч ким келмади. Орадан йиллар ўтди. Партия аъзоси ҳар ойда аъзолик бадали тўлаб турмоғи керак эди. Бу — партия аъзоси учун сўзсиз бажарилиши лозим бўлган темир қонун эди. Агар уч ой аъзолик бадали тўланмаса, у ўз-ўзидан партиядан чиқиб кетарди. Аям шундан қаттиқ безовта бўлди ва мени мактабга жўнатди.

— Э, домла, шунга ташвиш қилиб юрибсизми? — деди беғамгина оҳангда котиб. — Нафақадаги одам бор-йўғи 20 тийин бадал тўлайди. Ўзимиз тўлаб юборяпмиз.

Аямнинг куйганича бор эди — партия ўзининг хасталикка учраб, ишга ярамай қолган аъзосидан буткул юз ўгирган эди. Аям ҳар йиғлаганда дард азобидан эмас, хўрликдан йиғлардилар. Мен эса у кишининг аламли са-

волига тузукроқ жавоб топиб беролмай гаранг эдим. Ҳа, бизнинг партия учун одам чўт эмас эди — инсон қадри ҳақида оғизда кўп баландпарвоз гаплар айтилса-да, амалда, зарур бўлиб қолса, партия ҳар қандай одамнинг баҳридан ўтиб юбораверарди.

Орадан кўп ўтмай шунга ўхшаш кўргилик ўзимнинг ҳам бошимга тушди.

80-йилларнинг бошларида одамларга чорбоғ тарқатиш расм бўлди. Бир гуруҳ ёзувчилар ҳам бу насибадан қуруқ қолишмади. Уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Ростини айтсам, менга ҳам бир шапалоқ ер текканига жуда суюндим — одам ёши ўтиб борган сари ерга яқинроқ бўлишни хоҳлаб қоларкан. Тўғри, жиндай узоқлиги бор — Тошкентдан 35 чақирим келади. Нима қилипти — 20 йилдан бери гижинглатиб юрган машинам бор — ҳар қандай узоғимни яқин қилади. Ер ташландиқ, заранг, тупроғи шўр экан. Бунисини ҳам эплаймиз. Жойимиз дўнгроқ экан, сув чиқиши қийин экан. Бу ҳам шаштимизни қайтара олмади. Аммо ишни бирор бошпана барпо этишдан бошламоқ керак эди. Бутун оила аъзоларимиз баҳамжиҳат ишга киришдик. Қурилиш материалларини топиш қийин эди, уларни топсангиз машина топилмайди, машина топилса, сабил қолгур пул топилмай хуноб қилади. Ҳар қалай, ёру дўстлар, ошна-оғайнилар жонга оро киришди. Ўша йили ёзи билан ҳар кун чорбоғимизда ҳашар бўлди ва бу ҳашарларда иштирок этмаган биронта ёш ижодкор ёхуд шогирд қолмади. Хуллас, иморатни кўпчиликлашиб тиклаб олдик. Лекин унинг пардоздан чиқиб, узил-кесил битишига ҳали уч-тўрт қовун пишиғи бор эди. Шапалоқдек ерни эпақага келтириш, бошпана бўладиган мўъжазгина бир кулбани битириб олиш шунақа қийин бўлишини билганимда, чорбоғ деганини сира ҳам ҳавас қилмаган бўлардим. Аммо на илож — бошлаган ишни охирига етказиш керак. Шу аҳволда кунлар ўтиб турарди, кунлардан бирида газетада «Чорбоғчилар» деган фельетон чиқиб қолди. Қарасам, уч-тўрт киши қаторида менинг ҳам фамилиям бор. Фельетончиси тушмагур роса бошлапти. Унинг гапига қараса, мендай расво, мендай бойликка ружу қўйган махлуқ йўқ, нафсим ҳакалак отиб, икки қаватли шоҳона қаср қуриб олибман. Ё тавбангдан кетай, ёлғон ҳам эви билан-да...

Аммо партия ташкилоти учун матбуотда чиққан материал жиддий сигнал ҳисобланарди. Асосий машмашалар фельетон чиққандан кейин бошланди. Партия мажлисида масалам кўрилди, кетма-кет парткому райкомларга чақирилдим, изоҳномалар, тушунтириш хатлари ёздим. Ниҳоят, мендан уйнинг иккинчи қаватини бузиб ташлашни талаб қилишди. Яхшими, ёмонми — ўз қўлинг билан барпо этган нарсани бузиш жуда оғир бўлар экан. «Тайёр битган иморатни нега бузмоқ керак, ундан кўра, уни олинглар, болалар боғчаси қиларсизлар», дедим. «Йўқ» дедилар. «Бўлмаса болахона қурганим учун жарима тўлай, лоақал йўлимизни асфальт қилишга харжларсиз», дедим. «Йўқ» дейишди. «Бузинг, бўлмаса партиядан ўчирамиз». Мен, албатта, партиядан ўчишни истамас эдим. «Майли, бузаман. Лоақал ёзгача фурсат беринглар», дедим. «Йўқ!» дейишди. Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида уч-тўрт киши бўлиб, болаxonани кўпориб ташладик. Лекин томни ёполмадик. Кейин ёгингарчилик бошланди. Аксига олиб, ўша йили баҳор жуда серёгин бўлди. Ёзгача иморатнинг бари шўрлаб, шувоклари кўчиб тушди, деворлари ҳам уқаланиб яроқсиз ҳолга келди. Уч ой олдин бежиримгина турган иморат бомба тушган вайронага айланди-қолди.

Ўша пайтдаги изтиробларимни эсласам, ҳозир ҳам куйиб, ўртаниб кетаман. Чорбоғ деган нарсдан буткул кўнглим совиди. Ҳар гал ўша вайронани кўрганда чаласига ўзим ўт қўйиб куйдириб юборгим келарди. Лекин бундан ҳам ёмонроқ алам қилгани бошқа нарса бўлди. Менинг қандай гуноҳим бор эдики, мени шунчалар бадном қилдилар? Ўғирлик қилган бўлмасам, бировнинг ҳақини еган бўлмасам, чорбоғни қуриб, даромад манбаига айлантирган бўлмасам? Ахир, менинг ёшимдаги донороқ дўстларим сира жонларини койитмай, ҳатто ойлик ижара ҳақларини ҳам тўламай, ҳукумат қуриб берган ҳашаматли чорбоғларда яшашяпти-ку! Мен бўлсам, ҳукуматни чиқимдор қилмай деб ҳаммасини ўз меҳнатим билан қилиб ўтирибман. Ва «рахмат» деган сўз эшитиш ўрнига яна фельетон бўлиб ўтирсам? Мени элу юрт олдида бадном қилсалар? Ахир, одамлар назарида жиндай обрўга эга бўлсам, мен бу обрўни йиллар мобайнида ҳалол меҳнатим, тўғрилигим эвазига мисқоллаб тўплаган эдим. Менинг обрўйим

мен аъзо бўлган партиянинг обрўйи эмасмиди? Нега партия мени бу адолатсизликдан ҳимоя қилмади? Демак, унга менинг обрўйим ҳам, ўзим ҳам керак эмас эканманда? Ўшанда мен бу саволларнинг биронтасига жавоб топганим йўқ. Ўйлашлар оқибатида афсусу надоматларга тўлиқ яна бир хитоб туғилди, холос: «Бу дунё нега бунчалар телба-тескари бўлмаса?!»

Албатта, бунақа хўрликлар ва ноҳақликларга дош бериш жуда қийин эди. Ўйлай-ўйлай бир нарсадан тасалли топдим — бунақа ишлар ҳаётимизда янгилик эмас-ку! Сенку партиянинг бир оддий аъзосисан, сендан юз чандон катта одамлар, том маънодаги улуғ одамлар ҳам бунақа тескари қисматдан бенасиб қолмаганлар-ку! Уларнинг ҳам ҳеч қанақа гуноҳлари йўқ эди. Шундай деб ўйлаганларимда улуғ инсон ва улуғ олим Ҳабиб Абдуллаевнинг қисмати кўз олдимда гавдаланади. Дунёга донғи кетган олим. Олтин топишнинг самарали йўлларини кашф этган, у топган конлардан миллион-миллион даромад кўрилган ва ҳозир ҳам кўрилкоқда. Унинг раҳбарлигида Фанлар академияси ҳам беқийёс ўсди. Бунақа олим юз йилда бир туғилади, миллат у билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бундай олим хорижий мамлакатлардан биронтасида яшаганда, шубҳасиз, жуда катта иззат-икром кўрган ва фаровон яшаган бўларди. Аммо шундай одам эллик ёшга кириб-кирмай оламдан ўтди. Ҳа, умри қисқа экан. Аммо унинг умрини қисқа қилишга ўзимиз ҳам анча-мунча ҳисса қўшдик-ку! Ўзининг ҳалол пулига арзимаган иморат қургани учун бадном қилган, тупроққа қориштирган ўзимиз эдик-ку! Гўё бир томонда сон мингта Ҳабиб Абдуллаев қалашиб ётипти-ю, бунисини улоқтириб ташлаб, янгисини қўйиб қўйиш мумкиндай. Олим теварагида ғийбат қозони қайнаб ётганида партиядан «ҳой биродарлар, бир катта олим дурустроқ уй қуриб олган бўлса, нима бўлипти? Бу ўзимизга обрў олиб келади» деган садо чиқмади-ку! Йўқ, арзимаган «гуноҳ»ларни баҳона қилиб одамларни ёмон отлиқ қилиш, бурнини ерга ишқаб, қанотини қайириб олиш партиянинг севимли ишларидан эди. Ҳар хил йўллар билан одамни хўрлаш, таҳқирлаш ва шу тарзда «попугини пасайтириб» қўйиш бизнинг ҳаётимизда оддий иш бўлиб қолганди.

Шу гапларни ёзяману, кўз ўнгимда улуг санъаткоримиз Шукур Бурҳоновнинг нуроний сиймоси гавдаланади. Ўйлайманки, юртимизда биронта одамга Шукур Бурҳоннинг кимлигини тушунтириб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Шукур Бурҳон бетоб бўлиб ётган кунлардан бирида унинг иштирокисиз, орқасидан мажлис қилишипти-да, ишдан бўшатишиб, «паттаси»ни уйига элтиб беришипти. Ҳолбуки, санъаткорнинг бутун умри шу театрда ўтган, у ҳаётини театрдан ташқарида тасаввур ҳам қилолмасди. Буни қандай тушуниб, қандай изоҳлаш мумкин? Ҳар қанча узрли сабаблар рўқач қилинмасин, улар Шукур Бурҳонни театрдан қувган одамларнинг бағритошлигини оқлай олармикин? Ахир, биз бағри кенг, серсаховат, меҳри дарё халқ сифатида танилган эдик-ку? Дини ислом, мусулмон ахлоқи асрлар мобайнида бизга одамийликни, раҳмдилликни, шафқатни сингдириб келганди. Нега энди бугунга келиб, шу қадар меҳрсиз ва бағритош бўлиб қолдик. Яқинларимизга қанча қаттиқ озор етказсак, шунча кўпроқ ҳузурланамиз. Бу иллат бизга қачон, қандай ёпишган? Шўролар замонида кенг томир ёйган инсонга лоқайд қараш, уни қадрламаслик шундай оқибатларга олиб келмадими? Албатта, бу мулоҳазалар кимгадир маъқул бўлмаслиги, кимгадир эътироз туғдириши мумкин. Кимдир «муболага ҳам эви билан-да! Уч-тўртта ҳодисани санаб, ундан инсонга лоқайд қараш партия амалиётининг умумий тамойили бўлган дейиш мумкинми?» деб ўйлаётгандир ҳам. Бунга нима деб жавоб берса бўлади? Менинг гапларимда муболага йўқ, биродарлар. Сизларни бунга яна бир бор амин қилмоқ учун қуйидаги далилни келтираман. Сизлар, албатта, Динмуҳаммад Қўнаевни эшитган бўлишинглар керак. У катта-катта кашфиётлар қилган атоқли геолог олим эди. Аммо кенг халқ оммасига геолог бўлиб эмас, йирик давлат арбоби ва донгдор партия ходими сифатида кўпроқ танилган эди. Қўнаев қирқ йилдан мўлроқ раҳбарлик ишларида ишлади, шундан йигирма бир йил мобайнида партия Марказий Комитети Сиёсий Бюросига аъзо бўлди. Албатта, бу одам партиянинг ички ҳаётини беш қўлда билган, унинг бу борада айтган гапларини сира шубҳа туғдирмайдиган ишончли гаплар тарзида қабул қилса бўлади. Яқинда Олмаида унинг «Менинг даврим тўғрисида»

деган хотиралар китоби чиқди. Унда шундай гаплар бор: «... сен ҳокимият курсида ўтирган бўлсанг, ҳурматга сазовор, муносиб одамсан. Мансабдан кетишинг билан эса сени эртасигаёқ унутиб юборишади. Кўп ҳолларда эса менинг аҳволимга тушасан – янги чиққан раҳбарнинг қутқуси билан менинг устимга ҳар хил бўлар-бўлмас айблар тўнкашди ва ўзимни оқлагани бирон оғиз гап айтишга мутлақо имкон беришмади».

Қўнаевнинг бошига тушган можаролар партия ўз аъзоларини қандай «қадрлагани»ни яққол кўрсатади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Коммунистик партиянинг раҳбарлари оғизда гуманистик ақидаларни алқаган бўлсалар-да, амалда одамларга ўз мақсадларига эришиш йўлида бир восита деб қараганлар. Шунинг учун коммунистик жамият қуриш ёки уни ҳимоя қилиш йўлида миллион-миллион одамларни қурбон қилиб юбораверишган. Улар бу қилмишларини оқлаш учун махсус назариялар ҳам тўқиб чиқаришган. «Одамлар давлат машинасининг мурватлари ва парракларидир» деган эди Сталин. Буюк доҳий яна бир жойда «Бизда алмаштириб бўлмайдиган одам йўқ!» деган шиорни олдинга сурган эди. Бугунга келиб, бу гаплар нақадар аксил инсоний мазмунга эга экани аён бўлди. Ахир, бу дунёда инсондан буюкроқ, инсондан мўъжизавийроқ махлуқот йўқ! Инсоннинг чиқити бўлмади – унинг бири тош, бири гул. Ўз ўрнида иккови ҳам керак. Аммо коммунистик партия инсон тақдири ҳақида гап кетганда бу ақидани буткул унутар эди.

Қарс икки қўлдан деган гап бор. Партияки ўз аъзосини қадрламаса, аъзолар ўз партиясини нечук қадрласин?

\* \* \*

Мен нафақат мунаққид ва адабиётшуносман, балки мунтазам равишда таржимонлик ҳам қилганман. Таржима қилган асарларим орасида Ленинга бағишланганлари кўп. У пайтларда мен Ленин ҳақидаги очерклар ва ҳикоялар, қиссалар ва романларни ўзбек китобхонига етказиб беришни жуда муҳим иш деб ҳисоблардим. Ўзбек ёшлари бу китобларни ўқиб доҳийдан ибрат олса, унга ўхшаган баркамол бўлишга ҳаракат қилса қандай яхши! У кезларда кўпгина совет кишилари каби Ленинни парвардигордек бенуқсон деб билар-



дим. Жиндай тили чучуклигини айтмаса, бошқа айби йўқ эди. 20-йиллардаёқ матбуот саҳифаларида «Ленин пайғамбарми, йўқми?» деган мавзуда жуда жиддий баҳс ўтган эди. Ҳарҳолда, унинг бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси эканига совет кишиларида заррача шубҳа йўқ эди. Лекин бир гал менда алланечук гумон пайдо бўлганди. Ўшанда мен биринчи марта хорижий сафарга чиқиб, Мисрга боргандим. Сафар давомида мисрлик оддий одамлар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдим. Лениннинг тасвири зарбланган нишонлардан анча-мунча олиб олган эдим. Мисрликлар нишонларни бажонидил олишди, у ёқ-бу ёғини айлангириб томоша қилишди, сўнг расмни кўрсатиб «бу ким?» деб сўрашди. Қизиқ-а, улар меҳнаткаш бўла туриб, ўз доҳийларини танимадилар. «Бу – Ленин!» – дейман ранжиганимни билдирмасликка тиришиб. Улар эса менга бақрайишда давом этадилар. «Ленин ким?» деб сўрайдилар. Кейин-кейин билдимки, хорижда Лениннинг шуҳрати унчалик эмас экан, у ердаги одамлар Ленинсиз ҳам бинойидек кунларини кўриб турар эканлар. Бизнинг назаримизда эса, Ленин бўлмаса, ер юзидаги ҳаёт тўхтаб қоладигандай эди. Мабодо, оламда бирон мангу турадиган нарса бўлса, бу – Ленин бўлмоғи керак эди.

Кейин ошкоралик ва қайта қуриш бошланди. Илгари яшириб келинган ҳақиқатлар юзага чиқа бошлади. Кўзимиз очилди. Лекин... Шу ўринда Чўлпоннинг бир байти эсга тушади:

Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?

Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим.

Кўзимиз очилиб кўрдикки, Ленин бобо ҳам ўзимиз қатори эканлар, кўпда бенуқсон эмас эканлар, аксинча, анча-мунча жиноятларга ҳам қўл уришдан қайтмаган, анча-мунча одамнинг ҳаётига зомин ҳам бўлган эканлар. Ленин бобо ҳам нафс балосига гирифторм бўлган осий бандалардан эканлар, фақат еб-ичиш, молу дунё орттириш касалига эмас, бутун дунёни ўз бичимига мослаб қайта қуриш дардига мубтало бўлган эканлар. У киши фаолият майдонига кириб келишлари биланоқ Архимеднинг машҳур гапини ўз манфаатларига мослаб, «Менга таянч нуқтасини беринг, бутун дунёни ағдар-тўнтар қиламан!» деб ҳайқирган эдилар. Ке-

йин партияни ўзлари учун шунақа таянч нуқтаси қилиб олдиларки, партия аъзолари ва партияга аъзо бўлмаган оддий одамларни ўзларининг хом хаёлларини рўёбга чиқаришда восита қилиб олдилар. Бу фаройиб ҳодисани идрок этмоқчи бўлиб ҳарчанд уринаман, лекин тагига етолмайман. Қандоқ бўлдики, Россия империясидек катта бир мамлакат бир ҳовуч найрангбознинг тузоғига илинди? Нечук эс-ҳуши жойида, ақли расо миллион-миллион одамлар большевиклар тўқиган афсоналарга чиппа-чин ишонди? Ўтмиш ҳақида қанча кўп ўйласам, бунақа саволлар шунча кўпроқ пайдо бўлади.

Аmmo биз савол бериб ўрганмаган эдик. Негаки, савол бермоқ учун одам синчков бўлмоғи, ҳар нарсанинг тагига етишга, моҳиятини англашга тиришмоғи керак, фикрлайдиган одам бўлмоғи шарт. Биз айна шу фикрлаш масаласида оқсар эдик, юқоридан айтилган ёхуд матбуотда ёзилган ҳар қандай гапни таҳлил чиғириғидан ўтказмай, ҳақиқат деб қабул қилишга кўникиб қолган эдик. Бунинг натижасида ҳар хил ёлғон-яшиқларни, бўлар-бўлмас афсоналарни онгимизга сингдиришарди. Ҳар куни такрор-такрор айтавергандан кейин ёлғон ҳам ростга ўхшаб қолар экан. Гап қуруқ бўлмасин, бир-иккита мисол келтирай.

Кўп йиллар мобайнида «Улуғ Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди» деган ибора бизнинг «бисмилло»миз бўлган. Ҳар бир маърузада, ҳар бир мақолада, ҳар бир китобда бу гап қайта-қайта таъкидланар, қайта-қайта кулоққа қуйиларди. Лекин ҳеч ким «1917 йил октябрида ўзи инқилоб бўлганми ёхуд шунчаки давлат тўнтаришимиз? Ё бир ҳовуч саргузаштгалаб унсурлар уюштирган фитнами? Тўнтариш ёки фитна бўлса, уни «улуғ» деб бўладими? Бу тўнтариш очган «янги давр нималарда акс этади?» деган саволларни бермас эди.

Кўп китобларда Ўзбекистондаги фуқаролар уруши ҳақида гапирганда «Фарғона водийсида аскарларимиз юз минг босмачини қириб ташлади» деб ёзиларди. Буни ўқиб, «О, Фрунзенинг шоввозлари-ей! Роса босмачиларнинг таъзирини беришган экан-да!» деб юраверганмиз. Ҳолбуки, жиндай фикр юритилса, жиндай таҳлил қилинса, бир зумда бу сафсатанинг миси чиқарди: ажабо, юз минг бос-

мачи қирилган бўлса, тирик қолгани қанча эди экан? Боринг, ана, босмачиларнинг бешдан бири қирилган бўлсин. Унда қўлда қурол билан шўроларга қарши курашган босмачилар 600000 кишини ташкил қилади-ку! Водий аҳолисининг ҳаммаси оёққа турган экан-да? Ундай бўлса, бутун халқни «босмачи» деб бўладими? Шўро ҳукумати ҳам халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўрнатилган экан-да?!

Фикрлашдан қочиш, «оч қорним, тинч қулоғим» фалсафаси одамни лоқайд қилади. Фирқа арбоблари эса бундан фойдаланиб, оммани ўзларининг ноғорасига истаганча ўйнатаверадилар. Ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» дейишга журъат қилолмай қолади. Қайта қуриш авж олган кезларда Сатин деган бир кимсани аллақердан топиб келиб, Тошкент шаҳар партия кўмитасига котиб қилиб қўйишди. Бу одамнинг ўзбекларда қасди бор эканми, ҳар қалай, кўп одамни қийратди. У одамларни айблаганда даъволарни қалаштириб ташлар, лекин далил-исботни ўйлаб ҳам ўтирмас эди. Бир куни у катта бир йиғинда Тошкент дорилфунунини миллатчилик уяси сифатида таърифлади ва бунинг далилига «талабаларнинг 50 фоизи ўзбек экан» деган гапни айтди. На ўша мажлисда, на йиғиндан кейин биронта одам чиқиб, «дорилфунун талабаларининг ярми ўзбек бўлса, жуда оз экан, ахир, дорилфунун бошиданоқ маҳаллий миллат болаларига олий таълим бериш мақсадида тузилган» деган гапни айтмади. Шу тарзда Сатин ҳам «миллатчи»ларни фош қилиш ишига муносиб ҳиссасини кўшди.

Қайта қуриш даври кўпда узоқ давом этгани йўқ. Аммо 5-6 йиллик қисқа муддат мобайнида нафақат Ленин тўғрисида, балки партиянинг бошқа доҳийлари тўғрисида, партиянинг ўзи ҳақида шунақа ҳақиқатлар очилиб кетдики, улар эътиқодимизнинг қолган-қутганини ҳам барбод этди. Бу даврда эълон қилинган ҳужжатларда жинойткорлар бир тўда экани, 70 йил мобайнида дунёнинг олтидан бир қисмини ёвузлик салтанатига айлантиргани, одамларни имон ва виждондан, фаоллик ва ҳалолликдан маҳрум этгани узил-кесил исбот қилинди. Партия қулади. У елга учраган тутундай ғойиб бўлди. Ундан хотира сифатида мамлакат тарихида сира битмас бир яра бўлиб қора ўпқон қолди.

Партия қулади-ю, унинг харобалари остида миллионлаб партия аъзолари қолди. Мен шулардан бири эдим. Мен партия асоратидан қутулдим — эндиликда бўлар-бўлмас мажлисларда соатлаб қадалиб ўтиришларга, ҳисобот беришларга, ёлгон гапиришларга, ўзингда йўқ фазилатларни тўқиб-бичишга, риёкорликка ҳожат қолмади. Аммо бу — 30 йил мобайнида вужудимга сингиб кетган партиявий иллатларнинг қўланса бўйидан буткул халос бўлдим деган маънони билдирмайди. 30 йил давомида кўнглимга жо бўлган, онгимга ўрнашиб қолган оғулар ҳамон фикримни заҳарлашда давом этмоқда. Партия сафида ўтган 30 йиллик умримни сарҳисоб қилиб, «нима орттирдим-у, нималардан маҳрум бўлдим?» деган саволни қўйсам, орттирганим бир ҳовуч бўлса, йўқотганим тоғдай беқиёс.

Мен партияга жуда катта орзу-умидлар билан кирган эдим. Мақсадим — мансаб эмас, имтиёзлар эмас, балки маслакдош дўстлар билан биргаликда улуғ ишларни амалга ошириш, маънавият юксакликларида парвоз қилиш, инсон деган номга доғ туширмай яшаш эди. Минг афсуски, бу орзулар ушалмади. Аксинча, партия сафида юриб, жиндай риёкор, жиндай алдамчи, жиндай иккиюзламачи бўлиб қолдим, меҳнат қилиш ўрнига ўзимни меҳнат қилаётгандай қилиб кўрсатишни ўргандим, сафсатабозликка, кўзбўямачиликка кўникдим.

Оскар Уайльд деган инглиз ёзувчисининг «Дориан Грейнинг портрети» деган ажойиб романи бор. Роман қаҳрамони Дориан Грей бўйи-басти келишган, ҳар қандай қиз бир кўрса ошиқу беқарор бўлиб қоладиган баркамол йигит. У мустақил ҳаётга энди қадам қўяр экан, Иблис билан учрашади. Иблис унинг имони эвазига то вафотига қадар бутун навқиронлиги ва жозибадорлигини сақлаб қолишни ваъда қилади. Дориан рози бўлади — бутун умрини айшу ишратда, ҳузур-ҳаловатда ўткази, у сира қаримайди — умрининг охиригача ёшликдаги баркамоллигини сақлаб қолади. Ниҳоят, вақти-соати етиб оламдан ўтади. У ўлим тўшагида ётар экан, кўз ўнгида йиллар давомида шаклланган ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Бу қиёфа одамни ижиргантирадиган даражада хунук — пешоналар тиришган, кўзлар чақчайган, пастки лаблар осилиб тушган, сўйлоқ тишлар йиртқич ҳайвонникидай тур-

тиб чиққан... Хузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, маишатнинг баҳоси бу... Дориан Грейнинг ўлим тўшагида намоён бўлган асл қиёфаси – имонсизлик ва маънавиятсизликнинг қиёфаси. Мен партия сафарларида кечирган ҳаётимга яқун ясамоқчи бўлсам, ҳар гал Дориан Грейнинг асл қиёфаси кўз олдимда гавдаланаверади. Партиянинг сохта талаблари, шафқатсизлиги, ғайриинсонийлиги мени иккиюзламачи, риёкор қилди, имондан маҳрум этди, қинғир йўллarga бошлади. Шундоқ экан, нечук мен бундай партиядан кечмай? Нечук эътиқодимни ўзгартирмай? Бунинг учун мендан ҳазар қилиш керакми? Аксинча, мени ва менга ўхшаш бошқа миллионларни шу кўйга солган партиядан ҳазар қилмоқ керак эмасми? Ҳа, кўзлар жуда кечикиб очилди, ақл кечикиб кирди. Лекин мен кечикиб бўлса ҳам кўзим очилганига шукрлар қиламан. Компартия тарқалиб кетганидан кейин ўнлаб янги партиялар тузилди. Мени ҳам улар сафига киришга таклиф қилишди. Аммо сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади. «Мени кўйинглар, биродарлар, – деб жавоб бердим, – партия билан бирга хато қилавериш жуда жонимга тегди. Келинг, энди бу ёғига адашсам, ўзим адашай, ўзим тузалай ва ўзим жавоб берай».

Мендан сўрашлари мумкин – ҳўп, коммунистик эътиқоддан воз кечибсиз, бошқа партияларга киришдан бош тортибсиз, энди эътиқодсиз яшамоқчимисиз?

Нега энди эътиқодсиз яшар эканман? Аксинча, бугун имоним бутроқ, эътиқодим мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Бугун мен умумбашарий қадриятларга, яхшиликка, ҳалолликка, диёнат ва инсофга кўпроқ суянадиган бўлиб қолдим. Менинг бахтимга, менга ўхшаган миллионларнинг бахтига жонажон юртимиз бошида мустақиллик байроғи ҳилпирай бошлади. Мустақиллик бизга эркинлик олиб келди ва шу билан бирга ҳар биримизга юксак масъулиятлар юклади. Энди биз теранроқ ва дадилроқ фикрлайдиган бўлмоғимиз керак, маънавиятимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Биз янги, мустаҳкам ва юксак имонга эга бўлмоғимиз даркор. Янги имонга эга бўлмоқ учун эса одам бутунлай покланмоғи шарт. Бунинг учун қолган умр етиб берса, бас!

## ДОВОНДАГИ ҲЙЛАР

Яратганга шукрлар бўлсинким, умр берган экан, мана, етмишдан ҳам ошдим. Бу ёшда одам фоний дунё билан ҳисоб-китобини қилиб, олис сафар тадоригини кўра бошласа ярашади. Аммо на илож — инсон сўнгги нафасига қадар ҳам орзуларидан айрилмас экан.

Эсимни танибманки, турли-туман орзулар менинг ажралмас ҳамроҳим. Илк орзулар болалик ҳаваслари билан боғлиқ: қани энди, ҳовлимизда тўнтарилиб ётадиган кир тоғора тўла музқаймоқ бўлиб қолса... Қани энди, аяжоним конфет дўконида ишласаю ялтироқ қоғозларга ўралган конфетлардан халта-халта олиб келса... Кейинроқ бошқачароқ орзулар пайдо бўлди — қани энди, бир думалаб паҳлавон бўлиб қолсаму тўппа-тўғри Берлинга бориб, Гитлерни гирибонидан бўғиб ушлаб келсам. Улғайган сари орзулар ҳам ўзгариб борарди, лекин яна анча йиллар болаларга хос бўлган ҳавойилик уларни тарк этгани йўқ.

Йиллар ўтди... Ҳавойи орзулар ўрнини жиддийлари эгаллай бошлади. Уйланиш, бола-чақа орттириш, рўзгорни бутлаш, ўқишни битириб, тузукроқ одам бўлиб чиқиш... Орзулар кўп эди. Аммо улғайиб ақлимиз тўлиша боргани сари янги бир орзу пайдо бўлди. Бу орзу жуда пинҳона орзу эди, уни баралла айтиб бўлмас, икки-учта қадрдон дўстларгина пана-паналарда, атрофга олазarak аланглаб, овозимизни кўтармай сирлашар эдик. Бу — жонажон юртимизни озод ва мустақил кўриш орзуси эди. Тўғри, у кезларда бу орзу ҳали ғира-шира, пишиб етилмаган хом хаёлдай кўринарди. Лекин шундай бўлса-да, зимистонлар кетиб, куёшли кунлар келишига, боғларимизда булбуллар яна чах-чах уражагига ишончимиз йўқолмаган эди. Ниҳоят, орзулар ушалди — 1991 йил 31 августда юртбошимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди.

Шундан бери тўққиз йил ўтди. Бу муддат мобайнида Ўзбекистон оламшумул ютуқларга эришди. Бугунги кунда осмонимиз мусаффо, тинчлик барқарор, иқтисодий ислохотлар аста-секин амалга ошяпти, ижтимоий тизимлар мукаммаллашиб боряпти. Ўзбекистон жаҳон миқёсида ҳам

ўзига муносиб салмоқли ўринга интилмақда. Тарихий қадриятларни тиклаш, маданият, маънавият ва мафкура соҳасидаги ишлар ҳавас қилса арзигулидир. Бу ўзгаришлардан халқнинг боши осмонга етмоқда. Президентимиз шаънига ёшу қари оқ фотиҳалар ўқиб, унинг номига энг яхши тилақларини йўлламоқда. Ҳа, қачонлардан бери қалб тўрида авайлаб-асраб келган энг буюк Орзумиз ушалди. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар қилсак арзийди.

Аммо тараққиёт ҳеч қачон бирон нуқтага бориб тўхтаб қолмайди. Халқ ўзига чорлаб турган уфқлар сари тинимсиз одимлаб борадиган муаззам бир карвон, бироқ манзилга етиб-етмай унинг нигоҳи қаршисида янги уфқ, янги манзил пайдо бўлади. Янги уфқлар эса янги орзуларни, янги интилишларни туғдиради.

Хўш, мен-чи? Менга ўхшаган қартайиб қолган одам энг улуғ орзуси ушалгандан кейин яна нимани орзу қилиши мумкин? Энди менда яна бир янги орзу пайдо бўлди — мустақиллик, назаримда, бамисли ниҳол; энди унинг баҳога етганини, ер бағрига мустақкам томир отганини, шохлари бақувват тортиб, кўкка бўй чўзганини кўрсам дейман; унинг тотли меваларидан бутун халқ баҳраманд бўлганига гувоҳ бўлсам дейман. Мен, албатта, яхши биладан — инсоннинг ҳаёти ҳеч қачон фақат байрамлардан, шоду хурамликдан, кайфу сафодан иборат бўлмайди, одамнинг белини толдирадиган, кўзининг нурини оладиган, пешонасидан шаррос тер қуйдирадиган машаққатли меҳнат ҳеч қачон инсонни тарк этмайди, лекин шунга қарамай, одамлар адолат ва ҳақиқат устувор бўлган, зўравонлик қувиб чиқарилган, ўғрилиқка, порахўрликка, виждонфурушлиқка эҳтиёж қолдирмаган, инсоф ва диёнат, муҳаббат ва муруват байроғи мағрур ҳилпираб турадиган жамият қуриши мумкин ва зарур. Агар ҳамма нарса ўзгармай эски ҳаммом, эски тослигича қолаверадиган бўлса, бир томонда зўрлар зарга ботиб яйраб-яшнаб ётаверса-ю, бир томонда ночорлар тишининг кирини сўриб, чориғини судраб юраверадиган бўлса, шунча дов-дастгоҳнинг, шунча дабдабаю аъсаннинг, шунча ҳаракату елиб-югуришнинг нима ҳожати бор? Мустақиллик — ана шундай жамият қуришга имкон берадиган буюк омилдир. Юртбошимиз И. Каримов Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканини, мустақиллик туфай-

ли халқимиз эркинлик ҳаволаридан тўйиб-тўйиб нафас ола-жагини, жамики меҳнаткаш одамлар, ва айниқса, ўзбек деҳқони фаровон ҳаётга эришажагини қайта-қайта таъкид-лади. Мен бу буюк ниятнинг, албатта, рўёбга чиқишига дил-дилимдан ишонаман. Мен бугунги кунда ана шу мубо-рак дамларнинг тезроқ бошланишини орзу қиламан, буюк юртимизнинг буюк келажаги тезроқ кириб келса, беш йил-дан кейин, кечи билан ўн йилдан кейин бошланса деб орзу қиламан, акс ҳолда, мен уларни кўра олмай қоламанми деб кўрқаман! Бу гапларим баъзи бировларнинг гашини келтириши мумкин. «Э-э, барака топкур, қизиқ одам экан-сиз-ку!» деб эътироз билдиришлари мумкин улар. Ахир, ўзи эккан меванинг ҳосилидан баҳраманд бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Нима бўпти? Ўзингиз татиб кўрмасан-гиз фарзандларингиз, невараларингиз татиб кўради. Ҳаёт-нинг ройиши бу!

Бу эътироз тўғри, лекин шундай бўлса ҳам, менинг бир ўтинчим-да бу! Гап шундаки, менинг бўйнимда жуда катта бир қарз бор – елкамдаги шу юк билан мен кўпчи-ликка қўшилиб кетолмайман. Бу қарздан бутунлай фориг бўлолмасам-да, лоақал юзим ёруғроқ бўлсин, мангу ёмон отлиқ бўлиб қолмай дейман-да! «Кимдан қарзсиз?», «Қанақа қарзсиз?» деб сўрасиз. «Нега энди ҳозирги кун-даги орзуингиз деҳқон тақдири билан боғлиқ бўлиб қолди?» дерсиз қизиқиб. Бу саволга жавоб бермоқ учун гапни бир оз олдинроқдан бошламоқ керак.

\* \* \*

Мен 21 ёшимда – 1950 йилнинг эрта баҳорида уйлан-ган эдим. Рафиқамнинг авлодлари Тошкент яқинидаги қишлоқлардан бирида – Оққўрғон туманидаги Жалойир қишлоғида истиқомат қилишар экан. Табиийки, тўйдан кейин кўп ўтмай қариндошларникига меҳмонга бордик. Қишлоқ Оҳангарон дарёсининг бўйида жуда хушманзара ва баҳаво бир масканга жойлашган эди. Лекин яқиндаги-на тамом бўлган урушнинг излари яққол сезилиб турибди. Ҳар қадамда йўқчилик, танқислик белгилари. Ҳовлилар-нинг қинғир-қийшиқ деворлари гуваладан, уйларнинг томига ёпилган похол қорайиб кетган, деразалар шилпиқ одамнинг кўзидай кўримсиз, пол йўқ. Одамларнинг уйи



юпун, уй анжомлари ҳам ғарибгина. Уй тўрида тахмон, ундаги сандиқ устига ола-қуроқ кўрпа-тўшаклар тахланган. Токчаларда жўмрагига қоғоз гул тиқиб қўйилган чойнак, пиёла, коса ва ликопчалар териб қўйилган. Ҳовлининг деворларига таппи ёпилган. Бир томонда оғил, унинг тепасига баланд қилиб хашак бостирилган. Битта оқ даканг хўроз уч-тўртта товуқни олдига солиб зир югуртириб қувиб юрибди. Қариндошлар билан биринчи кўришишим. Улар одмироқ бўлсалар ҳамки жуда самимий, очиқ кўнгил, меҳмондўст одамлар экан. Мен умримда биринчи марта шу одамлардан жуда катта иззат-икром кўрдим. Шу қишлоқда илк бор болалигим тугаб, ёшлигим поёнига етиб, улғайиб қолганимни, катталар сафига қўшилганимни ҳис қилдим. Менга тенгқур ва мендан ёшроқ ёш-яланглар бари менга «почча» деб, катталар эса «куёв» деб мурожаат қилишарди. Бунақа муомаладан ийиб кетганман: оғзим қулогимда, лаб-лунжимни йиғиштириб ололмайман. Мағрурланганимдан бурним кўтарилиб, теримга сигмай кетяпман. Кун бўйи янги куёвни «зиёфат» қилгани узоқ-яқин қариндош-уруғлар келиб-кетиб туришди. Кечкурун эса токнинг тагига қўйилган чорпоя устида камсуқумгина дастурхон теграсида қувноқ гурунг бошланди. Давра ярим кечага борибгина тарқади. Одам ўрганмаган жойида бемалол ухлай олмайди. Кечаси билан тўлғониб, чала уйку бир аҳволда у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилиб чиқдим. Бир маҳал эндигина кўзим илинганини биламан, аллақандай шовқиндан уйғониб кетдим. Ҳали тонг отиб, атроф ёришмаган эди. Қарасам, радио шунақа баланд овозда бўкириб ҳайқиряптики, қўяверасиз. Оддий радио карнайнинг бунақа бақирисини умримда кўрмаган эдим. Уйку ҳаром бўлгани алам қилиб, радиосининг қулогини бураб қўйиш эсига келмаган мезбондан хафа бўлдим. Унинг ўзи ҳам аллақачон уйғониб кетган, сўрида ўтириб олганча, кўзларини уқалай-уқалай, бир нарсалар деб ғудраниб сўкинарди.

– Радионинг қулогини бураб қўймаган экансиз-да, Саидахмад ака! Овози ҳам ёмон зўр эканми? Кўни-қўшнларингиз ҳам уйғониб кетишгандир?

– Эса-чи? Уйғонади-да! Атайин, уйғонсин деб шундай қилинган. Карнай муюлишдаги столбага ўрнатилган.

Бу раис бобонинг ихтироси. Уйма-уй юриб одам уйғотиш жонига текканидан шуни ўйлаб топган. Ёмон каллали одамда бу кал.

— Ахир, қишлоқда қари-қартанглр бор. Уларнинг ичида соғи бор, бемори бор. Яна ёш болалар, гўдаклар дегандек... Улар вақтида ухлаб, вақтида ором олмаса бўлмайди-ку!

— Қизик гапларни гапирасиз-а, куёв! — деди қариндошим оддий гапларни ҳам тушунмаётганим учун ранжиган оҳангда. — Катталаримиз шундоқ дегандан кейин бажарамиз-да! Тўртта одам мизғиб олсин деб пахтани йиғиштириб қўймаймиз-ку!

Ҳа, рост, пахтани йиғиштириб қўйиб бўлмасди — пахта аллақачон уйимизнинг ҳам, ўйимизнинг ҳам тўрини эгаллаб бўлган эди. «Пахта-пахта» деб юриб, қандай қилиб унга асир бўлиб қолганимизни ўзимиз ҳам билмай қолгандик.

Лекин бу ҳали ҳолва экан. Ишнинг каттаси кечқурун чиқди. Бугун оқшом ҳам даврамиз кечагидек қизғин бўлди. Гурунглаша-гурунглаша шўрваларни ичиб бўлдик. Кейин чойни майдалашга тушдик. Шу пайт тўсатдан радиодан берилаётган концерт тўхтаб қолди, карнайда бир нарсалар қитир-қитир қилди-да, бировнинг томоқ қириб йўталгани эшитилди. Раис бува эканлар. У киши бутун колхоз аҳлига мурожаат қилиб, бугунги меҳнат кунини қандай ўтганини гапира кетдилар. Нутқ жуда силлиқ эди. Унда тугилиб қолишлар, дудуқланишлар, «и-и, нима дерди»га ўхшаш ип ташлашлар йўқ эди. Раис бува ҳар қандай профессионал нотикни бир чўқишда қочирадиган даражада гапга чечан эканлар. Ўрнидан оғир қўзғалиб, кейин тезлаб кетган машина сингари раиснинг гап-сўзларида ҳам борган сари эҳтирослар кучайиб бормоқда. Энди у худди идорасида одамларни йиғиб олиб, мажлис ўтказаетгандай, бригадирлар, сувчилар, тракторчилар ва оддий колхозчиларни номма-ном айтиб, ишдаги нуқсонлари учун уларни койишга ўтгандилар.

— Ҳой Абдурайим, ўтиргандирсан қорнингни қашлаб? Тузукроқ ишласанг ўласанми! Каналнинг ёнидаги ерингни сув босиб кетибди. Осмонга қараб, носнинг кайфини суриб анграймасдан, ерингга қарамайсанми? Тошқўзи,

номард! Чеканкани бугун ҳам тамомламабсан-ку! Уялмайсанми бола-чақангнинг олдида? Э-э, ҳайф-э, сенга бригадирлик. Ҳой Мамасидиқ, менга қара! Менга қара деяпман афтингни бурмай! Ўт ўришни қачон тамомлайсан? Бугун ҳам тугатмабсан-ку.

Хуллас, мана шу алфозда радио орқали ўтказилган ишлаб чиқариш мажлиси яна камида бир соатча давом этди. Шуниси қизиққи, бизнинг даврадагилар бу мажлиснинг бошидан охиригача раиснинг гапларига мутелик билан кулоқ солиб ўтиришди, ҳар бир одам ундан ўзи учун тегишли жойини ажратиб олаётгани кўриниб турарди.

Радио орқали раҳбарлик қилиш ҳам раис буванинг кашфиётларидан биттаси экан. Мен қойил қолганимни яширмадим. Саидахмад ака раис бувани мақтай кетди.

– Бизнинг раис бувамиз ана шунақа. Ўзлари ҳам кўпни кўрган, тажрибали, эски раислардан. Йигирма йилдан бери раислик қиладилар. Гапларини эшитингиз-а? Бўлмаса, саводсиз одам.

– Нечук? Ўқимаганми?

– Ўқиш қайда! Ҳатто қўл қўйишни ҳам тузукроқ эп-лолмайди.

– Ундоқ бўлса, саводсиз одам қандай қилиб раҳбарликни эплайди?

– Қизиқ экансиз-а, куёв, – деди менинг соддалигимдан кулиб Саидахмад ака. – Саводсиз раҳбар йўқдай гапирасиз-а! Бу одам ўқимаган бўлса ҳам, жуда ташкилотчи, удабурро, тиниб-тинчимайдиган, бошқаларни ҳам тиниб-тинчиттишга йўл қўймайдиган одам. Бошқа баъзи бир раисларга ўхшаб қамчисидан қон томмайди. Анча ҳалол, инсофли, имонли одам.

Мен унинг гапларига эътироз билдирмадим, чунки, очигини айтганда, у пайтларда ҳали бунақа гапларнинг тагига ета олмасдим. Бугун бўлганда-ку, «оми одам ташаббускор бўлиши, меҳнаткаш бўлиши, ижрочи бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ижодкор бўлолмайди, истиқболни кўролмайди, одамларни улуғ мақсадлар йўлига бошлаёлмайди» деб жавоб берган бўлардим. Ўшанда раис буванинг «кашфиётлари»га қойил қолган бўлсам-да, юрагимнинг бир чеккасида жиндай хижиллик қолган эди – техникадан бу тарзда фойдаланишда алланечук одамлар-

ни менсимаслик, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик мавжуд эди. Бу гапга чечан «нотиқ» раис колхозчини одам ўрнида кўрмас, фақат план тўлдириш учун зарур бўлган бир мурват деб билар эди. Бир неча йиллардан кейин мен бунга тўлиқ амин бўлдим. Бу гал қишлоқдаги қариндошларимни кўришга кеч кузда — ноябрь ойида бордим. Ҳаволар совиб, булутли кунлар кўпайиб қолган. Пахта кампанияси энг авжи нуқтага кўтарилган — ҳамма сафарбар, ҳамманинг бўйнига фартук илинган. Сиёсат машинаси бор кучи билан гувиллаб айланиб турибди. Кеч-қурун қариндошимизникида раиснинг бетоб ётганини эшитдим ва эрталаб уни бирров кўргани бордим. Раис ҳақиқатан ҳам анча ночор аҳволда эди. Юзи бўғриқиб кетган, кўзлари нурсизланган, дўппи устидан шоҳи қийиғи билан бошини сириб боғлаб олган. Калта-калта нафас олади. Иситмасининг баландлигидан қўли ҳам қизиб кетган. Ҳолсизлигидан туриб кўриша олмади, қўлини чўзиб қўя қолди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, бирор пиёладан чой ичиб улгурмасимиздан эшик тарақлаб очилди-да, остонада раис буванинг энтиккан невараси кўринди:

— Буважон, буважон! Дарров чиқар экансиз. Котиб амаки чақиряптилар.

Раиснинг шундоқ ҳам сўлгин юзидан қони қочди. У ётган жойидан дик этиб сапчиб турди-ю, чопонини апилтапил елкасига илиб, ўқдай ташқарига отилди. Бир неча муддат унинг қайтишини кутиб ўтирдим. У ҳадеганда қайтавермагач, аста ташқарига чиқдим. Ташқарида «Виллис» машинаси турар, унинг ёнида эса бошида кетмон нусха шапка, устида ярим ҳарбийча кўкранг кителу галифе шим, баланд бўйли партия котиби қўлидаги хивични этигининг қўнжигга тарс-тарс урган ҳолда раис бувани чангитиб сўкмоқда эди. Раис бува эса бошини қуйи солиб қўлларини қовуштирганча таъзим қилиб турар ва нуқул шикаста овозда «хўжайин... хўжайин» деб бир сўзни такрорлар эди. Котибнинг оғзидан чиқаётган гаплар шунақа беҳаё эдики, назаримда, Тошкентнинг энг «мана-ман» деган безориси ҳам унинг олдида ип эшолмасди. Нима гаплигини суриштирдим. Менинг Москвадан келган аспирант эканимни билгач, котиб бир оз шаштидан қайтди-да, ўзи-

нинг чапанича қилиғини оқламоқчи бўлди, шекилли, изоҳ бера бошлади:

– Бу аблаҳларнинг ҳаммаси муттаҳам! Уч кундан бери терим графиги бажарилмаяпти. Район орқада қолиб кетяпти. Бу безбет эса ўзини касалга солиб олипти... Ҳе, ўша сендақа жонининг хузурини ўйлайдиганлардан ўргилдим. Шошмай тур ҳали, сен билан партиявий тилда гаплашиб қўяман. – Шундай деб яна бир марта болаҳонадор қилиб сўқди. Мен тушунолмай қолдим – котибнинг партиявий тил дегани ана шу чапараста сўкишмиди ёхуд яна бошқачароқ бирон тил бормиди?

Мен котибнинг ғазабдан чақчайган кўзларини, бужмайиб, хунук бўлиб кетган башарасини кўрдиму мияга ярқ этиб бир фикр келди: ие, бу одам ҳеч қанақа партия ходими, котиб-потиб эмас, ўша китобларда ўқиганимиз, кинофильмларда кўрганимиз – золим бойнинг айнан ўзи-ку! Манави мунғайиб қалтираб турган, кўрқувдан касалини ҳам унутиб қўйган одам – раис эмас, қишлоқнинг каттаси эмас, айнан кулнинг ўзи-ку! У котибга на гап қайтара олади, на ўзининг аҳволини тушунтира олади, фақат шикаста овоз билан унинг раҳмини келтириш, кўнглини юмшатиш учун «хўжайин, хўжайин» деб ёлворишдан бошқа гап айтишга ҳадди сифмайди. У яхши билади – котибнинг пўписаси шунчаки пўписа эмас, ўзининг тақдири бутунлай шу одамнинг қўлида – у хоҳласа, раисни ишдан ҳайдайди, хоҳласа қаматади ва таг-туғи билан йўқ қилиб юборади. Шундай бўлса ҳам у кўрқа-писа, қақшаб-титраб изоҳ беради.

– Сабаби, атиги икки фоиз пахта қолган. Лекин далада лоақал номига бир дона кўсак йўқ. Ҳаммаси ялагудай қилиб териб олинган.

Котиб эса жиндай ишонган бўлса ҳам, қаҳр билан партия тилида гапга нуқта қўйди:

– Мен ҳеч нарсани билмайман. Икки кун муҳлат. Ўша етмаётган икки фоизни онангникидан бўлса ҳам топасан. Кўрпангни пахтасини топширасанми, ўғирлик қиласанми, ўзинг биласан. Кейин мендан ўпкалама!

Котибга тан бериш керак – у бир нарсани мардона эътироф этарди – чиндан ҳам ҳеч нарсани билмас эди. У пахта илмидан бутунлай беҳабар, хўжалик юритиш сир-

лари унинг учун қоронғи. Бюро мажлисларида ҳам, партия йиғинларида ҳам ҳар хил одамлар билан тўқнашганда ҳам гўё ўзининг энг улугъ фазилатини эълон қилаётгандай гурур билан ва ҳатто алланечук писанда билан «мен ҳеч нарса-ни билмайман» дея таъкидларди. Шуниси қизиқки, биронта одам «тақсир, агар билмасангиз, лоақал бу сирни ҳаммага ошкор қилманг» деб маслаҳат беролмасди. Айтганча, котибнинг бу эътирофида жиндай муғомбирлик ҳам йўқ эмас эди — унинг «ҳеч нарса-ни билмайман» дегани бир оз ғалатиноқ эди. У биларди, жилла бўлмаса, битта нарса-ни — буйруқ беришни биларди. Қизиқ, мана сизга тескари дунёнинг яна бир «ҳақиқати» — раҳбар бўлмоқ, ҳукм сурмоқ, бошқармоқ учун шу «билим»нинг ўзи ҳам етарли бўлиши мумкин экан.

Қўйинг-чи, ўша куни яна бир сирдан воқиф бўлдим — шунча йилдан бери қишлоқнинг сардори, халқнинг отаси, моҳир ташкилотчи, ишбоши, раҳнамо, ҳаммага суянчиқ деб келинган раис бувамиз оддий кул экан. У киши ҳам қамчининг қарсиллашидан, котибнинг дўқ-пўписасидан ўлгудай кўрқар эканлар. У киши фақат ўз қавми олдидагина ботир эканлар-у, аслида...

Хўп, раис бува-ку шундай экан, унинг измидаги қишлоқ аҳли-чи? Улар қаторида шу қишлоқда истиқомат қилиб, шу ерда умргузаронлик қиладиган қариндошларим-чи? Нима, уларнинг раис бувадан ўзиб кетган жойи борми? Ёки уларнинг эрки ўзидами? Ахир, тонг отмасдан бутун қишлоқ аҳли — чолу кампир, соғу бемор бараварига радио садолари остида уйқудан уйғонса, колхозчилар, биринчи навбатда аёллар билан болалар ишга сафда боргандай бориб келса, йил ўн икки ой тинимсиз меҳнат қилиб, унинг самарасини кўрмаса, боласига едираман деб даладан бир каппа буғдой кўтариб келса, фалон йилга кесилиб кетса, ўз эркича экин эколмаса, экса ўролмаса, ўриб олса уни бировга сотолмаса, уларнинг ҳар бир босган қадами, ҳар бир иши, ҳатто гапирадиган гапи раиснинг измида бўлса, бунинг устига ҳаммалари оқшомлари мук тушиб радиодан раиснинг панд-насиҳатларини, сўкиш ва койишларини эшитишга мажбур бўлса, буларнинг барини нима деб аташ мумкин? Теварак-атрофи тиконли симлар билан ўралмаган бўлса-да, ҳар бир хонадоннинг

эшиги олдида бўйнига автомат осган соқчилар турмасида, бундай қишлоқнинг турмадан нима фарқи бор?

Менинг хешларим истиқомат қиладиган қишлоқ аҳли айрим-айрим олганда жуда яхши одамлар — улар меҳнаткаш, ҳалол, батавфиқ, бағрикенг, бир-бирларига мушфиқ ва меҳрибон инсонлар. Лекин уларнинг жамиятда тутган ўрнини, олимона тилда айтсак, ижтимоий мавқеини белгилайдиган бўлсак, уларни қул деб аташдан бошқа илож қолмайди. Шуларни ўйлар эканман, юрагимни яна бир бошқа савол тирнайди — нечук, қандай қилиб, тақдирнинг қайси ёзуғи важидан бутун қишлоқ аҳли бирваракайига қулга айланиб қолди? Нима бўлдики, уларни ҳар қандай инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этиб, буйруқни бажаришдан бошқа нарсага ярамайдиган итоаткор, мўминқобил, тилсиз-забонсиз махлуқларга айлантириб бир чеккага чиқариб қўйдилар?

\* \* \*

Жалойир қишлоғи ҳам бошқа ўзбек қишлоқларига ўхшаб, кўп замонлар мобайнида бирда оч, бирда тўқ, бирда шоду хуррам, бирда қайғу-ҳасрат ичида бир маромда умр кечириб келарди. Бу қишлоқда ҳам одамлар туғилар, катта бўлишар, меҳнат қилишар, уй-жой қуриб, бола-чақа орттириб катта-кичик тўйлар қилишар, орзу-истаклари рўёбга чиққанидан мамнун ҳаёт кечиришарди. Юрт бошига нохуш воқеалар, кутилмаган кулфатлар, бало-қазолар ёғилса, кўплашиб, аҳиллик билан уларга қарши туришарди. Буларнинг бари 1917 йилда бирдан барҳам топди. Ҳокимият тепасига келган большевиклар аввалига катта ваъдалар қилишди, ҳаммаёқни гуллаб-яшнаган жаннатга айлантирмоқчи бўлишди. Лекин орадан кўп ўтмай бу ваъдаларнинг ҳаммаси пуч экани аён бўлди. Фақат Жалойир қишлоғига эмас, собиқ Россия империясида яшаган барча халқлар ва элатлар бошига узлуксиз равишда турлитуман бало-қазолар ёпирилди. Аввал бир неча йил фуқаролар уруши бўлди. Бу урушда хонавайрон бўлмаган қишлоқ, куйиб жизғанаги чиқмаган элат қолмади. Кейин «продразвёрстка» деган ном билан халқни ялпи талаш бошланди. Сўнгра ер-сув ислоҳоти ўтказилди — заминдорларнинг ерлари тортиб олинди, камбағал, қашшоқларга

бўлиб берилди. Бу ҳодисалар оқибатида халқнинг ҳалол-ҳаром, инсоф ва диёнат, тўғрилиқ ва ўғрилиқ ҳақидаги асрлар мобайнида шаклланиб, жамият ҳаётини барқарор тутиб келган ахлоқий-маънавий устунлар қулади. Халқ номидан, «эзилган» меҳнатчилар номидан талончилик қилиш, шаккоқларни қамаш, отиш авж олди. Жамиятдаги ҳалол, пок, меҳнаткаш одамлар орқага сурилиб, бақироқлар, шиорбозлар, меҳнат ўрнида байроқ кўтариб намойишларда юришни, кайфи-сафони, маишатни яхши кўрадиганлар олдинга чиқди. Замон шунақаларнинг замони бўлиб қолди. Кейин колхоз ҳаракати бошланди. Қанчадан-қанча одамларни «қулоқ» деб эълон қилиб, ер-сув, мол-мулкни тортиб олиб, ўзларини таг-туғи билан қури-тиб юборишди.

Ўша пайтдаги тарихий ҳужжатларда 1929 йилни «буюк бурилиш йили» деб атадилар. Чиндан-да, 1929 йил буюк бурилиш йили бўлган эди. Бироқ унинг «буюк»лиги қулоқларни тугатишда эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб барча деҳқонларни синф сифатида тугатишда ва шу билан қишлоқ хўжалигини ўнлаб йиллар мобайнида ўнгарилмас таназзул ботқоғига ботирганида эди. Асрлар мобайнида деҳқончилик билан тирикчилик қилиб келган бизнинг Жалойир қишлоғининг аҳли ҳам 1929 йилдан эътиборан ортиқ деҳқон бўлмай қолган эди. Гап шундаки, ўшанда ҳамма ерлар деҳқоннинг қўлидан тортиб олинди, колхозларга берилди. Ҳатто бир-икки йил ўтгач, «Ерлар колхозларга мангу берилди» деган актни ёзиб, кўпдан-кўп тантаналар қилиб, уни колхозларга топширишган эди. Лекин бу шунчаки номига қилинган, ҳақиқатни яшириш мақсадида амалга оширилган найранг эди, холос. Аслида эса, ер энг сўнгги бўлагига-ча бошдан-оёқ давлатники бўлиб қолган эди. Давлат колхоз ерида истаса завод, истаса аэродром, истаса стадион, истаса бошқа бирон кўнгилочар жой қурмоғи мумкин эди — бундай ҳолларда, колхозчилар умумий мажлисининг қарори чиқарилар эди, холос. Аммо шўро ҳокимияти йилларида биронта колхозчи бирон жойда колхоздан чиққан бўлса, бирон бўлак ерини қайтариб олганми? Бундай мисоллар йўқ. Демак, колхоз ери колхозчиники эмас эди.

Мен бу ўринда ер эгасиз қолса қандай ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини га-



пирмоқчи эмасман. Мен бу ўринда деҳқондан ер тортиб олинганини айтмоқчиман, холос. Энди ўзингиз айтинг — ердан мосуво қилинган, мол-ҳоли, улови йўқ деҳқонни деҳқон дейиш мумкинми? Деҳқон ўша бир бўлакми, ундан каттароқми ерида экин экиб, ҳосил етиштирадиган одам. Бироқ ери бўлмаса, у қандай қилиб, қаерда деҳқончилик қилади? Ахир, томига экин эколмайди-ку! Биз эскича анъаналарга амал қилиб, ҳали ҳам қишлоқда яшайдиган одамларни деҳқон деб аташда давом этамиз. Тўғри, улар ҳамон ер ҳайдади, экин экади, ҳосил кўтарди. Лекин, барибир, улар деҳқон эмас. Улар бировларнинг ерида ёлланиб ишлайдиган батрак, чоракор ёхуд мардикоргина, холос. Буни таъкидлаётганимизнинг маъноси шуки, деҳқон билан мардикорнинг ерга муносабатида, ерда меҳнат қилишида осмон билан ерча фарқ бор. Ёлланиб ишлайдиган батрак ёки чоракор ҳеч қачон ерга ўзининг ягона боқувчиси, ризқ-рўзининг бирдан-бир манбаи деб қарамайди. Натижада ерни севмайди ҳам, уни аямайди ҳам, боқмайди ҳам (ахир, «ерни боқсанг ботмон даҳсар ёғ беради» деб бежиз айтишмаган-ку!). Хуллас, ана шу ердан бегоналашиш, ердан узоқлашиш жараёни нафақат деҳқонни иқтисодий жиҳатдан қарам аҳволга солиб қўйди, балки унинг инсоний ғурурини ҳам синдирди. Энди кечаги деҳқон ўзини жамиятни боқаётган ва боқадиган қудратли куч ўрнида кўрмай қўйди, яратувчи, ижодкор инсон ўрнида ҳис этмай қўйди. Колхозчи нафақат ердан ажралди, балки у энди ҳақиқий қуллар вазиятига солиб қўйилди — унинг фикри билан ҳеч ким ҳисоблашмас, колхоз унга ҳеч қандай шароит яратиб бермас, ҳеч қандай меъёрларга амал қилмай ишлатар ва меҳнати учун ёлчитиб ҳақ ҳам тўламас эди. Колхозчи меҳнати билан бунёдга келган бойликлардан колхозчининг ўзи асло баҳраманд бўлмас, уларнинг роҳатини бутунлай бошқа одамлар кўрарди.

Шу тарзда 30-йилларда ҳам, уруш йиллари ва урушдан кейинги йилларда ҳам колхозчининг баданидаги ширасини сўрадиган зулм машинаси тинимсиз ишлаб турди. Мен қишлоғимиз одамларига ҳаддан ташқари қойил қоламан — худо уларни яратаётганда зуваласини қаердан олганикин? Бу зувалага қандай маъдан аралаштирган эканки, бу одамлар бу қадар чидамли, бу қадар бардошли, бу қадар

қаноатли! Бу зулмлар тегирмонига тоғдай харсанг ҳам дош беролмай кукунга айланиб кетарди. Бу одамлар эса қийналади, адоқсиз азоблар тортади, инқиллайди, чирсиллайди, эгилади, лекин эртасига эрталаб «бугунга етказганингга шукур, мушкулимни ўзинг осон қил» дея Яратганга тавалло қилади-да, ҳар кунгидек яна тириклик арвасини судрашда давом этаверади. Уларнинг ўзига хос фалсафаси бор — улар, албатта, очликни ёмон кўради, лекин шунга қарамай, қорин унча тўқ бўлмаса ҳам чидайди, чунки улар «қулоқнинг тинч бўлиши»ни афзал кўришади, бу йўлда «қориннинг оч бўлишига» ҳам рози. Улар кўп йиллик ҳаётий тажрибалари туфайли «ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган хулосага келишган, шунинг учун ҳам ортиқча ғавғолардан ўзларини олиб қочишади. Бунга сари эса турли-туман «арбоблар» кўпроқ юлиш мақсадида эзишлар ва хўрлашларнинг янги-янги усулларини ўйлаб чиқаришаверади. Ҳаммаёқ колхоз бўлиб улгурмай, паспорт деган нарсани ўйлаб топишди. Паспорт ҳар бир одамнинг кимлигини, қаердан келиб чиқиб қаерга кетаётганини, хуллас, одам эканини кўрсатадиган далолатнома экан (гўёки одамнинг қиёфасига қараб одам эканини билиб бўлмайдигандек). Хўп, майли, бунга чидаса бўлади. Лекин колхозчининг паспортини раис йиғиб олиб пўлат сандиғига солиб қўйгани ёмон бўлди-да. Бу билан колхозчи ўша колхозга, ўша қишлоққа ипсиз боғланди-қолди, ўз ихтиёри билан қишлоқдан кетолмайди, бошқа жойга боролмайди, борса, پاسпорти йўқлиги учун дарров қамашади. Аслида шу тadbирни топганларга орден бериш керак эди — негаки, авваллари инсоният тарихида ҳуқуқсизликнинг бунақа «маданий» шаклини ҳеч ким ўйлаб тополмаган эди.

Қишлоқ аҳли солиқлардан ҳам эзилиб кетганди. Лекин бу масалада солиқчилар шохида юрса, қишлоқдагилар баргида юрар экан. Урушдан кейинги йилларда қайси бир «доно» солиқчи бу борада ҳали «фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд» эканини аниқлайди-ю, мева дарахтларининг ҳар тупига ҳам фалон пулдан солиқ солинади. Қишлоқдагилар эса буни тўлашга қурбилари етмагани учун ҳамма мева дарахтларини кесиб ўтин қилишади. Солиқчилар кўзлаган мақсадларига эриша олмайдилар. Лекин

энг ёмони шу бўлдики, кейин 5-10 йил мева нархи кўтарилиб, танқис нарса бўлиб қолди.

Зулмнинг ҳам тури кўп бўлар экан. Масалан, мусулмончиликда, нафақат мусулмончилик, бошқа ҳамма халқларда ҳам ёлғон гапириш, ёлғон иш қилиш, қаллоблик, ҳаромга ружу қўйиш энг катта гуноҳлардан ҳисобланади. Бунақа қинғир ишлар одамни имондан ажратади, охирадини куйдиради. Умуман, ҳаромга қурилган ишлар бир эмас бир куни бутун рўзгорингни хароб қилади, ҳамма еган-ичганларинг, кўрган ҳузур-фароғатларинг бурнингдан булоқ бўлади. Бизнинг қишлоқда шундай йиллар бўлдики, катталаримизнинг ўзлари ҳаммамизни бақрайтириб, ёлғон ишларни қилишга, алдамчиликка, кўзбўямачиликка ундарди. Масалан, раис чақириб «юз центнерчи бўласан» дерди ёки «машинада 1000 тонна пахта терасан» деб буйруқ берарди. «Ахир, бунақа ҳосил кўтариш ёки бир мавсумда шунча пахта териш мумкин эмас, бунинг иложи йўқ» деган гаплар ҳеч кимнинг қулоғига кирмасди. Ёхуд қайси бир йиллари «Американи қувиб ўтамыз» деган шиор чиқиб қолди-ку! Бунинг учун гўшт топширишнинг уч йиллик режасини бир йилда бажармоқ керак экан. Роса моллар сўйилди ўша йили. Лекин кейинги йили... Ва яна қанча йиллар... гўштнинг одам саломатлигига зарари тўғрисида мақолалар ўқиб юрдик. Қўйинг-чи, бунақа найранг-бозликлар жуда кўп бўлган. Албатта, қишлоқ аҳли қинғир ишлардан ҳазар қилади, аммо раҳбаринг шундай қиласан деб оёқ тираб туриб олса, раҳбарингнинг раҳбарлари шундай қилганларни кўкларга кўтариб мақтаб, газеталарга ёзиб, орденлар бериб алқаб турса, истасанг-истамасанг, ҳаромни ҳам ликқа-ликқа ютишга кўникиб кетар экансан, алдамчилик, қаллобликнинг айблигини ҳам билмай қолар экансан.

Шўролар замонида йиллар ўтди, бир хил раҳбарлар кетиб, бошқалари келди, зулм деганлари бирда кучайиб, бирда бўшашиб турди, лекин иш юритишдаги тескарилик, пала-партишлик, ҳамма нарсани бўяб-безаб, пардоз қилишга интилиш, усти ялтироқлик, ичи қалтироқлик ўтиб кетгани йўқ. Қишлоқ аҳли буларнинг барига бардош билан, тишини тишига қўйиб чидади. Чидамаганда иложи қанча эди? Шўро ҳукуматининг «маҳорати»га тан бермоқ керак,

у фақат бизнинг қишлоқ одамларинигина эмас, бутун мамлакат аҳлини узлуксиз қатли оmlар, сургунлар, қамоқлар ёрдамида бепоеън «қўрқув салтанатининг забонсиз маҳбусларига» айлантириб олган эди. 30-йиллардаги ва ундан кейинги даврлардаги қатагон тўлқинлари бизнинг қишлоқни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Жумладан, Баҳодир ака деган одам ўн саккиз йил қамоғу сургунларда юриб, 60-йилларнинг бошидагина қайтиб келганди. Мен бу нуруний, донишманд одам билан тез-тез суҳбатлашиб турардим. У ёшлик чоғларида Султон Сегизбоев ташкил қилган ўз-ўзини ҳимоя қилувчи «қизил таёқчилар» дастасига аъзо бўлган экан. Бор-йўқ айби шу! Шу «гуноҳи» учун 1937 йилда Ўзбекистонни Англия империализмига «сотиб юбормоқчи» бўлган деб қамоққа олинган. Бу одамнинг тақдири бошқа ҳамқишлоқларининг юрагига ваҳима солмаган дейсизми? Хуллас, Жалойир қишлоғи ҳам не-не азобларни тортиб, не-не маҳрумиятларни бошидан кечириб, бири икки бўлмай, ўша-ўша эски чопони-ю, эски чориғи билан XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига етиб келди. Тўғри, ёлғон бўлмасин, бу даврга келганда қишлоқнинг қиёфаси бир оз ўзгарган, уйларнинг томи шифер бўлиб қолган, кўп хонадонларнинг томлари устида телевизион антенналарнинг шоҳлари кўзга ташланиб қолган эди. Бироқ бу ўзгаришлар колхознинг шарофати билан бўлган деб айта олмаймиз.

\* \* \*

1992 йилнинг 1 сентябрь куни бутун республикамызда Мустақиллик куни биринчи марта байрам қилинганида мен Тошкентда эмас эдим — шу куни Ўткир Ҳошимов икковимиз Бешариқ туманидаги Рафқон қишлоғида икки-учта мактабга бориб, ўқувчи ва ўқитувчиларни энг улуғ байрамимиз билан муборакбод қилган эдик. Тошкентга қайтишим биланоқ қишлоқдаги қадрдонларим билан дийдорлашиб келгани йўл олдим. Байрам тантаналари бўлиб ўтганига ҳам ҳафта-ўн кун бўлиб қолган эди, лекин шунга қарамай бутун қишлоқ осмонида нашъали бир шукуҳ, тантанавор байрам кайфияти сузиб юарди. Одамларнинг чеҳраси ёришган, қадлари тетик, гапиришлари бардам, кўзларида кўпдан орзиқиб кутилган ёруғ кунлар етиб келгани учун чексиз мамнуният ифодаси чақнайди.

— Бормисиз, куёв! — дейишади қариндошлар оғизлари қулоғига етиб. — Мустақиллик ўзингизга ҳам муборак бўлсин. Бор экан-ку бунақа ёруғ кунлар. Ниҳоят, бизнинг кўкрагимизга ҳам шабада тегадиган бўлди...

Улар шодиёналарининг чеки йўқ эди. Шундан бери улар билан тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қолдик. Улар мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб боришар ва буларнинг ҳаммаси бевосита Илом Каримовнинг ташаббуси билан бўлаётганидан яхши хабардор эдилар.

Шунинг учун мен билан учрашган чоғларида дўстларим ва айниқса, қишлоқ қариялари оғзидан бол томиб, Президентни дуо қилар эдилар:

— Барака топсин, юртбошимиз, халқнинг дардини билладиган, халққа қайишадиган одам экан. Қанчадан-қанча катталарни кўрдик, уларнинг биронтаси оддий одамларга мурожаат қилиб, дил-дилдан чиқариб, «хаммангизни бағримга босар эдим» демаган. Унинг оғзидан чиқаётган ҳар бир гапи тиллога тенг.

Дарҳақиқат, қишлоқ ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади — олтмиш йил умр кўриб, халққа мислсиз азоб-уқубатлар келтирган колхоз бекор бўлди, хусусийлаштириш жараёни бошланди. (Колхознинг анча-мунча техникаси бор эди — улар марказлаштирилдими, хусусийлаштирилдими ёки жўнгина сотиб юборилдими — биров билди, биров билмади.) Ерларни одамларга ижарага бера бошлашди, фермер ҳаракати бошланди, шулар билан бирга, янгича асосда жамоа хўжалиги ташкил қилинди. Унинг эски номидан воз кечиб, янгичасига «Қаҳрамон» деган ном билан атай бошлашди. Бир қарашда ҳадемай ишлар юришиб кетадигандай, ҳаммаёқда тўқчилик ва серобчилик даври бошланадигандай туюлган эди. Афсуски, бундай бўлмади. Аксинча, ўтиш даврининг кутилмаган, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган мураккабликлари сабабидан тирикчилик анча оғирлашиб кетди. Албатта, шўролар даврида колхозчига ҳеч қачон ёлчителиб ҳақ берилмаган. Лекин у пайтларда колхозчининг жонига ора кирган, энг қора кунларда унинг оғирини енгил қилган томорқа бор эди. Қишлоқ одамларининг ҳаммаси — колхозчиси ҳам, зиёлиси ҳам томорқада, асосан, помидор етиштиришнинг ҳади-

сини олган бўлиб, ҳар мавсумда помидор танқис жойларга бир тонна-ярим тонна жўнатиб, шундан келадиган даромадга кун кечириб келарди. Энди эса чегаралар ёпилди, йўллар хатарли бўлиб қолди, олис жойлардаги ноҳолис кучлар бу ёқдан борганларга адоват билан қарай бошлашди. Бундан ташқари йўлда тўланадиган божлар, хирожлар ва ўлпонларнинг чегараси бўлмай қолди. Хуллас, бирор ёққа помидор олиб бориб, барака топишнинг сира иложи бўлмай қолди. Табиийки, уни Тошкентга олиб бориб сотганда ҳам тирикчиликка етадиган даромад олиб бўлмайди, даромади буромадини қопламайди. Жамоа хўжалигида ҳам маблағ йўқ — ҳосилдан тушадиган пуллар турли-туман қарзларни тўлашдан ортмайди.

Қишлоққа сўнгги боришларимдан бирида уч-тўртта менга тенгқур қариялар ўртага олиб гинахонлик қилиб қолишди.

— Куёв, сиз ҳар қалай бизга бегона эмассиз. Мана, бошингизда шляпа, бўйингизда бўйинбоғ. Шимингизнинг қирраси билан қовун сўйса бўлади. Оқ-қорани танийсиз. Мустақиллик йўлидан бораётганимизга ҳам, худога шукур, тўққиз йил бўлиб қолди. Лекин нега бизнинг қишлоқ жамоаси тушовланган тулпордай бир жойда депсиниб туришидан нари ўтмаяпти. Бошқа жойларга борсангиз, айниқса, Тошкентга тушсангиз, ҳар қадамда улуг келажакимизнинг аён нишонларини кўрамиз. Нега бу нишонлардан бизда дарак йўқ? Бизга тушунтириб беринг, бунинг сабабларини билайлик. Ахир, бизнинг қишлоқ ҳам эл қатори олдинга илдамласин-да! Биз ҳам яйраб нафас олайлик.

Мен дарҳол адабиётшунослигимни рўкач қилдим. Бунақа масалаларни иқтисодиётчи олимлар ёхуд қишлоқ мавзусини яхши биладиган қаламкашлар ёзиши кераклигини айтиб ўзимни оқладим. Оқлашга оқладим-у, лекин кейинчалик сира кўнглим тинчимади. Ахир, ўйлаб қарасам, менинг, хотиниму бола-чақаларимнинг бутун тирикчилиги ана шу қариндошларимнинг бўйнида экан. Агар улар бир йил эмас, бир ой маҳсулотини бермай қўйса, мен-у менга ўхшаганларнинг аҳволи нима бўлади — айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Албатта, мен ҳар гал ейдиган нонимнинг ҳам, ошга соладиган масаллиқларнинг ҳам ҳақини тўлаб

келганман. Лекин ҳар қанча ҳақ тўлаган бўлмай, на иссиқ, на совуққа қарамай, манглай терини, кўзининг нурини, саломатлигини аямай меҳнат қилиб маҳсулот етказадиган одамнинг ҳақи олдида бу тўлаганларим урвоқ ҳам бўлмайди-ку! Ахир, қишлоқдаги инсондан фақат менгина қарздорми? Етмиш йилдан ортиқроқ бутун жамият қишлоқни «сиқиб сувини ичишда» барабар фаоллик кўрсатиб келмадикми? Шу «фаоллигимиз» туфайли қишлоқ жуда ҳам ночор аҳволга тушиб қолмадикми? Мен шу ёшга кириб, шунча ҳаётни кўриб, чиқарган хулосаларимдан энг муҳими шу бўлдики, ижтимоий ҳаётда ривожланиш ҳар қанча зўр бўлмасин, ҳатто жамият дунёдаги энг тараққий этган, энг саноатлашган мамлакатга айланмасин, у ҳеч қачон қишлоқсиз, қишлоқ аҳли ердан етказадиган маҳсулотсиз тирикчилик қилолмайди. Шунинг учун қайсики халқ фаровон турмуш кечиришни истаса, қайсики жамият тўқ, бадавлат, ривожланган жамият бўлмоқни истаса, у биринчи навбатда, қишлоқни ўйлаши, унга ғамхўрлик қилиши, қишлоқ аҳлининг бемалол меҳнат қилмоғи учун, қолаверса, илҳом билан, ташаббускорлик билан, ижодкорлик билан меҳнат қилмоғи учун ҳамма зарур шарт-шароитни яратиб бермоғи керак. Жамият қишлоқ олдидаги йиллар мобайнида қалашиб кетган қарзини узмоқ учун деҳқонга асл мақомини қайтармоғи керак.

Маълумки, асрлар мобайнида энг буюк ғарб ва шарқ мутафаккирлари, уламози, адибу шуарози деҳқонни бутун халқнинг ризку рўзини, насибасини етказиб берувчи қудрат сифатида улуғлаб келишган. Менимча, бугун ҳам жамият ана шуни эътиборга олиб, деҳқонни эъзозлаши, бошига кўтариши, улуғлаши керак. Фақат бу ардоқлар унинг шаънига баландпарвоз гаплар айтиш, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириш йўли билан эмас, балки унинг ҳаётини ва меҳнатини энгиллатадиган амалий тадбирларни қўллаш билан қилинмоғи керак. Жумладан, унинг бўйнидаги солиқлари ва бошқа тўловлар юкени энгиллатмоқ лозим; ҳадеб «ерни мундоқ ҳайда, чигитни мундоқ эк!», «ҳосилни мундоқ йиғиб ол!» қабилида буйруқ беравермаслик керак. Ишсиз қолган баъзи раҳбарлар ҳовуз бўйида ўтириб олиб, сувга келган ҳар бир одамга «ботир пақирингни!», «торт пақирингни!» дея буйруқ бериб хумордан чи-

қар эканлар. Ҳозир ҳам деҳқонни ҳеч нарсага қобилияти йўқ, ҳатто етиштирган маҳсулотини ўзи сотиб, олган пулини ҳам ҳисоб-китоб қилолмайдиган ношуд деб ҳисобловчи ва шуни баҳона қилиб унинг ризқ-рўзига шериклик қилишни касб қилиб олган одамлар кўп учрайди.

Хўш, бу кемтиклардан халос бўлиш йўли борми? Нима қилса, қишлоқни ҳам тараққиётнинг кенг ва муаззам йўлига олиб чиқиш мумкин? Бу муҳим саволга ҳам юртбошимиз Ислом Каримов жуда лўнда ва аниқ жавоб берган. Бунинг бирдан бир йўли — мулк ўз эгасини топмоғи ва меҳнаткаш одам эркин бўлмоғи керак. Жуда доно фикр! Деҳқон ўз ерига эга бўлганда ва бу ерда эркин меҳнат қилгандагина жуда кўп муаммолар ҳал бўлади. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир»ларнинг пайи қирқилади. Лекин «деҳқон ўз ерининг хўжайини бўлмоғи керак» деган фикрни қандай тушунмоқ керак? Масалан, бизнинг қишлоқдаги ерни қишлоқ аҳолисига жон бошига тақсим қилиб бериш керакми? Унда ҳар бир одамга бир парчадангина ер тегмайдими? Бир парча ердан у ўзининг рўзгоридан орттириб, жамият учун асқатадиган маҳсулот етказиб бероладими? Умуман, ҳар томонлама ўзини оқлайдиган, катта даромад оладиган энг яхши хўжалик учун қанча еру, қанча маблағ керак? Унда меҳнат қиладиган ҳар бир одам жуда яхши меҳнат қилганида неча пуллик маҳсулот ишлаб чиқара олади? Бундан ташқари, яна бир масала бор — иқтисодий жиҳатдан ночорроқ хўжаликлар техникадан қандай фойдаланади, ҳар хил ўғит ва кимёвий дорилардан-чи?

Хуллас, мен бу ўринда деҳқон қай шаклда ерга эгалик қилиши керак деган масалани қўймоқчи эмасман, фақат айтмоқчиманки, мулк эгаси бўлиш — ишлаб чиқарган нарсасига ўзи хўжайин деган маънони билдирмоғи керак. Ишлаб чиқарган нарсасининг нархини деҳқоннинг ўзи баҳоламоғи керак. Имоним комилки, у бир килограмм пахта етиштириш учун 10 сўм сарфлаган бўлса, буни ҳеч қачон саккиз сўмга сотмайди (деҳқон ҳар қанча анойи ва содда бўлмасин, бунақа тарзда хўжалик юритиб бўлмаслигига ақли етади), лекин шунга ҳам ишончим комилки, у ҳеч қачон 10 сўмлик нарсасини 20 сўмга ҳам сотмайди. У нархни белгилашда инсоф ва диёнат билан иш юритади. У 20 сўм эмас,



нархни 15 сўм деб белгилаши мумкин (табийки, бу ердаги рақамлар тахмин ва фаразлардан ўзга нарса эмас), лекин 14 сўмга ҳам, 16 сўмга ҳам сотиши мумкин. Бозор бўлгандан кейин бозордай иш тутиш керак-да! Деҳқон пахтасини бозорга олиб бориб, кўк чойни шопириб ичиб ўтириб, қадоқлаб сотолмайди. Шундоқ бўлгач, воситачилар, даллоллар хизматига мурожаат этиши табиий. Фақат бу воситачиларнинг номи трест бўладими, биржа бўладими, холдинг бўладими, ўлдинг бўладими, барибир, улар кўпчилик бўлишлари керак ва улар деҳқонни талаб чув тушириш борасида эмас, унга ҳалол ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида рақобат қилишса яхши бўларди. Афсуски, қишлоқ соҳасидаги ислохотларнинг қўнгилдагидек самара бермаётганига халақит бераётган яна бошқа сабаблар ҳам бор. Бизнинг кўпчилигимиз шўролар замонида, ўша пайтдаги ҳукмрон эътиқодлар, ҳукмрон ахлоқ ва ҳукмрон психология таъсирида суягимиз қотган. Албатта, «деҳқонни тала!» деган шиор зўр даранг-дурунлар билан кенг тарғиб қилинган эмасу, лекин бутун етмиш йил давомида ими-жимиди шу принципга амал қилиб келинган. Натижада жуда кўпчилигимизнинг, ҳатто бу ишларга бевосита дахлдор бўлмаганларимизнинг ҳам онгимиз қатларида «ҳа, энди деҳқоннинг нарсасидан жиндай ўмарса ҳеч қанақа айб бўлмайди» деган ишонч шаклланиб қолган. Шунинг учун деҳқоннинг, шу жумладан, фермернинг ҳам ҳар томонлама қарамлиги тугатилмаганидан фойдаланиб, унинг ширасини сўриб олишни чинакам санъат даражасига кўтараётган ва ҳатто бу «хизматлари» учун деҳқонни «миннатдор» қилаётганлар ҳали ҳам етарли.

Ўша менинг қариндошларим истиқомат қиладиган қишлоқдаги жамоа хўжалигининг экспедитори ҳикоя қилиб берди: «хўжалигимиз ёғ заводидан топширган чигити ҳисобидан бир тонна ёғ олмоғи керак эди. Белгиланган куни тракторда минг азоблар билан заводга етиб бордим. Омборчи ёғни тортиб берди. Қарасам, бир тонна ўрнига саккиз юз литр берибди. «Оз-ку!» дедим. Омборчи тан олмади. Жанжал қила бошладим. Омборчи «бўпти, эртага кел, бериб юбораман, бугун ёғим тугаб қолди» деди. Унинг гапига ишониб эртага келмоқчи бўлиб йўлга тушдим. Аммо заводдан чиқиб бир чақирим юриб улгурмасимдан мили-

ция тўхтатди. «Хўш, ёғми? Бир тоннами? Чўғи кам-ку?» — деди-да, ёғни тортиб кўрди. Икки юз кило кам. «Ёғнинг қолгани қани? — деб дағдаға қилди у. — Муттаҳам, уни ўғирлабсан-ку!» Қани, энди, «йўқ, мен ўғри эмасман, диёнатли, намозхон одамман, завод ўзи кам берди» деб тушунтира олсам. Протоколлар тузилди, сўроқлар қилинди, хаш-паш дегунча «дело» ҳам семириб қолди. Энг даҳшатли жойи шунда эдики, милиционер батамом ҳақ эди, унинг ҳар бир гапи, ҳар бир иши қонунга мос эди. Мен эса қамалиб кетишим аниқ эди. Хуллас, қўйинг-чи, бегим дегунча белим синди. Кейин терговчининг маслаҳати билан завод омборчисидан ҳам узр сўраб келдим».

Бу даҳшатли ҳикояни эшитиб, нима дейишни ҳам билмай қолдим. «Э-э, ука, ҳушёр бўлиш керак-да» дея уни изза қилишдан нари ўтмадим. Лекин бунақа бедодликка қарши нима қилиш мумкинлигини тополмай ҳануз гарансиб юрибман.

\* \* \*

Мана, XX асрнинг ҳам сўнги кўнғироғи чалиниб, у кўҳна тарихнинг мангу мулкига айланди. Янги йил табрикномаларида тасвирлангандек учта гижинглаган арғумоқ қўшилган чанада кумуш кўнғироқчаларни жиринглашиб навқирон йигитча шаклида 2001 йил ҳам кириб келди. У ҳар доимги Янги йиллардан фарқ қилади. 2001 йил билан XXI аср бошланади. Бу шунчаки оддий хронологик тушунча эмас, балки учинчи минг йилликнинг ибтидоси. Учинчи минг йиллик билан эса инсоният тарихида бутунлай бошқа бир давр бошланади. Олимлар бу янги давр ҳақида фикр юритар эканлар, унинг инсоният тарихидаги ўрнини белгилар эканлар, XX аср ўзининг жамики чўққилари ва кашфиётлари, эришган марраларию, ютуқлари билан бу янги давр қаршисида ибтидоий тош давридай салмоқ касб этиб қолади деган фикрларни олға суришади. Жумладан, америкалик футуролог Элвин Тофлернинг фикрига кўра, инсоният тарихи шу пайтга қадар иккита цивилизацияни бошидан кечирди. Бу улғу цивилизациялардан бирининг номи Деҳқончилик цивилизацияси, иккинчиси — Саноат цивилизацияси. Энди эса улардан тубдан фарқ қилувчи учинчи тўлқин — Ахборот

цивилизацияси бошланиб келмоқда. Бу цивилизациянинг хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида ҳали одамлар кўп тадқиқотлар қилишади, кўп китоблар ёзишади. Лекин нима бўлганда ҳам бутун инсоният янги асрга жуда катта умидлар билан қарамоқда, ундан ҳар бир инсон учун янги неъматлар, янги фароғатлар кутмоқда.

XXI аср ниҳоят инсонга муносиб аср бўлади, ундаги кемтиклар ва қусур чекинади, унинг ақл-заковати, янги куч-қудрати билан намоён бўлади деб орзу қилишмоқда. Иншоолло, бу орзулар рўёбга чиқсин, инсонлар ўртасидаги нифоқ йўқолсин. Лекин мен ўйлайманки, XXI асрнинг қандай бўлиши, биринчи навбатда, бизнинг ўзимизга боғлиқ. XXI асрнинг бизга муносиб аср бўлишини талаб қилишдан аввал биз ўзимиз XXI асрга муносиб бўлмоғимиз керак, шунга интилоғимиз лозим. Бу шунчаки чақириқ, шунчаки шиор эмас. Буни англаш учун кечаги кунимизга биз назар ташлайлик. Бизнинг умримизнинг ярмидан кўпроқ қисми XX асрда ўтди. Яхшими, ёмонми, очинми-тўқинми асрни қаритдик. Бу аср фақат мудҳиш воқеалардан, қонли урушлардан, фожиали хатолардан, телбалик ва овсарликка сажда қилишдан иборат бўлди, десак унчалик тўғри бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Тун ва куннинг алмашиб туриши табиатнинг мангу қонуни бўлгани каби инсон ҳаётининг ўн беш кун қоронғи ва ўн беш ёруғ бўлиши ҳам муқаррар. Шунинг учун «ўтмиш яхши эди» ёхуд «ўтмиш ёмон эди» дея чамалаб ўтиришнинг ўзи беҳуда нарса. Лекин шу ўтмишда биз ўзимиз қандоқ эдик, ундан қандай чиқдик ва янги асрга нима билан кирамиз деган савол ўринли. Мен бу саволга ҳам атрофлича жавоб бермоқчи эмасман. Фақат мен учун бир нарса аёнки, биз ўтган умримизда одамзодга муносиб, унга чинакам бахт-саодат берадиган, одамларни бир-бирига чинакам дўст, биродар, қардош қиладиган жамият яратолмадик. Билмадим, бунга XX аср одамларининг ақл-заковати етмадими? Ақл-заковати етган бўлса, иродаси камлик қилдими? Ёхуд иродаси ҳам бор эди-ю, ҳар хил ёвуз кучларнинг қаршисида жасорати панд бериб қолдими? Ҳар ҳолда, XX аср ҳамма жойда бўлмаса ҳамки, собиқ шўролар мамлакатаида яшаган одамларнинг ҳаммасини қўрқувдан мажруҳ қилиб қўйди. Инсонда қул-

лик психологияси ҳар қачонгидан кўра устуворроқ бўлиб қолди, эркинлик туйғусининг тақчиллиги ҳам XX аср одамини дадил ҳаракат қилишдан, том маънода улуғ ишларга қўл уриш иштиёқидан маҳрум этди. Фақат аср охирига келибгина, Ўзбекистон мустақиллик йўлига қадам қўйганидан сўнг бу иллатлардан аста-секин қутула бошладик. Лекин ҳали батамом қутулиб кетганимизча ҳам йўқ.

Менинг энг катта орзум шуки, биз янги асрга эски чоригимизнинг лойи билан шалдиरोқ аравамизни чоптириб кирмасак. Биз фикр жиҳатидан ҳам, маънавият жиҳатидан ҳам, иқтисодиёт жиҳатидан ҳам XXI асрга муносиб бир қиёфада кириб борсак. Деҳқонларимиз ҳам шундай бўлса — улар эркин, ўз ерининг, ўз мулкининг ҳақиқий хўжайинлари сифатида, бутун халқнинг, бутун миллатнинг ризқу рўзини етказиб берувчи мағрур меҳнат кишилари сифатида XXI асрга кириб борса. Улар том маънода улуғ Ватанимизнинг улуғ келажагини барпо қилувчи энг ардоқли ва энг ҳурматли, энг азиз ва энг улуғ қадрли одамлар сифатида янги асрга кириб боришса, нақадар зўр бўларди.

Орзуга айб йўқ...

## БОЗОР ВА МАЪНАВИЯТ

Мен иқтисодчи эмасман, аммо ҳар бир фуқаро каби бозор иқтисодиёти соҳасига жуда қизиқаман. Тишим ўтган масалалар устида ўзимча мулоҳаза юритаман, тишим ўтмаганларини эса мутахассис дўстларимдан сўраб-суриштираман. Яқинда бир иқтисодчи дўстимга шундай савол билан мурожаат қилдим:

— Бозор иқтисодиётига ўта бошлаганимизга ҳам уч-тўрт йил бўлиб қолди. Қани, айтинг-чи, биз ҳозир шитоб билан қаёққа кетяпмиз?

— Қаёққа бўларди, тўғри бозорга-да...

Унинг жавобида ҳазил оҳанги устунроқ эди, шу билан бирга алланечўк жиддийлик ҳам сезиларди...

Менинг хаёлимда шундай манзара гавдаланди: ҳаммаёқ — кўча-кўй ҳам, майдону хиёбонлар ҳам, бекату боғчалар ҳам бозор. Ҳаммаёқда Покистону Туркия, Хитойу Ҳиндистон ва яна дунёнинг аллақайси бурчакларидан келтирилган ашқол-дашқоллар қалашиб ётибди. Харидордан со-

тувчи кўп, ҳаммаси булбулигўёга айланиб молини мақтайди: «Кеп қолинг! Пулингиз ўзингиз билан кетади. Олганлар дармонда, олмаганлар армонда!» Бу бозор ичида, шоир айтганидек, «молим ёмон» деган бир кимса йўқ. Ҳаммаси йўлини қилиб харидорнинг пулини олиб қолиш пайида. Харидор шўрлик эса бу гала-говурдан боши гаранг – нима қилишини билмай ҳайрон. Бу манзара узлуксиз давом этади – кеча шунақа эди, бугун ҳам шундай. Эртага бошқача бўлиб қолади, дейишга асос йўқ.

Дўстим менинг ўйларимни сезгандай сўз қотди:

– Йўқ, йўқ, бу – бозор иқтисодиёти эмас. Тўғрироғи, биз барпо этмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти фақат шундан иборат эмас.

Ўнг келиб қолгани учун мен иқтисодчи дўстимдан яна бир нарсани аниқлаб олмоқчи бўлдим. Кейинги пайтларда у ер-бу ерда «Биз капитализм йўлини танладик, келгусида капитализмнинг муҳташам биносини тиклаймиз» деган гаплар оралаб қолди. Бу гап менга эриш туюлади, негаки бугун капитализм кўзимизга ҳар қанча бежирим кўринаётган бўлмасин, ҳар қанча оғзимизнинг таноби қочиб, уни мақтаётган бўлмайлик, у – инсоният тараққиётидаги кечаги кун, босиб ўтилган бир босқич. Наҳотки, жаҳоннинг кўпгина халқлари эртага XXI аср бағрида жавлон урса-ю, биз яна ҳар доимгидек ортда қолиб, XIX аср тор кўчаларида пайпасланиб юрсак?!

Дўстим зийрак одам – дилимдаги гап тилимга кўчиб улгурмасдан жавоб бера бошлади:

– Биз қурадиган жамият ҳар жиҳатдан ривож топган, баркамол жамият бўлади. Ишлаб чиқариш кимнингдир даб-дурустдан хаёлига келиб қолган «доҳиёна» голяларию инжиқлиги асосида эмас, қатъий иқтисодий қонуниятлар асосида амал қилади. Бу жамиятда иқтисод юритишда маъмурий буйруқбозликдан асар ҳам бўлмайди. Ҳеч ким ишлаб чиқарувчининг тепасида туриб, «Сен фалонни қил! Сен пистонни эк! Сен у ёққа югур! Сен мана буни бажар!» деб қамчи силкитмайди. Абадий двигателъ деганни эшитгансиз. Бировнинг тазйиқсиз, ташқи турткисиз ўз-ўзидан ҳаракат қиладиган, сира тўхтамайдиган машина. Кўп замонлар мобайнида олимлар шунақа машина яратишга уринган, лекин ярата олмаган. Биз қурадиган жа-

миятнинг янги иқтисодиёти ана шунақа бировнинг турткисисиз ҳаракат қиладиган, ўз-ўзини бошқарадиган, керагида тезлаб, керагида секинлайдиган бўлади. Уни бошқарадиган ягона куч — жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондириш иштиёқи бўлади. У моддий эҳтиёжлар ва моддий манфаатлар асосидагина ҳаракат қилади.

Хаёлимда жавлон урган суронли бозор манзараси аста-секин хира тортди. Унинг ўрнида кўркам, нурафшон ва чароғон қаср чизгилари намоён бўла бошлади. Шу нуқтада ҳаёлот отининг жиловидан тортдим-да, бугунги реал ҳаёт оғушига қайтдим.

Биз аллақачон янги жамият қуриш йўлига қадам қўйганмиз. Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» дея истиқбол йўлини белгилаб берди. Бу шунчаки эҳтирос билан айтилган жўшқин ибора эмас, балки аниқ ҳисоб-китобларга, реал заминга асосланган дастурил-амалдир. Уни амалга ошириш республикамиздаги ҳар бир юртсевар инсоннинг муқаддас бурчи. Бу борада аллақачон шаҳдам қадамлар қўйилди ва улар ёрқин самаралар бермоқда. Бугунги куннинг халқаро долзарб муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг овози борган сари дадилроқ янграмоқда. Чиндан ҳам бугун ўзбек «Қайга бормай, бошда дўппим фоз юрарман гердайиб» дейишга тўла ҳақли бўлиб қолди.

Ички ҳаётимизда, айниқса, иқтисодиёт борасида ҳам катта ўзгаришлар майдонга келди — хусусий мулкчилик ривожланмоқда, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилди, чет эл сармоялари жалб қилина бошлади, қўшма корхоналар ва фирмалар очилмоқда, қишлоқларда фермер хўжалиқлар ташкил қилинди, минглаб корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамоаларига берилди, молия тизими, банклар янгича асосда иш юрита бошлади. Хуллас, мулк эгасини топяпти, меҳнат самаралироқ бўлиб бормоқда.

Бу гапларни ўқиб, баъзи бировлар: «Эй биродар, ҳадеб керилаверасизми? Шунча ўзгаришлардан бизга нима фойда? Биримиз икки бўлмаёпти, эски кўйлагимизни янгилаганимиз йўқ. Қўл учида кун кўриб юрибмиз», дейишлари мумкин. Дарҳақиқат, бу эътирозда жон бор — бугунги ҳаёт даражаси ҳали биз истагандан жуда узоқ. Хўш, нега

бундай? Гап шундаки, янги жамият қуриш, одамларнинг яшаш тарзини ўзгартириш ҳеч қачон осон иш бўлган эмас. Тасаввур қилинг: очиқ денгизда сузиб бораётган баҳайбат кеманинг йўналишини бутунлай ўзгартириш керак. Бунга жон-жаҳди билан қутураётган бўрон халақит беради. Ўрқач-ўрқач тўлқинлар кемани қаърига ютмоқчи бўлади. Ўйламай қилинган ҳар бир кескин ҳаракат ҳалокатга олиб келиши мумкин. Бу ишда ўта эҳтиёткорлик ва чапдастлик талаб қилинади. Жамият ривожини янги йўлга солиб юбориш эса кема ҳаракатини ўзгартиришга қараганда минг чандон қийинроқ иш. Бизга собиқ иттифокдан жуда оғир мерос қолган. Социалистик иқтисодиёт бошдан-оёқ маъмурий буйруқбозлик асосига қурилган эди. Кўпинча дабдаба билан, «зўр-зўр» тадбирлар амалга ошириларди, уларга ҳаддан ташқари катта маблағ сарфланарди, лекин охир пиروвардида бу тадбирлар керакли самарани бермас эди, маблағлар ҳавога соврилгандай беҳуда кетарди.

Ҳар қадамда кўра-била туриб мантиққа хилоф ишлар қилинарди. Масалан, Тюменда жуда катта нефть захиралари топилгач, уларни ўзлаштириш ҳамма республикалар зиммасига юкланди. Ўзбекистон ҳам байналмилал бурчини бажариб бу ишга ҳисса қўшиш мақсадида Нягань деган жойда нефтчилар учун каттагина шаҳарча қуриб бериш мажбуриятини олди. Умумхалқ ҳашарида қатнашиш ёмон иш эмас, албатта. Аммо, шаҳарча қурилиши учун зарур бўлган материалларнинг ҳаммаси — миҳдан тортиб ғиштгача, цементдан тортиб дераза-эшикларгача Тошкентдан олиб борилди. Энди ўзингиз бир хомчўт қилиб кўринг, аввал темир йўлда, кейин бир неча юз чақиримга машинада олиб борилган қурилиш материаллари неча баравар қимматга тушди экан? Мен Няганда Ўзбекистон қуриб берган уйларни кўрганман — ҳеч иккиланмай айтиш мумкин — уларнинг деворини чиндан ҳам «олтин девор» деса бўлади. Албатта, шу тарзда шаҳар қуришни амалга оширган ишбилармонлардан биронтаси бу харажатлар учун ёнидан бир сўм чиқарган эмас — чиқимнинг ҳаммаси шўринг қурғур оддий «коммунизм қурувчиси»нинг ҳисобидан бўлган. Социалистик иқтисодиётнинг ана шунақа ғайри-мантиқий беўхшов томонлари жуда кўп эди. Буларнинг бари хўжаликда ақл бовар қилмайдиган тартибсизликларни туғдир-

ган, у туфайли эса дунёда ноёб тушунча «очередь» деган нарса туғилиб, социалистик турмуш тарзининг ажралмас қисмига, доимий йўлдошига айланиб қолган эди. Шу ўринда яна қулоғим остида эътирозлар жаранглагандай бўляпти: «Ахир, инсоф қилинг-да, биродар! Сиз ёмонга чиқарган социализм шароитида нима бўлганда ҳам кунимиз ўтиб турган эди. Арзончилик эди. Ўзи-ку ўша қораланаётган турғунлик йилларида коммунизмни қуриб қўйган эканмиз-у, ўзимиз ҳам билмай қолиб, ўтиб кетаверган эканмиз-да...» Биринчи қарашда бу эътирозга жавоб бериб бўлмайдигандай кўринарди. Ҳақиқатан, 70–80-йиллар орасида нисбатан серобчилик ва арзончилик бўлди. Хўш, хўжалик юритиш йўллари нотўғри бўлган бўлса, бунга қандай эришилди? Ўйлайманки, бунга халқни, меҳнат қилувчи одамни шафқатсиз эзиш ва талаш эвазига эришилган. Ўзингиз ўйланг, бизда етмиш йил мобайнида миллионлаб маҳбуслар, ҳарбий хизматдаги аскарлар, «крепостной» деҳқонлар, яъни колхозчилар арзимаган ҳақ олиб, меҳнат қилишга мажбур бўлди. Ишчилар ҳам ҳеч қачон қилган меҳнатига яраша ҳақ олган эмас. Зиёлилар эса шўролар замонида ҳамиша жамиятнинг энг қашшоқ, энг хор табақаси бўлиб келган. Коммунистик партия жамиятни «ривожланган социализм» деб атаган бўлса-да, аслида бу «ривожланган» қулдорлик жамияти эди. Унда бир ҳовуч номенклатура ходимларигина ҳузур ва фароғатда яшаган, оддий халқ эса зўр-базўр чала курсоқ ҳолда ҳаёт кечирган. Бу жуда хунук оқибатларга олиб келган — охир пировардида халқни маънавий жиҳатдан мажруҳ қилиб қўйган. Минг йиллардан бери тажрибада синалган, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардан бири шуки, меҳнат қилган одам меҳнатининг самарасини кўрмоғи керак, меҳнатига яраша ҳақ олмоғи керак. Борди-ю, у меҳнатига яраша маош олмаса, маошига яраша меҳнат қила бошлайди. Натижада, меҳнат ўрнига кўзбўямачилик авж олади, бир-бирини алдаш, ўғрилик, ташмачилик каби иллатлар оддий ҳолга айланиб қолади, халқ маънавий жиҳатдан чиришга юз тутаети, инсоф, диёнат, виждон деган тушунчалар ўрнини шафқатсизлик, жиноят эгаллайди.

Социалистик жамиятда ёлғончилик давлат сиёсати даражасига кўтарилган — оммавий ахборот воситалари, ҳар



хил тарғибот-ташвиқот органлари эртадан кечгача социализмни мақтаб оғиз кўпиртирар, ҳеч тортинмай ёлғон гапларни такрорлар эди. Биз «Янги инсон яратдик, у бутун дунёдаги инсонлардан юксакдир» деган гапни кўп гапирардик. Тадқиқотчи Игорь Бунич эса «Партиянинг олтинлари» деган китобида коммунистлар ўтказган етмиш йиллик тажриба ҳаётда лоқайд одам тоифасини яратди, деб ёзади. Бу лоқайд одам оламга шунчаки бефарқ қараш билан чекланмайди, унинг ўз фалсафаси бор. Бу фалсафага кўра, дунёга ўт кетса кетсин, шу ўтдан унинг қозони қайнаса бўлди. Жамоа манфаати, кўпчилик ғамида ёниб-куйиш, ожизлар ва заифлар учун иона қилиш деган кори хайрлар унга бегона.

Социалистик тузумдан бизга ана шунақа мерос қолган. Бу иллатлар шунчаки баданга ёпишган кир-чирлар эмас, ундай бўлса, яхшилаб ювиниш билан улардан холи бўлиш мумкин эди. Афсуски, улар қонимизга сингиб улгурган, табиатимизга таъсир кўрсатган, бизни ташаббускорликдан, ижоддан, яратиш иштиёқидан анча маҳрум қилиб улгурган.

Масаланинг яна бошқа томони бор: етмиш йиллик шўро замонида партиявий раҳбарлар миллий республикалардаги иқтисодий инфраструктурани шундай тузган эканларки, бунинг оқибатида ҳамма республикалар иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига қарам бўлиб қолган, бир-бирисиз кун кўриши амри маҳол. Масалан, сизнинг юртингизда катта бир завод бор, у ҳайқириб, пишқириб ишлаб турибди. Лекин кичкинагина, арзимасдай кўринадиган бир деталь ҳам борки, шусиз завод маҳсулот беролмайди. Бу деталь эса Россияданми, Белоруссияданми, Қозоғистонданми келтирилади. Республикалар мустақилликка эришганларидан кейин улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар анча емирилди, бунинг оқибатида ҳамма жойда хўжалик соҳасида жуда катта қийинчиликлар вужудга келди. Уларни бартараф қилиб, хўжаликни нормал изга солиб юбориш учун жуда катта маблағ ва жуда зўр бардош керак эди. Буларнинг бари республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг дабдурустдан самара беришини қийинлаштирди.

Шундай қилиб, юртимизда янгиланиш жараёни бошланиб кетди. Бу жараён ғоят мураккаб, кўп қиррали, турли хил ирмоқларга ва ботиний оқимларга эга. Унинг давомида ҳар хил катта-кичик хатолар ва адашишларга йўл қўйилиши мумкин. Албатта, биз бу хатолардан сабоқ чиқариб олга силжиймиз. Шундай масалаларнинг энг муҳимларидан бири бозор иқтисодиётининг маънавиятга алоқаси масаласидир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, бу икки масала бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Боғлиққина эмас, маънавиятсиз ҳақиқий баркамол иқтисодий тизим яратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ислом Каримов деярли ҳар нутқида, ҳар бир китобида маънавият масалаларига алоҳида урғу беради, юксак маънавиятсиз ҳеч қандай ривожланиш бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг негизида бойлик орттириш, молу дунёни кўпайтириш иштиёқи туради. Асосий мақсад шу – одамларнинг пули кўпайсин. Пул, молу дунё, бойлик...

Шўролар замонида биз молу дунёга, бойликка нафрат руҳида тарбия кўрдик. Тузукроқ яшайдиган, тузукроқ ебичадиган, кийимига оро берадиган одам назаримизда ёмон эди. Уни душман деб ҳисоблардик. Пулга менсимай қарардик. Қашшоқлигимиздан ор қилмас, гадолигимиздан мақтанар эдик. Бугунга келиб аҳвол ўзгарди. Пул, молу дунё, бойлик, давлат одамзод учун зарур нарсалар экани аён бўлди. От айланиб қозигини топади, деганларидек, биз 70 йил мобайнида унутилаёзган муҳим ҳақиқатни қайтадан кашф этдик. Кашф этдиг-у, лекин барибир масаланинг бир нозик жиҳати бор-да! Молу дунёга ружу қўйишни, пулга сажда қилишни, ҳар қандай йўллар билан бойлик орттиришга интилишни фақат коммунистлар қоралаган эмас-ку! Қолаверса, одамзод қадим-қадим замонлардаёқ молу дунё билан руҳият, маънавият ўртасида муайян зиддият борлигини, қай бир нуқталарда улар бир-бирига қарама-қарши туришини яхши билган. Улуғ донишманд Аҳмад Яссавий ва яна ўнлаб буюк мутасаввуфлар инсонни қайта-қайта огоҳ этиб, нафсини тийишга, ўткинчи ҳою ҳавасларга қул бўлмасликка ундаганлар. Уларнинг ақида-

сига кўра, инсон ҳаётининг маънисини молу дунё йиғишда эмас, маънавий камолотга интилиб яшашда. Қанчадан-қанча Шарқ ва Ғарб даҳолари ўз асарларида ҳайрон қоларлик даражадаги ҳамжиҳатлик билан молу дунё, пул инсонни тугал бахтиёр қилолмаслигини, маънавий қадриятларсиз инсон ҳаёти қуруқ еб-ичишдан иборат бўлиб қолишини тасвирлаб берганлар.

Китоблардан мисол келтириб нима қилдим, яхшиси ўз бошимдан кечган бир воқеани айтиб берай. 60-йилларнинг охирида бир гуруҳ сайёҳлар билан Мисрга бордик. Албатта, Миср ажойиботлари, осори атиқалари бизни лол қолдирди. Қоҳирада бизни Умар Хайём номидаги меҳмонхонага жойлаштирдилар. У XIX асрда қурилган ҳашаматли иморат бўлиб, жуда кўркам эди. У шундоққина наҳри Нил бўйида. Дарёдан эсган шабада қулфи дилинғизни очади. Меҳмонхона ёнида ажойиб боғ. Унда сархил мевалар пишиб, тагига тушиб ётибди. Ҳандалакдай-ҳандалакдай хурмолар ер билан битта. Бизга ўринлатиб хизмат қилдилар. Лекин ҳар бир хизмат учун пул тўлаш керак экан. Таксида бирор жойга борсангиз, ҳайдовчи сиздан олдин тушиб эшикни очади-да, таъзим қилиб туради. Унинг қўлига чойчақа тутқазинингиз керак. Чемоданларингизни ўзингиз кўтарсангиз уят бўлади, уни меҳмонхона хизматчиси хонангизга олиб кириб беради. Сиз эса пул тўлайсиз, холос. Хуллас, ҳар қадамда бер, бер, бер... Ҳар кунини уч маҳал таом еймиз. Ҳар гал тўрт-беш хил овқат берилади. Тўртинчи, бешинчиси биз билмаган, кўрмаган маза-матрасиз егулик бўлади. Еган ейди, емаган нарига суриб қўяди. Хуллас, ҳаммаси жойида эди-ю, фақат бир нарса етишмас эди — чойдан қийналиб кетдик. Икки кун ўтгач, мутасаддиларимизга айтиб, чой сўрадик. Бизнинг араб мутасаддимиз ресторан катталари билан гаплашди-ю, лекин бизга бўшашиброқ «чой бўлади» деди. Аммо тушликда чой бўлмади. Биз илтимосимизни яна такрорладик. Араб мутасаддимиз яна гаплашди-да: «чойни фақат бирорта овқатнинг ўрнига беришар экан», деди. Биз рози бўлдик. Бироқ кечки овқат вақтида яна чойдан дарак бўлмади. Тоқатимиз тугаб, ниҳоят, қайнаган доғ сув сўрадик — ҳаммамизда бир қути-ярим қути ҳинд чойидан бор эди. Доғ сувни ҳам бермадилар. Шунда мен ресторан хўжайинларидан бирига таъна қилдим:

– Наҳотки, шундай катта ресторанда чой бўлмаса? Наҳотки, меҳмондан бир пиёла доғ сувни аясангиз?

Ресторан хўжайини туркча билар экан. Бийрон-бийрон жавоб берди:

– Афандим! Бизда ҳамма нарса бор – чой ҳам, кофе ҳам, қаҳва ҳам, ичадиган шоколад ҳам... Фақат булар учун қўшимча ҳақ тўлаш керак. Сизларга тузилган менюда чой кўрсатилмаган.

– Ахир, чой кўрсатилмаган бўлса, меҳмондўстлик деган нарса бор, одамгарчилик бор. Наҳотки, одамнинг қадри бир пиёла чойчалик бўлмаса?

– Афандим! Буни сервис дейдилар. Бизда сервис бошқа, одамгарчилик бошқа! Марҳамат, уйимга боринг, истаган чойингизни дамлаб бераман...

Йўқ, ресторан хўжайинининг бунақа манзирати бизга ботмади, бунақа «сервис»ни танамизга сингдиrolмадик, ичимизда «ҳаҳ, ярамас капиталист» деб яниб аламдан чиқдик.

Бунинг хатолигини энди тушуниб турибмиз – чиндан ҳам бозор, сервис, бизнес деган нарсаларнинг ўз қонуниятлари бўлар экан. Бу муносабатларда фойдага интилиш, сармойани кўпайтириш иштиёқи биринчи ўринда турар экан. Бизнес дунёсида пултопарлар, дасти узунлар, бели бақувватлар, сал нарсага узилавермайдиган йўғонлар; қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайдиган корчалонлар эйтиборли одамлар саналар экан. Хуллас, бугун аён бўляптики, пулга ҳирс қўйишнинг, молу дунёга интилишнинг унча ёмон жойи йўқ. Лекин табиий бир савол туғилади, хўш, бу интилишнинг чегараси борми? Қанча молу дунё одамга кифоя қилади? Ёки бу жараён интиҳосиз давом этадими? Бирор одамга: «Сиз юз минг сўм ёки юз миллион сўм тўплабсиз, етар энди, бу ёғига йиғган давлатингизни еб ётаверинг», деб бўлармикан? Мабодо шундай дейилса, миллион сўм тўплаган киши маслаҳатга кўнармикан?

Бир ёзувчимиз асарида «Пулнинг тиши бўлганида ўзини ўзи еб қўярди» деган иборани ишлатган эди. Дарҳақиқат, тамадди вақтида иштаҳа кўзғолади, деганларидек, молу дунё йиғиш жараёнида одамнинг ҳирси жўш уриб кетиши мумкин. Ҳеч нарсаси йўқ одам кичкина бўлса ҳам, пачоққина бўлса ҳам бир машина ҳайдашни орзу

қилади. Кейин «Москвич», «Жигули»ни хоҳлаб қолади. Бу орзуси ҳам ушалгач, «Волга», «Мерседес» ёки «Тойота»-нинг пайига тушади. Ниҳоят, битта эмас, иккита машинаси бўлишини истайди. Ота-боболари, кўпчилик бўлишганига қарамай, бир айвон икки хонали уйда истиқомат қилган бўлса, ўғлига тўрт хонали уй кифоя қилмай қолади, битта участкани, иккита участкани эгаллаш ҳаракатига тушади. Молу дунё йиғиш ҳирсига берилган бундай одамни давосиз дардга чалинган, деса бўлади. Эсингиздами, Бальзак бунақа одамни «Гобсек» қиссасида жуда ёрқин тасвирлаган эди: олтинларининг кучи билан бутун Парижни тиз чўктиришга қурби етадиган Гобсек кечалари ўзи ёлғиз яшайдиган кулба эшигини ичидан беркитиб, деразаларнинг пардаларини тушириб, олтин тангаларини бошидан сочиб яйрайди. Уларнинг ярақлашидан, жарангидан чексиз ҳузур қилади.

Албатта, бизнес дунёсига қадам қўйиб, бойиш йўлига киришган одам Гобсек ёки Қори Ишкамбалар йўлидан бормаслиги керак. Чунки бу йўл — носоғлом одамнинг йўли; фақат пулга сажда қилиш, бу дунёнинг ҳамма муаммосини ҳал қилиб берадиган қудратни фақат пулда деб билиш, бойликни, молу дунёни ҳар қандай инсоний қадриятлардан юқори деб билиш ўтмишда ҳам ҳеч кимни яхшиликка олиб келмаган, бугун ҳам олиб келолмайди. Молу дунё орттириш йўлига кирган ҳар бир кимса бу йўлда ўз нафсини тия билиши, бевафо дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларидан устун бўлмоғи, эҳтиросларнинг асоратига тушиб қолмаслиги керак. Бугунги дунёда бойлик тадбиркор инсонинг фаровон яшашини таъминловчи асосий восита бўлмоғи керак, ундан ортгач эса, олижаноб мақсадларга, юксак ғояларга хизмат қилмоғи лозим. Ҳеч ким бойлигини нариги дунёга ўзи билан олиб кетолмайди. Шунинг учун тўпланган бойликни саховат йўлига, савоб йўлига сарфламоқ — мухташам қасрлар қурмоқ, жаннатмисол боғлар яратмоқ, масжид бино этмоқ, мактаб ёки болалар боғчаси тикламоқ лозим.

Етим-есирларнинг бошини силаб, ҳожатмандларнинг ҳожатини чиқармоқ мол-мулкнинг қадрини оширади.

Мулоҳазаларимизга хулоса — яқун ясасак: бундай дейиш керак — бозор иқтисодиётида бойиш йўлига кир-

ган одамнинг иштиёқига чегара қўйиб бўлмайди, у қанча кўп бойлик орттирса, шунча яхши! Фақат бойлик орттиришнинг битта шарт бор — ҳеч ким бу ишда фирмомлик йўлига кирмаслиги керак. Инсон бировларни алдаш, қон қақшатиш ҳисобига бойимаслиги лозим, топган миллионларининг бирор сўми ҳаром бўлмаслиги шарт. Капиталистик муносабатлар шаклланаётган илк босқичларда майдонга келган муайян ақидалар бор: «Пулнинг ҳиди бўлмайди!», «Лўлининг эшагини суғор, пулини ол!», «Пул топишда ҳар қандай восита жоиз!» Уйлайманки, биз қурмоқчи бўлган янги жамиятда бундай ақидаларга ўрин бўлмаслиги керак. Тадбиркор ўз фарзандларининг, ўз оила аъзоларининг ва ҳамма одамларнинг юзига тик қарай оладиган виждони пок одам бўлмоғи даркор. Бунга эришмоқ учун эса одам пул санаш, ишнинг кўзини билишдан ташқари, бениҳоя билимдон, савияси юксак, ниятлари пок, бир сўз билан айтганда, теран маънавият эгаси бўлиши лозим.

\* \* \*

Бозор иқтисодиёти бойлик орттиришга, кўпроқ пул ишлашга асосланган, шафқатсиз рақобат асосига қурилган бўлса-да, энг ҳайрон қоладиган жойи шундаки, бозор муносабатларида ҳалоллик ҳоким. Бунда фирма, корхона ёхуд концерннинг шаъни ҳамиша жуда юксак сақланади. Албатта, бозор дунёсида ҳам турли-туман фирибгарлар, қаллоблар, осон йўл билан пул топишга интилувчилар, сифатсиз молини алдаб тиқиштирувчилар бўлади. Лекин уларнинг фаолияти узоқ давом этмайди, бир-икки фирибгарликдан кейин барчасининг миси чиқади. Бир марта шаънига доғ тушган тадбиркор ёхуд фирма, албатта, назардан қолиб синади. Фақат ҳалол фаолият юритадиган, иши билан сўзи бир, ҳамиша ваъдасининг устидан чиқадиганларнинг омади эса чопаверади. Бизнес дунёсида муносабатлар турли томонлар ўртасидаги ўзаро ишончга қурилган. Ҳалоллик, ишонч, сўз ва ишнинг бирлиги ишлаб чиқариш соҳасидаги кўпгина ортиқчаликларни йўқотиш, уни бекорчи чиқимлардан халос этиш имкони беради. Ёдингизда бўлса, шўро замонида ишлаб чиқаришни майиб қилган нарсалардан бири бюрократизм эди.

Битта ишлаб чиқарувчининг устида унинг нонини туя қилиб берувчи ўнлаб раҳбарлар, муовинлар, кузатувчилар, назоратчилар, қўриқчилар, ҳисобчилар ва яна аллакимлар бўлғувчи эди. Бундай тизим ишлаб чиқариш маҳсулотини жуда қимматлаштирар, меҳнат унумини ҳаддан ташқари пасайтириб юборарди. Бизнесда ўзаро ишонч ва ҳалолликнинг устувор бўлиши ишлаб чиқаришни орқага тортувчи кераксиз звеноларни улоқтириб ташлашга имкон берди. Келинг, яхшиси иккита мисол келтирай.

70-йилларда СССР автомобиль йўллари вазирининг мақоласини ўқигандим. У ёшлик пайтларида — муҳандислик дипломини янги олган кезларида Америка Қўшма Штатларида ишлаган экан. Қайси бир фирма унга буюртма бериб, йўл қуриш ҳақида шартнома тузибди. Қизиғи шуки, қурилиш давомида биронта ҳам одам фирма номидан келиб муҳандисдан: «Нима қиляпсан? Ишларинг тузукми? Қурилиш яхши кетяптими?» деб суриштирмабди. Ниҳоят, вақти соати келиб, муҳандис йўлни битириб, фирмага хабар қилипти. Фирмадагилар: «Дуруст! Эртага эрталаб кутинг!» дебдилар. Муҳандис эртага казо-казолардан иборат комиссия келади, улар йўлни обдан текшириб қабул қилиб олади, кейин тантанали маросим — нутқлар, табриклар, қарсақлар, катта зиёфат бўлади деб ўйлабди. Эртаси машинада бор-йўғи битта одам келибди. У муҳандисга машинани бошқаришни таклиф қилибди, ўзи унинг ёнидаги ўриндиққа ўтирибди, портфелидан термосни олиб, ундан пиёлага тўлдириб қаҳва қуйибди. Пиёлани қўлида тутганича «ҳайданг» дебди. Муҳандис қурган йўлни бошидан охиригача босиб ўтибди. Йўлнинг бир жойида пиёладаги қаҳва жиндай чайқалгандай бўлибди. Сафар тугагач, фирма вакили «йўл қабул қилинди» деган ҳужжатга қўл қўйиб берибди. Ҳужжатни муҳандисга берар экан, «бояғи жойни тузатиб қўясиз-да» дея писанда қилибди. Иш битган, ҳужжат муҳандиснинг қўлида, фирма ҳисобкитоб қилишга мажбур. Хуллас, муҳандис йўлнинг чала жойини тузатмай жўнайверса ҳам бўлар эди. Лекин шундай қилса, бир зумда бутун мамлакатга «фалончи муҳандис ишни чала қилар экан» деган гап тарқаларди-ю, биронта фирма унга ортиқ буюртма бермай қўярди. Муҳандис шўрлик умрбод ишсиз қоларди.

Иккинчи мисол буюк адиб Лев Толстойнинг невараси билан боғлиқ. Бу одам Австралияда яшаб, фермерлик қилар экан. Бир куни у телевидение орқали ишларидан гапириб берди. Унинг қанчадир сигири бўлиб, ҳар бири кунига 40 (!) литрдан сут берар экан. Табиийки, фермер сутни заводга топширади. Мени ажаблантиргани шу бўлдики, завод билан келишувга мувофиқ ҳар куни эрталаб сут тўла бидонларни фермадан икки чақиримча наридан ўтадиган катта йўл бўйига қўйиб келар экан. Маълум соатда юк машинаси келиб, бидонларни олиб кетар экан. На ҳаммол, на қоровул, на ҳисобчи, на бошқа бирон ҳайбаракаллачи... Ойда бир марта завод билан фермер ўртасида ҳисоб-китоб бўлар экан. Буни қарангки, бир неча йил мобайнида томонлар ўртасида бирон марта ҳам ҳисоб-китобда ишқал чиқмабди.

Буларнинг барини энг олий даражада уюштирилган ишлаб чиқариш муносабатлари деб атаса бўлади. Чиндан ҳам, ҳақиқий бизнес дунёси бир жойдан бир сўмга олган нарсани бошқа жойда икки сўмга пуллаш, бировнинг дўпписини бировга кийгизиб, давлат орттириш эмас, балки ишлаб чиқаришни энг юксак савияда ташкил қилиш, ортиқча чиқимларга барҳам бериш, меҳнат унумдорлигини бениҳоя кўтариш билан фойда кўришдир. Бу ўз-ўзича бўлмайди. Бунга эришмоқ учун бизнес дунёсига қадам қўйган одам бениҳоя ақлли, зийрак, топқир, ҳар томонлама зўр билимга эга бўлмоғи керак. Унинг тафаккури қанча теран, маданий ва маърифий савияси қанча кенг бўлса, бу – бизнес ишини муваффақиятли олиб боришга шунча ёрдам беради. Эслаб кўринг, Рокфеллер, Форд, Морган, Вестингауз, Дюпон каби бизнес дунёсининг ҳамма буюк намояндалари шунчаки топармон-тутармон, ишбилармон одамларгина эмас, чинакам олим одамлар эди. Уларнинг ҳар қайсиси муайян илм соҳасида, техника ва технология бобида оламшумул кашфиётлар яратган. Айни чоғда улар илмнинг қадрига етган ва унинг самараларидан жуда унумли фойдаланган. Шунинг учун ҳам ўз корпорациялари ихтиёрида кўплаб илмий-тадқиқот синовхоналари, турли институтлар очганлар ва уларнинг ривож учун маблағларини аямаганлар. Бизнес дунёсида фундаментал илмларнигина эмас, ижтимоий илмларни, уму-



мий маданий савияни оширишга ҳам катта эътибор берилади, чунки маданий савиясиз, кенг билимлар захирасиз ўткир фикр бўлиши мумкин эмас.

Шўролар замонида биз мақтанишга зўр берардик ва ҳамма соҳада капитализм дунёсидан ўзиб кетганимизни таъкидлаб келардик. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз дунёда энг саводхон мамлакат аталар, совет кишилари дунёда энг кўп китоб ўқийдиган одамлар деб ҳисобланарди. Ҳолбуки, аҳвол бутунлай бошқача экан. Китоб нашр қилиш ишлари, уни арзон ва сифатли чиқариш, бизнес дунёсида шу қадар илгарилаб кетган, матбаа технологияси шу даражада юксакликка кўтарилганки, бизнинг уларга яқинлашишимизга ҳали етти қовун пишиғи бор. Ёки мана бу далилга эътибор беринг: дунёдаги энг катта китоб дўкони Лондонда, Чаринг Кросс-Роуд кўчасида жойлашган экан. Дўконнинг умумий майдони 7044 квадрат метр бўлиб, пештахтанинг узунлиги 48 чақирим келар экан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар фақат бир нарсадан далолат беради: илм-фансиз, илғор технологиясиз, юксак маданий ва маънавий савиясиз бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни мутлақо қуриб бўлмайди. Мабодо, бунақа жамият қурилганида ҳам у ўзимизнинг Чиял бозоримиз даражасидаги хонаки бир чайқов бозори бўлади, холос.

Илм-фансиз ижтимоий ривожланишда юксак даражага эришиб бўлмаслиги ҳақида гапирганда яна бир ўткир муаммо кўндаланг бўлади. Бу — бизнес дунёсида болаларнинг ўрни масаласи. Сир эмаски, бугун бозорларда, дўконларда, кўча-кўйларда ёймачилар ёнида ёш-ёш болаларни кўп учратасиз. Мактабларда ўқувчилар кўпроқ пулга қизиқаётганини, илм ўрганишга ҳафсаласи қолмаётганини яшираётгани ҳам йўқ. Кўп ҳолларда 12-15 яшар болалар қўлида даста-даста пул, оғзида сақич, бурни кўтарилган, ҳеч кимни менсимайди. Ёшлар ўртасида ичкилик ичаётганлари, қимор ўйнаётганлари ҳам бор. Лекин китоб ўқиётганлари борган сари камайиб кетяпти. Ўйлайманки, бозор муносабатлари ривожланган сари аҳвол кескинлаша боради. Бундан ташқари, ўтиш давридаги қийинчиликлар, танқисликлар ҳам болаларни бозорга ундаяпти. Хўш, бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин? Бу саволга жавоб

топиш унчалик осон эмас. Болаларнинг бозорга боришини ман этиш билан иш битмайди. Биз — ўзбеклар жуда болажон халқмиз. Ўғил-қизларимизни, невараларимизни жондан ортиқ яхши кўрамиз, уларнинг баданига кирадиган тиканга ўзимизни тутиб беришга тайёرمىз. Бу яхши, албатта, лекин ҳаётда кўпинча шундай бўладики, фарзандларга бўлган меҳру муҳаббатимиз ҳар қандай чегаралардан чиқиб кетади. Биз уларнинг боши узра гирди капалак бўлиб, уларни катта ҳаётнинг ҳар бир эпкинидан, ҳар бир шабадасидан эҳтиёт қилишга, қўлини совуқ сувга урдирмасликка ҳаракат қиламиз. Болаликда ҳовлига чиқиб қўшни болалар билан ўйнашига йўл қўймаймиз — калтак емасин, «ёмон» таъсирга берилмасин, деймиз. Бирон оғир иш чиқиб қолса: «Бу ҳали ёш, уриниб қолмасин», деймиз-да, бу юмушни ўзимиз бажариб қўя қоламиз. Мактабдаги ишларига ҳам қарашиб юборамиз, институтга киришида боладан ўн чандон ортиқроқ ташвиш чекамиз. Ниҳоят, келин топиб уйлантирамиз, қийналиб қолмасин деб, рўзгорини капкиригача бутлаб берамиз. Иложи бўлса, квартиранинг ҳам, машинанинг ҳам қалитини қўлига тутқазамиз. Буларнинг ҳаммаси яхши ниятлар билан қилинади. Аммо охирида нима бўлади? Бир вақт қарасангиз, кўзингизнинг оқу қораси, севган жигарбандингиз сиз ўйлагандек эпчил, топқир, зийрак эмас, ўта ношуд, тўғри йўлда ўзини ўзи эплаб юролмайдиган, рўзгор тебратишдан ожиз, «берсанг — ейман, урсанг — ўламан» қабилидаги тайёр ошга баковул бир ношуд бўлиб етишибди. На илож? Ўзингиз пиширган ош — ўргилиб ҳам ичасиз, айланиб ҳам. Чор-ночор кучдан қолгунингизча сўлоқмондай ўғлингизни елкангизда опичлаб юришга мажбурсиз. Албатта, бунақа «парникда ўсган», турмуш қозонида қайнамаган бола орзуларингизнинг ушалишига йўл бермайди. Фарзанднинг мустақил бўлгани, ўзини ўзи эплаб юргани, ўз аравасини ўзи торта билгани яхши. Бунинг учун эса у болалигиданоқ ҳаёт йўлларида юра бошлагани, унинг оддий ҳақиқатларини ўзи кашф этгани маъқул. Америкаликларда бир одат бор, уларда болаларнинг уй юмушларини бажаришига ҳам ота-она муайян ҳақ тўлар экан. Бола ёшлик йиллариданоқ ёшига яраша бирон ишнинг бошини тутиб, 5-6 танга топиб келса, ота-она буни маъқуллар

экан. Ўғил ёки қиз балоғат ёшига етишлари билан ота-онасидан ажралиб чиқиб, мустақил ҳаёт кечира бошлар экан. Бундай турмуш тарзи, эҳтимол, бизнинг ўзбекларга унча тўғри келмас ва ҳаммага бу йўлни тавсия қилиб бўлмас. Лекин, ҳарҳолда боланинг мустақилроқ ҳаракат қилиб, пул муомаласига ўрганишини, нарса-буюмларнинг қадрига етадиган бўлишини маъқулламай бўлмайди. Фақат бунда ҳам ғоятда ҳушёр турмоқ керак — болаларнинг бозорга иштироки эътиқодининг сусайиши, маънавиятининг пасайиши, ахлоқининг бузилиши ҳисобига бўлмаслиги лозим. Бунга эришиш йўллари кўпчилик биргаликда пухта ўйлаб, белгилаб чиқмоғи керак.

\* \* \*

Республикамызда бозор муносабатлари шакллана бошлади. Бу соҳада дастлабки самараларга ҳам эришдик. Одамлар онги ҳам бизнес дунёсининг ўзига хослигини, қонуниятларини англаш томонга бурилди. Лекин шундоқ бўлса-да, нимадандир кўнгил тўлмаётир, аллақандай етишмовчиликлар борга ўхшайди, алланечук кемтиклар мавжудки, уларни зудлик билан бартараф қилмаса бўлмайди. Дуруст, бугун бозор гавжум, нарсалар қиммат бўлса-да, етарли. Ҳаммаёқда воситачи ва бошқа хусусий дўконлар. Лекин бозорда, дўконларда, ёймаларда нима сотиляпти? Уларнинг ичида Ўзбекистоннинг ўзи ишлаб чиқарган кенг истеъмол моллари қани? Бугун ўзимизнинг товарларимиз ўрнини аксар хориждан келтирилган нарсалар эгаллаб олган. Бунинг маъноси шуки, бизнинг маблағларимиз ўзимизга юқ бўлмай, хорижга оқиб кетаверади. Менимча, ҳар қандай хўжаликнинг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келадиган иккита омил бор.

Буларнинг биринчиси — меҳнатни тўғри уюштиришдир. Бу масалада ҳам муҳтарам Президентимиз неча марта талаб куюниб гапирди. У, айниқса, қишлоқ хўжалигида меҳнат ёмон уюштирилганини, ҳали ҳам эскича тартиблар ҳукмрон эканини, кўп жойларда битта одам қиладиган ишда ўнлаб одамлар банд эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, аҳвол шундай. Тараққий этган мамлакатларда эса қишлоқ хўжалигида аҳолининг 4-5 фоизигина банд ва улар мамлакат аҳолисининг қолган 95-96 фоизини бемалол таъ-

минлайдиган маҳсулот етказиб беради. Бунинг сири шундаки, ўша 4-5 фоиз одам ҳамиша меҳнатига яраша ҳақ олади. Шунга яраша меҳнатни ҳам ўринлатади.

Инсон табиатида меҳнат қилиш зарурияти мавжуд. Фақат...

Тошкент вилояти ҳудудидаги Алимкент шаҳарчаси яқинида «Қаҳрамон» хўжалиги бор. Хўжалик буғдой ва пахта экади, сабзавот етиштиради, боғ-роғлар кўп. Лекин сўнгги 5-10 йил ичида бу хўжалик пахта режасини бажармай қўйган эди. Пахта экилиб парвариш қилинарди-ю, ҳосил етилганда уни йиғиб-териб оладиган одамнинг тайини бўлмасди. Далада номигагина уч-тўрт хотин-халаж ва ёш-яланг кўришиб қўярди, кўпчилик эса тирикчилиги билан машғул бўлар эди. Уларга яхши гап ҳам, дўқ-пўписа ҳам кор қилмай қолган эди. 1995 йилнинг кеч кузида ана шу колхозга бордим. Не кўз билан кўрайки, далада одам кўп — пахта режаси тўлиб қолган бўлса-да, теримчилар бош кўтармай пахта теряпти. Бригадир билан «ҳорма-бор бўл» қилишдик. «Нечук одамлар теримга чиқиб қолибди?» деб сўрадим ундан. «Э, нимасини айтасиз, пахтага яхши пул тўланяпти. Хирмоннинг ўзида. Шунинг учун ҳамма иштиёқ билан ишлаяпти». Ҳа, одамларни ишлатишнинг бирдан-бир йўли — меҳнат ҳақини ўринлатиб бериш. Деҳқон пахта топширса-ю, ҳақини олмаса, пилла тутса-ю, пулини кўрмаса, меҳнатдан ҳам путур кетади.

Бозор муносабатларининг тез ривожланишига сабаб бўладиган иккинчи омил — солиқ тизимидир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, бу тизим пухта ўйланган бўлса, солиқ оғир бўйинтуруқ бўлиб, меҳнат қилувчиларни эзиб қўймаса, солиқ баҳона меҳнат қилган одамнинг ҳақи ўмарилмаса, ўша жойда хўжалик тез тараққий топади. Тарихдан бир мисол келтириш мумкин.

Мутахассисларнинг ёзишича, XIX асрнинг охири — XX аср бошларида Россия иқтисодиётида жуда катта юксалиш юз берган экан. 1894—1913 йиллар мобайнида рус саноатида маҳсулдорлик тўрт баравар ошган, 1909—1913 йиллар мобайнида янги ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларининг сони бир юзу ўттиз икки фоизга кўпайган, унга сарфланган сармоя эса тўрт бор кўпайган. Бунинг сабабларидан бири шунда эканки, бу даврда Россиядаги солиқ

тизими анча юмшоқ бўлган экан. Жумладан, Россияда солиқлар Франция ва Германиядагига қараганда тўрт барабар, Англиядагига қараганда эса саккиз ярим барабар кам бўлган экан.

Ҳарҳолда солиқ масаласида инглизларнинг бир доно нақлига амал қилинса, маъқул бўларди: бир кўкаламзор майдон ёнига бундай эълон ёзиб қўйилган экан: «Майсалар топталмасин. Жарима – 5 сўм». Буни ўқиган бир одам майдон мутасаддисидан сўрабди: «Жарима мунча оз?» «Жаримани оширсак, ҳеч ким майсани босмай кўяди-да, афандим», деб жавоб берибди мутасадди. Дарҳақиқат, топганининг кўп қисми солиққа кетса, ким ҳам тахта-ўқлоқ қилиб дўкон очарди?

1996

## **ФАН ГЎЗАЛЛИК ҲИССИ БИЛАН ТИРИК**

*Академик Тўрабек Долимов билан профессор  
Озод Шарафиддинов суҳбати*

**Озод Шарафиддинов:** – Муҳтарам Тўрабек Нўъмонович, сиз билан Ўзбекистон илм-фанининг ривожланиш йўллари, истиқболи тўғрисида суҳбатлашишни кўпдан буён орзу қилар эдик. Бугун шундай суҳбатга катта зарурият бор. Мана, республикамиз мустақил бўлди. Бу йилнинг беш йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз мустақил давлат сифатида янги ривожланиш йўлига киряпти, янги жамият қуриш сари боряпмиз. Бу жамият бозор муносабатларига, бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият бўлиши аниқ. Бу жамиятда илм-фаннинг аҳамияти, ўрни қандай бўлади? Умуман, бундай саволнинг ўзи сал ноўриндай туюлади. Негаки, жавоб ўз-ўзидан маълум: фан ҳеч бир замонда кераксиз, ортиқча нарсага айланиб қолган эмас. Лекин бизда дастлабки йилларда фанга, илмга нисбатан, таъбир жоиз бўлса, эътиборсизроқдек муносабат кишини бир оз хавотирга солди. Чунончи, китоблар, илмий асарларни чоп этиш камайиб кетгани, мавзуларнинг қисқаргани... Бозор иқтисодиёти шароитида шундай бўлиши табиий – ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши, ўз тирикчилигини ўзи эплаши лозим. Жумладан, илм-фан

хам. Мен шу ўринда бир нарсани мамнуният билан айтишим керак. Сўнгги пайтда Президентимиз Ислон Каримов катта анжуманларда, олимлар билан бўлган учрашувларда илм-фанни, айниқса, фундаментал фанларни ривожлантирмасдан туриб янги жамият қуриш, бозор иқтисодиёти муносабатларини тўлиқ шакллантириш мумкин эмаслигини жуда қатъий таъкидламоқда ва бу борада ҳукуматимиз зарур чора-тадбирларни ҳам кўрмоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, одамни хурсанд қилади. Сиз бозор иқтисодиёти шароитида илм-фанни қандай тасаввур этасиз?

**Тўрабек Долимов:** — Озод ака, мустақилликка эндигина беш йил тўлаётганига қарамай, фанимизда анча ўзгаришлар юз берди. Албатта, бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан, у — фуқароларимиз, илмий ходимларимиз ва институтларимиз учун катта синов. Илгари рақобат деган гап йўқ эди. Бозор иқтисодиётининг энг зўр (у бизга ёқадими-ёқмайдами, барибир) механизмларидан бири ана шу. Рақобат воситасида кучли, яхши, долзарб илмий ишланмалар сақлаб қолинади. Илгари долзарб ҳисобланган кўп мавзулар бугун ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Табиийки, улардан воз кечишимиз зарур. Бу объектив ҳодиса ва албатта, қийин кечадиган жараён. Аммо ҳаёт тақозоси шуки, энди янги, Ватанимизга керак бўлган, унинг устун йўналишларини тараққий эттиришга ёрдам берадиган мавзулар бўйича ишлашимиз лозим.

Иккинчидан, кейинги етмиш йиллик давр мобайнида бизда илмий йўналишлар ниҳоятда кўпайиб кетган эди. Фаннинг бирор соҳаси йўқки, унга доир йўналиш Ўзбекистонда бўлмаса. Назарий физика дейсизми, қишлоқ хўжалигим — барчаси бўйича алоҳида соҳалар мавжуд. Аммо бугунги кунда шу йўналишлардан энг керак, энг долзарб ва фанимизни дунё миқёсига кўтара оладиган тармоқларигина сақлаб қолиниши зарур. Мана, бир мисол, Ўзбекистон олимларининг пахта нави бўйича қилаётган тадқиқотлари дунёда ғоят юксак қадрланади. Бунинг исботига бир далил келтирай. Дорилфунуннинг академик Жўра Азимбоевич Мусаев раҳбарлик қилаётган пахта генетикаси кафедрасида Ҳиндистондан келган илмий ходимлар докторлик тадқиқотини ёқлаб кетмоқдалар. Бу тажрибаларни АҚШ, Ҳин-

дистон ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қўллаб-қувватламоқда. Демак, биринчи галда мана шундай йўналишлар ривожланиши керак. Илгари эса биз уларнинг барчасига бир хилда қарар эдик, бир хилда маблағ ажратиларди. Бир хилда синовхоналар очилар ва бир хилда ускуна берилар эди. Буни биз тенглик дердик. Унинг яхши самара беришига ишонар эдик.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида амалий ишларга муносабат ўзгаради. Илгари биз амалий ишларни бажарардик-да, синовхона регламентини тайёрлаб, ускуна ҳозирлаб, уларнинг ишлаб чиқаришга қандай татбиқ этилишига айтирли аҳамият берилмас эди. Албатта, бу масала қандай ҳал этилгани сўралар эди, аммо унинг натижаси ҳеч кимга керак бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунар эдик. Энди бу жараён охиригача бориши керак. Амалий иш бўлганидан кейин у синовхонадан чиқиб далага қандай етиб боради, қанча фойда келтиради, умуман, қўлласса бўладими-йўқми — барчаси аниқ бўлиши лозим. Масалан, дейлик, бугун республикамызда хлор топиш муаммо бўлиб қолди. Аниқроғи, у жуда кам. Лекин ҳаммага керак. Айниқса, экологиямыз учун зарур. Тўғри, хлорли моддалар ниҳоятда кўп. Уни синовхонада яратиш йўли ўзлаштириб олинган, аммо сувни қандай тозалаш керак? Бунинг учун қанча маблағ кетади? Буниси аниқ эмас. Шу боис биздан ҳар бир модданинг солиштирма оғирлигини аниқлаш талаб қилинади. Мана шуларнинг ҳаммаси кўшилиб айрим қийинчиликларни туғдирыпти.

Ҳозирги шароитнинг яна бир хусусияти шундан иборатки (уни сиз жуда яхши таъкидлаб ўтдингиз), фандаги фундаментал, менинг фикримча, энг асосий йўналишлар, яъни биринчи навбатда ривожлангирмасдан туриб олдинга силжиб бўлмайдиган тармоқлар қисқаргани йўқ. Аксинча, уларга дахлдор янги йўналишлар пайдо бўлди.

Шу пайтга қадар республикамызда ижтимоиёт (социология), сиёсатшунослик; табиий фанларда микроминерология, геодинамика каби соҳалар яхши ривожланмаган эди. Аммо улар юртимиз учун зарурлиги сабабли бу соҳаларга оид бир талай янги ташкилотлар пайдо бўлди. Чунончи, стратегик тадқиқотлар институти, бир неча социология лабораториялари, социология ёки сиёсатшу-

нослик марказлари майдонга келди ва фанда умрини ўтаб бўлган йўналишларнинг ўрнини эгаллади.

Шу ўринда шахсий бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Биз илгари жуда кўп илмий йўналишларни ривожлантириб юборганмиз, уларнинг тармоғи ҳам, сони ҳам ҳаддан зиёд эди. Ҳар битта вазирлик, корхона, академия таркибида беҳисоб муассасалар, институтлар бўларди. Беш йил мобайнида уларнинг аксарияти бирлаштирилди. Табиийки, яхшилари, самарадорроқлари сақлаб қолиниши керак. Баъзи заифроқ, аҳамиятсизроқ йўналишлар ўз-ўзидан четга сурилиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам баъзан, бизнинг назаримизда, одамлар фандан кетиб қолаётганга ўхшайди. Шундай жараён чиндан ҳам бор. Фан фидойиси бўлмаган, қийинчиликка чидай олмаган кишилар ишини топиб кетмоқда. Тўғри тушунинг, бундай «мутахассис» ва «олим»ларга халақит бермаслигимиз керак. Албатта, бу жараён энгил кечмайди. Аммо у бўлиши зарур, объектив жараёндир. Бир мисол келтираман. Дунёда бир неча минг фундаментал фан йўналиши бор. Ўзбекистонда эса шулардан 70-80 фоизи мавжуд. Биз кўпинча кичик бир иш қилсак ҳам, фундаментал тадқиқот деб юрар эдик. Яъни ўша мўтабар тушунчани ҳам анча саёзлаштириб қўйган эдик. Хуллас, бозор иқтисодиёти даврида фан, албатта, ривожланади, унинг янги соҳалари пайдо бўлади ва пайдо бўлмоқда. Масалан, маркетинг, менежмент, давлат бошқаруви. Булар биз учун янги фан, янги соҳа бўлиб, энди оёққа туриб келмоқда. Биз илгари иқтисодиётни фақат сиёсий ва хўжалик иқтисодиётидан иборат деб билар эдик. Бугунги кунда кредит, молия, баҳони тақсимлаш, макроэкономика, микроэкономика соҳалари таркиб топиб, иқтисод фанининг гуркираб ривожланишига асос бўлмоқда. Бинобарин, хавотирга ўрин йўқ, чунки эскисига қараганда самаралироқ янги тармоқлар тараққий этиши табиийдир. Бунинг тасдиғи ўлароқ яна бир мисолни эслашимиз мумкин. Фанлар академиясининг умумий мажлисида республикамиз Президенти Ислон Каримов «Академия фонди»ни ташкил этиш таклифини айтди ва тез фурсатда шундай жамғармага асос солинди. Ҳозир унинг иши анча кўзга кўриниб қолди. Лекин ундан пул олишнинг ўзи бўлмайди.



Илгари биз маблағни қандай олар эдик? Мавзуни ўзимиз белгилаб тадқиқот юритар ва у ҳақда ҳисобот ёзардик, сўнг шунга яраша маблағ олиб газнализга қўйиб қўяр эдик. Бугун ундай эмас. Энди кўпроқ иш натижаси муҳим. Фундаментал фанми, амалий ишми, барибир, энг аввало, натижа зарур. Усиз силжиш бўлмайди. Яна ижтимоий йўналишдаги бирталай фанлар, хусусан, адабиётшунослик, психология, тарих каби илм тармоқлари мавжудки, улар учун, Президентимиз айтганидек, биринчи навбатда давлат ва ҳар хил жамғармалар маблағ ажратади, қўллаб-қувватлайди. Шу боис, уларнинг ривожидан ҳам ташвишлианишга ҳожат йўқ.

**О.Ш.** — Академия жамғармасини тилга олдингиз. Албатта, у фанга жуда катта мадад беради. Лекин чет элда бу борада бошқача йўллар ҳам топиляпти, шекилли? Мен бу ўринда ўқиганларимга асосланиб гапираман. Масалан, Рокфеллерники сингари компаниялар қошида лабораториялар, ҳатто институтлар ташкил қилинган. Компания уларга мавзулар белгилаб, тадқиқ эттиради ҳамда барчаси учун зарур маблағ ажратади. Бизда ҳам энди шундай тажрибалар қўлланса, яъни фақат жамғармаларга, ҳозир кенг урф бўлиб кетган ҳомийларга қараб қилинмаса керак? Бевосита ишлаб чиқариш эҳтиёжига яраша ишлайдиган, мазкур эҳтиёждан келиб чиқиб, ўшаларнинг маблағи билан фаолият юритадиган, уларнинг манфаатини кўзда тутадиган фан йўналишлари ҳам ривожланиши мумкинмикан?

**Т.Д.** — Бу масала бозор иқтисодиёти даврида фанни бошқариш муаммосига бориб тақалади. Умумий муаммолар шу. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида мана шунанга ташкилотлар, йўналишлар муҳим ўрин тута бошлайди. Бу гап, айниқса, амалий фанга тегишли. Бу борада республикада бирталай яхши тажрибалар юз кўрсатмоқда. Чунончи, ҳозир нефть ва газ корпорацияси ўзининг иккита махсус институтига эга. Улар Нефть геологияси институти ва Лойиҳалаш институти деб аталади. Илгари бу институтлар бутун собиқ Иттифоққа хизмат қилган бўлса, энди фақат Ўзбекистоннинг нефть саноатини ривожлантириш, нефть конларини қайтадан ўрганиш ва ёқилғи саноати истиқболларини аниқлаб бериш билан

шуғулланмоқда. Охирги икки-уч йил ичида бу институтлар жадал ривожланмоқда. Корпорациянинг, демакки, республиканинг манфаатларидан келиб чиқилган ҳолда мазкур институтлардаги мавзулар йўналиши ҳам жиддий ўзгаришларга учради. Масалан, уларнинг мавзу режаларидан Мингбулоқ, Кўкдумалоқ, жанубий ва ғарбий Ўзбекистондаги нефть истиқболини ўрганиш масалалари муҳим ўрин эгаллаб, уларни тадқиқ этиш натижасида аксарият конлар тўрт-беш минг метр чуқурликда жойлашгани аниқланди; конларнинг умумий ҳажми қанча, улардан қанча маҳсулот чиқиши мумкин деган масалаларга аввалги замонлардагидек умумий тарзда эмас, балки аниқ ёндашишга уринишлар бўлди. Бу масалалар юзасидан жуда аниқ ҳисоб-китоб қилинган, исботланган лойиҳалар тайёрланди. Президентимиз айтганидай, республикаимиз нефть мустақиллигини таъминлаш ишига бу институтлар қўшган улуш жуда каттадир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда бирталай бошқа жамғармалар ташкил қилинган. Мен бу иш билан бир оз шуғулланганим учун шуни айта оламанки, ҳозир жамғармалар кўпайиб борапти, лекин уларнинг орасида қудратлилари кам. Қудратли жамғармалар орасида мен Ўзбекистон Фан ва техника қўмитаси қошидаги Республика фундаментал фанлар жамғармасини мисол сифатида кўрсатишим мумкин. Бу жамғарма уч йилдан буён фаолият юритади, шу давр мобайнида юздан ортиқ фундаментал тадқиқот учун маблағ ажратди. Бундай шароитда ишлашнинг асосий тамойили рақобат ҳисобланади. Ишни баҳолашда экспертлар муаллифни танймайди. Улар фақат ишга, илмий натижага баҳо беради. Шу сабабли мутлақо кутилмаган одамлар ҳам жамғармадан катта маблағ олди. Уларнинг аксарияти ёшлар, илгаридан ишлаган йирик олимлар. Бу ерда ҳар бир ишланмага холисанлилло баҳо берилади. Экспертлар ишларни уч бор яширинча экспертизадан ўтказадилар, яъни имкон борича холисликка интилиш бўлади. Шу йилнинг 23–24 январигача жамғарма яна бирталай лойиҳаларни қабул қилди. 1994–95 йил танловида Тошкет Давлат дорилфунунидан қўйилган лойиҳаларнинг йигирматаси ғолиб деб топилди.

Умуман, мана шундай жамғармалар, ҳомийлар билан қалин алоқада ишлаш борасида ҳали бизда етарлича таж-

риба йўқ. Фикримга далил сифатида бир мисол келтирай. Бутунги кунда чет мамлакатлар республикамизга, умуман, барча ҳамдўстлик давлатларига оз миқдорда бўлса ҳам ёрдам кўрсатишга мўлжалланган жамғармалар ташкил этган, аммо биз улар билан яхши алоқа боғлай олмадик. Бунга лоқайдлигимиз ҳам, билимсизлигимиз ҳам, уларнинг ишлаш йўриқлари билан нотанишлигимиз ҳам сабаб бўлган. Масалан, Россия шундай фондлардан 400 миллион доллардан олади. Бу жуда катта маблағ. Иккинчи ўринда Болтиқбўйи республикалари туради. Учинчи ва тўртинчи ўринда – Қирғизистон ҳамда Қозоғистон. Бизнинг республикамиз олимлари эса улардан унча яхши фойдалана олмаяпти. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳам, институтлару университетлар ҳам Сорос, Макартур, Аденауэр, Осие, Овруосие жамғармаларидан аста-секин фойдалана бошлаяпти. Ҳомийларга келганда шуни айтиш керакки, ҳали улар маблағ жиҳатидан унча катта ёрдам бера олмаяпти. Аммо бу соҳада ҳам баъзи ижобий ишлар мавжуд. Масалан, Ҳамжиҳатлик жамғармаси воситасида университетимизга социология учун пул ажратилган. Сорос, Фулбрайт жамғармалари кўмагида баъзи профессорларимиз Канадага, Чикагога, Иллинойсга, Олмонияга бориб уч-тўрт ой ишлаб, тадқиқот ўтказиб келмоқдалар. Бу ишлар ҳали илк тажриба бўлгани боис, ҳозирча кўнгилдагидек ривожлангани йўқ. Аммо у бошқа мамлакатларда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади, чунки давлат ҳамма фанларни, барча йўналишларни бир хилда таъминлай олмайди. Бу – биринчиси. Иккинчиси – амалий фанлар соҳасида ҳали ўз кучимиздан яхши фойдалана олганимиз йўқ. Йирик олий ўқув юрти бўлган Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳам атиги 7 миллион 200 минг сўмлик хўжалик шартномаси бор. Ваҳоланки, бу ерда 12 факультет, 42 лаборатория фаолият юритади, уларда 600 нафар илмий ходим ишлайди. Бошқа олий ўқув юртлари билан қиёслаганда, бу рақам анча катта миқдор ҳисобланади. Лекин жаҳон андозалари, ҳатто Россиядаги кўрсаткичлар билан солиштирганда ҳам унинг анча камлиги аён бўлади. Демак, бу соҳада ҳали имкониятлар жуда кўп. Биз бевосита буюртмачи билан ишлашни ўрганишимиз керак. Биз унинг талабидан келиб чиқишимиз, ўз

билимимизни унга «сота» билишимиз лозим. Ҳолбуки, билим товар экан, биз ҳали уни сотишни ўрганганимиз йўқ.

Учинчи йўналиш мавзуларни ҳозирги шароитга мувофиқлаштириш билан боғлиқ. Агар Фанлар академияси, бизнинг университет ва бошқа олий ўқув юртлири мавзу режаларини қараб чиқсангиз, бир-бирига яқин, ўхшашлари жуда кўп эканини пайқайсиз. Масалан, республикада биргина геология соҳаси бўйича олти институт бор. Яна учта олий ўқув юрти шу йўналиш билан шуғулланади. Бу — жуда катта куч. Аммо Давлат геология ва минерал хомашё қўмитасининг буюртмаси асосида ишлайдиганлари битта ёки иккита. Шунга кўра, режалаштиришни мукамаллаштириш бўйича бизнинг имкониятларимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам беқиёс. Ниҳоят, яна бир муҳим муаммо — маош масаласи. Мен ҳақиқий олим тирикчилик учун эмас, фан учун ишлаши тарафдориман. Унинг катта маош олишини хоҳлардим. Аммо у ҳақиқий олим ёки мутахассис бўлса! Кўп кузатишлар, суҳбатлардан сўнг шунга иқроор бўлдимки, бизнинг фанимиз баъзи соҳаларнинг савияси, ривожланиш даражаси бўйича бошқа мамлакатларникидан қолишмайди. Улар жаҳон андозалари, хусусан, АҚШ, Англия, Франция, Олмониядаги фан тараққиёти даражасида. Шунинг учун ҳам у юртлардаги мутахассислар мамлакатимизга ва аксинча, бизнинг олимларимиз у юртларга бориб ўзаро алоқадорликда ишлаб турибди. Аммо биздаги техникавий асос сусайиб қолган. Улардаги ноёб асбоб-ускуна бизда йўқ. Уларда пул катта. Маош ҳам катта. Бизда эса кам. Лекин биз улардек ишлай оламизми? Америкалик илмий ходимнинг кундалик ўртача иш вақти 14 соатга тенг. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман. У ердаги илмий ходим муассасада 7—8 соат ишлаб кетиш билан чекланмайди, балки идорадан ташқарида тадқиқотни давом эттириб, иш кунини 14 соатга етказди. Биз 14 соат ишламаймиз-да. Шунинг учун бўлса керак, маошимиз анча кам. Буюртма билан ишлайдиган ташкилотларда эса бошқачароқ манзара кўзга ташланади. У ерда буюртма, иш ва маош бир-бирига узвий боғланиб кетади. Уларнинг маоши чет эллардагига анча яқинлашиб қолди. Ҳозир бизнинг дорилфунундаги айрим профессорлар тўрт-

беш минг сўмдан маош олмоқда. Албатта, бундай маош буюртмачининг розилиги билан тўланади.

**О.Ш.** — Масаланинг яна бир томони бор. Ким бўлишидан қатъи назар — олимми, меҳнаткашми — меҳнатга яраша ҳақ олиши керак. 14 соат бўлмаса ҳам, озгина тадқиқот юритса, олим оғир заҳмат чекади ва ўша меҳнатнинг самараси минглаб одамларнинг ҳожатини чиқаради, уларни қаноатлантиради. Шунга кўра, тадқиқотчининг маоши бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бизнинг кўз ўнгимизда — бу ҳол совет давридан бошланган — олимларнинг мавқеи анча туша бошлади. Бир замонлар, аниқроғи, 30-йилларда ўқиган одамнинг, олимнинг обрўси, ҳурмати жуда баланд эди. Одамлар уларга сажда қилмаган тақдирда ҳам гапига қулоқ соларди, фикри билан ҳисоблашарди. Секин-секин, олимлик фаолияти кам самара бергани учунми, унинг қадри ҳам, фикрининг қиммати ҳам сусая борди. Чет элларда олимнинг қадри ғоятда баланд. Бунга эришиш йўллари қандай бўлар экан?

**Т.Д.** — Ҳақиқий олимнинг обрўси, жамиятда тутган ўрни ҳар доим юқори бўлиб келган. Чунки обрў фақат пул билан белгиланмайди. Озод ака, бу — масалага қандай ёндашишга боғлиқ. Агар биз ҳамма олий маълумотли, унвонли мутахассисларни олим деб ҳисобласак, сизнинг мулоҳазаларингизга кўшилса бўлади. Аммо ҳамма олим бўлавермайди-ку! Биз буни яхши биламиз... Шундай экан, ҳақиқий олимнинг обрўси баландлигича қолаверади.

Менинг фикримча, аввал бир нарсани аниқлаб олишга тўғри келади. Биз бир вақтлар «олим» деб аталувчиларни кўпайтириб юбормадикми экан? Чўнтагида номзодлик қоғози бўлган ҳар одам «олим» ҳисобланаверар эди. Шу билан бирга, ундай қоғози бўлмаган, лекин катта тадқиқотлар қилган баъзи мутахассислар эса олим саналиши қийин эди. Бу ўринда сиз билан бизга жуда яқин бўлган бир сиймони эслагим келади. Субутой Долимовдек йирик тадқиқотчи Муҳаммадризо Огаҳийнинг олти жилдлик асарлар тўпламини нашрга тайёрлаганидан кейингина, мажбур бўлиб номзодлик ишини ёқлади. Ахир, у шундан олдин олим эмасмиди? Биз совет даврида дипломга, унвонга сажда қиладиган бўлиб қолдик. Мана шу ҳол олимликнинг қадри тушишига сабаб бўлди. Менинг фикримча, ҳеч

бир мамлакатда ҳақиқий олим, улар яратган илмий мактаб кўп бўлмайди. Бизда эса тўрт-бешта номзод тайёрлаган олимни ҳам илмий мактаб яратди деб ҳисоблаш расм бўлиб қолган. Бундай ҳайбаракаллачилик натижасида «илмий мактаб» деган нарсанинг ҳам обрўси пасайиб кетди. Менимча, энди бозор иқтисодиёти даврида илм аҳлининг ҳам сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Ҳақиқий илм соҳибига кун сайин эҳтиёж ортиб бораверади. Бу жараёнда обрў, маош деган нарсалар ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади, ҳал бўлганда ҳам оқилона ҳал бўлади. Чунки уларни ҳақиқий рақобат белгилайди.

**О.Ш.** — Чиндан ҳам, бу — жуда муҳим масала. Олимнинг қадрини кўтариш, унинг ҳақиқий ўрнини белгилаш ишнинг самараси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу масаланинг ҳал қилинишига халақит берадиган жиҳатлар ҳам борми дейман-да. Масалан, илмий ишни юзага чиқаришда кўнгилсиз ҳоллар кўпдек кўрилади. Назаримда, бугунги кунда илмимизнинг жуда ҳам гуркираб ривожланиб кетишига халақит бераётган нарсалардан бири ўтмишдан қолган хунук мерос ҳисобланади. У шундан иборатки, совет даврида бизда олимлар, илмий ходимлар жуда кўпайиб кетган эди. Раҳбарлар, назорат қиладиган идоралар, режалаштирадиган, текширадиган, буйруқ берадиган ташкилотлар ундан ҳам ортиқ эди. Бошқача айтганда, совет бюрократиясининг илмдаги сояси ривожланишга жуда халақит бериб қолган эди. Ҳозир шу иллатдан бутунлай қутулдик, дея оламизми? Агар қутулмаган бўлсак, ундан халос бўлиш учун қандай йўлдан кетиш лозим бўлади?

**Т.Д.** — Умуман, бюрократия, хусусан, илмий бюрократия жуда кенг тарқалган нарса. Бу ҳол фақат бизнинг мамлакатимиз учун хос эмас. Мен 60–80-йилларни яхши биламан. Ўша вақтларда туман, шаҳар, республика партия кўмиталарида фан бўлими бўларди. Уларнинг ҳаммаси билан ҳисоблашиш зарур эди. Бундан ташқари, фан бўлими Министрлар Совети қошида ҳам фаолият юритарди. Ҳозир кўп нарсалар ўзгарган бўлса ҳам, бюрократия бор. Биргина дорилфунун мисолида кўрадиган бўлсак, айтиш мумкинки, ҳозир ҳам уни, айниқса, фанни текширадиган, ҳисоб талаб қиладиган одамлар, ташкилотлар йўқ эмас.

Илмий бюрократиядан ҳеч ким юз фоиз қутулган эмас. Уни камайтириш мумкин, вақти-соати билан чегаралаб турилса, зиён қилмайди.

Қолаверса, бозор иқтисодиёти тамойилларини илмга, ҳаётга татбиқ этиш воситасида уни камайтириш мумкин бўлар. Фақат бу ерда бюрократ билан фан ташкилотчисини фарқлаш керак.

Ташкилотчилар эса ноёб, кам учрайдиган одамлар. Бизда ҳозир шу ташкилотчилар қандай йўл билан танланади? Кўпинча обрўли, ишини биладиган, фанда ўзини кўрсатган, докторлик илмий даражасини олган мутахассислар, айниқса, шундай ёшлар раҳбарлик лавозимларига қўйилади. Фақат, улар иш юрита оладими, одамлар билан мулоқот қилишни биладими, муайян фаннинг истиқболини кўриш иқтидори борми каби саволларга жавоб топиш учун ҳали бизда имтиҳонлар ва тестлар яхши ўйланган эмас. Бундай одамлар раҳбарликка маълум даражада тасодифий равишда қўйилади. Албатта, уни тайинлашда ҳар томонлама ўрганадилар — келиб чиқиши, инсоний хусусиятлари, бошқа фазилатлари аниқланади. Лекин айрим ҳолларда ташкилотчилик қобилияти камроқ ҳисобга олинади. Мен республикамизда янги ташкил этилган Давлат ва жамият қурилиши академиясидан кўп нарса умидворман. Бу академия раҳбар тайёрлаш борасидаги илк олий ўқув юрти ҳисобланди.

Фарбда ташкилотчиларни, хусусан, фан ташкилотчиларини аниқлаш катта бир йўналишни ташкил этади. Бу ерда ташкилотчиларни танлаш учун бирталай тестлар, тестга тайёргарлик босқичлари ва ёзма ишлар мавжуд. У ерда илмий лавозимга мутахассис тайёрланар экан, унинг ташкилотчилик қобилиятига, айниқса, катта аҳамият берилади. Ўйлайманки, бу тамойил беш-ўн йил мобайнида бизда ҳам қарор топади. Ўшанда ҳозирги айрим бюрократлар ўз-ўзидан четга сурилиб қолади.

Иккинчидан, бюрократиянинг кенг ёйилиши бизнинг илгариги онгимиз билан боғлиқ. Советлар даврида ходимнинг ташаббусига йўл берилмас, у бирор ишга қўл ургудек бўлса, аввало, юқоридагиларга ёқиш-ёқмаслигини ўйлаб кўрар эди. Шунинг учун ҳам кўп яхши ташаббуслар ёруғ дунёни кўрмай юраклар тубида қолиб кетар эди. Раҳ-

бар илмий ходимларни ана шундай заифликдан қутқариши керак.

**О.Ш.** – Тўрабек Нўмонович, суҳбатимиз асосан фундаментал фанлар ҳақида кетяпти. Лекин мен адабиётшунос сифатида гуманитар соҳа тўғрисида ҳам жиндак гаплашсак, деган эдим. Ўша, кечаги ўтмишда фанларни сунъий равишда соҳаларга, йўналишларга, табақаларга бўлиш юзага келган эди. Кўпинча аниқ фанлар анча бообрў, юксак самарадор сифатида тасаввур қилинган. Гуманитар соҳа дейилганда эса, иккинчи даражали, унча зарур бўлмаган фанлар тушунилган. Бундан ҳам даҳшатлиси шундаки, бизнинг ўзимиз, яъни гуманитар соҳа вакиллари бунга кўпроқ айбдормиз, чунки бизнинг ўзимиз бу илмларнинг ривожланишини анча сусайтириб келдик. Агар ўзбек адабиётшунослиги ёки тарихчилигини оладиган бўлсак, жуда бақувват олимлар бор. Улар исталган масалада жаҳон олимлари билан баҳслаша олади. Лекин, буни қарангки, ўзбек адабиётшунослиги ёки тарихшунослиги дунёда тан олинган эмас. Бу соҳадаги илмий гуруҳларни дунё билмайди, билган чоғда ҳам эътироф этмайди. Бунинг сабаби нимада экан? Бош сабаб, яъни илми фожиага етаклаб келган асосий омил шундаки, илмимиз бошдан-охиригача бир мафкурага бўйсундирилган эди. Биз бу мафкуранинг номақбул жиҳатларини билардик, албатта, аммо хизматини бажармоққа мажбур эдик. Ҳар қандай тадқиқотимиз ҳам оқибатда ўша мафкуравий қарашларни тасдиқлашга хизмат қилар эди. Шу тариқа натижанинг олдиндан маълумлиги илмнинг қадр-қимматини йўққа чиқариб қўйди. Биз қайси ёзувчи ҳақда гапирмайлик, ижодининг мазкур мафкурага хизмат қиладиган жиҳатини мақтардик-да, бошқа хусусияти — ҳақиқий санъати, бадиияти билан ишимиз бўлмас эди. Энди вазият ўзгарди. Бугун 70 йилдан зиёд вақт мобайнида шаклланган қарашларни янгилашимиз зарур. Энди ҳақиқий санъатнинг моҳиятини ўзлаштириб, шу асосда янги тадқиқотлар яратишимиз керак. Бу — биринчидан. Иккинчидан, энди, Президентимиз айтганидек, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат деган гоёни амалга ошириш керак. Бу — фақат шиор эмас, балки фаолият бўлиши лозим. Бу борада илмий ходимлар, айниқса, гуманитар соҳа вакиллари фаол бўлмоғи керак. Энди биз



санъатимиз ва адабиётимиз ўтмишда ҳам буюк бўлганини, ҳозир ҳам буюк намояндалари борлигини дунёга намойиш қила билишимиз лозим. Бунинг учун аксарият илмий асарларимизни қайтадан ёзиб чиқишимиз керак бўлади. Табиийки, бу иш жуда мураккаб, охир-пировардда янги кадрлар билан боғлиқ бўлган муаммо...

**Т.Д.** — Тўғри, гуманитар фанларни иккинчи даражалироқ, нозарурроқ қилиб кўрсатиш ўтмишдан қолган иллатлардан биридир. Илгари биз социалистик реализм таълимоти, коммунистик мафкура тамойилларига мослашган эдик. Лекин ўша вақтларда ҳам қадимшунослик, матншунослик яхши ривожланган. Билишимча, гуманитар фанларни камситган одамларнинг қарашлари, фикр доираси ўта тор, биқиқ бўлган.

**О.Ш.** — Фанни мафкура тизгинига солиш билан боғлиқ гап матншуносликка ҳам тегишлидир, чунки ўтмишда бадиий матнни нашрга тайёрлаш жараёнида «худо», «оллоҳ» сингари сўзлар ҳеч ўйлаб ўтирилмасдан ўчириб кетилаверган.

**Т.Д.** — Ҳа, шундай бўлган ва бу жуда катта фожиа эди. Шукрки, энди бундай нохуш ҳоллардан қутулдик. Боя тўғри айтдингиз, бугун илмни қадрлайдиган янги авлодни вояга етказиш зарур. Бу ўринда тадқиқотчилар тайёрлаш масаласини эслаш жоиз бўлади. Ҳозир оз бўлса-да, тадқиқотчиларимиз бор. Фақат, уларнинг илмий ишларини чоп этишда сусткашлик сезилмоқда. Биз тадқиқотларимизни дорилфунун босмаҳонасида нашр этамиз. Лекин илмий тадқиқотни хорижда чоп эттиришнинг машаққати кўп. Биласиз, у ерда журналлар ҳар қандай мақолани ҳам нашр этавермайди. Агар биз теран тадқиқотлар яратсак, худди физиклар ва химиклар каби, асарларимизни четда ҳам бемалол чоп қилдираверар эдик. Фақат, гуманитар соҳа вакилларининг хориж билан алоқаси заифлашиб кетгани бир оз халақит бермоқда. Энди алоқалар ҳам секин-секин изга тушмоқда. Бир мисол: АҚШдан Ричард Хокинс деган тадқиқотчи келиб бугун университетимизда дарс берапти. Мана шундай тажрибани кучайтириш керак. Ҳозир Туркиядаги дорилфунунлар билан, АҚШдаги Вашингтон университети билан алоқаларимиз тузук. Аммо бошқа хориж университетлари билан мулоқотимиз кўнгилдагидек эмас.

Аслида, бундай алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар жуда катта, чунки чет эллардаги аксарият университетларда шарқшунослик факультетлари бор, уларнинг барчаси Ўрта Осиёга иштиёқманд. Алоқалар заифлигининг сабаби эса чет тилларни билишга боғлиқ. Бу ҳолдан қутулиш йўли, менимча, илмий тадқиқотчилар тайёрлашни ривожлантиришга бориб тақалади. Бултур биз Тошкент Давлат университетининг гуманитар факультетларига элликка яқин аспирант қабул қилдик. Бир ўринга уч-тўрттадан даъвогар тўғри келди. Албатта, аспирантуранинг ҳам ўзига яраша муаммоси бор. Биринчидан, аспирантларга бериладиган маош жуда кам. Агар олий ўқув юртини битиргандан кейин илм толиби бу пулга яшайман деса, табиийки, қобилияти ва ақл жавҳарининг 60 фоизини тирикчиликни йўлга қўйишга сарф этади. У самарали тадқиқот юритиши учун эса жону танини илмга фидо этиши талаб қилинади.

Иккинчидан, илм-фанни равнақ топтириш учун биз бирталай янги журналлар таъсис этишимиз зарур кўринади. Албатта, Ўзбекистонда адабиётшуносликка оид катта-катта нашрлар мавжуд. Аммо Фарбдаги журналлар даража-сидаги нашрларимиз йўқ.

Учинчидан, гуманитар фанларсиз жамият ҳаётида силжиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам, эсингизда бўлса, 80-йиллар охирига келиб гуманитарлаштириш деган масала кун тартибига қўйилган. Аммо у гуманитарлаштириш ҳам коммунистик мафкура тақозо этган даражада амалга оширила бошланди ва ижобий самара бермади.

Биз ўқув режаларимизга жуда кўп сунъий фанларни киритганмиз. Масалан, фалсафа ўқитилгани ҳолда этика, эстетикадан ҳам дарс берилади. Табиий факультетларда ҳам адабиёт, шеърият, мусиқа билан боғлиқ фанлар ўқитилса бўлмайдими? Талабаларда гўзаллик сезгиси, камолот туйғуси уйғотилар, яъни чинакам гуманитарлаштириш юз берар эди. Мана, биз театршуносликдан деярли беҳабармиз. Талабаларимиз ҳам шундай. Тошкентдаги Ҳамза номидаги, Аббор Ҳидоятлов номидаги театрлар билан дорилфунун шартнома тузган. Шартномага кўра, мазкур театрларга пул ўтказилган, улар бизга ҳар ойда тўртта спектакль қўйиб бериши керак. Лекин кўп талабалар у спектаклларга бор-

майди. Қулоғидан тортиб олиб бориш ноқулай — зиёли одамга ярашмайди. Уларнинг ўзида театрға эҳтиёж, гўзаллик туйғуси бўлмагач... Бундай туйғуни ҳали уйғота олганимиз йўқ. Ахир, фан гўзаллик ҳисси билан тирик. Фан — гўзалликдир. Бунинг учун эса боягидек дарслар ғоят зарур.

Мен ўзим ва яқин ҳамкасабаларим гуманитар фанларга ҳеч қачон иккинчи даражали деб қараган эмасмиз. Аксари йирик олимлар ўз соҳасидан ташқари адабиёт ва санъатга ёки улар ҳақидаги фанларга бениҳоя қизиққан. Чунончи, менинг устозим Иброҳим Ҳамробоев ниҳоятда яхши расм соладилар. Яна кўп олимлар китоб йиғади. Университетимизнинг аввалги ректори Шавкат Алимов қадимги қўлёзмаларни ғоят севади, уларни ўқишни ҳам билади, катта нодир кутубхонаси бор. Бу — олим одамга хос фазилат, чунки шундай кўшимча машғулоти бўлмаса, у ўзини маънавий жиҳатдан қашшоқлашгандек, савияси пасайиб қолгандек ҳис қлади.

**О.Ш.** — Бизга савияси юксак илмий тадқиқотчилар даркор. Демак, аспирантурани ва тадқиқотчиликни ривожлантириш зарур. Фақат улардан аввалги босқич — олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу борада Тошкент Давлат дорилфунуни катта тарихга, бой тажрибага эга. Бу ерда шундай мутахассислар йиғилганки, уларни бемалол илмий зиёлиларимизнинг пешқадами деса бўлади. Бинобарин, бу илмий даргоҳга ўқув ишларини киритишда қандайдир даражада мустақиллик берилсамикан? Университет жамоаси шундай мавқега кўра нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш масаласини ўзи ҳал этса. Ўшанда боя сиз айтган ортиқча, вақтни ўғирлайдиган фанларга ўрин қолмаган бўларди. Масалан, биз филология факультетида жуда кўп нарсани ўқитамиз, лекин тилларни мукамал ўргатишнинг иложини тополмаймиз. Талаба бу факультетда беш йил ўқиб, филологиянинг асоси бўлган биронта тилни мукамал билиб олмайди. Ҳолбуки, у форсийдан, арабийдан, инглизча ва тилшуносликнинг асоси бўлган лотинчадан тўлиқ хабардор бўлиши зарур. Ҳозирги мутахассисларимиз эса буларнинг ҳеч қайсисини тўқис билмайди. Ортиқча фанлар кўпайиб кетгани сабабли уларни ўқитиш ва ўрганиш учун вақт етмайди.

Ёки яна бир масала — адабиётшунос бўламан деган одам, шубҳасиз, бадий асарни синчиклаб ўқиши керак. Бир вақтлар ўқув режасида ўқилиши кўзда тутилган асарлар камроқ эди. Хусусан, биз ўқиган замонда XX аср ўзбек адабиётига оид асарлар 20—30 китобни ташкил этар эди. Уларни талаба зарур муддатда бемалол ўқиб чиқа оларди. Ўшандан буён ярим аср ўтди. Эллик йил мобайнида минглаб китоблар пайдо бўлди, жуда кўп бадий асарлар ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар майдонга келди. Энди уларнинг барчасини ўқиб чиқиш учун кўп вақт керак. Талаба эса ортиқча фанлар босими остида қолгани сабабли ҳамма асарни ҳам ўқиб чиқолмайди. Хатто энг зарурларини мутолаа қилишга ҳам вақт топа олмайди. Энди, менимча, унча зарур бўлмаган фанлардан воз кечишга тўғри келади. Негаки, бояги асарларни ўқимасдан туриб яхши адабиётшунос бўлиш мумкин эмас. Бунга эришмоқнинг бир йўли сифатида мен Тошкент Давлат дорилфунунига, боя айтганимдек, қандайдир даражада мустақиллик берилишини орзу қилар эдим. Майли, у «Миллий университет» дейиладими ёки бошқа ном билан аталадими, ҳарқалай, озгина бўлса-да, мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлса. Кейин шунга яраша тайёрланадиган мутахассислар малакасини, савиясини, дипломнинг қадр-қимматини оширишни талаб қилиш зарур бўлади. Ўшанда яна кўплаб муаммолар ҳам ҳал бўлиб кетадигандек кўринади.

Т.Д. — Университетимизда муаммолар чиндан ҳам кўп. Университет ўз номи билан «Давлат университети» деб аталади. У бир йилда давлатдан 140 миллион сўм маблағ олади. Ўқув режаларини, дастурларини белгилаш ишига ҳеч ким аралашмайди. Демак, сиз айтаётган тадбирларни амалга ошириш ўз қўлимизда. Вазирлик ёки Вазирлар Маҳкамаси режалар тузишга, қандай машғулотлар ўтилишига, соатлар тақсмотига умуман аралашмайди. Вақтни белгилашдаги нуқсонлар эса, 80-йилларнинг мероси, 36 соатлик ҳафта жорий этишдек нохуш тадбирнинг қолдиғи, холос. Биз бундан сира қутула олмаяпмиз. Ҳозир ўқув режаларининг барчаси қайтадан кўриб чиқиляпти. Албатта, шу қайта қуриш жараёнида тилларни ўқитишни мукамаллаштириш масаласи кўпроқ ҳисобга олинса яхши бўларди. Чиндан ҳам, мактабда ва олий ўқув юртида 15

йил тил ўқитилганига қарамай, талабаларимиз чет тилида гапиролмайди. Бизда асли чет тилини ўқитиш услуги ниҳоятда яроқсиз. Ҳанузгача магнитофон, лингофон, аудио-визуал хоналардан фойдаланиш ўрнига, тилларни маъруза йўли билан ўргатишга ҳаракат қиламиз. Муайян тилда эркин гаплашишга эмас, балки унинг грамматикасини яхшироқ ўзлаштиришга кўпроқ урғу берилади. Айрим факультетларда бу борада сал силжиш ҳам юз бермоқда.

Энди филология факультети хусусида гапирадиган бўлсак, мавжуд андозадан тўғри фойдалана билиш зарурдек туюлади. Унга кўра, талаба ўқиш давомида муайян тилларни, шу билан бирга, бошқа фанларни ҳам ўқиши зарур. Лекин бу андоза 36 соатлик ўқув ҳафтасига асосланади. Чет элларда эса талаба кунига 6 соат эмас, 12 соат илм билан машғул бўлади. Улар асосий вақтини мудом кутубхонада ўтказади. Вақтнинг бир қисми ўқитувчи билан мулоқотга сарфланади, аудиториядаги дарсларга эса бор-йўғи 4 соат ажратилади. Бизда бўлса, асосий машғулотлар аудиторияда кечади. Талаба кутубхонада жуда кам бўлади. Дарсхонада ҳам, асосан, ўқитувчи маъруза қилади, талаба ёзади. Бу жуда катта камчилик бўлиб, уни бартараф қилиш учун мухторият ҳам, автономия ҳам шарт эмас. Фақат ўқув режалари ва дастурлари тузсак, вақтни тақсимлашдаги йўриқни ўзгартирсак, бас. Лекин бугунги кунда бундан ҳам жиддий муаммо бор: кўп фанлар бўйича янги, мукамал дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, китоблар етишмай қолди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига беш йил тўлаётган бўлса-да, аксари дастур ва дарсликлар эскилигича турибди. Бу нуқсон, айниқса, гуманитар фанлар борасида аниқ кўзга ташланмоқда. Масалан, ҳанузгача сиёсий иқтисод фанидан янги дарслик яратилмаган. Эски китоблардаги айрим сўзлар ўзгартирилиб, ўрнига «бозор иқтисодиёти», «маркетинг», «менежмент» сингари атамалар қўшилиб, яъни номига янгилангандек қилиб ўқитилмоқда. Шу боис, Олий таълим вазирлиги университет зиммасига бир йилда 87 дона дастур ва дарслик чоп этиш мажбуриятини юклади. Қисқа муддатда шунча қўлланма яратиш ҳали кўрилган ҳодиса эмас. Фақат, бу мажбурият ижобий ва самарали натижа бериши учун дарслик бўйича ишловчилар меҳнати яхши рағбатлантирилиши лозим. Чунки дарслик ёзишдек қийин

иш бўлмаса керак, у муайян дастур асосида яратиладиган салмоқдор илмий асар ҳисобланади. Муаллифдан катта билим, меҳнат, матонат ва тажриба талаб этади. Унда илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари ўз ифодасини топган бўлиши зарур. Табиий фанларда бу иш бирмунча осон кўчади, чунки уларда муайян собит анъана ва тажрибалар, муштаракликлар ҳамда ўзгармас асослар мавжуд. Гуманитар фанларда эса янги дарслик ва дастурлар яратиш жараёни анча қийин кечади.

Менимча, ўқув юртимиз ҳақиқий миллий дорилфунунга айланиши учун яна бир-икки муаммони ҳал этиш лозим бўлади. ТошДУнинг бошқа университетлардан фарқи бўлса-да, ҳали у чинакам миллий дорилфунун мақомига ета олгани йўқ. Дарсларимизнинг савияси, илмнинг аҳволи, аудиторияларимиз, жиҳозларимиз, биноларимизнинг бугунги ҳолати ҳозирча у даражага етишга имкон бермайди.

**О.Ш.** — Сиз Миллий дорилфунун худди Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси даражасида бўлишини орзу қиласиз-да?

**Т.Д.** — Ҳа, мен худди ўшандай бўлишини истаيمان. Фақат ТошДУнинг ўрни ҳам, салоҳияти ҳам бошқа. Бунинг учун ҳозир қилинаётган ишлар бир оз олға силжиши керак. Бунинг учун салоҳият ва имкониятларимиз бениҳоя кўп. Бу йил ўқитувчиларимизни рағбатлантириш учун махсус жамғарма ташкил қилингани бунинг исботидир. Бу жамғармадан ҳозирча илк бошланмасига 40 ўқитувчига ёрдам кўрсатилди. Жамғармани ташкил этишда Президент девони, Молия вазирлиги муайян ташаббус кўрсатди. Биз фақат шунинг ўзи билан чекланиб қолмай, маблағ топишнинг бошқа йўллари ҳам излашимиз керак.

Чет тилларни ўқитишда чиндан ҳам муаммолар мавжуд. Қишлоқдан келган бола хорижий тилни деярли билмайди. Шаҳарлик ўқувчи эса, бир оз бўлса-да, билади. Шунга кўра, уларга бир хилда дарс ўтиш тўғримикиан?..

Хуллас, юқоридаги каби муаммолар кўп. Аммо биз уларни ҳал қила бориб, илм-фанда ҳам олға силжиймиз. Шу боис, муаммодан чўчимаслик керак, балки уни бар-тараф этиш пайида бўлиш лозим.

1996.

*Сўхбатни Санжар Содиқ ёзиб олди*

## МАНГУЛИК ШУЪЛАСИ

*(Шаҳидлар майдонидаги ўйлар)*

Бу жойнинг тонглари сокин ва беғубор. Ётоғидан бош кўтариб келаётган қуёшнинг илк нурлари баланд дарахтларнинг учларини зарҳал ранга бўяйди. Турфа хил гуллар майдон ҳавосини муаттар ҳидларга тўлдиради. Тоғ томондан эсаётган шабада хаёлингизни тўзғитиб юборишдан чўчигандек юзингизни майин силаб ўтади. Қайдадир мунгли овоз билан тиловат қилинаётган оятлар дилингизга нурли маъюслик бағишлайди. Майдоннинг бир четида бурилиб оқаётган анҳор дардларини айтишга тили йўқлигидан озор чекаётгандек пишқириб, айқириб, яна ўз йўлида югуришда давом этади.

Яқин-яқинларда бу жойлар ҳатто кундузлари одамлар кўрқадиган жойлар эди. Бир-бирининг пинжига суқилган ўйдим-чуқур тепалар, туби кўринмайдиган илон изи хандақлар, чағир тиканаклар, янтоқлар бу жойларга янада ваҳшийроқ тус берарди. Бу жойларда ҳатто болалар ҳам ўйнолмасди — ҳар қадамда тупроқ остидан чиқиб турадиган оппоқ суяклар, бош чаноқлари уларни ваҳимага соларди. Баъзан-баъзан ер қаъридан одамларнинг аламли фарёдлари, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган даражада ғуссали нидолари келаётгандек бўларди. Дарҳақиқат, Сталиннинг шоввоз жаллодларига бир вақтлар бу жойлар маъқул тушиб қолган экан — шаҳардан ташқарида бўлса ҳам турмага яқин, овлоқ, кўздан нари. Тайёр хандақлари бор — ҳар қанча қора ниятли ишлар бўлса, бемалол қилавериш мумкин. Шундай қилиб, бу ерларда ярим тунлари тез-тез ўқ овозлари янграйдиган бўлиб қолди, уларни ким санабди дейсиз — эҳтимол, юз марта янграгандир, балки минг мартадир...

Бу мудҳиш фожиалар содир бўлганда биз ҳали сўтак ўсмирлар эдик — бу жойда «буюк доҳий» Сталин муаллифлик қилган «Катта қирғинбарот» деб аталган биродарқушлик драмасининг энг даҳшатли, энг маҳсус саҳналаридан бири ўйналганини кейин билдик. Шўролар тузуми қулаб, ҳар хил яширин архивлар очилгандан кейингина бу жойда юртимизнинг мустақиллиги ва озодлиги учун курашган асл фарзандлари қатл қилинганидан хабар топдик.

Оллоҳга минг қатла шукурлар бўлғайким, юртимиз осмонида мустақиллик офтоби барқ уриб чақнади. Халқимиз қаддини ростлаб, эркин нафас оладиган бўлди. Бошқа кўпгина ишлар каби халқ ўз қаҳрамонлари хотирасини эъзозлаш имконига, қадимий мусулмон одатига кўра уларнинг руҳларини шод этгани Қуръон тиловат қилиш имконига эга бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бу жой шинам зиёратгоҳга айланди. Бутун республикамизнинг ҳамма вилоятларидан, ҳатто энг олис туманларидан келиб турган зиёратчилар бу ерда мангу уйқуга кетган шаҳидлар хотирасини эъзозлайдилар, уларнинг руҳи покларига дуои фотиҳалар ўқишади.

Мен ҳам эл қатори бот-бот бу зиёратгоҳга келиб турман, муаззам майдоннинг маъюс сукунати оғушида хаёлларга ғарқ бўлиб анча ўтираман. Назаримда, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби менга таниш бўлган буюкларнинг ва яна аллақанча менга нотаниш шаҳидларнинг руҳлари мен билан унсиз суҳбатлашаётгандек, мендан саволлар сўраётгандек ёхуд кўнгилларидаги энг ардоқли орзуистакларини менга изҳор қилаётгандек туюлади. Бу орзулар баъзан уларнинг васиятларидек жаранглайди:

— Биз шу юртни деб, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида шаҳид бўлдик. Истиқлолни кўриш бизга насиб этмаган экан. Лекин бизнинг курашларимиз бекор кетмади. Бугун Ўзбекистон бўйлаб Истиқлол нурлари кенг таралмоқда. Бу истиқлолни кўз қорачиғидек асранг. Уни ёмон кўзлардан, қора ниятлардан эҳтиёт қилинг. Бизнинг бошимизга тушган қонли фожиалар, аламли қисматлар ҳеч қачон Сизнинг бошингизга тушмасин. Сиз янги жамият кураётган экансиз, ҳеч қачон бизнинг аччиқ тажрибамизни эсингиздан чиқарманг.

Мен муаззам майдонда салқин тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар эканман, руҳлар нидоларини давом эттиргандай бўлади:

— Биламиз, Сизлар Истиқлол йўлидан бориб, ўн бир йил ичида ҳар соҳада катта ютуқларга эришдинглар. Сизлар бу ютуқлар билан ҳар қанча мағрурлансанглар арзийди. Лекин бир нарсани унутманг — ютуқлар шунақа нарсаки, уларга маҳлиё бўлиб, фақат мақтаниш билан яша-



сангиз, эсанкираб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Яна ва яна такрорлаймиз — бизнинг бошимизга келган бало-қазолардан сизни Оллоҳнинг ўзи асрасин.

«Иншоолло!» деб жавоб бераман уларга хаёлан. Ҳақиқатан ҳам уларнинг қисмати шу қадар беқиёс даражада фожиалики, соғлом фикрлайдиган одам уни бир лаҳза ҳам унутмоғи мумкин эмас, балки бундай қисматни туғдирган мудҳиш тарихни, унинг сабоқларини ўрганиб, ўз фаолиятида уни такрорламаслик йўлларини қилмоғи керак.

Мен кечагина босиб ўтилган йўллар ҳақида ўйлар эканман, турфа хил саволлар миямда чарх уради. Уларнинг айримларига баъзан ақлим етганича жавоб топгандай бўлман, баъзан эса улар кўринишидан жуда оддийдай туюлса-да, кишини қаноатлантирадиган бирон-бир жўяли жавоб тополмай қийналаман.

Мана, шундай саволлардан бири:

Абдулла Қодирий ҳам, Фитрат ҳам, Чўлпон ҳам бир кунда — 1938 йилнинг 4 октябрида отилган. Ўша куни отилган шаҳидлар кўп бўлса керак — мен уларнинг ҳаммасини билмайман. Мен номма-ном билган мақтуллар камида йигирма киши. Демак, уларнинг ҳаммаси бир тунда отилган бўлса, ҳар ярим соатда камида учтадан одам қатл қилинган. Хўш бу қадар шошилишнинг боиси нимада? Ахир, бу шаҳидлар қамоққа олингандан кейин тузукроқ тергов ҳам қилинмаган. Уларнинг кўпчилиги жуда нари борса уч марта, бўлмаса бор-йўғи икки мартагина сўроқ қилинган. Наҳотки, Ўзбекистонни инглиз империалистларига сотиб емоқчи бўлган халқ душманининг ҳамма жиноятини бор-йўғи икки марта шоша-пиша ўтказилган сўроқда батафсил аниқлаб чиқиш мумкин бўлса? Ҳолбуки, тергов уни аниқлашгина эмас, исботлаб бериши ҳам керак эди. Мана, яна бир ғаройиб факт: қатл арафасида терговчи Фитрат билан Чўлпонни юзлаштирган. Бу тергов жараёнида амалга ошириладиган оддий бир ҳаракат. Фақат бунинг ғаройиблиги шундаки, қатл 4 октябрь куни содир бўлган, юзлаштириш эса... 2 октябрда ўтказилган. Икки кундан кейин ҳар иккала маҳбус ҳам отиладиган бўлса, уларни юзлаштиришнинг нима ҳожати бор эди? Ёки икки кундан сўнг уларнинг отилиши

маълум эмасмиди? Яна бир — тергов тарихида сира учрамаган, беъмаънилиги жиҳатидан Гиннес китобига киришга арзигулик факт бор: мақтуллар 4 октябрда отиб ташлангандан кейин 5 октябрда уларнинг устидан суд ўтказилган. Суд қайдномасида суд мажлислари 15 минутдан давом этгани айтилган. Қайдномалар бутун қоидалар асосида ёзилган — фақат нима учун аллақачон отиб ташланган одам яна отувга ҳукм қилингани айтилган эмас. Бу фактлар шундан далолат берадики, 2 октябрь билан 4 октябрь ўртасида НКВД идораларида қандайдир фавкуллодда ҳодиса рўй берган. Эҳтимол, Москвадан «зудлик билан қамоқхоналарни бўшат» деган буйруқ келгандир. Эҳтимол, янги тайинланган нарком Берия аввалги нарком Ежовнинг шалтоғига шерик бўлишни истамагандир. Эҳтимол, Ежовнинг ўзи шу йўл билан гайриқонуний ҳаракатларини бир оз бўлса-да хаспўшламоқчи бўлгандир. Булар тўғрисида тарих ҳеч нарса демайди. Лекин нима бўлганида ҳам, 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкентдаги Алвасти кўприк ёнида инсоният тарихидаги энг мудҳиш жиноятлардан бири содир бўлган эди.

Ўйлайман, ўйлайман, аммо ўйларимнинг тагига етолмайман. Бу оддий саволнинг жавоби йўқдай туюлади. Янги-янги саволлар хаёлимга ёпирилиб келаверади. Албатта, Тошкентда қатл қилинган одамлар мингтаи ёки ундан кўпроқми, барибир Сталин қатағонида қурбон бўлган одамларнинг бир қисми, холос. Хўш, бундай қурбонлар мамлакат бўйича қанча одамни ташкил қиларкин? Хужжатларда, китобларда, конференцияларда 20 миллион деган рақам тилга олинади. Бу фақат 30-йиллардаги қатлиом қурбонлари. Баъзилар фуқаролар урушидаги қурбонларни, қулоқларни синф сифатида тутатиш оқибатида, ундан кейин юз берган очарчилик йилларида, уруш даври ва ундан кейинги йиллардаги нобуд бўлганларни ҳам назарда тутиб, бу қурбонлар сонини 60 миллион деб ҳам белгилашган. Хуллас, бу рақам ҳозирга қадар узил-кесил аниқлангани йўқ, биз, майли, 60 ёки 40 миллион деган рақамларни қўйиб турайлигу, «20 миллион одам беғуноҳ қатлиом қилинган» деган фикрга таяна қолайлик. Шунда ҳам бу рақам ҳар қандай одамни даҳшатга солиши муқаррар. 20 миллион-а! Айтмоққа осон, лекин уни тасаввур

қилиш жуда қийин. Ўша пайтдаги мамлакат аҳолисининг саккиздан бири! Ҳатто тўрт йиллик қиронли уруш даврида ҳам, тинимсиз ёғилиб турган бомбалар, портлаб турган снарядлар, ёмғирдай ёғилиб турган пулемёт ва милтиқ ўқлари остида ҳам шунча одам ҳалок бўлган эмас! Инсоният ўз тарихида бунақа қирғинбаротни кўрган эмас.

Хўш, қандай қилиб бундай мудҳиш ҳодиса содир бўлди? Қандай қилиб бир ҳовуч жаллодлар сира иккиланмай, виждонлари қийналмай, қон тутишдан ҳадиксирамай мамлакатнинг гулини ташкил қилувчи одамларнинг умрига завола бўлди? Бу қандай жамият эдики, шу қадар разолат ва қабиҳлик, зўравонлик ва ўзбошимчалик, шафқатсизлик ва бағритошлик баайни баҳор гулларидек бемалол яшнаб очилган эди? Кўпинча бу қатағонларнинг асосий ижодкори ва бош илҳомчиси Сталин бўлган эди, деб жавоб беришади. Хўп, шундай ҳам бўлақолсин. Лекин Сталиннинг қандай манфаати бор эдики, шунча одамнинг умрига завола бўлган? Ахир уларнинг ичида Сталиннинг шахсий дўстлари, унга содиқликларини неча бор исбот қилган ошна-оғайнилари, турли соҳаларда, масъул лавозимларда ишлаган сафдошлари ҳам бор эди-ку? Бу жинойтлар фош бўлгандан бери Сталин қатағонларига бағишланган юзлаб, балки ундан-да ортиқ йирик тадқиқотлар яратилди. Мен ҳар хил журналларда эълон қилинган мақолаларни айтаётганим йўқ, балки бутун дунёдаги жиддий файласуфлар, тарихчилар, ижтимоиятчилар, сиёсатшунослар ва публицистларнинг эътиборга лойиқ жиддий асарларини назарда тутяпман. Уларнинг ҳаммасида ҳам юқоридаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган, лекин биронтасида ҳам ҳар жиҳатдан кишини қаноатлантирадиган, чуқур мантиққа асосланган жавоб берилган эмас. Тўғрироғи, уларнинг ҳеч қайсисида Сталин қатағонининг ички мантиғи, уни амалга оширишни заруриятга айлантирган омиллар очиб берилган эмас.

Кейин ўйлаб қарасам, бундай саволларни қўйишнинг ўзи беҳуда нарса экан. Чунки Сталин амалга оширган қатағон сиёсатининг заминида, умуман, ҳеч қандай мантиқнинг ўзи йўқ экан. Бу зулмлар ва зўравонликлар большевиклар вужудга келтирган ижтимоий тузумнинг табиатидан келиб чиқар экан. Кези келганда яна бир фикрни ай-

тиб қўяй: бизнинг бошимизга тушган кулфатларнинг бош айбдори деб Сталинни кўрсатишади. Эҳтимол, бу тўғридир. Лекин, мен ўйлайманки, мабодо Сталиннинг ўрнида Троцкийми, Держинскийми, Свердловми, Молотовми ва ҳатто Калинин ёхуд Киров бўладими, аҳвол, барибир, худди шунинг ўзи бўларди. Эҳтимол, қурбонлар сони 20 миллионга етмасди, лекин 10 ёхуд 15 миллион одамнинг қатагон қилиниши турган гап эди. Сталинни мутлақо оқламаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, унинг ўзи ҳам барпо этган ижтимоий тартибларнинг қурбони эди. У ўзи ишга тушириб юборган қирғин машинасининг юришини тезлаштириши ёхуд секинлатиши мумкин эди, лекин уни тўхтатиб қўя олмас эди. Ҳар қанча парадокс бўлиб туюлмасин, бунга унинг кучи етмас эди. Негаки, большевиклар диктаторлик тузумини барпо этишган эди. Бу тузумдаги ҳамма тартиблар энг оддий инсоний мантиқдан холи. Унинг асосий принциплари – зўравонлик ва ўзбошимчалик. Бу тузум фақат тўппонча тилини тан олади, фақат дағал кучнинг устуворлигига сифинади. Бу тузумда инсондаги энг ваҳший майлларга, энг йиртқич инстинктларга кенг йўл очиб берилади. Ахир, бу тузумнинг ихтирочиси инқилобнинг биринчи кунларидаёқ «таланганни тала!» деган хитобни ўртага ташлаган эди. Ўша шароитда жаҳолат ва нодонлик асоратида бўлган, асрий қашшоқликдан чексиз азоблар чекиб ётган, инсон сифатида тузукроқ ҳаёт кечиришдан буткул умиди узилган одамларга шундай хитоб билан мурожаат қилиш – «кимда ким зўр бўлса, ожиз, нотавон, мискин одамларни талайверсин!» деган буйруқдай гап эди. Ёхуд Лениннинг бу хитоби «Милтиқли киши»нинг ҳар қандай зўравонлигига берилган оқ фотиҳадан ўзга нарса эмас эди. Доҳийларининг бу даъватларини унинг муридлари жуда тез илғаб олишди. Шу тарзда шўро тузумида 70 йилдан ортиқ амал қилган мислсиз зўравонлик ва ҳақсизлик даври бошланди. Булар бир оз шакллари ўзгартирсалар ҳам, шўро даврининг энг сўнгги кунларига қадар моҳиятларини ўзгартирмай қолди.

Большевикларнинг зўравонлигини кўрсатадиган бирикки мисол келтираман.

1918 йилнинг бошларида кўкракларига пулемёт лен-

таларини айқаш-уйқаш тақиб олган, тиззаларига осилиб тушган маузер таққан, бошларига матрос шапкаларини қийғоч қўндириб олган, кайфдан зўрга оёқда турган соқчилар Петроград кўчаларидан бирида енгил машинани тўхтатиб, унинг яхши кийинган эгасини тушириб юбориб, машинани тортиб олишади. Машина эгасининг «Мен Фёдор Шаляпинман, хонандаман» деб қилган таваллолари фойда бермади, уни «тезроқ туёғингни шиқиллатиб қол, буржуй, бекорга отиб ташлаймиз!» деб ҳақорат қилишади.

Инсоният тарихида исёнлар, ғалаёнлар, инқилоблар кўп бўлган. Албатта, бундай чоғларда зўравонликлар ҳам содир бўлган. Лекин ҳеч қаерда, ҳеч қачон «инқилобчи» кучлар ўзларини ашаддий безорилардек тутган эмас ва ошқора йўлтўсарлик билан шуғулланган эмас. XIX аср охирида Германия – Франция уруши вақтида рўй берган бир воқеа эсимга тушади. Немислар Парижни қамал қилишган. Мағлуб бўлиши аниқ бўлиб қолган француз солдатлари аламзада, асабийлашган ҳолатда. Шу чоғ кўчадан олти от қўшилган мухташам фйтон ўтиб қолади. Солдатлар уни тўхтатишади. Фйтонда машҳур банкир Ротшильднинг қизи кетаётган экан. Солдатларнинг ғазаби кўкка ўрлайди: «Биз ватанни ҳимоя қилиб, ўқларга ем бўлиб, битларга талашиб ётсак-да, бу хонимлар фйтонларда айшини суриб юрса! Қани, туш фйтондан!» Уларнинг бундай иддаосини эшитган Ротшильд хоним «Ораларингдан тўртта вакил сайланглар, бориб уйимни кўришсин. Шунда ҳам фйтон билан отларни олиб қўямиз десанглар, марҳамат, менинг қаршилигим йўқ» дейди. Вакиллар унинг уйига бориб қарашса, яқинда харид қилинган шоҳона қаср госпиталга айлантирилган, унда юзтача ярадор солдат оппоқ рўйжалар солинган каравотларда уч маҳал яхши овқатларни тановул қилиб, меҳрибон ҳамширалар парваришида ётишган экан. Вакиллар Ротшильд хонимдан узр сўраб, қайтиб кетишади.

Петербурги кўчасидаги инқилобчи матрослар омилиги важданми ёки синфий нафратининг зўрлигиданми бутун дунёга донғи кетган, рус санъатининг ифтихори бўлган буюк санъаткордан узр сўрашни хаёлларига ҳам келтирган эмас.

Шўро замонида, тоталитар тузум шароитида содир бўлган бундай воқеалар мисолини миллионлаб келтириш мумкин. Бундай зўравонлик ва ўзбошимчаликлар тўғрисида юзлаб китоблар ёзилган. Мен ҳаммасини айтиб ўтирмай, фақат биттасини эслай. Инқилоб «неъматлари»га чидаёлмай, муҳожирликка кетиб қолган Гессен деган одам 20-йилларнинг ўртасида Берлинда 22 томлик «Рус архиви» деган мажмуа чиқаради. Бу мажмуага собиқ дворянлар, йирик ер эгалари, машҳур врачлар, ҳарбийлар, адиблар, артистлар ва бошқаларнинг инқилобнинг дастлабки йилларидаги ўзбошимчаликлар манзараси тасвирланган хотиралари киритилган. Табиийки, китоб шўролар мамлакатида кўп йиллар мобайнида тақиқланган эди. Фақат қайта қуриш давридагина ўша йиллардаги нашрнинг айнан ўзини қайта босишди. Уни ўқиган ҳар бир одам Россияда дастлабки инқилобий йиллардаги манзарани кўриб даҳшатга тушмаслиги мумкин эмас. Ҳолбуки, бундай ўзбошимчаликлар ва зўравонликлар шўро тарихининг ҳамма зарварақларида тўлиб-тошиб ётибди.

Тоталитаризм якка ҳокимлик асосига қуриладиган тузум. Ҳамма нарсани – шу жумладан, бутун мамлакат тақдирини ҳам, одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳам битта одам ҳал қилади. У мамлакатнинг мутлақ ҳокими, унинг оғзидан фақат доҳиёна ҳикматлар-у пурмаъно ҳақиқатлар чиқади, холос. Ҳукумат бошлиғига бундай муносабат ҳамма воситаларни ишга солган ҳолда кенг тарғиб қилинади, натижада тоталитар тузум шароитида хоҳласа-хоҳламаса муқаррар тарзда шахсга сифиниш пайдо бўлади.

Осмонларга чиқариб, худоларга тенглаштириб қўйилган ҳокимият бошлиғининг ҳар бир гапи тўғрилиги ёки хатолигидан қатъи назар, бажарилиши зарур бўлган дастуриламал ҳисобланади.

Ҳолбуки, тарихдан маълумки, айниқса, халқ ижодидан биламизки, дунёда аҳмоқ подшолар ҳам кўп ўтган. Бу мавзу жуда кенг, унинг тўғрисида жилд-жилдлаб асарлар ёзиш мумкин. Лекин мен бу ўринда ҳокими мутлақнинг ўзбошимчилигини кўрсатадиган битта мисол билан чекланмоқчиман.

20-йиллар охирида шўролар мамлакатида сон-саноқсиз

сиёсий суд жараёнларидан яна бири бўлиб ўтди. У «Промпартия» суд жараёни деган ном билан шуҳрат топган.

Судланувчилар Рамзин бошлиқ бир гуруҳ инженер-техник ходимлар эди. Рамзин ўша кезларда техника бобидаги кашфиётлари билан халқаро миқёсда катта обрў-эътибор қозонган йирик олим эди. Қолган судланувчилар ҳам техника соҳасининг атоқли дарғалари эдилар. Уларнинг ҳаммалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида масъул лавозимларда муваффақият билан ишлаб турган одамлар эди. Бу гуруҳ дабдурустдан давлат тўнтаришида айбланади — улар пролетар ҳокимиятини тугатиб, унинг ўрнига инженер-техниклардан таркиб топган ҳукумат барпо этишмоқчи экан.

Албатта, уларнинг ишида бунақа бемаъни айбни тасдиқловчи биронта ҳужжат ёхуд биронта далил йўқ эди. Лекин уларнинг устидан чиқариладиган ҳукм аввалдан маълум эди. Улар жуда хавфли давлат жиноятчилари сифатида фақат олий жазога — отувга ҳукм қилиниши мумкин эди, холос. Суд жараёни кўникилган изда бир маромда кетиб боряпти. Уларга айб эълон қилинади, улар айбларига иқрор. Давлат қораловчиси ўзининг айблов нутқини сўзлади, гувоҳлар уларнинг ашаддий жиноятларини фош қилувчи кўрсатмалар берди.

Суд энди сўнгги кичик бир расмиятни адо этмоғи — айбланувчиларнинг сўнгги сўзини эшитмоғи қолган, холос. Ҳамма яхши биладики, бу шунчаки бир ўйин. Айбланувчи яна бир карра гуноҳкор эканини тан олади ва пролетар судидан раҳм-шафқат тилайди, агар омон қолдирсалар, ҳалол меҳнат билан гуноҳларини ювишга ваъда беради. Бунақа «сўнгги сўз»лар судьяларга эшитавериб ёд бўлиб кетган. Кимлардир уларни эҳтирос билан тўлқинланиб айтади, кимлардир боши устидаги қилич ҳозир тушиб кетадигандай хавотирланиб, юраги ўйнаб зўрға гапиради. Бироқ уларнинг шакли қанчалик фарқланмасин, моҳияти ўзгармайди. Биронта судья ҳукм чиқараётганда «сўнгги сўзлар»нинг бирон жумласини ҳам инобатга олмайди. Аммо бу гал бошқача бўлди. Тўда бошлиғи Рамзин анъанавий гапларни айтиш ўрнига судьяларга лўнда ва ўтқир савол билан мўрожаат қилди: «Қани, айтинглари, шўро ҳукуматига менинг жасадим керакми ёки меҳнатим?» Ҳали ҳеч ким аввалги суд жараёнларида масала-

ни бу тарзда қўймаган эди. Савол аниқ жавобни талаб қиларди. Лекин мажлис залидаги биронта одам бу саволга жавоб беролмас эди. Бу ҳангома дарҳол Сталиннинг қулоғига етиб боради. Рамзиннинг топқирлиги ва зукколиги унга маъқул келади ва у судланувчиларни олий жазога ҳукм этмаслик тўғрисида буйруқ беради. Суд уларнинг ҳар бирини ўн йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади. Қамоқда уларнинг илмий иш билан шуғулланишига шароит яратилади, махсус ишхоналар ташкил қилиб берилади. Кейинчалик бу ишхоналар «шарашка» номи билан машҳур бўлиб кетади. Ҳатто Королёв ҳам космик кемаларнинг илк чизмаларини шунақа шарашкада тайёрлаган дейишади.

Большевиклар барпо этган тоталитар тузум ана шундай эди, диктатурага асосланган жамиятда зўравонлик ва ўзбошимчаликларга муқаррар йўл очиларди, бу эса ўз навбатида оммавий қирғинларни ҳам, судсиз-тафтишсиз қатли омларни ҳам, мислсиз қатағон ва сурғунларни ҳам келтириб чиқараверарди.

Бу ўринда яна бир савол туғилади — ҳўп, большевикларнинг-ку ниятлари шу қадар қора экан, бироқ улар қандай қилиб бу ниятларини амалга оширишга эришганлар? Ахир, Лениннинг ўзи ёки Сталин шахсан одамларни отиш ва талаш билан шуғулланган эмас-ку?! Ахир, одам ўлдириш, бировнинг мол-мулкига қўз олайтириш, ўзгаларнинг бойлигини ўзлаштириб олиш ҳамма вақт, ҳамма мамлакатларда, ҳамма халқларда жиноят сифатида қоралаб келинган-ку! Қолаверса, инсоният тарихидаги ҳамма динлар ҳайрон қоладиган даражада якдиллик билан «Одам ўлдирма! Ўғирлик қилма!» — деб таълим беради, буни гуноҳлар ичида энг ашаддийси деб билади. Инсоният тарихида қайси донишманд, қайси мутафаккир зўравонликни ёқлаган, адолатсизликка, хунрезликка чақирган? Уларнинг биронтаси ҳам ҳеч қачон бировнинг молу мулкани тортиб олиб, даври даврон суришга даъват этган эмас-ку!? Шундоқ экан, большевиклар кимга таянди? Кимни қурол қилиб, ўз ниятларини рўёбга чиқарди? Қандай кучларни ҳаракатга келтирди?

Бу савол ҳам хийла мураккаб кўринса-да, назаримда, унга жавоб бериш нисбатан енгил туюлади. Большевиклар, албатта, ҳар қанча қора ниятли бадкирдор одамлар



бўлмасин, уларнинг эс-хуши жойида, кўп нарсага ақли етадиган кишилар эди. Лекин улар ниятларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай воситаларни маъқул деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳеч қанақа алдовлар, муғомбирлик ва мунофиқликлардан қайтмас эдилар, виждонни эса буржуазиянинг чиркин ахлоқига мансуб нарса деб ҳисоблардилар. Албатта, бу ўринда гап, биринчи навбатда, уларнинг раҳнамолари, катта-кичик доҳийлари ва доҳийчалари тўғрисида кетаётгани ўз-ўзидан маълум бўлса керак. Улар ўша кезларда ўзлари таяниши мумкин бўлган кучни тўғри топди. Бу куч – рус пролетариати эди. Рус пролетариати чиндан ҳам ўта эзилган, ҳаддан ташқари ночор, йўқотадиган кишанлардан бошқа ҳеч вақоси йўқ, қўйинини тўлдирадиган ҳар хил пуч ёнғоқларга ёки пуч ёлғонларга муштоқ бир ҳолда эди. У аламзада эди ва аламини фақат ичкиликдан олишни биларди. У фаол ижтимоий тафаккурдан маҳрум, турли-туман ёлғонларга, ривоятлар ва эртақларга ишонишга тайёр лақма куч эди. Бу гаплардан рус пролетариати ёки умуман, пролетариат ҳар қандай ижобий фазилатлардан маҳрум экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Албатта, бошқа ҳар қандай ижтимоий тоифаларда бўлгани каби пролетариат ичидан ҳам истеъдодли одамлар – мутафаккирлар, олимлар, ижодкорлар, адиблар, рассомлар, артистлар етишиб чиқиши мумкин. Лекин пролетариатни яхлит ижтимоий куч сифатида ёхуд синф сифатида олиб қарайдиган бўлсак, тарих унинг большевиклар оғиз кўпиртириб мақтаган фазилатларга эга эмаслигини кўрсатади. Ҳарҳолда, бу пролетариат тарихни олдинга жилдирувчи, янги жамият барпо этувчи ижодкор, яратувчи куч эмас эди. Лениннинг ўзи пролетариатча онгни ташқаридан олиб кириш керак, деб катта-катта мақолалар ва китоблар ёзган, бир қатор маърифатли большевиклар эса ўнлаб йиллар мобайнида пролетариат ўртасида маданият тарқатиш учун «Пролеткульт»га ўхшаган ташкилотлар тузиб беҳуда овора бўлишган. Большевиклар бу синфнинг айна лақмалиги учун, эртақларга муштоқлиги вадидан, болалардай алдашларга осон кўниши туфайли ўзига таянч қилиб танлаган. Кейин «Сенлар – энг инқилобий куч», «Сенлар – жамиятнинг гули», «Сенлар жамиятда гегемон бўлмоқларинг керак», «Сенларнинг саъй-

ҳаракатларинг билан эски дунёни чилпарчин қиламиз, ер юзида ҳақиқий жаннат яратамиз», «Сенлар ҳамиша қашшоқ, оч ва гадо бўлиб қолгансизлар, энди ҳаётнинг бирдан-бир хўжайинлари бўласизлар ва унинг ҳамма бойликлари сенларнинг тасарруфларингда, ҳамма неъматлари сенларнинг хизматингда бўлади!» деган сафсаталар билан пролетариатнинг қўлтиғига сув пуркаган, пролетариат эса бу ёлғонга чиппа-чин ишониб, большевикларнинг ҳар қандай юмушини дарҳол бажаришга тайёр бўлишган. Бироқ большевиклар пролетариатни «нариги маҳаллада Эшмат ака текинга ёнғоқ улашяпти» деб ишонтирган бўлсалар-да ва каттаю кичик ҳамма лақмалар текин ёнғоқ илинжида ўша ёққа қараб югурган бўлсалар-да, улар бунинг ўзи билан иш битмаслигини яхши тушунганлар. Дарҳақиқат, одамлар айтилган манзилга етиб боришлари биланоқ ёлғон очилади-қолади. Унда нима бўлади? Большевиклар буни аввалдан кўришган ва жавобини тайёрлаб қўйишган. Улар янги ёлғон билан одамларни овутишган — ёнғоқ бор эди, лекин ҳаммасини синфий душманлар олиб кетишипти. Қарабсизки, пролетариатнинг қаҳри-ғазаби энди янги томонга — ёнғоқни талаб кетган муттаҳам синфий душманларга қарши йўналтирилади. Бу ғазаб шу қадар кучли бўладики, унинг оловида большевиклар ўзига маъқул бўлмаган ҳар қандай кучни қовуриб, жизғанагини чиқаришлари мумкин эди ва шундай қилишди ҳам. Шуниси қизиқки, «тарих локомотивини ҳаракатлантирувчи синфий кураш», «синфий онг» ҳақидаги сафсаталар ўша кезлари кўпчиликка жуда тўғридай, большевикларнинг энг зўр кашфиётидай туюлган. Ҳеч ким лоақал бир лаҳза ўйлаб ҳам кўрмаган: «Шошма, жамиятда, албатта, ҳар хил тоифалар, турли ижтимоий кучлар бор, лекин улар бир-бирлари билан курашиб, бир-бирини қириб яшамайди-ку, аксинча, улар бир бутунликни ташкил қилади. Улар бир-бирига муҳтож ва бир-бирларининг яшашига имкон яратади. Деҳқон экин экмаса, ҳамма оч қолади. Муаллим болаларни ўқитмаса, доктор одамларнинг соғлиғига қарамаса, инженер йўллар қурмаса, фабрикант завод-фабрикасини очмаса, ишлаб чиқаришни ташкил қилмаса, муттасил юрғизиб турмаса, нима бўлади? Ахир, «синф», «синфий кураш» деган гаплар бир бутун жамиятни парчалаб

юборади-ку, турли тоифалар ўртасига нифоқ солади-ку, улар ўртасида қирғин бошланиб кетади. Ҳар қандай қирғин фожиага, ҳалокатга олиб келади!»

Ҳеч ким бундай ўйларга бормагани, синфий кураш назариясига танқидий муносабатда бўлмаганининг сабаби эса битта эди — пролетариат онгсиз, унинг маданий-маърифий савияси паст эди. Унда тафаккурдан кўра жаҳолат ва нодонлик устун эди. Бундай заминда «нафрат» деб аталмиш заҳарли сассиқ алаф ишчилар синфининг ҳамма қатламларига сингади, улардан ўтиб жамиятдаги бошқа кучларни ҳам заҳарлайди. Нафратнинг кенг томир отиши виждон, диёнат, инсоф ва шафқат, меҳр ва муҳаббат каби азалдан жамиятни тутиб турган устунларни қисиб чиқара бошлайди.

Инсонни инсон қилувчи бу қадриятларнинг заифлашиши жамиятда инсон ҳаётига беписанд қараш, келтириш пайтида истаган инсонни бошқаси билан алмаштириш мумкин, у катта машинанинг бир кичик мурвати, холос, деган ақидага сифиниш — охир-оқибатда миллионлаб беғуноҳ одамлар ёстиғининг қуритилишига олиб келди.

Шафқатсиз, меҳрсиз, муҳаббатсиз жамиятда, фақат ўзаро нафрат туйғусига қурилган, ўзаро душманлик руҳи билан суғорилган жамиятдагина инсоният тарихидаги ақл бовар қилмайдиган энг мудҳиш фожиа — мислсиз биродаркушлик, аксилинсоний қирғинбаротнинг рўй бериши учун имконият туғилди. Уларни авж олдирган яна бир омил бор — бу фанатизмдир. Ўтган фожиалардан, қонли қора кунлардан шундай хулоса чиқадики, қаерда тафаккур бўлмаса, кўнгил кўзи очиқ бўлмаса, таҳлил ўрнини, энг оддий инсоний мантиқ ўрнини жаҳолат, нодонлик, маданиятсизлик эгалласа, қаердаки инсоният ўзидаги ҳайвоний майлларга, йиртқичлик инстинктларига эрк берса, ўша ерда фанатизм пайдо бўлади.

Фанатизм эса ақл нури билан бошқарилмайдиган, зўравонлик ва ўзбошимчаликларга кенг йўл очиб берадиган тизгинсиз майллар жунбушидир. Шундай қилиб, большевиклар макр-ҳийлалар ва алдовлар ёрдамида жаҳолат, нодонлик ва фанатизмни ишга солиб, ўз қора ниятларига эришдилар — синфий кураш тарих локомотивини силжитиб юборди, фақат у жамиятни олға, нурли манзилларга

етаклаш ўрнига, борган сари шитоб билан ҳаракат қилиб, ҳалокатли жар ёқасига олиб келди.

Табиатда ҳеч нарса мангу эмас экан — вақт ўтаверади, замонлар ўзгаради, ҳаёт янгиланаверади. Қиргинбаротлар ҳам ўтиб кетди, эрта тонг палласида ҳамманинг юрагига ваҳима солиб, эшикни қасир-қусур тиқиллатиб келадиган энкеведичилар ҳам ўтмиш қаърига сингиб унут бўлди. Албатта, бугунги ишчилар синфи ҳам кечаги ишчилар синфининг айнан ўзи эмас. Бугунги ишчилар ўзларининг кечаги «гегемонлик» замонларидан муайян сабоқлар олган бўлсалар керак. Улар бошқа табақаларни ўзига душман билиб, ҳаётда фақат душман қидириб яшаш мумкин эмаслигини англаб етди. Қалбда фақат нафрат билан яшаб бўлмайди, аммо ана шу оддий ҳақиқатни ўзлаштириш, англаб етиш инсониятга жуда-жуда қимматга тушди.

\* \* \*

Қайғули хаёллардан тийиниб, бошимни кўтараман. Қуёш ҳам анча тиккалаб қолибди. У ҳовуч-ҳовуч илиқ нурларини аямай теварак-атрофга сочяпти. Зиёратга келганлар ҳам кўпайиб қолибди — улар тўп-тўп бўлиб, хиёбонларда айланиб юришипти. Баъзилар тик турганларича бир-бирларига нималарнидир уқтиришяпти. Афтидан, шаҳидлар ҳақидаги хотираларини ўртоқлашаётган бўлсалар керак. Чехраларидан хотиржамлик барқ уриб турибди. Уларда шўро замонидаги одамларда учраб турадиган қисинишлар, хокисорлик мутлақо сезилмайди, аксинча, озод ва эркин одамга хос виқор билан бошларини мағрур тутиб юришибди. Ҳа, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да! Улар истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлган, ўзининг қадр-қимматини теран англаб олган одамлар эди. Уларнинг мағрур юришларига зимдан назар ташлар эканман, бизга Истиқлолни ато этган Оллоҳга яна ва яна шукроналар қиламан.

Ўйлаб қарасам, атиги ўн бир йил ичида анча йўлни ўтиб қўйибмиз, мақтанишга арзигулик ютуқларга эришибмиз. Ютуқларни ўйлаганда, кўз ўнгимда биринчи навбатда, кўкси ғурурга тўла янги ўзбек гавдаланади.

Ўн бир йиллик янги тарихимиз ҳаммамиз учун ҳам

инсонийлик бобида катта дорилфунун бўлди, шекилли. Биз инсонни қадрлашни қайтадан ўрганиямиз, бир-биримизга меҳр улашиб, бир-биримизни эъозлаб, ардоқлаб яшашни ўрганиямиз. Истиқдол бизга тарихий хотирамизни қайтариб берди ва биз ўзимизни ўтмишда улуғ мутафаккирларимиз, беқиёс алломаларимиз яратиб қолдирган маънавий бойликларнинг қонуний вориси деб ҳис қилмоқдамиз. Биз ўзимизнинг кимлигимизни, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни теранроқ англаб бормоқдамиз ва ўзимизни ҳам дунёга кўпроқ танитяпмиз. Авваллари ўзбек бирон ўзга юртга бориб қолса, камсуқумлик билан ийманиб, кўлини кўксига қўйиб, ергача эгилиб салом берарди. Бугун эса ман-ман деган мамлакатларда ўзбекка ҳам қўллари кўксиларига қўйиб салом берадиган бўлиб қолишди, унча-мунча меҳмон шарафига ҳатто ўтирган жойида қимирлаб қўйишни ҳам эп кўрмайдиган давлат арбоблари ўзбекни уйининг остонасигача эмас, кўчасининг оғзигача кузатиб қўймоқда. Бугун ўзбек билан дўст тутиниш ўзига хос бир обрў бўлиб қолди.

Булар учун мағрурланмай бўладими?

Мен одамийлик тўғрисида, инсонни қадрлаш ва эъозлаш ҳақида атайин батафсилроқ гапиряпман. Очигини айтганда, бу масалада муҳтарам Президентимиздан ўрнатилган олмоқдаман. Юртбошимиз нутқларида, мақолалари ва китобларида инсон масаласи бугуннинг энг долзарб масаласи эканини қайта-қайта уқтиришдан чарчамайди. Биз Юртбошимиз бош-қош бўлган ҳолда ўзимизга хос, ўзимизга мос янги, демократик жамият қурмоқдамиз. Бугунги турфа хил дунёда «демократия» деб тақдим этилаётган моделлар ва тизимлар нафақат хилма-хил, баъзан улар ҳайрон қоларли даражада зиддиятли ҳамдир. Тўда-тўда одамлар муаззам майдонларга чиқиб, бир-бири билан жиққамушт бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кучлар уларнинг устидан сув сепса ёхуд резинка таёқлар билан калтакласа, оломон эса уларни тошбўрон қилса, бу «демократия» эмиш. Футболчилар ютқазиб қўйса, машиналарга ўт қўйиш «демократия» эмиш. Кекирдакка зўр бериш, Жириновскиёна тарзда оғзига келганни қайтармай алаҳлаш ҳам «демократия» эмиш. Халқ иродасининг тимсоли ҳисобланадиган давлат бошлигини таҳқирлаш ҳам «демократия» тарзида тақдим қилинади. Айрим

ёзувчилар эса, тизгинсиз шаҳвониятни, болахонадор сўкишларни «демократия» деб ўйламоқдалар. Ё алҳазар! Ўзинг асра бундай демократиядан! Бу – бошбошдоқлик ва анархия салтанатидан ўзга нарса эмас.

Биз қураётган жамиятда «демократия»нинг барча ижтимоий ва сиёсий хусусиятлари мавжуд бўлади ва айни чоғда у инсоннинг ҳамма эҳтиёжларини қаноатлантирувчи жиҳатларга эга бўлади. Унда том маънода гуманизм принциплари қарор топган, адолат ва ҳақиқат байроқлари баланд кўтарилган бўлади. Биз худди ана шундай жамият қуришда аллақачон анча-мунча ютуқларга эришдик, унинг аён нишонлари рўй-рост кўриниб ҳам қолди. Бироқ иморатни ҳали тўла қуриб битирганимиз йўқ. Афсуски, ҳамон учраб турадиган турли-туман нуқсонлар, шўро замонидан бери судралиб келаётган иллатлар олға силжишимизга жиддий тўғаноқ бўлиши турган гап. Биз ўтмишнинг энг мудҳиш шароитидан – кўп йиллар мобайнида жамият танасига зулукдек ёпишиб, унинг қонини сўриб келган нафрат туйғусидан халос бўлдик, аммо унинг ўрнига бошқа бир альтернатив туйғунинг – муҳаббатнинг ҳамма жойда барқарор бўлишига эришдик, деб баралла айта олмаймиз. Ўзаро муносабатларимизда, ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммоларда, маданий қурилиш, маънавият, маориф соҳасидаги мулоқотларда ҳамон муҳаббатсизлик ҳоллари учраб туради. Агар бу сўз сизга эриш туюлса, сунъий кўринган бўлса, уни ҳаммамизга таниш бошқа бир сўз билан алмаштириш мумкин. Бу – бир-биримизга лоқайдликдир.

Одамлар ўртасидаги муҳаббатсизлик ёхуд лоқайдлик турли-туман шаклларда намоён бўлади. Мен бу ўринда одамлар ўртасида муҳаббат устувор бўлиши керак деяётганимда эртадан бошлаб ҳамма бир-бири билан қучоқлашиб, оғизбурун ўпишсин демоқчи эмасман, албатта. Мен бунда одамларнинг ўзаро ҳурматлари, бир-бирини ардоқлаши, бир-бирининг ҳақ-ҳуқуқларини муқаддас билишлари, бир-бирларининг ишларини битиришда, ҳожатларини чиқаришда бюрократизмни буткул қувиб чиқаришларини, расмиятчиликка барҳам беришларини, зиммаларидаги вазифаларни расмиятчилик билан, қўл учида, «мендан кетгунча...» қабилида эмас, чин юракдан, пухта ўйлаб, масъулият билан қилишларини назарда тутмоқдаман. Ҳамма ишларимиз-

да пала-партишлик йўқолиб, кучли инсоний мантиқ ҳукмрон бўлса, дейман. Фикримни далиллайдиган баъзи бир мисоллар келтирай. Бир вақтлар ҳаётда содиқ фуқарочиликларини тезроқ намойиш қилишга ошиқиб, дўппи олиб кел деса, бош олиб келадиган одамлар тоифаси бўларди. Натижада уларнинг ҳовлиқиб, шоша-пиша қилган ишлари тескари оқибатларга олиб келар, одамларни ранжитар, ихлосини қайтарарди. Афсуски, бу иллат бугун ҳам йўқолиб кетгани йўқ ва ҳаётда баъзан ачинарли, баъзан эса кулгили ҳолатларга олиб келмоқда.

Яқинда Қўқонга бориб келдим. Унинг кўчалари, майдонларини айландим. Бу шаҳар ҳам ўлкамиздаги янгилашниш жараёнидан четда қолгани йўқ. Жумладан, Чорсуда янги театр майдонида шинамгина шоирлар хиёбони ташкил қилинибди ва у ерда Қўқондан чиққан адиблару шоирларнинг ҳайкаллари қўйилибди. Буларни кўриб ғоятда қувондим. Лекин не кўз билан кўрайки, бир замонлар шу майдонни безаб турган Ҳамзанинг ҳайкали йўқ — уни олиб ташлабдилар. «Нега бундай қилдинглар?» десам, «Ўзингиз биласиз-ку, у совет шоири эди» деб жавоб беришди. Бу жавоб менга жуда малол келди. Ахир, Ҳамза аслини олганда жадид бўлган, маърифатпарвар бўлган, мактаблар очган, театрлар ташкил қилган, маърифатпарвар жадид қаламкаш сифатида ўзбек драматургиясининг пишиқ-пухта намуналарини яратган. Унинг бу борадаги хизматлари Абдулла Авлоний ёки Садриддин Айнийларникидан заррача қолишмайди. Унинг «совет шоири» экани ҳақидаги масалага келсак, бу ишга Ҳамзанинг заррача дахли бўлмаган — у оламдан 1929 йилдаёқ кўз юмган, ундан кейин бўлиб ўтган ишлардан мутлақо хабари йўқ — уни «совет шоири» қилганлар, мактаб кўкларга кўтарганлар, ундан ёлғон байроқ ясаганлар бошқа одамлар. Йўқ, бу мақтовларсиз ҳам Ҳамза ўз халқининг, она шаҳри Қўқоннинг бир иқтидорли фарзанди сифатида халқ ҳурматига арзийдиган ишлар қилиб кетган эди. Ҳатто, ана шу хизматлари учун 1926 йилдаёқ «Ўзбекистон халқ шоири» деган фахрли унвонга сазовор бўлган эди. Шундоқ бўлгандан кейин уни бугун янги қатағон оловига дуч қилгандан, асарларини қувғин остига олгандан, мактаб дастурларидан қувиб чиқаргандан, ҳайкалларини олиб ташлагандан, номини ўчиришга ҳаракат

қилгандан кўра, унга нисбатан қилган адолатсизликларимиз ва ёлгон мақтовларимиз учун узр сўраб, бахтсиз шоирга холисанилло, тўғри муомала қилаверганимиз маъқул эмасми? Шундай қилсак, одамгарчилик юзасидан тўғри иш қилган бўлмаймизми? Ҳамза-ку ўз вақтида истибдод қурбони бўлган эди, бугун уни яна бир бора қурбон қилсак, бу — бизнинг донолигимиз ва адолатпарвар эканимиздан далолат берармикан?

Яна бир мисол келтирай. Бевосита Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан биз тоталитар тузумнинг бегуноҳ қурбонлари хотирасини юксак қадрлашни ўрганиб бормоқдамиз. Лекин баъзилар нодонликлари учунми ёхуд фикрий маҳдудликлари туфайлими ёхуд умуман, шаҳидларни ардоқлаш бобидаги халқ удумларини менсимасликлари важданми, шундоқ ишлар қилмоқдаки, уларни кўрганда ғазабинг жўш уриб, ёқангни ушламоқдан ўзга иложинг қолмайди. Улар авомликларига бориб, шаҳидлар майдонида отилганларнинг ўзинигина эъзоласак кифоя, бошқа жойлардаги шаҳидлар қаторига киришмайди деб ўйлашади, шекилли.

Бундан бир неча йил аввал Хумсон қишлоғида катта йиғин бўлди. Унда теварак-атрофдаги қишлоқлардан ҳам, Тошкентдан ва бошқа шаҳарлардан ҳам минглаб одамлар йиғилди.

Улар Хумсондан чиққан атоқли маърифатпарвар, фольклоршунос, шоир, Чўлпон ва бошқа кўпгина донгдор одамларнинг яқин дўсти, 1937 йилда миллатчи ва халқ душмани сифатида қатл қилинган «Элбек» тахаллуси билан машҳур бўлган Машриқ Юнусовнинг таваллудига юз йил тўлган кунни нишонлашга тўпланган эди. Маҳаллий ҳокимият каттагина ер майдони ажратди. У «Элбек боғи» деб эълон қилинди, меҳмонлар боғда янги ниҳоллар ўтказишди, нутқлар сўзланди, қарсақлар чалинди, Элбекнинг ўғли таниқли шахматчи ва педагог Улуғбек Элбековга от миндирилди, хумсонликлар ўз қишлоқларидан чиққан бу ажойиб инсоннинг хотирасини кўз қорачиғидай асрашга, унинг номига қўйилган боғни яшнатишга тантанали ваъдалар беришди. Бу издиҳомда ҳокимият вакиллари ҳам, қишлоқдаги ўқувчилар ҳам иштирок этишган эди. Яқинда Хумсонга бир иш билан бориб қолиб, Элбек боғини ҳам



зиёрат қилиб чиқишга аҳд қилдим. Аммо не кўз билан кўрайки, Элбек боғи жуда хароб ва файзсиз ҳолда эди — боғ бутунлай қаровсиз қолган, дарахтлар буталмаган, гуллар қовжираб ётипти, йўлкалар ва саҳнларга анчадан бери супурги тегмагани кўриниб турибди. Мен таажжуб билан ҳамроҳимга — Хумсоннинг таниқли зиёлисига қарадим.

— Э, домла, — дея изоҳ берди у. — Боққа эгалик қиладиган одам топилмади. Натижада «Ўзбексавдо»га ижарага беришдими ё сотиб юборишдими — билмай қолдим. Улар ўз ходимлари учун дам олиш зонаси қилмоқчи экан.

Ана холос! Бу ёғи қандоқ бўлди? Тантанали йиғинда бошқача гаплар айтилган, қоп-қоп ваъдалар берилган эди-ку! Наҳотки, хумсонликларнинг орияти келмади — ўз ҳамқишлоқларининг хотирасига аталган бир масканни ташландиқ ҳолга келгунича қараб ўтираверишадими? Ёки уларга барибирми? Улар фақат олис ажодларимизни эъзозлайдилар-у, ўзларига замондош бўлган шаҳидларга бепарқоқ қарашадими? Бу ерни дам олиш масканига айлантirmoқчи бўлган ва бу борада ҳар қандай андишани йиғиштириб, енг шимариб ишга киришган «Ўзбексавдо» мугасаддилари-чи? Майли, уларнинг қўли узун бўлсин, улар учун ҳеч қанақа тўсиқ бўлмасин, бироқ бу жойларда Сталин истибдодининг қурбони бўлган бир инсоннинг — ўзимизнинг юртдошимизнинг руҳи поки мавжуд-ку! Бу ерга келиб ҳордиқ чиқарадиганлар, мириқиб маишат қиладиганлар наҳотки унинг арвоҳидан чўчимаган бўлсалар? Умуман, бу иш айрим одамларнинг имон-этиқоди ҳамон заифлигидан, маънавияти бўшроқлигидан, умуминсоний қадриятлар тор манфаатлар қаршисида улар учун аҳамиятсиз эканидан далолат бермоқдами? Яна бир савол — Элбек боғи оёқости қилинаётганда бир вақтлар унинг барпо бўлишида катта ҳисса қўшган туман ҳокимияти қаёққа қараб турган эди? Наҳотки, улар шундоққина биқинларида содир бўлаётган ношойиста бир ишга, адолатсизликка бепарқ қараб туришган бўлса?

Яна бир масалада айрим мулоҳазаларни айтиб ўтай. Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик шарофати билан биз инсонни, халққа фидойилик билан хизмат қилган намояндаларни иззат қилишни ўрганиб бормоқдамиз. Муҳтарам Президентимиз бу масалада ҳам бизга ажойиб

ўрناق бўлиб келмоқда. Ўтган йилларда ва бу йил бир қатор марҳум фан, маданият ва санъат арбобларига «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши бу фикримизни яққол тасдиқлайди. Шундай экан, нима учун биз — бугун яшаётганлар баъзан ўз арбобларимизни етарли эъозлашни ўрнига қўймаймиз? Масалан, адабиётда катта ишлар қилиб кетган, ўнларча шогирдлар етказган, «Алишер Навоий»дек ўлмас драмага муаллиф бўлган Иззат Султон оламдан ўтди. Лекин орадан анча вақт ўтган бўлса-да, унинг хотирасига бағишланган биронта ҳам кеча бўлмади. Наҳотки, олим умрининг кўп қисмида хизмат қилиб ўтган институтда бирор кеча ўтказиб, унда бу улуғ устоз ҳақидаги хотираларни тинглаш мумкин эмасди.

Ёки яқинда академик Иброҳим Ҳамробоев вафот қилди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг вафоти фанимиз ва маданиятимиз учун жуда катта йўқотиш бўлди. Ҳамробоев нафақат ўзбек олтинини кашф этишда ва ўзлаштиришда катта роль ўйнаган одамлардан бири эди, у ўзининг фавқулудда салмоқли илмий фаолияти учун Америка қомусидан ўрин олишга муносиб кўрилган эди. Ахир, шунақа одам билан фахрланмасак, ким билан фахрланамиз. Ҳолбуки, замонамизнинг бу алломаси билан тузукроқ видолаша олмадик ҳам, унинг олдидаги сўнгги инсоний бурчимизни ёлчителиб ўтай олмадик — унинг вафотини биров билиб, биров билмай ҳам қолди. Билмадим, нима учун бундай бўларкин — баъзи алломаларимизнинг ҳурматини ўрнига қўямиз-у, баъзи бирларидан меҳримизни дариг тутамиз. Бу ўринда бир неча аср олдин яшаб ўтган Турдининг қалбидан отилиб чиққан бир оташин нидо эсга тушади — «Тор кўнгилли беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг, Тўқсон икки бари ўзбек юртидир, тенглик қилинг!» Бу ўринда бир нарсани сира-сира унутмаслигимиз керак — оламдан ўтган буюкларимизни эъозлаш, уларни бот-бот хотирлаб, руҳи покларини шод қилиб туриш уларнинг ўзларига керак эмас, балки тирикларга керак. Бу — маънавиятимизнинг бутунлигини таъминлаш учун гоёта зарур бўлган омиллардан биридир.

Ўйлар кегидан ўйлар ёпирилиб келаверади. Ҳар хил ўйлар, катта-кичик ўйлар. Мен юқорида демократик жамият муҳаббат тантана қилган жамият бўлмоғи керак дедим. Муҳаб-

бат — меҳр дегани, ғамхўрлик дегани. Жамиятда, айниқса, халқ тақдири учун масъул бўлган раҳбарлар шу ғамхўрликни кун сайин, соат сайин намоён қилсалар яхши бўларди. Ва, умуман, мутасаддилар ўртасида шўро замонидан судралиб келаётган бу қарашни тубдан ўзгартириш зарур — бу қарашга кўра ҳар бир амалдор — ҳар қайси каттадир-кичикдир раҳбар халқни ўзининг хизматкори деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, аҳвол мутлақо тескариси бўлмоғи керак, яъни ҳар қандай раҳбар халқ учундир. У ҳаётда фуқароларнинг турфа хил муаммоларини тушуниб, англаб етишга ёрдам бермоғи, унга зуғум қилмоқни мутлақо йиғиштирмоғи керак. Бу зуғумларнинг тури кўп, лекин унинг турлари ҳар қанча кўп бўлмасин, зуғум ҳамиша зуғумлигича қолади. Ҳолбуки, баъзи ишларга қараб, ранжишдан ўзга илож қолмайди.

Назаримда, баъзи раҳбарлар ҳали ҳам Брежнев бобомизнинг бир гапларини унутмай, унга сидқидилдан амал қилаётганга ўхшайди. Брежнев бобо 70-йиллардами ёки вафотидан аввалроқми, ўз сафдошлари олдида шундай вазифа қўйган экан: «Биз жуда хушёр бўлмоғимиз керак, токи оддий халқ бойиб кетмасин». Агар айрим мутасаддилар чиндан-да бу ўғитни унутмаётган бўлсалар, юмшоқроқ қилиб айтганда, уларга кишининг раҳми келади.

Мен эрта тонг палласида шаҳидлар майдонида ана шундай хаёлларга берилдим. Билмадим, улар кимларгадир маъқул бўлар, кимлардир уларни ножоиз деб ҳисоблар. Лекин мен ақлим етиб турган баъзи гапларни баралла айтишни бурчим деб билдим: биз шўролар замонида виждон, меҳр, инсоф ва диёнатни унутиб, етарли даражада шалтоқларга ағанаб ётдик. Энди покланиш даври келди. Энди биз янги жамиятимизни муҳаббат асосига, инсоф ва диёнат асосига қурмоғимиз керак. Бизнинг янги муҳташам уйимизда ҳасадга, ғийбатга ва бахилликка ўрин йўқ. Қўшиқда куйланганидек, байроғимиз юрак деган матодан яралган бўлса, уни ҳамиша чин инсоний муҳаббат шуълалари билан нурлантириб турайлик!

## САМАРҚАНД САФАРИ

Самарқанд — дунёнинг энг гўзал ва донгдор шаҳарларидан бири. Унинг жозибаси жуда зўр — уни бир кўрган одам умрининг охиригача бу шаҳарнинг таровати-ю ла-

тофатини унута олмайди. Ўқтин-ўқтин уни яна кўргиси келаверади.

Йўқ, Самарқанд дунёдаги баъзи бир шаҳарлар каби мегаполис эмас, яъни унда 15–20 миллионлаб одам истиқомат қилмайди. Самарқандда юз қаватли иморатлар ҳам йўқ. Унинг тарихий обидалари бор, лекин очигини айтганда, улардан қолишмайдиган обидалар бошқа шаҳарларда ҳам бор. Шундай бўлса-да, Самарқанд қандайдир ўзининг бетакрор жозибаси билан ажралиб туради. Бу гапларни ўз юртига маҳлиё бўлган бир калтабин одамнинг мақтаниши, деб ўйламанг. Самарқанднинг фазилатлари мендан олдин ҳам дунёнинг кўпгина бурчақларидаги не-не алломаларга, манаман деган шоирларга, қалами ўтқир адибларга, қилни қирқ ёрадиган муаррихларга, доно ва қудратли давлат арбобларига яхши маълум бўлган. Самарқанд ҳақида қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, тарихий асарлар битилган. Ҳатто атоқли француз ёзувчиси Жюль Верн ўз романларидан бирини Самарқандга бағишлаган. Самарқандга келган сайёҳлар шаҳар ҳақидаги таассуротларини жаҳон бўйлаб таратганлар ва бу таассуротлар бири биридан чиройли ривоятларга, афсоналарга айланган. Не бахтки, бу улуғ шаҳар дунёнинг бошқа бирор бурчагида, бошқа бир бегона ўлкада эмас, менинг юртимда жойлашган. Унга бормоқ учун виза-пиза деган нарсаларнинг ҳожати йўқ, минглаб чақирим масофаларни пою пиёда ёки бирон уловда ўтиш ҳам керак эмас, жарақ-жарақ пуллар сарфлаш ҳам талаб қилинмайди. Ўз юртинг – ўлан тўшагинг.

Истаган вақтингда ёнингга бир-иккита кўнгил тортар жўраларингни оласан-у, йўлга отланаверасан. Қарабсанки, эрталаб йўлга чиқсанг, пешинга қолмай Самарқандда юрибсан, унинг ҳар қандай танга қувват берадиган тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оляпсан, муқаддас жойларини тавоф қиляпсан, узоқ давр улуғ пойтахт бўлган шаҳарнинг шон-шавкати ва шукуҳидан лаззатланыпсан...

Бу гал мени «Истиқлол меъмори» деган китобчамнинг тақдимоти учун Самарқандга таклиф этишди. Очигини айтганда, соғлиғимнинг мазаси йўқроқ, олис сафарларга юришим мушкулроқ эди. Лекин Самарқанд соғинчи устун келди. Самарқандлик дўстларимнинг дийдорини кўриш, суҳбатларидан яна бир бор баҳраманд бўлиш иштиёқи устун

келди. Ва биз йўлга отландик. Биз деганим — юқорида эслатган китобни нашр этган «Адолат» нашриётининг директори, ношир ва адабиётшунос Маҳмуд Саггоров, шогирдим, таниқли адабиётшунос, Миллий университет профессори Абдуғафур Расулов, таниқли шоир Мирпўлат Мирзаев... Улардан ташқари қизим Муҳаббат билан иккита неварам Камола ва Дилдоралар ҳам бизга ҳамроҳ. Мирпўлат ҳам Зарифа деган 10 яшар қизини олиб олган. Шундай қилиб, биз 21 май куни эрта тонгдан иккита машинада «Қайдасан, Самарқанд?» дея йўлга тушдик. Машиналаримизнинг иккови ҳам бориб келгунча бирор жойи панд бермади, «қилт» этмай жуда равон юриб, йўлимизни осон қилди. Уларнинг иккови ҳам ўзимиздан — Асакадан чиққан, ўзимизнинг ўзбек йигит-қизлари томонидан бадастир қилинган машиналар. Улар оқ тўшлари билан ҳавони ёриб, худди парвозга интилгандек елиб борар эканлар, беихтиёр ўтган аср бошларида машхур бўлган жадид шоири Таваллонинг миллатнинг аҳволига ачиниб, ҳам алам, ҳам киноя билан овруполикларга хитоб қилароқ, «қани, олиб келинг аэроплану автомобилнингизни, Кўқон аробамиз билан чопиштирамиз», деган гаплари эсимга тушади.

Ҳа, бугун дунёда автомобиль саноатига эга бўлган мамлакатлар унчалик кўп эмас. Ўзбекистон ҳам шуларнинг бири. Мустақиллигимиз шарофати билан кўқон аравамизни эмас, замонавий, пишиқ, гўзал, тезюрар машиналаримизни бошқа юртларнинг машиналари билан «чопиштириш» имконига эга бўлдик. Шундай қилиб, бу йилги баҳорнинг ҳаддан зиёд намхуш ҳавосидан симириб, худди кинодагидек бир-бирини алмаштириб турган манзараларни томоша қилиб, бу равон ва кенг йўлларни қурган азаматларнинг ҳақиқа дуо қилиб кетиб боряпмиз. Мен беихтиёр йўллар ҳақида ўйлайман. Йўл ҳар қандай юртнинг бебаҳо бойлиги, унинг фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим омил. Шунинг учун йўлни бежиз мамлакатнинг қон томирига ўхшатишмайди. Мен кўрганим — баъзи бир мамлакатлар йўлларининг норасолигидан, жиндай ёмғир бўлса, юриб бўлмайдиган аҳволга келишидан кўп азият чекишган ва жуда кўплаб моддий зарар кўришган. Шулар эсимга тушганида ўзимча юртимиз учун, унинг йўллари учун гердайиб кўярдим. Негаки, бизнинг йўллар Американинг довуғи кетган

Йўлларичалик бўлмаса-да, ҳар қалай унча ёмон ҳам эмасди — ҳозир кетиб бораётган йўлимиз ҳам — мана, салкам ярим асрдирки, халқимизнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Мен бу йўллардан ҳар йили камида бир-икки ўтардим — Тошкент талабалари куз бошланиши биланоқ аудиторияларни тарк этиб, пахта далаларига — ҳашарга ошиқарди. Шунда бу йўллар жуда серқатнов бўлиб кетарди. Бундан ташқари, бу янги йўл Самарқандгача бўлган масофани камида 70—80 чақирим қисқартирган эди.

Сирдарё кўпригидан ўтиб, бир оз юрганимиздан кейин кутилмаган тўсиққа рўпара келдик. Йўлнинг ўртасига шлагбаумлар қўйилган, бир чеккага соқчиларнинг уйи ҳам қўқайтириб қўйилган, девдек-девдек йигитлар қўлларида қурол кўтариб олган ҳолда ҳаракатни таққа тўхтатишган эди. Йўл Ўзбекистонники эди, лекин 20—30 километри бошқа республика ҳудудидан ўтган эди. Шунинг учун ҳар хил иқтисодий ва бошқа зараркунандаликларнинг олдини олиш учун йўл бутунлай ёпилибди. Посбонлар бизга Гулистон шаҳри орқали айланиб ўтишимиз кераклигини айтишди. Биз бундай қилолмас эдик, чунки Самарқандга пешинга етиб боришимиз керак эди. Посбонларга ялиниб-ёлбордик, лекин улар сира кўнишмади. Ниҳоят, уларнинг раҳбарларидан рухсат олганимиздан кейингина шлагбаум очилди. Биз йўлда давом эта бошлагандан кейин худди ўзимизни етти ёт бегона, хорижий мамлакат ҳудудига кетаётгандек ҳис қилдик. Лекин кўнгил қурғур бунга сира кўника олмасди — нечук, ахир, бу жойлар Хорижистон бўлсин, ахир, бу йўлларнинг ҳар қаричи таниш-ку? Бу йўллардан юрганда, чанқасак, тўхтаб сув ичардик, бензинимиз тугаб қолса, истаганча бензин олардик. Мен бўлсам, катта йўлдан жиндай четга чиқсам ҳам Славянка деган шаҳарчадаги китоб дўконига кириб чиқардим — у ерда жуда яхши китоблар бўларди. Энди бўлса буларнинг ҳеч қайсиси йўқ. Нега? Худо билади. Йўл деган нарса гавжумлиги, ҳаракати билан файзли бўлар экан. Ҳаракатнинг йўқлиги ҳам майли-я, биз бу постимиздан нариги постимизга етиб боргунча, йўлда биронта ҳам қўшни давлат посбонларини учратмадик. Гўё йўлни кўриқлаш, иқтисодий ҳимояланиш ва ҳоказо каби ҳарбий-маъмурий тадбирлар уларга мутлақо керак эмасдай... Шунақа ҳам бе-

парволик бўладими? Ҳеч бўлмаса, кўнгил учун бир марта-ярим марта тўхтатиб, «Кимсан? Қаёққа кетяпсан?» демади. Йўқ, бунақа дейдиган одам топилмади. Мен китобу адабиётга андармон бўлиб умр ўтказган бир одамман, шунинг учун бу «кўп қадим йўлларнинг» ёпиб қўйилганига, минглаб йиллар давомида бир-бирига қўшни, далалари, ҳовлилари бир китобнинг икки бетидай бир-бирига туташ халқларнинг кунларига яраб келган йўлнинг энди ишга ярамай қолганига сира ақлим етмайди. Бошқа томонини қўйиб турайлигу, бизнинг, яъни ўзбекларнинг минглаб транспорт воситалари бугун ҳам Тошкент билан Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хоразм ўртасида қатнаб турибди. Бирор азамат бу транспорт воситаларининг айланма йўлдан юриши неча пулга тушаётгани, қанча миллионлаб маблағимиз беҳуда исроф бўлаётганини, қанча ортиқча ёнилғию, қанча вақт беҳуда кетаётганини ҳисоблаб чиқдимиз? Кимдир йўлнинг ёпилганига бизнинг валюта-миз қўшни бозорга ўтиб кетаётганлигини баҳона қилиб кўрсатди. Қизиқ, валюта-миз ўтиб кетаётган бўлса, бунинг эвазига юргимизга мол олиб келинади-ку? Наҳотки, айланма йўлда йўқотаётган маблағимиз қўшни бозорига ўтиб кетаётган пуллардан кам бўлса? Шунақа ақлим бовар қилмайдиган нарсаларни ўйлаб, йўлнинг анча қисмини ўтиб ҳам қўйибмиз.

Сўнг Жиззахни четда қолдириб, тепалар ва адирлар орқали Темур дарвозасидан чиқдик, ундан нарёғи Зарафшон водийси, уфққа астойдил тикилиб қарасангиз, Самарқанд гумбазларини кўрасиз. Аммо Самарқандга етгунча ҳам йўл-йўлакай қанчадан-қанча жаннатмонанд жойлар, олижаноб одамлар бор. Ўзбекистонда Бахмал деган жойни эшитмаган, Ўсма-тнинг булоғидан сув ичмаган одам топилмаса керак. Бахмалнинг олмаси-ю ноқларини, сутю қаймоғини бир татиб кўрган унинг таъминини бир умр унутолмаса керак. Лекин бу заминнинг гўзал гўшалари фақат Ўсма-тдангина иборат эмас. Бир йили Самарқанддан келаётиб, ўнг томондаги бир йўлга тасодифан кириб қолдик-да, уч-тўрт чақирим юрмасдан, шунақа бир жойга рўпара келдикки, унинг тенгсиз гўзаллигидан ақллар шошиб қолди. Бу жойни Авлиё булоқ деб атар эканлар. Ривоятларга қараганда, қадим замонларда бу ердаги қир-

ларда дини ислом учун катта жанглар бўлган экан. Жангда бир авлиёнинг бармоғини ёв қиличи узиб ташлабди. Бармоқ ерга тушган жойдан булоқ отилиб чиқибди. Унинг ёнгинасида каттагина чуқурлик жой бор экан. Бирпасда унга сув тўлиб, ҳовуздан катта, кўлдан кичикроқ бир ҳавза ҳосил бўлибди. Ҳозир бу кўлчанинг теварагига дарахтлар экилган, шийпонлар ва айвонлар қурилган, кўлда катта-катта балиқлар жавлон уради, нонми ё гўштми ташласангиз, сувда патир-путур қилиб, ўйин кўрсатишади, талашиб-тортишиб ейишади. Балиқлар одамдан кўркмайди. Кўлчанинг бир томонида, тепалик устида иккита коттеж қўндирилган, узоқдан келган меҳмонлар шу коттежга тушишади, сув чиқиб кетадиган томонда кичикроқ чойхона бор. Бу жой аллақачон зиёратгоҳга айланган — одамлар ҳам зиёрат, ҳам тижорат дегандек, бу ерга келиб, зиёрат қилганларидан кейин, ўзлари овқат тайёрлашади, булоқ сувидан ичиб мазза қилишади, ўтириб дам олишади. Теварак-атрофда ҳаво дошқозондай қайнаб турганда бу ернинг шаббодаси танга роҳат бахш этиб эсади.

Авлиё булоқ бўйларида одам ҳамиша гавжум, лекин уларнинг биронтаси — на ёш, на кекса, на аёл, на эркак булоқдаги балиқлар билан ўйнашар экан, сувни булғалатадиган бирон нарса ташламайди, ҳатто сувда бетини чаймайди ҳам. Чеккароқ жойларда таҳоратхоналар қилиб қўйилган — ҳамма кўзаларда сув олиб, шу ерда чайинади. Эҳтимол, қуйироқдаги бир неча қишлоқнинг шу сувдан тириклик қилиши одамларни сувни кирлантиришдан тияр ёки эҳтимол, тозалик бор жойда ҳамма нарса тоза дейилганидай, одамлардаги туғма гўзаллик туйғуси бирон ноҳўя ишлар қилишга йўл қўймас...

Йўлда давом этамиз. Бу кўҳна йўлларнинг ҳар чақирими хотирада қандайдир излар қолдирган, бирор ибратли нарсадан сабоқ берган. Жомбойга етиб келдик. Жомбойда ҳар хил ғаройиб, диққатга сазовор нарсалар кўп эди, аммо мени ҳаммадан ортиқ қизиқтирган нарса китоб эди. Жомбойда эса бутун Самарқанд вилоятидаги китоб савдосининг базаси жойлашган эди. Одатда базада китоб сотилмайди, лекин буни билсам-да, бетимнинг қалини, жонимнинг роҳати, деган мақолга амал қилиб, база мудирининг бетига термилиб ўтираверардим. Мудир ҳам ки-



тоблардан бермаса, бу елим меҳмондан қутулолмаслигини англарди-да, бирда кулиб, бирда жеркиб китоблардан олишга ижозат берарди. Мен чўнтак кўтарганча миқдорда китобдан олиб, пулини тўлаб, миннатдорчилик билдириб, хайр-хўшлашиб чиқиб кетардим.

Ҳар гал Жомбойдан ўтганда руҳи покини эслаб ўтадиган бир зоти мушарраф инсон бор. Бу гал ҳам уни эладим, олижаноблигини, юртим, элим деб яшаган инсон эканлигини, халқи йўлида ҳеч нарсасини аямаган бағрикенг, серсаховат зиёли бўлганини эслаб, невараларимга айтиб бердим.

Бу – Сиддиқий-Ажзий деган ажойиб шоир, маърифатпарвар уламо. У жаид бўлган, нафақат форс ва араб тилларини, балки рус тилини ҳам мукамал билган, биринчи марта Н.В.Гоголнинг «Шинель» қиссасини 20-йилларда ўзбек тилига таржима қилган, илм-фанни тарғиб қилиб мақолалар ёзган. Энг муҳими шундаки, у фақат илмга, маърифатга даъват қилиш билан чекланган эмас. Ўзи ўртаҳол бир аҳволда ҳаёт кечирган бўлса-да, бор-будини харжлаб, туғилган қишлоғида икки хонали каттагина ғиштин мактаб қуриб берган. 15 йиллар чамаси олдин унинг юбилеи важдан профессор Бегали Қосимов билан бирга шоирнинг қишлоғига борган эдик. Шунда ҳам унинг қуриб кетган мактаби турган эди. Бу одамнинг суврати 20-йилларда «Мактаб ва ўқитувчи» журналида босилган эди. Унинг узун чопон кийган, катта салла ўраган, думалоқ гардишли кўзойнак таққан сиймосини кўрган одам дабдурустдан бирор-бир эскичароқ дин арбоби, деб ўйлаши мумкин. Ҳолбуки, у ўз даврининг энг илғор фикрли одамларидан бири бўлган, ватанга ватан ҳақида гап сотиш билан эмас, жиндай бўлса-да, амалий иш билан хизмат қилишни афзал кўрган инсон эди.

Шу тариқа пешинда Самарқандга етиб бордик. Дорилфунуннинг салкам минг киши сиғадиган муҳташам залидан адабиёт, шеъриятнинг муаттар ҳиди гуркираб анқиб турарди. Бу бежиз эмас эди, чунки Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунуни ҳамиша адабиётга, шеъриятга, санъатга, нафосат ва гўзалликка яқин бўлган. Бундан ташқари, бу залда май ойининг бошларида ўзбекнинг улуг шоири Фафур Фулом таваллудининг юз йиллигига ба-

ғишланган катта тантаналар бўлиб ўтганди. Залда ҳали ҳам бу улуғ инсоннинг руҳи кезиб юргандай туюларди.

Бу зал мен учун жуда ардоқли. Негаки, мен Самарқандни, унинг ажойиб одамларини, илм дунёсини биринчи марта ўзим учун шу қутлуғ даргоҳдан кашф эта бошлаган эдим. Мен бошқа қаламкаш дўстларим билан бирга бу ерда адабиёт кунларида, турли анжуманларда, шеъроят байрамларида, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир каби устозларнинг адабий кечаларида иштирок этганман, талабалар олдида нутқлар сўзлаганман. Самарқанд аҳли билан танишишим ва яқинлашувим ҳам университет домалари билан дўстлашувдан бошланган. Нуриддин Шукуров, Худойберди Дониёров, Жўра Ҳожиматов, Саъдулла Мирзаев, Ҳотам Умутов, Муслиҳиддин Муҳиддинов... Афсуски, буларнинг бир қисми бугун орамизда йўқ — уларга Аллоҳнинг раҳматлари ёғилсин. Лекин буларнинг ҳаммаси менинг кўп йиллик қадрдонларим, Самарқанд деган сирли дунёнинг майдонлари ва кўчаларидан, хиёбонлари ва боғларидан мени етаклаб юриб, менга унинг сиру синоатларини, латофатларини кўрсатишган, «Самарқанд» деб аталмиш буюк китобни ўқишимга раҳнамолик қилган одамлар. Шунинг учун мен Самарқандда зинҳор-базинҳор ўзимни бошқа жойлардан келган мусофир одамдай ҳис этмайман.

Тақдимот маросими бошланди. Мажлисни университет ректори очди. Биринчи бўлиб, профессор Саъдулла Мирзаев сўзлади. У китобни синчиклаб ўқиб чиққан экан, унинг тўғрисида батафсил гапирди. Сўнг Душан Файзий, аспирантлар, талабалар сўзлади. Тошкентлик меҳмонлар Абдуғафур Расулов, Мирпўлат Мирзаев, Маҳмуд Сатторовлар ҳам гурунгни роса қиздирдилар. Табиийки, гап, асосан, мустақиллик йилларидаги ҳаётимиз тўғрисида, уни бошқаришда фидойилик ва шижоат намуналарини кўрсатган Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг кўп қиррали фаолияти ҳақида кетди. Мен бу гапларни тинглаб ўтирар эканман, хаёлимдан яна бир бор Президентнинг маънавият бобида, олий таълимни янги изларга солиб юбориш бобидаги ғамхўрликлари ва ташаббуслари тўғрисида ўйладим. Шу жумладан, Самарқанд дорилфунуни тўғрисидаги ўйлар ҳам хаёлимни банд этди. Тўғри, бу дорилфунун 30-

йилларда ташкил топган эди, лекин шундай бўлса-да, янги ўзбек илми ва янги маданиятини шакллантиришда, халқ хўжалигига малакали етук кадрлар етказиб беришда жуда катта роль ўйнади. Дорилфунунни йўргаклаб олган ва оёққа тургазган одамлар орасида Фитрат, Садриддин Айний каби буюк арбоблар бор, Шароф Рашидов ва Ҳамид Олимжонлар шу ердан чиққан. Илмию фаолиятини шу ерда бошлаган Иброҳим Мўминов Тошкентга кўчиб ўтиб, ижтимоий фанларга карвонбошилиқ қилди. Мен бу муҳтарам зот билан бир неча бор учрашиш бахтига муяссар бўлгандим. Ҳозирга қадар бу улуғ зотни чуқур ҳурмат билан эслайман. Ахир, ўзингиз ўйланг — у йирик мансаб эгаси бўлишига қарамай, илмда ҳукмрон мафкурага маъқул келмайдиган ҳақиқатларни айтса, бошига қора кунлар ёғилишини жуда яхши билган ҳолда илмнинг ҳамма соҳаларида коммунистик мафкура дағдағалари авж пардага кўтарилган бир шароитда «Биродарлар, инсоф қилинлар, ахир Соҳибқирон Амир Темурнинг ижобий томонлари ҳам бор-ку, нега ундан кўз юммоқ керак?!» дея ҳайқириб чиққан эди. Албатта, у қаттиқ ҳужумлар остида қолди, қатағон бўронларига дуч келди, ҳатто Шароф Рашидов ҳам ўз устозини ҳимоя қилишга ожизлик қилиб қолди. Домла у дунёга риҳлат қилиш билангина таъна-дашномлардан, таҳқирли маломатлардан қутилди. Лекин домланинг Амир Темур ҳақидаги ўша рисоласи чиндан-да зулмат ичидаги бир тола нур бўлган эди. Уни эълон қилгани эса барча шогирдларига, барча зиёлиларга, ўз халқига фидойилиқ билан хизмат қилишнинг, илмий жасоратнинг, олимнинг ҳалоллиги ва виждонига садоқатининг сўнмас сабоғи бўлганди.

Тақдимот маросими давом этмоқда — минбарда нотиклар бири кетидан бири жўшиб-жўшиб гапирмоқда. Мен эса дорилфунуннинг буюк одамлари ҳақида ўйлашни давом эттираман. Шундай одамлардан яна бири Воҳид Абдулла эди. У адабиёт оламига 30-йилларнинг бошида «Хайричка» деган шеърий дostonча билан кириб келган эди. Шундан кейин салкам эллик йил мобайнида самарали меҳнат қилиб, ўзбек адабиётшуносларининг пешволаридан бирига айланди. 40-йилларнинг иккинчи ярмида ҳали ўзбек адабиётидан на мактаблар, на олий ўқув юртлари

учун дарсликлар йўқ бўлган, материаллар топилмайдиган шароитда мен 1917–1920 йиллардаги Хоразм адабий муҳити, Чокар, Мутриб каби шоирлар ҳақида домланинг илмий мақолаларидан маълумот топгандим. Кейин домланинг ўзбек адабиёти тарихидан ёзган дарслиги талабаларнинг мушкулини осон қилди. Бу китоб ҳозир ҳам хизмат қилишда давом этмоқда. Воҳид Абдулла кўп йиллар мобайнида кафедра мудирини ва университет ректори бўлди, у ўзидан кўпгина шогирдлар қолдирди. Домла уларни суйиб «тулпорларим» деб атарди ва уларнинг илмий фаолиятини синчиклаб қузатиб борарди.

Университет алломаларидан яна бир менинг яқин дўстим, илмдаги тенгдошларининг сардори, зукко заршунос олим, мунаққид Нуриддин Шукуров эди. Раҳматликнинг жуссаси кичик бўлса ҳам, илми баланд эди. У Самарқандда туриб айтган гап бутун республикага эшитиларди. У, айниқса, шеър илмини яхши билар, кўпгина шоирлар ижодини чуқур таҳлил қилиб берган, бу борада бир қатор қимматли китоблар қолдирган. Ўзи ҳам шеър машқ қилганми-йўқми – аниқ билмайман-у, лекин шеърга муҳаббати жуда баланд, минглаб сатр шеърларни ёд биларди. Жуда серҳаракат, ташаббускор инсон эди. Университетдаги кўпгина анжуманлар, илмий йиғинлар, адабий кечалар, юбилей оқшомлари шу инсоннинг ташаббуси билан ўтказиларди.

Бугун университетда фаолият кўрсатаётган олимлардан кўпгина одамнинг номини тилга олиш лозим. Лекин афсуски, бунинг иложи йўқ. Шунинг учун яна бир одам тўғрисида икки оғиз гап айтиш билан чекланаман. Бу яқинда 70 ёшни нишонлаган академик Ботир Валихўжаевдир. У ҳам Самарқанд мактабининг атоқли намояндаларидан бири. Кўп ишлайди, самарали ишлайди, мумтоз адабиётнинг кўпгина эски ва янги муаммолари ҳақида янгича фикрлар айтади, фан китобининг оқ саҳифаларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу инсон, айниқса, Алишер Навоий ҳазратларини дил-дилидан яхши кўради, унинг ҳар бир ғазалига ва ҳатто ҳар бир сатрига бениҳоя чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлади.

Мана, 70 йиллиги муносабати билан домла икки жилдли «Мумтоз сиймолар» деган китоб эълон қилибди ва унинг

бир жилдини бошдан-оёқ Алишер Навоийга бағишлабди. Ботирхон Валихўжаев ҳам шўро мафкураси билан анчамунча кирланиб, ёлгон аралашиб улгурган адабий меросимизни поклашда, унинг тўғрисидаги ҳақиқатни тиклашда ҳам беқиёс хизматлар қиляпти. Жумладан, унинг Хожа Аҳрори валий ҳақидаги рисоласи шундай асарлардан. Маълумки, шўро замонида уни билган ва ҳатто, кўпроқ билмаган «олимлар» бу буюк зотни ашаддий тескаричи, ўта маҳдуд, ҳар қандай зулм ва зўравонликларнинг раҳнамоси сифатида тарғиб қилишарди. Ҳатто Шайхзодадек аллома ва зукко ижодкор ҳам шу ҳукмрон қараш таъсиридан буткул қутула олмаган ва «Мирзо Улуғбек» трагедиясида Хожа Аҳрорни Мирзо Улуғбекка қарши турган ёвуз кучларнинг илҳомчиси қилиб кўрсатган. Валихўжаев ўз рисоласида Хожа Аҳрорнинг ҳақиқий қиёфасини очиб беради ва у бизнинг кўз ўнгимизда энг эътиқодли, покиза ва теран алломалардан бири сифатида, ўз қарашлари билан минглаб муридларнинг ихлосини қозона олган пири муршид сифатида кўрсатилган. Шунинг ўзини жуда катта савоб иш, том маънодаги илмий жасорат деса бўлади. Бу асари билан Ботирхон Валихўжаев ўтмишдаги маънавий қадриятларимиздан яна бирини халқимизга қайтариб берди. Кейинги пайтларда олим яна бир муҳим ғояни илм дунёсида қарор топтирмақ учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Университет ректори ҳам мажлисни очаётганда бу ғоя тўғрисида батафсил тўхталди. Бу – Самарқандда олий таълимнинг тарихий илдишлари ҳақидаги ғоя эди. Маълумки, шўролар даврида расмий доиралар «кўп халқларга, жумладан, ўзбекларга ҳам маданиятни биз олиб келдик, аслида улар саводсиз, онгсиз, қолоқ ва жаҳолат ичида яшайдиган бир халқ бўлган. Масалан, инқилобдан олдин улар ёппасига саводсиз эди», деган гапларни тарғиб қилишарди. Бу гаплар бўлмағур, ҳавойи гаплар эканини исбот қилгунча, она сутимиз оғзимизга келди. Саводсизлик ҳақидаги гап-сўзлар ёлгон эканини исбот қилдиг-у, лекин олий таълим масаласидаги гап ҳали ҳам аниқ бўлгани йўқ. Маълумки, бу масалада ҳам «биринчи олий ўқув юрти – Ўрта Осиё дорилфунунини шўролар очиб берган, авваллари бу ерда олий таълим бўлмаган» деган қарашлар ҳукмрон эди. Бунақа даъволарни олдинга сурадиганлар ҳаёт ҳақиқати-

дан, тарихий фактлардан бутунлай кўз юмадилар, мантиқ деган нарсани мутлақо инобатга олмайдилар. Биз — зиёлилар ҳам бу ёлғонга шунақа кўникиб қолганмизки, унинг чувини чиқариш, ҳақиқатни тиклаш кераклигига эътибор ҳам бермаймиз. Ахир, Берунийлари, Форобийлари, Ибн Синолари, Ал-Хоразмийлари, Ал-Фарғонийлари, имом Бухорийлари бор юртда олий таълим бўлмаган деб ким айта олади. Мирзо Улуғбекнинг жадвали ибтидоий мактабда ўқиб юрганида тузилган экан-да?! Бу ердаги Ибн Сино даврида Бухородаги, кейин Улуғбек давридаги Самарқанд кутубхоналари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган экан-да? Тўғри, қадимларда, эҳтимол, бизда, дорилфунун ёки «институт» сўзлари бўлмагандир, эҳтимол, олий ўқув юрглариининг номи «мадраса» ёхуд «мадрасаи олия» бўлгандир. Ахир, улар олий таълимнинг ўзига хос масканлари ва маконлари бўлган эмасми? Хўп, уларда, эҳтимол, диний илмлар дунёвий илмлардан устунроқ тургандир, лекин Оврупода ҳам олий таълим тизимининг илк қадамларида диний йўналиш устувор бўлган-ку! Хуллас, Ботир Валихўжаев «Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар» деган махсус китоб ёзиб, ишонарли фактлар асосида, бақувват мантиққа суяниб, бизда олий таълимнинг илдизи ўрта асрларга бориб тақалишини исбот қилиб берган. Домла ҳар хил манбаларни шу қадар чуқур ўрганганки, ҳатто IX—X асрлардан бошлаб, мадрасаларда дарс берган Муҳаммад ибн Фазл Балхий, Абу Бакр Муҳаммад Жузжоний, Муҳаммад ибн Муқобил Розий, XIV аср охирларида фаолият кўрсатган Саъдиддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний, кейинроқ яшаган Ҳожи Юсуф Самарқандий, Қози Соқий Зоминий ва яна бошқа кўпгина уламоларнинг номини аниқлаган.

Хуллас, Алишер Навоий номидаги дорилфунуннинг муҳташам залида ўтириб, қирқ йилдан ошиқроқ вақт мобайнида унинг билан мулоқотларимиз тўғрисида ўйлаб ўтирар эканман, тўсатдан бир ҳақиқатни англадим — мен гарчи бошқа шаҳарда истиқомат қилсам-да, бу дорилфунунда бевосита хизмат қилмасам-да, унинг билан ҳар куни юзма-юз учрашиб турмасам-да, бу илм маскани аллақачон менинг ҳаётимга кириб бўлган экан, маънавий оламимнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган экан.

Тақдимот маросими тугади. Ректор сўнги сўзни менга берди. Мен қисқароқ қилишга ҳаракат қилиб, ҳозиргина кўнглимдан кечган ўйларим ва туйғуларимни гапирдим, бу даргоҳнинг мўътабарлигини, у фақат самарқандликларнинг эмас, бутун ўзбек халқининг маънавий бойлиги эканини гапирдим. Сўзимни университет жамоасига, ректоратга миннатдорлик сўзлари билан тутатдим.

Ниҳоят, учрашувни ёпишдан олдин юртимизда аллақачон одат тусига кириб қолган таомилга кўра меҳмонларга совға-саломлар берилди. Талабалар бизни гулдасталарга кўмиб ташлашди. Ректорат университет жамоасининг кейинги йилларда эълон қилинган янги китобларидан туҳфа этди. Менга жуда ажойиб зар чопон ёпдилар. Назаримда, бу шунақа ярашдики, уни кийиб яшариб кетдим, ўзимни баайни куёв тўрадек ҳис этдим. Лекин университет толибаларининг биронтаси ҳам менинг куёв тўралигимга бир қиё боқиб ҳам қўймади — улар эсдалик тарзида дастхат олиш билан овора эдилар. Шу пайт ректор яна бир гапни эълон қилди — илмий кенгаш менга «Университет профессори» деган илмий унвон беришга қарор қилибди. Бу — мен учун мутлақо кутилмаган буюк бир туҳфа бўлган эди. Зиёли одам учун, ўзини илмга бағишлаган мендай бир заҳматкаш учун бундан ҳам олийроқ, бундан ҳам шарафлироқ мукофот бўлмоғи мумкинми? Мен уни чексиз миннатдорлик ва ифтихор туйғулари билан қабул қилдим. Бу шарафли унвонни оқлашга ҳаракат қилишга ваъда бердим.

Маросим ана шундай фараҳли ва кўтаринки кайфиятда тамом бўлди.

\* \* \*

Самарқанд — гўзал боғлар, сўлим хиёбонлар шаҳри. У буюк обидалар шаҳри. Самарқанд — нафосат ва гўзаллик шаҳри. У — илм ва маданият шаҳри. Шу билан бирга, Самарқанд — мўъжизалар шаҳри. Бу ерга қачонки қадамранжида қилсам, албатта, биронта катта-кичик мўъжизага рўпара келаман. Ҳар гал бу қутлуғ шаҳар менга ўзининг турфа хил қиёфасининг бирор жиҳатини намоён қилади, мен ақл бовар қилмайдиган бирор янгилик ёки гўзалликни кўриб лол қоламан, шаҳарга муҳаббатим ортади. Бу гал

ҳам шундай бўлди. Бу гал бизга хусусий меҳмонхонадан жой тайёрлашган экан. Мен, албатта, Самарқандда тижорат ишлари ҳам юксак даражада эканини билардим, лекин ҳозир кўрганим ҳаммасидан ҳам ортиб тушди. Карвонсаройга ўхшаган каттагина ҳовли. Унинг дарвозасидан кирсангиз, тепаси ёпиқ йўлакка, икки томондаги қатор уйларга, уларнинг тепасига қурилган иккинчи қатордаги жажжи-жажжи хоналарга рўпара келасиз. Хоналар жуда кўп. Ҳовли саҳнига кесма гиштлар ётқизилган. Бир чеккада чоғроқ ҳовуз — ҳали битмаган, шекилли, сув қуйилмаган. Ҳовлининг ўртасига қалин қилиб гуллар экилган, ниҳоллар ўтқазилган. Меҳмонларга аталган хоналар жуда шинам. Ҳар хонада биттадан ё иккитадан ёғоч каравот, кийим учун жавонлар, телевизор, тунги чироқлар... Меҳмонлар учун шу даражада қулайликлар яратилганки, ҳатто стол тортмаларига шамлар ҳам қўйиб қўйилган — мабодо электр ўчиб қолса... Бу ерга асосан хорижлик меҳмонлар келар экан. Биз келганда ҳам меҳмон кўп эди, мезбонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Хуллас, хусусий меҳмонхонанинг ишлари жойида экани яққол кўриниб турганди. Бунинг, албатта, ҳеч қанақа ҳайрон қоладиган жойи йўқ эди — Самарқандда ишнинг кўзини биладиган, уддабурон, тадбиркор, ташаббускор одамлар мўллиги аввалдан ҳам яхши маълум эди. Ҳамма мўъжиза шунда эдики, ҳозир ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, «кичик бизнесни ривожлантирайлик, унга қўйилган тўсиқларни йўқотайлик!» деб жон-жаҳди билан курашаётган бир шароитда, бир-бирини шу ишга ҳисса қўшишга даъват қилишдан чарчамаётган, лекин шунга қарамай, «кичик бизнес» олға ҳаракатланмай, ўжар отдай оёғини тираб туриб олган бир вазиятда ишлари жуда тез суръатлар билан юришиб кетаётган бу хусусий меҳмонхона кўзимга ноёб ҳодисадай кўринди.

Мен унинг сиру синоатини билмоқ ниятида меҳмонхонанинг каттаси — мезбонимиз Раҳмат акадан у-буни суриштира бошладим. Билмадим, саволларим қўполроқ чиқдими, Раҳмат ака бир-икки жавоб берди-ю, кейин ниманидир баҳона қилиб ўрнидан туриб кетди. Кейин қайтиб ёнимга келмади. Шундай қилиб, саҳрода ям-яшил воҳадай кўзга иссиқ кўринган бу гўзал масканнинг сирларини билолмай доғда қолавердим.



Мўъжизалар бу билан тугамади. Мезбонимиз, университет профессори Муслиҳиддин Муҳиддинов эртасига эрталабдан тузукроқ нонушта қилиб улгурмасимиздан бизни яна университетга етаклади — кеча вақтимиз тифизлигидан кўришимиз керак бўлган жойларни тўла кўролмаган эканмиз. Биз рози бўлдик, негаки, университет олдигаги хиёбон унча катта бўлмаса ҳамки, шаҳарнинг энг обод, энг дилкушо жойларидан бири. Унинг ажойиб ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, сайр қилишнинг ўзи кишига адоқсиз бир роҳат бағишлайди. Хиёбон аввалги кўрганимизга қараганда нечукдир очилиб, яшариб кетибди. Бундан бир неча йиллар аввал унинг бир томонига Навоий ҳайкалини ўрнатишган ва у хиёбонга жуда ҳам ярашиб тушганди. Бу гал унинг Регистон томонга қараган этагига Соҳибқирон Амир Темурнинг муаззам ҳайкали ўрнатилибди. Мен уни кўриб, архитекторларимизнинг санъатига яна бир марта тан бердим. Ҳайкалнинг ён-верига майдонча шундай ишланибдики, авваллари кичиккина бўлиб кўринадиган бир бўлак ер катта майдондай таассурот қолдиради. Эңли зиналар бу манзарага алоҳида улуғворлик бағишлайди. Зиналар тепасида шоҳсупа. Аниқроғи, унда Соҳибқироннинг тахти. Тахт устида гўё ўзи барпо этган мангу гўзалликка тикилиб, келажакка нигоҳ ташлаб, хаёл суриб ўтирган бобокалонимизнинг сиймоси. Жуда таъсирчан! Назаримда, буни ҳайкалтарошлик ва меъморчилик санъатининг қўшилишидан ҳосил бўлган ноёб санъат асари деса бўлади.

Муслиҳиддин бизни қистай-қистай университетга ундади, унда бир музей бор экан, шуни кўрмасак, бўлмас экан. Яхши меҳмон мезбоннинг йўриғига индамай юриб кетаверадиган одам бўлади. Биз яхши меҳмон эдик, яна университет остонасига қадам қўйдик.

Муслиҳиддин бизни бекорга қистамаган экан. Кеча вақт тифизлигидан у ёқ-бу ёққа тузукроқ назар ташламай, тўғри мажлисга кириб кетаверибмиз. Ҳолбуки... Сирасини айтганда, бу бино менга илгаридан таниш эди. Унинг қурилганига анча йиллар бўлиб қолган, лекин тузукроқ таъмирланмаганидан кўримсиз ҳолга келиб қолганди. Шунинг учун аввалги келганларимда унинг шаклу шамойилига бир қур назар ташлардим-у, кўпроқ ёнидаги китоб дўконига кириб олиб, китоб титкилаш билан банд бўлардим. Бу гал қарасам, мун-

киллаган эски бино бутунлай яшариб кетибди, яхшилаб таъмирланибди, бўялибди, бир вақтлар, шилпиқ кўринадиган деразалар ювилиб, тозаланганидан чарақлаб турибди. Мармар зиналардан кўтарилиб, ичкарига кирдик. Кенггина фойенинг полига мармар тўшалган, бир нечта устун ҳам мармардан янги либос кийган. Кунгираддор панжарали зина ҳам кўзни олай дейди. Эскини ямагунингча эсинг кетади, деган мақол бор эди. Буни қарангки, у ҳамма вақт ҳам тўғри келавермас экан. Аксинча, бу ўзгаришларни кўриб, қаловини топсанг, қор ёнади, деган бошқа мақол эста тушиди.

Кейин мезбонларимиз университет йўлагининг деворларига ишланган сувратларни кўрсатишди. Уларни расомлар «фреска» дер эди, шекилли. Ҳар ҳолда бунақа сувратлар ишлаш бизда унчалик кенг тарқалган эмас. Аммо бу ерда полдан шифтгача ишланган панноларда шарқ миниатюраси услубида ўзбекларнинг маданият ва маърифат тарихининг асосий босқичлари акс эттирилибди. Бу ўлка қадимдан илм-маърифатга ошна, юксак маънавий қадриятлар яратган ўлка экани, шарқ илм-фани, фалсафаси, адабиёт ва санъати бу ерда чуқур томир ёйгани ҳақидаги гоё ёрқин ифодалаб берилибди. Деворда Беруний ва Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар билан бирга бугунги машҳур аллома ва адабиёт намояндаларининг сувратлари ҳам чизилган. Бундай улуғвор паннони кўрган ҳар қандай одамда ўз юрти, ўз халқи учун ифтихор туйғулари уйғониши турган гап эди. Мен девордаги сувратларга маҳлиё бўлиб қараб турар эканман, назаримда бу сувратлар ҳамиша шу ерда бўлгандай туюлаверди. Мен Муслиҳиддинга ўгирилдим:

— Бу сувратлар илгари ҳам бормиди?

— Қаёқда дейсиз, домлажон, — деб жавоб берди у. — Бинонинг таъмирланиши ҳам, мармар либослар ҳам, мажлислар залимизнинг анжомлари ҳам, девордаги расмлар ҳам сўнгги тўрт-беш йил ичида бўлди. Барака топсин, ректоримиз кўп ажойиб инсон экан. Эрта-ю кеч университетнинг равнақи учун жон кўйдиргани-кўйдирган. Нафақат унинг сувратини, балки сийратини ҳам замонавий даражага кўтариш учун қайғуриб ётибди.

Университет ҳовлисида бизни яна бир эътиборга молик маскан кутмоқда эди. Бу — университетнинг табиат

музейи эди. Болалик чоғларимда Эски Жўва бозорининг биқинида инқилобдан олдин қурилган бир эски бинода шунақа музей бўлгани эсимда. У «Ажойибхона» деб аталарди ва унда кўпгина жониворларнинг ичига сомон тикилган шакллари худди жонлидай териб қўйилганди. Ажойибхонага кириш бепул эди, шекилли. Биз — болалар имкон топилди, дегунча бу ерга югуриб келиб, роса томоша қилардик. Университет музейи менга ўша олис болалик йилларимни эслатди. Бироқ бу музей шунчаки, оддий бир томошагоҳ эмас эди, у илмий муассаса эди. Университет талабалари биологиядан амалий машғулотларини шу ерда ўтказишар, ўлкамизнинг кўпгина нодир жониворлари, ҳатто ҳозир йўқ бўлиб кетган намуналарини ҳам шу ерда кўриб, ўрганишар экан. Билмадим, ҳозир республикадаги бошқа бирон ўқув юртида шунақа музей борми-йўқми? Негаки, ҳозир бунақа нарсаларга пул ажратилмайди. Модомики, шунга қарамай, бу музей мавжуд экан, ҳар жиҳатдан бадастир аҳволда умр кечиришда давом этаётган экан, бу фақат бирор-бир фидокор одамнинг хатти-ҳаракатларининг оқибати бўлмоғи керак эди. Шундай бўлиб чиқди — кафедра мудири Абдурашид Жабборов мана шу ўлик жониворлар, спиртга солинган илону чаёнлар, турфа хил жониворларни жонидан ортиқ яхши кўрар экан. У музей экспонатлари ҳақида гапирар экан, гурурдан, завқ-шавқдан энтикиб кетарди. Шоирга илҳом келганидай унга ҳам гаплар қуйилиб келарди:

— Мана бу Туркистон йўлбарси. Териси ҳақиқий йўлбарсники. Бу йиртқичнинг сўнгги нусхаси ўлиб кетганига бир неча аср бўлди. Мана, филнинг бош чаноғи. Уни Амир Темур Ҳиндистондан олиб келган. Мана буниси — бургут. Қарчиғайлар оиласига киради. Ҳозир ҳам бор. Умуман, бизда Ўзбекистон қушларининг энг зўр коллекцияси бор. Улар 460 дан ортиқ.

— Шу қушларнинг ҳаммасини ўзбекча номи борми? — деб сўрадим мен кўпинча қуш номларини таржима қилишдаги қийналишларимни ўйлаб.

— Ҳа, албатта. Ҳаммасининг ўзбекча номи бор...

Абдурашид бизга ҳали яна кўп нарсаларни кўрсатиб, кўп ҳикояларни айтиб бермоқчи эди. Аммо биз дастурларимизнинг қули эдик. Бизни дастуримизнинг навбатдаги

банди кутмоқда эди. Биз узр сўраб, Гўри Амир томон йўл олдик. Ё Парвардигор, қай кўз билан кўрайки, Гўри Амир ҳам, Шоҳизинда ҳам, Регистон ҳам, Бибихоним масжиди ҳам бутунлай ўзгариб кетибди. Йўқ-йўқ, обидалар ўша-ўша эди. Фақат таъмирланган, яхшилаб бўялган — безалган. Атрофлари озода, супуриб-сидирилган, ҳар хил ха-шаки ва тасодифий нарсалардан холи қилинганди.

Мен бу ёдгорликларни авваллари ҳам кўп кўрганман. Ўшанда ҳам уларнинг ҳар қайсисига «Давлат томонидан ҳимоя қилинади», деган лавҳалар илиб қўйилган бўларди. Лекин шу «ҳимоя» амалда унча кўринмасди. Гўри Амир ҳам, Шоҳизинда ҳам, Бибихоним ва ҳатто Регистон ҳам аллақандай қинғир-қийшиқ тор кўчаларда, япасқи лойсувоқ уйлар қуршовида қолиб кетган, уларнинг ҳамсоялигида ўзларининг виқорлари ва салобатларидан маҳрумдай кўри-нарди. Энди эса бутунлай бошқа хил манзара. Пастқам кўчалар йўқ. Хароба уйлар олиб ташланибди. Обидаларнинг атрофларида кенг-кенг майдонлар пайдо бўлибди. Бу майдонларда энди ҳар қайси обида ўзининг жамики улуғворлиги билан кўриниб турибди. Улар шу қадар салобатлики, ҳар қандай зиёратчининг қалбини ларзага солади — одамлар бу мангу гўзаллик қаршисида энтикиб кетадилар ва ажодларимиз шаънига яна бир бор тасаннолар айтадилар. Энг муҳими эса — майдонлар очилган, Гўри Амир ҳам, Регистон ҳам, Шоҳизинда ҳам, Бибихоним ҳам бир-бирлари билан бирлашиб, яхлитлик касб этибди. Гўё ўтмишдаги улуғ меъмор уларнинг ҳаммасини бир-бирини тўлдирувчи яхлит ансамбль қилиб яратгандай. Бу обидалардаги яхлитлик, улуғворлик улуғ Соҳибқироннинг пойтахтига муносиб ёдгорлик бўлгани энди яққол кўринибди.

Мен кўп йиллар мобайнида нега шундай қилинмаганини суриштирдим. Кечадан бери бизни кутиб олиб, ёни-мизда гирдикапалак бўлиб юрган мезбонларимиздан бири, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам шоир Исматилла Йўлдошев қандайдир ички ифтихор билан жавоб берди:

— Бунинг ҳаммасига Истиқлол сабабчи. Истиқлол бутун Самарқандни ҳам, унинг обидаларини ҳам яшартириб юборди. Баайни уларга янги умр ато қилгандай бўлди.

Бу гап умуман тўғри эди, лекин бир оз умумийроқ эди. Мен дедим:

— Гапингиз тўғрику-я, лекин эски жин кўчаларни олиб ташлаш, обидаларнинг чиройини очиш, уларнинг ҳаммасини бир улугвор обида қилиб бирлаштириш бирор одамнинг эсига келгандир, ахир. Бу ерда зеҳни ўткир, теран фикрли, теран ўйлайдиган меъморнинг қўли сезилиб турибди.

Исматилла жилмайди:

— Меъмор эмас, Президентнинг иши бу. Ислон Абдуганиевич ҳар гал Самарқандга келганларида бирор-бир масалада қимматли маслаҳатлар берадилар, кутилмаган гоёларни ўртага ташлайдилар. Бу жойларни қайта қуриш ҳам у кишининг маслаҳатлари билан бўлди.

Ҳа, юртини яхши кўрган, уни обод қиламан, деган одам ўз муҳаббатини ошкор қилишнинг йўлини топарар экан. Биз ўтган ота-боболаримизнинг руҳи покларига тиловат қилиб, қўлларимизни юзимизга сурдик.

Дастуримиз тамом бўлди. Сафаримиз қариди. Мезбонлар билан хайрлашгани чоғландик. Лекин Самарқандда янги таомил чиққан экан — меҳмонларни Сиебгача олиб бориб, ўша ердан кузатиб қўйиш расм бўлибди. Сиебга қараб йўл олдик. Самарқанд бозори тўғрисида махсус ёзмоқ керак. Аммо бунинг учун камида Эмил Золя бўлиб, «Парижнинг авраастари» деганга ўхшаш бир роман ёзиш керак. Менинг қаламим эса ожиз. Бунинг устига сафарнома ҳам анча чўзилиб кетди. Шу хаёллар билан бозор ёнидаги кўчадан кетиб борар эканмиз, ўнг томонда олди темир панжаралар билан тўсилган, тўрт қаватли шинам иморат кўринди.

— Президент ўқиган мактаб, — деди Муслиҳиддин. — Ислон Абдуганиевич шу жойларда ўсиб улғайган.

Гап айланиб, яна Президентга, унинг фаолиятига кўчди, унинг чинакамига фидокор инсон экани, том маънода ўзбекларнинг фаровон истиқболи йўлида ёниб яшаётгани ҳақида кетди. Суҳбатдошларимиздан бири деди:

— Китобингизга жуда топиб ном қўйибсиз. Ҳақиқатан ҳам у кишини ҳеч иккиланмай истиқлол меъмори деб атаса бўлади.

Мен мийигимда кулдим.

— Китобга номни мен қўйганим йўқ. Менга Эркин Аъзамов шуни маслаҳат берди. Қолаверса, бу Эркиннинг ҳам кашфиёти эмас, бу номни халқнинг ўзи топган. Одамлар анчадан бери у кишини шундай деб аташади...

Сиёбда, Расадхона олдида мезбонлар билан хайрлашдик. Йўл озуғи деган маънода ҳар қайсимиз Самарқанднинг машҳур патиридан бир жуфт-бир жуфтдан олиб олдик. Сўнг «Қайдасан, Тошкент?» дея йўлга тушдик. Тошкентга кириб келганимизда оқшом тушиб, қош қорая бошлаган эди. Лекин дилимиз равшан, кўнглимиз чароғон эди. Самарқанд юлдузларининг сўнмас шуъласи дилларимизни нурафшон қилиб турарди.

## НАЖОТ – ҲАМКОРЛИҚДА

(Салмон Рушдига очиқ хат)

*Жаноб Салмон Рушди!*

Мен «Шайтон оятлари» деган асарингиз важидан бўлган можаролар туфайли биринчи марта номингизни эшитгандим. Ўшанда шарият судининг сиз тўғрингиздаги ҳукми аввалига менда норозилик уйғотган эди, лекин асарингиз билан танишиб чиққанимдан сўнг сизни оқлаш учун етарли асос топа олмадим. «Шайтон оятлари» ҳар қандай мусулмоннинг энг муқаддас диний туйғуларини таҳқирлайдиган асар экан. Ўшанда сиз шарият ҳукмидан қочиб, Англияда бошпана топдингиз. Менда эса бошқа асарларингиз билан танишишга иштиёқ қолмади.

Орадан йиллар ўтди. Яқинда «Нью-Йорк таймс» газетасида мақолангизга кўзим тушди. Орадан шунча сувлар оқиб кетди. Шу одамда ҳам қандайдир ўзгаришлар содир бўлгандир, деган ўй билан мақолангизни кўлга олдим. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади: «шафқатсиз, тошбағир ислом»ни фош этиш жазаваси ҳамон сизни тарк этмапти. Мақолада Нигерияда яқинда «Жаҳон ойим» танлови атрофида бўлиб ўтган воқеалар, зино қилган нигериялик мусулмон аёлнинг тошбўрон қилишга ҳукм этилгани, Эронда юқори рутбалик дин арбоби тўғрисида қалтис гап айтгани учун ўлимга ҳукм қилинган йигит, голландиялик мусулмон аёлнинг эркаклар зулмидан шикоят қилгани учун таъқибга учрагани тилга олинган. Мақолада мисрлик Муҳаммад Субҳнинг яҳудийларга қарши кайфиятдаги кўп серияли фильми ҳам эътибордан четдан қолмаган. Табиийки, ислом зулмидан жабр кўрган одамлар сафига ўзингизни тиркаб қўйишни ҳам унутмабсиз.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси факт. Афтидан, уларнинг сонини янада кўпайтирса бўлади. Улар бир ипга тизилиб, бугунги «ёвуз, ғаддор, бутун дунёни бесаранжом қилиб турган ислом»нинг ёқимсиз сиймосини яратишга хизмат қилади. Албатта, жаҳон матбуотида исломга қарши ёзилган бунақа мақолалар кўп. Бу мақолани: «Ҳа, энди аламзада бир одам яна дардини айтиб йиғляпти-да», деб индамай қўя қолса ҳам бўлаверар эди. Аммо мақола қай бир даражада «ислом зиёлилари»га мурожаатга ўхшаб кетади. Сиз мақолангизда келтирилган далиллардан ислом фанатизми ҳақида, фундаментализм ва экстремизм тўғрисида умумлаштирувчи хулосалар чиқарасиз ва зиёлиларни бу иллатларга қарши фаол курашмаётганликда айблайсиз. Сизнингча, ислом зиёлилари бугун деспотизм шароитида қулларча мутелик билан ҳаёт кечирмоқда, сиз уларни «зиндонлар эшикларини парчалаб», тафаккурни эркинликка олиб чиқишга даъват қиласиз. Ҳатто қизишиб кетиб, исломни янгилаш, «замонавийлаштириш» тўғрисида «қимматли» маслаҳат беришдан ҳам тийилмабсиз. Чиндан-да тан бермасдан илож йўқ — кўп асрлардан бери миллиардлаб одамларнинг қалбини нурлантириб келаётган жаҳон динларидан бирини ўзи тўқиб чиқарган айбларни тақиб, уни «янгилашга» чақирмоқ учун ё одамнинг отнинг калласидек юраги бўлмоғи, ёхуд жиннипинни бўлиб қолмоғи керак. Яхшиси, бу гапларни қўйиб, асосий масалага кўчайлик.

Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак, жаноб Рушди, бу мактубни ёзишдан мақсад на ислом, на унинг зиёлиларини ҳимоя қилиш эмас. Улар менинг ҳимоямга муҳтож эмас. Негаки, ислом зиёлилари ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам истанг аниқ фанлар соҳасида, истанг фалсафа, адабиёт ёхуд руҳоният бобида жаҳон тамаддунига жуда катта ҳисса қўшганлар ва қўшмоқдалар. Исломнинг ниҳоятда мукамал, таъсирчан ва юксак даражадаги диний тизим экани ҳам аллақачон инсоният томонидан эътироф этилган. Ҳатто бугун ҳам — дунёнинг турли гўшаларидаги енгил шуҳрат ишқибозлари исломни жон-жаҳдлари билан қоралаб ётган бир шароитда Ж.Кусто каби буюк олимларнинг исломни қабул қилгани ёхуд бу диннинг Япония каби тараққий этган мамла-

катда тобора кенгроқ тарқалиб бораётгани унинг қудратидан ва жозибасидан дарак бериб турибди.

Лекин таассуфлар бўлғайким, бугунги кунда исломга тош отаётган, йўқ иллатларни зўр бериб унга ёпиштираётган, номусулмон юртларда унга қарши нафрат туйғусини ҳосил қилишга уринаётганлар кўпайиб қолди. Ҳар хил шуарою адиблар, сиёсатчилар, катта-кичик давлат арбоблари «ислом фактори», «ислом хавфи», «ислом терроризми», «ислом экстремизми», «ислом фанатизми» ва шунга ўхшаш «измлар» ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Мана, сиз ҳам бу гапларнинг чинлигига астойдил ишонасиз, шекилли, калта ўйлайдиган ва билиб-билмай ҳовлиқадиган одамларнинг қарашларини тасдиқлайдиган мақола ёзибсиз. Ачинарли жойи шундаки, бу ола-қуроқ шовқин-суронда баъзан тузук-тузук одамларнинг ҳам овозлари эшитилиб қолади. Афтидан, талвасага тушган одамларнинг жазаваси юқумли бўлади, шекилли, баъзи бировлар кўп йиллик касб-корларини қўйиб, этакларини тошга тўлдиришга киришадилар. Масалан, машҳур шахматчи Каспаров Олмонияда чоп этилган, сўнг «Труд» газетасида кўчириб босилган суҳбатида исломга нисбатан ўта душманлик руҳида гап айтибди. У ёзади: «Исломга қарши салб юришини бошлаш керак эмас. Бироқ мусулмон дунёсининг бир қисми, жангари фундаменталистлар бизга уруш эълон қилди, биз ҳам уларга жамики шафқатсизлик билан жавоб бермоғимиз лозим. Бизнинг душманларимиз террористларгина эмас, уларни қўллаб-қувватловчилар ҳамдир». Билмадим, Каспаров жаҳон биринчилигини ютқазиб қўйиб, бу гапларни алам устида айтганими, ҳар ҳолда гапининг оҳангидан қўлида атом бомбаси бўлса, уни ўша «душманлари» бошига ташлашдан ҳам тоймайдиган кўринади. Тавба дегим келади — билмаган нарсага аралашмоқ не керак, шахмат ўйнаб юраверган яхши эмасми?

Билмадим, одамларнинг мудом тили қичиб турадими ёхуд қўли қичийдими, ҳар ҳолда, кўпчилик борига қаноат қилиб, тинчлик билан умргузаронлик қилишни билмайдилар ёки истамайдилар. Яқин-яқинларда, учинчи минг йилликни кутиб олишда ХХІ аср ниҳоят тинчлик асри бўлишини, одамларга ақл кириб, ихтилофу низоларни



кўйиб, тинч-тотув яшамоқларини орзу қилган эдик. Афсуски, орзумиз ушалмади. Бу асрни ҳам бомбаларнинг портлаши, милтиқларнинг қасир-қусури, ракеталарнинг қашқир мисол чийиллашлари билан кутиб олдик. Инсоният бирон хавф-хатарга қарши курашмаса туролмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Ҳаётда бундай хатар бўлмаса, уни ўзи ўйлаб чиқаради. Мана ҳозир ҳам — ўйлаб чиқарилган ислом хавфи, яшил хатар... Ҳолбуки, аслида ислом хатари йўқ нарса — ислом тинчлик, тотувлик, аҳиллик дини. У биронта динга ёки биронта сиёсий тузумга қарши эмас, унинг биронта ақидаси, биронта қонунқондаси, бирон ғояси урушга чақирмайди, зўравонликни мадҳ этмайди, зулмни оқламайди. У одамларни фақат покликка, тўғрилиқка, инсофга, адолатга ундайди. Фанатизм ёхуд фундаментализм, терроризм ёхуд экстремизм деганлари исломнинг моҳиятига тааллуқли эмас, балки исломни талқин қилувчи одамлар савияларидан, билим даражаларидан, манфаатларига кўра шунга ўхшаш иллатларни вужудга келтириши мумкин. Шунини ҳам айтмоқ керакки, бу иллатлар номусулмонлар ўртасида ҳам кўп.

Яқинда Россия президенти В.В.Путин фуқаролар билан телемулоқотда терроризм ва ислом ҳақидаги масалага жуда донолик билан жавоб берди. У бу икки тушунчани бир-биридан кескин ажратиш керак, деган фикрни айтиб, террористларни тавсифлаш учун хитойларнинг ажойиб бир иборасини келтирди: террористлар кўкрагида сути бор ҳар бир хотинни «онам» деб орқасидан югурадиган одамлар. Уларни фарқлаш жуда-жуда муҳим, акс ҳолда, номусулмон омманинг онгида ислом дунёдаги ҳамма ёвузликлар, ҳамма иллатларнинг жаъмул жами сифатида гавдалана бошлайдики, бу ҳозир баъзи жойларда кўринаётганидай, қонли можароларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Зўрлик эса ҳамини зўрликни туғдиради. Бунақа учқунлардан шунақа гулхан пайдо бўлиши мумкинки, унинг ёлқинларида Шарқ ҳам, Ғарб ҳам куйиб кул бўлиши ҳеч гап эмас.

Жаноб Рушди! Мен сизга насиҳат қилиш фикридан жуда узоқман. Шунингдек, сизга ақл ўргатмоқчи ҳам эмасман. Шунинг учун ҳаммага яхши таниш бўлган маълум гапларни кўпроқ гапириб юборганим учун мени маъзур тутасиз.

Ўйлашимча, номусулмон зиёлилари билан ислом зиёлилари бир-бирларига таъна тошларини отишдан тийиб, гинахонликни йиғиштириб қўйиб, бир-бирларини тушунишга, бир-бирларига дилкаш ва дардкаш бўлишга ҳаракат қилмоқлари керак. Бир-бирини қоралаш, бир-бирига зуғум қилиш йўли муқаррар тарзда боши берк кўчага олиб киради. Унда «борса келмас» жойлардан қайтиш анча оғир кечади.

Мана, биргина мисолни олиб кўрайлик. Сизнингча, мусулмон дунёсида аёлларнинг аҳволи мутлақо ўзгаришсиз — улар ҳали ҳам ичкарининг қули, эркаклар улар ус-тидан зулм ўтказади, уларнинг ҳамма ҳуқуқлари тортиб олинган, аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги масаласи эса кун тартибига қўйилган ҳам эмас. Шунинг учун зудлик билан аёлларни оврупоча озодлик билан таъминламоқ керак.

Бу ўринда бундай қарашларнинг нотўғрилигини айтиб, аёллар масаласида шарият ҳуқуқининг қонун-қоидаларини баён қилишга киришсам, бир эмас — бир нечта мақола ёзишга тўғри келарди. Шахсан мен аёл ва эркакнинг тенг эмаслигини ва ҳатто тенг бўлиши мумкин эмаслигини ёқлайман. Тўғрироғи, инсоний ҳуқуқлар нуқтаи назаридан улар тенг бўлиши керак, албатта, аммо ҳаётда тутган ўрни жиҳатидан, зиммасига юкланган олий ва илоҳий вазифаси жиҳатидан, оналиги жиҳатидан у эркакдан беқиёс юқори туриши керак. Шунинг учун тош кўтарган, футбол ўйнаган, боксда бир-бири билан муштлашган, ўзаро кураш тушган хотинларни кўрсам ғашим келади, ҳатто ғазабим кўзийди. Чунки табиат қонунларига амал қилмоқ — эркак эркакнинг, аёл аёлнинг ишини қилмоғи керак, деб ҳисоблайман. Негаки, мен ҳар қанча зиёли бўлмай, томирларимда бир оз бўлса-да шарқона ёхуд мусулмон қони оқади, яъни аёл киши эркакча ишласа, рўзгор аравасини бир ўзи тортса, ортиқча кучанса, зўриқса, бунга ор қиламан. Юртимизнинг бошқа кўпгина эркаклари каби менинг ҳам қон-қонимга ва ҳатто қонимдан ўтиб, ирсиятимга сингиб кетган бир ақида бор — рўзгоримни бутлаб қўйиш, аёлимни ҳеч нарсага зориқтирмаслик, унинг шойиста ҳаёт кечирмоғи учун зарур шароитни таъминлаб боришни ўзимнинг бирламчи бурчим деб ҳисоблайман. Бизда эркак одам эркаклиги

билан эмас, биринчи навбатда, аёлмандлиги, оиласидаги аёлларга ғамхўрлиги билан белгиланади. Бу ақидалар кеча пайдо бўлган эмас, улар асрлар синовидан ўтган. Шунинг учун бўлса керак, аёлларимиз ҳа деганда оврупоча эркинликка интилавермайди, эркакларнинг «зулми»га, ичқари «тутқунлиги»га чидаб яшайди. Кўринадикки, бизда бу масалалар аллақачон бир шаклга тушган ва маданий менталитетимизнинг узвий қисмига айланган. Бу ўз навбатида бизнинг ҳаёт фалсафамизни ҳам, ахлоқий-маънавий қадриятларимизни ҳам белгилайди. Шунинг учун биздаги эмансипация ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос шаклларда амалга ошади.

Мен оврупоча эмансипация қандай бўлиши кераклиги тўғрисида йўриқлар бермоқчи эмасман — бунинг фойдаси йўқлигига ақлим етади, лекин бу масалада баъзи фикрларим борки, уларни айтмай туролмайман.

Оврупода ва, айниқса, Россияда хотин-қизлар эмансипацияси уларни «ижтимоий-фойдали меҳнатга» жалб қилиш шиори остида ўтди. Фақат завод ва фабрикаларда, кон ва қурилишларда, далалар ва боғларда ишлаган аёлларгина чинакам озод аёллар, деб ҳисобланди, қолганлари эса, масалан, уйда ўтириб, 4–5 та болани тарбиялаб, вояга етказган аёл ичкарининг ёки оиланинг тутқуни ҳисобланди, негаки, у «фойдали меҳнат билан» машғул эмас эди. Шундай қилиб, XX аср бошларида миллионлаб аёллар оиладан ажратиб олиниб, бевосита ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Албатта, аёллар ишлаб чиқаришда эркаклар билан барабар бўлмаса-да, бир қатор ҳақ олдилар ва эҳтимол, бу пуллар уларнинг рўзғорида жуда асқотгандир. Лекин шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришдаги эркин аёл эркакча сўкишни ўрганди, ичкиликка ружу қўйди, чека бошлади, юриш-туришида ўз ўзидан аёллик тароватини йўқота бошлади. Бунақа «озодлик»нинг ҳисоб-китобини қилиб улгурмасдан, шахвоний инқилоб бошланди. Оврупо мамлакатларида бошланган бу ғайриинсоний ҳодиса чўл ёнғинидай бир зумда Россияга ҳам етиб келди ва бу ердаги аёлларнинг қолган-қутган латофатларини ҳам куйдириб битирди. Натижада, аёлларнинг бети қотиб кетди, улар ҳам, эркаклар ҳам уят ва ҳаёни йиғиштириб қўйиб, ишрат масалаларини

очикдан-очик, бепарда, беибо сўзлар билан муҳокама қила бошлашди. Оврупода ва кейинги ўн йиллар ичида адабиётда шунақа шармандали шаҳвоний вазиятлар ошкора тасвирландики, уларни кўрса ҳатто машҳур Маркиз де Сад ўз асарларида ишрат масалаларини нечоғли ношудлик билан тасвирлаганини кўриб, хижолатдан яна бир бор ўларди.

Наҳотки, «аёл озодлиги» деган юксак тушунча илиққан жойда қовушиб кетавериш имконидан фойдаланиш бўлса? Наҳотки, озод аёл «бир тўшақда бир вақтнинг ўзида ҳам эрим, ҳам ўйнашим билан бирга ётишни истайман», деб баралла айтса?

Мен биламан — ишқий масалалар муҳим, мураккаб, турфа хил масала, лекин у интим ҳодиса-ку? Худо (истаганлар, майли, табиат десин) инсонни яратганда уни ҳайвондан фарқ қиладиган қилиб яратган. Шунинг учун унга ҳаё, уят, ибо каби сифатларни берган. Бу сифатлар асрлар давомида инсоннинг инсонлигини сақлаб келган ва инсониятни қанчадан-қанча фалокатлардан, бало-қазолардан, чириш-иришлардан асраб келган.

Энди эса биз инсонликнинг ана шу муҳим сифатини улоқтириб ташлаб, яна ҳайвонлик палласига қайтмаяпмизми? Масаланинг бошқа томони ҳам бор — «эмансипация» пардаси остида бузуқлик, фаҳш, шаҳватпарастлик жуда кенг тарқади — бунинг оқибатида «муҳаббат» деган қадриятдан путур кетди, жамият асосини ташкил қилувчи оила заифлашди, қўйди-чиқди кўпайди, туғилиш камайиб, бутун бошли миллатлар учун йўқолиб кетиш хавфи кўрина бошлади, болалар тарбияси ёмон аҳволга тушди, СПИД кучайди, наркомания кенг тарқала бошлади. Бу нохуш, тўғрироғи, ҳалокатли воқеалар осмондан тушгани йўқ ёки мусулмон жамиятларидан юққан ҳам эмас.

Шундай бўлгандан кейин, ҳали фурсат бутунлай бой берилмасдан олдин зиёлилар йиғилиб, шундай масалаларни ошкора муҳокама этсалар, боши берк кўчадан чиқиш йўллари изласалар бўлмайдими? Бу дунё ҳисобкитобли дунё — ҳамма нарсанинг ҳақини тўлаш керак. Озодлик учун ҳам, роҳату фароғат учун ҳам, шаҳватпарастлик учун ҳам... Бутун шарқ файласуфлари, мусулмон

мутафаккирлари, фақат уларгина эмас, бугун панд-насиҳатлари ва ўғитлари бутунлай унутиб юборилган улуг юнон донишмандлари ҳам одамларни бежиз нафсни ти-йиб яшашга чақиритган эмас.

Менинг назаримда, бугун жаҳон яна бир қийин танлов олдида турибди — у ё ихтилофлар йўлини танлайди, яна бир-бирининг тагига сув қуйиш йўлидан, ҳасад ва бахиллик йўлидан боради ва боши берк кўчага кириб, кўп овори сарсонликларни бошидан кечиради ёхуд низолар, ихтилофларни бутунлай йиғиштириб, аҳиллик, биродарлик, қардошлик йўлига киради. Бошқа илож йўқ. Путиннинг яна бир иборасидан фойдаланаман: биз ҳаммамиз — оқтанлилар ҳам, қора танлилар ҳам, сариқлару ола-булалар ҳам, католигу православ, шиаю сунний, буддавийю маъжусийлар — ҳамма-ҳаммамиз шу курраи заминда яшаймиз. Шоирнинг таъбири билан айтганда, куррамиз Куванинг анорича келаркан, анча мўрт экан, арзимаган нарсадан нобуд бўлмоғи мумкин экан. Курраи заминимизни, яъни ўз уйимизни омон асраб қолмоқ учун ҳам, ўзимизнинг ўз уйимизда эмин-эркин яшамоғимиз учун ҳам бир-биримизга бир оиланинг аъзоларидек муомала қилмоғимиз, иноқ ва аҳил бўлмоғимиз керак.

Нажот ҳамкорликдадир!

Бунга эришмоқ учун эса бутун жаҳон зиёлиларининг хизмати катта бўлмоғи керак!

*Камоли эҳтиром билан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
Тошкент*

## **БАРСЕЛОНАДА ЎЗБЕК ПАТИРИ**

Бу воқеа 1979 йилнинг май ойида рўй берганди. Ўша кунлари мен сайёҳлар гуруҳи таркибида Барселонада эдим. Бир-икки йил аввал Франко вафот этиб, Испания унинг 23 йиллик истибдодидан қутулиб, озодликка чиққанди. Сайёҳлар гуруҳимизнинг ташрифи Франко ҳукмронлиги даврида мамлакатлар ўртасида узилиб қолган алоқаларни тиклаш йўлидаги илк қадамларидан бири эди. Барселона — сафаримизнинг охириги нуқтаси эди. Биз ўн беш кун мобайнида Мадрид, Валенсия, Тиоледо, Трагона каби ша-

ҳарларни томоша қилиб, уларнинг тарихий ва маданий обидалари билан танишиб, ҳуни кеча Барселонага етиб келган эдик. Бугун эса Испаниянинг шимоли-шарқида Франция чегараларидан унча олис бўлмаган маконда жойлашган бу қадимий шаҳар билан танишиб, кечаси юрти-мизга учиб кетмоғимиз керак эди.

Сафар дастурига кўра, эрталаб Барселонадаги Италия – СССР жамиятининг вакиллари билан учрашиб, бирга нонушта қилмоғимиз, кейин шаҳар айлангани жўнамоғимиз лозим эди.

Мен нимадир бўлиб, хонамда бир оз ушланиб қолдим. Дарҳол бошлиғимиз етиб келди.

– Жамоат жам, ҳамма сизни кутиб ўтирмайди-ку! Тезроқ қимирланг!

Мен апил-тапил кийиндим-да, чемоданимдан иккита патирни олиб пастга – нонушта бўладиган жойга югурдим. Ҳа, шунақа. Ҳар қанча ғалати туюлмасин, чет элга сафарга борадиган бўлсам, уйда беш-ўнта патир ёптириб олиб кетаман. Негаки, хорижликлар, умуман, нонни кам истеъмол қилишар экан ва бизни ҳам ўзларига ўхшаган деб гумон қилиб, ҳар гал овқат вақтида бир тишламгина нон беришар экан. Шунинг учун бугун умрлари давомида бошқа нарсалардан кўра нонга кўпроқ ружу қўйиб ўрганган шўро одамлари сафар давомида бу жиҳатдан ўзларини анча ношойиста ҳис этишарди. Сафар олдидан чемоданга солиб олинган беш-ўнта патир бу муаммони тўла ҳал қилишга ёрдам берарди. Хуллас, қўлимда иккита патир билан нонушта хонасига кириб бориб, сафардош ўртоқларим билан саломлашдим. Бошлиғимиз мени жамият вакили билан таништирди:

– Хосе Гомес – жамият раиси, бу киши – Мануэла, раиснинг рафиқаси.

Мен уларга алоҳида тавозе билан салом бердим, аммо Хосенинг алик оладиган сиёқи йўқ эди. У негадир менга эмас, қўлимдаги патирларга қараб турар, худди сеҳрлангандек, улардан нигоҳини узолмай қолганди. Орадан бир неча фурсат вақт ўтди. Сўнг у киши патирдан кўзини олиб менга қаради, сўнг яна нонга тикилди. Ниҳоят, орадаги сукунат чўзилиброқ кетганини ҳис қилди, шекилли, саломимга жавобан менга қўл узатиб, сўз қотди. Бу сўзларни

эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ҳаётда нималар бўлмай-ди дейсиз? Айниқса, хорижга сафар қилганингизда бошингиздан ҳар хил ғаройиб воқеалар ўтиши, кўниқилмаган вазиятларга тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас — ҳар нима бўлганда ҳам бегона юрт, сиз эса мусофир, холос. Лекин бу галгиси ҳаммасидан ҳам ғаройиб бўлиб чиқди — Оврूपонинг нариги чеккасида жойлашган кўҳна шаҳарда, муаззам меҳмонхонанинг шинам залида, май ойининг гўзал субҳидамларидан бирида бирорта испаннинг менга ўзбек тилида мурожаат қилишини кутмаган эдим.

— Сиз Самарқандданми? Бу патир Самарқандникими? — деб сўради Хосе. Ҳаяжондан унинг овози титрамоқда эди.

— Ҳа, мен ўзбекман. Лекин Самарқанддан эмас, Тошкентданман. Патир ҳам Тошкентники.

— Тошкентники бўлса ҳам, патирингизнинг биттасини менга беролмайсизми?

— Албатта! Албатта! — дедим мен ва патирнинг икковини ҳам қўшқўллаб унга узатдим. — Битта эмас, иккови ҳам сиздан айлансин.

Хосе билан хотини «дик» этиб ўринларидан туришди, бир қўлларини кўксиларига қўйиб таъзим қилгандек, енгилгина бош эгишди. Сўнг Хосе бўш қўли билан патирларни олиб, бирини хотинига узатди. Кейин икковлари ҳам аллақандай илоҳий эҳтиром билан патирларни кўзларига суришди, кейин унинг ёғи ялтираб турган чеккаларига лаб босишди. Сайёҳлар сўз қотмай, бу манзарани томоша қилиб туришарди. Шундан кейин Хосе хотинининг қўлидаги патирни олиб, ўзиникига қўшди-да, худди чатнаб кетадиган чинни буюмдай уларни эҳтиёт билан сочикқа ўраб, елим халтасига солиб қўйди. Хосенинг ўзбек тилини билганига ва ўзбек нонига бу қадар эҳтиром кўрсатганига лол қолиб, ҳамон анграйиб турардим. Ниҳоят, тилим калимага келиб, ундан сўрадим:

— Ўзбекчани қаёқдан биласиз? Ўзбекистонда бўлганмисиз?

— Бунинг тарихи узоқ, кейинроқ бафуржа гапириб бераман, — деди Хосе.

Нонуштани апил-тапил қилдик-да, шаҳар томошасига отландик. Хосе билан Мануэла бизга раҳнамо бўлишди.

Барселона – Оврупонинг энг йирик шаҳарларидан бири. Унинг худудида ҳам катта тарихий ва маданий обидалари беҳисоб. Ҳаммасини айтмай қўя қолай-ю, фақат бир нарсани – Христофор Колумб Американи кашф қилганидан кейин, учта кемаси билан шу шаҳарга қайтиб келганини ва бу кемалар шаҳар портларидан бирида ҳозирга қадар буюк бир ёдгорлик сифатида авайлаб сақланиб келинаётганини айтсам, шунинг ўзи шаҳар тарихи нақадар бой бўлганини тасаввур қилишга ёрдам берар деб ўйлайман. Шаҳар ХХ асрда жаҳон меъморчилигида мутлақо янги йўналишни бошлаб берган Гуччонинг номи билан ҳам боғлиқ. Унда бир неча жойда Гуччо лойиҳаси билан қурилган жуда ҳам ўзига хос жомелар ва бошқа бинолар мавжуд. Рассомлик санъатида янги саҳифа очган Пикассонинг ҳам уй-музейи шу ерда. Бундай эътиборга лойиқ ёдгорликлар ва обидаларнинг кўплиги жаҳондаги барча сайёҳларнинг диққатини тортади. Барселонани сайёҳларнинг ардоқли зиёратгоҳига айлантиради. Хосе ва Мануэла ҳар қандай қилиб бўлса-да, бизнинг кўнглимизни олиш пайида эдилар. Билмадим, саёҳат дастурида бормиди ёки бу мезбонларимизнинг шахсий ташаббуси бўлдими, ҳар қалай, тушликдан олдин Барселонанинг яна бир ажойиб ва ғаройиб маскани билан танишиш имконига эга бўлдик. Бу – дунёда узунлиги билан донг чиқарган – бутун бошли ўн икки чақирим масофага чўзилиб кетган хиёбон эди. Хиёбонда турфа анвойи гуллар барқ уриб очилиб турибди. Дунёнинг турли минтақаларида ўсадиган дарахтлар уни қуёш нурларидан тўсиб, соя-салқин гўшага айлантирган. Оёқ остидаги майда қизил қум худди юмшоқ гиламга ўхшайди. Аммо бу фазилатларидан ташқари мазкур хиёбон яна бир сифатга эга экан. У – бутун дунё хиппиларининг халқаро маркази экан. Хиппилар – 60-йилларда ёшлар ўртасида пайдо бўлган бир тоифа – улар ўз дунёларидан норози бўлиб, уни тарк этган, бу норозилиklarини кийим-кечакка, ҳашаматга, маиший қулайликларга нафрат билан ифодалашга уринган, усти-боши кир-чир, ойлаб соч-соқоли устара кўрмаган, дайдиликни асосий касб қилиб олган одамлар эди. Кўп мамлакатлардан қувилган, ўз маконларига сиғмаган хиппилар Барселонада экан. Улар узун хиёбоннинг бир томонига қатор, жой қилиб олишибди. «Жой» деганимиз ерга солинган қанорми, шол



чами, клеёнками – шунга ўхшаш бир нарса, унинг бир бурчагида ўраб қўйилган одеял ёки рўмол, яна бир-иккита икир-чикир буюмлар. Хиппилар бу «жойлари»да ҳатто оила бўлиб ҳам яшашар эканлар.

Уларнинг олдиларида майда болалар ҳам ўрмалашиб юришипти. Бу исқирт одамларнинг ҳеч ким билан иши йўқ, ўзгалар билан мулоқотга киришишмайди. Ўзларича «табиий» ҳаёт кечириш билан овора – шунинг учун еб-ичишлари ҳам, ётиб-туришлари ҳам ошқора, ҳамманинг кўз ўнгида. Яна бир қизиқ жиҳати: Барселонада дайдилик тақиқланган экан. Жамоат жойларда ҳам бекорчихўжаларнинг текинхўрлик билан кун кечиришларига йўл қўйилмас экан. Лекин хиппилар бунинг чорасини топишипти. Улар ўз жойларининг бир чеккасига ёймачининг дўкони-дек ҳар хил нарсаларни ёйиб қўйишипти. Булар миҳми, қаламми, эски газетами, денгиз чиғаноғими – хуллас, ҳеч кимга кераги йўқ буюмлар. Уларни сотиш учун ёйиб қўйишипти, лекин буларни харид қилаётган биронта одамни кўрмадик. Шундоқ бўлса-да, шу буюмлар ёнига қўйилган катта-кичик тарелкалар танга пулларга – пессетларга тўлиб кетган. Улар «савдогарлик» билан шуғулланаётгани учун, бир нарса дейишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас экан. Ўшанда испан маъмурларига ҳайрон қолган эдим – улар бозорларига сифатсиз моллар кириб келишига қарши курашмас эканлар-да?

Бу хиёбонда фоҳишалар бозори ҳам бор экан. Бозорда ҳатто эркак фоҳишалар ҳам бисёр экан. Улар аёлларга ўхшаб кийиниб олган, бошларида париклари аёлларникига ўхшатиб турмакланган, қош-кўз бўялган, лаблар пишган помидордек қип-қизил. Ноз-карашмалар, қош қоқишлар, кўз сузишлар, нозли фироқлар ҳеч бир аёлникидан қолишмайди.

Биз ҳар хил ёшдаги, ҳар хил мақомдаги фоҳишалар сафини беписанд ёриб ўтдик-да, хиёбоннинг охирига етдик. Хиёбон – денгизга чиқар экан. Қаршимизда ястаниб ётган нурга тўла бепоён денгизни кўриб дилимиз ёришди, унинг ажойиб ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдик.

Тушлик вақти ҳам бўлган эди. Сайёҳларни автобусга таклиф қилишди. Аммо Хосе менга қолишни таклиф қилди: «Тушликни бирон кафеда пивоҳўрлик қилиб, бирга ўтка-

замиз», — деди. Ҳатто: «Менинг ҳисобимдан», — деб қўшиб ҳам қўйди. Мен бошлиғимиздан руҳсат олиб қолдим.

Шу яқин ўртада чоғроқ истироҳат боғи бўлиб, унинг ичида тепалиқда жойлашган шинамгина кафе бор экан. Хосе билан рафиқаси мени шу кафега бошлашди. Тепалиқда ғир-ғир шабада эсиб турипти. Теварак-атрофда жуда чиройли манзара. Хосе хотини билан мени стол ёнига ўтқазиб қўйиб, бир зумда бир оз егулик билан кружкаларда пиво олиб келди. Барселонанинг пивоси жуда тиниқ ва шуштаъм экан — таъми оғизда қолди.

Пиводан ҳўплаб ўтириб, Хосе ҳикоясини бошлади. Унинг тарихи чиндан ҳам узоқ экан. Хосе тузуккина зиёли оилада туғилиб ўсган. Унинг отаси ўқимишли, тараққийпарвар инсон бўлиб, демократик Испания учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлган. 30-йилларнинг бошида республикачилар деб аталган бу тараққийпарвар кучлар ҳокимият тепасига келади. Аммо уларни кўролмайдиган ёвуз кучлар бор эди. Улар Франко бошчилигида исён кўтаришади. 1936 йилда Испанияда фашистлар билан республикачилар ўртасида фуқаролар уруши бошланади. Республикачиларга дунёдаги кўпгина кўнгиллилар ёрдам беради. Шу жумладан, Шўролар Иттифоқидан ҳам анча-мунча забардаст йигитлар бевосита ҳарбу зарбада иштирок этади. Бироқ урушда франкочилар ғалаба қозонади. Омон қолган республикачилар қамоқларга ташланади, қийноқларга дучор қилинади. Шунда собиқ Иттифоқдаги баъзи ташкилотлар республикачиларнинг ўғил-қизларини фашистлар асоратидан халос этиш учун уларга биродарлик қўлларини чўзишади — юзлаб испан болаларини жанг бўлаётган жойлардан олиб келишади ва у ердан бошқа шаҳарлардаги болалар уйларига тарқатиб юборишади.

Хосе ҳам шу болалар ичида эди. У ҳам ота-онасининг иссиқ бағридан айрилган етимча гўдак эди. Лекин шундоқ бўлса-да, тез орада у янги шароитларга кўникиб кетди ва бошқа муҳожир испан болалари каби байналмилал руҳда тарбия топа бошлади.

Хосе Санкт-Петербургдаги болалар уйларидан бирига жойлаштирилган эди. Орадан кўп ўтмай, у ҳам бошқа испан болалари каби тарихий бой бу гўзал шаҳарни, унинг равон ва кенг кўчаларини, муаззам майдонларини, ҳамми-

ша кумуш белбоғдек товланиб турадиган дарёсини жонажон шаҳридек яхши кўриб қолди. Аммо бахтли болалик дамлари узоқ чўзилмади. 1941 йилда фашист босқинчилари уруш бошлашди. Урушнинг биринчи кунларидаёқ шаҳар осмонида фашист қузғунлари пайдо бўлди. Кўп ўтмай, шаҳарнинг аҳволи танглаша бошлади, у қамалда қолди. Шаҳарда қурол ушлашга яроқли ҳар бир одам уни ҳимоя қилишга отланди. Шу шаҳарнинг тузини тотган, ундан бошпана топган, ундан меҳр кўрган испан болалари ҳам балогатга етмаган, кўпчилиги эндигина 15–16 ёшга кираётган бўлишига қарамай, бундай оғир кезларда томошабин бўлиб қараб туролмас эдилар. Улар яқдиллик билан кўнгилли равишда шаҳар ҳимоячилари сафига қўшилдилар ва фронтга жўнадилар. Шароит жуда оғир эди, ҳар куни неча марталаб ўлим билан юзлашишга тўғри келарди. Бунинг устига қуроласлаҳа ҳам етишмайди, озиқ-овқат танқис. Лекин испан болаларининг биронтаси нолимади, тишларини тишларига қўйиб, ўз бурчларини адо этишда давом этдилар. Аҳвол эса танглашгандан танглаша борди.

Бир куни олдинги марраларга фронт кўмондони – маршал Ворошилов келди. У жангчиларнинг аҳволини, мудофа қувватини текшириб юрган экан. Унинг кайфияти йўқ, аҳволдан норози, лекин уни тубдан ўзгартиришга ожиз эди. У қисм командирларини сўкиб, уришиб, ҳарбий трибунал билан кўрқитиб, турли фармойишлар ва топшириқлар берди. Шу пайт унинг қулоғига кимларнингдир хорижий тилда чуғур-чуғур гаплашгани чалинди.

– Бу нима бўлди? Кимлар улар, чулчутча гаплашаётганлар? – деб сўради маршал.

– Булар кўнгилли равишда сафимизга қўшилган испан болалари!

– Нима-а-а? Испан болалари? Бу қанақаси бўлди? Ким рухсат берди уларни фронтга олиб келишга? Каллаларинг борми? Бир камимиз «испан болаларини жангга солишипти» деган маломатни эшитишмиди? Икки соат муҳлат, уларнинг биронтаси ҳам бу ерда қолмасин! Йўқот ҳаммасини!

Испанларни бир зумда шаҳарга қайтардилар. Кейин жуда катта қийинчиликлар билан эшелонларга ўтқазиб, мамлакат ичкарисига жўнатишди.

Хосе Ўзбекистонга борадиган эшелонга тушган эди. По-

езд одатдаги уч кунлик йўлни бу гал камида бир ойда бо-  
сиб ўтди.

— Ниҳоят, йўл азобларини чека-чека, белгиланган ман-  
зилимизга етиб бордик. Бу Самарқанд деган шаҳар экан.  
Мен илгари бу шаҳарнинг номини ҳам эшитмаган эдим.

— Поездимиздан тушиб, мен бу заминга қадам қўяр  
эканман, — деб ҳикоясини давом эттирди Хосе. — Биринчи  
бор нимага рўпара келдим? Унинг афсонавий минорала-  
ригами? Кўзни қамаштирадиган ложувард осмонигами? Ям-  
яшил боғларигами? Тош ётқизилган қинғир-қийшиқ кўча-  
ларигами? Йўқ, буларнинг ҳаммасини кейин кўрдим, кейин  
севиб қолдим. Ўша куни поезддан тушиб, биринчи кўрган  
нарсам — нон бўлди. Самарқанд нони! Уруш туфайли ҳамма  
жойда танқислик бошланган, нонлар карточка билан ўлчаб  
бериладиган бўлиб қолган эди. Урушнинг совуқ нафаси Са-  
марқандда ҳам яққол сезилиб турарди. Лекин шунга қара-  
май, унинг мўъжазгина бозорчасида бир-иккита аёл нон  
сотаётган экан. Ўзимизни нонга урдик. Ё, парвардигор —  
ишонасизми — мен умрим бино бўлиб, бунақа ширин нон  
еган эмасдим. Кўринишидан офтобга ўхшаб кетадиган Са-  
марқанд нонида алланечук қаймоқларнинг таъми, хушбўй  
дала ўтларининг иси келиб турарди. Бу таъм ҳозиргача оғзим-  
да қолган. Шундай қилиб, биз тинч ва осуда, меҳрибон ва  
гамхўр Самарқанд бағрида ҳаёт кечира бошладик. Ҳамма  
вақт ҳам еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда бўлди  
деб айта олмайман. Кўпга келган тўй бизни ҳам четлаб ўтгани  
йўқ. Лекин меҳр-шафқат бобида сира танқислик кўргани-  
миз йўқ. Самарқанд шаҳрида биз бир лаҳза ҳам мусофир-  
лигимизни, етимлигимизни ҳис қилганимиз йўқ. Бу ша-  
ҳарнинг одамлари — эркакдир, аёлдир, ёшдир, кексадир  
— бениҳоя хушфезъл, меҳрибон, мушфиқ одамлар бўлар  
экан. Бирор жойни сўрасангиз, иложи бўлса, ўзи бирга олиб  
бориб қўяй, дейди. Кўлидаги нарсасини боласига бермаса  
бермайдики, сизга беради. Илтимосингизни бажо келти-  
ролмаса, хижолатга тушиб, ўзидан-ўзи хафа бўлиб кетади.  
Кейинчалик мен бу шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини  
ҳам кўрдим. Уларнинг кўпчилиги хароб, гумбазлари қула-  
ган, миноралари қийшайиб қолган, лекин шундоқ бўлса-  
да, улуғворлигини, салобатини йўқотмаган эди. Самарқанд-  
нинг катта бозорини айтмайсизми! Ҳатто уруш йилларида

ҳам бу бозор ўзининг сероб ва арзонлиги билан кишини ҳайрон қолдирарди. Хуллас, аввал ўйлаганимдек, Самарқанд осиелик ярим ёввойи одамлар яшайдиган маскан эмас, баайни «Минг бир кеча» эртақларидаги мангу яшнаган улуғ шаҳри азим экан. Унинг шаклу шамойили, унинг нони, унинг патири бир умрга юрагимга муҳрланиб қолган.

Хосе олис йиллар хотиротига айланиб қолган биринчи муҳаббатини қўмсаган одамдек оғир сўлиш олиб, гапдан тўхтади. Унинг кўзларида сўз билан ифодалаш қийин бўлган бир мунг сезилиб турарди. У теварак-атрофга аланглади, узоқларда атласдек жилоланиб ётган денгизга бир зум нигоҳ ташлади, кейин хотинига тикилиб қолди. Унинг чехрасидаги ҳазинлик тарқаб, ним табассум пайдо бўлди.

— Сирасини айтганда, Самарқанд мен учун яна бир жиҳатдан ардоқли, — деб гапида давом этди у. — Мен бу шаҳарда бахтимни топганман — умримдаги биринчи ва ягона муҳаббатим билан шу ерда — нон бозорида учрашганман. — Мануэланинг чехраси ҳам табассумдан нурланиб кетди. Мен ҳикоянинг давомини кутдим.

— Мен бозорга суйган патиридан олишга борган эдим. Қарасам, новвой аёлнинг олдида парилар султониға ўхшаган бир қиз турипти. У ҳам патир харид қилаётган экан. Унинг қош-кўзи, яноқлари, қора мағизлиги, қадди-басти менга жуда таниш кўринди. Унда испан қизларига хос бўлган шаддодлик, оловдай жозиба сезилиб турарди. Бунақа қиз билан танишмаслик гуноҳи азим эди. Танишдик. У чиндан ҳам испан қизи экан. Унинг ҳам тақдири меникига ўхшаган экан. Хуллас, учрашиб турадиган бўлиб қолдик. Бу орада қарасак, бўйимиз ўсиб, болалар уйининг мезонларига тўғри келмайдиган бўлиб қолибмиз. Бизни учирма қила бошлашди. Аммо биз учирма бўлишдан аввал тақдирларимизни қўшишга аҳд қилган эдик. Мана, ўшандан бери 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу йилларда бошимизга не савдолар тушмади, қанақа қийинчиликларни кўрмадик. Лекин нима бўлганда ҳам, бир-биримизга ҳамдам, мадақкор бўлдик. Энг оғир дамларда Самарқандни эслаймиз. Бу қутлуғ шаҳарнинг руҳи бизга ёрдамга келади.

Хосе ҳикояни тугатди. Мен унинг гапларидан ларзага тушиб, ҳаяжонимни босолмай ўтирар эдим. Биринчидан, Оврупонинг нариги бурчагида, мутлақо бегона бир юртда,

менга мутлақо нотаниш бир инсоннинг оғзидан юртим, ватандошларим ҳақида бундай илиқ гапларни эшитиш ғоятда мароқли эди. Иккинчидан, ўзбекнинг пахтаси, ўзбекнинг меҳри, ўзбекнинг патири дунёнинг ҳамма бурчакларига етиб борганидан, қанча-қанча одамлар қалбига нур тўлдирганидан гурурланмаслик мумкин эмас эди. Қарангки, ўзбекнинг нони нафақат одамларнинг қорнини тўйдирар экан, уларни бир-бирига яқинлаштирар ҳам экан, аҳил ва иноқ ҳам қилар экан. Бу ноннинг илоҳийлигини исбот қилмайдими?

Ҳозирга қадар ўзбек патирининг Барселонадаги қисматини ўйласам, ўзимдан-ўзим яйраб кетаман.

### МУҲАББАТ КУНДА КЕРАК...

*Илк қадамлар*

Китобхонлар билан учрашувларда мендан бот-бот: «Сиз ҳам севганмисиз», деб сўраб туришади. Бундай саволларни эшитганда ҳой, барака топгурлар, нега энди мен севмаган эканман? Севганман, ҳозир ҳам севаман, деб жавоб бераман. Улар гапларимга ишонқирамай, йиллар юки остида жиндай букчайган қоматимга, чивин қўнса тойиб кетадиган силлиқ бошимга, ажин босган юзларимга қарашади: афтидан, бугунги шаклу шамойилим муҳаббат деб аталмиш олий туйғуга сира мос келмаса керак. Аслида севмаслик, муҳаббатсиз ўтиш мумкинми?

Ахир, Соҳиби Қудратнинг ўзи бу дунё аҳлининг ярмини бири биридан гўзал, бири биридан барно, жозибаси жонсиз одамни ҳам тирилтирадиган, қалби, меҳри қуёшдан иссиқ аёл қилиб яратиб қўйипти-ку! Биз ҳам ёш бўлганмиз, бир замонлар томирлардаги қонимиз жўшиб, гупириб оққан. Ерга урса, кўкка сапчирдик, қўйиб берса, бутун оламни бузиб, қайта қуриб чиқишдан ҳам тоймас эдик.

Гўзал кунларнинг бирида ўз-ўзидан бошқача бўлиб қоласан. Олам кўзингга яшариб кетгандай, қуёш бошқача чарақлаётгандай, юлдузлар сенга кўз қисаётгандек, ҳаммаёқ гулларга тўлиб кетгандек кўринади. Таниш-нотаниш одамларга жилмайгинг, шўхлик қилгинг, ўмбалоқ ошгинг келади. Шунда билгинки, сенинг қалбингни ҳам муҳаббат қуёши забт этипти, сен ҳам муҳаббат деб аталмиш кўҳна, лекин сира эскирмайдиган мангу мўъжизага рўпара келибсан. Ахир, бу мўъжизани таниш учун, унинг неъматларидан баҳраманд бўлмоқ учун, адоқсиз қўшиғига ўз оҳангларингни эш қилмоқ учун ҳам бу дунёга келса арзимайдими?

Ҳа, севганман, севиб оила қурганман, бир қизим,

икки ўғлим, ўн неварам, учта эварам, битта хотиним бор. Худо хоҳласа, бу йил турмуш қурганимизга эллик уч йил тўлади. Бу гапни эшитганлар хотинимнинг битта эканига ҳайрон бўлмайди ҳам. Лекин ҳамма йўғ-ей, наҳотки эллик уч йил? Ярим асрдан ортиғ-а, деб ажабланади.

Бу ёшларнинг бутун ҳаёти ҳали олдинда, лекин улар, барибир, ярим аср деган тушунчани унча аниқ тасаввур қила олмайди, эр билан хотиннинг ярим аср бирга яшаши баъзан фантастикага ўхшайди. Ҳолбуки, «ёшлиқда берган кўнгил...» деган мақол бизнинг ҳаётимиздан олинган бўлса ҳам ажаб эмас. Ярим аср нима бўлибди, бу яқин ўртада уни хотималаш режамиз йўқ, қўйиб берса, яна неча йиллар... дегандек.

Ёшлар шунча йил бирга яшаб келаётганимиз сирини сўрашади. Мен бажону дил сирни очаман: никоҳ оқшомида тўй тугаб, ҳамма тарқаганда қайлиқ билан гўшангада ўтирганимизда, мен, ўртоқ хотин, турмуш масаласи оғир, ҳозирдан қилинадиган ишларни бўлишиб олмасак бўлмайди, дедим. Келин розилик аломати сукут, дегандай индамади. Мен оиладаги супур-сидир, кир-чир, қозон-товоқ, келди-кетди, бола тарбияси каби майда-чуйда юмушларни сенинг зимманга, мен эса принципиал масалаларни ҳал қиламан, дедим. Хотин рози бўлди. Мана, шу аҳволда яшаб келмоқдамиз.

Бу гапни эшитгач, албатта, кимдир шунча йил мобайнида нечта принципиал масалани ҳал қилдингиз, деб сўрайди. Мен ҳали бунақа масала чиққани йўқ, деб жавоб бераман.

Сўровчилар гапларим ҳазил эканини билиб кулиб юборишади. Тўғри, ҳазилликка ҳазил-у, лекин унинг замирида муайян ҳақиқат ҳам бор. Бу тўғрида ўрни келганда бафуржа гаплашармиз. Ҳозир эса «муҳаббат салтанати»даги илк қадамларимизни гапириб бера қолай.

Биз дорилфунунда биринчи курсдан бирга ўқиганмиз. Курсимизда йигирма бешта талаба эдик, атиги уч кишигина аёл эди. Тўғри, беш йил мобайнида уч-тўрт қиз ёки жувонлар сафимизга қўшилди, лекин улар нима сабаблардандир ўқишни охирига етказишмади. «Ўзимизнинг» аёллардан биринчиси Рисолат опа эди. У биздан икки-уч ёш катта, оила кўрган, ўрта бўй, кулча юзли, кўзлари



шўхчан, истараси иссиққина эди. Битиргандан кейин кўп йиллар мобайнида нуфузли идораларда хизмат қилди. Қолган қизларнинг бири Лутфихон Одилова, иккинчиси эса бўлажак рафиқам Шарофат Қўшбоева эди. Аслида биз учрашмаслигимиз керак эди. Бу икки синфдош-дугона врач бўлиш орзусида ҳужжатларини тиббиёт институтига топширишган, университетда ўқиш, филолог бўлиш етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган экан. Аммо Котиби Тақдир пешона деб аталган қисмат дафтарига олтин ҳарфлар билан сен дорилфунунда ўқийсан, у ерда Озод Шарафиддинов деган йигитни учратасан, шуни этагидан маҳкам тут, деб ёзиб қўйган бўлса керакки, Шарофатхон ТошМИнинг остонасидан қайтади. Бирга ўқиган дугонаси Лутфихон ҳам унга эргашади. Воқеа бундай бўлган экан: улар имтиҳон арафаларида институтга бориб юришганда кимдир чалғитипти: нега бу институтга киряпсизлар? Умрларинг ўликхонада жасад ёриш билан ўтади. Қизларнинг икковлари ҳам аслида тириклардан кўрқиб керак бўлса-да, ўликлардан кўпроқ кўрқиб шар экан. Дарҳол ҳужжатларни қайтариб олиб, уйга равона бўлишипти. Йўлда тасодифан мактабда адабиётдан дарс берган Фатҳулла Фулом деган муаллимларига рўпара келиб қолишипти. Фатҳулла Фулом 30-йилларда адабиётга сафарбар қилинган одамлардан эди. Ўша пайтда шунақаси ҳам бўлиб турган. Уч-тўрт йил ҳаракат қилиб, битта шеърини тўплам ҳам чиқарган эди. Лекин ундан шоир чиқмади-ю, шеър ишқи кўнглига тушиб, бир умр уни қийнаб ўтди. Хуллас, кечаги ўқувчиларини кўриб, улардан ҳол-аҳвол сўрабди:

– Ҳа, қизлар, сувга тушган бўлкадай бўшашиб қаёққа кетяпсизлар?

Қизлар нима бўлганини айтишибди.

– Қани, бўлмаса бу ёққа юринглар, — дебди-да, қизларни бошлаб, тўғри дорилфунун қабул комиссиясига олиб келипти.

– Ҳужжатларни филология факультетига топширинглар, — деб буюрибди муаллим.

Шу тарзда бу икки дугона 1946 йилнинг биринчи сентябрь куни эрталаб соат тўққизда дорилфунун аудиториясида пайдо бўлишган экан.

Тўғриси айтмай: ўша куни бирдан кўзим тиниб, бо-

шим айлангани йўқ, ичимда бир нарса «чирт» этиб узилиб ҳам кетмади, уйга бориб, кўкрагимни захга бериб ётиб олганим ҳам йўқ. Ўша кун бошқа кўп кунлардан ҳеч нарса билан фарқ қилгани йўқ. Бизнинг Шарофатхон билан муомаламиз ҳам жуда оддий, талабалар ўртасида бўладиган кундалик муомалалардан фарқ қилмасди:

- Яхшимисиз?
- Раҳмат, ўзингиз юрибсизми?
- Бугун дарс бўларканми?
- Адабиёт дафтарингизни бериб тулинг, кеча конспектим чала бўлиб қолувди.
- Рус тилидан уйга нима берган эди?
- Бугун об-ҳаво дуруст-а? Кунлар исиб кетди.
- Нега стипендияни кечиктиришяпти?

Ва ҳоказо, ва ҳоказо... Фақат имтиҳонларни топшириб, таътилга чиққанимиздан кейингина ғалати гаплар бошланди. Негадир ҳар куни бир нарсасини йўқотган одамдай безовта бўлавердим. Уйда ўтирсам сиқилиб кетаман. Китобни қўлга олсам, икки бет ўқимасданоқ хаёлларим тўзиб кетади, не-не ўйлар келади калламга, кўчага чиқсам, кўчага ҳам сизмайман. Курсдошларимнинг юзи липлип этиб кўз ўнгимдан ўтаверади. Негадир ҳаммадан кўра кўпроқ Шарофатхоннинг чеҳраси липиллаб ўтади.

Ниҳоят, сентябрь келди, ўқишлар бошланди. Биринчи куниеқ менинг ошиқ бўлиб қолганим маълум бўлди. Кўз тинишлар, бош айланишлар, гапни йўқотиб қўйиб довдирашлар, юракнинг ҳаприқиб кетишлари... Афтидан, Шарофатхон ҳам таътилни зўрға ўтказган кўринади. Йўқ, у албатта, мени кўриши билан олдимга югуриб келиб, бўйнимга осилгани йўқ, лекин негадир таътил ҳаддан зиёд чўзилиб кетди-я, деб дардчил оҳангда зорланди. Шундан кейингина мен бу қизнинг табиатига, феъл-хўйига, шаклу шамойилига синчиклаброқ разм сола бошладим. Ва разм солганим сари ҳар гал унинг бири-биридан гўзалроқ фазилатларини кашф қилардим.

Шарофатхон ўрта бўйли, оқ мағиз, гавдаси тикмачоқдек, кулча юзли, қўй кўзли, фарқини сочининг ўртасидан очган, сочини иккита қилиб ўриб орқасига ташлаб олган, пардоз-андозга ружу қўймаган, бусиз ҳам икки бети тип-тиниқ, майда-майда қизил томирчалари тарам-тарам

кўриниб турган бир қиз эди. У жуда босиқ, оғир, ўн га-пирганингизда зўрға битта жавоб берар, бўлар-бўлмаста ҳиринг-ҳиринг кулавермасди. Ўғил болалар билан гаплашганда тортиниб, ийманиб турарди. Бас, ҳадеб Шарофатхонни мақтайверсам бўлмас. Унда факультетнинг олд қизини ўзимга ром қилиб олганимни писанда қилаётгандай бўлиб қоламан.

Хуллас, муҳаббатнинг улкан китобига ўз саҳифамизни қўшиш соҳасидаги илк қадамларимиз шундоқ бошланганди.

Дарсимиз биринчи сменада, уйим узоқ — Кўкчадан қатнайман. Лекин шундоқ бўлса-да, ҳар куни дарсдан ўн-ўн беш минут олдин келаман, мабодо Шарофатхон ҳам вақтлироқ келиб қолса, уни холироқ кўрсам, бир-икки оғиз аҳвол сўрасам, ўша куни мендан бахтлироқ одам йўқ. Бошқа вақтларда ҳам унинг теварагида кўп айланадиган бўлиб қолдим. Дарс тамом бўлгандан кейин уч-тўрт киши бўлиб, трамвай бекатига пиёда борардик. У ерда Шарофатхон Лутфихон билан бирга 10-трамвайга ўтириб, Ишчилар шаҳарчасига, мен эса 8-трамвайга ўтириб Кўкчага йўл олардик. Баъзан трамвай ҳадеганда кела қолмасди. Бундай пайтлар ҳам биз учун кичкина байрам бўларди.

Кейинчалик иккинчи сменада ўқий бошладик. Дарсимиз кеч тамом бўлар, қоронғи тушиб қоларди. Шу баҳонада қизларни аввал Ишчилар шаҳарчасига, кейинроқ уйларигача кузатиб қўядиган бўлдим. Лутфихон бир нарсани сизди шекилли, ҳар хил баҳоналар билан биздан ажралиб қоладиган бўлди. Бунга на мен, на Шарофатхон эътироз билдирдик.

Мен у пайтларда ўқиш билан баробар 59-мактабнинг юқори синфларида адабиётдан дарс берардим. У пайтларда адабиётдан дарслик йўқ эди. Мен ўзим ҳар хил манбаларни титкилаб, маъруза матнларини тайёрлардим. Ўқувчилар уни кўчириб олишиб, шу асосда дарсга тайёрланишарди. Бу жуда кўп вақт талаб қиларди. Шунга қарамай, Шарофатхонни ҳар куни кузатиб қўйишда давом этдим. Кўпинча уни кузатиб, уйга қайтаётганимда трамвайда анча нарса ўқиб, дарсга тайёрланиб олардим.

Муносабатларимиз бизга фақат шодлигу қувончлар

келтирган, десам тўғри бўлмасди. Баъзан бирор-бир арзийдиган баҳонасиз, уруш-жанжалсиз тумтайишиб қолардик. Баъзан Шарофатхон билан кўнгилдагидек саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраёлмасам ёхуд у бирор одамга «бежо» қараб қўйса, хуллас, шунга ўхшаш сариқ чақага арзимайдиган баҳоналар билан мен тумтайиб олардим. Шарофатхон ҳам ҳа нима бўлди, деб сўраш ўрнига тўнини тескари кийиб оларди. Бу аҳвол баъзан икки-уч кунга чўзилиб кетар, лекин биронтамиз биринчи бўлиб оғиз очишга бўйнимиз ёр бермасди, «у унда зор, мен бунда зор» бўлиб юраверардик. Ниҳоят, мен гадоё аразласа тўрвасига зарар эканини тушунардим-да, биринчи бўлиб, нимадир деб гап қотардим, Шарофатхон нимадир деб жавоб берар, шу билан булутлар тарқар, чарақлаб қуёш чиқар, аслида йўқ гиналар унутилар ва аввалгидек апоқ-чапоқ бўлиб кетардик. Бизнинг бу аҳволимизга куладиган ҳам, йиғлайдиган ҳам бирор кимса йўқ эди.

Муносабатларимиз ҳаммага ошкор бўлиб кетди. Баъзи йигитларимиз менга ҳавас билан, баъзилари ҳасад билан қарашарди, лекин ҳаммалари менинг севгимни маъқуллар эди. Ҳамма маъқуллар эди-ю, фақат Шарофатхонгина севгимдан беҳабар эди, чунки мен ҳали унга ўз оғзим билан расмий равишда сизни яхши кўраман деб айтганим йўқ эди. Неча марталаб шу бугун, албатта, айтаман, деб қаттиқ жаҳд қилиб келардим-у, энг охири дақиқада тиззам қалтираб, ичларим увишиб, айтишга журъатим етмай қолаверардим. Қизиқ, девдек йигит бўлсам-у, шу биргина оддий иборани қизнинг кўзига тик қараб туриб айтишга журъатим етмаса?

Бу аҳвол анча давом этди. Ниҳоят, бир куни ҳар қанча қийналсам-да, дудуқлана-дудуқлана бу гапни айтдим. Албатта, мен Шарофатхоннинг ийманиб, тортиниб, паст овозда «мен ҳам» деб жавоб беришини кутган эдим, бироқ у ҳеч кутмаганда пиқиллаб йиғлаб юборди. Мен ҳайрон бўлиб, нима қилишим ва нима дейишимни билмай ҳангманг бўлиб қолдим. Ахир, мен сира ҳам йиғлайдиган гап гапирганим йўқ эди-да! У ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади, мен кўйинг йиғламанг, дея уни юпатишга уриндим. Ниҳоят, у йиғидан тўхтади, кўзларини артди. Кейинроқ маълум бўлишича, қанчадан бери ўз ёғига қоврилиб юрган экан. Бир

неча йил муқаддам Шарофатхон қишлоқда яшайдиган олисроқ бир қариндошларига унаштириб қўйилган экан.

Бу мен учун сира қутилмаган мудҳиш хабар эди. Нечук? Қандай қилиб унаштирилади? Энди муҳаббатим барбод бўладими? Орзуларим чил-чил синадими? Нима дейишимни билмай, хаёлимга келган биринчи саволни бердим:

– Нима, сиз унаштирилган йигитни яхши кўрасизми?

– Қизиқмисиз? Нега уни яхши кўрар эканман? Мен, умуман, унинг афти-башарасини кўрмаганман.

– Ундай бўлса, нега рози бўлдингиз?

– Мен рози бўлганим йўқ. Ота-онам мендан сўраб ҳам ўтиришмаган. Мабодо, сўрашган тақдирда ҳам мен қандай қилиб уларга йўқ дея олардим?

Масала равшан – «феодал» ота ва «золим» она ўзларининг аллақандай манфаатларини ўйлаб, гулдай қизларининг бахтини очилмасдан туриб поймол қилишипти. Ичимни ўртаб ёнаётган ғазаб олови «золим» ота-онага, ҳали ҳам қуриб битмаган феодал урф-одатларга қарши йўналди. Лекин ҳар қанча ғазаб отига минмай, ҳар қанча кўзимни осмонга тикиб, муштумимни қисиб ўдағайламай, қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Мен учун энг изтиробли, энг аламли кунлар бошланди. Кундузлари сувратим одамга ўхшаб юраман, ўқишга қатнайман, ишга бориб келаман, қоронғи тушиб тўшакка кирдим дегунча унсиз оҳ-фиғонлар бошланади, адоқсиз ўйлар чангалида қоламан.

Буларнинг бари нима билан тамом бўлиши маълум эмас эди, лекин эсингиздами, ҳикоянинг бошида Котиби Тақдир қисматимиз китобига бизнинг бир-биримизга рўпара келишимизни ёзиб қўйгани ва ҳаётимиз йўллари шу ёзувга мос бўлиб борганини айтган эдим. Буни қарангки, бу гал ҳам сира қутилмаган бир тасодиф жонга ора кирди.

Орзуларим сароб бўлиб чиққан бўлса-да, Шарофатхонни кузатиб қўйиш одатини тарк этганим йўқ эди. Бир куни Лабзакда трамвайдан тушиб, Шарофатхонларнинг уйи томон пиёда кета бошладик. Вақт алламаҳаллар бўлиб қолган, хуфтон аллақачон ўқилган. Лутфихонларнинг уйи олдидан ўтиб борар эканмиз, уларнинг эшиги ёнига ўрнатилган ўриндиқда букчайиб ўтирган одамнинг қораси кўринди. У бизни пайқади шекилли, ўрnidан туриб биз томон яқинлаша бошлади.

— Вой, дадам-ку! — деди Шарофатхон сесканиб.

Мен салом бердим, у киши алик олди. Дабдурустан орқага қайтишим ноқулай эди, бундан ташқари, барибир, Ишчилар шаҳарчасига бориб, 6-трамвайга тушиб кетмоғим керак эди. Мен улар билан бирга кетдим. Нималарнидир гаплашиб кетдик. Табиийки, мен ҳар қандай қилиб бўлса-да, бу кишида яхши гаассурот қолдиришга ҳаракат қилдим. Афтидан, ҳаракатим зое кетмаган кўрилади. У кишининг исми Мулла Қўшбой ака экан.

Мулла Қўшбой ака уйга келиб, хотинига дебдилар:

— Онаси, қизингдан бекор хавотир олиб юрган эканмиз. Яхши курсдошлари бор экан. Мана, биттаси эҳтиёт қилиб, уйгача олиб келаётган экан. Маъқул йигит экан.

Шунга қараб ҳукм қилганда мен у кишига манзур бўлган кўринаман. Билмадим, у кишининг ўзлари бизнинг муносабатларимизни пайқадиларми ёки ғойибдан у кишининг кўнглига нозил бўлдим, ҳар ҳолда, ўша кундан ёки эртаси кундан у киши қизининг тақдири тўғрисида анча жиддий ўйланиб қоладилар ва анча-мунча иккиланишлар, тараддуллардан кейин унашишни бекор қилишга аҳд қиладилар. Бу — жуда қийин иш эди. Шариятга кўра, унаштириш деганлари икки ёшнинг оила қуриши узилкесил ҳал қилинди дейилгани эди. Унда ўртада нон ушатилади, олди-берди бўлади, фотиҳа ўқилади, яъни икки томоннинг аҳди шарият ҳукми билан қонунлаштирилади. Унаштиришни бекор қиламан деган одам лафзидан қайтган, лафзидан қайтган одам эса имони сушт одам деб ҳисобланади. Бундай одам эл-юртнинг гап-сўзига қолади, одамларнинг ихлоси қайтади.

Мулла Қўшбой ака бу маломатларнинг ҳаммасини бўйнига олиб, икки оила ўртасидаги аҳдни бекор қилишга қатъий қарор қилди. Бу қарорини хотинига айтганда, у киши ичларида мамнун бўлиб турган бўлсалар-да, зоҳиран эрига эътироз билдирди:

— Қандай қилиб бу гапларни айтяпсиз? Элу юрт орасида шарманда бўламиз-ку? Бошимиз гапдан чиқмай қолади.

Дарҳақиқат, Мулла Қўшбой аканинг бу иши мусулмонлар орасида камдан-кам рўй берадиган иш эди. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган, неча-неча авлодлар амал

қилиб келаётган исломий одатга қарши чиқиш, унга исён кўтариш эди. Бунинг учун жуда катта матонат ва жасорат керак эди. Эҳтимолки, Мулла Қўшбой аканинг бутун умри давомида кўрсатган энг катта жасорати ҳам шу бўлган бўлса ажаб эмас.

Мулла Қўшбой ака хотинининг гапига босиқлик билан жавоб берди:

– Одамлар гапирса гапираверади-да. Одамлар гапирар экан деб, қизингни бахтсиз қилайликми? Ахир у Тошкентда улғайди, мактабда ўқиди, ҳозир дорилфунунда ўқияпти. Мен сиғмаган қишлоққа қизим сиғармиди? Бир гафлат босиб, бўлиб кетган иш-да. Сен ҳаракатингни қил, бир-иккита хотинни ёнингга олиб, қишлоққа бор, олган лаш-лушларингни қайтариб бер. Аҳдни бекор қилиб кел. Мулла Қўшбой ака, айниқса, «ўзим сиғмаган қишлоққа қизим сиғармиди» деган гапни қаттиқ алам билан изтироб чекиб айтди. Бунинг боиси бор эди, албатта.

Мулла Қўшбой ака Жалойир қишлоғида туғилиб ўсган эди. Бу қишлоқ Алимкентга етмай, Ангрен дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Мулла Қўшбой аканинг отаси ҳам шу қишлоқлик бўлиб, ундан ўғлига анча-мунча ер, молу мулк, чорва мерос қолган эди. У ўқиган, оқ-қорани таниган, баттавфиқ, имон-инсофли одам эди. Отасидан қолган дунёни беҳуда совурмади, аксинча, уни янада кўпайтирди. Бадавлат бўлса-да, қашшоқларга қайишадиган, етимпарвар, саховатпеша эди. Шунинг учун қишлоқда катта-кичик уни ҳурмат қилар, унинг гапларига эътибор билан қарарди. У қирқларни қоралаб қолганди. Биринчи хотинидан фарзанд бўлмади, иккинчи хотини Олиябону унга бирин-кетин иккита қиз туғиб берди. Қизларнинг бирига Ибодат, иккинчисига Шарофат деб исм қўйишди. Мулла Қўшбой ака аёлини жуда ҳурмат қилар, қизларини эса жон-дилидан яхши кўрарди. Уларни ўстириб, бахтларини кўриб, давридавррон суриб юришга шайланмоқда эди. Аммо қишлоқда «буюк бурилиш йили» бошланди-ю, ҳаммаси барбод бўлди. Колхоз ҳаракати бошланди, нима учундир колхоз қурмоқ учун қишлоқ аҳлининг анча қисмини йўқотишга тўғри келди. Қулоқларни синф сифатида тугатиш бошланди. Бир зумда Мулла Қўшбойнинг ўзидан катта акасининг мол-мулки мусодара қилиниб, қамадилар. Кўп ўтмай, қамоқдан «ўлди»

деган хабар келди. Абдувакил деган ўн беш яшар ўспирин ўгли чирқираб қолаверди. Мулла Қўшбой ака ўйлаб кўриб, бутун мол-мулкини ўз ихтиёри билан қўшқўллаб давлатга топширди, бироқ бу билан ҳам уларнинг бошларидаги булут бутунлай аримеди. У хотини, иккала қизи ва жияни Абдувакилни ёнига олиб Тошкентга жўнади. Хайрият, Тошкентда яхши одамлар бор экан, улар бу оилага бошпана беришди. Мулла Қўшбой акани гиштхумдонга ишчи қилиб жойлаб қўйишди. Гиштхумдон маъмурияти эса Минор қабристонининг ёнгинасида анҳор бўйида қурган узун баракдан уларга иккита каталакдек хона ажратди. Хоналар нафақат кичкина, куёшга терс бўлганлиги учун ҳамиша зах ва совуқ бўларди. Совуқ ва зах, тор ва қоронғи бўлса-да, бу ерда яшаш мумкин эди. Мулла Қўшбой ака қишлоққа кам борарди. Дил яраларини янгилайверишни истамасди. Аммо қишлоқдаги баъзи ёру биродарлари уни кўргани тез-тез келиб турарди. Бир вақтлар унинг қўлида коранда бўлиб ишлаган, ҳозир эса катта ўгли колхозга раис бўлиб, қишлоқнинг оғзи катталаридан бўлиб қолган одам, айниқса, кейинги пайтларда тез-тез келадиган бўлиб қолди. Ниҳоят, сўнгги келганларидан бирида Мулла Қўшбой аканинг кичик қизини кенжа ўғлига сўради, ўғлимга Тошкентдан жой олиб бераман, қизингизни ўқитаман деб ваъдаларни қалаштириб ташлади. Шунда Мулла Қўшбой ака ғафлат босиб, хўп деб юборганини ўзи ҳам билмай қолган эди.

...Аёллар қишлоққа уч киши бўлиб боришди. Қудалар уларга дастурхон ёзишди. Лекин чой-нон келган меҳмонларга татимади. Улар тезроқ ишни битказишга шошилишди.

— Қизимиз йўқ, деб оёқ тираб туриб олди. Аҳдни бузмасак бўлмайди.

Қудалар гапнинг энг нозик жойидан олишди.

— Ие, қизингиз отасининг юзига оёқ босадими? Унинг айтганини қилмайдими?

Тошкентлик аёллар ҳар қанча таъна-дашномга қарамай, ҳаммасини ичларига ютиб, ўз сўзларида қаттиқ туриб олишди. Бу қишлоқда биринчи марта унаштириш бузилди. Шундан кейин қишлоқ ари уясидек гўнғир-гўнғир гап-сўзларга тўлиб кетди.

Шуларни ўйласам, Мулла Қўшбой аканинг мардли-



ги, тантилиги, жасоратига ҳозирга қадар қойил қоламан. Мен ота меҳрига қонмаган бир одамман, бутун умидим бу меҳрни қайнотамдан кўриш эди. Минг афсуски, тақдир менга қайнота меҳрини раво кўрмаган экан.

Бу воқеалардан кейин кўп ўтмай, Мулла Қўшбой ака зотилжам бўлиб ётиб қолдилар. Вафотларидан бир-икки кун аввал Абдувакил акани ёнларига чақиртириптилар. Ўша кезларда қирқни қоралаб қўйган Абдувакил ака герман урушига бориб, ярадор бўлиб қайтган, бир неча йилдан бери Савдо вазирлигида хизмат қиларди. Яқинда Мулла Қўшбой ака Абдувакилни куёв қилган, унга катта қизи Ибодатхонни берган эди. Ҳозир унга сўнгги васиятини айтибди:

– Ўғлим Абдувакил! Сен менга ҳам жиян, ҳам куёв, ҳам ўғилсан. Мана ҳовли-жой қуриб, ҳаммамизни ватанлик қилдинг. Энди сенга васиятим шуки, ўзинг бош-қош бўлиб синглинг Шарофатни ҳам узат. Фақат уни ўзи хоҳлаган жойга узат!

Абдувакил ака бу васиятни бажо келтирдилар.

Мулла Қўшбой ака 1948 йилда 57 ёшларида вафот этдилар. Ўзбекнинг удумига кўра яқин одамингнинг азаси ўтиб кетмагунча тўй қилиш бир ёқда турсин, азадор одам тўйга ҳам бормайди. Ниҳоят, белгиланган муҳлат ўтди, бизникилар совчиликка боришди. Қиз томон рози бўлди. Тўй куни ҳам белгиланди. Тўйимиз 1950 йилнинг 7 май куни бўлиб ўтди.

### МУҲАББАТ ТЎҒРИСИДА

Юқоридаги гаплардан фақат битта хулоса чиқармоқ мумкин: мустаҳкам оила қурмоқлик учун икки ёш ўртасида, албатта, муҳаббат бўлмоғи керак. Муҳаббатсиз қурилган оила баайни эртақлардаги похол уйга ўхшаб, ҳаёт шамолларининг биринчи эпкинига учраши биланоқ тўзиб кетади. Ҳа, аслида ҳам шундай. Муҳаббат – ҳар қандай оиланинг пойдевори. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, иморат шунча бақувват бўлади. Бу ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган ва неча марталаб ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқатдир. Сирасини айтганда, фақат ўзбеклар ёки кенгроқ айтсак, шарқ халқлари эмас, ғарб халқлари ҳам бу эътиқодга

борган сари кўпроқ амал қилмоқдалар. Бу гапларни ёзяман-у, миямда бошқа фикрлар ҳам ғимирлаб кўймапти: наҳотки, мен айтаётган гап мутлақ ҳақиқат бўлса? Ахир, ҳаётда муҳаббатсиз, бир-бирини яхши кўрмай, ўзаро муносабатларини давомли синовлардан ўтказмай туриб оила кураётган ёшлар кўп-ку? Ахир, ҳамма ҳам анча вақтгача Тоҳир-Зухра ёки Лайли-Мажнун бўлиб юриб, кейин бир-бирларининг васлига етишмайдилар-ку?

Муҳаббатсиз турмуш қурган ёшлар ҳам бинойидек яшаб кетишади. Бундай оилалар ҳам ҳуда-беҳуда баҳоналар билан бузилиб кетавермайди. Бунга ҳаётдан минглаб мисоллар келтириш мумкин. Менинг қизим билан унинг бўлажак қудаси институтда, бир жойда ишлашарди. Юлдузлари бир-бирига тўғри келиб, қалин дугона тутинишган, борди-келдилари ҳам бор эди. Қизимнинг Шаҳноза деган бўй етган қизи бор эди. Дилдорахоннинг ҳам уйланадиган Зафар деган ўғли бор экан. Хуллас, Дилдорахон турмуш ўртоғи Нодирбек билан бир-икки совчиликка келишди, қиз билан йигит бир-икки учрашишди, бир-бирларига маъқул бўлишди шекилли, охири тўй бўлди. Албатта, бу ёш оила муҳаббат асосига қурилган эди деб бўлмайди, чунки бир-икки учрашган билан бу туйғу пайдо бўлиб қўя қолмайди. Биз, яъни мен билан Шарофатхон юрагимиз пўкиллаб, тўнғич неварамизнинг турмуши қандай бўлишини кута бошладик. Ҳар қалай, хавотирларимиз бекор чиқди. Қудаларимиз том маънодаги зиёли одамлар экан, яъни уларнинг ҳаётида андиша, диёнат, инсоф деган нарсалар устувор, келинга келин деб эмас, ўз фарзандларидек қарайдиган, бўлар-бўлмасга қовоқ-тумшуқ қилавермайдиган, зарда, кесатик, писмиқ гаплардан батамом узоқ турадиган одамлар экан. Куёвимиз Зафаржон ҳам уйланаётганда ҳали талаба эди, кўп ўтмай институтни битирди. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, у ҳам ғоятда ақл-заковатли, фаросатли, ота-оналарига ҳам, хотин, бола-чақаларига ҳам эътиборли чиқди. Ўзи ёш бўлса-да, муомалаларига қарасанг, кўпни кўрган, тажрибали деб ўйлайсан.

Мана ўн йилдирки, улар иккита фарзанд кўришди, жуда аҳил ва иноқ турмуш кечиришмоқда. Турмушлари муҳаббатсиз бошланган бўлса-да, ҳозир бир-бирларининг

орасига қил ҳам сиғмайдиган бўлиб қолган. Айтмоқ керакки, бизнинг Шаҳнозамиз ҳам ақл-фаросат, сезгирлик бобида, қайнота ва қайнонани, фарзандларини, турмуш ўртоғини ҳурмат қилиш бобида чакана қиз эмасди. У онасиникида ҳам, келин бўлиб тушган жойида ҳам бировнинг буйруғисиз, зиммасидаги ишларнинг ҳаммасини ўзи билиб бажариб қўярди. Туриб-туриб, қувончимиз ичимизга сиғмай, илоё кўз тегмасин, қўша қаринглар, деб дуо қиламиз.

Юқорида айтганимиздек, ҳаётда бундай ҳодисалар анча кўп учрайди. Оила қураётган ёшларнинг анча-мунчаси шароит тақозоси билан муҳаббатсиз оила қуради ва шунга қарамай, тинч-тотув турмуш кечирishaди. Хўш, унақа бўлса, юқорида оғзимизни тўлдириб айтган гапимиз нима бўлади? Демак, муҳаббатсиз яшайверса ҳам бўлаверар экан-да? Йўқ, менимча, барибир, муҳаббатсиз яшаб бўлмайди. Эҳтимол, муҳаббатсиз тўй қилиш, турмуш қуриш мумкиндир, эҳтимол, бир неча муддат мобайнида келин билан куёв бир-бирларига севгисиз яшамоқлари ҳам мумкиндир, лекин тўйдан кейин дарҳолми ё бир оз фурсат ўтибми, уларнинг ўртасида, албатта, муҳаббат пайдо бўлади, пайдо бўлиши керак! Унинг шакли-шамойили турлича, эҳтирос кучи турли даражада бўлиши мумкин, у ҳар хил оилада бир-биридан фарқ қилароқ ўзига хос тарзда намоён бўлмоғи мумкин, лекин нима бўлганда ҳам муҳаббат пайдо бўлади ва у инсон ҳаётини ичдан нурлантириб, унга теран маъно бахш этиб туради.

Бу гаплардан кейин ёшлар мени яна саволга тутишлари мумкин: муҳаббат мангу бўладими ёки умрнинг муайян нуқтасида ўтиб кетадими? Ўтиб кетса, сиз айтгандек, муҳаббатсиз қандай яшаб бўлади? Бир одам неча марта севмоғи мумкин? Бир юракка икки муҳаббат сиғмайди, деган гап бор. Ҳозирги шароитда бу гап эскириб қолмадими? Эскирмаган бўлса, муҳаббат эркинлиги қандоқ бўлади? Бу саволлар мутлақо қонуний ва ўринли, лекин ғоятда мураккаб саволлар. Бу масалаларда ҳозирга қадар одамлар баҳслашишда давом этади, лекин ҳамма учун бирдек маъқул бўладиган бир тўхтамга келиша олмайди. Бунинг сабаби тушунарли, ҳар бир юрак «муҳаббатни янгарта», яъни кўп омилларнинг таъсирига боғлиқ равишда муҳаб-

батга ўзига хос ранглар ва жилолар олиб киради. Шунинг учун ҳам муҳаббат бобида ҳамма баб-баравар амал қилиши шарт бўлган қонунлар мажмуасини яратиш бўлмайди. Лекин шунга қарамай, муҳаббатнинг ҳам моҳиятини ифодаловчи бир қатор қирралари мавжудки, улар ҳақидаги фикрлар ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, бу қирралар инobatга олинмаса, муҳаббат деган нарса тутундай ғойиб бўлиб кетиши мумкин.

Авваламбор, мангу муҳаббат борми ёки у ўтқинчими деган масалани кўриб чиқайлик. Бу масаланинг жавоби муҳаббатни қандай тушунишга боғлиқ.

Анча-мунча одамлар борки, улар муҳаббатни эркак ва аёллар ўртасидаги жинсий эҳтиёжлар асосида пайдо бўладиган ҳодиса деб қарашади. Бундай одамларнинг фикрича, муҳаббат ишқий эҳтирослар қанотида пайдо бўлади; ишқий эҳтирослар эса кўпроқ ёшларга хос нарса. Ёш ўтган сари эҳтирослар сўниб, пасайиб боради ва бир кун келганда бутунлай сўнади, улар билан бирга эса муҳаббат ҳам сўнади. Уларнинг назарида, муҳаббат баайни мушакка ўхшайди: ёшлик осмонида «пов» этиб ёнади-ю, ранго-ранг чироқлари билан теварак-атрофини бир зум ёритиб, аста сўнади. Муҳаббатни шаҳвоният билан боғлайдиган одамлар эҳтирос сўна бошлаши билан дарров қўйди-чиқди ҳаракатига тушиб қолишади. Шарқ халқлари ўртасида, шу жумладан ўзбекларда муҳаббат ўз-ўзидан, табиий равишда меҳр билан бирлашиб, қоришиб кетади, натижада, эҳтирослар табиий равишда сўниб, муҳаббатнинг аввалги қудрати сусая бошлаши билан ўзаро меҳр биринчи ўринга чиқа бошлайди ва бу меҳр-муҳаббатдан бино бўлган кўп йиллик муҳташам иморатнинг йиқилишига йўл қўймайди. Йиллар ўтиб, йигит билан қиз улғаяр экан, бир-бирларига шу қадар суяниб, шу қадар бир-бирларига керак бўлиб қоладики, бу янги муносабатлар муҳаббатнинг, меҳрнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган намуналарини намоён қилади, эру хотиннинг бир-бирига мислсиз фидокорлиги ва садоқатини намоёйиш этади.

Одатда севги-муҳаббатдаги вафодорлик ва садоқат ҳақида гап кетганда аёллардан мисол келтиришади. Ҳолбуки, қалби севгига тўлиқ эркаклар ҳам садоқат ва вафо бобида мўъжизалар кўрсатмоғи мумкин. Менинг Матлаб

Воҳидов деган студентлик йилларида орттирган бир дўстим бор. У математика фанлари номзоди, умр бўйи домлалик қилган. Рафиқасининг исми Шарифа. Икки ўғли ва бир қизи бор — уларнинг учови ҳам уйли-жойли бўлган. Матлаб Шарифахонга аввалдан таниб-билиб, учрашиб юриб уйланган эмас, лекин шундоқ бўлса-да, тўйдан кейиноқ бамисоли Фарҳоду Ширин бўлишди-қолишди. Ҳозирга қадар бир-бирларидан ажралишолмайди, ярим кун бир-бирларини кўришмаса соғинишиб қолишади ва тезроқ бир-бирларининг дийдорларини кўришга ошиқиб қолишади.

Ўн йиллар муқаддам ана шу иноқ ва аҳил оиланинг бошига мусибат тушди. Шарифахоннинг юраги хасталаниб қолди. Албатта, Матлаб елиб-югуриб хотинини докторларга кўрсатди, хастахонага ётқизиб даволатди. Хасталик бир оз ўтгандай бўлди-ю, бутунлай ўтиб кетмади. Мана, ўн йилдирки, Шарифахон тўшакка миҳланган, муттасил қўл-оёғи, бели оғрийди, юраги санчади, ўрнидан турса боши айланади. Хуллас, Шарифа нафақат уй ишларига ярамай қолди, балки ўзи доимий равишда бировнинг қаровига муҳтож бўлиб қолди. Ўша кезларда уларнинг эҳтирослари қай даражада бўлганидан хабарим йўқ, лекин Матлаб ўзи бетоблигига, анча-мунча инжиқлигига қарамай, Шарифанинг парваришини тўлалигича ўз зиммасига олди. Мана, ўн йилдирки, у ҳар куни нонушта тайёрлайди, овқат пиширади, аптекага югуради. Уйни супириб-сидиради, эшик тақилласа, унга югуради, телефон гўшагини кўтаради, бозор-ўчарни қилади, ўтган-кетганлардан гапириб бериб, хотинининг кўнглини кўтаради. Аҳён-аҳёнда кўчага чиқиб қолса, ярим соат ўтар-ўтмас Шарифа ёлғиз қолди, деб уйига ошиқади. Бу орада баъзан-баъзан ўзининг хасталиклари ҳам эсига тушиб зорланиб қолади.

Хўш, буни нима деб аташ керак? Агар унинг қалбида муҳаббат ёлқини бўлмаганда бу ишларни қилишга қурби етармиди?

Мен сизга яна бир бошқа мисол келтирай. Буниси менинг ўзим билан боғлиқ. 1997 йилда кўп йиллардан бери давом этиб келаётган қанд касали зўрлик қилди ва қорасон касалига чалиндим. Докторлар бир оёғимни кесиб ташлашди. Кейин қорасон иккинчи оёғимда бошланди. Бу гал

оёқнинг панжалари кетди. Орадан кўп ўтмай, бошқа хас-тахонада оёғимга иссиқ қўяман деб врачлар оёқнинг тагини, тўпиқни, товонни қаттиқ куйдиришди. Бу оёқ ҳам номига бор бўлса-да, ҳеч нарсага ярамай қолди. Бундай аҳволга тушган одамнинг кайфияти нечоғли тушкун бўлиб қолишини тасаввур қилсангиз керак. Туппа-тузук одам ўзини ўзи эплаёлмай, бир қоп гўштга айланиб қолар экан. Бундай пайтларда тушкунликка берилсангиз турли хасталикларнинг ялпи хуружи бошланади ва пастга қараб шитоблик билан пилдираб кетган изни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Менинг жонимга ора кирган, муқаррар чоғга қулашдан олиб қолган одам – рафиқам Шарофатхон бўлди. 1997 йилнинг 22 июнидан бери эрта-ю кеч узлуксиз бошимда парвона, ҳар куни бир марта оёғимдаги жароҳатларга дори қўйиб боғлайди, еб-ичишимга қарайди, ётиб-туришимдан хабардор бўлиб туради, ҳатто газета ва мактубларни ўқиб беради, кайфиятим бузилган пайтларда қовоғимга қарайди, инжиқликларимни кўтаради. Аммо унинг ўзи ҳам соппа-соғ ва бақувват эмас. Лекин менга қарашга келганда ўзининг касалликларини буткул унутди, кучли, қувватли ёшлардек ҳаракат қилади. Ахир, мени ҳужралардан бирига қамаб, ёнимга бирор ҳамширани ёллаб ўтқизиб қўйса ҳам бўлар эди-ку.

Ёши қайтганда уни шунча заҳматларни бўйнига олишга мажбур этган нарса муҳаббат эмасми? Ёки аниқроқ айтганда, меҳрга айланиб кетган севги эмасми? Ҳақиқий муҳаббат боқийдир, деганимда мен шунақа фидойи севгини кўзда тутяпман. Тоҳир-Зухралар, Лайли ва Мажнунлар ҳақидаги гўзал ривоятлар ана шунақа муҳаббатдан туғилмайдими?

Сиз сезиб турган бўлсангиз керак. Бу гаплардан кейин киши умрида неча марта севади, бир кўнгилга нечта муҳаббат сигади, деган саволларнинг ноўринлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади.

Умуман, мен эркин муҳаббатни маъқуллаб, қўш қўллаб овоз бераман. Фақат мен муҳаббат эркинлигини бир оз бошқачароқ тушунаман: мен муҳаббат бобида ҳар кимнинг жилвини елкасига ташлаб қўйиб юборинг, кимда кўнгли бўлса ўйнайверсин деган ақидадан узоқман. Инсон капалак эмас, гулдан гулга кўчиб юриши билан умр ўтказса... Баъзилар

эркин муҳаббатни айнан шу тарзда тушунишади. Эркин бўлмоқ учун пешингача биттасини севсанг-у, пешиндан кейин бошқасига кўнгил берсанг. Ёки битта ёр кўнглингга урган заҳоти иккинчиси тайёр турса, сен эркин қушчадай чирқиллаб, севги таронасини янградиб, бутоқдан бутоққа, бу шохдан у шохга кўчиб юрсанг. Менимча, бунинг севги эркинлигига мутлақо алоқаси йўқ. Севги эркинлиги бировнинг мажбурлашисиз, ғаразсиз, бирор манфаатни кўзламай севмоқ ва истаган одамнинг билан турмуш кўрмоқ имкониятига эга бўлмоқдир. Албатта, севишганлар муносабатида ҳар нарса бўлиши мумкин. Характерлари тўғри келмай қолиши, яшаш тарзлари бир-бирига зид чиқиб қолиши, эҳтирослар сўниб бир-бирларини кўришга ҳам тоқатлари қолмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда ҳар ким ўз ақлига яраша, шароитига қараб қандайдир қарор қабул қилади. Бунда ҳам ўзгаларнинг мажбурлаши бўлмаслиги, ҳамма нарса ихтиёрий бўлмоғи керак. Албатта, севги эркинлигини суниистемол қилиш керак эмас. Афсуски, ҳаётда кетма-кет уйланиш ёки эрга тегишни касб қилиб олганлар, турмуш ўртоқларини кир бўлган кўйлақдай алмаштираверадиганлар ҳам бор. Бундайларга қараб, ўзига инсоф берсин деб ёқа ушламоқдан ўзга илож йўқ. Лекин шуниси аниқки, севги бобидаги пала-партишлик бир зумлик лаззат берса берару, лекин кейинроқ умр йўлини сарҳисоб қилганда, Эшматнинг жинглак сочи чиройли эди, Тошматнинг мўйлови гўзал эди, Каримнинг қоматидек қомат кўрмаганман, Салимнинг кўзларидек ўтли кўз йўқ эди деганга ўхшаш узун-юлуқ хотиралардан бошқа нарса қолмагани маълум бўлади. Аммо унда фурсат ўтган бўлади, худди Пушкиннинг эртагидаги кампирдек олдингизда синиқ тоғора билан қолаверасиз.

Йўқ, ҳақиқий муҳаббат боқий бўлади.

Фақат бу боқийлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бир рус шоири айтгандек, муҳаббат кўшиққа ўхшайди, яхши кўшиқни барпо этиш эса осон эмас. Ўзбеклар ҳам бениҳоя ихчам шаклда донолик билан жон чекмасанг, жонона қайда, деган ҳикматни айтиб қўйган. Муҳаббат боқий бўлсин деган одам уни эринмай, кучини аямай ҳар куни, ҳар соатда ардоқлаши, авайлаши, парвариш қилиб бориши керак. Келинг, бу борада орттирган тажрибаларимдан бир шингилини айтиб берай.

## ЧАЙЛАДАГИ ЖАННАТ

(Эссе)

Биз Шарофатхон билан 1950 йилнинг 5 май куни ЗАГСдан ўтганмиз. Билмадим, биз ҳам, ота-оналаримиз ҳам ўшанда анча содда бўлганмизми ёки таомил шунақамиди, ҳар ҳолда никоҳни қайд қилдириш маросими дабдабаларсиз, жуда жўн ва жуда оддий ўтган. Биз белгиланган вақтда ЗАГС биноси ёнида учрашдик.

Шарофатхон бир дугонаси билан уйдан келди, мен ҳам бир ўртоғим билан келдим. Тўртовлон ЗАГС биносига кирдик. Мудира паспортларимизни олиб, катта дафтарига нималарнидир ёзди, кейин паспортимизга муҳр урди. Шундан кейин сизларни эр-хотин деб эълон қиламан, қонуний оила қурганинглари билан табриклайман, деб қўлларимизни қисди. Шу билан расмий маросим тамом бўлди. Соддалигимизни қарангки, на бир-биримизга никоҳ узуги тақибмиз, на бирор шиша шампан ичибмиз, на эсдалик учун сувратга тушибмиз. Табиийки, ЗАГС эшиги олдида бизни кутиб турган енгил машина йўқ эди. Ичкаридан чиққандан кейин ўтиб кетаётган бир машинани кира қилиб, ресторанга бордик ва тўртовлон бирга тушлик қилиб, тўй куни кўришгунча, деб хайр-хўшлашиб уй-уйимизга кетдик.

Кейин 7 май келди. Таомилга биноан куёв, яъни мен куёв жўралар билан бирга келинникига бордик. Мақтаняпти деманг-у, лекин печи бўйнимга тушиб турган симобий саллада, қаддимга чиппа ёпишиб тушган зарбоф чопонда ўзим ҳам жуда бошқача бўлиб кетгандим. Келин томондаги аёлларнинг ҳаммаси шаҳзодадан фарқ қилмайдиган куёв тўрани кўрганида оғизлари очилиб қолишди. Кечқурун Кўкчадаги ҳовлимизда базм бўлди. Сурнай наволари янгради, чилдирманинг «бак-бака-банги» ярим кечагача тинмади, хонандалар бири олиб, бири қўйди. Куй ва қўшиқча алёр сўзлари, қадаҳ кўтариб билдирилган яхши тилаклар уланиб кетди. Фақат бир нарса чатоқ бўлди, холос. Кеча охирида меҳмонларга ош тортилаётганда, куёв билан келинга ош етмай қолди. Шунда хижолатли иш бўлди. Гўшангага бир-иккита патир олиб кириб кетиб, келиннинг «хуснига ботириб еб» ўтиришга тўғри келди. Ўша



кунлари кўп дўстларим нима иш қилишим тўғрисида менга бири-биридан қимматли маслаҳатлар беришди. Бири гўшангага кириш биланоқ келинга бир тарсаки тушир, шунда умрининг охиригача сендан кўрқадиган бўлади деди. Бошқаси гўшангага қадам қўйганда эҳтиёт бўл, келин оёғингни босиб олмасин, аксинча, сен унинг оёғини босиб ол деди. Шундай қилсам, оилада менинг гапим ўтадиган бўлар экан. Яна бири у деди, иккинчиси бу деди. Маслаҳатлардан миям ғовлаб кетди. Гўшангага кираётганда эса ҳаммаси калладан учиб кетди.

Келинни ҳовлимиздаги энг «яхши» уйимизга туширдик. Ҳовлининг аввалги эгаси ҳашаму қулайликларга сира ўрганмаган ўта камсуқум одам бўлган эканми, бир даҳлиз, икки каталакни гуваладан тиклаб, шунчаки лойсувоқ қилиб, қўндириб қўя қолган экан. Ҳар иккала хона ҳам ҳаддан зиёд кичкина: нари борса, ҳар томони икки метрдан ошмайдиган чорбурчак хоналар эди. Уларга битта каравотдан бошқа нарса сиғмас эди. Яхшики, у пайтларда қиз бола ўзи билан ҳар хил гарнитурани шкаф-анжомлар олиб келмасди, бўлмаса унинг буюмлари ташқарида қолиши аниқ эди. Уйларнинг тахта поли йўқ, шифтга эса гулқоғозлар ёпиштирилганди. Бироқ биз кичик уйнинг бир бурчагига парда тортиб, гўшангага айлантириб, ўша жойга кирганимизда буларнинг ҳеч қайсиси эсимизга ҳам келгани йўқ. Русларнинг бир мақоли бор: суйганинг ёнингда бўлса, чайла ҳам жаннатдан аъло. Дарҳақиқат, бу ғарибгина масканда ўтириб, тонггача Шарофатхон билан ширин суҳбат қуриб чиққан эканман, ўзимни чинакамига жаннатда ўтиргандек ҳис қилдим.

Эрталаб уйғониб, яна кўчага кетдим. Бу кун ҳам байрам — ғалаба куни эди. Шу тарзда бизнинг тўйимиз байрамларга уланиб кетди.

Ниҳоят, тўй тугади, байрамлар ўтди. Оддий кунлар бошланди. Мана, эллик уч йилдирки, эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб, ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларга бой, нотекис йўлларида умр аробасини тортиб келяпмиз. Кунларимиз кўпники каби бирда чарақлаган, бирда булутли, бирда шоду хурам, бирда қайғули, бирда серғалва, бирда сокин ўтиб келмоқда. Минг шукрлар бўлсинки, бизга ували-жували бўлиб қўша қариш насиб этган экан. Минг қатла шукрлар

бўлсинким, умр йўлларида аробамиз пачақ бўлиб, шалағи чиқмади, муҳаббатимиз, меҳримиз ҳар қандай тўсиқларга, совуқ шамолларга, изғиринларга қарамай тўзиб кетмади. Бу йўлда муҳаббатни, меҳрни асраш бобида бир қатор тажриба орттирдикки, шуни баҳам кўрсак, фойдадан холи бўлмас.

Оддий кунлар бошланиши билан куёв тўра зарбоф тўнини ечиб, симоби саллани қозиққа илиб, кундалик жомакорини кияр экан, шуни билмоғи керакки, оиланинг жамики фароғати, шойисталиги, ундаги аҳиллик ва илиқликнинг барқарорлиги биринчи навбатда эркакка боғлиқ. Оила қуриш дегани — севимли аёл, туғилажак фарзандлар масъулиятни ихтиёрий равишда зиммага олмоқ ва бутун умр мобайнида уни адо этиб бормоқ демакдир. Бунинг учун эр хотинининг эри бўлибгина қолмасдан, мард, бағри кенг, бачканалиқдан холи, бошида дўпписи, кўксида ёли, белида белбоғи бор эркак ҳам бўлмоғи керак.

Эркак одам, биринчи навбатда, хотинини, бола-чақаларини ҳеч нарсага зориқтирмаслиги керак. У оиланинг ейиш-ичишини, кийим-кечагини, бошпанасини тўла таъмин қилмоғи шарт. Бу — махсус гапириб ўтирадиган, исбот талаб қиладиган гап эмас. Лекин, афсуски, ҳаётда бунга амал қилмайдиганлар топилиб туради. Масалан, мен бир оилани биламан. Эр-хотин ҳали ёш, кучга тўла, иккита фарзандлари бор. Лекин эр оиласини таъминлаш учун қўлини совуқ сувга урмайди, ишлаш-ишламаслиги номаълум, ҳар куни кўчага чиқиб кетади, лекин бирор марта маошини олиб келиб хотинига бермайди, кўчадан болаларига бирон нарса кўтариб келмайди, бу ҳам етмагандек, хотинининг ёнидаги пулларини тортиб олади. Текин томоққа ўрганиб қолган эр ажралиш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамайди, на элу юртдан, на қариндош-уруғларидан, на бола-чақасидан уялмайди.

Бунақа одамлар эркак шаънига доғ туширишдан бошқа ярамайди.

Яқинда бизникида бир маърака бўлди. Ўғлимнинг ўртоқларидан бири келди-кетдига қарашар, деб мардикор бозоридан тўртта жувонни бошлаб келипти. Улар бешариқлик бўлиб, уйда майда болалари ва эрлари қолган экан, ўзлари анчадан бери мардикорликни касб қилиб

олишипти. Буни эшитиб, жуда ғалати бўлиб кетдим. Уруш йилларида катта қийинчиликлар бўлган, очликдан кунжара еб, шишиб ўлганларни кўрганман. Биз ўзимиз лавлагини сувга қайнатиб, овқат ўрнида ер эдик. Лекин ўша шароитда ҳам биронта ўзбек аёли мардикорликка чиққанини эшитган эмасман. Хотинини бозорга чиқаришга эркак зоти ор қиларди. Билмадим, ҳозир эркакларнинг орияти пасайиб кетганми ёки номус деган нарсалар эскириб қолганми?

Ҳар ҳолда, эркак-аёл муносабатида бунақа тескари ҳоллар устувор бўлган жойларда муҳаббат тўғрисида, аҳиллик ва иноқлик ҳақида қандай гап бўлсин?

Шу мавзуни давом эттириб, яна бир гапни айтиб қўймоқ жоиз: ёш оилаларда ўзаро низоларнинг чиқишига сабаб бўладиган асосий воқеалардан бири келиннинг ишлаб топган пулига кўз тутишдир. Баъзи оилаларда қайнота ёхуд қайнона ёки эр келиннинг маошини таг-туғи билан олиб қўйишади. Мабодо келинга чойчақа ёки майда-чуйда сарфларга жиндай қолдиришганда ҳам, бу иш ҳар қандай одамга ҳам жуда малол келадиган ишдир. Яхши келин бир индамайди, икки индамайди, лекин алами ичига йиғила бориб, бир эмас, бир кун ёрилади ва катта жанжалга айланади. Менинг хотиним ҳам ўзимга ўхшаб қирқ йил хизмат қилган, у умрининг кўп қисмини «Ўзбекфильм» киностудиясида муҳаррирлик қилиб ўтказган, кинофильмлар таржима қилиб қалам ҳақлари олган. Лекин мен бирор марта қанча маош оляпсан? Уни нимага сарфляяпсан, деб суриштирган эмасман. Бу масалада орамизда бирон марта ҳам англашилмовчилик чиққан эмас. Ахир, ҳар ўн беш кунда хотинини рўпарасига ўтқазиб олиб, хўш, ўртоқ хотин, маошнинг шунчасини фалон-фалон нарсаларга сарфлабсан, яхши, лекин 5 сўм етишмаяптику! Уни нима қилдинг деб тафтиш ўтказадиган эркак нақадар аянчли ва бачкана! Бунақа бачканалик ҳақиқий эркакка асло муносиб эмас. Бундан ташқари, хотинининг пулига муносабатда мен доимо Абдулла Қаҳҳорнинг бир ўғитига амал қилиб келаман. «Хотин киши кўчадан битта миҳ кўтариб келса, бутун иморатни мен қурганман» деб даъво қилишдан ҳам тоймайди деган эди.

Лекин шунини ҳам айтмоқ керакки, бу масаладаги таж-

рибамни ҳамма учун мажбурий қонун тарзида жорий қилиш керак эмас. Ҳар бир оила бу масалани ўзаро бамаслаҳат, келишиб, муросага келиб ҳал қилгани маъқул. Фақат зўравонлик қилинмаса, келинга малол келадиган ишлар қилинмаса бас.

Муҳаббатнинг умри боқий бўлмоғи, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун энг зарурий ишлардан бири шуки, биринчи кунлардан бошлабоқ эр, яъни куёв тўра келиннинг, яъни хотинининг ўзи учун ким эканини ва унга қандай муомала қилиши кераклигини аниқлаб олиши керак. Бу гапни айтаётганимнинг боиси шуки, оилани муҳаббат асосида қурадими ёки муҳаббат кейин пайдо бўладими, кўпгина ҳолларда баъзан куёв ўзи, баъзан қариндош-уруғларининг қутқуси билан хотинини тезроқ бўйсундириб олиши, чизиб берган чизигидан чиқмайдиган канизагига айлантириши керак бўлган ҳариф, рақиб ва ҳатто душман сифатида кўради. У хотинига сирини бериб қўймаслиги керак (бу нима дегани — ҳозиргача билмайман, куёв бирон яширган ганжинаси қаерда эканини айтиб қўймаслиги керакмикин?), унинг қамчисидан қон томиб туриши, қовоғидан қор ёғиб турмоғи керак ва ҳоказо, ва ҳоказолар. Бу гапларнинг ҳаммаси бекор, беҳуда гаплар. Менимча, бирдан-бир тўғри йўл шуки, хотининг сен учун энг яқин одам, энг севимли, энг ҳурмат қиладиган, энг эъозлайдиган кимса. Сенинг жамики қувончингга шерик бўлади (демак қувончларинг икки баравар кўпаяди), бошингга қийинчиликлар тушганда ёнингга туриб, уларни баҳам кўради (демак, мушкулотлар юки икки баравар камаяди). Албатта, хотинни ота-она ёки фарзандларга қарама-қарши қўйиш керак эмас, ўғил ёхуд ота уларнинг ҳурматини ва иззатини ҳам ҳаминиша бажо келтирмоғи лозим. Лекин шундоқ бўлса ҳам, «хотин топиллади, ота-она топилмайди» деган гапни ҳаётингиздаги бирдан-бир дастур қилиб олманг.

Албатта, оилавий ҳаётда иссиқ-совуқлар ҳам, мусаффо ва булутли кунлар ҳам бўлиб туради. Лекин куёв билан келин биринчи кунларда ораларида мавжуд бўлган самимиятни, илиқлик, ҳурмат-эътиборни имкони борича узоқ вақт мобайнида сақлаб қола билса, қандай яхши! Баъзиларга бу иш амалга ошириб бўлмайдиган оғир вазифадай

туюлади. Ҳолбуки, ундай эмас. Бу икки томоннинг раъйига, бир-бирини аяшига, муҳаббат, садоқатига боғлиқ. Хотин эрни ёки эр хотинни койийдиган, танбеҳ берадиган ҳолатлар туғилиб қолса, Абдулла Қаҳҳорнинг бир доно ўғити эса турмоғи зарур. «Эр-хотин ўртасида бир парда бўлади, шу парда ўртадан бир марта кўтарилса бас, кейин бир-бирини сўкиш ҳам, савалаш ҳам осон бўлиб қолади». Бу пардани ҳамини энг нодир буюм сифатида асрамоқ керак. Билмадим, бу парданинг матоси нимадан тўқиларкин. Эҳтимол, бир-бирининг инсоний қадрини англашдан ва эҳтиёт қилишдан тўқилар. Мен яна бир нарсани эслатгим келади: бутун умр мобайнида жаҳлга ҳай беришни ўрганишдан тўхтаманг, билингки, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтай: подшо туш кўрипти. Саройдаги такбирчилар бир оғиздан подшоҳи олам, тушингиз бехосият, ҳамма бола-чақангиз сиздан олдин оламдан кўз юмар экан, деб башорат қилишипти. Бу гапдан ғазабланган подшо уларни жазолашни буюрибди. Бу орада Афанди келиб қолипти. Подшо унга тушини айтибди: «Ие, подшоҳи олам, кўп хосиятли туш кўрибсиз-да! Умрингиз ҳамма бола-чақаларингизникидан узунроқ бўлар экан» депти. Подшо хурсанд бўлиб, унга инъомлар берипти.

Ҳолбуки, ҳар икки гапнинг маъноси бир.

Мабодо, гиди-биди қилмасликнинг сира иложи бўлмаса-ю, ораларингда жанжал кўпиб, аланга олиб кетса, зинҳор-базинҳор «талоқ» сўзини оғзингизга ола кўрманг, бу сўз сизнинг ҳалол танмаҳрамингизни сизга ҳаром бир кимсага айлантиради. Шаърий жиҳатдан оила бузилади, уни тиклаш учун ҳалоллаш лозим. Ёки Йўқол! Чикиб кет! Итни ҳайдаса кетади, мунча сурбетсан, деб хотинни ҳайдаманг. Кўчада мунгайиб ўтирган аёлни кўрса, пул тўла ҳамён топиб олгандек суюниб кетадиган саёқлар бор. Улар дарров ҳамённи олиб, бирор пастқам жойда ичидаги пулни оладилар-да, ўзини улоқтириб отадилар. Бундай ҳоллар оиладаги иноқликни мустаҳкамламаслигини айтиб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Ниҳоят билингки, эр-хотиннинг уриши, дока рўмоннинг қуриши, деган гап бор. Фақат бу рўмон кундузи офтобнинг иссиғида эмас, кўпроқ кечаси қурийди.

Ниҳоят, оиладаги аҳилликка барҳам берадиган, муҳаббатнинг умрини қисқартирадиган, ҳар қандай садоқатли, вафодор аёлнинг ҳам эридан кўнгли қолишга йўл очадиган бирламчи омилни айтай — бу ичкилик. Йўқ, пиёнисталикни айтаётганим. Йўқ унинг бети қурсин, душманинг ҳам бу дардга чалинмасин. Мен энг оддий нарсани — туғилган кунларда, тўйларда, халфаналарда, банкетларда шунчаки кўнгилахушлик учун, ширакайф бўлмоқ учун оздан ичиладиган ичкиликни назарда тутяпман. Бундай ичганда ҳеч ким маймундай алжиб қолмаслиги, тўнғиздай ўз шалтоғига ағанамаслиги мумкин. Лекин ичган одамнинг оғзидан бурқсиб келадиган сассиқ, ачимсиқ ҳид-чи? Энди, тасаввур қилинг. Эр-хотин яхши умидлар билан бир ёстиққа бош қўйгансизлар. Боринги, ёстиқларинг иккита ҳам бўлақолсин. Хотинингиз сизни астойдил яхши кўради, сизни бекаму кўст, бенуқсон инсон деб билади. Бироқ бугун кечаси билан оғзингиздан бурқсиб ароқ ҳиди келиб турса, эртага бу ҳол давом этса. Индинига, ундан кейин, ҳафталар, ойлар мобайнида бу аҳвол давом этса. Шўрлик хотин бошини кўрпа билан ўраб олса ёки бурнига пахта тиқиб олса, дарчаларни очиб қўйса ёхуд тескари томонга ўтирилиб олса ҳам бу ҳиддан қутула олмайди. Дарҳақиқат, ёнингдаги одам хуррак отса, уни бир туртиб қўйсанг, хурраги тўхтади. Лекин ичган одамни туртиб қўйсанг, у ҳид бурқситишини бас қилмайди-ку! Хотин бир кун чидайди, бир ой чидайди, бир йил чидайди. Охири тоқати тоқ бўлади. Ҳамма меҳри тугаб, муҳаббати сўниб бўлгандан кейин дастлабки ранжиши ҳам нафратга айланади-ю, бир эмас-бир кун юзингизга тўкиб солади. Сиз эса «арзимаган» сабаб билан хотинингиз нега бунчалик жиғибийрон бўлаётганини тушунолмай, хуморингизни тарқатиш учун яна шишага қўл узатасиз.

Ана шунақа, биродари азиз! Ўзимизга ўзимиз зомин бўлганимизни жуда кеч тушунамиз. Аммо кечиккан пушмондан наф бўлмайди.

Мен бу ўринда, бир оз эзмалик қилиб бўлса-да, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда куёвтўра томонидан қилиниши лозим бўлган баъзи бир саъй-ҳаракатлар тўғрисида гапирдим. Сиз дарҳол савол беришингиз мумкин: домла, шу гапларнинг ҳаммаси бошингиздан ўтганми? Ке-

линойимизга нисбатан шу меҳрибончиликларнинг ҳаммасини қилганмисиз? Ўзингиз ҳам фаришта бўлиб кетишингизга сал қолган экан-да?

Қўйинглар, кўп савол бераверманглар. Мен нима ҳам дердим? Бир нарса десам мақтаняпти дейсизлар. Нима бўлганда ҳам эллик уч йилдан бери бирга яшаб келяпмиз-ку! Бундан ташқари, домланинг айтганини қил, қилганини қилма деган гаплар ҳам бор!

### ҚАНОАТДА ШАРОФАТ...

Келин бўлган билар келин аҳволини...

*Гулчехра Жўраева*

Келинпошша янганинг ёрдамида каллаи саҳарлаб, мени кўчага чиқариб юборганидан кейин, янги хонадо-нидаги янгича турмушнинг биринчи кунни бошланди. Бир қараганда бу кун унинг онасининг уйида ўтказган кунларидан деярлик ҳеч нарсаси билан фарқ қилмасди. У ўрнидан турди, кўрпа-тўшакларни йиғди, ювинди, таранди, ўзига жиндай оро берди. Чой-пойнинг тадоригини кўрди. Шу билан бирга унинг ҳозирги ишларида қандайдир тантанаворлик, байрам руҳи ҳам мавжуд эди. Кеча у ўша-ўша эски Шарофат эди, бугун эса бутунлай бошқа сифат касб этди, унинг турмуш қуриш ҳақидаги табиий орзулари вожиб бўлди. Энди у янги бир хонадоннинг бекаси. У ҳали бу хонадон соҳибаси сифатида бир иш қилиб улгурганича йўқ, лекин қилади, қўлидан келган ҳамма ишни қилади. У яхши биладикки, келин янги рўзғордаги энг асосий сиймо, муҳаббатни боқий сақлайдиган, шу оила ўчоғида ҳаммаша олов ёниб туришини таъминлайдиган инсон. Янги оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги аҳиллик ва иттифоқнинг бардавомлиги, қўйинг-чи, оилавий ҳаётнинг шойисталиги келинга, унинг ақл-заковатига, фаросатига, феъли-хўйи, хулқ-атворига, одамлар билан муомала қилиш санъатига, бағрикенглиги, чеҳрасининг очиқлигига боғлиқ. Яна унинг қаноатлилиги, собиралиги, бардоши ва матонати ҳам, зарур пайтларда шайтонга «ҳай» бера олиш қобилияти ҳам жуда катта роль ўйнайди. Бу сатрларни ўқиган ўқувчи, ие, домла, шошманг, ҳозиргина сиз бутунлай бошқа гапни айтаётган эдингиз-ку? Оиланинг асосий таянчи куёвтура

бўлади, деяётган эдингиз. Қайси гапингизга ишонайлик, деб ҳайрон бўлиши мумкин. Менинг бу гапларимдан зиддият қидириб ҳайрон бўлманг. Оилада куёв ҳам, келин ҳам асосий сиймо. Улар бир-бирларини тўлдириб, бир-бирларига кўмаклашиб, бир-бирларининг нуқсонларини яшириб, фазилатларини ошириб, ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришади. Гарчи ҳар бир оилада эрми-хотинми кимдир бош бўлиши керак бўлса-да, менимча, уларни бир-биридан устун ёки бир-биридан паст қўйиб бўлмайди. Келин янги хонадонга қадам қўяр экан, ўзини чўғ сўраб чиққан қўшнидай ҳис этмаслиги керак. У бу ерга икки-уч кунга меҳмон бўлиб келган эмас. У шу оила иморатини эри билан бирга баравар куч сарфлаб, баравар машаққатини тортиб, йўлдаги ютуқларга баравар қувониб, яратувчи инсондир. Шунинг учун бўлар-бўлмас нарсага зарда қилиш, бурун жийириш, ҳар бир таънани кўнглига яқин олиш, хонадон аъзоларининг ҳар бир гапидан, ҳазил-ҳузунининг тагидан кир қидириш тўғри бўлмайди.

Хўп, келинпошшанинг ўша кунги аҳволига қайтайлик. Эрталабданоқ куёвнинг ота-оналари, ака-ука ва опасингиллари, келиннинг яқин қариндош-уруғлари тўпланиб, келинни қарши олишади. У тўй либосида, ясан-тусан жойида, бошида оқ ҳарир рўмол билан янғасининг ёнида пайдо бўлади. Танишиш маросими бошланади. Янга ашула айтаётгандай қилиб, қариндош-уруғларни номманом санаб, фалончига келин салом, пистончига келин салом деб туради, келин рўмолини юзига тушириб, қўлини кўксига қўйиб, таманно билан эгилиб салом беради. Қариндоши келиннинг оёғи остига бирон совға-саломини қўйиб, алик олади. Бу маросим кун бўйи давом этади. Аввалги тунни бутунлай мижжа қоқмай ўтказган бўлса-да, келин бўлди, чарчадим, дея олмайди. Нима учун эканини билмайману, шунақа деса уят бўлади. Одамлар айб қилишади. Келин кўзлари юмилиб кетаётган бўлса-да, бели оғриб, тиззалари букилиб кетаётган бўлсада чидайди. Шу аҳволда бир амаллаб кунни кеч қилади. Лекин айтмоқ керакки, бу маросим билан ўтган куни келиннинг бу хонадонда ўтказадиган кейинги сон-саноқсиз кунлари ичида энг енгили бўлади.

Орадан бир неча фурсат ўтгандан сўнг, байрам кай-



фияти барҳам топади, кўтаринки руҳ пасаяди, бегим кунлари бошланади. Албатта, бегим кунларининг ўзига яраша қувончи, шоду хуррамликлари бўлади ва шу билан бирга ташвиши, безовталиклари ҳам бўлади. Лекин унинг бир хислати бор. Бегим кунлари, асосан, охир-кеги кўринмайдиган рўзғор ишларидан иборат. Уларнинг кўп қисми келиннинг зиммасига тушади. Бу ишлар қайнонанинг ёмонлиги учун ёхуд куёвтуранинг ялқовлиги учунгина келин зиммасига тушмайди. Уларнинг ҳаммаси майда-чуйда, икир-чикир ишлар, бир қарашда ҳеч нарсага арзимайди, уларни бажариш учун алоҳида куч-қувват ҳам талаб қилинмайди. Лекин уларнинг сон-санови йўқ, улар кўзга кўринмайди, ниҳоясиз занжирдек бир-бирига улашиб чиқиб келаверади. Улар бир-бирига ўхшаб кетади, бугун ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам бир хил иш билан шуғулланишга мажбурсиз. Уларнинг узлуксизлиги ва бир хиллиги ўтаётган кунларни ҳам туссиз, зерикарли, диққинафас кунларга айлантиради. Ишнинг жисмонан оғирлигидан эмас, ана шу бир хиллигидан юраклар сиқилиб кетади. Лекин бош уришга, бу зерикарли туссиз ва рангсиз ҳаётдан қутулишга имкон тополмайсиз.

Энди 50-йилларнинг бошидаги ўзбек хонадонининг аҳволини бир кўз ўнгингизга келтиринг: ҳали ҳашаматли уйларда, ҳашаматли анжомлар ичида яшаш расм бўлган эмас. Уйимизнинг жиҳози битта темир каравот, битта майишиб кетган жавон, уч-тўртта кўрпа-тўшак ва битта анчагина титилиб қолган қалин кигиздан иборат. Телевизор ҳали ҳеч кимда йўқ. Электр бор, лекин тез-тез ўчиб туради. Бирдан бир эрмак радионинг қора лаппаги — унинг ҳам гапириши араванинг мойланмаган гупчагидан чиқадиган ғижир-ғижирга ўхшайди. Ҳовлида водопровод йўқ — сувни бир-икки маҳалла наридан олиб келиш керак. Газ йўқ. Фақат ўчоқда ўтин ёқиб, сув иситилади, овқат пиширилади, самоварда чой қайнатилади, канализация йўқ, табиийки, ванна ҳам йўқ, унинг ўрнига остонага яқин жойда ханик деган жой бор. Ўша шароитларни эсласам, ҳозир юрагим орқага тортиб кетади, сирасини айтганда, кўп узоқ эмас, яқин эллик йиллар нарисида Тошкентдай шаҳри азимнинг Кўкча деб аталмиш донгдор даҳасида ҳам одамлар ибтидоий тарзда ҳаёт кечирган экан-да? Шу ша-

роитда турмуш кечиришнинг ҳамма азоби, биринчи навбатда келинпошшанинг зиммасига тушган. Албатта, авваллари мен, пича бўлса-да, ишларга қарашиб турдим, лекин кўп ўтмай, Москвага ўқишга кетиб қолдим-у, бу ишларнинг ҳаммаси ёлғиз келинпошшанинг ҳиссасига тушди. Қани энди ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, шунча қийинчиликларга чидаган, машаққатларни кўтарган 20–21 яшар қизалоқнинг (ҳа, қизалоқнинг) мислсиз бардошига, темир матонатига қойил қолмаслик мумкинми?

Буларни ўйлаганда Саидахоннинг машҳур кўшиғидаги сўзларни бир оз ўзгартириб, «Қаноатда Шарофат филча бўларми, ҳай-ҳай» дегим келади. Бу тенгсиз бардошга ҳайкал қўйса арзийди. Лекин ҳали ҳайкал қўйишга шошманг, негаки, бу айтилганларнинг ҳаммаси ҳали ҳолва, кейинги кунлар ва ойлارнинг машаққати олдида хамир учидан бир патир, холос. Билмадим, бугун ўша машаққатли кунларни эслаб, ҳаётингни бошидан қайта яшаб ўтишга розимисан, деб сўралса, хотин кўнармиди – йўқми?

Хуллас, мен Москвага кетдим. Бир ярим йиллик келин ҳайҳотдек ҳовлида – ҳали ҳар жиҳатдан бутунлай киришиб кетмаган хонадонда ёлғиз қолди. Боя айтилган юмушларнинг ҳаммаси унинг бўйнида. Лекин кошки эди шу юмушларнинг ўзи билан иш битса! Энди унинг қўлида саккиз ойлик гўдак – тўнғич қизи. Ҳадемай иккинчи фарзанд – ўғил туғилди. Албатта, фарзанд оиланинг гули, қувончи, бахти, таянчи. Бу гаплар тўғри, лекин шуниси ҳам тўғрики, бу дунёда ҳеч қайси қувонч, ҳеч қайси шоду хуррамлик ўз-ўзидан эшигингизни қоқиб кириб келмайди. Қувончнинг ҳам ҳақини тўлаш керак. Бу ҳақ ҳозирги ҳаволаб кетган, пуфлаб шиширилган квартира ҳақларидан беқиёс даражада баланд. Унга ёшлигингизнинг энг ширин дамлари билан ҳақ тўлайсиз. Белингизнинг қуввати эвазига, сочга оралаган оқ толалар, пешонани кесиб ўтган чуқур ажинлар билан ҳақ тўлайсиз. Келинпошшанинг аввалги ишлари ёнига янги мажбуриятлари, қилмаса бўлмайдиган майда-чуйда ишлар қўшилди.

У кундузги ишлардан ҳориб-чарчаб, икки гўдакни бешикка беллаб, алла айтибми ёки бошқа ҳунарини ишга солибми, бир амаллаб уларни ухлатади. Ўзи ҳам бешик

тутқичига бош қўйибми ёки шундоққина икки бешик ўртасига солинган ўринга омонатгина чўзилибми мизғиб олишнинг пайига тушади. Жиндай кўзи ҳам илингандай бўлади. Эҳтимол, чалакам-чатти бўлса-да, мени тушида кўраётгандир. Бирдан қизининг йиғиси эшитилади. Келинпошша чўчиб уйғонади, бешикни тебратади, сут беради, бир амаллаб гўдакни ухлатади. Ўзи яна омонат чўзилади. Лекин бу гал кўзи илинмасдан ўғилнинг шоирлар тинмай мақтайдиган «инға-инға»си бошланади.

Болалар аста-секин улғая бошлайди. Улар улғайган сари янги ташвишлар чиқади. Энди улар кўкрак сутига қаноат қилмайди. Қандайдир махсус овқатлар олмоқ керак. Шарбатлар, витаминлар бериш зарур. Улар йўрғакдан чиққандан кейин озми-кўпми, яхшими ёмонми кийим-кечак, пойабзал бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммасига пул керак. Москвадаги дадаларига мурожаат қилишнинг фойдаси йўқ. Унинг ўзи пулга муҳтож. Куни стипендияга қолган. Албатта, қайнонаси қараб турмайди. Лекин унинг кўмаги ҳам бир марта бўлади, икки марта бўлади. У кишига ҳам осон тутиб бўлмайди. Катта рўзгорни тебратиш зиммаларида. Хуллас, келинпошша ишга кирмаса бўлмайди. Ишга кириш учун эса икки болани яслига жойлаш керак. Ўша пайтларда Кўкчанинг Оқлонидай катта даҳада биронта ҳам болалар боқчаси бўлмаган экан. Қидириб-қидириб, боқчани Чорсудан топишади. Ҳозирги ГУМнинг ўрнида бири-бирига мингашиб, юқорига ўрлаб кетган эски уйлар, жин кўчалар, қинғир-қийшиқ йўлаклар бўларди. Боқча шу ердаги эски уйлардан бирида жойлашган экан. Ана энди келинпошшанинг аҳволини кўринг. Бир қўлида ўғилчаси, бир қўлида қизини етаклаган, қўлтиғидаги тўрвада китоб-дафтарлар, болаларнинг бир кунлик кийим-кечаклари. Кўкчада трамвай кутади. Эрталаблар одам кўп бўлади. Бир амаллаб Шарофатхон трамвайга чиқиб олади. Чорсуга етиб бориб, трамвайдан тушади. Яна иккита бола билан камида бир чақирим йўл юриши керак, ҳарсиллаб қинғир-қийшиқ тор кўчалардан юқорига кўтарилиш керак. Ҳозир ҳам бир нав, аммо ёғинли-сочинли қиш кунларида бу азобларга чидаб бўлмайди. Болаларни боқчага топширасан, Хадрага бориб, 6-трамвайга чиқасан. Мактаб Шоҳингузарда. Дарсни битириб, кечқурун яна ўша йўл

билан, яна ўша азоблар билан уйга қайтасан. Уйда эса яна ўша ҳар кунги иш — эски ҳаммом, эски тос... Рост, буларнинг ёнига ўқувчиларнинг дафтарини текшириш, эртанги дарсга тайёрланишлар қўшилган.

Нихоят, шоир айтганидек, «висолимиз машриқида ҳам тонг отди». 1955 йилнинг ёзида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, Тошкентга қайтдим. Тошкент вокзалида қариндош-уруғлару ошна-оғайниларим мени бирон қўшни мамлакатнинг шаҳзодасидек зўр тантаналар билан кутиб олишди. Чиндан ҳам менинг қайтишимга эндигина тетапоя юришни ўрганиб олган қизим билан ўғлим ҳам, онам билан бувим ҳам, сингилларим ҳам бошлари осмонга етиб суюнишди. Айниқса, болаларнинг онаси ўзида йўқ шод эди. У, айниқса, шу куни жуда илдам, бир лаҳза ҳам тиним билмай, югуриб-елиб хизмат қилар, юзидан табассум аримасди. Чунки салкам тўрт йиллик кутишлар, мисли кўрилмаган қийинчиликлар, ёлғизлик туйғуси, моддий ночорликлар ортда қолганига у астойдил ишонарди.

Дарҳақиқат, мен келгандан кейин келинпошшанинг бағри бутун бўлиб қолди. Моддий аҳволимиз ҳам аста-секин тузала бошлади. Ўша кезларда фан номзодига тузуккина ҳақ беришарди. Унга 5 кишилик оилани бемалол боқса бўларди, ҳатто кундалик еб-ичишдан орттириб, пойабзалми, кийим-кечакми, рўзғорга керакли бирон буюмми олса бўларди.

Хўш, шу билан ҳамма мушкулотлар ортда қолди-ю, бундан буёғига бамисоли байрамдек ҳар куни ширинлик еб, хандон қўшиқлар айтиб шоду хуррам турмуш бошланди деб ўйлайсизми? Қаёқда дейсиз. Йўқ, турмуш бунақа бўлмас экан. Турмуш, инсон умри деганлари узлуксиз синовлардан иборат бўлар экан. Ҳар бир кун эрталаб уйқудан уйғонишингиз билан қаршингизга каттами-кичикми бирон муаммони кўндаланг кўяди. Бу дунёнинг муаммолари бунча кўп экан, улар сира адо бўлмайди, қайнаб чиқиб келаверади. Бири осон, бири қийин. Лекин қандай бўлса-да, уларни ҳал қилмаса бўлмайди.

Ўғлингиз боқчада йиқилиб кўзини кўкартириб келипти, холангиз тўй қилаётган экан, тўёна топиш керак, хотиннинг туфлиси уриниб қолипти (унинг оёғи қийшиқми, нима бало, яқинда янги туфли олиб берган эдингиз),

аммангизнинг эри ўлиб қолипти, ўзингизга ҳам шляпа олмасангиз бўлмайди. Номзод одам шляпа киймаса, одамлар нима дейди. Кун ўтган сари ўзингиз ҳам, бола-чақалар ҳам улғая боради. Улғайганингиз сари ташвишларингиз ҳам янгилана боради, эҳтиёжларингиз кенгайверади. Орзу-ҳавас деганларининг охири кўринмас экан.

Хуллас, оиламиз илк қурилиш даврини ёки оилавий хўжалик қурилишининг дастлабки босқичини ортда қолдириб, машаққатларга, синовларга, курашларга ва ҳатто турли-туман асабий ларзаларга тўла янги босқичга қадам кўйди. Назаримда, бу босқичнинг синовлари аввалгидан ҳам оғирроқ бўлади, шёкилли, неча марта хуноб бўласан, «сен-мен»га борасан, бир жонимга нега бунча, деган ўйларга борасан. Биз бу босқичдан ҳам ўтдик бир амаллаб. Бунда йиқилишимиз, «кўрпаларни куйдириб ташлаш»имиз ҳам осон эди, боши берк кўчага кириб қолиш, ҳаётни бутунлай бошқа оқимга солиб юбориш ҳам ҳеч гап эмас эди. Лекин чидадик. Биласизми, оилавий турмуш ҳам бири-биридан баланд доволари бор, олис йўлдан юриладиган сафарга ўхшар экан. Бир йили биз дўстларимиз билан Помирга саёҳат қилган эдик. Шунда минг чақиримлик йўлда ўнлаб майда-чуйда «довончалар»ни ҳисобга олмаганда, еттита юксак довондан ошиб ўтдик. Буларнинг энг пасти 3000 метр, яъни Қўқон йўлидаги Қамчиқ довондан анча баланд, энг баланди эса Оқбайтал деб аталадиган довон эди. Ана уни довон деса бўларди, довон эмас, довонларнинг пошшоси — денгиз сатҳидан 5500 метр баландликда.

Бу довонда қушлар кўринмасди. Улар учсалар, қуёшга яқинликдан қанотлари куйиб қолса керак-да. Йўл жуда ҳам тикка эди. Оёқости силлиқ тош, икки томондаги тоғ ёнбағирлари эса муздан иборат. Довонда ҳаво сийрак, нафас олиш қийин, оғзингизни каппа-каппа очганингиз билан, ўпкангизни тўлдира олмайсиз. Худонинг қудрати билан бунақа довонларда одамлару отлар эмас, ҳатто темирдан яралган машиналар ҳам жуда қийналар экан. Бизнинг машиналаримиз ЗИЛ русумидаги юк машиналари эди. Улар ўша пайтларда жуда бақувват ва чидамлилиги билан ном чиқарган эди. Буни қарангки, бу довонлардан улар ҳам қушдек тез ва енгил учиб ўтолмас эканлар. Улар

бу ерларда тезлигини йўқотиб, ўрмалаб қолишаркан. Машина ҳам зўриқса, кучанса, худди бўрига ўхшаб улиб юборар экан. Чидадик, олдинга интилавердик, интилавердик. Ундан кейинги доvon – Найзатош – кўзимизга анча пастроқ кўринди. Ундан ўтиш ҳам енгилроқ бўлди. Унинг баландлиги тўрт ярим минг метрдан ортиқроқ эди. Оилавий турмуш йўллари ҳам шунга ўхшайди, фақат унинг доvonларидан турмуш аробасини от тортмайди, машина судрамайди. Эр-хотин тортиб ўтади. Табиийки, одам зўриқади, кучанади ва неча марталаб ўкириб юборади.

Биз шу йўллардан ўтиб, бугунги манзилларга етиб келган эканмиз, бу йўлларда бизга куч-қувват берган иккита омил бор. Биринчиси, юқорида айтганимдек, меҳрга йўғрилиб кетган муҳаббат, иккинчиси эса – масъулият. Бир-биримизнинг олдимиздаги, фарзандларимиз, оилаларимиз, қолаверса, элу юрт олдидаги масъулият туйғуси бизни кўп ҳолларда бу масалага енгил-елпи ёндашишдан сақлаб қолди. Ўйламай қўйиладиган қадамлардан халос этди. Ҳаётда кўпинча қадам қўясан-да, кейин ўйлай бошлайсан, оилавий ишларимизда биз шу қоидага жиндай ўзгартириб амал қилдик, яъни аввал ўйлаб, кейин қадам қўйдик. Шу ўринда мен ёшларга бир гапни қаттиқ тайинламоқчиман. Албатта, ғиди-бидисиз, тумтайишсиз, бурун жийришларсиз оила йўқ. Албатта, ҳар қайси оиланинг муаммолари ҳар хил, эр-хотинларнинг табиати, феълу атвори, севиши ҳар хил. Шунинг учун турмуш масалаларида ҳар қандай ҳолга ярайдиган, ҳар қандай дардга малҳам бўла оладиган универсал маслаҳатлар, тавсиялар бериш жуда қийин. Мен бундай маслаҳат беришдан йироқман. Лекин бир нарсани тайинламоқчиман. Муҳтарама келинлар, сингилларим, азизларим, эрларингиз билан орангларда гап қочганда, эрингизнинг дил-дилини ўйиб оладиган, ўткир заҳардек унинг аъзойи баданини карахт қиладиган гаплардан ўзингизни тийинг. Оғзига келган гапни қайтармай гапиравериш кўп фожиаларнинг ибтидоси эмасми? Умуман, кўп хотинлар эрига таъна қилганда сенга тегиб нима кўрдим, деган гап билан узиб олишни яхши кўришади. Эр учун бундан оғир, бундан маломатли гап йўқ. Эркакни ёндириб юборадиган, ғазабини оловлантирадиган, кўзини кўр, ақлини ўтмас қиладиган бундан-да таҳқирли гап

йўқ. Гапимга ишонаверинг — бу тажрибада синалган нарса. Айни чоғда, куёвтўраларга шуни тайинламоқчиманки, эр-хотин ўртасидаги ношойиста ҳолларда сиз ҳам зинҳор базинҳор кекирдакка зўр бераверманг. Биринчи навбатда, шу нарса эсингизда бўлсинки, оғзингизга «талоқ» деган сўзни ола кўрманг. Билибми-билмайми айтилган бу сўзнинг азобини ўзингиз тортасиз, бу сўзни айтиш, кўприкдан ўтиб олиб, унинг қайтиш ҳам керак бўлиб қолишини ўйламай ёқиб юборадиган ношуд саркарданинг ишига ўхшайди. Ҳар қанча жаҳлингиз чиқиб, ақлингиз қочганда ҳам хотинингизни уйдан ҳайдаб чиқарманг. Шуни билингки, кўчада, айниқса, кечаси қаёққа боришини билмай, кўздан ёшини оқизиб, мунғайиб турган муштипар, ҳимоясиз, эгасиз аёлни кўрган эркак нима қилиб бўлса ҳам, ўзини раҳмдил кўрсатиб, унинг пешонасини силашга, бир кеча бўлса-да, унга нажоткор бўлишга ҳаракат қилиб қолади. Гавҳар ҳеч қачон кўчада қолиб кетмайди.

Мен меҳр сўзини кўп ишлятапман. Бунинг маъноси шуки, йиллар мобайнида бир-бирига мойиллик билан, хайрихоҳлик билан турмуш кечирган эр-хотин охир-пировард бир бутун бўлиб бирлашиб кетишади, улар чийратма ипга ўхшаб бир-бирларига эшилиб кетган бўлишади. Улар учун кўпинча дил изҳорининг ҳам ҳожати йўқ. Бир-бирларининг гапи, хоҳиш-истакларини қарашларидан, имо-ишораларидан, қошларининг чимирилишидан ҳам билиб оладиган бўлишади.

Мен ўқишдан қайтгандан кейинги турмушимда ҳам фақат «принципиал» масалаларни ҳал қилиш билан шуғулландим. Майда-чуйда ишлар эса яна хотиннинг зиммасига тушди. Ўзбек аёлининг тақдири ўзи шунақа шекилли-да. Буни қарангки, кейинги йилларда мен ўзимни оиламизда бош вазир вазифасини бажараман деб ўйлаб юрсам, унчалик эмас экан. Аслида учта боланинг ёнига қўшилган тўртинчи бола эканман. Бола бўлганда ҳам, учта боладан фарқли ўлароқ, инжиқлигим ҳам, ташвишим ҳам ўзига яраша. Бунақа «бола»ни парваришлаш ўзи бўладиган нарса эмас.

Аёлларнинг нози, гўзал карашмаси, эркалиги уларнинг қўлидаги энг ўткир қурол. Лекин айрим аёллар эрига бўлар-бўлмас нарсага хархаша қилиш — ноз-карашмани

намоён қилиш деб ўйласалар керак. Бизнинг оиладаги энг яхши жиҳат шу бўлдики, ўшандай нозли карашмалар кам эди. Унинг ўрнига Шарофатхон менинг ишим, китоб ўқишим, ёзиб-чизишим, китоб харид қилишимга теран бир ҳурмат билан қаради. Бу ишларнинг муҳимлигини тушуниб, ишлашим учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб берди. Шунинг учун баъзан мен ҳазиллашиб, ёзганларимнинг ҳаммасига ҳаммуаллифим — рафиқам, деб айтиб юраман.

Сўнги олти йилдан бери эса-ку, Шарофатхон нафақат рафиқам, докторим ҳам, ҳамширам ҳам, ошпазим ҳам, чопарим ҳам бўлиб қолди. У ҳатто китобларни ҳам ўқиб беради. Шундай ҳолларда Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи эсга тушади: Кибриё опа баъзан Абдулла акага китоб ўқиб бериб турарди. Бизнинг бу тўғридаги ҳазилларимизга Абдулла ака ҳа, шунақа хотиндан юз фоиз фойдаланамиз, деб жавоб берар эдилар. Мен ҳам эндиликда хотиндан юз фоиз фойдаланадиган бўлиб қолганман. Буларни ўйлар эканман, ўзимча мамнун бўламан. Чиндан ҳам худонинг суйган бандаси эканман-да. Қариган чоғларимда мени ана шу меҳрибоним таби рўзимга яраяпти. Шундоқ экан, хотинимни алқамаслигим мумкинми? Мен, албатта, ҳамма ёшлар биздан ибрат олсин демайман, лекин билиб қўйингларки, оилавий бахт, тотувлик, иттифоқлик, барака ва файз кўп жиҳатдан, ҳа, жуда кўп жиҳатдан келинпошшага боғлиқ бўлади.

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

(Эссе)

Қайнона кўпдан бери Жаҳон халқлари оғзаки ижодиётининг етакчи қаҳрамонларидан бирига айланган. Унинг тўғрисида юзлаб эртақлар ва ривоятлар, минглаб латифалар ва мақоллар тўқилган. Ҳар ҳолда, қайнона образи ўзининг машҳурлиги жиҳатидан кўп асрлардан бери оғиздан оғизга кўчиб юрадиган Ялмоғиз кампир ёки Алвасти об-разларидан қолишмайди.

Бу мавзу атрофида нодир ва ғаройиб воқеалар ҳам бўлиб туради. Бу воқеа 20—30 йиллар олдин содир бўлганди. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида дунёдаги энг



катта стадион бор. 200 минг киши сиғадиган бу стадион «Маракана» деб аталади. Атоқли жамоалар футбол ўйнаганда стадионга одам лик тўлар, тангадек бўш жой топилмас экан. Шундай ўйинлардан бирида танаффус чоғида 200 минг томошабиннинг кўз ўнгида стадион ичкари-сидан бир енгил машина чиқиб, майдон атрофидаги йўлдан аста юриб кета бошлабди. У жуда чиройли, жозибадор, ҳар қандай одамни ўзига ром қила оладиган машина экан. У аллақайси фирманинг янаги йилда чиқарадиган янги машиналарининг нусхаси бўлиб, фирма машинасини реклама қилаётган экан. Диктор радиодан машинанинг фазилатларини таърифлаб бўлгач, депти: «Ана шу машина сизники. Стадионда ҳозир бўлган одамдан истагани машинани текин олиши мумкин. Бунинг учун кичкинагина бир шартни бажарса кифоя. У ҳозир ёнидаги ҳамёнидан қайнонасининг сувратини чиқариб кўрсатсинда, машинани ҳайдаб кетаверсин!» Фирма эгаларининг юрагини қаранг, бир неча минг доллар турадиган машинани арзимаган бир шарт билан текиндан-текинга бериб юборишга ҳам тайёр эканлар. Лекин улар стадиондаги ҳамюртларининг феодалларини ҳам яхши билишар экан. Хуллас, 200 минг томошабин ўртасида қайнонасини чин дилдан яхши кўрадиган ва шу боис ҳамisha унинг сувратини ёнида олиб юрадиган биронта одам топилмабди.

Мен ҳозир қайноналарга бунақа муносабат дунёнинг қай бурчагида қай тарзда эканини гапириб, бунинг сабабларини таҳлил қилиб бермоқчи эмасман. Мен фақат бир нарсани айтмоқчиман, холос. Ҳар қандай оиланинг таркибий қисмида қайнона (қайнота ҳам) деган бир унсур борки, оиланинг кундалик ҳаётида, унинг аҳил ва иттифоқ бўлишида ёки аксинча, турмушининг ношойиста бўлишида шу унсурнинг роли бениҳоя катта. Албатта, оилавий ҳаётнинг яхши ёки ёмон бўлиши биргина қайнонага боғлиқ эмас, лекин қайноналар бу ишда баъзан ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биз ҳаммамиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ўқиганмиз, бу асар асосида яратилган кинофильмлар ёки саҳна асарларидан хабардормиз. Отабекнинг бошига тушган кулфатларни, Қумушнинг ўлим тўшагидаги талвасаларини кўриб юм-юм йиғламаган, ачинмаган одам топилмаса керак. Лекин ай-

тинг-чи, Кумушга ҳар қанча дардкаш бўлманг, уни ким ўлдиргани тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўрганмисиз? Сиз бу саволга дабдурустдан «Зайнаб» деб жавоб беришингиз мумкин. Тўғри, Зайнаб Кумушга заҳар берди. Лекин шунга қарамай, Отабек ва Кумуш фожиасининг асосий сабабчиси, уларнинг бахтини қаро қилган, муҳаббатларини хароб этган ким? Унинг кимлигини айтсам, аминманки, оғзингиз очилиб қолади ва бу фикрга кескин эътироз билдиришингиз ҳам мумкин. Бу инсон Отабекнинг онаси, Кумушнинг қайнонаси Ўзбек ойимдир. Албатта, Ўзбек ойим жуда оқила, кўпни кўрган, тадбирли аёл. Албатта, бу дунёда Отабек унинг энг яхши кўрган одами, Отабек туфайли у келини Кумушбибини ҳам жонидан ортиқ кўради, уларнинг бахтли бўлишини астойдил истайди. Уни Кумушнинг қотили деб аташ жуда сунъий ва зўрма-зўраки гапдай кўринади — Ўзбек ойимнинг ўзи буни бутун вужуди билан рад этади, ҳатто тасаввурига ҳам сиғдиrolмайди. Бироқ фожиага олиб келган воқеалар нимадан бошланди? Ўзбек ойимнинг орзу-ҳавасларидан эмасми? Аёллар салтанатининг пешволаридан бўлиб, керилиб юрган бу аёл ўғлини ўзи уйлантиролмай, келинни ўзи топмай, расм-русумларни ўрнига қўёлмай юзи шувут бўлиб қолмадими? Элу юрт олдидаги керилишларидан путур кетганини сезиб изза бўлиб қолмадими? Шунинг учун ўғлини ўз қўли билан яна бир бор уйлантириши, Кумушнинг ёнига кундош олиб бериши — унинг букилган иззат-нафсини тиклаши учун бирдан-бир восита бўлиб қолмадими? Масаланинг ақл бовар қилмайдиган жиҳати ҳам шунда. Ўғлини ҳам, келинини ҳам яхши кўрадиган, уларга фақат бахт тилайдиган Ўзбек ойим қонли воқеаларнинг рўёбга чиқиши йўлида биринчи қадамни қўймадими? Нега шундай қилди? деган саволни ҳозир кўндаланг қўймай қўя қолайлик. Бу савол бизни батафсил социологик тадқиқотлар олиб боришга ундайдикки, ҳозир уларнинг ўрни эмас. Бу ўринда бошқа нарса муҳим — Абдулла Қодирийнинг романи босилиб чиққандан бери анча вақт ўтди — бу вақт ичида юз минглаб (бунинг ҳисобини ҳеч ким олган эмас) ёш оилалар сеvimли қайноналарининг билиб-билмай қилган саъй-ҳаракатлари туфайли бузилиб кетмадими? Шуниси алам қиладики, қайнона болаларига бахт тилаган ҳолда

уларнинг ширин ва тотув яшашларини чин юракдан истаган ҳолда энг катта оилавий бахтсизликнинг – қўйди-чиқдининг сабабчиси бўлиб қолганини ўзлари ҳам билмай қолишади. Хотин зотининг уруғи қуриб кетган эмас, дарахтнинг шохини силкитсанг қиз ёғилади, бу хотинини қўйдириб, бир ажойиб паризодни ўғлимга олиб бермасам, мен ҳам юрган эканман, «ўғлим, мени она десанг шу хотинингни қўясан, бўлмаса, сендан мингдан минг рози эмасман» дейдиган қайноналарни мен ўта кетган оми, жоҳила, фикр қилиш қобилиятидан маҳрум, худбин одамлар деб биламан. Лекин қайнона ҳар қанча худбин бўлмасин, қаттиққўл ва шафқатсиз бўлмасин, уни ташқарига суриб қўя олмайсиз-ку? Бурунни сассиқ деб кесиб ташлаб бўлмайди. Қайнона эса ҳар нима бўлганда ҳам лоақал куёвнинг ёки келиннинг онаси-ку? Ўқимишли, маданиятли, севишган, кўп китоб ўқиган, замонавий икки ёш наҳотки битта қайнона билан муросаи мадора қила олмайди, унинг қалбига йўл топа олмайди? Ахир, яхши гап билан... деган гаплар бор!

Хурматли ўқувчилар, узр, мен ҳамма қайноналар ҳам ёмон, деган фикрдан йироқман. Ёшгина келинчакни ўз қизидай асраб, ёмонини яшириб, яхшисини ошириб кўрсатадиган ажойиб қайноналар ҳам кўп.

Мен ўзимнинг қайнонам ҳақида гапирмоқчи эдим. Аммо бунга ўтишдан аввал, нима учун оналар ва қайноналар фарзандларига яхшилик соғиниб туриб, акс натижаларга эришадилар, деган саволга жавоб излаб кўрмоқчи бўлдим. Бунинг асосий сабаби, менимча шундаки, биз ҳаммамиз беистисно ўзимиздан ўзгаларга, шу жумладан, ўз фарзандларимизга ҳам мустақил инсон сифатида қарашга ўрганган эмасмиз. Улар ҳам мустақил одамлар, ҳамма масалаларда ўз фикрлари, қарашлари бор, уларнинг савияси, дидлари бизникидан фарқ қилади, бировларнинг (ҳатто ота-оналарнинг ҳам) кўрсатган йўл-йўриқларидан чиқмай эмас, яхшими-ёмонми ўзларича мустақил ҳаёт кечиришни исташади. Чунки улар билишади, фақат ўз кучинг, ўз меҳнатинг билан барпо қилинган бахт уйигина мустаҳкам бўлади. Фарзандларимизга шахс сифатида қарашни билмаганимиз, ўзимизнинг иззат-нафсимизга кўпроқ эътибор беришимиз шунга олиб келадики, биз

катталар ёшлар ҳаётига бўлар-бўлмас сабаблар билан аралашаверамиз. Шу аралашув кўпинча низолар ва ҳатто ажралишларга сабаб бўлади.

Биз Шарофатхон билан 53 йилдан бери бирга яшаб келаётган эканмиз, бунинг сабабларидан бири қайнонамнинг саъй-ҳаракатлари бўлган.

Раҳматли қайнонам Олия хола новчадан келган, хушрўй, хушфеъл бир аёл эди. Бир вақтлар у катта рўзгорнинг бекаси бўлган, фаровон ҳаёт кечирган, егани олдида, емагани кетида бўлган. Лекин бундай ҳаёт узоққа чўзилмади. «Буюк бурилиш» йили бошланди, колхозлаштириш тўфонлари бу оилани ҳам чирпирак қилиб учирди. Оиланинг бутун бойлиги бир-икки кун ичида таланиб йўқ бўлди. Олия хола эри Қўшбой ака билан «янги ҳаёт хўжайинлари»нинг таъқибларидан қочиб Тошкентга келганларида ўзлари билан олиб келган юклари бир аравани ҳам тўлдирган эмас эди. Эр-хотин икки норасида қиз, ўғил ўрнида сақлаб олганлари бир бўй етган жиян – бешовлон иккита каталакдек уйда салкам йигирма бир йил умргузаронлик қилишга мажбур бўлишди. Бу уйдан сақлаб олган ўғиллари урушга кетди. Шу каталак хоналардан қиз узатишди. Бироқ энг муҳими бошқа нарсада. Олия хола шу мислсиз қийинчиликларга чидаганининг, оилага путур етказмай, уни ақл бовар қилмайдиган бўронлардан омон олиб чиқишини таъминлаган нарса шунда эдики, Олия хола ғоятда бардошли аёл эди, у ташвишларнинг кўпини ичига ютар, нола-фиғонлари билан яқинларининг юракларини ўртмас эди. Аксинча, у кўрган кунлари ҳар қанча оғир бўлмасин, шукур қилиб яшар, ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ эканига ишонар, яхши кунлардан умидвор бўлиб, шундай кунлар келишига астойдил ишониб ҳаёт кечирар эди. Ҳатто суянган тоғи Қўшбой ака зотилжам бўлиб оламдан кўз юмганда ҳам умидсизликка берилмади. Бу гал ҳам бутун ғам-ғуссани ичига ютди-да, фарзандларини парваришлаб, ёрқин истиқболни кутиб, бардошқаноат билан яшайверди. Бу кезларда Олия хола катта қизи Ибодатхонни Абдувакил акага узатишганди. Энди Шарофатхонни узатиш қолган эди. Ниҳоят, юқорида айтганимдек, 1950 йилда бизнинг ҳам тўйимиз бўлди. Ойим (мен қайнонамни шундай деб атардим) биз турмуш қургандан

кейин яна 17 йил умр кўрдилар. Шу ўн етти йил мобайнида мен у кишининг бирон оғиз қаттиқ гапларини, зарда қилганларини, силтаб ташлаганларини билмайман. Албатта, мендан ранжиган пайтлари, эҳтимолки, қаттиқ озурда бўлган чоғлари ҳам бўлган. Лекин бирон марта бунақа гапларни юзимга айтган, таъна-дашном билан мени тўғри йўлга солган эмас. Албатта, Шарофатхон билан орамизда турли сабаб-баҳоналар билан паст-баланд гаплар ўтиб турарди. Бунақа гаплардан Шарофатхон боши осмонга етиб, мамнун бўларди десам, ҳеч ким ишонмаса керак. Нима деганимизда ҳам, келин ўсиб-униб келган бир заминдан кўчириб олиниб, бошқа бир заминга олиб бориб ўтқазилган ниҳол. Янги шароитга кўникиб кетиши, шу ерда илдиз отиб, ўсиб-улғаймоғи учун у алоҳида ғамхўрликка ва парваришга муҳтож. Табиийки, янги шароит ҳамма вақт ҳам уни қаноатлантиролмайди. Бундай ҳолларда у кўзининг ёшини оқизиб, ҳаммадан аввал онасининг бағрига боради, бор дардини айтиб, ундан нажот кутади. Бу оила ҳаётидаги энг нозик, ҳал қилувчи дақиқалар бўлади. Бундай пайтларда узоқни ўйламайдиган оналар қизларининг бошига тушган «кўргуликлар»дан ўртаниб кетиб унга тасалли бериш ва насиҳат қилиш ўрнига қизига кўшилиб дийдиё қилишга киришади. Қудалар шаънига ҳам, куёв-тўра шаънига ҳам таъна-дашномлар, гина-кудуратлар, пўписа ва таҳдидлар сели ёғилади: «Вой, шумшаймай ўлсин эринг. Гапи оғзидан чиқиши билан ёқасига ёпиштирмадингми? Лалайиб ўтиравердингми? Ҳаммаёқни бошингга кўтариб, фарёд солмадингми? Бўпти, ўтир бу ёққа. Менинг кўчада қолган қизим йўқ. Худоё қизимнинг уволи тутсин у яшамагурни!»

Бунақа далладан кўнгли кўтарилган, жангарилик туйғулари ўтқирлашган келин «истаса ялиниб олиб кетар, келмаса садқаи сар» деб онасининг бағрида қолаверади. Қарабсизки, шунчаки дарз кетган муносабатлар қайнонасининг «саъй-ҳаракатлари» билан бир зумда тарс ёрилади-кетади ва уларни қайтадан ёпиштириш жуда-жуда қийин кечади. Мабодо, бир амаллаб қайта ёпиштирилганда ҳам, улардан оғриқли чандиқлар қолади.

Шарофатхон, албатта, бир эмас, бир неча марта онасининг ёнига дастурхонни кўтариб борган, дардини ёйиб,

ундан ҳамдardлик кутган. Лекин, ойим ҳар қанча унинг дардларидан озурда бўлган бўлмасин, бирон марта ҳам оловга керосин қуйган эмас, қизини менга қарши гиж-гижлаган эмас. Натижада тутай бошлаган оилавий можаро янги тарашалар ташланмагани сабабли гуркираб ўт олмай, ўзидан-ўзи сўниб қоларди. Икки-уч кундан сўнг бутунлай унут бўларди-ю, ҳеч нарса кўрмагандек, аввалгидек апоқ-чапоқ бўлиб кетаверар эдик.

Муҳтарам ўқувчилар! Мана бизнинг оиламизнинг қис-қача тарихи билан танишиб чиқдингиз. Бу тарихдан эҳтимол, кимдир ибрат олар, кимдир бизнинг тажрибага беписанд қарар. Мен, албатта, турмуш қурган ҳамма ёшлар худди биздек йўл тутишсин, бу йўл бахтга, аҳилликка, иттифоқликка олиб борадиган бирдан-бир йўлдир, деган фикрдан ғоятда узоқман. Лекин ўқиган парчалардан битта хулоса келиб чиқади – инсон ҳаётида муҳаббат, меҳр, ўзаро ҳурмат ва масъулият ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу йўлда ҳар қандай инсонга ҳам ақл-заковат, сабр-тоқат, бардош муросаи мадора керак. Ахир, жон куйдирмасанг, жонона қайда?

## ДОРИЛФУНУН МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Баъзан назаримда мен шу дорилфунунда туғилиб кўз очгандек атак-чечак юришни шу ерда ўргангандек, шу ерда балс-ғатга етгандек ва энг сўнгги маррага ҳам шу дорилфунун бағридан борадигандек туюлади. Ҳар ҳолда, шуниси аниқки, мен бу ҳаётда нимага эришган бўлсам, ҳаммасига дорилфунун туфайли, унинг бағрида, унинг паноҳида эришим. Лекин қисмати дорилфунун билан чамбарчас боғланиб кетган одам бир менми? Менга ўхшаган ўн минглаб, балки юз минглаб одамларга дорилфунун чинакам оналик қилмадимми? Қолаверса, бутун ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаётида, қайта тикланишида, ривожидида, миллат сифатида янги сифатлар касб этиб шаклланишида фавқулodда роль ўйнамадимми? Менимча, буни Президентимиз Ислom Абдуғаниевич Каримов ҳаммамиздан кўра теранроқ тушуниб етди, шекилли, ўз Фармони билан унга «Ўзбекистон Миллий университети» деган олий мақом берди.

Мен университетга 1946 йилнинг сентябрида келган эдим. Ёнимда етуклик аттестати, чўнтагимда олтин медаль, дунёнинг ҳамма илмини билиб, тадқиқ қилиб қўйгандек бурним кўтарилган, димоғим шишган, босартусаримни билмайман. Мени бағрига олган дорилфунун қисқа муддатдаёқ менинг кўзимни очди — осмонлардан ерга тушириб қўйди, илм дунёси сарҳадсиз бир уммон эканини, унинг мусаффо сувларини ҳар қанча шимирган билан тагига етиб бўлмаслигини менга аён қилди. Ва менга яна шуни аён қилдики, фақат мукамал илмгина инсонга саодат йўлини кўрсатадиган муқаддас қудратдир.

Ўша йилларда университет талабаларининг таркиби жуда олақуроқ эди — аудиторияларда кечагина мактабдан чиққан, сочини жамалак қилиб майда ўриб олган қизалоқнинг ёнида аллақачон 25 ёшни уриб қўйган, соч-соқолига вақтидан олдин оқ оралаган, бир қўли ё бир оёғи Оврупонинг қайси бир адирларида қолиб кетган йигитлар ҳам бор эди. Ўша жамалак соч қизалоқ ҳам, менга ўхшаган сўтак йигитчалар ҳам ҳали болаларча фикрлар эдик, ҳали оёғимиз остидан икки қадам нарини кўролмас эдик. Лекин шунга қарамай, уруш кўриб, Ватан олдидаги бурчини ўтиб қайтган акаларимиз билан тил топишиб кетдик.

Университет ўша пайтлардаёқ ўзининг салобатига, ички ғурурига эга эди. У нафақат Марказий Осиёдаги кўпгина олий ўқув юртларининг онаси бўлган, у нафақат ҳар йили халқ хўжалигининг турли соҳалари учун минглаб мутахассислар етказиб берарди, балки ёшларни адолат руҳида, ҳақиқат ва эзгулик нурларига буркаб тарбия қиларди. Уларга виждон нима эканини, чин инсон қанақа бўлишини англатарди.

Бизнинг филология факультети уруш авжи қизиб турган, мамлакатнинг ҳаёт-мамот масаласи қил устида турган 1942 йилда ташкил бўлган экан. Уни ташкил қилишда В.М.Жирмунский, Д.Д.Благой, Е.Э.Бертельс, Пиксанов каби дунёга машҳур олимларнинг хизмати катта бўлган экан. Лекин ундан ҳам аввал — гарчи ҳали алоҳида факультет бўлиб ажралиб чиқмаган бўлса-да, бу ерда Ойбек, Мухтор Авезов каби буюк алломалар дарс берган экан. Талабалик йиллари ҳақида гапирсам, гап тамом бўлмай-

ди. Шунинг учун мен университетнинг ёшларга билим бериш билан чекланмай, уларни маънавий жиҳатдан ҳам етук ва баркамол одамлар бўлиб чиқишидаги иккита жиҳатнигина айтиб ўта қолай.

Университет, биринчидан, бизнинг миллий ғурури-мизни шакллантирди. Биз ўзбек эканимизни, бизнинг халқимиз дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бирини яратган эканини онгимизга сингдирди. Ҳали дунёдаги аллақанча эллар ва элатлар, қабила ва уруғлар «Туз нима, ўт нима ва лунги» нималигини билмай, бошларига шох тақиб юрган кезларда бизнинг юртимизда бобокалонларимиз суғориладиган деҳқончилик бобида мўъжизалар яратгани, ўз давлатини барпо этгани, шаҳарлар, йўллар қурганини, нодир санъат асарларини вужудга келтирганини билиб олдик. Ўзбекларнинг тарихи ҳам дунёдаги ҳеч бир халқниқидан қолишмайдиган даражада бой ва ранг-баранг бўлганини, бизнинг халқимиздан буюк алломалар, саркардалар, давлат арбоблари, файласуфлар, олимлар, санъат ва адабиёт намоянадалари етишиб чиққанини билдик. Булар билан фахрланмай бўлармиди? Тўғри, ўша давр мафқураси айрим халқларнинг миллий ғурурини шакллантиришга тиш-тирноғи билан қарши эди. Лекин, шунга қарамай, домлаларимиз ғоятда эҳтиёткорлик билан, но-зик дид билан бақириб-чақирмасдан илмий ҳақиқатларни бизга сингдирар эдиларки, бунинг оқибатида фақат билимимиз эмас, миллий ғуруримиз ҳам ортиб борарди.

Мен айтмоқчи бўлган яна бир жиҳат шундаки, университет биз — ёшларга адолат ва ҳақиқат туйғусини сингдирди. Биз университет аудиторияларида беш йил таҳсил кўрган бўлсак, беш йил кутубхоналарда эски ва янги китобларнинг чангини ютиб, игна билан қудуқ қазиган бўлсак, шу жараёнда муттасил фикрлашни ҳам ўрганиб бордик. Университет бизга фикрлашсиз инсон инсон бўла олмаслигини, фикрлаш эса ҳамма нарсани таҳлил қилиш, воқеа-ҳодисаларнинг замиридаги моҳиятга етиб бориш, ҳақиқатни кашф этиш эканини ўргатди. Бу ҳам ўша йиллар шароитида мутлақо амалга ошириш мумкин бўлмаган бир гап эди. Аксинча, ҳар хил мафқуравий дарсларда, йиғинларда, анжуманларда қулоғимизга ўша даврнинг ёлғон ҳақиқатларини қуйганлари қуйган эди. Лекин фикр-



лаш малакаларини эгаллаган сари «Мен бахтиёрманми? Менинг халқим, элим эркин яшаяптими? Наҳотки, аравани қуруқ олиб қочиб, кўпиртириб-тошириб айтилаётган гаплар рост бўлса?» деган шубҳа-гумонлар кўпчилигимизни ўртай бошлаган эди. Ўшанда гарчи бизлар Герцен ва унинг дўстлари каби Воробьев адирларига чиқиб, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилишга қасамёд қилмаган бўлсак-да, ич-ичимиздан шу юртнинг содиқ фарзандлари бўлишга, унинг бахт-саодати йўлида ҳеч нарса-мизни аямасликка аҳд қилиб қўйгандик.

Университетни тугатиб, аспирантурага кетдим, у ердан 1955 йилда қайтдим. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, университетга филология факультетига ўқитувчи қилиб қабул қилиндим. Университет билан боғлиқ ҳаётимнинг иккинчи босқичи бошланди. Биринчи марта дарсга кирганим эсдан чиқмайди. Бу — IV курс эди, Умарали Норматовлар курси эди. Аудиторияни тўлдириб ўтирган йигит-қизлар мендан кичик бўлишса, атиги икки ёки уч ёш кичкина эди, холос. Гўё ҳаммалари «қани, нима каромат кўрсатар экансан?» деб ўйлаётгандек, кўзларини узмай менга тикилиб туришарди. Уларнинг сури босди, шекилли, бир оз довдираб қолдим, кейин ўзимни ўнглаб олдим. Аммо топиб келган гапларим дарснинг охиригача етмади — ўн беш минут олдин тамом бўлиб қолди. Нима қилишимни билмайман. Талабалар қитмирлик қилиб, бириккита саволдан бошқа савол бермай, кўзларини лўқ қилиб ўтираверишди. Чиқиб кетай десам, пулини олиб, ишини чала қилиб кетган мардикорнинг аҳволига тушиб қоламанми, деб кўрқаман.

Хуллас, биринчи дарс ана шунақа ўтганди. Аммо омадим бор экан — талабалар ҳам, қирқ йил бирга ишлашимиз керак бўлган домлалар ҳам яхши одамлар экан. Талабалар аҳволимни тушуниб, қитмирлик қилишларини бас қилдилар. Домлалар эса жуда меҳрибонлик билан муомала қилдилар, муболағасиз айтиш мумкин — улар мени янги ўтқазилган ниҳолдек авайлаб, парваришлаб, вояга етказишди. Мен ишга келганимда адабиётшунослардан Фулом Каримов, Субутой Долимов, Зикриё Мирҳожиев, Ҳомил Ёқубовлар, ёшлардан эса Лазиз Қаюмов хизмат қилишарди. Кейинчалик бу жамоага Аҳмад Алиев,

Бердиали Имомов, Саида Нарзуллаева, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойберганов, Матёқуб Қўшжонов ва бошқалар келиб қўшилди. Узоқ вақт мобайнида адабиётчилар жамоасига профессор Фулом Каримов раҳбарлик қилди. Айтиш керакки, кафедрага чинакамига илмга берилган, педагоглик касбига садоқатли, ҳалол одамлар тўпланган эдилар. Ҳар қандай майда гаплардан устун туришар ва бўҳтонларга йўл беришмас, бир-бирларига чинакам меҳрибонлик ва талабчанлик билан муомала қилишарди. Кафедрада тез-тез илмий маҳсулотлар, асарларимиз, диссертациялар муҳокама қилиб турилар, баъзан бу муҳокамаларимиз кескин баҳслар билан ўтарди. Сифати паст ишларни қайтариш ҳолатлари ҳам учраб турарди. Лекин уларнинг биронтаси кейин ҳам давом этадиган жанжалга, ғаразли олишувларга айланиб кетмасди. Мен 40 йил мобайнида бу жамоада бирон марта ҳам жиддий ихтилофлар чиққанини, бир-бирига терсайишлар, бир-бирига бурун жиёришлар рўй берганини билмайман. Сира эсимдан чиқмайди – 60-йилларнинг ўртасида кафедрада реализмнинг табиати ва унинг пайдо бўлиш даври ҳақида жиддий тортишув юз бериб қолди. Айниқса, раҳбаримиз Фулом Каримов билан менинг қарашларим ўртасида кескин зиддиятлар туғилди. Домла мудирлигини пеш қилиб, менга талабалик йиллари дарс берганларини рўкач қилиб, бирикки дўқ-пўписа билан менинг шаҳдимни қайириб ташласа бўларди. Лекин бундай қилмади. «Баҳсимизни кенг жамоатчилик олдига олиб чиқайлик. Унда талабалар ҳам, четдан келган мутахассислар ҳам иштирок этсин» деб таклиф қилди домла. Баҳс бўлди, у анча кескин ўтди, лекин баҳсдан кейин тарафдорлар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф, низолар келиб чиқмади. Хуллас, бу жамоада кўп йиллар мобайнида ҳақиқий ижодий муҳит ҳукм сурган эди. Шунинг учун ҳам бу жамоанинг илмий ишлари жуда самарали бўлди. Улар яратган илмий асарлар, монографиялар, тўпламлар, тадқиқотлар, сон-саноксиз мақолалар бир жойга тўпланса, жуда катта кутубхона бўлади.

Бу асарлар нафақат талабалар учун қўлланма бўлган эди, улар республиканинг илмий-маданий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва охир-пировардида универси-

тетнинг филология факультети адабий-танқидий фикрнинг марказларидан бири бўлиб қолди. Университет доирасида мунтазам равишда турли адабий анжуманлар ўтказилиб туриларди. Ҳар гал камида минг киши иштирокида ўтадиган бу йиғинлар ёшларда унутилмас таассуротлар қолдирарди. Шулар баробарида, бу жамоа ҳеч қачон ўзининг асосий вазифаси — юксак малакали филолог мутахассислар етиштириб бериш эканини унутган эмас. Университетдан, филология факультетидан етишиб чиққан мутахассислар турли ижодий ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларида, ҳар хил жамоатчилик уюшмаларида муваффақият билан хизмат қилмоқда. Нафақат Тошкентда, балки республикамизнинг бошқа жойларида ҳам «Домлажон, ассалому алайкум» деб қўлини кўксига қўйиб, сенга пешвоз чиқаётган шогирдингни кўрганда, рости, одам бир қоп семириб кетади ва ўтган умридан мамнун бўлиб қўяди. Адабиёт соҳасини-ку айтмаёқ қўя қолай — Одил Ёқубов, Саида Зуннунова, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жонрид Абдуллахонов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзамов, Хайридин Султонов, Иброҳим Фафуров, Ойдин Ҳожиева... Рўйхатни яна ва яна давом эттиравериш мумкин.

Мен дорилфунундан умрлик турмуш ўртоғимни топдим. Беш йиллик талабалик йилларида эса ака-ука Муҳаммад ва Матлаб Воҳидовлар, астроном Абдусалом Латипов, файласуф Эркин Юсупов ва Музаффар Хайруллаев каби кадрдон дўстлар ҳам орттирдим.

Шу ўринда яна бир фактни айтиб ўтмоқ керак. Сўнгги йилларда ёзувчилардан тўрт кишига Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Булардан уч киши бевосита университетнинг филология факультети билан боғлиқ. Булар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва мазкур сатрлар муаллифидир. Тўртинчи қаҳрамонимиз Саид Аҳмадга келсак, у ҳанузга қадар университетнинг филология факультетида ўқимаганига пушмон қилиб юради, шекилли. Шу фактларнинг ўзиёқ факультет жамоасининг меҳнати нечоғли самарадор бўлганини кўрсатади. Бу ўринда-ку имкони бўлса, университет олимларининг математика, физика, химия, биология, геология, шарқшунослик, тарих ва археология соҳаларига қўшган ҳиссаси ҳақида

ҳам оғизни тўлдириб, ифтихор билан гапирса арзирди, ўнлаб буюк номларни келтириш мумкин эди. Аммо бунга мақоламиз ҳажми йўл қўймайди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳозирга қадар ўзининг юксак номини оқлаб кел-япти. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам мустақил республикамизда эркин ва фаровон демократик жамият қуриш йўлида у ҳамиша олдинги марраларда бўлади.

Мен республикамиздаги олий таълимнинг бу юксак кошонаси олдида бош эгиб таъзим қиламан ва бундан кейин ҳам ҳар ишимда, ҳар қадамимда «шу дорилфунундан чиққан» деган шарафга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

### **ВИЖДОН КЕРАҚДИР ИНСОНГА**

Мен бу мақолани ёзиш жараёнида ҳар хил манбалардан «виждон» сўзининг луғавий маъносини изладим — у қайси тилдан кириб келган, унинг туб луғавий маъноси қанақа, қандай хислатлари бор. Афсуски, бу саволларга тайинли жавоб тополмадим. Лекин имоним комилки, бу сўз инсон учун энг қадрли, энг ардоқли сўз, умргузаронлиги, хотиржам, шойиста яшамоғи учун виждон энг зарур омилдир. Яқинда шогирдларимдан бири билан инсоният ривожининг чигал ва мушкул йўллари тўғрисида гурунглашиб қолдик. У виждон, инсоф, имон ва диёнат йўқолиб бораётгани, бунинг оқибатида инсоният ахлоқидан путур кетаётгани, ҳаётда ёмонлик ва ёвузлик кўпайиб бораётганидан зорланди. Албатта, унинг гапида муаяйн ҳақиқат бор эди, чиндан-да бир қараганда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида виждон танқислиги яққол сезилади.

Биз қадим замонларда одамлар қулф нима эканини билмагани тўғрисида, бозорларда мол эгаси тушликка кетадиган бўлса, қопнинг оғзини ёпиб, устидан тош бостириб кетавергани тўғрисида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Ҳаромдан ҳазар қилиш, бировга азият етказишдан тийилиш, гуноҳдан кўрқиш кўпчилик учун ҳар куни амал қилинган энг оддий ҳақиқатлар бўлган. Бировнинг омонатиغا хиёнат қилиш, алдаб, олдига похол солиш одамгарчиликка мутлақо тўғри келмайдиган иллатлар сифати-

да қаралган. Лафз, андиша, ёмонликни раво кўрмаслик энг зарурий сифатлардан бўлган.

Ёки турк ёзувчиси Раход Нури Гунтекиннинг «Тамға» деган қиссасини эсланг. Унинг қаҳрамони бир қизни севиб қолади ва уйига боради. Шу пайт қизнинг қариндошлари ҳам келиб қолишади. Йигит қизни шарманда қилмаслик учун ўзини бегона қилиб кўрсатади ва бу уйга ўғирликка келганини айтади. Уни қамашади, бироқ бир неча йилдан кейин турмадан чиққандан кейин ҳам сирни очмайди ва «ўғри» деган тамғани умрбод кўтариб юради.

Буларнинг бири ривоят, иккинчиси – ҳикоят, лекин ҳар икковининг замирида ҳам бир чимдим бўлса-да, ҳақиқат бор. Тўғри, бугунги одамларнинг кўпчилигида шундай ахлоқий ақидалар асосида яшаган ота-боболаримиз анча содда, анойи ва ҳаттоки, овсарроқ ҳам кўриниши мумкин. Баъзилар уларнинг ибтидоийликда ва ҳатто қолюқликда айблашдан тонмасликлари мумкин. Майли, бу баҳсда ким ҳақ, ким ноҳақлигига қози бўлмай қўя қолайлигу, лекин уларнинг ўша «примитив» ахлоқларида битмас-туганмас гўзаллик борлигига тан бермай, уларга ҳавас қилмай илож йўқ.

Хўш, ота-боболаримизнинг осойишта ва хотиржам умр кечиришларига йўл очган, уларни кўпгина катта-кичик хатолардан асраб қолюлган, нафақат бизда, бошқа халқлар ўртасида ҳам юксак қадрланган «виждон» деб аталмиш нарса қаёқдан келиб қолган? Ҳар хил тилларда ҳар хил сўзлар билан ифодаланса-да, моҳиятан ўзгармай қоладиган бу ахлоқий принципнинг тарихи борми? Унинг ривожига ёхуд таназзули қанақа омилларга боғлиқ?

Маълумки, Оллоҳ жамики тирик махлуқотни икки тоифа қилиб яратган: буларнинг бири чорпо, яъни тўрт оёқлилар – иккинчиси эса одамлар – икки оёқли махлуқлар. Чорполар ҳам, одамлар ҳам кўпгина муштарақ хусусиятларга эга – улар ейди, ичади, урчийди, яъни фарзанд кўради, ўз жинсини давом эттиради. Бироқ, шуниси ҳам маълумки, Оллоҳ инсонни борлиқнинг гултожи сифатида яратган, у ўз яратганини яхши кўради, унинг чорпо қаторида бўлишини истамайди. Шунингдек, Инсон Соҳиби Қудрат эмас, анча заиф ва мўрт, табиий майллардан ташқари салбий майлларга ҳам осонгина берилиб кетиши мумкин.

Шунинг учун суйган бандалари йиртқишлашиб чорпога айланиб кетмаслиги, ножўя ва ношойиста ҳаракатлари билан ҳайвон қаторига тушиб қолмаслиги учун унга ақл, идрок, фаросат, ҳаё, уят, виждон, имон, диёнат ва инсоф каби омилларни ҳам ато қилган. Инсон ҳаётининг энг улуғ маъноси бу дунёдаги ҳаётни муқаддас неъмат билиб, ундан баҳраманд бўлаётганига шукроналар қилиб, Соҳиб-би Қудратнинг яратувчанлиги орқали уни танишга интилиб яшамоқдан иборатдир. Бу йўлга кирган одамлар ўзларини бахтиёр ҳис этсалар мутлақо ҳақли.

Лекин, афсуски, халқлар ривожлангани, жамият тараққий этгани, цивилизация самаралари кенгроқ тарқалгани сари ғалати ҳодисалар рўй бермоқда. Аслида-ку, бу жараён оқибатида инсоният ақллироқ бўлиб бормоғи, унинг ҳамма ишлари теран мантиқ асосига қурилмоғи, ўтмишдан орттирилган бой тажрибага таянмоғи жоиз. Шундан келиб чиқилса, айтайлик, XX аср одами – инсоният тадрижининг чўққиси, ақл-заковат бобида тенгсиз бўлмоғи шарт эди. Аммо шундай бўлиб чиқдими? Биз XX аср одами ақлий жиҳатдан ўрта асрлар одамидан илгарилаб кетган деб баралла айта оламизми? Бу саволга «Ҳа» деб жавоб бериш мушкул, чунки XX аср одами, бир томондан, илм-фан ва техника бобида мислсиз кашфиётлар қилиб, ўз заковатининг қудратини намойиш қилган бўлса, иккинчи томондан, узлуксиз қуролли урушлар қилиб, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритиб, ўзи ўтирган шохга болта уриб, ашаддий салбий тамойилларга, қирғинга, қон тўкишга, зўравонликка мойил эканини исбот қилди. Бундай ҳолларда виждон ва инсоф, адолат ва диёнат деган нарсалар ҳаётда ортиқчароқ бўлиб қолади. Виждон ўз табиатига кўра ижтимоий адолатсизликка, зўравонликка мутлақо зид ҳодиса. Бу, айниқса, шўролар ҳукмронлиги даврида тўла намоён бўлди.

Маълумки, Ленин раҳбарлигидаги бир гуруҳ одамлар зўравонлик билан ҳокимиятни қўлга олганларидан кейин, биринчи қадамлариданоқ ёлғонни ва фақат ёлғонни ўз фаолиятлари негизига қўйдилар. Улар ўзларини халқ оммасининг асрий орзуларини рўёбга чиқарувчи ягона куч деб эълон қилдилар ва ошкора зўравонлик билан иш юритдилар. Аммо виждон ҳукмронлик қилган, устувор бўлган жойда

унча ҳам зўравонлик қилиб барака тополмайсан. Шунинг учун шўро назариячилари очикдан-очик «виждон эски буржуа ахлоқига тегишли, ўтмиш сарқити» деб эълон қилдилар ва зўравонлик, инсофсизлик майлига юришни истаган одамларга йўлни катта очиб бердилар. Лекин оддий халқ виждондан осонликча ажралишни истамади. Шунда шўро мафкурасининг муҳиблари янги найранг ўйлаб чиқардилар — улар «инсон ким?» деган азалий муаммога янгича, марксистик талқин бердилар. Бу талқин жуда жўн, ҳаммага тушунарли формулага асосланган эди. Унга кўра инсон ижтимоий муносабатларнинг жамулжами эди, холос. Эътибор берсангиз, бу формулада инсон фақат ижтимоий моҳияти жиҳатидан баҳоланган, унинг биологик моҳияти, асл табиати деярли эътиборга олинмаган. Кейинчалик шўро тарғиботи бошдан-оёқ инсоннинг ижтимоий моҳияти билан асл табиатини бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосига қурилди. Бунда ҳамма тарғибот воситалари ишга солинди, бадиий адабиётдан кенг фойдаланилди.

Битта мисол келтираман. Рус ёзувчиси Борис Лавреневнинг «Қирқ биринчи» деган ҳикояси бор. У 20-йилларда ёзилган эди. Кейинчалик атоқли кинорежиссёр Чухрай шу номда ажойиб фильм яратди. Унинг қахрамони бир инқилобчи аёл. У инқилоб ғояларига бутун вужуди билан берилган, бу йўлда жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Фанатизми шу қадар кучлики, кимда ким унинг мафкурасини қабул қилмаса, жиндай бўлса-да, инқилобга қарши чиқса, аёл мутлақо иккиланмай уни ўлдиришга тайёр. У бунақа душманлардан қирқтасини ўлдирган — бу мудҳиш ишни аёл боши билан бирор зум виждон азобига берилмай бажо келтирган. Ниҳоят, у бир неча кун давомида ёшгина бир оқ офицерга соқчилик қилади — уни қизиллар қўлига топширмоғи керак. Йигит ёш, кучга тўлган, ақли мукамал, олижаноб. Адолат, умуминсоний қадриятлар учун жанг қилишни ўзининг бурчи деб билади. Қўйинг-чи, асир зобит билан инқилобчи аёл ўртасида муҳаббат пайдо бўлади — бир-бирларини севиб қолишади, бир-бирларининг висолларига етишиб, севги суруридан лаззатланишади. Муҳаббат уларни ажралмас қилиб боғлаганига, улардаги инсонийликни рўёбга чиқарганига, уларни инсон сифатида бир неча баравар улғайтир-

ганлигига ишонасиз. Лекин улар манзилга яқинлашгач, денгизда кема кўринади. Бу оқларнинг кемаси эди. Зобит кема томон югуради. Инқилобчи аёл дарров хушёр тортади — қочиб бораётган ўзининг севимли йигити эканини унутади (ёки бундан кўз юмади) ва уни отиб ташлайди. Бу аёлнинг инқилоб йўлида ўлдирган қирқ биринчи қурбони эди. Фанатизм муҳаббатдан устун келади, қиз қалбидаги жамики инсоний туйғуларни маҳв этади, унинг виждонини мажруҳ қилади. Ўша кезларда ана шу инсонийликдан маҳрум, инқилоб йўлида ҳатто ўз севгилисига қарата иккиланмай тепки босадиган махлуқ ҳақиқий совет кишиси, замон қаҳрамони, ёшларга ўртак сифатида мақтаб кўкларга кўтарилди. Бунақа намунали қаҳрамонлар — инсоний сифатлардан маҳрум бўлган, виждон ва диёнатни бемалол оёқости қиладиган махлуқлар образи адабиётда етмиш йил мобайнида кўплаб яратилди. Натижада одамлар назарида асрлар мобайнида амал қилиб келган ахлоқий-маънавий омиллар, шу жумладан виждон ҳам қадрсизланди. Бу эса жамиятда жуда нохуш ҳодисаларга олиб келди. Шўро жамияти бир неча марта мислсиз очликларни бошидан кечирган бўлса-да, муайян моддий бойликлар ярата олган, ўз халқини едириб-ичирган ва кийинтирган жамият эди. Аммо ахлоқий-маънавий қадриятларга беписандлик, уларни таҳқирлаш, очикдан-очик қувиб чиқаришга ҳаракат қилиш — бу жамиятни ичидан нуратган, ўз-ўзини емирувчи жамиятга айлантирган асосий омил бўлди. Бу жамият инсоннинг табиий майлларини ҳисобга олмагани, ёлғонни асосий раҳнамо деб билгани учун, тўпу тўпхоналари, ракеталарию атом бомбаларига қарамай, ўз бошини ўзи еди.

\* \* \*

Мана, салкам ўн икки йилдирки, жонажон юртимиз кўксига Мустақиллик байроғи мағрур ҳилпирамоқда. Биз аллақачон мустақилликнинг буюк қудратини, меҳнаткаш халқ оммасига нималар беришини амалда кўриб турибмиз. Биз бу йиллар давомида халқ хўжалиги, саноат, қурилиш соҳаларида катта муваффақиятларга эришдик, маданий-маърифий силжишлар ҳам сезиларли. Буларнинг бари муҳим, албатта. Лекин мен шу йилларда фавқулодда му-



ҳим бир соҳада ўзгаришлар қилина бошланганини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Бу маънавият соҳасидир. Шўролардан бизга мерос бўлиб қолган маънавият анчагина хароб бўлган, рамақижон аҳволда эди. Уни тубдан янгиламай янги ҳаётнинг бирор соҳасида тузукроқ муваффақиятга эришиб бўлмасди. Биз янги, демократик, адолат қарор топган жамият қурмоқчимиз. Бу жамият фақат хўжалиги ривож топган фаровон жамиятгина бўлиб қолмай, виждон ва инсоф, имон ва адолат каби умумбашарий қадриятлар тантана қилган жамият ҳам бўлмоғи керак.

Виждон дегани нимадир? У кимга ва нимага керак?

Аввало, айтиш керакки, виждон бозорда сотилмайди, магазинларда қалашиб ётмайди. Қолаверса, уни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди. Виждон инсон эсини таний бошлаши биланоқ ҳар куни, ҳар соатда бағоят зарур бўлган бир нарсадир. Одамнинг табиати шунақаки, ҳар бир одам виждонли бўлишга интилади. Албатта, виждонсиз одамлар бор, улар ҳатто керагидан кўпроқ ҳам учрайди. Виждонсиз одамлар бемалол умр кечиравердилар, ҳатто виждонлиларга қараганда осонроқ, кўпроқ шоду хуррамлик кўриши, турмуши роҳат-фароғатда ўтмоғи мумкин. Бундайлар виждонли одамларга юқоридан қараб, уларни масхаралаб, беш кунлик дунёда айш-ишратда, роҳат-фароғатда яшаб ўтиб кетмоқлари ҳам мумкин. Бунинг учун биронта жиноят кодексида уларни айблайдиган модда тополмайсиз. Улар виждон азобидан ҳам кўрқмайдилар, чунки биладиларки, ҳали шу пайтгача дунёда ҳеч ким виждон азобидан ўлган эмас. Лекин шунга қарамай, виждонсизларча қилинган ҳар бир иш, ўз манфаати йўлида диёнатни ютиб, бошқаларга азият етказиб қўйилган ҳар бир қадам мутлақо изсиз кетмайди — булар ўша виждонсиз одамнинг қалбини, руҳиятини заҳмдан хавфлироқ ва совуқроқ дардга дучор қилади, уларнинг қиёфасида шундай чандиқлар қолдирадими, бора-бора бу чандиқлар уни одамийлик қиёфасидан маҳрум этиб, худди инглиз адиби Оскар Уайльд романининг қаҳрамони Дориан Грейдек маҳлуққа айлантиради. Назаримда, виждон одамни ёмон ишлардан тийиб турадиган, яхши ишларга, савобга ундайдиган ички бир қудратдир. Кимлардадир у жуда кучли, кимлардадир заиф бўлмоғи мумкин. Энг

қизиғи шуки, виждон бировнинг буйруғи билан ҳаракатга келмайди – уни фақат эгасигина, унинг ҳақиқий инсон бўлиш иштиёқигина бошқариб туради.

Бундан кўп йиллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Раҳматли дўстим Ҳайдар Пўлатов билан бола-чақаларни олиб Иссиққўлдан қайтаётган эдик. Тошкентга етишга ҳали анча бор. Қоронғи тушиб қолган. Бирдан машина балони ёрилди, йўлда бундан олдин ҳам эскироқ бўлгани учун иккитаси ишдан чиққан эди. Биз учта филдиракда қолдик. Нима қилмоқ керак? Узоқларда бир чироқ милтираб кўринди. Ҳайдар ўша ёққа йўл олди. Чироқ кўринган уйда ўша ердаги колхознинг раҳбарларидан бири турар экан. Анчадан кейин у мен учун бир косада овқат кўтариб, Ҳайдар билан бирга келди.

– Бизнинг қишлоқда машинали одам йўқ, – деди у. – Фақат бир чўпонда машина бор, лекин у ҳозир тоққа мол ҳайдаб кетган. Майли, бир гап қилармиз.

Уй эгаси қайтиб кетди. Эрталаб эса соат 8 бўлиб улгурмай ҳалиги одам бир филдирак кўтариб машина олдига келди. Филдираги тишлари тўкилиб, усти сип-силлиқ бўлиб кетган, лекин ўзи бутун, ишга ярар эди. Энди бу ёғини ҳисобкитоб қилинг: тоғ 20 чақирим масофада экан. Отда камида 4-5 соатлик йўл. У отини эгарлаб, тоққа жўнаб кетганида соат тунги иккилар эди. Мен ҳозирга қадар ҳайратланишдан тўхтамайман – биз бу одам учун етти ёт бегона бўлсак, олиб келган филдираги учун икки пул олмаган бўлса, бу иши учун биров уни лоақал деворий газетага ёзиб чиқмаса, нега энди у уйқусидан воз кечиб, тунда тоғда бўрими ё бошқа жонзотга дуч келиб қолиши мумкинлигини ўйламай, шунча йўл босиб, менга филдирак олиб келиб берди? Ахир, «бизда машина йўқ, бўлса жоним билан битта филдирак совға қилардим» деб манзират қилиб қўя қолса бўларди-ку! Нима, мен уни койирмидим, ундан хафа бўлармидим? Йўқ. У агар шундай қилмаганида, эҳтимол, анча вақт бир одамга ёрдам беролмагани учун виждони қийналиши мумкин эди. Бу ишдан у ҳеч қанақа манфаат кўрмади, лекин бирдан-бир топгани шу бўлдики, ўзининг чинакам инсон эканини исбот қилди. Бунга у бировга кўрсатиш, мақтаниб юриш учун эмас, руҳиятида шойисталик топиш учун, ўзидан мамнун бўлмоқ учун қилди.

Виждон — ҳар бир шахснинг ҳаётида нақадар катта роль ўйнаса, жамият ҳаётида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, виждоннинг устувор бўлиши жамиятнинг тез суръатлар билан ривожланмоғини таъминлайдиган омиллардан биридир. Албатта, алланечук мавҳум, бутун жамият учун битта бўлган виждонни тасаввур қилиш қийин. Менимча, жамият виждонини ҳамма давлат институтларида лоқайдлик, ишга совуққонлик билан қараш, ҳалолликка беписандлик, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормаслик каби иллатларга барҳам бериш йўли билан ҳосил қилиш мумкин.

Биз янги жамият кураёпмиз. Бу жамият эркин бозор муносабатларига асосланган бўлади. Хўш, бу жамиятни ҳаракатлантирувчи кучи нимадир? Манфаатми? Кўпроқ мол-мулк, давлат орттиришми? Ҳар қандай қилиб бўлса-да, арзон олиб, қиммат сотишми? Йўқ, минбаъд йўқ. Афсуски, ҳозир «бозор иқтисодиёти» деганда айрим одамлар ҳар нима қилиб бўлса-да харидорни алдаб, фирибгарлик қилиб, ҳатто виждонини сотиб иш битиришга ҳаракат қилади. Энг ачинарлиси шуки, бу ялпи фирибгарликда кўпгина фирмалар ҳам ёхуд бошқа шакллардаги катта-кичик жамоалар ҳам бир-бирлари билан мусобақа қилаётгандек кўринади. Тўғри, кўп ҳолларда фирмалар ва бошқа концернлар ўз номларининг покиза бўлиши, шаънларига доғ тушмаслиги тўғрисида кўп қайғурадилар. Ҳалоллик, тўғрилиқ билан харидорни жалб қилиш, ўзининг доимий мижозларига эга бўлиш самаралироқ экани маълум бўлиб қолди. Афсуски, ҳар хил қинғир йўллар, ҳатто жиноятлар йўли билан пул топаётган ва бу жараёнда виждони бутунлай уйкуга кетган одамлар ҳам учраб туради. Ҳозирги кунда жуда кўп одам ҳар хил дори-дармонга эҳтиёжманд. Бироқ дорифурушликда янги «кашфиёт»лар чиқиб қолган. Масалан, яра-чақаларга суриладиган «Левонекол» деган дори бор. У, асосан, Нижний Новгород шаҳаридан юз граммлик шиша идишларда олиб келинади. Лекин бу ерга келиши биланоқ кимлардир уни кўтарасига харид қилади ва 15, 25 ёки 40 граммлик тубикларда худди заводдан чиққандек шаклда аптекаларга тарқатади. Фақат аввалгисидан фарқи шундаки, икки шиша «Левонекол»дан энди уч шиша ясалади, пули эса

тўрт шишанинг нархига тўғри келади. Зарур бўлгандан кейин қимматлигига қарамай харид қиласиз, бироқ энг ёмони шундаки, қайта ишлов берилган ёғнинг сифати йўқ — ҳарчанд сурганингиз билан ярангиз тузалмайди. Бошқа доридармонларда ҳам муддати ўтиб кетганларини, сотиш нархавосини осмонга чиқариб қўйиш ҳоллари кўп. Бу ҳақда назорат қилувчиларга шикоят қилсанг, «Нима ҳам қила олардик? Буни бозор иқтисодиёти дейдилар», — дея жавоб беришади. Йўқ, бу мутлақо бозор иқтисодиёти эмас, бориб турган фирибгарликнинг ўзгинаси. Виждон устувор бўлгандагина, ҳалоллик, тўғрилиқ ҳар қанча пулдан беқийс даражада юқори туришини қон-қонимизга сингдириб олмагунча, бундай ҳолларни тузатиш амри маҳол.

Неварам ўқийдиган мактабда ўқитувчилар ўтириш қиладиган бўлишипти-ю, дастурхон тузатишни ўқувчиларга юклашипти. Кимгадир коньяк, кимгадир ароқ келтириш буюрилипти. Таниш ўқитувчидан «нега бундай қиляпсизлар?» деб сўрасам, «нима қилайлик, домла, маошимиз кам, тирикчилик қийин бўлиб қолди» деб жавоб берди. Қаттиқ ажабландим, тирикчилик қийин бўлиб қолса, ароқ ёки коньяк ичиш билан уни енгиллатиб бўлармикин? Ўқитувчи шу иши билан ўқувчининг руҳини бир умрга жароҳатлаётганини билмасмикин?

Президентимиз юртимизни обод ва фаровон қилиш йўлида, ҳар соҳада адолатни қарор топтириш борасида муттасил саъй-ҳаракатлар қиляпти. Лоақал сўнгги бир-икки йилда тадбиркорларга эркинлик бериш, уларнинг бемалол ишлашлари учун шароит яратиш йўлида қилинаётган ишларни эсласак, бу гапнинг ҳақлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Аммо бир тўда нафсини тия олмаган, виждон деган нарсани улоқтириб ташлаган, халқ манфаатидан буткул юз ўгириб, бутун дунёга ўт тушса тушсин, фақат менинг қозоним қайнаса бас, деган ақида билан яшайдиганлар ислохотларнинг самарадор бўлишига ҳам, юртимизнинг тўқчилик ва фаровонлик босқичига қадам қўйишига ҳам тўғаноқ бўлиб туришибди.

Кўринадики, виждон масаласи кўп қиррали, инсон ҳаётининг, жамият турмушининг ҳамма томонлари билан боғлиқ масала. Инсонни инсон қиладиган, жамиятни жамият қиладиган энг бирламчи, энг зарурий, энг қудратли

куч виждондир. Ҳар бир инсон фақат виждон амри билан яшагандагина, жамият виждон салтанатига айланган тақдирдагина Президентимиз айтган Буюк Келажак юрти-мизга қадам қўйган бўлади.

## ТИЛДА ҲИКМАТ КЎПИ

Тилимизнинг ҳозирги аҳволини ўйлаганда, тез-тез Абдулла Қаҳҳорнинг куйиб-ёниб айтган бир гапи ёдимга тушади: «Кўчада бирор одам қондани бузса, дарров милиционернинг хуштаги чуриллайди, қоидабузар мўмайгина жарима тўлайди. Нега энди тилимизни писанд қилмайдиганлар, уни ҳар қадамда бузиб расво қилаётганларнинг мушугини ҳеч ким «пишт» демайди?» Ҳақиқатан ҳам, нега? Ахир, кўча қондаси қаёқда-ю, бутун бошли бир миллатнинг энг ноёб, энг азиз бойлиги ҳисобланмиш тил қаёқда? Назаримда, сўнгги ўттиз йиллар мобайнида тил бобида катта ўзгаришлар бўлди, лекин уларнинг ичида ижобийлари бўлгани каби тилимизнинг зарарига ишлайдиганлари ҳам кўп эди. Ахён-ахёнда саҳрода адашган ёлғиз йўловчининг фарёдидек бирор-бир одамнинг зорланиши эшитилиб қолмаса, тилдаги бу салбий тамойиллар ҳеч кимнинг парво-йига келмайдигандек туюлади. Гуё тил қалъаси бедарвоза қолгандек, унда истаган одам истаган ҳунарини кўрсатиши мумкиндек. Ҳатто тил ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин ҳам аҳвол тубдан ўзгарди, деб айта олмаймиз. Шунинг учун ҳам яқинда «Халқ сўзи» газетасида атоқли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг эълон қилинган мақоласи айни муддао бўлди. Мақолада тилимизнинг анъаналари ҳақида яхши гап айтилипти, унинг сўз бойлигини тўғри келганча, билиб-билмай ўзгартиравериш мумкин эмаслиги, тил бобида зўравонлик кетмаслиги, айни шу соҳада ҳамма нарсани етти ўлчаб бир кесиш зарур эканлиги таъкидланган.

Мен мақолада илгари сурилган деярли ҳамма фикрларга қўшиламан. Чиндан ҳам, сўнгги ўн йил ичида ўзбек тилига сингишиб кетган, аллақачон унинг ўз мулки бўлиб қолган кўпгина сўзларни кенг халқ оммаси тушунмайдиган сунъий сўзлар билан алмаштириш тамойили кенг тарқалди. Бу тамойил бутун бир оз сусайган бўлса-да, ҳали буткул ўтиб кетгани йўқ. Ҳар хил «илмгоҳ»у, «тайёрагоҳ»-

лар, «ноҳия»ю «жарида»лар ва яна бошқа юзлаб, балки минглаб ясама иборалар чала туғилган боладай совуқ кўри-нишига қарамай ҳамма ёқни босиб кетганди.

Қизиқ, тилнинг «софлиги» учун бунақа «кураш» авваллари ҳам содир бўлганди. Масалан, 20-йилларда «йўқсил», «сим чироқ», «жин арава», «отааш арава», «ёрит-қич» каби сўзларни тилга олиб киришга уринишлар бўлган. Лекин ўшанда ҳам, худди кейинги пайтлардаги каби тил бунақа ясама сўзларни қабул қилмади. Афсуски, биз тарихий тажрибаларимизга доимий таяниб, улардан хулосалар чиқариб, хатоларни такрорламай иш юритишга ҳам ўрганган эмасмиз. Ҳолбуки, 20-йиллар тажрибасидан ўз ўзидан битта хулоса келиб чиқади — халқлар бир-бирлари билан иқтисодий алоқаларга киришмай яшаёлмаганларидек, уларнинг тиллари ҳам бир-бирларидан таъсирланмасдан ривожлана олмайди. Уларнинг сўз бойликлари ҳамиша бир-бирларига кўчиб, бир-бирларини тўлдириб турган. Турли элатлар ва юртлар ўртасида қатнаган карвонлар турли-туман буюмларгина эмас, бу буюмларнинг номларини ҳам ташиган. Бир-биридан озиқланиш, бир-бири ҳисобига бойиш тил ривожининг асосий қонунларидан биридир. Бу ҳодиса ҳеч кимнинг хоҳишига боғлиқ эмас ва ўз олдига кўйиладиган тўсиқларни ҳам тан олмайди. Масалан, рус тилига юзлаб, балки минглаб туркий, арабий сўзлар кириб қолган ва улар бугун ҳам жонли сўзлашув тилида ўз мавқеини сақлаб қолган. Масалан, киоски (аслида — кўшк), колбаса (аслида — қўлбости), караул (асли — қоровул), адмирал (асли — амир ал-бахр), алгебра (асли — ал-жабр)...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Худди шунингдек, юнон, лотин, рус ва бошқа тиллардан ҳам ўзбек тилига кириб, ўзлашиб кетган сўзлар кўп. Қизиғи шундаки, бу жараён кеча бошланган эмас, балки чуқур тарихий илдизларга эга. Масалан, минг йил аввал Беруний бошлиқ бошқа атоқли мутафаккирларимиз «философия», «категориюс» каби атамалардан кенг фойдаланишган. Ёхуд, фанларни тавсиф қилганда «рациональные науки» тушунчасини бугун бизга ўхшаб «рационал илмлар» деб аташмаган, балки «илми ақлия» деб жуда чиройли, жуда шарқона ва жуда тушунарли шаклда қўллашган.

XX асрга келиб бу алоқалар жуда кучайди ва муайян ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра, ўзбек тилига кўплаб байналмилал сўзлар кириб келди. Бугунги кунда ҳар қанча уринманг, уларнинг ҳаммага манзур бўладиган муқобилларини топиш қийин. Масалан, электр, радио, телефон, телеграф, телеграмма, банк, касса, компьютер, робот, космос ва ҳоказолар. Бунга ўхшаш сўзлар онгимизга шу қадар сингиб кетганки, биз уларни ўзбек сўзлари деб қабул қилаверамиз ва бундан ҳеч қандай нокулайлик сезмаймиз. Уларни, албатта, бошқа ўзбекча сўзлар билан алмаштиришга уриниш беҳуда бир иш бўлур эди. Беҳуда уриниш эса, маълумки, белни синдиради.

Булар яна бир карра шуни исбот қиладики, тил бора-сида сира ҳам шошма-шошарлик кетмайди. Тилда қайси сўзлар яшаб қолади-ю, қайсилари истеъмолдан чиқиб, йўқ бўлиб кетади – буни фақат ҳаётнинг ўзи ҳал қилади.

Тилда ҳикмат кўп. Тил – халқнинг, миллатнинг энг катта бойлиги, энг қутлуғ неъматидир. Аввало, Оллоҳ таоло халқларга тилни инъом этган экан, бандаларини ўзаро мулоқотда қийналмасин, бир-бирларини англаб, эҳтиёжларини ўзаро тушуниб, бир-бирларига меҳрибон бўлсин, деган мақсадни кўзлаган. Шу билан бирга, менинг бандаларим ҳайвонлардан ажралиб турсин, уларни табиатдаги энг олий мавжудот сифатида яратганим тилда ҳам сезилиб турсин, деган ният ҳам бўлиши керак. Ҳарҳолда тилнинг яратилишида ақл бовар қилмайдиган уйғунлик, мақсадга мувофиқлик бор. Тасаввур қилингки, бир кун эрталаб уйғониб қарасангиз, ҳар бир одамнинг ўз тили бор: эрталабданоқ машамшалар бошланади – эр ўз тилида, хотин ўз тилида гаплашади. Ота болани, қиз онани тушунмайди. Кўчада, ишда ҳам аҳвол шу. Хўш, нима бўларди шунда? Нима бўларди, қиёматнинг каттаси бошланарди. Минг қатла шукурки, ундай яратилмаганмиз. Қолаверса, тилимизда тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз сақланиб қолган. Мақоллар ва маталларда, турли ибораларда авлод-аждодаларимизнинг қай тарзда яшагани, қанақа расм-русмларга амал қилгани муҳрланиб қолган.

Раҳматли бувим оддийгина қишлоқи аёл бўлган бўлсалар-да, жуда чечан, ҳар гапга бирон матал ёки мақол кўшиб гапиргувчи эдилар. Баъзан мени койиб қолганларида: «Бу-

вижон, нега ҳадеб койийверасиз, ахир неварангизман-ку?» десам, «Неварам бўсанг нима? Гўримга ўт қалармидинг?» дер эдилар. Мен бу гапга тушунмасдим, саволимга гўрнинг, унга ўт қалашнинг нима дахли борлигини билолмасдим. Шу зайлда йиллар ўтди. 60-йилларда ҳиндларнинг буюк доҳийси Жавоҳарлаъл Неру оламдан ўтди. Унинг дафн маросими матбуотда батафсил ёритилди. Маълум бўлдики, ҳиндилар ҳозир ҳам ўлган одамнинг жасадини гулханда ёндириб, кулини Ганга дарёсига сепаиб юборишар экан. Нерунинг васиятига кўра, унинг жасади ёнадиган гулханга энг сеvimли невараси ўт қўйибди. Бирдан бувимнинг ўша нақлини эсладим: демак, бир замонлар бизда ҳам жасад ёқилган экан-да, демак, гулханга ўт қўйиш неварачун энг фахрли иш бўлган экан-да? Бундан чиқадики, ўша ибора камида 2,5–3 минг йиллик тарихга эга.

Ана кўрдингизми, тилимизда бундай иборалар қанча! Тарихимизни ўрганишда, ўзлигимизни танишимизда уларнинг аҳамияти йўқми? Ҳа, тилда чиндан ҳам ҳикмат кўп. Шундай экан, тилни ҳимоя қилиш, унинг ривожини учун реал замин яратмоқ бугунги куннинг гоятда муҳим вази-фасидир. Буни ўқиган баъзи одамлар жиддий эътироз билдириши мумкин: нега ваҳима қилиясиз? Ахир, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Давлат ташкилотларида давлат тилида иш юритиляпти. Тил комиссияси мунтазам ишлаб турипти. Атамалар кўмитаси фаолият кўрсатяпти, жойларнинг номлари ўзгартириляпти, аста-секин лотин алифбосига кўчиляпти. Тўғри. Айниқса, мустақиллик йилларида ўзбек тилининг равнақига алоҳида эътибор берил-япти. Лекин барибир тил борасидаги бугунги аҳволдан тўла қониқиш ҳосил қилиш қийин. Жумладан, тил ҳақидаги қонунда ўзбек бўлмаган фуқароларга зарур ҳолларда ўзбек тилини ўрганиш учун 8 йил муддат берилган эди. Аслида, шу муддатни айрим ўзбекларга бермоқ керак экан. Гап шундаки, шўро замонида тилини ҳаққа чўқиган, ўзининг она тилида иккита жумлани бир-бирига қўшиб гапира олмайдиган, фақат рус тилида булбулигўёлик қиладиган амалдорлар кўпайиб кетган эди. Албатта, рус тилини ёхуд бошқа халқларнинг тилини билиш нуқсон эмас, аксинча бу — фазилат. Аммо шу шарт биланки, бундай одам, ай-ниқса, мансабдор бўлса, биринчи навбатда, ўзининг она



тилини мукамал билмоғи керак. Афсуски, амалда бундай бўлмаётир. Ҳозир ҳам турли тоифадаги мансабдорлар ичида ўзбек тилида ўқиш ва ёзиш у ёқда турсин, эплаб гапира олмайдиганлари ҳам тез-тез учраб турибди. Мен шундай амалдорларни биламанки, улар тил билмаганликлари сабабли халқ ичига киролмайдилар. Унинг дардини эшитиб, кўнглига қўл сололмайди. Фақат кабинетда ўтириб, раҳбарлик қилади. Раҳбарликнинг бунақа усули эса мустақиллик даврига мутлақо ярашмайдиган, аллақачон эскириб бўлган, бугун одамларда фақат норозилик туғдирадиган усулдир.

Кези келганда, яна бир гапни айтмоқ керак. Тил ҳақидаги қонунда қисқа муддатда ҳамма идораларда иш юритишни давлат тилига кўчириш назарда тутилган эди. Аввалига бу иш анча ҳафсала билан бошланди ва кўпгина ташкилотлар, чиндан ҳам, давлат тилида иш юрита бошладилар. Аммо назорат сусайганини сезган баъзи бир ташкилотлар орадан кўп ўтмай бу ишни йиғиштириб қўйдилар. Бунинг оқибатида, бугунги кунда ҳам кўп фармойишлар, буйруқлар, кўрсатмалар, қўлланмалар тўғридан-тўғри рус тилида тайёрланыпти, ёзишмалар ҳам мунтазам равишда давлат тилида юритилмапти, деб бўлмайди.

Яна бир масала. Маълумки, бугунги кунда ҳар хил фирмалар, жамоалар, жамғармалар, уюшмалар, банклар, корпорациялар, ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар кўпайиб кетган. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз номига эга бўлишга интилади. Бу – қонуний истак, унга эътироз билдириб бўлмайди, албатта. Аммо улар танлаган номлар кўп ҳолларда шунақа бесўнақай, кўпол, шунақа ясамаки, бу сифатлари билан тилимизни бузишдан бошқага ярамаяпти. «Ўзмеvasабзавотузумсавдо» дейишадимией, «Ўздунробита»ми-ей... Ҳатто яқинда газетада босилган эълонда «Ўзбекоқава» деганини ҳам ўқиб қолдик. Афсуски, буларни ким ўйлаб топгани маълум эмас – шуниси маълумки, уларнинг диди ниҳоятда ўтмас, она тили олдида ўз бурчини мутлақо ҳис қилмайди. Энг ёмони шуки, бунақа шумшук муомала ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ва улар ҳозирги кунда ҳар қандай назоратдан четда қолган. Тилнинг табиатига мос келмайдиган бунақа ясама сўзларни зўрлик билан тилга олиб кириш, ўзи-

нинг она тилини ҳам, миллатини ҳам менсимасликдан бошқа нарса эмас.

Юқорида айрим мансабдор шахсларнинг ўзбек тилини етарли билмаслиги ҳақида гапирдик. Адолат юзасидан айтиш керакки, она тилини чала биладиганларнинг сафи фақат мансабдорлар билан тугамайди. Минг-минг таассуфлар бўлсинки, бу сафда она тилимизнинг бойлигини сақлаши, баркамоллиги учун курашмоғи зарур бўлган зиёлиларимизнинг турли гуруҳлари ҳам бор. Бу гуруҳларни номманом санаб кўрсатиш мушкул. Телевизор экранида гапини эплаб гапира олмайдиган, сўз бойлиги ниҳоятда қашшоқ бўлганидан «Хаҳ, нима дерди?» деб дудуқланиб турадиган туппа-тузук одамларни кўп кўрганмиз. Афсуски, уларнинг орасида ёзувчи ва мунаққидлар ҳам учраб туради. Бугун тилимизнинг ривожига жиддий хавф туғдираётган омиллардан яна бири телевидениедир. Тўғри, сўнгги йилларда ТВда кўпгина ижодий изланишлар бўляпти. ТВ ходимлари кўрсатувларнинг ранг-баранг ва мароқли бўлиши учун жиддий изланмоқдалар. Бундан кўз юммаган ҳолда, айтмоқ керакки, тил борасида талабчанлик ТВда жуда сусайиб кетди. Назаримда, айниқса, ёш журналистларнинг тил борасидаги фаолиятлари бутунлай назоратсиз қолиб кетганга ўхшайди. Негаки, кўп ҳолларда энг оддий, энг бирламчи савод етишмайди, эга билан кесим, қаратқич билан тушум келишиги фарқланмайди, қўшма гаплар тузишда палапартишлик бор, услубнинг нозик жиҳатларига сира эътибор берилмайди. Масалан, тажрибали шарҳловчилардан бири жумлани «Мен сизларга...» деб бошлаб, «тўғрисида айтиб бердик» деб тамом қилади. Ёки бўлмаса, «жангларда фалончиларнинг кўпгина ҳарбий техникаси асир олинди» дейди. Ахир, техника асир олинмайди, ўлжа олинди-ку! Ёхуд бошқа бир бошловчи «Сизни ...ажойиб учрашув кутди» дейди. Бир қарашда, бу жумлада ҳеч қандай ғалатилик йўқдай кўринади, лекин тузукроқ ўйлаб кўрилса, унинг рус тилидан сўзма-сўз таржима қилинганини, ўзбек тилининг табиатига монанд эмаслигини пайқаш қийин эмас. ТВда тил бобида бундан ҳам ёмонроқ «тажриба»лар бор — сўнгги йилларда ТВ журналистлари ўртасида «чиройли» гапиришга интилувчилар кўпайиб кетди. Масалан, «деҳқон далага чиқди» деган оддийгина гапни айтмоқ учун «кўз

илғамас уфқлар ортидан заррин нурларини аста таратиб, бугун борлиққа табассум ато қилиб, бош кўтариб келаётган кўёшдан жилоланаётган адирлар бағрида ястаниб ётган боғ орасидан ўтган илони си сўқмоқ бўйлаб, қўлидаги райхонни ҳидлай-ҳидлай, жонларга роҳат бахш этувчи мусалфа тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, ҳали оҳори тўкилмаган кирза этигини гурсиллатиб далага йўл олган бобо деҳқонни кўрди» деган узундан-узоқ чигал жумлаларнинг чакалакзорига сизни етаклайди. ТВда айнан шунга ўхшаган ўта дидсизлик билан тузилган чучмал, энсани қотирадиган, маъноси ғариб жумлалар кўп учрайди. Бундай баландпарвоз услуб фикрсизликдан ва саводсизликдан ўзга нарса эмас.

Услубдаги баландпарвозлик билан бирга ёхуд шу шаклда ниқобланган ҳолда тилимизда яна бир иллат анча-мунча томир ёймоқда. Бу эзмалиқдир. Абдулла Қаҳҳор уни «адабий эзмалиқ» деб атаган эди. Одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида эзмалари ҳам бор, албатта. Лекин ҳозир бошқа эзмалиқ ҳақида гап кетяпти. Турли-туман йиғинларда, мажлисларда тутуриқсиз, пуч ва бемаъни узундан-уzun вайсаб, одамларнинг вақтини ўғирлайдиган эзмаларни назарда тутяпмиз. Ҳозир, айниқса, тўйларда улар кўп учрамоқда. Адиб Мирмуҳсин уларнинг суратини яхши чизипти: «Қосагул бўлишни касб қилиб олган бир сергап кимса, сўзининг нуқтаси йўқ, микрофонни оғзига олиб бориб, ютиб юборгудай шақиллаб гапириб турипти». Ана шу ўзига бино қўйиб тинимсиз шақилловчи кимса одамларни кўзига нақадар совуқ кўринишини пайқармикин? Албатта, бунақа эзмалиқ ҳам жамоатчиликка, ҳам она тилимизга ҳурматсизликдан ўзга нарса эмас. Ахир ҳеч қачон тилининг гўзаллиги жумлаларга тизилган сўзларнинг миқдори билан ўлчанган эмас. Аксинча, жуда ихчам шаклга теран маъно жамланган ҳолларда жамоатчилик жумла муаллифининг маҳоратига тан беради. Буюк шоирларимиз она тилига бунақа моҳир муносабатларнинг юксак намуналарини берган. Абдулла Тўқай умрининг сўнгида яратган кичкина шеърида шундай мисра бор:

Кирланиб битдим ўзим,  
Дунёни поклай олмадим.

Буни қаранг – бор-йўғи олтита сўз, аммо олтита оддий сўзга бир одамнинг бутун биографияси, биографиясигина эмас – ёшликдаги орзу-умидлари, идеаллари, дунёни поклаш йўлидаги курашлари, уларнинг беҳудага чиққани, аксинча, ўзи кирланиб битгани – ҳамма-ҳаммаси жо бўлипти. Қани энди, ҳаммамиз ҳам шунақа мухтасар ва шунақа маънодор гапирадиган бўлсак!

Мазкур мақолада мен атайин мисолларни кўпайтирганим йўқ. Негаки, шундоқ ҳам она тилимизнинг камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатимизни кучайтириш кераклиги яққол сезилиб турипти. Тилимиз ҳамон парваришга ва ҳимояга муҳтож. Аммо савол туғилади: тилни қандай парваришга керак? Нима қилиб тилни ҳимоя қилса бўлади? Мен аминманки, она тилимизни ҳимоя қилиш уни теран ўрганишдан бошланмоғи лозим. Фақат тилшуносларгина эмас, ёзувчилар ёхуд журналистларгина эмас, ҳамма, бутун халқ, бутун миллат ўз тилининг жамики бойликлари ва имкониятларидан самарали истифода қилмоғи учун жуда бой луғат захирасига эга бўлмоғи, имкони борича сўзларнинг илдизини, келиб чиқишини, замон ва макондаги саргузаштларини билмоғи керак. Тилимизни яхши билсак, уни ҳар хил ҳуда-беҳуда хуружлардан ҳимоя қила оламиз. Бир мисол келтирай: 80-йилларда бўлса керак, бир рус олими Москвада чиқадиган газетада катта мақола эълон қилиб, ўзбекларда динга берилиш кучайиб кетяпти, деб даъво қилган эди. Бу даъвонинг исботи учун «Ялла» ансамблининг номини эслаб, бу сўз «Ё олло!»дан олинган, деганди. Ҳолбуки, бу бутунлай нотўғри. «Ялла» – қадимий туркий сўз. У «ёл» ёхуд «ял» деган сўздан келиб чиққан. «Ял» – ҳордиқ, роҳат, дам олиш, истироҳат деган маъноларни беради ва худди шу шаклда бутунги татар тилида кенг қўлланади. Ўзбек тилида ҳам машҳур қўшиқда «учтами-тўртта бўлволиб яллолашайлик» дейиладики, бу факт ҳам юқоридаги сўзнинг ҳеч қанақа диний мазмуни йўқлигидан далолат беради. Аммо шуниси ҳам табиийки, тилнинг бунақа нозик томонларини ҳамма ҳам билавермайди. Бунда кўпчиликка мутахассислар – тилшунослар ёрдамга келмоғи зарур. Бизда тил сирларини мароқли баён қиладиган, ёзувчиларнинг бу борадаги маҳоратларини очадиган китоблар йўқ даражада. Шу пайтга

қадар икки-учта русча-ўзбекча луғатни айтмаса, этимологик луғат, шевалар луғати, архаик сўзлар луғати, антоним ва синоним сўзлар луғати йўқ. Бир вақтлар касбу кор терминлари, ҳунармандлик терминларидан бир-иккита луғат чиқарилган эди. Афсуски, бу иш ҳам чала қолиб кетди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг луғатини чиқариш бугунги кунда, яъни компьютерлар асрида унча мураккаб эмас-ку!

Ўтган асрнинг буюк ёзувчилардан бири А. П. Чехов айтган эди: «Одамда ҳамма нарса чиройли бўлмоғи керак: кийим-кечаги ҳам, феъли атвори ҳам, ҳусни ҳам». Мен бунинг ёнига «тили ҳам» деб қўшиб қўярдим. Ҳар бир одамнинг тили нафақат ширин бўлсин, балки маънога, жилоларга, муаттар бўйларга тўла бўлсин. Она тили гулга ўхшайди. Аммо гул бировнинг қўлида бир зумда сўлиб қолади, бошқа бировнинг қўлида эса яшнаб, барқ уриб очилади. Келинлар, ҳар биримиз имконимиз борича она тилимизни яшнатайлик.

## **ОНА ТИЛИМ – ИФТИХОРИМ, ИНЖА ГАНЖИНАМ**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Она тилим» мақоласи сўнгги пайтлардаги маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мақола она тилимиз мавзуси сира эскимайдиган, ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган мавзу эканини яна бир марта кўрсатди. Ҳа, она тилимиз тўғрисида ҳамиша гапиримиз десак гап топилади. Эркин Воҳидов тилимизнинг кечаги, бугунги ва эртанги муаммоларини ғоятда зукколик ва билимдонлик билан ёритипти, унинг ривожига доир қимматли фикрлар айтипти. Уларнинг деярли ҳаммаси тўғри ва самарали фикрлар. Муаллиф ғоятда куюнчаклик билан она тилимизга ғамхўрлик қилиш, уни авайлаб асраш, тинмай унинг софлиги ва бойлиги тўғрисида қайғуриш фақат мутахассис олимлар ёхуд ёзувчиларининггина эмас, бутун халқнинг, кенг жамоатчиликнинг иши эканини айтади. Эҳтирос билан, ёниб туриб айтилган бу фикр ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак. Ўзини ўзбек зиёлиси деб ҳисоблаган ҳар бир инсон фақат тил байрамларида эмас, доимий равишда она тилимиз байроғимиздек юксак ва

покиза бўлиши тўғрисида қайғурмоғи ҳам фарз, ҳам қарз-дир. Эркиннинг мақоласи мени ҳам тўлқинлантириб юборди ва анчадан бери йиғилиб қолган баъзи мулоҳазаларимни қоғозга туширишга ундади.

\* \* \*

Бундан чамаси ўттиз беш-қирқ йиллар олдин сўлим оқшомлардан бирида Алишер Навоий номидаги театрнинг муҳташам биноси одамлар билан лиқ тўлди. Гарчи ўша кун календарь рақами қизилга бўялган бўлмаса-да, ҳамма катта байрамга келгандек, ясан-тусанини ўрнига қўйиб, аёллар сочларини ўзгача турмаклашиб, энг яхши тақинчоқларини тақиб, ўзларига оро бериб келишганди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шу куни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 525 йиллик таваллуд куни нишонланар эди. Кўп издиҳомларни, ғоятда нуфузли анжуманларни кўрган бу муҳташам залда алоҳида шукуҳ, алоҳида тантанавор руҳ ҳукм сурарди. Мажлисга нафақат кўни-қўшнилар ва қардошлардан, балки хориждан ҳам талай меҳмонлар ташриф буюришган. Ҳамма мажлис бошланишини сабрсизлик билан кутарди. Мажлис бошланса-ю, ўзбекнинг миллий ғурури, юксак камоли тезроқ яна бир бор намоёиш қилинса... Ниҳоят, сахна очилди — ҳайъатда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, ўзбек маданиятининг атоқли арбоблари, ўша пайтдаги давлат раҳбарлари савлат тўкиб ўтиришарди. Баланд бўйли, қаддиқомати келишган, сийраклаша бошлаган сочларига оқ оралаган саркотиб кўлидаги қоғозга қараб бошлади:

— Товарищи!

Унинг ана шу биргина сўзи — ҳар куни ҳар хил мажлисларда, йиғинларда, анжуманларда, ҳатто катта-кичик дастурхонлар устида юзлаб, минглаб марта айтиладиган, ҳамма тушунадиган, ҳамма кўникиб кетган оддий ва жўнгина сўз қайнаб турган залга муздек сув сепилгандек таъсир қилди. Залдаги мажлис аҳли бошқа сўзни кутган эди, майли кам ишлатилса-да, бир чеккага суриб қўйилган бўлса-да, барибир, бугунги мажлис «Ўртоқлар!» деган сўз билан бошланиши жуда-жуда ўринли бўлар эди. Ҳатто сахнанинг тўрида суврати осиеғлик турган, таваллуд тўйи ўтаётган буюк бобомиз ҳам шу бугунги йиғинда ўзи асос солган ўзбек

тилида лоақал бир нечта калима янграшени интиқлик билан кутган бўлса, ажаб эмас. Лекин афсуслар бўлғайким, бундай бўлмади. Мажлисни очган саркотиб, баъзи сўзларни айтишга тили келмай, чалакам-чаттироқ оҳангда бўлса ҳамки, нутқини охиригача рус тилида давом эттирди. Ундан кейин сўзлаган одамларнинг, нотикларнинг ҳаммаси ўз тилини қўйиб, ўзга тилда буюк бобомизнинг хизматларини, шу жумладан, ўзбек тилини ривожлантиришдаги ҳиссасини гапирдилар. Лекин мажлисдан самимият қочган эди, аввалги кўтаринки руҳ сўнган эди. Одамлар энди яна бир одатдаги мажлислардан бирини охиригача етказиб қўйиш учун аранг ўтиришар, нотикларнинг гапига унчалик эътибор беришмай, ёнларидаги қўшнилари билан шивир-шивир ҳасратлашиб ўтиришарди. Шунда бирдан залда «портлаш» юз берди. Раис сўз навбатини Санкт-петербурглик шарқшунос олим, Навоий шеърларининг тадқиқотчиси ва таржимони Сергей Николаевич Ивановга берди. У минбарга кўтарилди-да, ёнидан чиқарган қоғозларига қарамай, нутқини бошлади:

— Ўртоқлар!

Соф ўзбек тилида, соф ўзбекча оҳангда, ҳатто бошқа халқлар ҳамшиша талаффуз қилишга қийналадиган «қ» товушини ҳам бузмай айтилган шу биргина оддий, жўн, камсуқум ва хокисор сўз бутун зални портлатиб юборгандек бўлган эди. Қарсақлар янгради. Йўқ, қарсақлар эмас, гулдурос олқишлар, давомли олқишлар...

Нотикнинг ҳам, саркотибнинг ҳам «бас, бўлди, тинчинлар» деган имо-ишораларига ҳеч ким парво қилмас, қўлларнинг зирқираб оғриб кетганига қарамай, ҳамма жонжаҳди билан қарсақ чалишда давом этарди. Мен шунда биринчи марта қарсақнинг икки қўлдангина эмас, балки юракдан чиқишига амин бўлдим. Қарсақ деган нарсага юракдаги ифтихор қўшилса, камситилган ғурурни қайта бош кўтариши қўшилса қанчалик қудрат касб этишини шунда кўрдим. Бу қарсақнинг кучида ўша пайтда залда ҳозир бўлмаган, лекин бу ердаги воқеаларни диққат-эътибор билан кузатиб бораётган миллионлаб ўзбекнинг туйғулари йўғрилган эди. Петербурглик рус олимлари ғалатида — доим ҳеч ким қилмаган ишларни қилишади. Масалан, 1943 йилда — ҳали уруш авжида эди — қамалдан эн-

дигина озод бўлган шаҳарнинг аҳволи ўта ночор эди, ҳали нон, ўгин, электр йўқ эди – шундай шароитда улар Эрмитажда Алишер Навоий таваллудига бағишлаб тантанали кеча ўтказишган эди. Афтидан, Навоий даҳосини улар тилда эмас, дилдан тушунган бўлсалар керакки, шундай қилишган. Мана, ҳозир ҳам – ҳамма тинчгина керакли тилда, керакли гапларни гапириб турган бир шароитда бу олим «ўйинбузуқилик» қилиб турибди. Унинг юртида буюк сўз санъаткорига, уни яратган халққа ҳурмат-эҳтиромгина эмас, балки унинг тилини менсимай, ўзбекнинг қадрини камситган «мутасаддилар»га таъна-дашном ҳам бор эди. С. Н. Иванов нутқини охиригача ўзбек тилида гапирди. Шундай қилиб Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, шўро замонида мажлислардан қувилган она тилимиз лоақал битта нутқда мажлисга қайтгани учунми, буюк бобомизнинг ўша тўйи тўйдек бўлди. Бу тўйнинг нашъаси йўқолиб кетмади, аксинча, анжумандан кейин миллий ифтихор туйғусининг барг ёзмоғи учун ҳеч қандай имкон йўқ бўлса-да, ҳар хил шоввозларнинг, содиқ партия солдатларининг назорати ўта кучли бўлган бўлса-да, ҳар хил тарзда тилимизни ўз ўрнига қўйиш – муносиб шоҳсупага кўтариш учун баъзан ошкор, баъзан пинҳона кураш бошланди. Унда-бунда бўлса-да, йиғинларда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида гаплар чиқа бошлади. Баъзи шоирлар она тилига бағишланган шеърлар ўқишди. Бироқ бундай ижодкорлар дарҳол қатағонга учрар, оғизларини очиб улгурмасдан унлари ўчирилар эди. Эсимда, етмишинчи йиллар вилоят газеталаридан бирида бир ёш шоирнинг она тили ҳақида шеъри босилди. Ўшанда шунақа тўполон кўтарилдики, баъзилар буни кўриб она тили ҳақида ёзиш эмас, бошқалар ёзган нарсаларни ўқишга ҳам чўчиб қолдилар.

Кейин ошкоралик йилларида бу ҳаракат яна жонланди, энди давлат тили ҳақидаги гаплар мажлисларда баралла айтиладиган бўлиб қолди. Бу масала халқнинг кўпчилик қисмига аён бўлса-да, лекин унга гашлик қилувчилар, бу фикрнинг ўзини найза кўтариб қабул қилувчилар топилиб қолди.

Табиийки, бутун жамиятни жунбишга келтирган бундай гоё таъсиридан университет ҳам четда қололмас эди.



Бироқ, русийзабон домлаларнинг кўпчилиги бу ғояга ошкора қарши чиқишмаган бўлса-да, уни шарҳлаб, асослаб беришни талаб қила бошлашди. Нима учундир, менадан маъруза ўқишни сўрашди ва ҳамма даъволарини менга айтишди. Бу домлаларнинг кўпчилиги бутун мамлакатга танилган атоқли олимлар эди. Улар асосан, «Ўзбек тилини ким камситаяпти, унинг ривожига нима гов бўлаяпти, ахир, бизлар шовинистлик қилаётганимиз йўқ-ку!» деган эътироз-саволни ўртага қўйишди. Мен уларнинг ҳақ эмаслигини далиллар билан исботлаб беришга ҳаракат қилдим, ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги талаб бизнинг республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар манфаатига қарши қаратилмаганини тушунтирган бўлдим. Гапларим уларни қаноатлантирдими-йўқми билмайман. Ҳар ҳолда, 80-йилларнинг охирида бу ғояни тиш-тирноғи билан қарши олган кучлар ҳам анча бўлганини эслатиб қўймоқчиман, холос.

Ана шундай шароитда Ўзбекистонга бошлиқ бўлиб келган Ислом Каримов жуда зўр қатъият билан бир қатор том маънодаги тарихий ишларни амалга оширди. Бу ўринда унинг лоақал «Ўзбек иши» ҳақидаги афсонани тор-мор келтириш борасидаги ишини ва ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтариш юзасидан қилган ишларини ғоятда юқори баҳолаш керак. Бу ишлар бамисоли чўқаётган кемани қутқариб қолиш учун жонбозлик ва фидокорлик билан қилинган ҳаракат эди. Бу иш, Эркин Воҳидов айтганидек, миллий мустақилликни қўлга киритиш йўлида қўйилган дадил қадам эди. Шу туфайли миллий кемамиз 90-йилларнинг бўронли уммонларида ғарқ бўлмай, омон қолган бўлса ажаб эмас.

\* \* \*

Она тилим — ифтихорим, инжа ганжинам. Ҳар гал она тилим билан учрашиш мен учун улуғ байрам, она тилим билан мулоқотга киришиш, унинг тўғрисида мулоҳаза юритиш менга чексиз хузур бахш этади. Бир замонлар бизга дорилфунунда миллатнинг нима эканини ўргатишиб, унинг энг асосий белгиларидан бири тил бирлигидир, бутун халқнинг бир муштарак тилга эгаллигидир, деб уқти-

ришган эди. Агар шу гап тўғри бўладиган бўлса, тилимизнинг қадимийлигини ўйлаганда ўзбек халқининг қадимийлиги, мингларча йиллар мобайнида яшаб келаётганига амин бўламан. Ўтган авлод-аждоғларимизга минг раҳмат — уларга Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин — бу буюк зотлар ўзлари яшаган даврда тилимизнинг қадимийлигини ёрқин мисолларда келтиришган. Мана, «Девони луғатит-турк»... Уни аста варақлайман — турли сўзларнинг изоҳи учун муаллиф халқ ибораларини, турли шеърини парчаларни, мақолларни келтиради. Бир неча минг йилларнинг оғир юки ҳам бу парчаларнинг оҳорини тўқа олмаган. Улар гарчи айнан бугунги тилимиздан бир оз йироқдай туюлсада, зехни жиндай жамласангиз, луғатсиз ҳам тушуниб оласиз:

Йигирма кун ўлуриб,  
Бу тошқа бу тамға қўб  
Кулли-тегин битидим...

Тўғри, ҳар нима қилганимизда ҳам мингларча йиллар нарида айтилган ёки ёзилган нарсалар вақт ўтиши билан ўзгаради, тушуниш қийин бир аҳволга келади. Масалан, французларнинг Роланд ҳақидаги, немисларнинг Нобилунги тўғрисидаги матнларини бугун махсус изоҳларсиз тушуниб бўлмайди. Ёки русларнинг бундан саккиз аср аввал яратган «Слово о полке Игореве» («Игор жангнома-си») деган достони бор — бугун уни рус китобхони тушунмайди. Уч-тўртта олимгина ўзини бу асар бўйича мутахассис эълон қилиб, асарни бугунги рус тилига таржима қилиш ва изоҳлаш билан шуғулланади. (Айтганча, бу асар 1940 йилда шоир Даврон томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, сўзбоши билан нашр қилинган эди.)

Бинобарин, қадимий матнларнинг бугун тушунишга қийинлиги мутлақо қонуний ва табиий бир ҳолдир. Шундай бўлса-да, мақтаниш учун эмас, адолат юзасидан айтмоқ керакки, қадимги туркий матнлар ёхуд эски ўзбек тилидаги асарлар бугунги ўзбек тилига анча яқин туради. Масалан, 750—800 йил аввал яратилган Аҳмад Яссавий ёки Сулаймон Боқирғоний асарларини, «Кутадғу билиг», «Ҳиббат-ул ҳақойиқ», «Қисас-ул анбиё»ларни олинг — улар ҳам бугунги тилимизга жуда яқин. Мана, XIV асрда яратилган асарлардан мисол: «Муҳаббатнома»дан:

Анингким, ол яноқида менг яратти,  
Сочи бирла бўйиниким тенг яратти.

Атоийдан:

Ул санамким, сув ёқосинда паритек ўлтурур,  
Гояти нозуклигидин сув била ютса бўлур.

На таржима, на изоҳ керак.

Албатта, Навоийнинг тили бирмунча мураккаброқ ва қийинроқ. Лекин шу билан бирга у бугунги ўзбек китобхонига тушунарсиз, ўта мураккаб деган гапни ҳам ўйлаб кўриш керак. Эсимга келган бир-икки байтни келтирай:

Не наво соз айлагай, булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаққаристондин жудо.

Ёки

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади.

«Фарҳод ва Ширин»дан:

Хунарни асрабон неткумдир охир,  
Олиб туфроққама кеткумдир охир?!

Бунақа мисолларни минглаб келтириш мумкин. Назаримда, Навоий асарларининг тили бугун тушуниш учун бирмунча қийин бўлиб қолгани ҳақидаги гаплар сузишни билмаган одамнинг сувни кўриб ваҳима қилаётганига ўхшайди. Ҳолбуки, сузишни ўрганмоқ учун эса сувга тушиш керак, яъни Навоий уммонининг олдига келиб, «о, қандай буюк», дея хитоб қилавермасдан, унинг мутолаасига киришмоқ керак...

Ўзбек тили нафақат қадимий тил, у гоятда нафосатга бой тил, у ҳар қандай маънони энг нозик, энг инжу қатламларигача ифодалаб бера оладиган, ўзининг гўзаллиги билан одамга завқ-шавқ улаша оладиган, баҳри дилини очиб, гўзаллик туйғусини қондира оладиган тил. Тўғри, бир вақтлар туркий тилнинг нафосатига шубҳа билан қарайдиганлар бор эди — улар нафосат тили фақат форс тили, бошқа тиллар эса шеърый туйғуларни ифодалаш учун ўзларининг дағалликлари туфайли ожизлик қилади, деб қарар эдилар. Авваламбор, Навоий бобомиз ўзининг наз-

мий ва бадий асарларида бу қарашнинг мутлақо асоссиз эканини исбот қилиб берди. Қолаверса, бизнинг давримизда Чўлпон, Фафур Фулом, Абдулла Орипов каби шоирлар ҳам ўзбек тилининг имкониятлари беқиёс даражада чексиз эканини исбот қилиб беришган. Эркин Воҳидовнинг-ку «Ёшлик девони»ни ҳеч иккиланмай, девон эмас, «нафосат уммони» деб атаса бўлади. Буларнинг бари ва бу ерда тилга олинмаган яна кўпгина асарлар она тилимиз гўзаллигининг ишончли ҳужжатларидир. Бунга амин бўлмоқ ва бу гўзалликдан баҳраманд бўлмоқ учун фақат бу асарларни ўқимоқ керак, холос. Йилда-ойда бир эмас, кунда ўқимоқ, тилда бўлмаса, дилда ўқимоқ керак.

Менинг бир неварам бошқа ҳар қандай бола каби шеър-га ҳавас кўйди. Кейин у Чўлпон шеърларига рўпара келди. Буни қарангки, ўн яшар қизалоқ учун бу шеърлар том маънода кашфиёт бўлди — у ўзи учун бутунлай нотаниш бўлган, лекин бағоят латиф, қалбга кундай оқиб кирадиган ранглар ва оҳанглар дунёсини кашф этди. Эҳтимол, у буларни ҳали ақли билан тўла англаб етгани йўқдир, лекин қалби билан ҳис қилгани аниқ. Негаки, ўшандан бери у кўпинча ўзи учун беихтиёр Чўлпоннинг мўъжизакор сатрларини гоҳида шивирлаб, гоҳида баланд овозда такрорлаб юради:

Қоронғи кечада кўкка кўз тикиб  
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.  
У юлдуз уялиб, бошини эгиб  
Дейдики, мен уни тушда кўрганман.  
Тушимда кўрганда шунчалар гўзал,  
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Мен бугун ана шундай сеҳрли гўзалликлардан, бетакрор жозибага эга бўлган сўз хазинасидан беҳабар, уларнинг ёнидан бепарво ўтиб кетаётган одамларни кўрсам, ич-ичимдан ачиниб кетаман. Ахир, бу хазинани очиб, унинг бойликларидан фойдаланмоқ учун қандайдир машаққат чекиш, катта куч сарфлаб, меҳнат қилиш молу дунё харжлаш талаб қилинмайди-ку? Бор-йўғи кунт билан, сабр билан ўқиш керак, холос!

Она тилимизнинг яна бир фазилати борки, у билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбек тили сўз бойлиги, қурилиши жиҳатидан, шунингдек, табиатига кўра ҳар

қандай маънони тўла-тўқис ифодалашга мослашган. Унда мавҳум тушунчаларни ҳам, мураккаб мазмунни ҳам бема-лол ифодаласа бўлади. Илм тили, адабий тил халқнинг жонли тилига асосланади, ҳамиша унинг бойликларидан фойдаланади. Халқ тили эса ихчамлик, образлилик асо-сига қурилган. Мен халқ тилидаги образлиликни кўриб, оламжаҳон маъно икки сўзда ёрқин ифодаланганини кўриб ўзимни лол қолишдан тўхтатолмайман. Минглаб иборала-римиз борки, улар ихчамлиги, тўқислиги ва теранлиги жиҳатидан математик формулаларни эслатади. Масалан, «Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган замонлар» деган ибора бор. Шу бешгина сўз замирида қулоч-қулоч мақо-лаларда ифодаланадиган мазмун бор. Яна унинг образли-лигини айтмайсизми? Осонгина эса қолишини айтмай-сизми? Алишер Навоий «Муҳокамат-ул луғатайн» кито-бида ўзбек тилининг синонимларга бойлигини конкрет мисоллар билан исбот қилиб берган. Эркин Воҳидов ҳам мақолаларида тилимизнинг бу хислатини алоҳида мамну-ният билан таъкидлайди. Дарҳақиқат, бундай сўзлар ҳами-ша хизматингизга камарбаста турган содиқ мулозимларга ўхшайди — бирор нарса ёзишга киришишингиз билан қар-шингизда саф тортиб хизматини таклиф қилади — энг маъ-қулини, энг жозибадорини ё жумлангизга узукнинг кўзи-дай ярашигини танлаб олаверасиз. Мана, биргина «қара-моқ» сўзини олиб кўрайлик, ўнлаб унга яқин, маънодош сўзлар бор — улар, асосан, бир хил маънони англатган ҳолда, ҳар гал шу маънонинг бирор жиҳатини, бирор қат-ламини, бирор ҳолатини таъкидлаб кўрсатади: тикилмоқ, разм солмоқ, бақраймоқ, алангламоқ, ўқраймоқ, мўлти-рамоқ, саросаб солмоқ, қарамоқ ва яна мен билмаган ёки ҳозир эсимга келмаган ўнлаб сўзлар... Буларнинг ҳар қай-сисидан ўз ўрнида билиб фойдалансангиз, шу тузган жумла шунчаки бирор маънони ифодалаб қўя қолмайди, балки камалак ранглари билан товланади, гўзаллиги билан сиз-ни маст қилади. Ахир шундай гўзалликлардан ҳузурлан-май, фахрланмай бўладими?

\* \* \*

Эркин Воҳидов мақоласида сўзимизнинг луғат бойли-ги, атамалар тизими тўғрисида ҳам кўпгина маъқул фикр-лар айтган, ёрқин мисоллар келтирган. Мен уларга қўши-

ламан. Уларни қўллаган ҳолда ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Эркин масалани тўғри қўяди — у дунёда биронта ҳам ўз қобилигига ўралиб олган «фақат ўз ёғига ўзи қовурилиб ётадиган тил йўқ, ҳамма тиллар бир-бири билан доимий алоқада, бир-биридан сўз олади, бир-бирининг иборалари ва атамаларини алмаштириш ҳисобига бойийди» дейди. Масалан, ўзбек тилида анча-мунча русча ёки бошқа хорижий тиллардан кирган сўзлар бўлганидек, бошқа тилларда ҳам ўзбек ёки туркча тилдан кирган ва бугун ҳам фаол яшаётган сўзлар кўп. Баскаковнинг рус тилидаги туркча унсурларга бағишланган каттагина китобини олиб varaқлаб чиқинг — гапим тўғрилигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Лекин афсусланадиган жойи шундаки, бундан 15 йиллар чамаси аввал тилимиздаги хорижий сўзларга қарши ялпи ҳужум бошланган эди. Лексикология ва атамалар соҳаси бамисоли отбозорга ўхшаб қолганди — ҳаммаёқда кишнаш, от туёқларидан чиққан дупур-дупур, сувлиқлар-у узангиларнинг шиқирлаши, жангир-жунгири... Бунинг оқибатида билган ҳам, билмаган ҳам ўзбек тилининг луғат бойлигини «янгилаш» иштиёқига тушиб қолди, топган ўшанда бир боғ гул, топмаган пиёз кўтариб кела бошлади. Бу менга ривоятларимиздан бир-иккитасини эслатган эди. Бу воқеа бўлган-бўлмаганига кафил бўлолмайман-у, лекин жуда ибратли.

Ўтмишда бир подшо тилни янгиламоқчи бўлипти — янги сўз топиб келганга, бир тангадан мукофот бераверипти. Одамлар «лой-пой», «чигит-пигит» ва ҳоказо сўзларни айтиб бир тангадан олиб кетаверипти. Шунда Афанди келиб «танга-манга» депти-ю, мукофот пулини лаган-пагани билан кўтариб жўнаб қолипти. Ўша кездеги уринишлар кўпчилиги менга ана шу «чип-пип»лар қабилидаги сўзларни сингдиришга қилинган ҳаракатга ўхшаб кўринади. Эркин мақоласида ўшанда тилимизга кириб қолган кўпгина сўзларни маъқуллайди. Билмадим, эҳтимол, Эркин ҳақдир. Лекин мен бир нарсани эслатиб ўтмоқчи эдим. Гап шундаки, тил зинҳор-базинҳор зўравонликни кўтармайди, сунъийликка тоқати йўқ. Ундаги луғат бойлигини декретлар йўли билан кўпайтириб ҳам, озайтириб ҳам бўлмайди. Юзлаб, балки минглаб сўзлар борки, улар ўзбек тилига

қандай кирган бўлса, шундай ўзлашиб, ўрнашиб қолган — уни бугун омбир билан ҳам суғуриб олиб ташлай олмайсиз. Эсимга келган уч-тўртта сўзни айтай: трактор, радио, телевизор, аптека, поезд, трамвай, водопровод, ракета, завод, фабрика ва ҳ.к. Шундай экан, ўшанда ва бугун ҳар бир хорижий сўзга муқобил сўз ёки атама қидириб, газетани рўзномага, журнални мажаллага, археологияни қадимшуносликка алмаштириш шартмиди? Яна бунинг устига таклиф қилинаётган «янги» сўзларнинг кўпчилиги туркий эмас, арабий ёки форсий бўлса, яъни бир хорижий сўз бошқа хорижий сўз билан алмаштирилса. Хўш, ўша кезларда таклиф қилинган бир қатор сўзлар тилимизда ўзлашиб қолди ҳам дейлик. Лекин орадан ҳеч қанча ўтмай, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан илгари мутлақо истеъмолда бўлмаган сўзлар кириб кела бошлади-ку? Бугунги матбуот тилига бир назар ташланг: бизнес, менежмент, биржа, контракт, конверсия, инвестиция, унификация, глобализм, терроризм, эскалация, универсализм, кредит ва ҳ.к. Ахир, буларнинг йўлига тўсиқ қўйиб бўлмайди-ку! Шундоқ бўлгач, фақат номига алмаштириш учун бир сўзни ҳаммага тушунарли бўлиб қолган, ҳатто жонли тилга кириб келган сўзни чиқариб ташлаб, ўрнига кейинчалик ўзлашиб кетса ҳам, бугун ўта сунъий кўринаётган сўзларни киритишга ҳожат бормиди?

Мен тилимиздаги ҳеч қайси сўзни қувиб чиқаришнинг тарафдори эмасман. Ундаги ҳамма сўзлар бири фаол, иккинчиси пассив бўлса-да, барибир ишлайди. Бир вақтлар бир тилшунос олим «фаввора» сўзини чиқариб ташлаб, «фонтан» сўзинигина қолдиришни таклиф қилган эди. Ўшанда ҳеч ким унга «эй ака, фавворанинг сизга нима оғирлиги тушди, қўйинг, тураверсин, ҳеч кимдан ош-нон сўраётгани йўқ-ку» демади. Дарҳақиқат, керак одам фавворани ишлатади, кераги фонтанни. Бундан ташқари, шундай ҳоллар бўладики, фавворани ишлатмаслик мутлақо мумкин бўлмайди. Масалан, «Амир Темур боғларидаги фонтанлар жўш уриб ётипти», деса ғоятда сунъий туюлади-ку?

Қайта тирилган сўзларнинг кўпчилиги тилимизда муносиб ўрнини топиб олди, масалан, «битик» сўзини олай-

лик. Қадимда тошга ўйиб ёзилган ёдгорликларни «ёзма адабиёт» ёки «китоблар» деб атаб бўлмайди. Уларни «битик», «тошбитик» деган иборалар жуда яхши ифодалайди.

Хуллас, бу масалада мен Эркиннинг фикрларини рад қилмаган ҳолда, тилимиз бойлигини кўз қорачиғидай асрашимиз – ҳар битта сўзимизга ноёб бойликдай қарамогимиз кераклигини таъкидламоқчи эдим. Шу билан бирга, айниқса, атамалар бобида турли фанларнинг терминлари соҳасида ёшларни чалғитадиган бошбошдоқлик бўлмаслиги керак. Пиёз ҳам фойдали нарса, лекин гул ўрнида у ножоиз кўринади...

\* \* \*

Она тилимизнинг теранлиги, нафосати ва беқиёс имкониятларини кўрсатадиган яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин ҳозирча юқорида айтилганларига қаноат қилайлиг-у, масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига эътибор қилайлик. Гап шундаки, ҳар қандай бошқа тил каби бизнинг она тилимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг бойликларини намоён этиш шу тилдан фойдаланадиган одамларга боғлиқ. Бу тилда гапирадиганлар, маъруза ўқийдиганлар, унда мақолалар ва бадиий асарлар ёзадиган ёзарлар, шунчаки бир-бири билан мулоқотга киришадиган одамлар ўз она тилининг қонун-қоидаларини қанчалик яхши билсалар, унинг табиатини, нафосатини қанчалик теран ҳис қилсалар, тилимиз амалда шунчалик гуллаб-яшнайверади. Аксинча, тилга лоқайд қарайдиганлар, ўз саводсизликларини яширмай, тилга зўравонлик қиладиганлар қанча кўпайса, тилимизнинг ғализлиги шунча ортади, у ҳам араванинг ёғсираган гилдирагидай гижирлаб қолади. Шу ўринда тилимизни жуда яхши биладиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб, киши ҳавас қиладиган тарзда тоза ва бийрон гапирадиган зиёдиларимиз анчагина. Мен бу ўринда таниқли шифокор Шабат Хўжаевни ёки машҳур ҳофизимиз Ориф Алимахсумовни эслаб ўтишни жоиз деб билман. Кўпгина ёшларимиз тилни шулардан ўрганишса ёмон бўлмас эди.

Лекин, афсуски, амалиётда биз кўп ҳолларда тилимизга беписанд қарашни кўраимиз. Гапирганда ёки ёзганда ўзимизни назорат қилмаймиз, ўзимизнинг тилимизни ўзи-



миз ҳис қилмаймиз, унинг ички оҳангларига қулоқ тутиб кўрмаймиз, балки жиловни устига ташлаб қўйилган отдай майсаси кўпроқ кўринган ўтлоққа кириб кетаверамиз.

Кунлардан бирида «Давр»ни кўриб ўтириб, ғалати бир ибора эътиборимни тортди. Диктор кимдир кимнидир «озодликка қўйиб юборишни талаб қилгани» тўғрисида гапирди. Ҳайрон бўлдим — бу нима дегани? «Озодликка қўйиб юбориш» дегани нимаси? Ўйлай-ўйлай топдим — ўзбек тилининг табиатига мутлақо ёт бўлган бу жумла «от-пустить в свободу» деган русча иборанинг сўзма-сўз таржимаси экан. Бу ўринда «эркинлик» сўзи ҳам, «озодлик» ҳам ножоиз, «қўйиб юбориш»-ку, умуман, керакли маънони бермайди. Бу иборани «турмадан (ёки қамоқдан, ё ҳибсдан, ё авахтадан, ё тутқунликдан) чиқариб юбориш», халос этиш деб ишлатган маъқул эди.

Шу муносабат билан таржима тўғрисида ўйлаб кетдим — раҳматлик Ғайбулла ас-Салом «таржима тили»даги бунақа бесўнақайликлар, ўзбек тилини бузишларга сира чидай олмасди. Домла вафот этгандан кейин бунақа таржимонлар учун «Сулаймон ўлиб, девлар қутулган (ёки қутурган)» замон келди, шекилли, яна беписандлик, палапартишлилик кенг томир ёя бошлади. Мен бу ўринда ҳам ҳаммаёқни мисоллар билан тўлдириб ташламоқчи эмасман. Фақат таржимон укаларимни огоҳ қилмоқчиманки, сўзма-сўз тўғри таржима қилинган, матн ҳамма вақт ҳам ўзбек тилининг табиатига бутунлай мос келавермайди. Масалан, «С чем пришёл?» деган иборани «қайси шамоллар учирди?» ёки «қандай хабар келтирдинг?» деб таржима қилиш мумкиндир, лекин «Нима билан келдинг?» деб таржима қилиб бўлмайди. Бунақа мисоллар жуда кўп. Таржимон ўз тилининг руҳини ҳис қилибгина тўғри таржима қилмоғи мумкин. Ҳозирги адабий тилимизда, оммавий ахборот воситалари ва айниқса, телевидение тилида бир қатор нуқсонлар мавжудки, булар тўғрисида гапирмасликнинг мутлақо имкони йўқ.

Бир вақтлар устоз Абдулла Қаҳҳор «Эзмаликлар ичида энг ёмони адабий эзмаликдир» деган эди. Кўпчиликка мурожаат қилишга ўзини ҳақли деб билар экан, албатта, ёзгани ёки гапираётган гапини назорат қила билиши, уларни ортиқчаликлардан халос эта билмоғи, ҳар қандай маъ-

нони имкони бор қадар ихчам шаклда, тежамкорлик билан ифода этмоққа интиломи лозим. Ҳаммага маълум нарсаларни қайта-қайта гапиравериш шунчаки дидсизлик эмас, аини чоғда тингловчига ҳурматсизлик ҳамдир.

Мен Абдуқаҳҳор Иброҳимовни ҳурмат қиламан. Фикрлайдиган, унча-мунча дадил фикрларни айтишдан чўчи-майдиган адиб. Ҳозир ҳам у фаол ижод қилишда давом этмоқда. Бироқ унинг сўнгги китобида тежамкорликка риоя қилинмай ёзилган гализ жумлаларни учратиб, хурсанд бўлганим йўқ, албатта. Масалан, у «Миллат овози» китобида ёзади: «Ҳар қандай ғаразсиз, ҳеч бир таъна кутмай, юракдан – холисанилло бир ишга киришсангиз, жаҳду жадал қилсангиз, унча-мунча нарсалар тўсиқ бўлолмас экан».

Аслида шу жумла «бир ишга холисанилло киришсангиз, унча-мунча нарса тўсиқ бўлолмас экан» деган шаклда бўлса тузукроқ бўлармиди? Албатта, муаллиф «менинг услубим шунақа, сиз ортиқча деган ибораларда ҳам ниманидир таъкидламоқчи бўлганман» деб эътироз билдириши мумкин. Лекин раҳматли Асқад Мухтор лутф қилганидек, «общий гаплар жонга тегди, конкретнийдан гапур» деган гаплар ҳам бор. Менинг илмий раҳбарим нимайки ёзсанг «возьми быка за рога» деб, яъни гапнинг индаллосини айт, деб уқтирарди. Ўшандан бери шунга амал қилишга уринаман. Ҳар ҳолда, имоним комилки, ихчамлик, мухтасарлик, тежамкорлик шу пайтга қадар ҳеч кимга панд берган эмас.

Афсуски, ТВда ҳам ҳар хил кўрсатувда «пахта иқтисодиётимизнинг асоси», «Саломатлик инсоннинг бойлиги» қабилдаги ҳаммага маълум бўлган сийқа гапларни юзлаб марта такрорлайдиган, ҳар бир хабар ёки эшиттириш бошида «бисмилло» ўрнида ишлатадиган журналистларимиз одамларнинг ва ТВнинг қимматли вақтини ўғирлаётганларини сезмасмикинлар?

Сўнгги йилларда тилимизда яна бир нуқсон илдиз отиб бормоқда. Журналистлар ўз нутқларини турли-туман мақоллар ва фразеологик иборалар билан безашга интилишади. Бу жуда яхши, албатта. Бироқ уларнинг бир қисми мақолларни етарли билмаганиданми, уни қидириш машаққатидан қочибми, мақол ёки иборани ўзи тўқиб чиқаради-

да, халқ номидан ишлатиб юбораверади. Бундай қилганида ҳатто гуноҳининг узри учун халққа бир жуфт қуллуқ қилиб қўйишни ҳам унутмайди. Масалан, у жумлани «доно (ёки донишманд) халқимиз айтганидек...» деб бошлайди ва ўзи тўқиган бирон бемаза-бематра иборани қўллайди. Масалан, бир куни ТВда «ғалласи бор уйнинг алласи бор» деган «мақол» ишлатилди. Буни эшитган одамнинг энсаси қотмай иложи йўқ. Халқда бунақа мақол йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у жуда саёз, мантиқсиз, ясама нарса. Дарҳақиқат, ғалланинг аллага нима алоқаси бор? Омборда ғалла бўлса, болага алла айтилади-ю, ғалла бўлмаса, айтилмай-дими? Ёки нима учун айна «алласи»? Нима учун «калласи» ёки «ялласи» эмас. Икки пулга қиммат ибораларни тўқиб чиқариб, уни халқ номидан «пуллаш» бу нафақат муаллифнинг билимлари ғоятда ғариблигидан далолат, айна чоғда ўз халқига, ўз она тилига ҳурматсизлик ҳамдир. Бу воқеа менга қаллобликнинг бошқа бир турини эслатди — айрим фирибгарлар уйларида шим ёки кўйлакми тикадилар-да, унга бирор-бир донғи дунёга кетган фирманинг белгисини ёпиштириб, бозорга олиб чиқадилар. Бироқ бу — жинойт-ку!

Айрим журналистлар халқ ибораларини тузукроқ билмаган ҳолда шунақа пала-партишлик билан қўллайдиларки, уларни эшитиб ёқа ушлашдан бошқа иложинг қолмайди. Бир куни ТВда «Қизлар давраси»да бошловчи қиз (ёки қизга ўхшаган жувон) «Тошкент гўзаллари» билан таништирар экан, уларни таърифлашга айнан шундай халқ иборасини қўлади: булар «ой деса оғзи бор, кун деса қулоғидан кўринадиган қизлар». Аслида «ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор» бўлиши керак эди.

Кейинги пайтларда тил борасида авж олиб бораётган ёмон иллатлардан яна бир жимжимадор қилиб, баландпарвоз оҳангларда гапиришдир. Ўрни бўлса-бўлмаса, учтагина сўз билан ифодалаш мумкин бўлган нарсани ярим қулоч қилиб баён этади. Масалан, «Эшматнинг даласида пахта очилди», деб қўя қолиш ўрнига «халқимизнинг виждонидай оқ ва покиза, ўзбекнинг бағридай беғубор ва юмшоқ пахтамиз дилларга хушнудлик бағишлаб, кўзимизни қувнатиб, ўзимизни яшнатиб Эшмат ака даласида оқ байроқлардай очилди». Бунақа чучмалликни кўрганда эн-

саларинг қотиб кетади. Мен келтирган жумла — тўғри, ўзим тўқиган жумла. Лекин ишонаверинг — ТВ кўрсатувлари, радио тўлқинлари ва матбуот саҳифаларидан ёзиб олганларим қалашиб ётипти — уларни келтираман десам, бутун бошли бир китоб бўлади.

Баъзан ҳар қандай қилиб бўлса-да «чиройли» гапириш иштиёқи шунақа зўр келадики, муаллиф гапираётган гапининг маъносига мутлақо эътибор бермай қўяди. Мана, «Ассалом Ўзбекистон» мухбирининг тилидан олинган бир мисол: куз ҳақидаги лавҳада шундай гаплар бор: «Куёшнинг сўнгги нурларида осмоннинг хотираси бор», дейдилар.

Менимча, бу иборанинг маъносини чақиш бўйича республика танлови ўтказилса ҳам, биронта одам биринчи тугул, учинчи ўринни ҳам ололмайди.

ОАВ тилида тобора кўпайиб бораётган ва кишини гоятда афсуслантирадиган энг катта нуқсон — кўпгина журналистларимизнинг ошкора саводсизлигидир. Муаллифлар ўзбек тилининг энг оддий қонун-қоидаларини ё билмайдилар, ёки писанд қилмайдилар. Сўзларни ўз ўрнида ишлатмайдилар, келишикларни фарқламайдилар, эга-кесимни мосламайдилар. Натижада шунақа алмойи-алжойи иборалар, бесўнақай жумлалар пайдо бўладики, улар бирлашиб «саводсизлик бўстони»ни майдонга келтирадилар. Бунақа нуқсонлар нафақат оддий мухбирлар тилида, балки етакчи дикторлар ва шарҳловчиларнинг тилида ҳам учраб туради. Мисолларга мурожаат қиламиз: «катта-катта дарёлар уммонлардан бошлангани каби» дейди муаллифлардан бири. Қизиқ, катта дарёнинг денгиздан бошланишини қаерда кўрганикин у?

«Боқий дунёдан эсан шабадалар юрагингизга таскин беради». Қизиқ, «боқий дунёдан эсан» дегани нима бўлсайди? Шабада қандай қилиб юракка таскин беради? Ва, умуман, бу чалакам-чатти сўзлар йиғиндисидан нима маъно бор?

«Хоразмда Амударё бўйлаб янги кўприк қурилиши давом этмоқда», деб хабар беришди азаматлар. Кўприк дарёга қўндаланг қуриларди, «дарё бўйлаб» узунасига қуриладиган кўприкни ҳам топишибди-да, азаматлар!

«Яқин ўн йилликда денгизда сузиб юрадиган шаҳар-

лар чиқар экан. Улар 500 км. тезликда сузар экан». — 500 км. тезликда сузган шаҳар қаёққа борар экан? Ҳар ўн кунда бирор қитъага бориб урилиб турармикин?

«Келинлар, боболаримиз от изини той босар деганларидек, буюк бобомизнинг қадами етган жойларни биз ҳам саёҳат қилайлик».

Ғализлик ва ноаниқликда биринчи ўринга муносиб!

«Республикамизга кириб келаётган бир жуфт калиш икки долларни ташкил қилади». Калишнинг долларни ташкил қилишини биринчи бор эшитишим.

«Бен Ладен ўз ажали билан ҳалок бўлган». Сира-сира қовушмаган гап — ўз ажали билан ўлган одам ҳалок бўлган ҳисобланмайди.

ОАВда тил масалаларида йўл қўйилаётган бундай беписандликка, саводсизликка, лоқайдликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, йўл ҳаракатини бошқариб турадиган Давлат автомобиль назорати бор, аммо она тилимиз қоидаларининг мутгасил ва бекаму кўст бажарилишини тафтиш қиладиган Давлат тили назорати йўқ. Тил борасидаги ўзбошимчаликлари ва тартиб бузарликлари учун жавобгарликка тортиш Жиноят мажмуасида назарда тутилмаган. Шунинг учун тил бойлигини асраш, унинг қонунқоидаларига қатъий амал қилишни назорат қилиш, тилимизнинг беқиёс гўзалликларини намойиш қилиш тўлалигича ОАВ зиммасига тушадиган масъулиятдир. Бир вақтлар улар бу масъулиятни бажаришга, биринчи навбатда ўзларининг тиллари гўзал, маънодор ва бенуқсон бўлишига жуда катта эътибор берар эдилар, ҳар ҳафтада махсус шу масалага бағишланган ишлаб чиқариш мажлислари ўтказиб туриларди, тилшунослар ва бошқа нуфузли одамларни таклиф қилиб, улар ёрдамида ўз фаолиятларини танқидий тафтишдан ўтказар эдилар. Нега бугунги кунда бу ишлар қилинмай қўйилди? Ахир, бугун ўзбек тили давлат тили бўлганига салкам ўн беш йил бўлаётган бир паллада унинг ривожини учун кураш ҳаммамиз учун фарз-ку!

\* \* \*

Анча-мунча чўзилиб кетган мақоламизга шу ўринда нуқта қўйсак ҳам бўлар эди, лекин яна бир масала борки, уни ҳам тилга олмай ўтсак, кўнгил тўлмайди. Хўп, биз-ку

юқорида она тилимизнинг бойлиги ва гўзаллиги тўғрисида батафсил гапирдик, ҳаммани шу гўзалликдан баҳраманд бўлишга ундадик. Лекин савол туғилади: ахир, она тилининг гўзалликларини ҳис қилиш, бойликларини ўзлаштириш туғма хусусият эмас-ку! Ҳамма, айниқса, ёшлар буни қандай ўзлаштирадilar? Қайси китоблар, қайси қўлланмалар уларга ёрдамга келади?

Албатта, бу ишда биринчи ва энг катта ёрдамни мактаб бермоғи керак. Фақат она тили ва адабиёт ўқитувчисигина эмас, бошқа ҳамма ўқитувчилар ҳам она тилининг шайдоси бўлганлари ҳолда, қайси фандан дарс беришларидан қатъи назар болаларга шу шайдоликларини юқтира билмоқлари керак. Бунинг учун физика ёки жуғрофия ўқитувчиси ўз дарсини она тили дарсига айлантириб юбориши керак эмас, балки ўз фанининг материалларидан ҳам фойдаланиб тилимизнинг тароватини амалда кўрсатиб берсалар кифоя. Бир вақтлар мактабларда турли баёнлар ва иншолар кўп ёзилар, ёзма нутқ масалаларига катта эътибор бериларди. Афсуски, ҳозир мактаблардаги ўқиш йўналиши бир оз ўзгариб кетганга ўхшайди.

Лекин ўқувчи фақат ўзининг кучи билан бу йўлда катта муваффақиятларга эриша олмайди – бу ўринда уларга тилшунос олимларимиз ёрдамга келишлари керак. Ҳолбуки, четдан қараган одам анчадан бери тилшунослар ҳовлиси сув сепгандай жимжит эканини кўриб ҳайрон бўлади. Қани сизлар, эй алломай замонлар, эй тил илмини сув қилиб ичиб юборган, бу соҳада қилни қирқ ёрадиган доцентлар, профессорлар, академиклар! Нега турли-туман луғатлар йўқ, нега этимология борасида шу пайтгача биронта китоб чиқмаган? Нега услуб масалалари ёритилмайди? Нега марҳум А.К.Боровковдан кейин биронта тилшунос ўзбек матбуотининг тилини таҳлил қилувчи тадқиқот яратмади? Бир замонлар домла Собиржон Иброҳимов Фарғонадаги турли касбларнинг атамаларига бағишланган жуда қимматли ва жуда муқаммал китоб яратган эди. Шу тақлиддаги китоблар яратиш бир ёқда турсин, шу пайтга қадар лоақал С. Иброҳимовнинг китоби қайта нашр қилингани ҳам йўқ.

Бу ўринда ёзувчиларимизда ҳам фаоллик йўқлигини таъкидлаш лозим. Фақат Пиримқул Қодировгина ёзувчи-

ликда тил маҳоратига доир мулоҳазаларини бот-бот эълон қилиб туради, лекин улар китоб бўлиб чиқишга улгурмай, тарқалиб кетади. Нутқ маданияти, услуб маҳорати, тилдан фойдаланишнинг сир-синоатлари каби ғоят муҳим ва фойдали масалаларда бирон қўлланма ёхуд китоб анқонинг уруғи бўлиб қолди.

Ёки бошқа жиҳатини олайлик – матбуотда бугунги тилимизнинг аҳволи ва ривожига бағишланган мақолалар камдан-кам учрайдиган бўлиб қолган. Буларнинг бари ёшларимиз орасида она тилини тарғиб қилишга ва улар томонидан тилимиз бойликларини ўзлаштиришга халақит беради.

\* \* \*

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонун том маънода тарихийдир. У тилимизнинг мустақиллик шароитида беқиёс ривожига чинакам асос бўлади. Бу қонуннинг бажарилиши, она тилимизнинг тарғиботи, уни суниестемол қилишлар ва бузишларга қарши кураш, тилимизга ғамхўрлик ҳамма вақт диққатимиз марказида бўлмоғи керак.

## НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер Навоий ўзбек халқининг улуғ шоири... Сўнги 60–65 йил ичида матбуотимизда, китобларда, турли-туман тантанали ва тантанасиз мажлисларда, ўқув аудиторияларида, радио ва телевидениеда, халқаро симпозиумлар ва семинарларда бу ибора неча марта тилга олинди-кин? Менимча, буни ҳозирги замоннинг энг янги, энг мукамал компютери ҳам ҳисоблаб беролмаса керак. Ҳар ҳолда, бугунги кунда истаган ўзбекни уйқусидан уйғотиб, «Алишер Навоий ким?» деб сўрасангиз, у кўзини очиб улгурмай, «Улуғ ўзбек шоири» деб жавоб беради. Чиндан ҳам, бу ҳақиқатни одамларга сингдириш борасида сўнги ярим аср мобайнида жуда катта ишлар қилинди. Навоий асарлари, неча марталаб нашр этилди, бошқа тилларга ағдарилди, юзлаб ва балки минглаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди, мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган бўлди. Унинг номига кўчалар, туманлар,

шаҳарлар, театрлар қўйилди, унинг тўғрисида сахна асарлари, кинофильмлар, бадий асарлар яратилди, муаззам ҳайкаллари мағрур қад кўтарди, телеэкранларда ҳар куни бўлмаса-да, бот-бот унинг газаллари ўқиладиган, дostonлари асосида яратилган телефильмлар ёхуд спектакллар кўрсатилади... 20-йилларнинг ўрталарида бошқа бир буюк шоиримиз Чўлпон Алишер Навоий ҳақида кичик бир мақола ёзиб, унинг номини абадийлаштириш бобида қилиниши керак бўлган ишларни санаб кўрсатган эди. Унинг айтганлари ўн марта ортиғи билан адо этилди. Хуллас, Алишер Навоий ҳар бир ўзбекнинг — ёшдир-қаридир, эркакдир-аёлдир, олимдир ёхуд оддий меҳнаткаш инсондир, барибир, том маънодаги ифтихорига айланди, бундан беш ярим аср муқаддам яшаб ўтган бу даҳо шоирнинг номи нафақат тафаккуримиздан муносиб ўрин эгаллади, балки томирларимизда гупириб оқаётган қонларимизга ҳам сингиб кетди. Ўзбекнинг миллий маънавиятини Алишер Навоийсиз, унинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Буларнинг бари жуда яхши, албатта.

Лекин... Алишер Навоий ўзбекнинг жаҳон цивилизациясига қўшган энг буюк ҳиссаси. Мен қатъий ишонманки, у жаҳон адабиётининг чўққилари ичида биринчи ўнликка киради. Шундоқ экан, у ўзбекни оламга танитувчи ижодкорлардан бири. Лекин бугунги жаҳон уни биладими? Бугун унинг асарлари ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида етарли тарқалганми? Ўзини маданиятли ҳисоблайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳазрат Навоий қошида таъзим бажо келтиряптими? Ҳа, албатта, хориждаги ўнлаб мамлакатларнинг адабиётшунослари Алишер Навоий номини яхши билишади, унинг асарларини кўпдан бери ўрганиб келишади. Лекин мен кенг қўламдаги маданият арбобларини айтяпман. Биз Навоийни ҳар қанча мақтамайлик, ҳар қанча бошимизга кўтармайлик, унинг номи Данте, Гёте ёхуд Умар Хайёмлар даражасида машҳур эмас. Нобель мукофотининг соҳиби, атоқли немис адиби Герман Гессе бугунги дунёдаги энг кўп ўқиган одамлардан биридир. Унинг «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» деган ажойиб мақоласи бор. Адиб унда ўзи жаҳон адабиёти кутубхонасини ташкил қилса, унга кимларни танлаб олишини ёзган ва бу танловига батафсил изоҳ берган.



У ўз китобхонасига шарқдан ҳам форс ва ҳинд адабиёти намуналарини киритишни унутмаган. Лекин унинг кутубхонасидан... Алишер Навоийга ўрин топилмаган. Нега? Ахир, Навоий у танлаб олган анча-мунча шоиру адиблардан бир неча бор юқори туради-ку! Бунинг бирдан-бир сабаби менимча шундаки, хорижда кўп мамлакатларда Алишер Навоий асарлари кўп кенг тарқалмаган, кўпгина атоқли ёзувчилар ва шоирлар унинг номини эшитган бўлса эшитгандирлар, лекин асарларини ўқиган эмаслар.

Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳаёт шундан далолат беряптики, жаҳон ҳамжамиятида муайян ўринларни эгаллашга даъво қиладиган ҳар қандай халқ ўз маданияти дурдоналарини тарғиб қилмоқни ҳам яхши билмоғи керак. Албатта, бу — катта ҳаракатлар ва катта маблағлар талаб қилади, лекин ўзбекнинг обрў-эътибори, иззат-нафси, гурури ҳар қанча маблағ сарфласа арзийдиган соҳалардир. Мен бир нарсани таклиф қилмоқчиман — бутун дунёнинг бир қанча етук мамлакатларида худди немисларнинг Гёте институтларига ўхшаган Алишер Навоий марказларини ташкил қилиш вақти келди. Бундай марказ, биринчи навбатда, Алишер Навоий ижодини кенг кўламда тарғиб қилиш билан бирга, умуман, бугунги ўзбек адабиётининг фаол тарғибот марказларидан бири бўлиб қоладди. Навоий асарларини инглиз, француз, немис тилларида юксак таржима қилиш ва нашр этиш жаҳон халқларига ўзбекнинг, унинг маънавиятининг янги-янги қирраларини кашф этишига йўл очарди.

Бироқ масаланинг маблағ билан боғлиқ бўлмаган яна бир муҳим жиҳати бор. Жаҳон миқёсида ўзининг миллий маданий бойликларини тарғиб қилмоқ учун биринчи навбатда, тарғиб қилмоқчи бўлган одамнинг ўзи уни беш қўлидай яхши билмоғи керак. Хўш, биз биламизми? Мақоламизнинг бошидаги даромадлардан кейин бу савол мутлақо ортиқча ва ўринсиз бўлиб кўринади. Лекин шундай бўлса-да, уни ўртага қўйишдан чўчимайман. Назаримда, бугунги талаблардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги адабиётшуносликда ҳам, кенг китобхонлар оммаси ўртасида ҳам ҳазрат Навоийни билиш даражаси қўнғилдагидек эмас. Мен, албатта, унинг номини билиш ва у билан фахрланишни айтаётганим йўқ. Мен биринчи нав-

батда буюк шоирнинг ижодини, ғазаллари ва дostonларини, ундан қолган бой мероснинг туб моҳиятини, мазмунини билишни, билибгина қолмай, ундан кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланишни, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир одамнинг Навоийни ўзига бир умрлик қадрдон дўстга, меҳрибон устозга, беқийёс маслаҳатчига айлантириб олиши тўғрисида гапиряпман.

Навоийшунос дўстларим мендан хафа бўлишмасин, мен уларнинг катта хизматларини мутлақо камситмоқчи эмасман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, бугун навоийшунослик бутунлай янги босқичга кўтарилмоғи керак. Бу тўғрида яқинда «Ўзбек адабиёти ва санъати» газетасида эҳтиросли мақола эълон қилган Абдуллажон Аъзамов ҳам жуда яхши айтипти. Биз Навоийни «улуғ» деймиз, «даҳо санъаткор» деймиз, лекин шу улуғлик, шу даҳолик айнан нимада кўринадиди, бадиий тафаккур бобида Навоий кашф этган бетакрор бойликлар қанақа, шеърини маҳорат бобида жаҳон поэзияси кўламида олганда у забт этган чўққиларнинг бўйбастиди, шакл-шамойили қанақа деган саволларга бемалол жавоб бера олмаймиз. Шунингдек, биз бу буюк санъаткорнинг инсон ва унинг коинотдаги ўрни тўғрисидаги қарашлари, умуман, шарқ фалсафасига қўшган ҳиссаси, Форобийлар, Ибн Синолар, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар орқали ўзлаштирган фалсафий тизимлардан қандай илҳомлангани, уларни нима билан бойитгани ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Табиийки, ўз даврининг вакили сифатида Алишер Навоий ислом фалсафаси, буюк уламоларимизнинг асарлари билан ҳам яхши таниш бўлган ва улардан кенг фойдаланган. Лекин бу Алишер Навоийни соф мистик шоирга айлантириб қўйишга асос бермайди. Назаримда, Навоийнинг фалсафий қарашлари тўғрисида муайян мақолалар ёзилган, самарали фикрлар айтилган бўлсада, яхлит олинганда, бу соҳа ҳали очилмаган қитъа. Бу ўринда муаммонинг яна бир муҳим жиҳати китобхонлар оммасининг Навоий асарларини ўқиши билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда қизиқ бир вазият, парадоксал бир ҳолат шаклланиб қолди — ҳазрат Навоийга эҳтиромимиз чексиз, ифтихоримиз баланд-у бироқ унинг ғазаллари, дostonлари, ҳикматлари, рубоий ва қитъаларини, шунингдек, илмий-ахлоқий асарларини ўқишимиз анча-мунча оқсамоқда. Бу

тўғрида Президентимиз Ислом Каримов ҳам Олий Мажлиснинг йиғилишларида жуда куйиниб гапирди. Навоий асарларини ўқимай туриб, ундан ифтихор қилиш ёхуд бу буюк зотдан маънавий озиқланиш деб ўйлаш бирор тотли таомнинг ўзини тановвул қилмай, унинг ҳидидангина маст бўлиб юргандек гап. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари ҳам, коллежлар ва лицейларнинг, олий ўқув юртлирининг талабалари ҳам Навоий асарларини жуда кам ўқишади. Баъзан бунинг сабаби сўралса, «тили эскирган, тушуниш қийин» деб жавоб беришади. Ҳа, албатта, ҳазратнинг асарлари бундан беш ярим аср олдин яратилган, албатта, унинг айрим жиҳатлари тушунишга қийинроқ бўлиб қолган бўлса ажаб эмас. Лекин дунёда бирон халқ ўзининг буюк классикларидан «эскирган» деган баҳона билан юз ўтирган эмас-ку, уларни таталаб-тирмашиб бўлса ҳам ўқишади, зарур бўлганда, масалан, русларнинг «Игор жангномаси»га ўхшаб, ҳозирги тилга афдариб олишади. Ҳолбуки, Навоий бундай афдаришга мутлақо муҳтож эмас.

**Деди:** қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ?

**Деди:** мажнун ватандин қайда оғаҳ?

**Деди:** недир сенга оламда пеша?

**Деди:** ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.

Мен бу диалогни бошдан-охиригача болалигимда ёдлаган эдим, ҳамон эсимда. Қани, шу парчадаги қайси жойлар бугунги китобхонга тушунарсиз экан? Йўқ, гап бу ерда Навоийнинг «эскиргани»да эмас, балки ўзимизнинг ялқовлигимизда, ҳафсаланинг етишмаслигида, луғат устида ишлашга эринишимизда. Қолаверса, бир замонлар жамиятда кенг тарқаган шеърятга бўлган ихлосимиз ва муҳаббатимизнинг бениҳоя сусайиб кетганида. Мен мадраса кўрган одамларга ҳамиша ҳавас билан қараб келганман. Улар юзлаб ва балки минглаб мисра шеърларни ёд билишар ва бемалол шарҳлаб беришарди. Ҳаётдаги ҳар қандай вазиятларга мос келувчи сатрларни ёддан ўқиб, улардаги кишини лол қолдирадиган теран маъноларни айтиб беришарди. Улар жуда юксак шеърят маданиятига эга эдилар. Қани ҳозир биздаги ўша маданият? Нега бетакрор бой ва ранго-ранг мумтоз адабиётга, беқиёс шеърят бўстонига

эга бўлган Ўзбекистон мактабларидан бугун шеърятдан узоқ, унинг нафосатидан баҳра ола билмайдиган, Сўз мусиқасига, Сўз гўзаллигига, Сўз мўъжизасига лоқайд қарайдиган болалар чиқмоғи керак? Мактабни битираётган ҳар бир гуруҳда бир-иккита шеърпарасти бўлади, албатта. Лекин мен ҳозир кенг ўқувчилар оммасини назарда тутяпман, уларнинг эстетик карлигини айтяпман. Албатта, бу ёшлар улғайиб, ўрта ёшли ва улуг ёшли одамларга айланишади, турли касб-корларда, турли мансабларда ишлашади. Ёшлиқда шеърятга, нафосатга мойил бўлмаган кўнгиллар йиллар ўтиб, турмушнинг ола хуржуни елкага тушгандан кейин ўз-ўзидан ўзгариб қолади, деб умид қилиш анойилик бўлур эди. Натижада, шеърятга лоқайдлик, нафосатдан узоқлик, қалбларнинг мушфиқликка бегоналиги одамларнинг эришилган оддий сифатларига, турмуш тарзларига айланиб қолади. Бундай сифатлар, айниқса, раҳбар ходимларга панд беради — туппа-тузук шакл-шамойилга эга бўлган, галстук таққан, шляпа кийган, савлатидан от ҳуркадиган, қўли остидаги одамларга пўписа қиладиган, уларни сўкишдан тоймайдиган маънавияти пуч раҳбарлар, мутасаддилар пайдо бўлади. Чиндан ҳам, турли тоифадаги ҳокимлар, вазирлар, муовинлар, бошқарма бошлиқлари ўртасида беш-олтита шеърни ёд биладиганлари, вақти-бевақт уларни ёддан ўқиб, лаззат оладиганлари, умуман, гўзалликка яқин бўлишга эҳтиёж сезадиганлари кўпмикан? Битта-яримта одамни истисно қилганда, мен бунақаларини учратган эмасман. Қани энди мен адашаётган бўлсам-у, ўша катталаримиз анжуманларда, йиғинларда, мажлисларда, радио ва телевизор экранларида ёддан шеърлар ўқиб, мени шармандаи шармисор қилишса...

Нега шундай? Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб нега биз шундоққина ёнимизда бўлган, истаган дақиқамизда бизга беминнат хизмат қилишга тайёр турган буюк хазинага беписанд қараймиз, қўлимизни узатиб, унинг дурдоналаридан олиб, кундалик ҳаётимизда фойдаланишга эринамиз?

Менимча, бу қусурни йўқотишнинг битта йўли бор — мамлакатимизда шеърпарастилик анъанасини ялпи тиклаш керак. Ахир, Алишер Навоий фақат адабиётчиларнинг эмас,

у бутун халқнинг мулки. У касби-коридан, мутахассислигидан қатъи назар ҳар бир одамнинг, ҳар бир бағри очик инсоннинг ҳабиби, дўсти, биродари. Фақат бу сўзларни рўёбга чиқармоқ учун ҳамма ҳазрат Навоий асарларини бутун умри давомида қўлдан қўймай ўқийдиган бўлмоғи керак. Бунини эса мактабдан бошлаш керак. Шу ўринда халқ таълими ва олий таълим вазирларининг қулоғига айтадиган бир шингил гапим бор — сизлар яхши биласизларки, ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам қаттиқ талаб қилса айтганни қилади, бўлмаса, энгил-елпи йўллар билан ўқишни битириб кетиш пайида бўлишади. Шундоқ бўлгандан кейин, уларга қаттиқ турилса-ю, ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам аттестат ёки диплом олишнинг энг зарурий шартларидан бири сифатида 500 мисрами ёхуд 1000 мисрами (қанчалиги ва қайси шеърлар эканини мутахассислар белгилаб беришади) шеърни ёд билишни талаб қилиш керак. Табиийки, биринчи навбатда, ҳазрат Навоийнинг ғазаллари ёд олинса, нур устига аъло нур бўлар эди. Менимча, бунақа «қаттиққўллик»ка ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Чунки ёд олинган шеърлар билан қалбларга қўшимча нур киради, меҳр ортади, муҳаббат куртак ёзади.

Грузинлар Шота Руставелини жуда яхши кўришади. Айтишларича, эрга тегадиган ҳар бир қизнинг сепида, албатта, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони бўлмоғи шарт экан. Билмадим, бу одатни бизда жорий қилиш керакми-йўқми? Лекин бир нарсага ишончим комил — Алишер Навоий шаънига айтадиган мақтовларимиз ва фахрияларимиз чинакамига ҳаётийлик касб этмоғи учун ҳазратни бағримизнинг тўрига ўтказайлик, унинг асарларини кундалик ҳаётимиздаги энг ишончли суянчигимизга, маънавият бобида чинакамига суянч тоғимизга айлантирайлик.

## **ФИКР ЭРКИНЛИГИ – ЗАРУР ЭҶТИЁЖ**

*(Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулга очик хат)*

Муҳтарам Иброҳимжон!

Мен ҳамини вақтим тифиз бўлгани учунми ёки бошқа сабабданми, одамларга хат ёзишни хуш кўрмаганман ва жуда кам ҳолларда мактуб жанрига мурожаат қилганман.

Лекин бўлмади — «Тафаккур» журналидаги «Абдулла Қаҳҳор жасорати» деган мақолангизни ўқидиму қандайдир бир ички тазйиқ таъсирида ҳамма ишимни вақтинча йиғиштириб, сизга мактуб ёзишга ўтирдим.

Аввало шуни айтмоғим керакки, мен биринчи қадамларингизданок ижодингизни катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Мени мақолаларингиз ва китобларингиздаги теранлик, мулоҳазалар ҳамда хулосаларнинг чуқур билимга асослангани, фикрдаги, илмий тафаккурдаги дадиллик ва ниҳоят, деярли ҳар бир саҳифадан барқ уриб турадиган самимият ўзига жалб қиларди. Айниқса, Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотларингиз, унинг бир қатор ғазаларига берган таҳлилларингиз, тасаввуф борасидаги изланишларингиз сизни адабиётшунослигимиз соҳасида олдинги ўринлардан бирига олиб чиқди. Сиз халқимиз ўртасида мумтоз адабиётимизнинг етук ва баркамол тадқиқотчиси ҳамда тарғиботчиси сифатида танилдингиз.

Ва ниҳоят, мана — «Тафаккур»даги янги мақолангиз Абдулла Қаҳҳор тўғрисида. Унинг ижодий жасорати ҳақида. Ростини айтсам, мақолангизни жиндай ғашлик билан ўқий бошладим — ҳа энди, туппа-тузук олим ўзининг ишини қилиб юраверса бўлмасмиди, янги давр адабиётига аралшиб нима қиларди? Бунинг устига, Абдулла Қаҳҳор ижоди аллақачон узунасига ҳам, кўндалангига ҳам ўрганиб бўлинган бўлса? Шу жумладан, унинг жасорати тўғрисида ҳам кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар айтилган бўлса? Шундай дедиму яна дарҳол ўзимга ўзим қарши чиқдим — бу фикринг беҳуда. Янги давр адабиёти фақат муайян адабиётшуноснинг маҳрига тушган, бу ҳудудга ундан бошқа ҳеч кимнинг қадам қўйиши мумкин эмас деган қоида борми? Ахир, аксинча, ҳар қандай адабиётшунос ҳам мумтоз адабиётимизни, ҳам замонавий адабиётни, ҳам Ғарб, ҳам Шарқ адабиётини пухта билмоғи фазилат эмасми? Фақат шу йўл билангина адабиётшунос янги назарий уфқларни кашф этмайдими? Тафаккурда янги босқичга кўтарилмайдими? Унинг фикрлари тор маҳаллий ҳудудларни ёриб чиқиб, ёруғ жаҳон бўйлаб таралмайдими? Абдулла Қаҳҳор мухтасар қилиб айтганидек, шундагина адабиётимизнинг донғи «Тўйтепадан нариларга» ҳам ўтмайдими?

Мақолангизни ўқий бошлашим биланок, кўнгилдаги

шубҳа-гумонлар елдек тарқаб кетди. Ва, айтиш мумкин-ки, анча ҳажмдор мақолани бир ўтиришда ўқиб чиқдим эмас, ўқитиб, эшитиб чиқдим. Мақолада сизнинг адабиётшунос олим сифатидаги ҳамма фазилатларингиз муҳайё эди. Катта баҳра олдим. Янги ижодий муваффақият билан чин дилдан табриклайман.

Лекин, Иброҳимжон, мен сизга бир жуфт ширин гап айтиб, яна бир бора «баракалла» дейиш учун мазкур мактубни ёзаётганим йўқ. Агар мақсад шунинг ўзи бўлса, телефонда қулоғингизга айтиб қўяқолсам ҳам бўларди. Мақолангиз бир қатор масалаларда менда жиддий ўйлар қўзғайди, адабиётшунослигимиз босиб ўтган йўллар ҳақида, унинг бутуни ва келажаги тўғрисида, айниқса, бугунги баланд-парвоз тилда айтадиган бўлсак, «истиқлол адабиётшунослиги» ҳақида айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишга ундади.

Аввало, мақолангизни ўқиб мен яна бир карра Абдулла Қаҳҳорнинг Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом каби ижодкорларимиз қатори том маънода улуғ санъаткор бўлганига қаноат ҳосил қилдим. Улуғ санъаткорларнинг бир сифати бўлади — уларнинг асарлари, яна устознинг ибораси билан айтганда, «эски қазига ўхшайди — чайнаганинг сари мазаси чиқаверади». Замонлар янги-янгиланиб, ўзгаргани сари, уларнинг асарлари янги-янги қирралари билан жилоланади. Китобхонда янги туйғулар, янги фикрлар уйғотаверади. Мана, масалан, «Сароб»ни олайлик — у босилиб чиққандан бери, яъни етмиш йилдан бери унинг теварагидаги гоҳ дўстона, гоҳ шиддатли баҳслар тўхтамайди — уни нималар деб камситишмади, нималар деб мақташмади, роман туфайли адибга қандай тошлар отилмади, қандай унвону тортиқлар инъом этилмади! Мана, энди бугун — юртимиз мустақиллик йўлидан дастлабки қадамларини қўяётган бир шароитда бу роман ўтган асрдаги ўзбек романларининг энг яхшисигина эмас, энг замонавийи экани, истиқлол ғоялари билан ич-ичидан нурланиб турган асар экани аён бўлиб борапти. Фақат бунга амин бўлмоқ учун асарни янги кўз, янги нигоҳ билан ўқиб чиқмоқ керак. Бугун сизнинг мақолангиз туфайли ҳам аён бўлмоқдаки, 1930 йилда 23 ёшли адиб бу роман саҳифалари устида қалам тебрата бошлаганда у турли қолиплар-

ни ёриб чиқа олган, инсон руҳиятининг тубсиз қатламларига дадил кира олган, Инсон деган олий мавжудот зинҳор-базинҳор икки рангли ёки бир ўлчамли махлуқ бўлиши мумкин эмаслигини англаб етган экан. Ва буни роман образлари тизимида «салбий» ёки «ижобий» деган қолиплар орқали эмас, балки уларни ичдан инкор қилган ҳолда кўрсатиб бера олган экан.

Яна такрор айтаман – шундай хулосага келмоқ учун, романда яратилган бадиий дунёнинг ҳамма ранг-баранглигини кўра билмоқ учун янгича очиқ кўз керак.

Сизнинг мақолангиз кўпгина янги фикрлар уйғотади. Қизиғи шундаки, янги кўз билан қаралганда Абдулла Қаҳҳорнинг энг машҳур, ҳаммамизга ёд бўлиб кетган кичкина асарлари, «шапалоқдек» ҳикоялари ҳам бутунлай бошқача тус касб этади. Мана, «Ўғри»ни олайлик. Бу ҳикоя тўғрисида мен ҳам бир неча марта ёзганман. Лекин бугун ўйланиб қолдим – наҳотки, Абдулла Қаҳҳордай забардаст, мутафаккир адиб ҳикояни «ўтмишда амалдорлар золим эди, Қобил боболар эзилган, хор, муте эди, мана, шўро замони қандай гўзал, қашшоқ халқ бахтиёр яшамоқда» деган ўта жўн, ялтоқликка ўхшаган бир фикрни айтиш учун ёзган бўлса?! Биз – адабиётшунослар юзлаб мақолалар ва китобларимизда Қобил бобо образининг моҳиятини очиб бера олганмизми? Қобил бобони «ижобий» қаҳрамонлар қаторига қўшиб бўлармикан? Унинг тимсолида, у билан бирга яна кўпгина бошқа образлар талқинида мутелик, тақдирга қуларча бўйсунуш, ўз-ўзини танишга ноқобиллик бутун бир миллатнинг ҳалокатли сифати экани тўғрисидаги ғоя – катта фикр, бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган умумлашма ифодаланган эмасмикан? Ва айти шундай қарашлари билан бу адиб бугунги ҳаётимизга боғланиб кетмасмикан?

Абдулла Қаҳҳор ватанини жуда севарди, халқини, миллатини жуда яхши кўрарди. Арманистонда ўзбек адабиёти декадаси ёпилаётган кунда унинг минбардан туриб айтган ва бутун зални гулдурос қарсақлар чалишга ундаган бир ибораси эсингиздами? «Мен Арманистонда ўз юртимни арман ўз юртини яхши кўрганидек яхши кўришни ўргандим», деган эди адиб. Бу иқтибос айнан эмасдир, лекин мазмунан тўғри. Билмадим, Абдулла Қаҳҳор вата-



нига муҳаббатини, одатда, минбарлардан эълон қилмас эди. Назаримда, у авваллари ҳам ўз юртини «арман ўз юртини яхши кўргандек» севган, фақат бу севгисини асарларида ифодалаган бўлиши керак. Бироқ у – мутафаккир одам шуни ҳам яхши билганки, юрт севгиси, ватан севгиси фақат уни мадҳ этишдан, унинг шаънига мадҳиялар ўқишдан иборат эмас, баъзан юрт ҳақидаги қайғули кайфиятларни, танқидий мулоҳазаларни айтишни ҳам тақозо қилади. Ватанини чин юракдан, астойдил яхши кўрган одамгина уни ҳар қандай қусурлардан, ҳар турли кемтиклардан холи кўришни истайди. Бунга эса фақат мақтов билан эришиб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг жасорати ёки ибрати деганимизда биз унинг ана шу жиҳатларини ҳам ўзимизга сингдириб олмоғимиз керак эмасми?

Муҳтарам Иброҳимжон! Мақолангиз туфайли менда туғилган яна бир фикр – истиқлол адабиётшунослигини яратиш билан боғлиқ. Албатта, XX асрда бизда катта адабиётшунослик вужудга келди. Мен бу ўринда қилинган ишларни бирма-бир санаб ўтирмакчи эмасман. Лекин шуниси ҳам аёнки, биз, яъни мен қатори адабиётга аср ўргаларида кириб келган, ёш нуқтаи назаридан эмас, адабиётга кириб келган йиллари нуқтаи назаридан «олтмишбойлар» («шестидесятник») деган фахрли ном билан аташга муносиб авлод ўз соҳасида қўлидан келган ишларни қилди, лекин бу авлод бошидан оша сакрай олмас эди. У ҳар қанча ҳурфикрликка интилмасин, бутун умр қафасда яшашга мажбур бўлган эди. Бу ўринда яна Абдулла Қаҳҳорнинг фил ҳақидаги масали эса тушади – фил икки юз йил қафасда яшапти, ҳар куни ўн марталаб симтўр олдига бориб, боши билан унга урилиб орқасига қайтар экан. 200 йилда симтўр занглаб, уқаланиб тушиб кетган бўлса-да, фил ҳамон ўша тўсиқ ўрнатилган жойдан бир қадам ҳам ўтолмас, яна орқага қайтаверар экан. Билмадим, менинг дўстларим, эҳтимол, бу фикрга қўшилмас, лекин симтўрдан орқага қайтиш бизнинг қон-қонларимизга сингиб кетган эди. Бундан эса осонликча кутулиб бўлмайди.

Сизнинг мақолангиз туфайли яна бир карра ишонч ҳосил қилдим – бутун бизнинг жамиятимизда янги, истиқлол адабиётшунослигига эҳтиёж катта. Унинг олдида нафақат мумтоз адабиёт, балки XX аср адабиётини ҳам

буткул янгидан идрок этиш вазифаси турибди. Фақат бир мисол келтираман. Авваллари биз ёзувчи сиймосига ёндашишни билмас эдик, ҳарчанд ҳаракат қилмайлик, бизнинг тасвиримизда ёзувчи пардозланган, тарашланган «бинойи кушдек» бўлиб чиқарди. Ундан жонли одамнинг муаттар ҳиди келиб турмас, жонли характери турли ранглари билан товланиб турмас – эскириб кетган мурданинг қўланса ҳиди келарди, холос. Бугун истиқлол адабиётшунослигида биз ёзувчига нафақат катта мутафаккир сифатида, балки жонли одам сифатида «бир тери ичида неча семириб, неча озиши» мумкин бўлган инсон сифатида қарашни ўрганиямиз. Ўйлайманки, буюкларимиз ҳақидаги монографияларни шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш керак. Ва умуман, адабиётшунослигимизни бутунлай янгилаш керак. Бироқ бунинг учун, албатта, икки нарса зарур. Биринчидан, мутахассисларимизнинг интеллектуал даражасини кўтариш керак. Албатта, бир вақтлар Абдулла Қаҳҳор истеҳзо билан айтганидек, бирон шоирнинг ижодидан топиб олинган «шафтоли данаги» ҳам кимнингдир диссертацияси учун кифоя қилар, лекин бизга ўзининг юксак савияси билан халқни ортидан эргаштира оладиган, унда юксак сифатлар ва фазилатлар шаклланишига йўл очадиган, ўзини теранроқ танишга, бу борада юксакликка кўтарилишга ва бутун ҳаётини шу юксаклик ўлчамлари билан қайта қуриб чиқишга сафарбар қиладиган адабиётшунослик керак. Бундай юксак интеллектуал савияга эришмоқ учун бугун кўпгина шароит бор – фақат бу соҳага қадам қўяётган ёшларимиз мақсад йўлида астойдил бел боғласалар кифоя.

Истиқлол адабиётшунослигини яратиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган иккинчи шарт – ижод эркинлиги, тафаккур эркинлигидир. Эски ва янги қолиплар исканжасида ботиб ётган олим симтўрнинг олдига келиб кетаверади-ю, ундан қадам қўйиб ташқарига одимлай олмайди. Бошқача қилиб айтганда, янги умумлашмалар, янги кашфиётлар қилишга, адабиётнинг моҳиятини, ижодкор шахсиятини, ижод психологиясини янгича идрок этишга журъат қила олмайди. Баъзан ҳаётда сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, ижод эркинлиги мавжуддай кўринади – цензура бекор қилинган, идораси ёпилиб, цензор нафа-

қага чиқариб юборилган. Лекин ҳали ҳам, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, ҳовуз бўйига ўтириб олиб сувга келган ижодкорларга «ботир пақирингни, торт пақирингни» деб буйруқ бериб турмаса, куни ўтмайдиганлар бор. Афсуски, уларнинг айримлари фақат ҳовуз бўйидагина фармонбардорлик қилмайди. Мен бу тўғрида гапираётган бўлсам, тор доирадаги аҳволнигина назарда тутаётганим йўқ. Ҳар хил йўллар билан ҳамон адабиётга билиб-билмай раҳнамолик қилиб келаётганлари шунақа бир ҳадик муҳитини яратганки, унда ижодкор одам бирор дадил фикр айтишга, бирор янги концепцияни олға суришга юраги бетламайди. Бир мисол келтираман: назарияда «санъат воқеликнинг образли инъикосидир» деган қоида бор. Санъатнинг ҳамма турларининг ҳам назарий, ҳам амалий фаолияти шу қонун асосига қурилган. Хўш, нима деб ўйлайсиз, бу қонунни мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш мумкинми? У санъатнинг энг муҳим жиҳатларини қамраб ола биладими? Бу қонун амал қилаётганига қанча бўлди? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бу қоидага икки ярим минг йил бўлди. Аслида, бу қоидани биринчи марта Арасту «Поэтика» асарида баён қилган. У санъат ёки бадиий образ табиатга тақлиддан ўзга нарса эмас, деган эди. Биз ҳозирга қадар образнинг моҳиятини аниқлашда шу қоидадан кўп ҳам узоқ кетган эмасмиз. Ҳолбуки, санъатнинг амалиёти, айниқса, сўнгги икки аср мобайнидаги жаҳон санъатининг тажрибаси шундан далолат берадики, санъат, яъни бадиий образ ҳаётнинг ўзи каби битмас-туганмас даражада турфа хилдир. Бундай умумлашмани илмий асосламоқ учун олим тафаккури эски қарашлар асоратидан холи бўлмоғи, ундан юқорироқ турмоғи, ҳодиса моҳиятига теран кириб бормоғи лозим. Бунинг учун илмий жасорат керак. Илмий жасорат учун том маънодаги ижод эркинлиги, фикр эркинлиги керак. Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб қўяй — мен фикр эркинлиги деганда фисқу фасод эркинлигини, калтабинлик ва фаросатсизлик эркинлигини, масъулиятсизлик ва дидсизлик эркинлигини англаётганим йўқ. Биз — инсонлармиз, инсон бўлганда ҳам, олий инсонлармиз. Олий инсон, юксак санъаткор эса — яна Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилайлик — нима дейиш кераклигинигина эмас, нима демаслик керакли-

гини ҳам билиши лозим, сиз, Иброҳимжон, яхши эсла-тиб ўтганингиздек, нафақат истеъдод эгаси бўлмоғи, балки «инсофли инсон» бўлмоғи, яъни ёзган нарсасини ўчира билмоғи ҳам керак. Ёки Маяковский айтганидек, кераги-да ўз «қўшиғининг бўғзига оёқ босишни ҳам» билиши за-рур. Хуллас, эркинлик, аини чоғда, масъулият дегани ҳам-дир. Шу маънода сизнинг Абдулла Қаҳҳор ҳозир яшаётган кўпгина одамлардан, ижодкорлардан эркинроқ бўлган эди, деган фикрингиз жуда самарали ва фойдалидир.

Укам Иброҳимжон! Мен бир ҳақиқатга жуда қаттиқ ишонаман – Президентимиз ўзбек халқининг келажаги буюк бўлади, деган фикрни қайта-қайта уқтиради. Абдул-ла Қаҳҳор ҳам ўзбек адабиётининг келажаги буюк бўла-ди, деб башорат қилган эди. Мен бутун умрини адабиётга хизмат қилишга бағишлаган бир кекса ижодкор сифатида ана шу буюқларимизни қўллаб-қувватлаган ҳолда, тан-қидчилигимиз ва адабиётшунослигимиз ҳам том маънода буюк бўлса, деб орзу қиламан. Ва ишонаманки, бу буюқ вазифани тарих сизнинг авлодингиз зиммасига юклаган. Бизнинг авлодимиз эришган марралар сизлар учун янги парвозларингизга старт майдончаси бўлса, бағоят мам-нун бўлардим.

Мухтарам Иброҳимжон! Менинг бу гапларимни наси-ҳат деб қабул қилманг. Лекин насиҳат деб билсангиз ҳам майли – ёзиб-ёзиб умримда бир марта насиҳатгўйликка шаҳд қилган эканман – нима бўпти? Фақат масаланинг бошқа бир чатоғи бор: ҳар қанча мухтасар қилишга ҳаракат қилмай, мақола чўзилиб кетди. Назаримда, мухтасарлик фақат улуғларгагина, Чехову Қаҳҳорларгагина насиб қила-диган ноёб фазилатга ўхшайди. Бутун умрим лоақал шу жиҳатдан улуғ устозга ўхшай, сийқа, баландпарвоз гаплар-дан кутулай, деб ҳаракат қилдим – бўлмади. Бунинг усти-га, одам қариганда сал эзмароқ ҳам бўлиб қолар экан. Хул-лас, мактуб чўзилиб кетгани учун мени маъзур тутасиз.

Сизга соғлиқ, янги ижодий парвозлар, фикрда янги кашфиётлар тилайман. Бу хайрли ишда сизга ва сизнинг сафдошларингизга Абдулла Қаҳҳор каби буюқларимизнинг ўлмас руҳи мададкор бўлсин.

2004. «ЎзАС» газетаси

## МАСЪУЛИЯТ

*(Журналист Муҳаммаджон Обидовга очиқ хат)*

Хурматли Муҳаммаджон Обидов! Шу йил июнь ойининг 13 куни Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дастуридаги чиқишингизни ғоят мамнуният билан кўрдим. Мен умуман сизнинг чиқишларингизни анчадан бери кузатаман. Назаримда сиз Андижон ва умуман Фарғона водийси ҳаётини анча чуқур биласиз.

Сизнинг чиқишларингизда кўпинча теран фикр ва қизиқарли таҳлил бўлади. Шунинг учун ҳам ўтган йили Президентимиз фармони билан бошқа журналистлар қатори сизнинг ҳам муносиб тақдирланишингиз мени қувонтирган эди.

Бироқ, мен ҳозир шу мақтовларни сизга етказиб қўйиш учун қўлга қалам олганим йўқ. Сирасини айтганда, ширин гапларни шахсан учрашган кезларимизда қулоққа айтиб қўйса ҳам бўлади. Сизга мурожаат қилишимга ундаган нарса шу бўлдики, наздимда сизнинг мазкур чиқишингиз бизнинг бугунги журналистикамиз ривожини учун ғоят принципиал аҳамиятга эга бўлди. Бир қараганда, сиз гоҳ шелуха, гоҳ кунжара каби жуда оддий нарсалар ҳақида гапирдингиз, лекин, шу «оддий» нарсалар билан боғлиқ бўлган шунақа масалаларни кўтардингизки, улар бугунги иқтисодимиз ривожининг туб масалалари деса ҳам бўлаверади. Яна шуни айтмоғим керакки, бизнинг журналистларимиз, айниқса шуниси ачинарлики, ёш журналистларимиз ўз фаолиятларида бесамар бир йўлни танлашган. Улар бирор кичик фикрни оладилар-у, бу тўғрида бениҳоя баландпарвоз жумлалар билан гапирадилар, ҳаддан ташқари умумий мулоҳаза юритадилар. Натижада, бундай эшиттиришларда гап кўп бўлади, аммо, мақолда айтилганидек, «кўмир» оз бўлади. Бундан ташқари бундай эшиттиришларда бирор ҳаётий муаммонинг ичига чуқурроқ кириб бориш кузатилмайди. Унинг ўрнига қуруқ мақтов, ҳамма нарсани ялтиратиб кўрсатишга интилиш бўлади.

Бундай эшиттиришлар гўё жаннатдан даракларга ўхшайди. Баъзан иқтисодиёт ва сиёсат билан боғлиқ муҳим масалалар кўтарилади-ю, лекин, уларни аниқ ҳал қилишга келганда лом-мим дейилмайди. Масалан, инсон ҳуқуқлари ҳақида гапирилганда, «бизнинг Конституциямизда бу масалани ифодалайдиган моддалар бор,

яна кўпгина қарорлар қабул қилинган», дейилади-да, лекин бу моддалар ҳаётда қандай амалга ошаяпти, қабул қилинган қарорлар ишляптими-йўқми каби жиҳатлар тўғрисида оғиз очилмайди. Ёки тадбиркорлар, фермерлар ҳақида кўп гапирилади. Уларнинг далада, иш жойларида муваффақиятга эришадиганлари эълон қилинади. Лекин, ҳар бир фермернинг эришган ютуқлари, ҳаётидаги ўзгаришлар очиқ таҳлил қилинмайди. Масалан, фалончи фалон сўм даромад қилди дейилади. Бироқ, бу даромадни ҳар ойга ва жон бошига тақсим қилганда тирикчиликка етадими, етмайдими бу ёғи номаълумлигича қолаверади. Хуллас, баландпарвозлик, мавҳумлик, мақтанчоқлик, юзакилик бугунги журналистикамининг ривожига тўсиқ бўлиб турган асосий ғовларга ўхшайди.

Мен, албатта, бугун фаол ишлаётган ҳамма журналистларимиз шунақа деган фикрдан йироқман. Шубҳасиз, бугунги журналистларимиз орасида ўткир фикрли, маҳоратли, самарали изланаётганлари ҳам кўп. Лекин, шунга қарамай бугун журналистикамиз том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланди, деган гапни айта олмаймиз.

Хўш, журналистикамиз тўртинчи ҳокимиятдир деганда нимани англашимиз керак? Менинг назаримда, журналистикамининг ҳокимият бўлишини таъминлайдиган энг биринчи омил, у ҳаётда адолат барқарор бўлиши учун курашмоғи керак, одамлар тақдирида юз берадиган адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши мурокасиз курашмоғи лозим. Керак бўлганда фидокорлик билан иш юритиб, масаланинг туб моҳиятига етиб, ҳақнинг қарор топишига эришмоғи лозим. Табиийки, бунга тумтароқ ва хашаки гаплар билан эришиб бўлмайди. Бунга фақат аниқ таҳлил билан, ҳаётда ҳар қадамда кўндаланг бўлиб турган муаммолар тўғрисида теран фикр юритиш орқали эришилади.

Сиз ўз чиқишингизда кунжара, шелуха ва ёғ нархи ўз-ўзидан кўтарилиб кетаётганлигини қайд қилгансиз. Дарҳақиқат, заводда тайёрланган кунжаранинг бир килоси 10 сўм\* бўлса-ю, харидорнинг қўлига еткунча 90 сўмга чиқиб кетса, буни қандай тушунмоқ керак. Шу му-

---

\* Муаллиф 2001 йилдаги нархларни назарда тутяпти.

носабат билан, умуман нарх-наво ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги бозорда ҳамма нарсанинг нархи беистисно тарзда ваҳшиёна «рақс» тушмоқда. Одатда, нарсаларнинг баҳоси унга сарфланган хом ашё ва меҳнат билан белгиланар эди. Ҳозирги нархлар нима асосида белгиланади, буни аниқлаш қийин. Мана, масалан, тиббиёт соҳаси — дори-дармонларни олайлик. Одамлар айниқса, ёши ўтганда нонсиз яшаса яшайдики, дори-дармонларсиз яшай олмайди. Ҳозирги дори-дармонлар эса худди қовоқаридек, чақаман дейди. Масалан, бугун «Корфлаам» деган дорини кўп реклама қилишади. Бундан атиги 2 йилгина аввал унинг ичидаги таблеткалар 20 дона бўларди ва у 50 сўмлар атрофида турар эди. Бугун эса уни трактор заводи худудидаги дорихонадан 750 сўмга харид қилдим.

Ҳўш, бу икки йил ичида ушбу дорини тайёрлаш технологиясида қанақа ўзгариш бўлдики, унинг нархи шунчалик ўзгарса... Ёки унинг таркибига олтин қўшиляптими? Худди шунга ўхшаб электр, квартира, транспортнинг кира ҳақлари ҳам ва яна бошқа юзлаб ашёларнинг баҳоси ўз-ўзидан осмон бўйи кўтарилиб кетяпти. Нимага шундай бўлаётганини бирорта мутасадди изоҳлаб ҳам бермайди, тушунтирмайди ҳам. Матбуотда янги технологиялар кириб келаётгани, қўшма корхоналар очилаётгани ҳақида кўп гапирилади. Ҳатто, бунинг оқибатида айрим нарсаларнинг таннархи камайиб бораётганлиги таъкидланади. Лекин, қани ўша «камайиш». Бирон нарсанинг нархи кейинги йилларда ҳеч бўлмаганда юз сўмга арзонлашдими?! Бунақа далилни билмайман. Тўғри, бозор бўлгандан кейин нарх-наволар эркин бўлмоғи керак. Лекин, бу нарх-наволар мутгасил кўтарилиб боради деган маънони билдирмайди-ку. Аксинча, бозорда бир кун нарх тушса, бир кун кўтарилади. Унинг шундай қонунлари бор. Афсуски, бизда бу қонунлар етарли даражада самара бермаётир. Назаримда аллақандай кучлар бору бу кучлар сунъий равишда нарх-навони кўтариш билан банд. Фикрим далилсиз бўлмаслиги учун бир мисол келтирмаман. Тошкент бозорлари борган сари ободлашяпти. Лекин, қайси бозорга кирмайлик, у ерда савдо қилаётган одамларнинг турмуш тарзи ўзгаргани йўқ. На Чорсу, на Олой бозорида ўз меҳнати билан етиштирган маҳсулотли-

ни сотаётган деҳқонни учратолмаймиз. Бозорга келган деҳқоннинг маҳсулотини бозорга етмаёқ муайян одамлар харид қилади-ю, кейин ўзлари истаган нархда сотишади. Қизиқ, Лондон ёки Париж бозорларида ҳам шундайми-кан? Ҳар ҳолда бу масала жуда муҳим. Халқ фаровонлигини таъминлашнинг энг асосий йўлларида бири. Шундай экан, журналистларимиз ҳам бозорнинг мухташамлигини гапириш билан бир қаторда унинг ички муносабатини таҳлил қилсалар, яхши бўларди. Бизда бозор минг йиллардан бери мавжуд. Лекин, минг йиллардан бери у фақат бойлик орттирадиган, пулга танда қўядиган, харидорларни лақиллатадиган жой бўлган эмас, балки савдо-сотик билан шуғулланадиган одамларнинг иймони, виждони намоён бўладиган жой саналган.

Ҳурматли Муҳаммаджон, айтай десам дилда гап кўп. Уларнинг барини, табиийки, бир хатда тугатиб бўлмайди. Мен журналистикамининг чиндан ҳам тўртинчи ҳокимият бўлишини жуда-жуда истардим. Бунинг учун эса улар майдакашликни, манфаатпарастликни йиғиштириб қўйиб, фақат халқни ўйлашлари ва элнинг фаровонлигини, тўқлигини, тинчлигини таъминлайдиган йўлларини ўйлашлари керак, бу йўлда гов бўлаётган ҳар хил юлғичу текин-хўрларга қарши мардоналик билан курашмоқликлари лозим.

Сизнинг чиқишингиз менда шундай фикрларни уйғотди. Мени қувонтирган нарса нафақат сизнинг дадиллигингиз, балки, умуман бугунги матбуотда бундай таъмоилнинг борган сари кенгайиб бораётганлигидир.

Ҳурматли Президентимиз ҳам журналистларимиздан дадил бўлишни, ҳаёт муаммоларини кўтариб чиқишни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида кучини аямай меҳнат қилишни талаб қилмоқда. Жуда адолатли талаб. Ажаб эмаски, журналистларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ислохотларимиз бундан-да юришиб кетса. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам халқимиз тўқроқ ва фаровонроқ яшай бошласа. Иншооллоҳ!

Камоли эҳтиром билан:

*Озод ШАРАФИДДИНОВ*



## МУСИҚА КОШОНАСИДА БИР СЎЛИМ ОҚШОМ...

Мени 24 май куни Ўзбекистон Давлат консерватория-сининг янги биносида бўладиган мусиқа оқшомига таклиф қилишди. Ўзим ҳам шахримизнинг ҳуснига ҳусн қўшган бу ажойиб кошонани атайин бориб кўришга иштиёқманд эдим. Аммо турли-туман кундалик юмушлар бу ниятимни амалга оширмай келаётганди. Бу орада янги бионинг довуғи кун сайин эмас, соат сайин ўсиб борди. Ўзбекистон композиторлари, созанда ва хонандалари энди ўзларининг ҳақиқий ижод масканларига ёлчишипти. Эмишки, бу бинода Шарқнинг классик мусиқаси ҳам, дунёнинг турфа хил мусиқа асарлари ҳам баралла янграмоғи учун, ҳар бир оҳанг, куйнинг товланиши, сеҳрли жилоси мухлислар қалбига кўчмоғи учун барча зарур шароитлар муҳайё қилинган эмиш. Бу янги бино замонавий архитектуранинг том маънодаги дурдонаси эмиш ва у муҳташамлиги, қулайлиги, кўркемлиги жиҳатидан Тошкентдаги жами биноларнинг олдинги сафига ўтиб олибди. Бу мусиқа қасрининг донғи шу қадар кенг ёйилибдики, уни кўргани ҳатто олис-яқин хорижий мамлакатлардан ҳам бастакорлар ва ижрочилар келаётган эмиш. Ҳатто яқинда Бельгияда истиқомат қиладиган анчагина машҳур бир дирижёр бу ерга келиб бир марта концерт бериши биланоқ, унга шу қадар маҳлиё бўлиб қолибдики, ҳаммага эшиттириб, «Ўзбекистон фуқароси бўлгим келяпти, шу қадар гўзал ва қулай ижод масканига эга бўлган Тошкент шаҳрида яшасам», депти.

Ўзбекистон мусиқачилари анча фаол чиқиб қолишди — улар янги консерваторияга кўчиб киришга улгурмай, ундан ўзбек мусиқасини дунёга таништириш ва дунё мусиқасини ўзбекка яқинлаштириш борасида иш бошлаб юборишибди. Аллақачон унинг турли залларида ҳар хил кечалар ва концертлар бўла бошлабди. Республикамиздаги ва хориждаги бир қатор ижрочилар ўз маҳоратларини синаб кўришаётганмиш. Ҳатто янги консерватория залларида ўз асарлари ижросини кўришни орзу қилган ўзбек бастакорлари ва композиторлари аллақачон каттагина навбатни ташкил қилиб кўйишган эмиш.

Бу галги оқшом Ўзбекистоннинг энг севимли ва энг ажойиб композиторларидан бири — Мутал Бурхонов ижо-

дига бағишланибди – унинг лирик қўшиқлари, кичик пьесалари, камер асарларидан ташкил топган концерт берилар экан. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон мусиқаси ривожига катта ҳисса қўшиб келган санъаткорга бу янги бинода концерт учун навбат берилиши узукка қўйилган кўздай бир иш бўлибди. Бу концертга композиторнинг ўзи ҳам келар ва айрим асарларига дирижёрлик қилар экан. У ҳозирда Бухорода истиқомат қилади ва 86 ёшда. Шунинг учун унинг Тошкентга келиб, концертда иштирок этишининг ўзини катта бир жасорат, мусиқа санъатига беқийс фидокорлик деб баҳолаш керак. Лекин бундан ҳам қойил қоладиган жойи шундаки, бу инсон ҳозир ҳам катта тўйга, маъракаларга янги асарларини кўтариб келмоқда. Бундан бир неча йиллар муқаддам Туркистон саройида унинг муаллифлик концертида «Реквием» асари ижро этилганди. Унга Мутал Бурҳоновнинг ўзи дирижёрлик қилган эди. Мен асарни тинглаб ўтириб, Мутал аканинг муштдай жуссасида шу қадар адоқсиз инсоний қудрат борлигига, унинг ҳаётга, ўзи босиб ўтган йўлга мардона қарай олишига қойил қолгандим. Буни қарангки, у шундан кейин ҳам кўпгина ёшларга ибрат кўрсатиб, янги асарлар ёзишда давом этибди. Бугунги концертда унинг скрипка учун концерти ижро этилар экан, уни Америкада ўқиётган ўзбек қизи ижро этар экан, Бухорода ўтадиган «Универсиада – 2002» спорт мусобақаси учун ёзиб берган марши ҳам тингланаркан. Айтишларича, Мутал ака бу асарларини лупа ёрдамида қоғозга туширибди. Бу фидойиликни қандай номлаш мумкин?

Хуллас, мусиқа кошонасидаги мусиқий оқшом сеҳрга тўла, жозибали, ажойиб бир оқшом бўлишига ишончим комил!

2002

## ВАТАН АРДОҒИДА

Бугун бугун ўлкамизда, каттаю кичик шаҳарларда, йирик саноат корхоналарида, барча меҳнат жамоаларида тантанавор бир руҳ ҳукм сурмоқда. Халқимиз ўзининг энг ардоқли байрамини – республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда.

Шу улуғ айём кунларида биз қураётган янги жамиятнинг яна бир ноёб фазилати намоён бўлмоқда. Бу халқимизнинг ўтиб кетган улуғларини ёдга олиш, уларнинг хизматларини холис баҳолаб, тарихдаги юксак ўринларига қўйиб, руҳи покларини шод этишдир. Мен аминманки, бугунги қутлуғ кунларда Сталиннинг қатағон-қирғин сиёсати туфайли умри барвақт завол топган минг-минглаб ҳамюртларимизнинг, шўро замонида рўшнолик кўрмай, қудратли истеъдодларини тўла намоён қилишга имкон тополмай ўтиб кетган юзлаб ҳамюртларимизнинг руҳлари биз билан бирга. Ўйлайманки, улар ҳаётлик пайтларида топмаган кадр-қимматни бугун – истиқлол йилларида топмоқдалар. Бунинг учун уларнинг мухлислари, фарзандлари халқимиздан, истиқлолимиздан, Президентимиздан беҳад миннатдордир.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида» Фармон чиқарди. Ўзбек миллий маданияти ривожига катта ҳисса қўшган адабиёт ва санъат намояндаларидан катта бир гуруҳи «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар. Мукофотланганлар орасида Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним каби буюк артистлар, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров каби рассомлар, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби адибу шоирлар бор. Биз бу ерда номларини санаган ва санамаган улуғларимизнинг ҳаммаси шўро тузуми даврида яшаб, ижод қилган. Шўролар тузуми, коммунистларнинг санъат ва адабиёт соҳасида юритган сиёсати, ҳукмрон мафкура исканжалари эркин бадиий ижод учун фақат тўсиқлар яратган, фақат қолиплар ясаб берган эди. Бу қолипларга сиғмаган, тўсиқларни тан олишни истамаган истеъдод эгалари эса ўзларининг ижодларини хавф остига қўйиб бўлса-да, қатағон-қирғин таҳдиди билан юзма-юз келишларини яхши билсалар-да, таслим бўлган эмаслар. Улар миллий маданиятимизни ривожлантириш йўлида том маънода фидокорлик билан кураш олиб борганлар.

Улар ўз йўлларида ҳар қанча тазйиққа учрамасинлар, «миллатчи», «халқ душмани» ва ҳоказо тавқи лаънатлар-

га рўпара келмасинлар, барибир йўлларида қайтган эмаслар. Эҳтимолки, уларнинг ижоди туфайли зулматли кунларда халқимизнинг кўнгли жиндай бўлса-да ёришгандир. Эҳтимолки, шундай буюкларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли халқимизнинг қалбида миллий ғурур сақланиб қолгандир.

Бугун уларнинг хизматларини ўйласак, улар санъатнинг қайси соҳасида бўлмасин, бениҳоя улуғвор бўлганларини кўриб лол қоламиз. Масалан, Мукаррама Турғунбоева ўзбек рақс санъатини тубдан янгиледи. Уни жаҳон миқёсига олиб чиқди. Мукаррамахоним асос солган ва парваришлаб ўстирган «Баҳор» дунёнинг юзга яқин мамлакатига ўзбек халқидан баҳор саломларини етказди. «Баҳор»ни кўрган хорижликлар ҳозирга қадар ўзбек рақс санъатининг ақл бовар қилмайдиган инжаликларига қойил қолиб келадилар.

Ёхуд Маннон Уйғурни олайлик. У жуссаси кичиккина одам бўлса-да, унинг санъат бобидаги ишлари тоғдай улкан эди. У замонавий ўзбек театрига асос солди. Бу театрда ўнлаб улуғ санъаткорларни тарбиялаб етиштирди. Улар жаҳон санъатининг дурдона асарларини саҳнада шу қадар маҳорат билан ўйнадиларки, ҳатто хориждан келган мутахассислар ҳам бундай маҳоратни Оврупо саҳналарида кўрмаганликларини тан олдилар.

Албатта, бу жуда улуғ санъат эди. Лекин Маннон Уйғур бошчилигидаги ижодий жамоа маҳоратини фақат хорижий мутахассисларга кўз-кўз қилиш учун фаолият кўрсатмаган. Улар яратган театр ўзбеклар учун ҳам жаҳон маданиятини эгаллашда, ҳам ўзларининг маънавий ўсишларида катта бир дорулфунун бўлди.

Мукофотланганлар орасида Наби Фаниевнинг номи ҳам бор. Афсуски, мен бу улуғ санъаткор билан шахсан ҳамсуҳбат бўлолган эмасман. Лекин шунга қарамай, менинг ўсиб-улғайишимда, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашларимнинг шаклланишида бу одамнинг мавқеи бениҳоя катта бўлган. Мен ҳам, бошқа минглаб ўзбек ёшлари каби, ўз вақтида «Тоҳир ва Зухра» фильмини қайта-қайта кўрганман. Билсам-билмасам, унинг кўшиқларини хиргойи қилиб юрганман. Шу фильмдан одамийликдан илк сабоқлар олганман. Шунинг учун мен Наби Фаниевни ус-

тозларимдан бири деб ҳисоблашга ҳақлиман, деб ўйлайман. Лекин бу санъаткор биргина менга эмас, бутун халқимизнинг устози бўлган эди, десак хато бўлмайди. У бутун халқимизга одамийликдан сабоқ берган, қалбимизда адолат ва ҳақиқат туйғуларини шакллантирган, севги-муҳаббат уруғларини сепган. Ва умуман бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришга ҳисса қўшган одамлардан бири эди.

Мукофотланганлар орасида, юқорида санаганимиздек, ардоқли ёзувчиларимиз ҳам бор. Афсуски, бу кичик мақолада мен ёзувчиларимизнинг ҳаммаси тўғрисида ўйлаганларимни батафсил айта олмайман. Лекин иккита ёзувчи ҳақида, жиндак бўлса-да, гапирмасдан ўтолмайман. Буларнинг бири Миркарим Осим. Таассуфлар бўлсинки, биз — унинг замондошлари адибнинг нақадар истеъдодли ва баркамол ижодкор эканлигини ҳаётлигида тузукроқ билган эмасмиз. Мана, орадан йиллар ўтгани сари унинг қадри билинаяпти. Унинг тарихий қиссалари оҳори тўкилмаган гулдек янги-янги жилolari билан товланишда давом этмоқда. Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги қиссалари миллий рангларга бой. Улар ўзбекнинг ўтмиши учун, ўтмишда яратган маданий бойликлари учун чуқур ифтихор туйғулари билан йўғрилган асарлар экан.

Адиб кўплаб жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилган. Иккиланмай айтишим мумкинки, у таржима бобида катта мактаб яратган. Биргина мисол: урушдан кейин Василий Яннинг «Чингизхон» романи ўзбек тилида эълон қилинган эди. Таржиманинг муҳаррири Миркарим Осим бўлган. Бу асарни ўқиган одам нафақат XIII аср воқеаларидан хабардор бўлади, балки ўша давр тилининг ўзига хосликларидан, атамаларидан, етти аср аввал мавжуд бўлган ва ҳозир унутилиб кетган нарсаларнинг номларидан воқиф бўлади. Асарнинг тили тарихий даврнинг руҳини мукаммал ифодалаган.

Мен кейинчалик ҳеч қайси асарнинг тилида тарихий руҳ бу қадар теран ифодаланганини билмайман. Миркарим ака нашриётларда ишлаган кезларида ёшларга кўплаб маслаҳатлар берар, билимларини ҳеч кимдан аямасди. Лекин ўзи ўта камтар ва камсуқум одам эди. Умрида би-

рор марта истеъдодини пеш қилиб, ўзига имтиёз қидирган эмас. Ҳеч қачон квартира ёки машина талаб қилиб, ёхуд менинг юбилейимни, тўйимни ўтказиб берасан, деб бирор идоранинг эшигини қоқиб борган эмас. Бу инсон мажлисларда ўтирганида ҳам гўё ҳеч кимга кўринмасликка ҳаракат қилгандай, бир чеккада индамай ўтирарди. Кўчада юрганда ҳам гўё бировга озор етказиб қўйишдан чўчигандай эҳтиёт бўлиб юрарди.

Бир вақтлар – 20-йилларда мактабни битириб, мустақил ҳаётга дастлабки қадамларини қўяётган кезларда унинг ёрқин истеъдодидан кўрққан шўронинг сиёсий идоралари ҳали балоғатга етмаган бу йигитни роса сиқувга олишган. Эҳтимолки, ўшанда юрак олдириб қўйган Миркарим Осим умр бўйи ГПУнинг кўққисдан эшик қоқиб келишидан ҳадиксираб яшагандир. Нима бўлганда ҳам бу одам у даврларда ўзининг истеъдодига муносиб иззат-икром кўрмай, ўзида бор имкониятларни тўла рўёбга чиқара олмай дунёдан ўтиб кетди.

Шоир Миртемир тўғрисида ҳам тахминан шундай гапларни айтиш мумкин. Тўғри, у Ўзбекистон халқ шоири бўлган, ўз вақтида унинг ижоди учун давлат мукофоти берилган эди. Лекин ижодининг илк қадамлариданоқ сиёсий органлар унинг ҳам оёғидан тортиб, «попугини пазайтириб» қўйганлар.

У шеърятга ёниб кириб келган эди. Ижодининг дастлабки йилларида жуда зўр кўтаринкилик билан шеърлар, дostonлар ёзган. Кетма-кет тўпламлар чиқарган ва қисқа фурсатда одамларнинг оғзига тушиб, доврўф қозонганди. Лекин шўроларга бундай одам керак эмас эди. Уларга овоз чиқармайдиган, ҳатто ўз соясидан ҳам ҳадиксирайдиган, фақат буйруқни бажарадиган ижрочилар керак эди. Шунинг учун Миртемирни ёш ва мутлақо гуноҳсиз эканлигига қарамасдан ҳибсга оладилар. Ёш шоир бир неча йил мобайнида Шимолда – минглаб бегуноҳ маҳбусларнинг ҳаётига зомин бўлган «Беломорканал» трассаларида, ўз таъбири билан айтганда «синоқли кунлар»ни бошидан кечиради.

Кейин у юртига қайтди. Яна ижод қила бошлади. Миртемир ижоди атрофида бўлган баъзи хуружларни, тўқмоқлик танқидларни ҳисобга олмасак, у энди таъқибдан холи ижод қилиш имконига эга бўлгандек кўрин-

ган эди. Лекин ўша «синоқли кунлар»нинг қора курага-си унинг ортидан узоқ вақт эргашиб юрди. Бу адабиёт мутасаддиларини Миртемирга гумонсираб қарашга ундади. Шу туфайли Миртемир уруш йилларида ҳам, ундан кейин ҳам тўхтовсиз ижод қилган бўлса-да, дурустроқ рўшнолик кўргани йўқ.

Фақат 60-йиллардан кейингина унинг ўзбек шеърлятидаги ўрни бир қадар холисона баҳолана бошланди. Ҳолбуки, Миртемир жуда катта шоир эди. Унинг ўзига хос, бетакрор истеъдоди тўғрисида менга Зулфия опа бир неча марталаб қойил қолиб гапирган. Зулфия опа Миртемир шеърларини жуда яхши кўрар, ҳамиша улардаги теранлик ва халқчилликка эътиборимни қаратар эди. Шоирнинг тили ғоятда бой ва ранг-баранг эканини таъкидларди.

Тўғри, Миртемир ижодида замонасозлик билан ёзилган, қайси бир доҳийларнинг жилмайишини улуғлаган ёки кимларгадир садоқат изҳор қилган шеърлари бор. Лекин улар кўнгил амри билан эмас, мажбурият орқасида ёзилган. Бундай шеърлар Миртемир ижодининг асосий мағзини ташкил қилмайди. Аслида эса ўзбек диёрини, унинг шаҳарлари, адирларини, унинг гулзорлари ва чўлларини, боғларини Миртемирдек илҳом билан яйраб тасвирлаган шоир камдан-кам. Бир қанча шеърларида шоир ўзбек аёлларининг бениҳоя ёрқин образларини яратган. Улардаги вафодорлик ва инсонийликни улуғлаган. Унинг бундай шеърларини ўзбек аёлига қўйилган мангу ҳайкал деб аташни истардим.

Президентимиз фармонида тилга олинган инсонлар ҳақида яна кўпдан-кўп тўлқинланиб гапирмоқ мумкин. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам фидойи меҳнатлари, санъат ва адабиётга, халқимизга садоқати билан бизнинг ҳаётимизга сингиб кетган эди. Бу улуғлар бугун ҳам бизнинг бағримизда. Улар ҳамиша тирик. Кўп йиллар мобайнида истиқлол байрамларида улар халқ билан бирга бўладилар.

2001

## **ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН**

Сеҳрли мусиқадай жарангловчи бу ажиб сўзларни илк бор болалигимда — уруш бошланган йили эшитгандим. Ёш томошабинлар театрининг Эски Жўвадаги алмисоқдан қол-

ган торгина зали. Одам тирбанд. Саҳнада паст бўйли, кулча юзли, истараси иссиқ артист кўзлари чақнаб, овозини бир кўтариб, бир пасайтириб ҳаяжон билан шеър ўқимоқда.

Ватан — она сўзи нақадар лазиз,  
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз,  
Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил-қиз,  
Муқаддас, мўътабар, улуғ Ватаним,  
Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан.

Кўп ўтмай театр залида ўтирган ҳам, шеърни саҳнада артист ўқиётгани ҳам унут бўлди. Шеър мисралари ва, айниқса, ҳар банд охирида такрорланаётган «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» деган ибора гўё юрагимда туғилиб, ичимдан жўшиб чиқаётгандай. Учта оддий сўздан таркиб топган бу оташин хитоб шеър эмас, бутун умр бўйи амал қиладиган тантанавор қасамдай жарангларди. Кейин чинданда шундай бўлди — Уйғун қаламига мансуб бу мисра бутун умрим мобайнида менга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Қадамим етиб борган турли маконларда, турли шароитларда бу мисра мендан сўраб ҳам ўтирмай, бирдан қалбимда жаранглаб кетади. Шунда юртимизнинг сахий куёшидан баҳраманд бўлган ям-яшил далалардай кўнглим ёришиб кетади. Томирларимда янги куч югураётгандай ўзимни бардам сеза бошлайман.

Ватан. Ватан туйғуси. Ватан муҳаббати. Нимадир булар? Булар қандай сеҳрли қудратки, ҳали вояга етмаган, дунё кўрмаган, турмушнинг паст-баландларидан беҳабар, ўйину шўхликлардан ўзга дарди йўқ бир ўсмирнинг юрагига жо бўлиб олиб, бутун умр унинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини бошқариб туради. Бу туйғу инсон фарзандида туғма бўлармикин? Ёки гўдак тамшана-тамшана онасини эмганида, она сути билан бирга бу туйғу унинг ҳам томирларига югурармикин? Умуман, «Ватан» деганнинг ўзи надир? Туғилиб ўсган уйингми? Бешиқда қулоғингга кирган мунгли ва айни чоғда нурли алами? Бувингнинг эртакларими? Мактабми? Илк бор висол онларига гувоҳ бўлган сўлим хиёбонларми? Албатта, буларнинг ҳаммаси ва яна аллақанча нарсалар бирлашиб, «Ватан» деган нарсанинг сўнмас тимсолини яратса керак. Ва яна ўйлайманки, боланинг мурғак қалбидаги илк бор пайдо бўлган Ватан



тимсоли ҳар қанча ёрқин бўлмасин, ҳали ўзининг шаклу шамойилини тўла топиб улгурмаган бўлади. Ватан туйғуси инсоннинг ўзи билан бирга ўсиб улғаядиган туйғу бўлар экан. Тажрибангиз ортгани сари, ҳаёт дошқозонида қайнаб пиша борганингиз сари Ватан деган нарсани чуқурроқ қадрлайдиган бўлиб қоласиз, Ватан ҳақидаги тасаввурингиз тўлишиб, кенгайиб, бойиб боради. Ватан туйғуси бутун вужудингизни қамраб олади, ҳар бир хужайрангизга томир ёзади. Сиз энди англай бошлайсизки, Ватан нафақат жўшқин ёшлик дамлари билан боғлиқ сўлим маскандир. Инсон ҳам ниҳолдай гап – уни ундириб ўстирадиган она замин бор, қуёш, сув, ҳаво уни ўз неъматларидан баҳраманд қилади. Шунинг учун буларнинг бари инсон учун азиз ва ардоқли. Лекин булар ҳали тугал Ватан эмас. Одамзод шундай яратилганки, у бошқалардан ажралган ҳолда, якка-ёлғиз, сўппайиб умргузаронлик қилолмайди. Тўғри, одамлар орасида таркидунё қиладиганлари, танҳоликни ёқтирадиганлари, ҳеч кимни жини суймайдиганлари ҳам бор. Аммо улар ҳар қанча танҳо бўлмасин, элу юртдан юз ўгириб, ҳар қанча ғорлар ичини макон қилмасин, барибир, минглаб ришталар орқали одамлар билан, дунё билан боғлиқ бўлади. Ҳатто умрининг ярмини хумни ватан қилиб ўтказган қадимги юнон файласуфи Диоген ҳам, барибир, шогирдлари билан, бошқа файласуфлар билан алоқада яшаган. Ота-оналар, фарзандлар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, дўстлару дугоналар ҳар қандай инсон ҳаётига турфа хил маъно ато қиладди. Одам уларни яхши кўриши, улар билан иноқ яшаши мумкин, уларни ёқтирмаслиги ҳам мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам уларнинг ҳаммасидан юз ўгириб, ҳаммасидан бутунлай кечиб кетиб бўлмайди. Хуллас, қариндош-уруғ, дўсту биродарлар, маҳалла, жамоа, қолаверса, бутун жамият одамнинг ўсиб-улғайишида, умргузаронлигида истаса-истамаса унга таянч бўлади, унинг парвозига қанот беради. Шунинг учун «Ватан» тушунчаси муайян жуғрофий ҳудуднигина қамраб олмайди, балки унинг таркибига бутун жамият, унинг кечаги куни, бугуни ва эртаси ҳам киради. Шунинг учун мен «ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» дея бот-бот такрорлаганимда биламанки, мен ватанимга керакман. Кимлигимдан, ёшу қарили-

гимдан, касбу коримдан қатъи назар. Биламанки, менсиз Ватанимнинг нимасидир кемтик, нотўқис бўлиб қолади. Айни чоғда шуни ҳам биламанки, Ватаним менга кўпроқ керак. Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин мен ватансиз яшаёлмайман! Рост-да! Мен етмишга кириб, умримда нимаики рўшнолик кўрган бўлсам шу Ватаннинг бағрида унинг саховати туфайли, «бир меҳрибон қўл» билан пешонамни силагани туфайли кўрдим. Албатта, турмуш бўлгандан кейин унинг ўзига яраша ташвишлари, қийинчиликлари бўлади, оёғингиз остидан катта-кичик муаммолар чиқиб туради. Лекин, сирасини айтганда, чолу кампир иккимиз «муроду мақсадга етиш» арафасида бола-чақаларимиз билан бирга устимиз бут, қорнимиз тўқ, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда, тинч, хотиржам ҳаёт кечирмоқдамиз. Бировдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан тили қисик жойимиз йўқ. Мен бунга баъзан ўзимда йўқ хурсанд бўламан, яратганга беадад шукроналар қиламан, баъзан эса Ватаннинг менга кўрсатган беҳисоб иноятларига, элу юрт ардоғига муносиб жавоб бера олаётганим йўқ, Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни тўла ўтаёлмаяпман деб ўкиниб қўяман. Бу ўкинч мени кўп нарсалар тўғрисида ўйлашга ундайди. Ахир, бу беқиёс гўзал Ватан Оллоҳнинг эл қатори менга ҳам атаган буюк туҳфаси. Мендан аввал ўтган авлод-аждодларим уни жамики бетакрор жозибаси билан, туганмас хазиначилари билан менга мерос қолдирган. Хўш, нима қилмоқ керак? Текин мерос экан деб унинг бойликларини бир чеккадан совураверишим керакми? Ахир, ётиб еса тоғ чидамас экан. Йўқ, орқалдимизга қарамай совуриш йўлини тутадиган бўлсак, бу гўзал ўлка уч-тўртта авлоднинг умри ўтмасданоқ одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган дашту биёбонга айлангани-ю, биз ҳаммамиз келажак авлодларнинг қарғишига учраймиз. Бахтимизга, ўтган авлод-аждодларимиз бизга Ватанни мерос қилибгина қолдирган эмаслар, балки бу Ватанни чин юракдан севишни, унга фидокорлик билан хизмат қилишни, унинг ҳуснига ҳусн, бойлигига бойлик қўшишни ҳам мерос қолдиришган. Ватанни севмоқ имондандир деб таълим беришган улар. Демак, ҳар бир одам учун Ватанни севиш ҳам фарз, ҳам қарз. Авлод-аждодларимиз Ватанни севиш бобида ҳам бизга сон-саноксиз

ўрнаклар ва ибратлар қолдиришган. Улар ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси ҳар нарсадан улуг, ҳар нарсадан муқаддас деган эътиқодни мерос қолдиришган. Улар Ватанни кўз қорачиғидай авайлаб-асраш, зарур бўлганда, бу йўлда жонини ҳам фидо қилиш борасида ўлмас сабоқлар бериб кетишган. Ҳамма нарсани эзиб-янчиб кукунга айлантирадиган, ҳар қандай хотирани галвирдан баттар илма-тешик қилиб юборадиган бешафқат Вақт ҳам ажодларимизнинг фидокорликлари, Ватанга бўлган муҳаббатлари қаршисида лол қолган ва уларни ривоятларга буркаб, деярли оҳори тўкилмаган ҳолда бизларга етказиб келган. Бу гаплар, албатта, маърифатли одамларнинг ҳеч қайсиси учун янгилик эмас. Шунга қарамай, бу тўғрида гапирётган эканман, боиси бор. Ватанга муҳаббат Онага муҳаббат каби муқаддас ва юксак туйғу. Онага муҳаббатнинг шундай бир ўзига хослиги борки, одам бу туйғуси ҳақида оламга жар солиб, ҳаммани ундан воқиф қилавермайди, ҳатто онасининг ўзига ҳам ҳар куни «Онажон, мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман» деявермайди. Лекин ҳар куни онасига ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, саховати, шафқатини иши билан, гап-сўзлари, хатти-ҳаракати билан амалда намоён қилади. Ватан муҳаббати ҳам шундай: у ҳаммага кўз-кўз қилинмайди, у тўғрисида тантанавор эълонлар чоп этилмайди, ҳар муюлишда одам кўкрагига уриб, Ватанга ошиқлигини писанда қилмайди. Маданиятнинг юксак поғоналарига кўтарилган жамиятларда одамлар ўз Ватанларига муҳаббатни шовқин-сурон кўтармай, айюҳаннос солмай, тамагирликсиз, беписанда, мақтанчоқликсиз амалга оширадилар. Ватанга муҳаббат бозорга солинадиган матоҳ эмас, балки инсон қалбининг тўрида гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис, энг инжа бир туйғудир. Унинг тўғрисида ҳуда-беҳуда жар солаверсанг, ҳар куни амалда эмас, оғизда «намоён» этаверсанг, бу туйғунинг муқаддаслиги қолмайди. Кишининг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетаверадиган жўнгина бир жумлага айланиб қолади. Шу ўринда олис замонларда ўтган ажодимиз Широқнинг Ватан йўлидаги буюк фидокорлиги ёдимга тушади. Биз бу одамнинг оддий чўпон бўлганини биламиз, холос. Унинг ўзи қанақа одам бўлган, ёшми, кексами, бола-чақалари бўлганми-

йўқми эканидан бутунлай беҳабармиз. Лекин шуни аниқ айтиш мумкинки, у бирор мактабда ўқиб, хат-савод чиқармаган бўлса керак. Яна шуниси аниқки, у телевизор кўрмаган, радио эшитмаган, газета ўқимаган. Бинобарин, Ватанни севиш, унга жон фидо қилиш кераклиги ҳақидаги хитоблару сийқаси чиққан баландпарвоз чақириқларни эшитмаган. Лекин юртига бостириб келган ёвни саҳрога олиб бориб адаштириб келишга қарор қилганида, саҳродан ўзининг ҳам соғ қайтиб келмаслигини яхши билган. Демак, она-Ватанини ёвдан сақлаб қолиш учун онгли равишда жонини қурбон қилишга отланган. Албатта, унинг номини мангу қахрамонлар сафига олиб кирган бу мислсиз фидокорлик элу юртга, она-Ватанга муҳаббатдан, ўзини халқининг бир зарраси, юртининг содиқ фарзанди деб ҳис қилишдан туғилган. Широқнинг жасоратини мангу қилган омиллардан, унга беқиёс гўзаллик ҳам бахш этган хислатлардан бири унинг ҳар қандай тамадан мутлақо холилиги бўлган. Ҳарҳолда, Широқ «бир замонлар келиб, ўзбек ёшлари менинг жасоратимни дарсликларидан ўқиб, шаънимга олқишлар ёғдиришар» деган ўйдан мутлақо узоқ бўлган. Ҳа, Ватан муҳаббати ана шундай покиза, олижаноб, беминнат бўлмоғи, ҳар қандай мақтанчоқликдан, сунъийликдан, писандадан холи бўлмоғи керак. Шу ўринда бир шоирнинг Ватан севгиси ҳақидаги атиги тўрт мисрада айтган бир гапи эсимга тушиб кетди: «Ватан» учун кимлар, нималар қилмаган? Бировлар, Ватан деб жон фидо қилган, бировлар ватан деб гап сотган... Мен ҳеч кимни маломат қилмоқчи эмасман, бунинг учун менинг ҳаққим ҳам йўқ. Лекин, назаримда, шундай туюладики, биз кейинги вақтларда Ватанга муҳаббатимизни кўпроқ «гап сотиш» йўли билан ифодалашга берилиб кетганга ўхшаймиз. Назаримда, «тарбия», «ватанпарварлик тарбияси» деган нарсани ҳам бутунлай бир томонлама тушунамиз, шекилли. Қанча кўп гапирсак, гапларимиз қанча тум-тароқ, баландпарвоз бўлса, тарбиявий ишларимиз шунча яхшиланаётганга ўхшайди. Ҳолбуки, буларнинг бари билимимизнинг саёзлигидан, маданий савиямизнинг пастлигидан, қолаверса, гапираётган гапимизни ўзимиз қадрламаслигимиздан туғилади ва бу сийқалик охир-пировардида, энг ноёб, энг инжа туйғуларимизни ҳам ўтмаслаш-

тиради. Натижада, «Ватан севгиси»нинг қадри пасайиб, баҳоси тушиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Бир мисол келтираман: кейинги пайтларда анча-мунча одамлар телевизор орқали ёки матбуот саҳифаларида сира хижолат тортмай «мен фалон соҳада Ватан учун 30, 40 ёки 50 йил хизмат қилиб қўйганман» дея мақтанадиган бўлиб қолишди. Бироқ одам ўзи тўғрисида шунақа деганида қилган хизматларини писанда қилаётганга ўхшаб кетади. Албатта, бирор соҳада 30 йилми, 40 йилми ишлагани жуда яхши – бунинг учун фақат раҳмат айтиш ва бошқа йўллар билан рағбатлантириш керак. Лекин нима учун буни – бутун умр бўйи тирикчилигини ўтказиш учун маош олиб қилган ишини ўзининг ватанпарварлиги деб тақдим этиши керак? Йўқ, биродарлар, ҳар нима бўлганда ҳам мен Ватан севгисини олийроқ, юксакроқ бир хислат деб биламан.

Ватанни севиш ва, айниқса, бу севгини амалда намोён қилиш унчалик осон иш эмас. Бу одамдан жуда катта жасоратни, бардошни, чидамни талаб қилади. Қизиги шундаки, Ватан ўз фарзандларидан ҳар ойда, ҳар ҳафтада, ҳар соат, ҳар сонияда жон фидо қилишни талаб қилмайди. Ватан йўлида содир бўладиган бундай фидокорлик энг юксак, энг олий фидокорлик бўлиб, у фавқулодда ҳолларда рўй беради. Лекин Ватан севгиси одамдан бир қарашда маҳобатли кўринмайдиган, инсоннинг оддий фаолиятидан кам фарқ қиладиган, аслида эса жуда машаққатли меҳнатдан иборат бўлган кундалик жасоратни талаб қилади. Бу ўринда бугунги одамларга жуда яхши ўрناق бўладиган яна бир тоифа, чин ватанпарварлар авлоди ёдимга тушди. Улар тарихга жадидлар деган ном билан кирган одамлар эди. Бугун биз улар ҳақида кўп гапирармиз, уларнинг шаънига мадҳиялар ёғдирамиз-у, лекин аслида ўз фаолиятларини нечоғли азобларда, таъқиблар остида, ҳақоратларга кўмилган ҳолда ўтказганларини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ахир, жадидларни, биринчи навбатда, чор ҳукумати доимий таъқиб остида тутган, уларнинг ҳар бир қадамини назардан соқит қилмаган, улар нашр этган газеталарни ёпиб қўйган, чиқарган китобларини тақиқлаган, мактабларини беркитган. Жадидларни маҳаллий уламолар ҳам, дин пешволари ҳам ёқтиришмаган, уларни «қалтадум» деб, исломнинг душмани деб аташ-

ган, кофирликда айблашган. Жадидларни маҳаллий бойлар ҳам қўллаб-қувватламаган, уларни моддий бойликларни беҳуда ва бефойда совурадиган, қуруқ гап сотишдан бошқага ярамайдиган ортиқча одамлар деб ҳисоблашган. Лекин энг ёмони шундаки, баъзи амалдор зиёлилар ҳам жадидларни тан олган эмас, уларни халқ йўлида, унинг кўзини очиш, маърифатли қилиш йўлида, унинг ҳаётини янгилаш, дунёнинг олдинги халқлари даражасига кўтариш йўлида жонбозлик қилаётганликларини тушунган эмас, аксинча, асрлар давомида кўникилган турмуш тарзини бузиб, ҳаммани бесаранжом қилаётган, аллақандай янгиликларни жорий қиламан деб одамларни ташвишга қўяётган, ҳузур-ҳаловатини бузаётган кучлар деб билишган. Мана шундай қуюқ зулмат қўйнида жадидлар Ватан олдидаги тарихий бурчларини чуқур англаган ҳолда чин юракдан, садоқат билан, ҳар қандай машаққатларга чидаб, тишларини тишларига қўйиб хизмат қилишда давом этганлар. Бу хизматлари эвазига улар давлатдан маош олган эмас, аксинча, кўп ҳолларда ўзларининг битиб-ортиб кетмаган маблағларини сарфлаганлар. Баъзан хайрия йўли билан озми-кўпми маблағ тушиб қолса, унга шу қадар ҳалол муносабатда бўлишганки, бунақа муносабатни бугун жуда катта қийинчилик билан тасаввур қилиш мумкин. 1914 ёки 1915 йиллари — аниқ эсимда йўқ — жадид газеталаридан бирида кичкина ахборот эълон қилинган. Ундан маълум бўладики, жадидлар маърифат ишлари йўлида хайрия кечаси ўтказган эканлар ва кеча оқибатида маълум миқдорда пул тушган экан. Газетадаги ахборотда ана шу пул тийинма-тийин нималарга сарфлангани аниқ кўрсатилган. Бу ишларнинг барини жадидлар шовқин-суронсиз, бирон оғиз мақтанишсиз, писандасиз ва тамасиз амалга оширганлар. Ва ниҳоят, мана шу хизматлари учун шўролар замонида қамалиб, кўпчиликлари отиб юборилган ёхуд ўзга юртларга бадарға қилиниб, уруғлари қуритилган. Уларнинг бундай беминнат фидокорликлари биз учун мангу ибрат бўлиб қолмайдими? Бизнинг эса ҳамон топганимиз гап... гап... гап... Бири-биридан чиройли, бири-биридан пурвиқор, бири-биридан дабдабали ва бири-биридан пуч, мағизсиз гаплар, самимиятдан узоқ гаплар. Қўрқаманки, бу ҳавойи гаплар ҳатто бизнинг пича

риёкорлигимизни ошкор қилиб кўяди. «Пича» деганим но-жоизроқ кўринади, бу ўринда «анча-мунча» деган сўзни қўлласа ҳам бўлаверади. Унда «риёкорлик» дейишнинг ўрнига ҳам очиқчасига «иккиюзламачилигимиз»ни деб кўя қолган маъкул. Негаки, гапимиз билан ишимиз бир-бирига тўғри келмайди. Негаки, ватан севгиси ҳақидаги ҳай-қириб айтилган хитобларнинг жаранги тиниб улгурмай, Ватанимизга, бинобарин, ўзимизга катта зиён-заҳмат етказадиган ишларга кўл ура бошлаймиз. Мен Ватанни, бизга Ватан бўлган она табиатни асраш ҳақида, ер, сув, ҳаво, атроф-муҳитнинг саломатлиги тўғрисида қайғуришни кўзда тутяпман. Мен яқин ўтмишда бу борада қилинган жиноятларни айтаётганим йўқ. Оролни қуритиб юборганимизни, олтин ундирса бўладиган тупроғимизни заҳарлаб, бангига айлантириб қўйганимизни, ўзимиз ичадиган сувни ўзимиз аямай булғашни ўрганиб олганимизни назарда тутаётганим йўқ. Мен бугун ҳам она табиатни ногирон қилиш соҳасидаги қора ишлар давом этаётганини айтмоқчиман. Гапим қуруқ даъвога айланиб қолмаслиги учун биргина мисол келтирай. Бўстонликни кўпчилик жуда яхши билади. Унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлмаган, унинг бағрида мириқиб ҳордиқ чиқармаган одам кам топилса керак. Бўстонлик фақат шаҳарликларнинг ҳордиқ чиқарадиган жойигина эмас, балки Тошкентдай шаҳри азимнинг экологик мувозанатини сақлашда фавқулудда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир маскан. Шунинг учун ҳам бундан бир неча йиллар аввал Бўстонликда завод қурмоқчи бўлишганида ундан келадиган экологик зарарни ўйлаб, бутун жамоатчилик бу ишга қарши бош кўтарган эди. Кўплаб дам олиш масканларида таъми ва шифобахшлиги манаман деган маъдан сувларидан қолишмайдиган зилол булоқларидан, Швейцария ҳавосидан қолишмайдиган мусаффо ҳавосидан мустақил юртимиз фуқаролари фойдаланмоқдалар. Бироқ баъзи бировлар ана шу жаннатмакон жойга шахсий нафси деб зуғум қилмоқдалар. Минг йиллик ёнғоқ дарахтларини кесмоқдалар. Аммо ҳар қанча заруратан қилинаётган бўлмасин, бунинг оқибатида келадиган зарарни нима билан қоплаш мумкин? Ахир, битта дарахтни вояга етказиш учун ўнлаб йиллар керак-ку. Фақат йиллар эмас, миллионлаб маблағ сарфлаш лозим-

ку. Ахир, тоғдаги ҳар битта дарахт фақат соясию меваси билангина қадрли эмас — унинг илдизлари тупроқни эрозиядан сақлайди. Ерни турли-туман ёғинларга бардошли қилади, ерости сувларининг йиғилиши ва ҳаракатини таъминлайди, баргларида кислород чиқариб, иқлимни муайян даражада бошқариб туради. Аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса, Тошкентнинг шундоққина биқинида иккинчи Орол пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Ана унда она-Ватанга муҳаббатимиз ва садоқатимизни айтиб ҳар қанча тавалло қилмайлик, биз туфайли жароҳатланган Ватан бизнинг беғамлигимиз ва ношудлигимизни кечирмайди. Назаримда, ҳали-ҳануз бизнинг тафаккуримиз шунақа босқичда турганга ўхшайдики, унда Ватанга муҳаббат тушунчаси билан она табиатни кўз қорачиғидай асраш тушунчаси алоҳида-алоҳида катакларга жойлаб қўйилгандек кўринади. Ҳолбуки, Ватанга муҳаббат билан экологик тафаккур бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлмоғи, ҳамиша бир-бирини тўлдириб турмоғи зарур. Бошқача айтганимизда, биз Ватанга севгимиз ҳақидаги чиройли гапларимизни кундалик амалий ишларимизда ифодалашни одат қилмоғимиз, одат эмас, ҳаётимизнинг асосий қонунларидан бирига айлантирмоғимиз зарур. Чунки бу борадаги ҳар қандай риёкорлик фақат ва фақат ўз-ўзимизни алдашдирки, унинг оқибатлари олдиндан айтиб бериб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкин. Сезиб турибман — шу ўринда бир табиий савол туғилиши мумкин — мақолада Ватан севгиси оғизда эмас, амалда, ишда намоён бўлмоғи керак деган гап кўп айтиляпти. Яхши, лекин душман кўшинини саҳрога олиб бориб адаштириб келишга ҳар куни ҳам имконият топилавермайди-ку? Ёхуд бугунги кунда жадидчилик фаолияти билан шуғулланиш жуда ҳам жоиз бўлмаса керак. Хўш, бугунги оддий одам нима қилмоғи, Ватанга муҳаббатини қандай намоён этмоғи керак? Ахир, тарихда қиладиган улуг жасоратларни ҳамма ҳам, ҳар куни қилавермайди-ку? Менимча, Ватан йўлида бир ишни қилишни истаган одам аввало тарихга кириш ҳақидаги ўйларни бир чеккага йиғиштириб қўймоғи керак; чунки бир шоир айтганидек, аввал ишни қойил қилмоқ керак, шон-шуҳратни эса кейин бўлишиб олинаверади. Ҳаёт эса ҳамма вақт жасорат



кўрсатишга имкон беради – жасоратлар, фидокорликлар фақат фавқулодда одамларнинг маҳрига тушган эмас. Президентимиз такрор-такрор айтадиган бир ибора бор – «савоб ишни ҳар ким қилмоғи, ҳар куни қилмоғи лозим». Фақат бир нарсани айтмоқ жоизки, савоб ишлар, шу жумладан, Ватан равнақи йўлидаги ишлар ҳеч қачон аввалдан тасдиқланган рўйхат бўйича, бировларнинг кўрсатмаси билан қилинмайди. Ҳар ким ўз ақл-заковати билан ўз қалбининг амрига кўра қудрати етган даражада, имкони бор даражада Ватан, элу юрт йўлидаги ишларни қилади. Мен яқинда газетада Дадахон Нурийнинг «Дарёга чангал солган йигит» деган мақоласини ўқиб қолдим. Унда Тоҳиржон деган юрагида ўти бор бир йигит ҳақида ёзилган экан. Бу йигит нафақат юрагида ўти бор, балки қўли гул ҳам экан, негаки элу юрт учун, савоб учун кўп хайрли ишлар бошлар экан-да, бу ишларнинг ҳаммаси муваффақият билан амалга ошаркан. Шундай ишларидан бири асов Чирчиқ дарёсига чанг солиш бўлипти.

Бўстонликдаги Дўнгалак кўприк олдида ер ярим оролга ўхшаб дарё томон туртиб чиққан жой бўлар эди, сув ҳаммиса шиддат билан шу ерга келиб урилар ва уни ювиб, емириб, кичрайтириб борар эди. Тоҳиржон ўша жойнинг тагига мраммуру цемент чиқиндиларидан аллақанчасини тўкиб, устидан тупроқ ташлаб, бинойидек ер қилибдида, у ерда бир боғ бино қилипти. Ҳозир бу боғ мевага кирган бўлиб, унинг ҳосилидан қанчадан-қанча одам баҳраманд бўлиб ётипти. Буни қарангки, ҳеч ким Тоҳиржонга буни буюрган эмас, у фақат юрагининг амри билан, савобга эҳтиёжмандлигидан, юртига бўлган муҳаббатининг зўрлигидан шу ишни қилган. Бошқа бир одам эса ичи қора, ҳасадгўй бўлса керакки, Тоҳиржонга раҳмат айтиш ўрнига устидан катта идораларга «давлатнинг ерини сўрамасдан тортиб олиб, ўзига боғ қилди» деб шикоят ёзипти. Ана шунақа – эгри мўридан эгри тутун чиқади деганлари шу бўлса керак-да...

Сезиб турибман – бу галги мисолим ҳам жуда ибратли ва жуда гўзал бўлса-да, ҳамманинг қўлидан келаверадиган иш эмас. Шунинг учун яна қайтариб айтаман – Ватанга муҳаббатингизни амалда намоён қилмоқ учун фалон қилинг, пистон қилинг деб кўрсатма беролмайман.

Ҳаётнинг ўзида сиз қилишингиз мумкин бўлган юмушлар оёқ остидан чиқиб қолади. Ҳозир ўзи турган жойда ободончилик ишларига ёрдам бераётган, мактабларга, болалар боғчаларига кўмаклашаётган, ижодкорларнинг китобларини чоп эттиришга мададлашаётган, қўли қисқароқ оилаларга болаларининг тўйларини ўтказиб бераётган ва яна қанчадан-қанча саховатпеша ишларни қилаётган одамлар ҳақидаги хабарлар кўпайиб қолди. Буларнинг бари элу юрт равнақи йўлида қилинаётган савоб ишлардир. Агар борди-ю, бунақа ишларга ҳам қурбингиз етмаса, ҳечқиси йўқ, ўкинманг – жилла бўлмаса, тўрт-беш туп дарахт экинг, ҳовлингиз атрофини обод қилинг, лоақал, эшигингиз тагига бир туп қирқоғайни экинги, ўтган-кетганлар яшнаган гулларни кўриб, ичларида «баракалла» дейишсин. Бундай ишлар ҳам юртимизнинг ҳуснига ҳусн, чиройига чирой кўшади-ку.

Одам ота-онасини танлаёлмаганидек Ватанни ҳам танлаёлмайди. Албатта, Оллоҳ одамга Ватанни музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, чангалзорлардан ҳам ато этиши мумкин. Лекин сиз билан бизга Оллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни БАХТЛИ деб билмоғимиз керак. Президентимиз айтганидай, шукроналар билан яшамоғимиз керак. Ватан бизга ато этилган улуғ неъмат экан, Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улуғ неъматдир. Чунки Ватанини севган одам, унинг бирон корига яраган одам ҳаётининг чуқур маъно касб этаётганини, умри зое ўтмаётганини ҳис қилади, унинг инсоний ғурурига ғурур кўшилади. Ватан муҳаббатидан бенасиб одамлар эса, унга лоқайд қарайдиган, ҳатто унга қўл кўтаришдан тоймайдиган одамлар эса ҳар қандай қиёфага эга бўлмасин, башарасини ҳар қандай ниқоб билан паналамасин, маънавий қашшоқ, имонсиз, худобехабар, бахтсиз одамлардир. Улар Оллоҳ олдида қандайдир гуноҳ қилган махлуқдирки, Оллоҳ уларни Ватанни севиш бахтидан бенасиб қилган.

Азиз ватандош! Сиз билан биз Ўзбеклармиз. Ўзбекнинг ўз ғурури бор. Бугун биз дунё халқларининг сафларидан

муносиб ўрин олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин биз, гуруримиз ҳар қанча баланд бўлмасин, ўз қадримизни ҳар қанча баланд қўймайлик, ўзимизни ҳеч кимдан юқори қўймоқчи, биронта халқни камситиб, пастга урмоқчи эмасмиз. Биз яхши биламизки, Оллоҳ жаҳон айвонида ўзининг ҳамма бандаларини тенг қилиб, баробар қилиб, дўст қилиб яратган. Ҳа, шундай, биз ҳамма халқларга биродармиз, лекин ҳеч кимнинг олдида тили қисиклик жойимиз ҳам йўқ. Шунинг учун «қайга борсам, ғоз юрарман бошда дўппи гердайиб» дейиш учун тўла асосимиз бор. Ўзбекнинг доврўғини эшитмаган, «Ўзбекистон» деган жаннатмонанд юртнинг таърифидан хабар топмаган бир жон қолмасин. Фақат «Ўзбекман» деб гердайганимизда, шу гўзал юртнинг равнақиға қўшган жиндай ҳиссамиз учун қаддимизни тик тутиб бир гердайиб қўяйлик.

### **ТУРКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АТОҚЛИ КУРАШЧИСИ**

Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов «Азия» деган китобида совет тарихшунослик фанининг отаси ҳисобланмиш академик Грековнинг «Киев Руси» китобидан бир парча келтиради: «Ҳам ёзма, ҳам ноёзма манбалар бизнинг хизматимизга мунтазир. Аммо манбалар қандай бўлишидан қатъи назар, фақат бир ҳолдагина фойдали бўлиши мумкин – тадқиқотчининг ўзи ундан нима исташини яхши билмоғи керак». Ўлжас Сулаймонов бу кўрсатмани кескин танқид қилади. Чиндан ҳам, юксак рутбалик раҳбарларнинг оғзига қараб иш юритишни одат қилиб олган анча-мунча «олимлар» таниқли академикнинг бу гапини ўзлари учун муқаддас дастуриламал қилиб олдилар. Улар турли-туман асарларида тарихни холисона ёритиш ўрнига ундан ўз мақсадларига мос келадиган ҳодисалар ва фактларни танлаб ёритиш, қолганларини эса хаспўшлаш ёхуд билиб билмаганга олиш йўлидан бордилар. Бироқ гап фақат машҳур академикнинг методологик кўрсатмасида ҳам эмас. Бу кўрсатманинг ўзи мамлакатимизда 20-йиллардаёқ қарор топган муайян ижтимоий-сиёсий вазиятнинг самараси ўлароқ майдонга келганди.

Маълумки, 1917 йилдан кейин большевиклар барпо этган пролетар диктатураси салтанатида ҳукмрон мафкура фақат бир мақсадга – янги тузумни ҳар жиҳатдан оқлаш ва улуғлашга хизмат қилди. Бу йўлда ҳукмрон мафкура ҳеч қандай воситалардан, ҳатто зўравонликдан ҳам қайтгани йўқ, ҳатто ошқора ёлғондан, сурбетларча сохтакорликлардан ҳам воз кечгани йўқ. Ҳукмрон мафкура, айниқса, большевикларнинг миллий сиёсатини «улуғлашда» зўр жонбозлик кўрсатди. «Октябрь ўтмишда эзилган халқларни озодликка олиб чиқди, улар улуғ оғамизнинг ёрдами билан бахтиёр ҳаёт қурдилар, улар ўтмишда хор ва қашшоқ эдилар, фақат совет давридагина маданиятли, фаровон

турмуш кечира бошладилар, бунинг учун улар партиядан ҳар қанча миннатдор бўлсалар арзийди. Кимда ким бу гапларга қўшилмаса ёхуд қарши бўлса, у ғоявий маҳдуд, муртад, халқнинг ашаддий душмани, разил миллатчи!» — ҳукмрон мафкура ўнлаб йиллар давомида ана шу «ҳақиқатлар»ни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Афсуски, гуманитар илмлар турли тазйиқлар ва маъмурий жазолар таъсирида мустақиллигини йўқотиб, ҳукмрон мафкуранинг хизматкорига айланди. Оқибатда олис ўтмиш ҳам, яқин тарихимиз ҳам бутунлай сохталаштирилиб, бузиб, ёлғон-яшиққа, уйдирмаларга қориштириб талқин қилина бошлади. Айниқса, XX асрда яшаб ўтган, илгор ғояларни олға сурган, бу йўлда қўлидан келган хизматини аямаган зиёлилар шафқатсиз танқид остига олинди — уларнинг оламдан ўтиб кетганларига «жадид» деган муҳр босилиб, ёмон отличқа чиқарилди, минг хил чиғириклардан ўтиб, 30-йилларга етиб келганлари Сталин жаллодлари томонидан қатли ом қилинди, ўз вақтида ватанини тарк қилиб улгурганлари, муҳожирликнинг оғир, миннатли нонини еб, ўта мураккаб шароитларда жон асраганлар эса «советларнинг ашаддий душмани, ватангадо хоинлар, аксилнқилобчилар, миллатчилар» деб эълон қилинди ва уларни қоралашга расман фатво берилди. Тарихчими, адабиётшуноси, иқтисодчими, файласуфми, хуллас, олим зотики бор — ҳаммаси эринмаса, уларнинг биронта асарини, бирон мақоласини ўқимай туриб, ҳаёт йўлини билмай туриб, сиёсий, адабий, фалсафий қарашларидан беҳабар ҳолда уларга қарши чиқмоғи, улар билан «мунозара»га киришиб, қарашларини рад этмоғи, ўзларини беҳаё сўзлар билан сўкиб, лойга қориштирмоғи ҳам фарз, ҳам қарз эди. Бундай олимлар рағбатлантирилар, «мафкурамизни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшган қаҳрамонлар» деб баҳоланарди. Буни қарангки, муайян йилларда ана шундай «аксилтарғиботчилик», чет эллардаги ўзбек муҳожирларини ёки бошқа миллатларга мансуб шарқшунос олимларни фош қилиш айрим «олимлар» учун тирикчиликнинг осон йўлига айланди, анча-мунча одамлар бу йўлдан фойдаланиб, мансаб пиллапояларидан кўтарилдилар ва сохта шуҳрат эгалари бўлдилар. Энди маълум бўляптики, буларнинг ҳаммаси ёлғон экан, ўша «фош

этилган», урилган, сўкилган советшуносларнинг кўп гаплари тўғри экан – улар четдан туриб, Туркистоннинг заволи аҳволи ҳақида, тақдири тўғрисида бизга қараганда тўғрироқ ва теранроқ фикр юритишган экан. Замон ўзгарди, жуда катта қийинчиликлар, талафотлар эвазига бўлса ҳамки, ошкораликка эришдик, аста-секин сўз эркинлиги жорий бўляпти. Бугун Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Булоқбоши, Темир Хўжа ўғли каби ўзбек муҳожирларининг номини бемалол тилга оладиган, ҳатто айрим асарларини чоп этадиган бўлиб қолдик. Ана шу муҳожирлар сафида Мустафо Чўқай алоҳида ўрин тутади.

Мустафо Чўқай фақат туркистонлик муҳожирлар ўрта-сидагина эмас, балки Фарбдаги, айниқса, Германия ва Туркиядаги шарқшунос олимлар дунёсида катта обрў қозongan юксак нуфузга эга бўлган бир зотдир. Мустафо Чўқай бу эътиборга бир вақтлар Туркистон мухториятининг бошида тургани учунгина эмас, иккинчи жаҳон уруши чоғларида туркистонлик юртдошларидан анча-мунча одамни ўлим чангалидан тортиб олиб, асраб қолгани учунгина эмас, балки Туркистон мустақиллиги йўлидаги фидокорона фаолияти, кўпгина теран ва холисона илмий асарлари туфайли эришган. Чет элларда уни «туркларнинг буюк миллатчиси ва юртсеварларидан бири», деб эъзозлайдилар.

Афсуски, ана шундай инсон ҳақида биз ҳеч нарса билмаймиз. Тўғрироғи, бидамиз, билардик, лекин бу билганимиз – ҳукмрон мафкуранинг бу одам ҳақида миямизга қуйган ёлғон-яшиғидан ўзга нарса эмасди. Мустафо Чўқайнинг номи бизда 20-йилларда кўп тилга олинарди. Аммо ҳар хил конференцияларда, мафкуравий анжуманларда, инқилобий мавзуларда ёзилган рисола ва китобларда у ашаддий халқ душмани, миллий буржуа мафкурасининг етакчи намояндаси, совет ҳокимиятига қарши курашган, босмачилик ҳаракатини уюштирган бир кимса сифатида таърифланади. 30-йилларнинг ўрталаригача ҳам турли муносабатлар билан Мустафо Чўқайнинг номи тез-тез тилга олинаиб турди. Жумладан, 1930 йилда Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимов устидан бўлган суд жараёнида давлат қораловчиси Р. Катаняннинг айблов нутқида ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромовнинг турли курултой

ва йигинлардаги маърузалари ёхуд нутқларида шундай бўлган. Бироқ, 1937 йилдан кейин худди биров буйруқ бергандай, Мустафо Чўқайнинг номи матбуот саҳифасидан бутунлай ўчиб кетади, гўё бу одам, умуман, ҳеч қачон яшаб ўтмагандек, унинг тўғрисида лом-лим дейилмай қўйилади. Фақат 1985 йилдан кейингина Мустафо Чўқай ҳақидаги гаплар яна тикланди, бироқ бу гал янги асосда, янгича муносабат билан тикланди, унинг баъзи бир асарлари матбуотда эълон қилина бошланди.

Мустафо Чўқай 1890 йилнинг 17 январида Оқмачит шаҳарида туғилган<sup>1</sup>. Олматида истиқомат қилувчи русий забон ёзувчи Анов «Оқмачит» романида бу шаҳарнинг рус қўшинлари томонидан ишғол қилинишини, бу жараёнда кечган турли-туман воқеаларни батафсил ҳикоя қилган. Чўлпон ҳам «Кеча ва кундуз» романида Оқмачитга доир латифанамо бир гапни келтиради. Роман персонажларидан бири Ноиб тўра Мирёқубга дейди: «... Сенларнинг Худоёрхонингга «ўрислар Оқмачитни олиб қўйди» деганлар. Худоёрхон «у юртим неча кунлик йўлда?» деб сўраган, «бир ойлик йўлда» деганлар. «Ундай бўлса, менга унақа олис юртнинг кераги йўқ. Олса олаберсин» деган...»<sup>2</sup>

Мустафонинг отаси Чўқайбек Тўрғай Додҳо ўғли (1836–1916) ўз даврининг кўзга кўринган арбобларидан бўлган. У ўғлини илмли, маърифатли қилиб тарбиялаш йўлида қўлидан келган ишни аямаган. Мустафо бошлангич маълумотни Оқмачитда она тилида эски мактабда

---

<sup>1</sup> Оқмачит ҳозир Қизил Ўрда вилоятининг маркази ҳисобланади. XIX аср ўрталарида бу шаҳар Қўқон хонлигига қарар, унинг чегарасида жойлашган авлоқ бир шаҳарча ҳисобланарди. Инқилобдан олдин Оқмачит яна бир жиҳати билан машҳур бўлган – авлоқ жой бўлишига қарамай, Оқмачитдан жуда кўп тилмочлар чиққан. Яхшиси бу масалани ёритиш учун сўзни Мустафо Чўқайнинг ўзига берайлик:

«Эски Туркистон вилояти доирасининг шаҳарлари орасида Оқмачитнинг баъзи ўзига хосликлари бор эди... Улардан бири, балки энг унумлиси, бу доирада фаолият кўрсатган тилмочларнинг кўпчилиги Оқмачитли бўлиши эди. Ёлғиз Сирдарё вилояти даврасидагина эмас, Самарқанд ва Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам губернатор, полиция маҳкамаларида Оқмачитли қозоқ тилмочлари хизмат қиларди... Оқмачит шаҳри котиб ва тилмочлар етиштириб берувчи бир макон бўлиб қолганди...»

Мустафо Чўқай. 1917 йил хотира парчалари.

Анқара. Ёш Туркистон нашриёти. 1988 й., 16-бет.

Мустафо ана шундай муҳитда дунёга келганди.

<sup>2</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 й., 144-бет.

олади. Ўғлидаги иқтидорни ва илмга ҳавасни пайқаган ота эски мактаб таълими билан чекланиш мумкин эмаслигини яхши тушунади ва уни Тошкентга юборади. Бу ерда Мустафо гимназияда рус тилида таҳсил олади. Уни муваффақият билан битиргач, Петербургга йўл олади. Мустафо Петербург университетининг ҳуқуқ факультетини ҳам зўр муваффақият билан тугатади. Дорилфунунда ўқир экан, Мустафо фақат ҳуқуқшунослик илмларига қизиқиш билан кифояланмайди, айни чоғда, унинг тил ўрганиш бобида ҳам фавқулодда иқтидор эгаси экани аён бўлади. У она тилини қанчалик теран билса, рус тилини ҳам шунчалик мукамал эгаллайди. У рус тилида бемалол гаплашиш ва ўқишдан ташқари ёза оладиган кучга ҳам эга эди. Кейинчалик рус тилидаги айрим газеталарга муҳаррирлик қилгани, қатор мақолалари ва рисоаларини рус тилида ёзгани фикримизнинг далили бўлади. Мустафо Чўқай француз, инглиз, немис ва поляк тилларини ҳам жуда яхши билган. Мустафо Чўқай Петербургда ўқиган даврлар Россия тарихидаги энг алғов-далғов йилларга тўғри келган. Мамлакат бўйлаб подшо сиёсатидан норозилик кучайган, ижтимоий тараққиёт йўлига қўйилган турли-туман говлар зиёлилар ўртасида эътирозни кучайтирган. Улар ўртасида фикрий уйғонишнинг янги тўлқинлари сезилади. Шундай шароитда Мустафо Чўқай ҳам бевосита сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлайди. Табиийки, ёш Мустафони сиёсатчи сифатида ҳаммадан аввал она юрти Туркистоннинг тақдири қизиқтирар эди. У Туркистонни мустамлака кишанларидан халос кўришни истар, Туркистон халқларининг эса ўз тақдирига ўзи ҳўжайин бўлган ҳолда тараққиёт йўлига чиқиб, бошқа илғор халқлар қаторидан ўрин олмоғини хоҳларди. У инқилоб арафаларидаёқ ёзган мақолаларида Туркистон мустақиллиги учун кураш ғояларини тарғиб қила бошлади. Шундай қилиб, инқилоб арафаларида Мустафо Чўқай Туркистон манфаатларини чуқур тушунадиган илғор фикрли зиёлиларнинг олдинги қаторидан ўрин олади. Фикри теран, қалами ўткир бўлгани учун уни ҳатто Россия Думасига ишга олишади.

«1917 йил инқилоби бошланган кезларда, — деб ёзади Мустафо Чўқай «1917 йил хотира парчалари» китобида,



– мен Петербургда эдим. У замонда мен Россия Думаси (парламенти) Мусулмон фракциясининг қошидаги бюрода Туркистон вакили эдим. Туркистон ҳақида материаллар тўплар ва давлат думасидаги мусулмон миллат вакиллариға Туркистон билан боғлиқ масалалар ҳақида керакли материалларни ҳозирлаб берардим<sup>1</sup>. 1917 йил февраль инқилоби амалга ошиб, подшо тахтдан воз кечиши ҳақидаги манифестини эълон қилган куни Мустафо Чўқайни Тошкентга таклиф қиладилар. Бироқ Тошкентдан келган телеграммада 1917 йилнинг апрелида Оренбургда Умумқозоқ Конгресси бўлиши маълум қилинган ва унда Мустафо Чўқайнинг Туркистон вакили сифатида иштирок этиши илтимос этилганди. Мустафо Чўқай Оренбургга йўл олади, бироқ манзилга етгунча йўлда – Пензада тўхтаб ўтишга тўғри келади. Пензадаги воқеа Мустафо Чўқайнинг ватанга муҳаббати мавҳум нарса эмас, балки ватаннинг хўрланган, қийналган, эзилган фарзандлариға муҳаббат, уларға ғамхўрлик тарзида намоён бўлганини кўрсатади. Мустафонинг ўзи куйидагича ёзади: «Йўлда Пенза шаҳарида туркистонликларимизга дуч келдим. Бунда Туркистон ишчилари тўла ўнларча вагон бир чеккага чиқариб қўйилганди... Бу бечораларнинг турмуши ва оқибатидан хабар берадиган бирон кимса йўқ эди. Шу тарзда унутилган туркистонликлар нима қилишларини билмай ночор аҳволда қолган эдилар»<sup>2</sup>. Мустафо Чўқай Туркистон вакили сифатида станция бошлиғиға мурожаат қилади, ундан иш чиқмагач, вилоят комиссари билан гаплашади. Бундан ҳам натижа чиқмайди. Ишға вилоят ишчиаскар депутатлари совети аралашади ва Мустафонинг қийин-қистови билан туркистонлик ишчилар тушган вагонлар она юрт томон йўл олади.

Мустафо Чўқай хотираларида келтирилган бу воқеа унинг табиати қандай бўлганини, ғайрати ичига сиғмайдиган фаолият кишиси эканини, гап юртдошларининг тақдири ҳақида кетганида лоқайд томошабин бўлиб қололмаганини кўрсатади.

Мустафо Чўқай Оренбургда бир неча кун бўлади. У

<sup>1</sup> Мустафо Чўқай. 1917 йил хотира парчалари. Анқара. «Ёш Туркистон» нашриёти. 1988 йил. 11-бет.

<sup>2</sup> Мустафо Чўқай. Ўша асар. 13-бет.

юқорида зикр этилган хотираларида Биринчи умумқозоқ қурултойининг ғоят баланд руҳда ўтганини ёзади. Қурултой қозоқларнинг миллий уйғонишида катта аҳамият касб этиши билан бирга, барча туркий халқларни Туркистон мустақиллиги ғояси атрофида бирлашишига ҳам ёрдам берган. Қурултой ишида Фотиҳ Карим, Мунаввар қори Абдурашидов каби таниқли зиёлилар иштирок этган. Уларнинг нутқлари қурултой аҳлида катта таассурот қолдирган. Мустафо Чўқай уни ҳам ёрқин бўёқларда тасвирлайди:

Мунаввар қорининг «Ўзбек қардошларингиздан салом келтирдим» дея бошланган табрик сўзларини қозоқ бўзқирларидан келган вакилларда уйғотган туйғулар, чуқур таъсир мен учун унутилмас бир хотирадир. Мунаввар қорининг илк жумласини оёққа туриб қаршилаган мажлис аҳли унга узоқ олқишлар билан жавоб берди. Кўпгина ёш вакиллар уни кўз ёшлари билан тингладилар. Қозоқ бўзқирларининг олис гўшаларидан келган вакиллар «энди биз ҳам қон ва жон бирлигимизни, қардошлигимизни очиқча сўйлай оладиган бўлдик» деяроқ кўзлар ёшланди. Оренбург ва умум турк-татарлар номидан Фотиҳ афанди Каримий қурултойни қутлади. Шундай қилиб, қурултой буюк Турк халқининг уч кучли қўли орасидаги кучли боғлиқликни намоиш этган бир саҳнага айланди<sup>1</sup>.

Мустафо Чўқай Оренбургдаги ишларни битиргач, Тошкентга келади. 1917 йилнинг баҳор кезларида Тошкентдаги сиёсий ҳаёт қайнаб турган қозонни эслатарди. Кураш жабҳасида ҳар хил ижтимоий тоифалар манфаатига хизмат қилувчи сиёсий кучлар фаолият кўрсатарди. Тошкентда ҳам қўш ҳокимиятчилик давом этар, юртни Муваққат ҳокимият комиссари билан бир қаторда ишчи ва аскар депутатлари Совети ҳам бошқарарди. Советнинг таркиби ҳам хилма-хил эди — унда эсэрлар фракцияси ҳам, кадетлар фракцияси ҳам, большевиклар фракцияси ҳам, мусулмонлар фракцияси ҳам бор эди. Бу фракциялар ўртасида иноқлик йўқ эди. Шунингдек, шаҳарнинг сиёсий ҳаётида яна икки ташкилот — «Уламо жамияти» билан «Шўрои исломия» ҳам катта роль ўйнади. Бироқ бу жамиятлар ҳам аҳил бўлиб иш тутиш ўрнига ўзаро низоларга

<sup>1</sup> Мустафо Чўқай. Ўша асар. 15-бет.

берилдилар ва кўп ўтмай низолар ошкора курашга айланиб кетди. Бундан фойдаланган большевиклар уларни тор-мор келтирди ва 1917 йилнинг ўрталарида Тошкентдан қувиб юборишади. Шу тарзда Мустафо Чўқай Кўқонга келади ва сиёсий-инқилобий фаолиятини бу ерда давом эттиради. Бу пайтда Мустафо Чўқай мусулмонлар ўлка советининг («Шўрои исломия») раиси эди. У Кўқонда бир оз бўлгач, вазиятни ўрганиш, халқ кайфиятини билиш учун Марғилонга боради, Туркистон ўлкасининг Андижон, Тошкент, Самарқанд, Чимкент, Авлиёота каби шаҳарлари билан яқиндан алоқада бўлади. 1917 йилнинг 31 октябрида бир гуруҳ большевиклар Тошкентда ҳокимият-ни олишади ва Туркистонда совет ҳокимиятини эълон қилишади. Ўлкада сиёсий вазият фавқулодда тус олади. Бундай шароитда Ўлка мусулмонлар Совети ҳам фаолиятини кучайтиради. 1917 йилнинг 9 декабрида эрталаб соат 10 да Кўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда қурултойи очилади. 11 декабрь тунги соат 12 да қурултой Туркистон мухториятини эълон қилади. Шу қурултойда мухториятни идора қилувчи Халқ Кенгаши сайланади. Кенгаш ўз навбатида Мухторият ҳукуматини сайлайди. Ҳукуматнинг биринчи раиси таниқли жамоат арбоби, Алаш Ўрда партиясининг раҳбарларидан бири Тинишбоев бўлган эди. Аммо у бори-йўғи бир ҳафта раислик қилди. Бизга номаълум сабабларга кўра у истеъфога чиқади ва унинг ўрнига ҳукумат бошлиғи қилиб Мустафо Чўқай тайинланади. Бироқ унинг ҳокимияти ҳам узоқ яшаёлмади — орадан уч ой ўтар-ўтмас большевиклар томонидан бу ҳукумат тор-мор этилади. Шу ерда андак тўхтаб, Мустафо Чўқай ҳақидаги ҳикоямизда танаффус ясаймиз-да, бошқа бир масалага эътиборингизни жалб қиламиз.

Сўнгги 75 йил давомида Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, бу ердаги босмачилик ҳаракати, граждандлар уруши, Кўқон мухторияти ҳақида юзлаб асарлар битилди. Шуниси қизиқки, уларнинг ҳаммасида мухториятни тор-мор келтирган большевиклар ва қизил аскарлар Туркистон халқига беқиёс яхшилик қилган буюк қаҳрамонлар сифатида таърифланади. Уларнинг ҳаммасида Кўқон мухторияти энг ярамас, энг зарарли бир ҳодисадай талқин қилинган. Мен бу ўринда фақат тарихшунос олимларнинг асарларини кўзда тутаётганим йўқ. Биз адабиёт-

шунослар ҳам тарихни бузишда улардан қолишган эмас-миз. Адиблар, шоирлар, драматурглар, киночилар ҳам айнан шу ҳодисаларни ўта сохталик билан тасвирлаганлари, «яша шўро!» деб ҳайқаришдан нарига ўтмаганлари бугун ҳаммага маълум. Гина-кудуратларни қўяйлиг-у, бошқа бир саволга жавоб излайлик: нима учун мана шу асарларнинг ҳаммасида Мустафо Чўқай яқдиллик билан қораланади? Назаримда, советнинг нонини еб улғайган олим-у фузало, адибу шуаро Мустафо Чўқайнинг мухторият-гача бўлган фаолиятида ортиқча салбийликни кўрмайди-ю, лекин унинг мухторият ҳукуматига бошлиқ бўлганини сира-сира кечиролмайди. Бунинг боиси шундаки, Кўқон мухторияти умри қисқа бўлган бўлса-да, ўлка ҳаётида бирор-бир сезиларли бурилиш ясаб улгурмай тарих сахна-сидан чиқиб кетган бўлса-да, у Туркистоннинг мустақиллиги йўлида ёқилган сўнмас юлдуз бўлди; у халқ қалбида ёнган умид чироғи бўлди. Бу юлдузни ёққанлардан бири эса Мустафо Чўқай эди. Шунинг учун ҳам ҳукмрон коммунистик мафкура уни сира кечира олмади ва Кўқон мухториятини 20-йиллардан бери муттасил қоралаб, фош қилиб келди. Бунда мухторият бўйнига тақиладиган тавқи лаънатлар ўша-ўша эски гаплар — мухторият аксилинқилобий ҳокимият, гўё бутун Туркистон халқи Октябрни қувончдан кўзда ёш билан чапак чалиб кутиб олган-у, мухториятчилар халқнинг иродасига қарши бориб, буржуа ҳукуматыни тузган. Бу — бошдан-оёқ туҳмат. Партиявий тарихчиларнинг ўзи 20-йилларда Туркистонда маҳаллий аҳоли инқилобдан мутлақо узоқ бўлганини очиқ ёзишган. Биргина мисол келтираман. Туркистон тарихига оид бир қатор асарларини партия матбуотида эълон қилган П. Алексеенков деган одам «Кўқон мухторияти» деган китобида маҳаллий ишчиларнинг инқилобга муносабати ҳақида ёзади: «Ишчилар синфининг миллий табақаларига нисбатан шуни айтиш керакки, уларнинг бир қисми ўзининг ишлаб чиқаришдаги ўзига хос аҳволи туфайли ва савиясининг ўта пастлиги вадан совет ҳокимиятини етарли даражада фаол қўллаб-қувватламайди, бошқа қисми эса, ҳатто бетарафлик позициясида туради»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> П. Алексеенков. Кокандская автономия. УзГИЗТ. — 1931 г., стр. 14.

Деҳқонлар ҳам улардан ўтиб кетган эмас: «Ишчилар синфи томонида туриб (яъни инқилобчилар томонида дейилмоқчи — *О. Ш.*), фаол ва қатъий чиқмоқлик учун учта нарса етишмасди: 1) ўзининг асосий иқтисодий ва сиёсий манфаатларини тушунмаслик; 2) фаол чиқиш учун кифоя қиладиган уюшқоқлик; 3) ишчилар синфини етарли тушуниш ва деҳқонларни фаол курашга жалб қилиш зарурлигини тушунмаслик»<sup>1</sup>.

Хўш, миллий зиёлилар-чи?

«Миллий зиёлилар Октябрь инқилобидан кейин буржуазия билан бирга кетди»<sup>2</sup>.

Демак, ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар ҳам, зиёлилар ҳам Октябрь инқилобини амалга оширишда фаол қатнашмаган. Энди ўзингиз ўйланг — на ишчилар, на деҳқонлар, на зиёлилар қўллаб-қувватламаган инқилобни қандай қилиб халқ инқилоби деб аташ мумкин? Қандай қилиб халқнинг инқилобга ижобий муносабати ҳақида гапириш мумкин? Аксинча, советпараст олимнинг ўзи тан олган фактлар Октябрь инқилобининг Туркистонга четдан олиб келинганини яққол исбот қилмайдими? Бас, шундай экан, Кўқон мухторияти маҳаллий халқнинг инқилобий хоҳишига зид ўлароқ майдонга келган деб даъво қилиш бориб турган бир уйдирма, холос. Билъакс, фактлар ва ҳужжатлар шундан далолат берадики, Туркистон мухторияти бу ерда яшовчи маҳаллий халқларнинг энг теран орзу-ҳавасларига тўла мос бўлган.

Кўп йиллар мобайнида расмий китобларимизда «мухторият маҳаллий буржуа миллатчиларининг ҳокимияти бўлган, у Россияга қарши, русларга қарши қаратилган, Туркистонни Россиядан ажратиб олишга қаратилган» деган даъволар олдинга суриб келинди. Бироқ бу даъволар ҳам ҳеч қандай реал заминга эга бўлмаган пуч ва уйдирма гаплардир. Буни бир-икки факт билан исбот қилмоқ мумкин. Аввало, мухторият парламентининг — «Халқ кенгаши»нинг миллий таркибига эътибор қилайлик. Унда ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар билан бир қаторда руслар, украинлар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бўлган.

<sup>1</sup> П. Алексеевков. Кокандская автономия. УзГИЗТ. — 1931 г., стр. 15.

<sup>2</sup> П. Алексеевков. Кокандская автономия. УзГИЗТ. — 1931 г., стр. 16.

Бу кенгашга 54 киши сайланган. Шундан 36 киши маҳаллий миллат вакиллари бўлса, 18 киши овруполи миллатларга мансуб бўлган. Шу фактнинг ўзиёқ мухториятни барпо этган одамларнинг байналмилалчилиги анча юксак бўлганидан, улар ҳақиқий демократияни анча чуқур тушунганидан далолат бериб турипти. Шундоқ экан, мухториятни «маҳаллий буржуа миллатчиларининг ҳукумати» деб аташ тарихий ҳақиқатни сохталаштиришдан ўзга нарса эмас. Туркистонни Россиядан ажратиб олиш масаласига келсак, бунга Мустафо Чўқайнинг хотираларидан олинган бир жумла билан жавоб бермоқ мумкин. У ёзади: «Биз Россиядан айрилмоқни талаб этмадик. Фақат мухторият эълон қилдик. Натижа эса маълум...»<sup>1</sup>

Кези келганда шуни ҳам айтмоқ керакки, Туркистон мухториятининг барпо бўлишини инқилоб самараси сифатида ҳам қарамоқ мумкин. Маълумки, янги ҳокимият илк декретларидаёқ Россия тасарруфидаги халқларга озодлик ваъда қилди, улар ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқига эга эканини эълон қилди, ҳатто Россиядан ажралиб чиқишлари мумкинлигини ҳам эътироф этди. Бундан ташқари, янги ҳокимият бошлиғи В. И. Ленин Октябрь инқилобидан бирор ой ўтар-ўтмас Россия ва Шарқдаги барча мусулмон меҳнаткашларга мурожаат қилди. Унинг мактубида шундай гаплар бор эди: «Бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва даҳслсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз, сизларнинг бунга ҳаққингиз бор... Сизлар ўзларингиз ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз лозим. Ўз расм-русмларингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз — ўзларингизнинг қўлингизда»<sup>2</sup>. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари, шу жумладан, Мустафо Чўқай ҳам бу гапларга чиппа-чин ишониб, лаққа тушдилар. Улар большевиклар сиёсати биринчи қадамданок риёкорлик асосига қурилганини, оғизда баландпарвоз ваъдалар бериб, амалда одамларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдираверишларини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Ленин ҳам

<sup>1</sup> Мустафо Чўқай. Ўша китоб. 69-бет.

<sup>2</sup> Шарқ юлдузи. 1991 й., 168-бет.

шундай қилди: бояги мурожаатномадан кейин кўп ўтмай, Туркистон халқларининг қаршилигини ўта шафқатсизлик билан бостириш ҳақида «доҳиёна» кўрсатмалар бериб, баланд рутбалик вакиллари бу ерга жўнатади.

Бундан ташқари, мухториятнинг вужудга келишига янги ҳокимиятнинг биринчи қадамларданоқ миллий сиёсат бобида йўл қўйган мудҳиш хатолари, маҳаллий халқни менсимай, унинг ҳуқуқларини поймол қилиб, унга шовинистик муомала қилиши ҳам сабаб бўлди. Буни далиллайдиган фактлар ҳам кўп. Октябрь инқилобидан кейин Туркистонда тузилган биринчи совет ҳукумати составида биронта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг таркибида ҳам дастлабки босқичда биронта маҳаллий миллат вакилига ўрин ажратилмади. Инқилобий раҳбариятнинг айрим раҳбарлари 1917–1918 йиллар мобайнида турли йиғинлар ва анжуманларда сира тортинмай ерли халқ шаънига таҳқирли гаплар айтишган. Масалан, Туркистондаги ҳокимият аъзоларидан бири К. Я. Успенский 1918 йил январида ўлка советларининг қурултойида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ўртоқ мусулмонлар! Шунин билангизким, биз сизларнинг катта оғангизмиз. Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак»<sup>1</sup>.

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида большевиклар миллий сиёсат соҳасида жиддий шовинистик хатоларга йўл қўйишганини 20-йиллар давомида эълон қилинган кўпгина тадқиқотлар ва китобларда очиқ тан олишган. Жумладан, П. Алексеенков юқорида зикр этилган китобида шундай ёзади: «Октябрь инқилоби даврида ва ундан кейинги дастлабки ойлари мобайнида Туркистон партия ташкилоти миллий масалада қатор хатоларга йўл қўйди. ...Биз ўша кезларда шунга амин эдикки, маданий жиҳатдан қолақ ва сиёсий жиҳатдан етарли даражада балоғатга етмаган маҳаллий аҳоли инқилобда фаол иштирок эта олмайди, шунинг учун инқилобни уларсиз давом эттиришга қарор қилдик»<sup>2</sup>.

Мана шундай камситишлар ва таҳқирлар оқибатида, юқорида айтганимиздек, 1917 йилнинг 11 декабрь куни

<sup>1</sup> Шарқ юлдузи. 1991 й., 168-бет.

<sup>2</sup> П. Алексеенков. Кокандская автономия. стр. 51–52.

ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи Туркистон мухториятини эълон қилди. Бинобарин, мухторият бир «ҳовуч миллатчи фитнакорларнинг хуружи» туфайли эмас, маҳаллий халқларнинг кўпдан давом этиб келаётган орзу-истакларининг натижаси, Октябрь инқилоби давридаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули сифатида майдонга келди. Майдонга келди-ю, кўп ўтмай, большевиклар томонидан кунфаякун қилинди.

Кўп йиллар мобайнида советпарастлик руҳи билан сугорилган асарларимизда Мустафо Чўқай Туркистонда босмачилик ҳаракатининг илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатида ҳам қораланиб келинди. Бироқ бу айблов ҳам ҳеч қандай заминга эга бўлмаган ҳавойи гап. Тўғри, Мустафо Чўқай мухторият ҳукуматининг бошлиғи сифатида ҳарбий вазир Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев билан бирга мухториятни қизил қўшин хуружидан ҳимоя қилиш учун баъзи тадбирларни кўрган. Жумладан, улар мудофаа ишларини уюштиришни Қўқон милициясининг бошлиғи Эргашга топширган, Эргаш эса ўз навбатида унча кўп сонли бўлмаса-да, қуролланган бир даста тузиб, Советларнинг ҳарбий кучларига қарши жанг қилган. Шунга асосланиб, Мустафо Чўқайни босмачилик ҳаракатининг асосчиси сифатида қоралаш мумкинми? Ҳолбуки, расмий ҳужжатларда, кўпгина асарларда «босмачилик» деган таҳқирли ном олган, аслида эса моҳият эътибори билан мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракати бўлган бу оммавий ҳаракатни туғдирган объектив сабаблар бор эди. Бу сабабларнинг энг асосийси янги ҳокимият вакилларининг маҳаллий халқларга менсимай қараши, унинг миллий туйғуларини, инсоний ғурурини таҳқирлаши, урф-одатлари ва расм-русумларини оёқости қилиши эди. Шу билан бирга янги ҳокимият вакиллари аксилинқилобчиларга қарши кураш ниқоби остида маҳаллий халққа нисбатан шафқатсиз террорни амалга оширдилар. Тинч аҳолини қирғин қилиш Қўқонда февраль ойининг 17-куни бошланди. Советпараст тарихчиларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, ўша кезларда уч кун давомида Қўқон ўт ичида қолди. Янги ҳокимият Қўқонни талон қилиш учун дашноқларга тўла эрк бериб қўйди. «Ўшанда Қўқоннинг ўзида 10000 дан ортиқ одам ўлди-



рилди. Қирғин шу билан тугагани йўқ. 1918 йилнинг биринчи ярмида Марғилонда 7000, Наманганда 2000, Андижонда 6000, Бўзкўрғон ва Қўқонқишлоқда 4500 одам ўлдирилди. Шу жараёнда 180 қишлоққа ўт қўйилди. Минглаб оилалар хонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолдилар»<sup>1</sup>. Бундай милсиз ваҳшийлик, қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган зўравонлик сусайиш ўрнига борган сари кучайиб борди. 1919 йилда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам «босмачилик ҳаракатини» бостириш учун келган Қизил Армия қисмлари, жумладан, қонхўрлиги билан донг чиқарган Будённийнинг Биринчи отлик армияси «босмачилар» қолиб, тинч аҳолини қириш, аёлларни таҳқирлаш, ҳатто гўдакларни чавақлаб, найзаларга илиш бобида милсиз «қаҳрамонлик» намуналарини кўрсатдилар. Бу ваҳшийликларни ҳатто ҳозир ҳам баъзи қариялар эслаб қолишса, қалтироқ босиб, ранглари ўчиб кетади. Хуллас, Фарғона водийси 1918 йилнинг бошлариданоқ қонга беланиб, харобазорга айланди. Буни кўрган ҳар қандай инсофли одам даҳшатга тушиб ёқа ушламаслиги, «Гўзал Фарғона, сенга на бўлди?» дея фиғон қилмаслиги мумкин эмас эди. Айни чоғда, бу ваҳшийликлар қарши ҳаракат, исён туғдирмаслиги, халқни «бир бошга бир ўлим!» деб оёққа турғизмаслиги мумкин эмасди. Халқ исёнининг ҳақиқий сабаби мана шунда! Мустафо Чўқайга ўхшаш айрим одамларни «босмачилик ҳаракатининг асосий сабабчиси» қилиб кўрсатиш эса халқнинг диққат-эътиборини тарих ҳақиқатидан чалғитишдан бошқа нарса эмас. Бу масалада ҳам ҳукмрон коммунистик мафқуранинг ўз душманларини ёмонотлиқ қилишда ҳеч нарсадан қайтмаслиги, ёлғон-яшиқ гапларни ва уйдирмаларни бемалол ишга солавериши, иккиюзлама сиёсати яққол кўриниб турипти.

Мустафо Чўқай Туркистонда «босмачилик ҳаракатини» яна шунинг учун уюштира олмас эдики, у 1918 йилнинг ўрталаридаёқ Туркистондан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. У бир неча муддат Кавказда Тифлис шаҳарида туради, кейин чет элга кетади. Чет элда Мустафо Чўқай Париж ва Берлин шаҳарларида истиқомат қилган, Туркияга тез-тез бориб-келиб турган. Мустафо Чўқай чет элда муҳожирликда

<sup>1</sup> Шамаъдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т., 1961 г., стр. 54–60.

20 йилдан ортиқроқ ҳаёт кечирди. Бу даврда у журналистика бобида самарали меҳнат қилди ва кўпгина илмий мақолалар билан бирга қатор тадқиқотлар ҳам яратди. Мустафо Чўқай ҳали Туркистонда эканида ҳам ўткир бир журналист сифатида кенг танилган эди. Дастлаб у «Улуғ Туркистон» газетасида фаол қатнашади. Бу газета 1917 йилда Тошкентда «Яшасин миллатлар мухторияти!» деган шиор билан чиққан ва у «халқининг юзда тўқсон саккизи мусулмон бўлган Туркистон ўлкасида халқ идорасининг хориждан келган аскар ва ишчилар қўлига ўтишга туркистонликлар рози бўлмажаклар» деб ёзган эди. Мустафо Чўқай шу газетанинг энг мумтоз муаллифларидан бири эди. 1917 йилнинг ўрталарида Тошкентда «Бирлик туви» деган газета ҳам чиқа бошлайди. Мен салкам қирқ йил муқаддам аспирантурада ўқиб юрган кезларимда В. И. Ленин номидаги давлат кутубхонасининг қиротхонасида ўтириб, бу икки газетанинг айрим сонларини варақлаб кўрган, ҳатто «Улуғ Туркистон»дан Ҳамзанинг «Туркистон мухториятига» деган катта мажмуасини тўла кўчириб ҳам олган эдим. Ўшанда бу газеталарнинг сарғайиб кетган саҳифаларидан олис 1917 йилнинг ғала-ғовур садолари келаётгандай бўлиб туюлганди менга.

1918 йилда Тошкентда яна бир газета чиққан. Бу — «Свободный Туркестан» деган русча газетадир. Муҳими шундаки, бу газетанинг моддий таъминоти ҳам Мустафо Чўқай зиммасида бўлган ва турли тахаллуслар остида у рус тилидаги мақолалари билан мунтазам қатнашиб турган. 1942 йилда Мустафо Чўқай вафотининг бир йиллиги муносабати билан Истанбулда Намуна матбаасида альбом чиқарган доктор М. Делил унинг журналистик фаолияти тўғрисида гоят қимматли маълумотлар беради. Унинг кўрсатишича, 1919—1920 йилларда Кавказда камида тўртта газета чиқаришда қатнашган. Булар — 1919 йилда рус тилида Тифлисида чиққан ҳафталик «Вольные горцы» газетаси — унда Мустафобейнинг Туркистон масалаларига доир мақолалари бор; «На рубеже» — бу газета эмас, мажмуа. У Тифлисида Туркистон ва Украина миллий марказларининг моддий ёрдами билан чиқарилган. Русча мажмуада Мустафобей «М. Чанай» ва «Жалил» деган номлар билан мақола ёзган. Яна — «Янги дунё» — 1920 йилда Шимолий Кавказия миллий ташкилоти билан Туркистон миллий

маркази бирлашиб чиқарган газета. «Шафақ» газетаси ҳам Тифлисида Мустафобейнинг бош муҳаррирлигида чиқарилган. Табиийки, буларда ҳам Мустафобейнинг мақолалари мунтазам босилиб турган. 20-йилларнинг охирида Истанбулда «Янги Туркистон» деган ойлик мажмуа чиқа бошлайди. У 1927 йилдан 1931 йилнинг июлигача давом этди. Сўнгра Мустафобейнинг бош муҳаррирлиги ва сиёсий раҳбарлигида Берлинда 10 йил мобайнида (1929–1939) чиқиб турган мажаллани эсламоқ даркор. Доктор М. Делилнинг тасдиқлашича, бу мажалла «Чўқайнинг миллий мафкурасини ва Туркистон турклигининг миллий мафкурасини ва Туркистон турклигининг миллий ҳаракатини ғоятда ойдин бир сувратда акс эттира билмишдир».

Мустафо Чўқайнинг Туркистон тарихига, унинг миллий уйғонишига бағишланган, Туркистон мустақиллигининг долзарб муаммолари ҳақида баҳс юритувчи асарлари француз («Orient et occident»), инглиз («Asiatic Review»), поляк («Wschoh») тилларида ҳам босилган. Мустафо Чўқайнинг кўпгина мақолалари ва рисоалари Туркистон ҳақида шу қадар муҳим маълумотлар берганки, бу ўлка ҳаётини тадқиқ қилувчи кўпгина олимлар унинг асарларини четлаб ўтолмаганлар. Масалан, 1942 йилда немис тилида «Туркистон» деган ҳажман йирик бир асар чоп этилади. 434 саҳифалик бу асарнинг муаллифлари Р. Олцша ва Г. Клайновларнинг таъкидлашича, бу асарнинг 363–409-саҳифалари Мустафо Чўқайнинг қаламига мансубдир. Булардан ташқари «1917 йил хотира парчалари» китобидаги изоҳларда Калифорниядаги Статфорд университети қошидаги Рус инқилобини ўрганиш институти «Туркистонда инқилоб ва Совет ҳукуматига қарши халқ кўтарилишлари» деган мажмуа тайёрлаётгани, шу муносабат билан институтнинг Мустафо Чўқайга мурожаат қилгани, у эса «Туркистонда инқилоб ва Кўқон мухторияти» деган мақола ёзиб беришни ваъда қилгани айтилади. Афтидан, бу мақола 1937 йилнинг бошида ёзилиб, Калифорнияга юборилган бўлса керак.

Юқоридаги обзордан кўриниб туриптики, Мустафо Чўқай муҳожирликда юрганида ҳам бирор дақиқа бўлсин Туркистоннинг Мустақиллиги ғоясидан чекинган эмас. У юзлаб мақолаларда бу ғояни тарғиб этган, бирор кун ке-

либ, Туркистон осмонида озодлик қуёши нур сочажагига ишонишдан тўхтамаган. Бироқ минг афсуски, биз бу улкан зотнинг ҳамма асарларини билмаймиз. 1950 йилда Истанбулда Ёш Туркистон нашриётида доктор А. Оқтой туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Туркистон миллий ҳаракати ва Мустафо Чўқаев» деган китоб чиқарган экан. Биз, ҳатто, шу китоб билан танишиш имконига ҳам эга эмасмиз. Лекин шунга қарамай, мен яна бир бор Мустафо Чўқайни ўткир нигоҳли тадқиқотчи, ҳаётни яхши биладиган, воқеалар замиридаги ҳақиқатни кўра оладиган, мантиқи чуқур, қалами ўткир бир олим деб ҳисоблайман. Унинг «Туркистон Шўролар ҳукумати даврида» деган мақоласи шундан далолат бериб турипти.

Авваламбор, мақоланинг ижодий тарихи диққатга сазовор. 1927 йилда Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан Москвага француз ишчиларининг делегацияси келади. Унинг бир қисми Ўзбекистонга келади ва бир неча кун республика ҳаёти билан танишади. Бу ерда франциялик вакиллар «Туркистон миллий жумҳуриятларидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» ўзгаришлардан ҳайратланиб ҳаяжонга тушадилар. Уларнинг назарида Туркистонда ҳаммаёқда эркинлик салтанати барпо этилган, миллий масала узил-кесил ҳал этилган, халқ фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиради, ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммолар тегишли ечимини топган. Делегация аъзолари «Правда Востока» газетасининг 1927 йил 30 ноябрь ва 2 декабрь сонларида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Масалан, делегация аъзоси жаноб Шелино шундай дейди: «Биз шунга ишондикки, ёш совет Ўзбекистонини маҳаллий халқнинг ўзи бошқаради. Бизга берилган маълумотномаларда давлат органларининг раҳбар қисми асосан маҳаллий аҳоли вакиллари эканини кўрдик...»

Делегация раҳбари жаноб Гаше дейди: «Бизни буёққа жўнатган француз ишчиларига совет давлатида миллатлар тенглиги қарор топган ҳаётни кўрдик деб етказамиз. Менинг ўзим бунга сираям шубҳа қилмайман».

Француз делегацияси Ўзбекистондан жўнаб кетиш олдидан декларация тайёрлайди. «Правда Востока» газетасининг 1928 йил 20 январидagi сонидa эълон қилинган

бу декларацияда «маҳаллий ўртоқларнинг миллий соҳадаги ютуқлари» бирма-бир санаб ўтилган.

Делегация аъзолари Парижга қайтгач, бу таассуротларини жамоатчиликка изҳор этганми-йўқми — маълум эмас. Лекин муҳожирликда яшаса ҳам Туркистон ҳаётини синчковлик билан кузатиб борган Мустафо Чўқаев делегация вакилларининг фикр-мулоҳазаларидаги бир томонламаликка сира рози бўлолмаган. Бунинг оқибатида у «Туркистон шўролар ҳокимияти даврида» деган каттагина мақола ёзади ва уни 1928 йилда эълон қилади. Мақоланинг Париждаги француз тилида чоп этилган нусхасига таниқли жамоат арбоби Пьер Рендель сўзбоши ёзган. Пьер Рендель Мустафо Чўқаев билан 1920 йилда Тифлисида танишган экан. Ўшандаёқ Мустафобей француз арбобининг назарида ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи изчил демократ сифатида таассурот қолдирган экан. Пьер Рендель мақолани қисқача таҳлил қилиб, лўнда-лўнда жумлаларда унинг фазилатларини санаб, унга юқори баҳо беради ва уни Туркистондаги ҳақиқий аҳволни очиб берувчи қимматли ҳужжат деб ҳисоблайди. Мақоланинг аҳамияти ҳақида Пьер Рендель ёзади: «Бу рисола минг-минглаб туркистонликлар мустабид тузум қурбони бўлганлиги тўғрисида гувоҳлик беради; бу рисола бутун мамлакатни жаҳолат бошқараётгани, шу маънода, айрим большевикларнинг ўзлари ҳам эътибор этганлари каби, марксизм-ленинизм деб аталмиш таълимот, фақат саробнайранг эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради, бу рисола аграр революция ниқоби остида қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоа-жамоа қилиб, ёппасига мажбурий эксплуатацияга тайёрлаётгани, бутун иқтисодиёт фақат алдовга ва ташиб кетишга мўлжалланаётгани тўғрисида гувоҳлик беради». Бу сўзлар бугун эмас, кеча эмас, 63 йил аввал — 1928 йилда ёзилган. Бугун эса биз бу гапларнинг мутлақо ҳақиқат экани тарих томонидан тўла тасдиқланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустафо Чўқаев мақоласининг бошида француз делегацияси вакилларининг «сафаримизда тўла эркин бўлдик, қаерни истасак, шу ерни бориб кўрдик, ким билан истасак, шу одам билан суҳбатлашдик» деган гапларининг асоссиз эканини исботлайди. Мустафо Чўқаев делегация

аъзоларининг биронтаси маҳаллий тилларни билмаслигини, ҳамма жойда тилмочлар орқали иш юритишганини айтади. Шундоқ экан, тилмочлар махсус тайёрланган одам бўлиши, ҳар хил ташкилотлардан муфассал қўлланмалар олган бўлиши мумкин. Ёхуд уларнинг ўзи ўша ташкилотларда хизмат қилишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Мафкура органлари ўша ташкилотлар билан бирга ҳар қандай ҳолларда ҳам йўқни бор қилиб, оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатишнинг ҳавосини олган. Аслида, ҳаётга чуқур назар ташласа, ўша йилларда Туркистон ҳаётида на миллий эркинлик, на инқилобий фаровонлик йўқлиги яққол кўринади-қолади. Шуниси муҳимки, Мустафо Чўқаев бу фикрларини далиллар экан, фақат партия ҳужжатларига, съездлар, пленумлар, конференцияларнинг қарорларига, совет ҳокимиятининг ишончли одамлари айтган ва совет партиявий матбуотида эълон қилинган материалларга таянади. Масалан, Мустафо Чўқаев «Туркистон советлар даврида чинакам эркинликка эришди, бу ерда миллий масала узил-кесил ҳал қилинди», — деган фикрни рад этади ва унга қарши ўлароқ «Тошкентлик большевикларнинг ўзига хос ҳокимлиги остида Туркистонда мустамлака режимининг давоми ўлароқ янги давр бошланди...» деган фикрни олға суради. Худди шу фикр партиявий ҳужжатлардан ва совет матбуотидан олинган фактлар билан чуқур далилланади. Маълумки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда даҳшатли очлик юз берган ва бунинг оқибатида совет матбуотининг хабар беришича 1.114.000 одам ўлган эди. Мустафо Чўқаев бу очликни большевиклар онгли сувратда уюштирганини ва «дунёнинг ҳеч бир бурчагида бундай мудҳиш бир тарзда синаб кўрилмаган «очлик сиёсати» орқали миллий озодлик ҳаракатига зарба бермоқчи бўлганини исбот қилади. Бунинг учун у ўша пайтда катта мансабларда хизмат қилган Турор Рискуловнинг китобидан парча келтиради: «Туркистондаги Октябрь тўнтаришининг раҳбарларидан бири Тоболин Марказий Ижроия Қўмитаси мажлисларидан бирида тўғридан-тўғри «қирғизлар иқтисодий қолоқ бўлганлари учун ҳам, улар барибир, қирилиб кетишга маҳкумдир. Шунинг учун инқилоб бутун кучини очликка қарши курашга эмас, яхшиси, фронтни мустаҳкамлашга қарши

қаратиш керак» деганди. «Миллионлаб одамларнинг қири-лаётганини, бутун ўлка аламли фарёдлардан бўғилиб ётганини кўра-била туриб шундай демоқ учун одам мутлақо виждонсиз, ўта беҳаё бўлмоғи керак. Фақат ўзига бино қўйган, ўзини дунёнинг меҳвари деб билган, бошқа халқларни менсимайдиган ашаддий шовинистгина шундай дейиши мумкин. Бундай шармандали қарашлар совет ёки партия ташкилотлари томонидан на ўша кезларда, на ундан кейин қораланди. Аксинча, Тоболин ўлгандан кейин унинг номи абадийлаштирилди. Тарих киноясини қарангки, Тошкентнинг шундоққина биқинида, Чимкент вилоятининг Сариевчи районидаги каттагина қишлоқ ҳозир ҳам Тоболин номида аталиб келинмоқда.

Туркистонда инқилобнинг дастлабки йиллариданоқ мудҳиш мустамлакачилик сиёсати олиб борилганидан Ленин ҳам, партия Марказий Қўмитаси ҳам яхши хабардор бўлган, бироқ улар унга чек қўйиш борасида қўлини совуқ сувга урган эмас. Аксинча, бу фактни эътироф этиш билан чекланишган. Мустафо Чўқаев буни РКП Марказий Қўмитасининг 1920 йил 29 июнида қабул қилган қароридан олинган парча билан исбот қилади:

«Мустамлака психологияси билан заҳарланган, рус ишчилари қўлида бўлган Туркистондаги Совет ҳокимияти даврида келгинди европалик аҳоли билан маҳаллий халқ ўртасидаги муносабат яхши томонга ўзгарди эмас, балки яна ҳам кескинлашди. Чор ҳукумати даврида амалдорлар маҳаллий халқни асоратга солиш учун қандай йўл танлашган бўлса, бугунги «коммунистлар» ҳам худди шундай йўл танлашмоқда».

Мустафо Чўқаев мақола давомида совет ҳокимиятининг Туркистондаги мустамлака сиёсати фақат инқилобнинг дастлабки йиллари учун характерли эмаслигини, балки ундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирганини таъкидлайди. Муаллиф кейинги йиллардаги айрим тадбирларни таҳлил қилар экан, улар гўё «яхши ният билан», камбағал ва қашшоқ деҳқонларга қайишгандай амалга оширилган бўлса-да, аслида меҳнаткаш халқни янада асоратга солажагини башорат қилади. Масалан, мақолада ер ислоҳотининг моҳияти очиб берилган — ҳукумат асбоб-ускунасиз, от-уловсиз деҳқонларга мажбуран ер бе-

риб, уларни янада қарам қилади. Улар ёппасига пахта экишга мажбур қилинадилар, бу эса галла экинларининг камайишига, чорвачиликнинг қисқаришига олиб келади. Озиқ-овқат таъминотида деҳқон тўлалигича четдан келадиган маҳсулотга қараб қолади, унинг турмуш даражаси бениҳоя тушиб кетади. 1928 йилда айтилган бу гапни Ўзбекистоннинг кейинги 60 йиллик тарихи тўлалигича исбот қилди.

Мустамлакачилик сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, мустамлака ўлкада ишлаб чиқариш уйғунлик билан ривожлантирилмайди, ўлка, асосан, хомашё базаси сифатида сақлаб қолинади, маҳаллий ишчилар синфи шакллантирилмайди, маҳаллий ишчилар ўрнига «малакали» ишчилар уюшган ҳолда ташқаридан олиб келинаверилади. Мустафо Чўқай бу сиёсатни ҳам совет матбуотидан олинган фактлар билан исботлайди.

ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг 1927 йил сентябрида бўлган пленумида сўзлаган нотик «Ильич номли завод маъмурияти штат қисқарганини эълон қилиб, айти пайтда Россиянинг ички музофотидан янги ишчи кучлари чақириб келишганини» айтади. Ҳолбуки, худди шу пайтда Ўрта Осиё бўйича 28.625 та ишсиз бор эди. Биз бу сиёсат ҳам фақат 20-йилларда амалга оширилган ўткинчи сиёсат эмаслигини жуда яхши биламиз. Шу сиёсат туфайли бутун Ўрта Осиё иқтисодиёти жуда ночор аҳволга тушиб қолди.

Мустамлака сиёсатининг яна бир жиҳати кадрлар масаласи билан боғлиқ. Мустафо Чўқаев француз делегациясининг «Ўзбекистонда ҳамма муҳим лавозимларни миллий кадрлар эгаллаб турипти» деган гапини ҳам жуда асосли рад этади. У бунинг учун партиянинг XVI съезди материалларига мурожаат қилади. Унда Оржоникидзе бошқа масалалар қатори Ўзбекистонда бошқарув аппаратининг миллий состави ҳақида гапирган экан. Унинг ҳисобига кўра аппаратда руслар 61,9 фоизни, ерли миллат вакиллари эса 24,7 фоизни ташкил қилади. Бироқ ерли миллат вакиллариининг малакаси ва сифати масаласи жуда ночор аҳволда бўлган. Мустафо Чўқаев буни ҳам «За партию» журналида босилган (1927 йил 3-сон) Хонсуворовнинг мақоласидан олинган қуйидаги парча орқали далиллайди: «Округ ижроия комитетлари президиуми аъзолари ва раислари ариф-



метиканинг оддий тўрт амалини ҳам билишмайди, ҳатто ўз тилларида ҳам қийналиб ёзадилар, Париж ва Лондон шаҳарлари қайси мамлакатнинг пойтахти эканини ҳам билишмайди, партия тарихидан мутлақо беҳабар, партия дастурини ўқиб ҳам кўришмаган». Савол туғилади: наҳотки, 20-йилларнинг ўрталари ёхуд охирларида, шунингдек, кейинги йиллар мобайнида бутун жумҳурият ҳудудида савияси баланд, юксак маданиятли, раҳбарлик ишлариغا иқтидори зўр одамлар топилмаса? Наҳотки, халқ ичидан чиқадиган истеъдодлар булоғининг суви тортилиб қолган бўлса? Йўқ, ундай эмас, албатта. Бироқ мустамлакачилик салтанатининг ўз қонун-қоидалари, ўз мантиқи бор. Унга кўра кадр танлашда билимнинг кўпда аҳамияти йўқ, юқори мансабни эгаллайдиган, номенклатурага киришга даъвогар одам юқорига садоқатли бўлса, буйруқни лом-лим демай бажарса, бўлар-бўлмас саволлар бериб, масалалар қўйиб, бошни қотирмаса бўлди. Большевикларнинг кўзга кўринган арбобларидан бири Георгий Сафаров 1921 йилдаёқ мустамлакачиларнинг кадр танлаш принципини жуда аниқ тасвирлаб берган. У «Мустамлака инқилоби. Туркистон сабоқлари» деган китобида ёзади: «Мустамлакачиларга ерли аҳолидан чиққан ҳақиқий раҳбар, ўзлари билан бир сафда турадиган тенг ҳуқуқли ўртоқ керак эмас эди. Уларга тилмочлар ва ижрочи миршаблар зарур эди».

Бу парча ҳам Мустафо Чўқай мақоласидан олинди. Бундай парчаларни яна келтираверишга ҳожат йўқ. Юқоридагиларнинг ўзиёқ Мустафо Чўқайнинг мақоласи нақадар кучли мантиққа эгаллигини кўрсатиб турипти. У шўрпешона Туркистоннинг Шўро ҳукумати қўли остида янада кучлироқ асоратга тушиб қолганини, ўлка бошидаги булутлар янада қуюқлашганини, халқ тобора қашшоқлашиб, ҳуқуқлари поймол бўлиб, тарихий меросидан, ёзувидан, тилидан мосуво бўлаётганини рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида исботлаб берди. Табиийки, шу биргина мақолага қараб унинг қалами нечоғли ўткир, тафаккури қанчалар теран бўлганига амин бўлиш мумкин. Энг муҳими эса — Мустафо Чўқаев бу ва бошқа асарлари билан жаҳон халқларини Совет Иттифоқидаги мустабидлик салтанатида содир бўлаётган жиноятлардан,

Ўзбошимчаликлардан огоҳ қилиб турди. Эҳтимолки, худди шуниси билан Мустафо Чўқаев бугунги истиқлол кунларининг яқинлашишига ҳисса қўшгандир.

\* \* \*

Қадимий Берлин шаҳарининг озода ва осуда кўчаларидан бирида қабристон жойлашган. Ҳамма қабристонлардаги каби бу ерда ҳам ҳазин бир сукунат ҳоким. Ҳатто дарахтларнинг япроқлари ҳам сукунатни бузишга иймангандек, кўпда шитир-шитир қилавермайди. Бу сокин қабристонни Турк-ислом қабристони дейишади. Унинг энг холи бурчакларидан бирида ғарибгина бир қабр бор. Унга севимли ватани Туркистоннинг мустақиллиги йўлида чолишмоқдан толмаган, ўз ватандошларига қўлидан келган яхшилигини аямаган бир зоти муборак — Мустафобей Чўқаевнинг жасади қўйилган. Ҳатто унинг вафоти ҳам юртига, юртдошларига муҳаббатидан нишона бўлди. 1941 йилда фашистлар Совет Иттифоқига ҳужум бошлашди. Урушнинг бошларидаёқ юз минглаб совет кишилари фашистлар томонидан асир олинди. Улар ичида кечагина далада кетмон чопиб ёки қўй боқиб юрган, ҳарб ишларидан бениҳоя узоқ бўлган туркистонлик йигитлар ҳам кўп эди. Бу кезларда Мустафо Чўқай Парижда эди. Фашистлар уни зудлик билан Берлинга олиб келишади ва асир тушган туркистонликлардан ҳарбий қисмлар тузишни талаб қилишади. Мустафо Чўқаев бу таклифни қатъиян рад этади, бироқ асирликдаги юртдошлари билан кўришиб, қандайдир йўллар билан уларнинг қисматини энгиллатишга ёрдам берди. Шу учрашувларда у сил касалини юқтириб олади. Касал зўрлик қилади-ю, у 1941 йилнинг 27 декабрида оламдан кўз юмади. У вафот этганида 52 ёшга тўлишига бор-йўғи 21 кун қолган эди.

1991

## **АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ ЧЎЛПОН** (1897–1938)

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон кўп қиррали истеъдод соҳиби эди. Биринчи навбатда у ҳассос шоир сифатида танилган ва ўзбек шеъриятида том маънода янги

уфқлар очган. Айни чоғда, унинг ўзбек театри ва драматургияси, янги ўзбек реалистик насри, бадиий таржима, публицистика, танқид ва адабиётшунослик соҳасидаги хизматлари ҳам беқиёсдир. Чўлпон эҳтиросли ва ёниқ асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, унинг янгича маънавиятини шакллантиришда катта роль ўйнади ва чин маънода умумхалқ шоири, миллий санъаткор даражасига кўтарилди. Афсуски, Чўлпон ҳам халқимизнинг бошқа кўпгина асл фарзандлари каби Сталин қатағонининг ноҳақ қурбони бўлди — у 1938 йилда «халқ душмани» сифатида отилди, асарларини нашр этиш, нашр этилганларини ўқиш ва, умуман, Чўлпон номини тилга олиш қатъиян тақиқланди. Фақат 1956 йилда Сталин шахсига сиғиниш ошкора қоралангандан кейингина Чўлпон оқланди, лекин шундан кейин ҳам яна 30 йил мобайнида унинг асарлари нашр этилмади, ижоди ўрганилмади, уни адабиётдаги ўз ўрнига қайтариш иши пайсалга солиб келинди. 80-йилларнинг ўрталарида мамлакатда қайта қуриш ва ошкоралик жараёни бошлангач, ўзбек халқи яна бир бор миллий уйғониш палласига қадам қўйгач, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Чўлпонга нисбатан йўл қўйилган адолатсизлик барҳам топа бошлади. Қисқа муддатда унинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни», «Адабиёт надир?» деган китоблари, уч жилдлик сайланмаси босилди, театр сахналарида драмалари қўйила бошланди. «Кеча ва кундуз» романи асосида видеофильм яратилди, шоир тўғрисида турли-туман мақолалар ва рисоалар эълон қилинди, унинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи ҳужжатли фильм дунёга келди, мунтазам бўлмаса ҳамки Чўлпон кунлари ўтказила бошланди. Чўлпон ижодининг турли қирралари ҳақида диссертациялар ҳимоя қилинди, Абдулла Қодирий ва Фитрат билан бирга Чўлпон ҳам Алишер Навоий номидаги республика давлат мукофоти билан тақдирландики, бу ҳам халқимизнинг улуғ санъаткор хотирасига катта эҳтиромидан нишонадир.

Чўлпоннинг қайтиши адабиётимиз тарихидаги катта кемтикни тўлдиради, унинг асарлари эса адабиёт босиб ўтган мураккаб йўллар ҳақидаги тасаввуримизни бойитишга қолмай, бугун ҳам бизга жуда катта эстетик завқ ба-

ғишлайди. Улар инсоний мазмуннинг теранлиги, умумба-  
шарий ғояларни баланд пардаларда куйлагани билан бир  
қаторда, чинакам санъат намуналари сифатида ҳам биз  
учун ғоят ардоқлидир.

\* \* \*

«Чўлпон», «Қаландар», «Мирза Қаландар», «Андижон-  
лик», «Қ» каби тахаллуслар билан ижод қилган Абдулҳа-  
мид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижонда туғил-  
ган. Онаси Ойша ая ўқимаган, уй бекаси бўлса-да, зехни  
ўткир, фаросатли, халқ ижодини яхши биладиган аёл эди.  
Отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли эса баз-  
зоз сифатида танилган одам бўлган. Айни чоғда, у жуда  
батавфиқ, художўй, ўқимишли бўлган ва «Расво» тахал-  
луси билан тасаввуфона газаллар ҳам ёзиб турган. Чўлпон  
эски мактабда савод чиқаради. У болалигиданоқ билимга  
ташналиги, ҳар нарсага қизиқувчанлиги, зехни ўткирли-  
ги билан ажралиб турган. У эски мактабда ўқир экан, араб  
ва форс тилини пухта ўрганади. Куръони каримни ёд ола-  
ди, ислом тарихи ва ислом фалсафасини ўзлаштиради,  
шарқ адабиётини чуқур эгаллайди, кейинроқ эса турк тили  
билан турк адабиётини ўрганади. Замона зайлини яхши  
тушунган Сулаймон ота ўғлини Андижондаги рус-тузем  
мактабига ҳам беради. Чўлпон бу ерда рус тилини ва рус  
адабиётини ўзлаштиради, рус тили ёрдамида эса Европа  
маданияти ва адабиёти ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлади.  
Шундай қилиб, Чўлпон 15–16 ёшларидаёқ бир нечта тилни  
пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама чуқур маълумотга эга  
бўлган, ҳаётга чуқур назар билан қарай оладиган, очиқ  
фикрли, янгилик изловчи йигит бўлиб етишган. Отаси  
ўғлининг мударрис бўлувини, руҳонийлар сафидан ўрин  
олмоғини истаган эди, аммо Чўлпон бу йўлдан боришни  
хоҳламайди — у «ўзбек миллий ёзувчиси» бўлишга аҳд қила-  
ди ва Андижонни тарк этиб, Тошкентга келади; бу ерда  
мақолалар, шеърлар, ҳикоялар ёзиб, газета ҳамда жур-  
налларга юбора бошлайди. 1914 йилнинг 18 апрель куни  
«Садойи Туркистон» газетасида Чўлпоннинг «Туркистон-  
ли қариндошларимизга» деган шеъри босилади; орадан  
11 кун ўтгач, шу газетанинг ўзида «Курбони жаҳолат» де-  
ган ҳикояси эълон қилинади. Шундан кейин Чўлпоннинг

«Адабиёт надир?» деган мақоласи, «Доктор Муҳаммади-ёр» ҳикояси ва яна бошқа асарлари эълон қилинади. Шу тарзда Чўлпон 1914 йилдан бошлаб янги ўзбек адабиёти-нинг истеъдодли ёш вакили сифатида танила бошлайди. Баъзи бир замондошларининг эслашича, унинг асарлари Оренбург, Уфа, Қозон ва ҳатто Боқчасаройда чиқадиган газета ва журналларда ҳам босилиб турган. Аммо, афсуски, адабиётшунослар ҳозирча Чўлпоннинг ҳар хил нашрларда сочилиб ётган асарларини топиб, бир жойга тўплаб, эълон қилишга улгурганлари йўқ. Бу иш келгусининг муҳим вазифаси бўлиб турибди.

Чўлпон ижодининг илк давридаги асарлар бир муштарак хусусиятга эга — улар қайси жанрга мансублигидан ёхуд бадиий савиясининг қай даражада эканидан қатъи назар, жадидчилик ғоялари билан суғорилган асарлардир. Бу — табиий бир ҳолдир. Чўлпон 16 ёшида (!) ёзган «Адабиёт надир?» мақоласида адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр юритар экан, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маънавиятини таъминловчи омил деган ғояни олға суради. Чўлпон бу хулосанинг чинлигига шу қадар ишонганки, мақолада эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъият билан «адабиёт яшаса — миллат яшар» дея хитоб қилади: «Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмагон ва адабиётнинг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур».

Бугун ҳам қимматини йўқотмаган теран мулоҳаза. Табиийки, ёш мунаққид бундай хулосага жадидчилик мафкурасининг таъсирида келган.

XX аср бошларида Туркистонда улуғ Уйғониш шабадалари эса бошлади. Ўша кезларда тарих майдонига кириб келган, кейинчалик «жадидлар» деб ном олган фикри очиқ, тараққийпарвар зиёлилар бу Уйғонишни ҳаракатлантирган асосий куч бўлди. Улар мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон забун аҳволга тушиб қолганини, халқ жаҳолат ва нодонлик қўйнида, эркисизлик бўйинту-

руғи остида мислсиз зулм исканжаларида эзилиб ётганини чуқур англадилар. Улар бунга англабгина қолмай, бундай ҳаётни ўзгартириш, янгилаш ғояларини олға сурдилар. Улар халқни маърифатли қилишни, маданий савиясини кўтариб, оқ-қорани танийдиган қилишни янгилашнининг бирламчи шарти деб билдилар ва шу олижаноб ниятни амалга ошириш учун фидойилик билан ишга киришдилар. Бинобарин, зоҳиран қараганда жадидлар маориф ва маданият соҳаларини янгилаш талаби билан чиққан ислохотчилардек кўринса-да, аслида миллатнинг тақдирин ўйлаган, унинг келажагини эркили ва бахтиёр кўришни истаган, бунга маориф ва маданият тарқатиш орқали, яъни халқнинг кўзини очиб, ўзлигини танитиш ҳамда англаш орқали эришишни ният қилган инқилобий кучлар эди. Айти шу фазилатлари учун шўролар замонида жадидлар «буржуа мафкурачилари, миллатчилар» сифатида узлуксиз қораландилар ва қатағон қилиндилар. Хукмрон коммунистик мафкуранинг тасдиғига кўра, гўё маърифат ва маданият тарқатиш йўли билан жамиятни янгилаш ғояси самарасиз, реакцион ғоя эмиш, негаки бу ғоя синфий курашни инкор этар эмиш. Маълумки, большевиклар синфий курашни ўзлари сигинадиган илоҳга айлантириб олишган ва ҳаётдаги ҳамма нарсани фақат «синфий кураш» қаричи билан ўлчар эдилар. Синфий кураш мафкураси эса ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли деб фақат зўравонликни, куч ишлатишни, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритадиган қонли курашлар йўлини тан оларди. Тарих бу йўлнинг мислсиз фожиаларга олиб келишини неча марталаб исбот қилди. Ва тарих яна шуни кўрсатдики, дарё-дарё қон тўкмасдан, зўравонлик қилмасдан, зулмга қарши куч ишлатмасдан ҳам мустамлака кишанларини парчалаб ташлаш, ижтимоий зулмга барҳам бериш, жамиятни янгилаш мумкин экан. Масалан, қўшни Ҳиндистон Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру каби буюк раҳбарлари етагида кураш олиб бориб, ўз ўлкаларини англизлар асоратидан халос этишга муваффақ бўлганлар. Бинобарин, жадидлар маърифатпарварлик йўлини танлаган экан, бу уларнинг заифлиги ёки чекланган томони эмас, балки донолигидан далолат эди. XX аср бошидаги шароитда Туркистон халқини мустам-

лакачилар ҳукмронлигига қарши қонли курашга отлантириш қўйни қўл-оёғидан боғлаб, бўри олдига ташлашдан ўзга нарса эмас эди. Бу йўл миллионлаб одамларнинг ҳаётига завол етказиш йўли эди. Тарих жадидлар йўли ҳам тўғри эканини тасдиқлади. Улар ҳар хил таъқиб ва тазйиқларга қарамай, маданий қийинчиликларни енгиб, мактаблар очдилар, дарсликлар яратдилар, газеталар чиқардилар, нашриётлар ташкил этиб, китоблар чоп этдилар, хайрия жамиятлари туздилар. Хуллас, қисқа муддат ичида жадидлар миллатнинг садоқатли ишчан ходимлари сифатида танилдилар ва кенг маънода истиқлол фидойилари бўлиб қолдилар.

Чўлпон шу улуғ маърифатпарварлик ҳаракатининг қанотларида ижод майдонига кириб келди. У юксак маданий-маърифий савияга эга бўлгани учун 15–16 ёшларидаёқ жадидчилик ғояларини қабул қилишга ҳар жиҳатдан тайёр эди. Шунинг учун ҳам у ёшлигига қарамай, Туркистон тақдири тўғрисида, ўлканинг истиқболи ҳақида чуқур қайғуриш билан ўйлай бошлади. У ҳам жадидларга эргашиб, халқни жаҳолат ва нодонлик ботқоғидан қутқариб олишнинг бирдан-бир йўли маърифат деган эътиқодга келади. Миллатни равақ топтириш учун, биринчи навбатда, уни мустамлақа асоратидан халос этмоқ керак, бунинг учун эса халқ ўзини-ўзи таниган бўлмоғи, ҳаммани бирлаштирадиган, яқдил қиладиган миллий ифтихор туйғусига эга бўлмоғи керак. Чўлпон шу олижаноб тилакларни рўёбга чиқариш йўллариини излайди ва адабиёт энг самарали воситадир деган тўхтамга келади. Шунинг учун ёш мунаққид, юқорида айтилганидек, ҳатто миллатнинг яшашини адабиётнинг яшашига боғлиқ қилиб қўяди.

«Адабиёт надир?» мақоласининг яна бир муҳим томони шундаки, Чўлпон адабиётнинг образли табиатига ҳам алоҳида урғу беради. Чўлпон учун адабиёт қуруқ ғоялар йиғиндиси эмас, балки инсоннинг руҳий дунёси билан, эҳтирослари, туйғу ва ҳаяжонлари билан боғлиқ ҳодисадир. У одамларнинг шууригагина эмас, ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши, уларни ҳаяжонлантириб, қувонтириб ё маҳзун ҳолатга солиб, шу орқали зиммасидаги вазифани ўтамоғи керак. «Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга

эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни то-залайдурган, ўтқир юрак кирларини ювайдурган тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қилайдурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни арғуб тозалайдурган булоқ суви бўлганликдан бизга ғоят керакдир».

Кўринадики, Чўлпон адабиётнинг янги ғоявий мазмуни учунгина эмас, унинг юксак бадиияти учун ҳам курашди. Бунинг амалий аҳамияти ҳам бор эди. Негаки, XX аср бошларида жадидлар яратган адабиёт турфа хил мазмунга эга бўлса-да, ҳар хил сабабларга кўра бадиий савияси ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек бўлавермасди. Шунинг учун бўлса керак, Чўлпон адабиётни санъатга яқинлаштириш йўлларини излади ва мазмун билан бадииятнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлади. Муҳими шундаки, Чўлпон бу ғояни эълон қилиш билан чеклангани йўқ, балки бутун ижоди давомида уни ўзи учун дастуриламал деб билди.

Чўлпоннинг илк ижодида «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикояси ҳам «Садойи Туркистон» газетасида 1914 йилнинг иккинчи ярмида эълон қилинди ва ўзбек маърифатчилик адабиётида катта воқеа бўлди. Тўғри, ҳикоя бадиий жиҳатдан бекаму кўст эмас – унда тасвир ўрнига баёнчилик устун, қаҳрамонлар мустақил характерлар даражасига кўтаририлган эмас, ғоялар асар мағзига сингдириб юборилмаган ва кўпинча яланғоч шиорлар, хитоблар, мурожаатлар ёхуд лирик чекинишлар тарзида ифодаланган. Ҳарҳолда, ҳикоянинг кўпгина саҳифаларида муаллиф қаламининг ҳали тажрибасизлиги, инсон руҳиятини тасвирлашда ожизлиги сезилади. Лекин шунга қарамай, ҳикоянинг алланечук жозибаси бордек туюлади. Туркистон тақдири ҳақида ёниб, ўртаниб ўйлаш, халқни жаҳолат ботқоғидан, нодонлик исканжасидан қутқарувчи нажот йўлини излаш ҳикояга алоҳида жозоба бахш этган.

Муаллиф ҳикоя бошида қаҳрамони Муҳаммадиёр билан таништиради – у болалигида онасидан ажраб, ота қўлида етимликда ўсган. Отаси Ҳожи Аҳмад фақиргина бўлиб, «Ҳожи сартарош» деган ном билан шуҳрат топган. У 15 ёшида отаси билан ҳажга боради, аммо отаси ҳажда вафот топгач, «ёлғиз ўзи Миср, Истанбул, Фас-Марокаш, Булужистон, Бағдод, Эрон, Афғонистон томонлар-



ни ва икки Русияни ўн йиллар қадар саёҳат қилиб» қайтади. Унинг бу сафардан топган фойдаси шу бўлдики, «форсча, арабча, русча ва ва инглизча тилларда» сўзлашишни ўрганди. Бироқ саёҳати давомида омилиги туфайли кўп азиятлар чекади, ҳисобсиз хўрликлар кўради, камситилади. Шунинг учун халқ назарида «газета ўқийдиган ва емиш икки тилни биладиган Ҳожи сартарош» сифатида танилган бу одам жаҳолат ва нодонликни ёмон кўради. Шунинг учун у ёлғиз ўғли Муҳаммадиёрни Уфада мадрасаи Олияни битириб келган бир муаллимга ўқишга беради. Муҳаммадиёр ғайрат билан ўқиб, бир йил давомида аҳкоми ислом, тарих, жўғрофия каби илмларни мукамал эгаллайди. Сўнг отаси ўқишни давом эттирмақ учун уни ҳукумат мактабларига бермоқчи бўлади, аммо бунинг учун маблағи етишмайди. Ҳожи сартарош ёрдам сўраб, шаҳарнинг мўътабар одамлари ҳузурига боради, бироқ улар Ҳожи сартарошнинг юзига эшик ёпадилар. Ҳикоянинг шу нуқтасидан бошлаб, муаллиф ўзини қийнаган муаммоларни ўртага ташлайди. Нима учун ўзига тўқ, мўътабар одамлар Муҳаммадиёрнинг ўқишига ёрдам беришдан бош тортди? Маблағ йўқмиди? Улар ночор аҳволда эдими? Йўқ. «Шаҳарда катта тўйлар бўлмоқда, қиморбозлар, мастлар» бисёр. Бироқ шаҳардаги бирдан-бир шогирдларга ёрдам жамияти «оқчасизликдан тўхтаган эди». Бунинг сабаби шуки, одамлар маърифатдан узоқ, ҳамма жойда жаҳолат ҳукмрон. Ҳикояда жаҳолат туркистонликларнинг, мусулмонларнинг тараққий топишига халақит бераётган асосий омил сифатида кўрсатилган. Муаллиф бевосита ҳаётий манзараларда батафсил тасвирламаса-да, турмушдаги жаҳолат хуружларини Муҳаммадиёр назаридан бирма-бир ўтказди: болалар, айниқса, бойвачча болалар ғайрат билан ўқиш ўрнига қимор ўйнашади, ичкилик ичишади, фоҳишалар билан маишат қилишади, қиморбозлар пул таллашиб, муштлашади. Янги шаҳарда «Ичкилик ва унинг ваҳший натижалари» деган ибратли бир томоша кўрсатилади, аммо шу ернинг ўзида, боғчада икки бойнинг ўғли қарга ўйнаб ўтириб, бир-бирини отиб кўяди. Шаҳарнинг бошқа жойларидаги аҳвол ҳам бундан бешбаттар. Маса-лан, вокзалда «бир мусулмон хуржун йўқотган. Бири боратурғон стансасини билмай, бошқа стансага билет олиб

қўйган...» Вагон ичида ҳам «бир мусулмон бириси билан уришиб, бурни қонагон, бир мусулмонни поезд маъмурлари тутиб олиб урадурлар». Жаҳолат оқибати бўлмиш бундай нохуш ҳодисалар ҳар қадамда учрайди ва бутун жамиятнинг ғоят аянчли ҳаёт манзаралари кўз ўнгимизда гавдаланади. Муаллиф бу ғариб аҳволга маърифатли, маданиятли юртлардаги аҳволни қарши қўяди. Масалан, Боку, Петроград каби шаҳарларда, Швейцарияда аҳвол бутунлай ўзгача – Боку зиёлилари «Жамияти хайрия» ёрдамида Муҳаммадиёрнинг ўқишига ёрдам беришади; у гимназияни битиргач, Петроград университетига боради, бу ерда ҳам курсдош дўстларнинг ёрдамида ўқишни ниҳоясига етказиб, билимини ошириш учун Швейцарияга йўл олади. Муаллиф Муҳаммадиёрнинг ғайрат билан ўқиганини, вақтини бўлар-бўлмас беҳуда ишлар билан ўтказмаганини, маишату ишратга, кайфу сафога сарфламаганини бот-бот таъкидлайди. Муҳаммадиёр ғоят қобилиятли йигит, у ўқиб юрган кезларидаёқ миллатнинг кўзини очишга, туркистонликларнинг оғир аҳволига бошқа миллатлар эътиборини қаратишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Петроградда «Умрлик шогирдлар» деган роман ва «Пойтахт меҳмонлари» деган «театру китоби» ёзади, уларни ўзи русчага таржима қилиб нашр эттиради ва саҳнага қўяди. Шундай қилиб, муаллиф жаҳолат ва маърифатсизликни қоралаб, улардан қутулиш йўли фақат ўқимоқ ва ўқимоқ эканини тасдиқлайди. Бу ғоя асарнинг бир неча жойида ифодаланган. Масалан, ҳикоя аввалида маст қиморбозлар Ҳожи сартарошни пичоқлаб ўлдиришади. Муҳаммадиёр муаллиф ёрдамида бу жиноятни қилганлар уч-тўртта қиморбоз эмас, балки жаҳолат эканини англаб етади. Отаси ҳам ўлими олдидан ўғлига шу маънода васият қилади: «Жаҳолатга қарши тўп, милтиқ, тўплонча, ханжар, ўқ-дору – ёлғиз ўқув, ўқув!»

Муҳаммадиёр Ватан тақдири ҳақида изтироб билан ўйлайди – бундай ҳолларда кўнглидан ғоят аламли фикрлар кечади: «Эй, ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат! Нимага бунда хушёқмассизлар? Ахир, сизлар ҳам одам-ку! Одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келиб турғон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очиб турасизлар?»

Уйқудан кўз очинглар! Уйқудан кўз очинглар! Вақт етди, балки ўтди!»

Ҳикоянинг кўп ўринларида Муҳаммадиёр ватанини бошқа юртлар билан чоғиштиради ва унинг табиат гўзалликлари Швейцарияникидан қолишмаслигига, ҳосилдорликда тупроғи Американикидан афзал эканига ишонч ҳосил қилади. Юртининг ўтмиши, тарихи ҳам мақтанса мақтангулик — фақат бугун бу ўлка гафлат уйқусидан уйғонгани йўқ, «илмсиз бойлари», жоҳил «олимлари», ёлғон эшонлари ва инсофга кон бўлуви ила ҳеч бир нарсага ўхшамас эди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Бу аҳволдан қутулиш чораси қандай? Муаллиф бу саволга аниқ ва қатъий жавоб беради — бунинг учун ҳар бир шаҳарда Муҳаммадиёрга ўхшаган зиёлиларни кўпайтириш керак, улар эса миллат учун хизмат қилмоқни олий мақсад деб билиб, бу йўлда аҳиллик ва фидокорлик ила чолишмоғлари керак.

«Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясининг яна бир эътиборли томони — ўша пайтда кўплаб пайдо бўла бошлаган «роман» ва ҳикоялардан ажралиб турадиган хусусияти шундаки, Муҳаммадиёр фақат гап сотадиган, турли-туман оҳвоҳлару нола-фиғонлардан нарига ўтмайдиган, ночор, ожиз, сентиментал зиёли эмас, балки иш одами — у ўз идеалларини амалга ошириши йўлида астойдил фаолият кўрсатади. Тўғри, биз бу фаолиятни батафсил бадиий манзараларда кўрмаймиз, лекин шундоқ бўлса-да, унинг анчамунча хайрли ишлар қилгани билан танишамиз — таҳсилни тугатиб, ватани Туркистонга қайтгач, Муҳаммадиёр хусусий шифохона очиб, «фақирларни пулсиз даволай бошлайди», ёнига 5—10 миқдори зиёлилардан олиб, «Жамияти хайрия» очди, мусулмон қироатхонаси ташкил қилди. «Ватан» журнали билан «Хабар» газетасини нашр эттира бошлайди, муаллимлар курси очади. Шу ишлари туфайли Муҳаммадиёр «ходими миллат» тарзида шуҳрат топади, «ходими миллат» эса жадидлар учун энг ардоқли, энг фахрли унвонлардан бири эди.

«Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясининг мухтасар таҳлилидан аён бўладики, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижод оламига қўйган биринчи қадамлариданоқ жадидчилик мафкурасининг эътиқодли тарғиботчиларидан бири си-

фатида кўринди — у ватани Туркистоннинг заволли аҳволи учун чуқур қайғурди, унинг бахтли истиқболини орзу қилди, буни таъминловчи нажот йўлини излади. Чўлпон 16—17 ёшданоқ оташин ватанпарвар, эътиқодли ва эҳтиросли миллатсевар зиёли сифатида фаолият кўрсатган эди. Кейинги йиллардаги ижодида унинг бу хусусияти кучайса кучайдики, асло сусаймади. Шунинг учун Чўлпоннинг ўзини ҳам 1914 йилдан бошлабоқ том маънода «ходимми миллат» бўлди десак мутлақо хато қилмаган бўламиз. Шундай қилиб, Чўлпон ижодининг илк қадамлариданоқ бутун куч-қувватини Ватан истиқболига бағишлаган, ўз элу юртини озод қилиш йўлида фидокорлик билан курашган ўзбек зиёлиларининг олдинги сафидан ўрин олди.

\* \* \*

Орадан кўп ўтмай, суронли 1917 йил етиб келди. Биринчи жаҳон урушида кетма-кет мағлубиятларга учраган чор ҳукумати, 1917 йил феврилида ағдарилди. Ҳокимият Муваққат ҳукумат кўлига ўтди. Аммо 1917 йилнинг октябрь ойида большевиклар зўравонлик билан ҳокимиятни тортиб олди. Тарихда «Октябрь тўнтариши», «Октябрь инқилоби» деган номлар билан шуҳрат топган бу ҳодиса Россия империяси таркибига кирган халқлар ҳаётида чуқур из қолдирди.

Чўлпон бу йилларда авжи навқирон ёшда бўлганидан фаол ижод қилиш билан бирга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам гайрат билан фаолият кўрсатди. У бир неча муддат Оренбургда истиқомат қилади ва у ерда янги бошқирд ҳукуматининг маҳкамасида котиб бўлиб ишлайди. Сўнг Тошкентга қайтади ва 1920 йилгача ТуркРосТада хизмат қилади. Айни чоғда, журналист сифатида самарали ишлаб, вақтли матбуотда кўплаб шеърлар, мақолалар, фельетон ва хабарлар эълон қилади.

Чўлпон илмий-маърифий ишлар соҳасида ҳам жонкуяр тарғиботчи сифатида шуҳрат қозонади. У Абдурауф Фитрат ташкил этган «Чигатой гурунги» тўғарагининг фаол аъзоларидан эди ва ўзининг нутқлари, мақолалари билан янги ўзбек адабиёти ҳамда тилининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган. 1920 йилда Бокуда Шарқ халқларининг қурултойи бўлади. Ўзбекистон вакиллари қаторида Чўлпон

ҳам қурултойда иштирок этади. Қурултой Чўлпоннинг улгайишида катта таъсир кўрсатади, унда ватанпарварлик эътиқодининг янги босқичга қўтарилишига олиб келди ва ижодида сезиларли акс-садо берди.

1920 йилда Чўлпон Абдурауф Фитратнинг таклифи билан Бухорога боради ва ўзбек тилида чиқадиган «Бухоро ахбори» газетасига раҳбарлик қилади. Бу ерда бир йилча ишлагач, Тошкентга қайтиб, адабиёт ва маданият соҳасидаги фаолиятини давом эттиради. Бу йилларда Чўлпон энди оёққа туриб келаётган ўзбек профессионал театрини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, репертуарини бақувват асарлар билан бойитишда ҳам катта роль ўйнади. 1924 йили Чўлпон Москвага кетади ва бир неча йил мобайнида у ерда очилган ўзбек драмстудиясига раҳбарлик қилади. Табиийки, бу ерда Чўлпон Москванинг адабий муҳитидан кўп баҳра олади, театр соҳасидаги янги изланишлардан, чунончи, атоқли режиссёр Мейрхольднинг ижодий тажрибасидан кўп нарса ўрганади.

20-йиллар Чўлпон учун бадиий ижодда ҳам жуда самарали бўлди. Айни шу йилларда унинг серқирра ижоди барқ уриб гуллади. У драматургия соҳасида ҳам адабиётшунослик ва танқидчиликда ҳам, бадиий публицистика ва таржимада ҳам талай бақувват асарлар яратди. Аммо уларнинг салмоғи ҳар қанча зўр бўлмасин, Чўлпон бу йилларда биринчи навбатда ўзига хос, беназир шоир сифатида танилди. 20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистонда нашр этилган газета ва журналларнинг деярли ҳаммасида Чўлпон шеърлари босилган. Булардан ташқари «Ўзбек ёш шоирлари» (1923) мажмуасида чоп этилган ўн тўрт шеър, «Гўзал ёзғичлар» (1925) ва «Адабиёт парчалари» (1926) тўпламларидан ўрин олган асарлар ҳам Чўлпон истеъдодининг фавқулодда қудратидан дарак беради. Даврий матбуотда босилган шеърлар ва турли мажмуалардаги асарлардан ташқари 20-йилларда Чўлпоннинг учта шеърӣ тўплами босилган. Булар — «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923) ва «Тонг сирлари» (1926). Муболағасиз айтиш мумкинки, ўша давр адабий ҳаётида катта ҳодиса бўлган бу тўпламлар янги ўзбек шеърӣяти учун том маънода пойдевор бўлди. Уларга ёзилган тақризларда Чўлпон «ўзбек шеърӣятига янги тўн кийгизган»и таъкидланди,

нафис лирика бобида ўзбек шеърияти янги босқичга қўтарилгани қайд қилинди. Чўлпон шеъриятининг жозибаси шу қадар кучли эдики, унинг сеҳрига асир бўлмаган китобхон топилмас эди. Ёш шоирлар ҳам хоҳ ихтиёрий, хоҳ беихтиёр унинг оҳангларини, рангларини, ташбиҳларини такрорлашарди. 20-йилларда Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун каби шоирлар ўзларини Чўлпоннинг шогирди деб ҳисоблашган ва бу билан фахр қилишган. Айни чоғда, Чўлпон шеърияти ўзбек халқининг янгича маънавиятини барпо этишда, миллий онгни шакллантиришда ҳам катта роль ўйнади. Аммо етмиш йил мобайнида ҳукмронлик қилиб келган коммунистик мафкура Чўлпон шеъриятининг айни шу фазилатлари учун шоирни ёмонотлиққа чиқарди. Бунда аён кўриниб турган фактлардан кўз юмган ҳолда Чўлпон совет воқелигини тушунмаган, янги тузум ютуқларини кўролмаган буржуа миллатчиси сифатида таърифланди. Айниқса, уни Октябрь инқилобинини қабул қилмасликда, унга салбий муносабатини ошкора ифодалашда айбладилар. Ҳолбуки, буларнинг бари бошдан-оёқ тухмат эди. Гап шундаки, Чўлпонда Октябрь инқилобинини душманлик билан кутиб олиш учун реал асос йўқ эди. Чунки инқилобни амалга оширган большевиклар урушни тугатиш, деҳқонларга ер бериш, мустамлака асоратидаги мазлум халқларни озод қилиш, жамиятда адолат ва тенглик ўрнатиш ҳақидаги ғоят жозибдор шиорлар билан иш юритишган ва ҳатто бу масалаларда икки-учта декрет ҳам эълон қилишган эди. Чўлпон бошда ана шундай ялтироқ шиорларга алданади ва шўро ҳукуматини мазлум халқларнинг халоскори деб ўйлайди. Нима бўлганда ҳам, Чўлпон 1918–1920 йилларда инқилобни муборакбод этган, шўро ҳукуматига ижобий муносабатни ифодалаган бир қатор асарлар ёзади. «Қизил байроқ», «Қизил байналмилал», «Бу кун», «Париж коммунаси» каби шеърлар, «Шўро ҳукумати ва саноеъ нафиса» деган мақоласи шулар жумласидандир. Бироқ орадан кўп ўтмай, Чўлпон большевикларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрди, уларнинг ваъдалари билан амалий ишлари орасида осмон билан ерча фарқ борлигига ишонч ҳосил қилади. Масалан, большевиклар Туркистон халқига миллий озодлик ваъда қилишган эди. Ҳатто Ленин Туркистон меҳнат-

кашларига йўлаган мактубида «Турмушингизни миллий урф-одатларингизга, ўз хоҳиш-истакларингизга мувофиқ қайта қураверинглар» деб маслаҳат ҳам берган эди. Аммо амалда миллий озодликка эришиш йўлидаги биринчи қадамларданоқ қонга ботирилди. «Кўқон мухторияти» уч ой умр кўрар-кўрмас тарқатиб юборилди ва фақат Кўқонгина эмас, бутун Фарғона қатағонга учради. Гуллаган, яшнаган водий бир зумда вайронага айланди... Табиийки, бундай шароитда биронта ҳам ҳалол, виждонли одам халқ фожиасининг бефарқ томошабини бўлиб қолаолмасди. Ўзларини халқ фарзанди деб ҳисоблаган ўзбек зиёлилари ҳар хил шаклларда норозиликларини изҳор қилди. Чўлпон бошқа шоирлар ва адиблар билан бирга ўз норозилигини бадиий асарларда ифода эта бошлади. Шундай қилиб, 20-йилларда Чўлпон ижодида янги давр бошланди.

20-йилларда Чўлпон инқилоб туфайли майдонга келган тузумга, большевиклар олиб борган сиёсатга нисбатан оппозицияга ўтди ва бу қарашларини яширмай, шеърларида ошкора куйлади. Бунинг учун коммунистик мафкура муҳиблари Чўлпонни миллатчига чиқариб қўйдилар, уни аксилинқилобчи, мафкуравий бузуқ, халққа ёт, душман деб эълон қилдилар, унинг шеърларидан ўтдан кўрққандай кўрқдилар. Хўш, Чўлпон ҳақиқатан ҳам халққа қарши борган миллатчи шоир бўлганми? Бу саволга жавоб беришдан аввал миллатчиликнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш керак. Миллатчиликнинг маъноси ва моҳияти нима? Унинг муайян чегаралари борми? Ўз ватанини севиш, ўз халқи ҳақида қайғуриш, унинг истиқболи, эркини ўйлаш билан одам миллатчи бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Дунёнинг биронта маърифатли мамлакатаида «миллатчилик» деган истилоҳ салбий маънога эга эмас, аксинча, «ватанини мажнун бўлиб севадиган» фидойи одамларни эҳтиром билан «миллатчи», «миллатпараст» деб атайдилар. Аммо, афсуски, бизнинг мамлакатимизда аҳвол бутунлай бунинг акси бўлиб келди. Коммунистик мафкура муҳиблари айни ватанпарвар одамларни миллатчига чиқардилар, ўз халқининг тарихини, миллий анъаналари, турли-туман ёдгорликлари, маданияти, адабиёти ва санъати билан фахрланиш ҳам миллатчиликка йўйиб келинди. Хуллас, шўро замонида миллатчилик

ҳаққи-ҳуқуқини талаб қилганлар, инсонлик гурурини талаб қилганлар бошига, мустақил фикрлашга интилганлар, аҳволнинг яхшилиги-ю, танланган йўлнинг тўғрилигига шак келтирганлар бошига бот-бот тушиб турадиган тўқсон ботмонлик гурзи бўлди. Бу гурзи коммунистик тузум ижодкорларининг суянган тоғи эди. Унинг ёрдамида 30-йилларда ҳам, 40- ва 50-йилларда ҳам анча-мунча одамнинг ёстиғи қуритилди. Бу гурзи зиёлиларни қўрқув асоратида тутишнинг, мутелик ва итоатда сақлашнинг ишончли воситаси эди. Аслида эса, миллатчилик бир миллат бошқа бир миллатни тобе қилиб олганда, унинг устидан ҳукмбардорлик қилган шароитда туғилади. Миллатчилик ҳукмрон халқнинг шовинистик сиёсатига қарши мазлум халқнинг акс реакцияси. Миллатчилик билан шовинизм эгиз оғайни, бир дарахтнинг икки шохидир. Шунуқтаи назардан Чўлпон ижодига ёндошилса, унда ўзбек халқини идеаллаштириш, бошқа халқлардан устун қўйиш йўқ. Чўлпоннинг биронта асарида бошқа халқлар шаънига айтилган таҳқир ва камситишлар учрамайди. Аммо шоирнинг жуда кўп шеърларида миллатпарастлик, яъни миллатни севиш, уни эркин ва бахтиёр кўриш иштиёқи мавжуд. Табиийки, Чўлпон шеърларидаги ватан озодлигини эҳтирос билан куйлаш, ҳар қандай кулликка, ҳар қандай зулмга нафрат билан қараш собиқ Туркистонда янгича мустамлака сиёсати юритган хўжаларга сира ёққан эмас, шунинг учун улар Чўлпоннинг ўзининг ҳам, асарларининг ҳам танқид гурзисининг зарбаларидан бир зумда бенасиб қолмаслиги тўғрисида алоҳида қайғурганлар.

Чўлпонни миллатчиликда айблайдиганлар даъволарини исботлаш учун асосий далил сифатида «Бузилган ўлкага» шеърини келтирадилар. Чиндан ҳам бу шеърда янги шўро воқелигини мадҳ этиш йўқ; большевиклар олиб бораётган сиёсат тўғрисида, уларнинг қўли остида гуллаб-яшнаган ўлка ҳақида баландпарвоз оҳангларда ҳайқириб куйлаш йўқ. Лекин шунга қарамай, уни халққа қарши қаратилган, мафкуравий бузуқ шеър деб бўлмайди. Аксинча, у том маънода ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган шеър. Шоир шеърда кўм-кўк ўтлоқлари янчилган, подачилари осилган, шарақ-шарақ булоқлари қайнашдан тўхтаган, тоғу тошларда ўйин қилган, чопинган гўзал қизла-



ри, ёш келинлари ғойиб бўлган бахти қаро бир ўлканинг аянчли, хароб ҳоли тасвирланган. Бу шеърда ўтмиши, тарихи буюк, табиати гўзал, жаннатмонанд ўлка учун ифтихор туйғуси ҳам, унинг ёлғиз қон бўлмиш улуши учун аламли изтироб ҳам жуда теран ифодаланган. Шоир буларни ўта ҳаяжонли тарзда ифодалайдиган таъсирчан сўзлар, ёрқин ранглар топади ва, айниқса, бу улуғ ўлка бошига тушган фожиалар, ҳақсизликларга, адолатсизликка қарши, она юртнинг эрки ва озодлиги учун курашга ундаган мисраларда унинг эҳтиросли хитоблари китобхон юрагини ларзага солувчи оташин ҳайқириққа айланади:

Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,  
Эгасини бир қул каби қизғанмасдан янчалар.  
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?  
Нега сенинг эркин кўнглинг эрк бермайди қўлларга?  
Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?  
Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?

Чўлпоннинг мазмунан «Бузилган ўлкага» шеърига яқин турадиган яна бир шеъри бор. У 1921 йилда ёзилган ва ўз вақтида жуда машҳур бўлган «Гўзал Фарғона» шеъридир. Унда 20-йиллар бошида Фарғона устига ёпирилган фожиалар шу қадар содда ва самимий ифодаланганки, оқибатда шеър миллионлаб одамларнинг юрагига сингиб кетди. Унда ўлкасини жон-жонидан севган шоирнинг ўз Ватанига фарзандлик туйғулари, унинг фожиаларидан чеккан адоқсиз аламлари теран бир инсоний жозиба билан кўрсатилган. Шеърни ўқишингиз билан ундаги интихосиз юрт қайғуси сизни ҳам ўртай бошлайди, унинг нафис ва лекин ёниқ мисралари сизнинг ҳам юрагингизга кириб, бутун вужудингизни забт этади:

Гўзал Фарғона, сенга на бўлди?  
Саҳар вақтида гулларинг сўлди?  
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,  
Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Шундан сўнг шоирнинг қуллик ва асоратни ёндиришга чақирган, ўз Ватанининг боғларида эркин яйраб-яшнашга ундаган хитоблари ҳам юрак-юрагингизга етиб боради ва унда изсиз йўқолиб кетмайди:

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,  
Куллик, асорат — барчаси ёнсин.  
Кур янги давлат, ёвлар ўртансин,  
Ўсиб Фарғона қаддин кўтарсин!

«Бузилган ўлкага» ва «Гўзал Фарғона» шеърларидаги ёниқ эҳтирос, мурасасизлик, эрк иштиёқи Чўлпоннинг 20-йиллардаги шеъриятида асосий оҳангни ташкил қиладди. Унинг лирик қаҳрамони ўзининг юксак идеалига (амолига) эга бўлган, бироқ замон қуюнлари қўйнига тушиб қолиб, саросима ичида безовта бўлаётган, йўлсизликда йўл излаётган, нажот қидираётган бир инсон. Чўлпонни замонни тушунмасликда айблаш осон. Бироқ 15 ёшидаёқ ҳаётнинг чигал жумбоқлари устида фикр юритишга қурби етган, қўп масалаларда кишини лол қолдирадиган теран мулоҳазалар айтган Чўлпон нега энди 20—21 ёшга кирганда замонни тушунмай қолар экан? Шоир ҳаёт ҳақида куйлар экан, унинг устидан ҳукм чиқариб, манави туркум ҳодисалар яхши, манавилари эса ёмон дея пучагини пучакка, сарагини саракка ажратиб бермайди. Шоир замон бўронларига рўпара келиб хазон парчаси янглиғ чирпирак бўлиб учаётган ёки унинг зарбаларига дош бериб, изтироб чекаётган ўз юрагининг поэтик кардиограммасини чизади. Биз — китобхонлар эса бу кардиограмманинг мағзини чақиб, шоир қалби билан танишамиз ва шоир ҳақида ҳам, замон ҳақида ҳам мулоҳаза юритамиз, ҳукм чиқарамиз.

Чўлпон мислсиз алғов-далғовлардан, интиҳосиз қирғинлардан, ақл бовар қилмайдиган зўравонликлардан маъно ва мантиқ топмай изтиробга тушган эди. Унинг лирик қаҳрамони ҳаётнинг носозлигидан ғоят безовта бўлаётган, ўзини қўярга жой топмай, азобланаётган, ўзи кўниккан қадриятларни, эзгу тилакларни йўқотиб надоматлар чекаётган одам. Шундай мураккаб кайфиятни ифодалаган энг яхши шеърларидан бири 1921 йилда ёзилган «Амалнинг ўлими»дир. Лирик қаҳрамон эрксизлигидан безовта, унинг юрагини аламли ўйлар ўртади. Унинг назарида қалбидаги эзгу тилаклар тутдек тўкилиб бўлган, чунки ўлка мангу тутқунликка киргандек. Чиндан ҳам қуйидаги мисралар чинакам шоирона башоратга ўхшайди:

Кенглик хаёллари учдими кўкка?  
Бутун умидларни ёвларми кўмди?  
Мангу тутқунликка кирдими ўлка?  
Хаёлда порлаган жойларми сўлди?

Лирик қаҳрамон юксак юлдузлар билан суҳбатда ўзини қийнаган жумбоққа жавоб топгандай бўлади — бу дунёда инсон учун энг қадрли нарса — эрк. Эрк — ҳамма нарсанинг ибтидоси, бирламчи замини. Ҳатто эрк ватандан ҳам юқори, эрксиз юрт — чинакам Ватан бўлолмайди. Шоир қалбида жўш урган туйғуларни ғоят кўтаринки пардаларда куйлайди:

У бир из кўзимнинг нурларидан ҳам  
Юксакдир — мен уни ўпмак истайман.  
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам  
Кечиб йироқларга кетмак истайман.

Эркинлик масаласи Чўлпон шеърятининг марказида туради. Шоир эркинликни инсоний қадриятларнинг туб моҳиятини ташкил қилувчи омил деб ҳисоблайди. Унинг 1922 йилда ёзилган ва:

Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқдир,  
Темир бармоқларингнинг доғи буткул кетгани йўқдир, —

деган мисралар билан бошланадиган «Кишан» шеърида «башар тарихининг ҳар саҳифасида қора доғ» қолдирган, «юмилмас кўзларининг ҳар бири бир элни қаҳр этувчи», «борлигининг ўзи билан бутун борлиқни заҳарловчи» кишаннинг умумлашган образини яратган. Кишан шеърда қулликни англатувчи рамзий образдир. Аммо лирик қаҳрамон шу мудҳиш ва манхус кишан қаршисида кўрқувдан дағ-дағ қалтирамайди, балки унга нафратини ошкор этиб, ундан буткул қутулмоққа ишонч билдиради. Чўлпоннинг бошқа шеърларида ҳам кишан образи тез-тез учраб туради. Масалан, мазлум халқлар тилидан ёзилган, улар устидан бир умрга хўжа бўлмоқ истаган афандиларга қарата ҳайқириқдек жарангловчи «Кўзғалиш» шеърида ҳам кишан зулм ва ҳақсизлик тимсоли сифатида тасвирланган. Бироқ эндиликда бу кишанлар занг босган, унинг узилиши, парчаланиши муқаррар!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узилур,  
Томиримда кўзголишнинг ваҳший қони кўпирди —  
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,  
Ё битирман, ёки сенинг салтанатинг бузилур.

Чўлпоннинг яна бир шеърида кишан ҳақида гап кетади. Бу — 1922 йилда ёзилган «Кўнгил» шеъридир. Шоир унда «кишанлар бирла дўстлашган ва сустлашган» кўнгилга мурожаат қилади. Бу «дўстлашиш»нинг оқибати шу бўлганки, кўнгилнинг на охи, на фарёди қолган. Бу ўринда ҳам кишан, яъни эркисизлик инсон қадрини ерга урадиган, уни таҳқирлайдиган омил сифатида кўринади. «Кишан киймоқ» билан «одам бўлмоқ» бир-бири билан сира чиқишмайдиган, бир-бирини рад қиладиган тушунчалардир. Хурлик — инсонийликнинг биринчи белгиси, белгисигина эмас, бирламчи шарти. Хур инсон ўзининг инсоний гурурига эга бўлмоғи керак ва бу инсоний гурур бошқалар томонидан ҳамиша ардоқланиши шарт. Шоир шеърда инсонни мағрур бўлишга, бошини баланд кўтариб яшашга, «кишан киймасликка» ундайди:

Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма —  
Ки сен ҳам хур туғилғонсан!

Шоирнинг дардманд юрагидан отилиб чиққан бу оташин сатрларни 20-йиллардаги ўзбек эрксевар шеъриятининг шоҳ мисралари деса бўлади. Шу ва яна бошқа кўплаб шеърларида Чўлпон том маънода эрк куйчиси сифатида кўринди. Инсоний кадр-қимматни эъзозлашга, адолатсизликка бўйин эгмасликка, эркин бўлишга чақириш шеърият учун ғоят табиий, жуда жўн ва осон кўчадиган нарсасдай кўринади. Бироқ бу тарихда ҳеч қачон, ҳеч қайси шоир учун осон кечмаган. Негаки, шоир эркинлик ўрнига қуллик ҳукм сурган, адолат топталган, инсон хўрланган ва камситилган бир шароитда озодлик жарчиси бўлиб майдонга чиқади, ўз сози билан одамлар юрагида истиқлол оловини ёқади. Бу эса ҳеч қачон, ҳеч қайси замона зўрига хуш келган эмас. Шунинг учун бундай шоир ҳамиша таъқиб остига олинган, бадарға қилин-

ган, ўлмай туриб ўлдирилган. Қизиғи шундаки, 20-йилларда Чўлпондан бошқа ҳам шоир кўп бўлган, лекин уларнинг ҳеч қайсиси Чўлпончалик жасорат ва фидойилик билан, Чўлпончалик эҳтирос ва маҳорат билан эрк кўшиғини куйлаган эмас. Шунинг учун ҳам Чўлпон XX аср шарқ шеърятининг энг ёрқин юлдузларидан бўлиб қолди.

Кўринадики, Чўлпон лирикасида даврнинг ижтимоий муаммоларига кенг ўрин берилган, уларда публицистик руҳ жуда кучли, бевосита китобхоннинг юрагига қараб айтилган хитоблар, даъватлар кўп. Шу билан бирга Чўлпон ҳассос лирик шоир сифатида қалам тебратишдан тўхтаган эмас. Унинг шеърый меросида инжа санъат билан яратилган соф лирика ҳам катта ўрин тутади. Бу лириканинг катта бир бўлаги адабиётнинг мангу кўшиғи — муҳаббатга бағишланган, қолганлари эса табиат мавзуида ёзилган, кўпинча фалсафий йўналишга эга бўлган шеърлардир. Бундай асарларда шоир ҳаётда учраган бирор ҳодиса ёхуд бирор тасодифий буюм ёрдамида қалбидан кечган мураккаб туйғуларни ифодалайди. Чўлпоннинг шоир сифатида буюклиги шундаки, бундай чоғларда у инсон руҳиятининг энг ички қатламларигача кириб, унинг пинҳона сирларини, улардаги тўхтовсиз алмашилиб турувчи ҳолатларни, табиат ва руҳият уйғунлигини очиб беради. «Ваҳм», «Исташ», «Бинафша», «Сирларинг», «Қаландар ишқи», «Галдир», «Суйган чоғларда», «Баҳорни соғиндим» каби шеърлар шулар жумласидандир.

Чўлпон лирикасининг нақадар инжалигини, айниқса, «Гўзал» шеърида яққол кўриш мумкин. «Гўзал» — энг нафис, энг сеҳрли ва айни чоғда, энг сирли шеърлардан биридир. Унинг сирлилиги шундаки, шеърнинг нима тўғрида эканини узил-кесил аниқлаб олиш амри маҳол. Бир қарашда бу шеър муҳаббат ҳақида ёзилгандек, шоир интиқлик билан излаётган, лекин васлига етолмаётган ёрининг шоирона таърифини бераётгандай кўринади. Бу таъриф чиндан-да бениҳоя нафис — шоирнинг суюклиси ҳар қандай афсонавий гўзаллардан гўзалроқ. У тушда ҳам, ўнгда ҳам, оққа кўмилганда ҳам, кўмилмаганда ҳам гўзал; у юлдуздан-да, ойдан-да, кундан-да гўзал, ҳатто ой ҳам, кун ҳам ҳавас қилади, унинг қаршисида ўзлари-

га ўзлари хунук кўришиб кетишади, андишага тушишади, уялишади... Суюклигининг бунчалар гўзаллиги эса ошиқни – ер одамини алланечук хавотирга солади, жавобсиз мужмал саволлар уни ўртади:

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбмен?  
Унингчун ёнибмен, ёниб куюбмен.  
Бошимни зўр ишга бериб кўйибмен.  
Мен суюб... Мен суюб, кимни суюбмен?  
Мен севган суюкли шунчалар гўзал!  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Дарҳақиқат, ким ўзи у шоирни шунчалар ўртаган, ёндирган, куйдирган, лекин ҳар гал унга тутқич бермай чап бериб кетган ситамкор? Шеърни қайта-қайта ўқиймиз – ундан фақат битта жавоб оламиз – шоирнинг суюклиси энг ёруғ юлдуз билан суҳбат қуради, ойнинг ҳузурига оққа кўмилиб боради, уларнинг тушларига киради, тонг шамолга рўпара келиб, уни йўллардан оздиради, гўзаллиги билан кунни ҳам хижолатга солади. Яна савол берамиз – ким экан бу таъриф-тавсифга сиғмайдиган гўзал – малакми, инсон фарзандими? Ситамкор ёрми ё... бошқа нарсами? Қизиқ, шеърнинг бирон жойида шоир «ёр» сўзини ишлатмайди, бирон ўринда реал ер қизининг сифатларини эслатувчи белгиларни тилга олмайди. Нега шундай? Эҳтимол, шеърда шоир ер қизини эмас, балки ер қизидан-да ортиқ, муҳаббатдан-да юксак, ойдан-да, кундан-да гўзал, тез-тез кўз ўнгида пайдо бўлиб турадиган ва яна бир зумда сомонларда ғойиб бўлиб кетадиган аъмолини, юксак идеалини тасвирлаётгандир? Эҳтимол, бу идеал элу юрт муҳаббатидир, унинг кейинги шеърларида бутун бўй-басти билан кўринадиган озодлик ишқидир? Бор-йўғи 30 мисрадан иборат бўлган қисқагина шеър ана шундай кўп қатламли мазмунга эга. Бироқ шеърнинг мўъжизакор кучи фақат мазмунининг теранлиги билан белгиланмайди. Унинг ажиб бир ички мусиқаси бор, юрагингизни чулғаб оладиган ажиб ришталари мавжуд, оддий тил билан баён қилиб бўлмайдиган жозибаси бор. Буларнинг бари бирлашиб, унга бетакрор сеҳр-жоду бағишлайди. Худди шундай шеърлар туфайли биз чинакам шоирлик санъатини юракдан ҳис қилиш имконига эга бўламиз.

Чўлпон шеърлятида табиат мавзуси ҳам кенг ўрин тутади. У баҳор ва ёз, куз ва қиш ҳақида, тун ва кундуз, юлдузлар, тоғлар, чашмалар, майсазорлар тўғрисида ёзади. Шоир табиатнинг тилини яхши билади, шунинг учун унинг шеърларида қор ва ёмғир, шабада ва сукунат, барг ва тиллақўнғиз тилга киради. Унинг шеърларини ўқиганда ариқ сувларининг шилдирашини эшитаётгандек, бандидан чирт узилган япроқнинг пилдираб туншаётганини кўраётгандек бўласиз. Шоир буларнинг барини шунчаки бир шоирона манзара яратиш учун тасвирламайди. Табиат шоир учун энг яхши дўст, тирик мавжудот, у ҳис қилади, ўйлайди, шодланади, изтироб чекади. Шоир табиат билан инсонни ўзаро рақобат қиладиган кучлар сифатида, ўзаро ҳаёт-мамот жанги олиб борадиган ёвлар тарзида кўрсатмайди, аксинча, табиат ва инсон ўртасида етук бир уйғунлик бор, улар биргаликда мукаммал яхлитликни вужудга келтиради. Чўлпон табиатни шундай илиқ рангларда, жонли манзараларда, жонли сифатларда тасвирлайдики, улар бизнинг туйғуларимизга жуда кучли таъсир қилади:

Кўклам ойим йўлга чиққан, кўклам ойим қўзғалган,  
Кўк кўйлакнинг битишига унча ҳам кўп қолмаган.  
Кўклам ойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,  
Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келади.  
У силашдан, у сийпашдан қувват олиб, куч олиб  
Қора ер ҳам кўксига олтинларни берадир.

Чўлпон шеърлий техникани мукаммал эгаллаган тенгсиз маҳорат эгасидир. У ўзбек шеърляти бобида чинакам инқилоб ясади. У ўзбек шеърлятининг икки дунёсини — баркамол тартиб берилган, асрлар мобайнида буюк шоирлар томонидан сайқалланавериб тугал тус олган аруз билан халқ ижодида эркин дарёдай ёйилиб оққан, ўрнида баҳор тошқинидай шиддатли, ўрнида оғир ва сокин рангларга, жилоларга бой бармоқ вазнини бир-бирига қўшишга муваффақ бўлди. Бунда у ҳеч қайси шеърлий система устидан зўравонлик қилгани йўқ, уларнинг ички қонуниятларига хилоф иш тутмади. Аксинча, у ҳар қайси шеър системасининг ички имкониятларидан кенг фойдаланиб, имкони бор ўринларда уларнинг шаклларини чатиштириб,

шеър техникаси бобида катта ютуқларга эришди. У шеърят тилидан китобийликни, сунъийликни қувиб чиқарди, иборалардаги ташқи безаклардан, жимжимадорликдан, баландпарвозликдан воз кечди. Чўлпон шеъриятининг тили классик шеъриятимиз тилидаги образлиликни, лутфни, маънодорликни йўқотмаган ҳолда, халқ тилидаги соддаликни, ҳаётийликни касб этди. Халқ тилининг рангларини, нозик товланишларини чуқур ҳис этган Чўлпон шеърларида ҳар бир сўзнинг энг тиниқ, энг нафис жиҳатларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Унинг шеърларида энг оддий сўзлар ҳам жавоҳир тошларидек кутилмаган қирралари билан ярқираб кетади.

Чўлпон шеърларининг образлар системаси ҳам жуда ранг-баранг ва бетакрор. Шоир муболага, истиора, ўхшатиш, сифатлаш каби тасвир воситаларидан ҳам, тазод каби классик шеър санъати намуналаридан ҳам жуда кенг ва ғоят маҳоратли фойдаланади. Бу ўринда унинг биргина шеърини эслайлик. Бу — «Шафтолига» шеъри. Одатда шоирлар қизларнинг бетини шафтолига қиёслаш билан уларнинг гўзаллигини очадилар. Чўлпон эса, аксинча, шафтолини қизларнинг бетига қиёслайди. Натижада нозик юмор билан суғорилган бетакрор бир поэтик образ майдонга келади:

Ўн саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек  
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шафтоли.

Чўлпон шеърияти мазмуни теран, рангларга, мавжларга бой бир уммон. Унинг ҳамма бойлигини очиб бериш учун катта-катта тадқиқотлар яратиш керак. Юқоридаги мулоҳазалар ёрдамида бир «Чўлпон шеърияти» деган бетакрор эстетик бойлик устига ёпилган пардани жиндай кўтардик, холос.

\* \* \*

Чўлпон ижодининг илк қадамлариданоқ драматургияга қизиқди. Бу қизиқиш унинг бутун фаолияти давомида заррача сусайгани йўқ — у ўнга яқин драма яратди, уларнинг деярли ҳаммаси саҳнага қўйилди. Шунга кўра Чўлпон нафақат ўзбек драматургиясининг ривожига, балки ўзбек театрининг тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ай-



рим тадқиқотчилар Чўлпоннинг 1914 йилдаёқ, яъни 16—17 ёшида «Бой» деган драма ёзганини айтишади. Бироқ бу асар бизгача етиб келган эмас. Бундан ташқари бу фикр қандай ҳужжатларга ёхуд қайси манбаларга таяниб айтилаётгани ҳам номаълум. Аммо буни ҳисобга олмаганда ҳам, унинг ўзбек театри ва драматургияси соҳасидаги ишларига юксак баҳо бермаслик мумкин эмас. Чўлпон 1916 йилдаёқ ўзбек театрининг бўлғуси етакчи арбоблари Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Етим Бобожоновлар билан танишиб, ҳамкорлик қила бошлади. Кейинчалик — 1921 йилнинг кузида янги ташкил қилинган ўзбек драма театри Эски шаҳардаги янги бинода ўзининг биринчи мавсумини Чўлпоннинг «Ёрқиной» деган драмаси билан очгани маълум. Умуман, Чўлпоннинг бу театр билан ижодий ҳамкорлиги жуда мустаҳкам бўлган — унинг деярли ҳамма драматик асарлари шу театр саҳнасида дунё юзини кўрган. Булар «Халил фаранг» (1921 йилда саҳнага кўйилган), «Чўрининг исёни» (1926), «Яна уйланаман» (1926), «Муштумзўр» (1928), «Ўртоқ Қаршибоев» (1928), «Ҳужум» (1928) каби асарларидир. Кўринадики, ўша кезларда Чўлпон бошқа ўзбек муаллифларининг ҳаммасидан кўра кўпроқ асарларини Ҳамза номидаги театрга манзур қилолган ёзувчидир. Агар буларнинг ёнига Ҳамза театри саҳнасида Чўлпон таржимасида ўйналган «Маликаи Турандот» каби буюк асарларни ҳам қўшсак, унинг хизматлари нақадар катта бўлгани яққолроқ кўринади.

Чўлпоннинг драматургия соҳасидаги муваффақиятларининг бир сири шундаки, у жаҳон театри ва жаҳон драматургиясини жуда яхши билган, бу борада мукамал назарий билимга эга эди. 1923—1926 йиллар мобайнида Чўлпон Москвада очилган ўзбек драмстудиясига раҳбарлик қилади. Иш жараёнида у студия жамоасига турли-туман драма асарларини таржима қилиб беради. Бу билан чекланмай, унинг ўзи Москва театрларининг ўша кезлардаги қайноқ ҳаёти билан яқиндан танишади, улар билан ҳамкорлик қилади. 20-йилларда Чўлпоннинг театр санъатига бағишланган бир қатор мақолалари эълон қилинган. Бу мақолаларнинг мавзуи турли-туман. Бир мақолада Чўлпон XX аср театрининг энг жасоратли ислохотчиси Вс. Мейрхольд ҳақида гапиради, унинг ижодий принцип-

ларини таҳлил қилади. Мейрхольд новаторлигини қўллаб-қувватлайди. Бошқа бир мақолада италян халқ театри тўғрисида, италян масхарабозлари ва уларнинг театр санъатининг ривожигаги роли ҳақида батафсил тўхтади. «Мей-Фан-Лан» номли мақолада эса Чўлпон хитой театрининг ўзига хос томонларини яхши билишини намойиш этган. «Икки турк санъаткори» деган мақолада у турк театр санъатининг анъаналари ҳақида гапирди. Буларнинг барчаси Чўлпоннинг театр санъати борасидаги билимлари том маънода қомусий характерга эга бўлганидан далолат беради. Табиийки, бундай билимдонлик унга юксак қимматга эга бадиий асарлар яратиш имконини берган. Юқорида айтганимиздек, Чўлпон қисқа муддатда 10 га яқин драматик асар ёзган ва уларнинг кўпчилиги театр сахнасида қўйилган. Лекин таассуфлар бўлсинки, бу асарларнинг анча-мунчаси бизгача етиб келган эмас, биз уларнинг айримлари ҳақида ўша пайтларда босилган тақризлар ёки мақолалардангина маълумот оламиз. Масалан, Чўлпон ҳақидаги асарларнинг кўпчилигида унинг «Халил фаранг» деган пьесаси тилга олинади-ю, лекин бу асарнинг мазмуни қандай, қаҳрамонлари ким, асар нима тўғрида — булар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ёхуд унинг «Яна уйланаман» деган пьеса ёзганини эшитган эдиг-у, сўнгги вақтларгача бу асар ҳақида ҳам ҳеч нарса билмас эдик. Яқинда Чўлпоннинг 1927 йилда «Ер юзи» журналича ёзилган мақоласи топилди. Шу мақола туфайли биз «Яна уйланаман» пьесасининг мазмуни ва ижодий тарихи ҳақида анча тасаввурга эга бўлдик. Чўлпон ёзади: «Юсуфжон аканинг ҳар қаерда неча йиллардан бери айтиб келган бир ҳикояси» бор. Унда бир имом-домланинг намоз вақтида ғалати ҳийла қилиб, маҳалладан икки йиллик ҳақини ундириб олгани айтилади. Юсуфжон аканинг сўзлашида бир неча оғиздан ошмаган бу ҳикоя мазмуни ва мавзуи жиҳатидан қизиқ ва бойдир. Режани яхши чизиб, бир адабий ҳикояга айлантирганда гўзал нарса чиқар эди. Мен шундай қиларман деб ўйлаб юрардим... Свердловин бир мустақил асар қўймоқчи бўлади ва студиянинг кўрсатиши бўйича менга йўлиқади. Мен унга Юсуфжон акам ҳикоясининг қисқагина мазмунини айтиб бердим. Маъқул бўлди ва боши-кетига кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб бе-

ришни буюрди. Ана шу билан «Яна уйланаман» деган уч парда, 7 кўринишли асар майдонга келди.

Мақоладан яна маълум бўладики, «Яна уйланаман» 1925 йилда (ёки 1926 йилнинг бошларида) Москвадаги драматруппа томонидан сахнага қўйилган ва ҳатто спектакль ҳақида «Правда» газетасининг 1926 йилдаги 92-сонидан театршунос Февральскийнинг илиқ тақризи ҳам босилган.

Чўлпоннинг бизгача етиб келган драмалари билан яқиндан танишгач, унинг драматурглик маҳорати анча юксак бўлганини кўрамиз. Чўлпон Шекспир, Карло Гоцци, Гольдони, Лопе де Вега, Мольер каби драматурглар мактабида таҳсил олган, Тагор, Ҳусайн Жовид каби санъаткорларнинг ижодий лабораториясини синчковлик билан ўрганган. Шунинг учун ҳам Чўлпон драмалари ҳаракатга бойлиги, конфликтларининг пишиқлиги, юморнинг сероблиги, диалог ва монологларнинг рангдорлиги билан ажралиб туради. Баъзи асарларда эса Чўлпон очикдан-очик Шекспир изидан боради ва шекспирона характерлар яратишга интилади. Бу жиҳатдан «Ёрқиной» драмаси характерли.

20-йилларда «Ёрқиной» томошабинлар ўртасида катта шуҳрат қозонган. Унинг 7 йил ичида уч марта сахналаштирилганиёқ фикримизни исбот қилади. «Ёрқиной» биринчи марта Уйғур томонидан сахналаштирилган ва 1920 йилнинг 26 ноябрь куни намойиш қилинган. Иккинчи марта эса «Ёрқиной»ни ўша даврнинг таниқли режиссёри татаристонлик Камол 1926 йилда сахналаштирган. Учинчи марта эса бу асарга яна Уйғур мурожаат қилади ва уни 1927 йилда сахнага қўяди. Бу гал «Ёрқиной» ролини Москвада ўқиб қайтиб келган Замира Ҳидоятова ижро этади.

Романтик бўёқларга бой бўлган бу драманинг бош қаҳрамонлари Ёрқиной ва Пўлатдир. Уларнинг теварагида Ўлмас ботир, Нишабсой беги, Кал, Момо хотин, хизматчи қиз Қумри, Хонзода каби персонажлар ҳаракат қилади. Уларнинг ўзаро тўқнашувида муаллиф кишини ўйлашга ундайдиган, қалбини ларзага соладиган умуминсоний масалаларни қўяди.

Пьесада муаллифнинг диққат марказида Ёрқиной билан Пўлат ўртасидаги ишқ-муҳаббат туради, бироқ драматург уларнинг муҳаббатини кўрсатиш орқали асрлар мо-

байнида халқ оғзаки ижодида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам кўп қаламга олинган «ишқ достони»га яна битта янги боб қўшмоқчи эмас. Шунинг учун у Ёрқиной ва Пўлат севгисини бутун жилолари, қувончу изтироблари, ҳамма товланишлари билан тасвирлашни бош мақсад қилиб қўймаган. Пьесада Ёрқинойнинг севгиси жуда жиддий психологик муаммоларни қўйишда бир восита, холос. Бу — юрак ва тафаккур, ҳис ва бурч ўртасидаги муносабатлар, улар ўртасида тез-тез тугилиб турадиган конфликтлардир. Кўп ҳолларда бурч билан ҳисларимиз ўртасидаги зиддият бизни нотўғри йўлларга бошлайди, биз майлларимиз, хоҳишларимиз, туйғуларимизнинг гапига кириб, уларга инон-ихтиёримизни бериб қўямиз-да, бурчимизга хиёнат қилганимизни билмай қоламиз. Пьесада ана шу «мангу» муаммо — туйғу ва бурч ўртасидаги доимий кураш етакчи қаҳрамонлар характерида батафсил таҳлил қилинади.

Драманинг етакчи қаҳрамони — Ёрқиной. Унинг характерида Чўлпон тасавуридаги идеал — ўзбек аёлининг фазилатлари ифодаланган. Чўлпон бу образни яратишда халқ ижодининг айрим анъаналарига амал қилади. Маълумки, ўзбек халқ достонларида, эртақларида аёл образига катта эҳтиром сезилиб туради — уларда аёллар тўрт девор асираси, ночор, муштипар, мунгли кимсалар сифатида эмас, кўпинча ўз тақдирини ўз қўли билан ярата оладиган, ўз бахти учун курашадиган, ҳатто қўлида қурол билан адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қиладиган, ҳеч қайси жиҳати билан эркак зотидан кам турмайдиган оқила, тadbиркор, шиддатли, жасур шахслар тарзида тасвирланади. Барчиной, Зулфизар, Маликаи Ҳуснобод, Озодачеҳра каби қаҳрамонлар шулар жумласидандир. Ёрқиной ҳам шаддодлиги, ақли баркамоллиги, ўз бахти учун дадил кураша олиши билан шу қаҳрамонларга ўхшаб кетади. Аммо, айни чоғда, «Чўлпон Ёрқиной образини яратишда реал ҳаётга таянмаган, бирон реал сиймони асос қилиб олмаган» деган гапни ҳам қатъий айтиб бўлмайди. Ўтмиш ҳаётимизда мардлиги, донолиги, курашчанлиги билан донг чиқарган аёллар анча-мунча бўлган. Жумладан, асримиз бошларида Фарғона водийсида ва айниқса, Андижон вилоятида Қурбон додхо деган аёл машҳур бўлган. Халқ ўртасида у «Олой маликаси» деган ном билан доврўф топган. У

зулмга қарши бош кўтарган исёнчиларга бош бўлган, неча марталаб жазо кўшинларини мағлубиятга учратган, ўглининг қатлига пинҳона иштирок этган ва энг сўнгида «генерал» унвонига сазовор бўлган. Чўлпон Ёрқиной образини ишлашда ана шу афсонавий қаҳрамон сиймосини назарда тутган ҳам бўлиши мумкин.

Асарнинг биринчи саҳналаридаёқ Ёрқиной мустақил ҳаракат қиладиган, ўз севгиси учун кураша оладиган аёл сифатида кўринади. У бадавлат хонадондан чиққан. Унинг отаси Ўлмас ботир «юртнинг хондан кейинги энг улуғ кишиси». Ёрқиной – Ўлмас ботирнинг ёлғиз қизи. Ота уни жуда яхши кўради, хотини вафот этгандан сўнг, қизини ўғай она кўлига қўймаслик учун қайта уйланмайди. Ёшлигидан унга қиличбозликни ўргатади. Лекин Ўлмас ботир Ёрқинойни ҳар қанча яхши кўрмасин, унинг тақдирини белгилашда эски расм-русумлар, урф-одатлар исканжасидан қутулолмайди – Ёрқинойнинг кўнгли билан ҳисоблашмасдан, уни Хонзодага бермоқчи, хонга куда бўлмоқчи бўлади. Ўлмас ботир Ёрқинойнинг Пўлатга муҳаббати ҳақида эшитишни ҳам истамайди, чунки оддий бир боғбон йигитни ўзига тенг кўрмайди.

Ёрқиной эса бу масалаларда отасидан устун туради. Севги Ёрқиной учун давлат орттириш ё шуҳратга эришиш омили эмас, биринчи навбатда, ўзлигини тасдиқлаш, ўз инсонийлигини намойиш қилиш воситасидир. Бинобарин, «Ёрқиной»да севги шахс эркинлиги масаласи билан боғлиқ тарзда талқин қилинади; Ёрқиной «уста қилич чопар бўлатуриб» кўли боғлиқ кул каби «деворлар орасида қолиб кетмоқни» истамайди. У ишқ-муҳаббатда бировнинг фармони билан иш юритишни хоҳламайди. Бунга унинг инсоний ғурури, ички эркинлиги йўл қўймайди. Шунинг учун Хонзода ҳақида гап кетганда Ёрқиной: «Мен унақа шаҳзодаларнинг мингтасини қатор чизиб қўйганда отқоровулликка ҳам олмайман», дейди. Ёрқинойнинг эрксеварлиги, аёлга паст назар билан қаровчиларга қарши исёни, айниқса, унинг Нишабсой бегига муносабатида очиқ кўринади. Нишабсой беги Ёрқинойнинг отаси тенги одам, бир нечта хотини бор, хунукликда дунёда битта. Бироқ ўта зўравон, ўта шафқатсиз, нафси йўлида ҳеч қандай ёвузликдан қайтмайдиган одам. Ундан «ҳамма мамлакат кўрқади».

У макр-хийла билан Ёрқинойни тузоққа илинтиради ва унга уйланмоқчи бўлади. Бироқ Ёрқиной усталик билан унинг режаларини барбод қилади ва уни ўлдиради. Шундан кейин Ёрқиной одамларнинг таъна-дашномларидан кўрқмай, севгилиси Пўлатнинг ёнига йўл олади, унинг ёвларини енгилга ёрдам беради.

«Ёрқиной» пьесасидаги марказий қахрамонлардан бири Пўлатдир. Юқорида биз «Чўлпон шекспирона характерлар яратишда фаол иш олиб борди» деганимизда, айтиш керакки, Пўлат характерини назарда тутган эдик. Тўғри, кўлами жиҳатидан, эҳтиросларининг шиддати жиҳатидан Пўлат Шекспир характерларидан хийла узоқ, лекин у ҳам Гамлет сингари «ё ўлиш, ё қолиш» деган масалани ҳал қилишга мажбур бўлади, яъни севги ва бурч масаласида бир йўлни танлаш заруратига рўпара келади, уни танлагунча, ўйланади, изланади, изтироб чекади ва ўзлигини намоён этади. Пўлат Ёрқинойни севади, лекин биринчи саҳнадаёқ Пўлат негадир севгида сустроқ кўринади. Ёшгина хизматкор қиз Кумри унга муҳаббат изҳор қилганда Пўлат «сени севмайман, севолмайман, менинг кўнглимда бошқа нарсанинг севгиси бор» деб жавоб беради. Аввалига китобхон «бошқа нарса» дегани Ёрқиной бўлса керак, деб ўйлайди. Бироқ Ёрқиной билан учрашув саҳнасида Пўлат ўзининг «тоғу тошларга» кетажagini, бу йўлда унга «қиличлар» кераклигини, бошига «ўлимлар таҳдид солажаги»ни айтади. Бинобарин, Пўлат Ёрқинойни севса-да, бу туйғуларига эрк бермайди, ҳисларини жиловлайди ва исёнчиларга бош бўлиб, хонга, унинг кўшинига, Ўлмас ботирга қарши курашмоқни афзал кўради. Чунки бу кураш унинг бурчи эди. Шундай қилиб, Пўлат зулмга қарши адолат учун курашувчи шахс сифатида кўринади. Хон ҳам, Ёрқинойнинг отаси Ўлмас ботир ҳам Пўлат учун ёвуз, қонхўр одамлар. Бир замонлар Пўлатнинг қариндошлари хон одамларига қиз беришдан бўйин товлаганлари учун, улар бутун қишлоқни ер билан яксон қилишган, бегуноҳ одамларни эса хандаққа кўмиб чиритиб юборишган. Уларнинг ўзбошимчилиги, зўравонлиги ҳозир ҳам давом этади. Шунинг учун уларга қарши омонсиз курашмоқ, адолат ва инсофни, номус ва ҳақиқатни тикламоқ Пўлат учун ҳар нарсадан, ҳатто севгидан ҳам юқори турадиган муқаддас

иш ҳисобланади. Шундай қилиб, Чўлпон Пўлат образи орқали, худди Ёрқиной образида тасвир қилгани каби, яна бурчни улуғлайди. Драмадан шундай хулоса келиб чиқадики, инсонни инсон қиладиган бир мунча қадриятлар бор — булар севги, садоқат, меҳр-мурувват. Бироқ дунёда улардан ҳам зўроқ нарсалар мавжуд — булар номус, мардлик, инсоний гурур. Бироқ номус ҳам, инсоний гурур ҳам фақат адолат ва ҳақиқат қарор топган жойдагина мавжуд. Шунинг учун инсон севгиси учун курашишдан олдин адолат ва ҳақиқат учун курашмоғи, зулм ва зўравонликка барҳам бериб, эрк ғалабасини таъминламоғи керак, шундагина муҳаббат салтанатига йўл очилади.

«Ёрқиной» драмасининг сўнгги саҳналарида Пўлат тилидан ижтимоий адолат ҳақида бир қатор теран фикрлар айтилган. Узоқ курашлар оқибатида хон қўшинлари енгилиб, тожу тахт Пўлатнинг қўлига ўтади. Бир қарашда Пўлат эндиликда юртни бошқариш ишини бошқаларга топшириши, ўзи бир оз ҳордиқ чиқариши, Ёрқиной билан маишат қилиши мумкин. Аммо Пўлатнинг эътиқоди бунга йўл қўймайди. Тожу тахт Пўлат учун оғир юк, бироқ у бу юкни кўтариб юришга мажбур. Негаки, Пўлатнинг ўзи айтганидек, «тожу тахтнинг орқасида юрт бор, эл бор, халқ бор... Уни ўйлаш керак... Унинг ғамини ейиш керак... Сиз менга тожу тахтни бугунги хонлардай эмиб, сўриб ётиш учун олиб берган бўлсангиз, ўзингизга қайтариб бераман. Менга бундай тожу тахтнинг кераги йўқ. Сиз олиб берган тожу тахт юртнинг дардига даво бўлмаса, йўқ...» Шу тарзда Пўлатнинг ажиб бир фазилати намоён бўлади — у Ёрқинойни севади, аммо унинг бу севгиси элу юрт севгиси олдида иккинчи ўринда туради. Ёрқиной Пўлат билан «юрт ишини биргалашиб қилишга ярасагина, Пўлат учун ардоқли. Акс ҳолда...»

Шу тарзда, «Ёрқиной» ишқ-муҳаббат можаросини бир афсона тарзида баён қилувчи романтик эртақ эмас, умумбашарий муаммолар ҳақида баҳс юритувчи, эрк, муҳаббат, адолат, мардлик ва номус масалаларидан нақл қилувчи, кўпгина ғоялари бугун ҳам қимматини йўқотмаган ижтимоий-фалсафий драма даражасига кўтарилган асардир.

Кўрамизки, Чўлпон драматург сифатида ҳам ўзбек халқининг маданий ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

1927 йилнинг бошларида ўша пайтларда республикадаги энг нуфузли газета ҳисобланмиш «Қизил Ўзбекистон»да Чўлпон ҳақида мунозара бўлиб ўтди. Мунозарада Олим Шарафиддинов (тахаллуси — Айн), Усмонхон ва Ойбеклар қатнашди. Айн ва Усмонхон ўз мақолаларида «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас. У — миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», «халқни ҳеч қанақа қатламга ажратмасдан» «халқ учун ёнаман» дейиш «мен миллатчиман» дейишдан иборатдир» деганга ўхшаш фикрларни олға суришади. Ойбек бундай қарашларга қарши чиқиб, Чўлпоннинг санъаткор шоирлигини таъкидлади ва шоир ижодини фақат «ғоявийлик» нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин эмаслигини уқтирди. Бироқ бу мунозарада Айн ва Усмонхонларнинг қарашлари устун келди. Айниқса, 1927 йилнинг кузида Самарқандда бўлиб ўтган маданият ходимларининг II Қурултойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Акмал Икромов Чўлпон ҳақидаги мунозарага хотима ясаб, Айн ва Усмонхоннинг фикрларини қувватлагандан кейин, Чўлпонни танқид қилиш кескин кучайди. Акмал Икромов шундай деганди: «Бизда Айннинг Чўлпон ижоди ҳақидаги мақола-си баҳонасида қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Айн Чўлпон ижодининг ғоявий камчиликларини тўғри таъкидлади».

Шундан кейин Чўлпон ҳаётининг фожиаларга, хўрликларга, аламли ҳақоратларга тўла йиллари бошланди. Газеталарда мунтазам равишда Чўлпон асарларини қораловчи мақолалар босила бошлади. У қайси жанрда, қандай асар ёзмасин, уларнинг ҳаммаси беистисно «ғоявий зарарли, миллатчилик руҳидаги» асар сифатида баҳоланди. Ҳатто унинг таржималаридан ҳам миллатчилик унсурларини кўплаб топа бошладилар. Мақолаларда «чўлпончилик», «чўлпонизм» деган атамалар пайдо бўлиб қолди. Чўлпон бошидаги қора булутлар қуюқлашди. Шундан кейин Чўлпон Файзулла Хўжаевнинг маслаҳати билан 30-йилларнинг бошида Москвага кетади ва у ерда СССР Марказий Ижроия Комитетида таржимон бўлиб ишлайди. Аммо шунга қарамай, Чўлпон теварагидаги «жинлар базми» тўхтамайди. Айниқса, 30-йилларнинг ўрталаридан Чўлпонни қораловчи мақолалар оқими янада кучаяди. Мақола-



ларда фактлардан кўз юмган ҳолда, шеъррий парчалар ағдар-тўнтар қилиниб бирорта далил келтирмасдан яна ўша эски айб — «Чўлпон миллатчи» деган гап такрорлана-верди. Аммо ижодий муҳит ҳар қанча оғир бўлмасин, таҳдид ва ҳақоратлар ҳар қанча кучли бўлмасин, Чўлпон ижод қилишдан тўхтагани йўқ. 1937 йилнинг 6 апрелида — Чўлпон қамоққа олинишидан икки ойча аввал Ёзувчилар уюшмасида унинг иши кўрилади. Йиғилишда «сўнгги йилларда Чўлпон ҳеч қандай асар ёзмади, саботаж билан шуғулланди, шу йўл билан совет ёзувчисининг обрўсини тўкмоқчи бўлди» деган тухматни айтишади. Чўлпон бунга шундай жавоб берган: «Менинг Москвадан қайтганимга икки йил бўлди. Шу вақт мобайнида Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, «Дубровский»ни, «Борис Годунов»ни, яна 25 та шеърни, Лоҳутийнинг «Европа сафари»ни таржима қилдим». Булардан ташқари, 1935—1937 йиллар мобайнида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи, «Соз» деган шеъррий тўплами босилиб чиққан. Бутун мамлакат бўйлаб қатағон бўрони қутуриб турган бир шароитда Чўлпоннинг бу қадар фаол ижод этгани унинг темир иродали одам бўлганидан далолат беради. Ер бағридаги булоқ ҳеч қандай тўсиқларни тан олмай, юзага ёриб чиққани каби Чўлпоннинг истеъдоди ҳам теваарак-атрофдаги булутлар ҳар қанча қуюқлашиб, даҳшатли тус олмасин, зулматни ёриб чиқиб, адибни ижод қилишга мажбур этган.

Албатта, 30-йиллардаги ижодий муҳит Чўлпонга ҳам муайян таъсир кўрсатган. Унинг айрим шеърларида муросасозлик майллари кўринади. Лекин бундай шеърлар унча кўп эмас. Чўлпон, умуман олганда, эътиқодига хиёнат қилгани, имондан воз кечгани йўқ. Бу, айниқса, унинг «Кеча ва кундуз» романида яққол кўринади.

Маълумки, Чўлпон ижодини ҳикоядан бошлаган эди. Кейинчалик ҳам у насрда қалам тебратишдан тўхтагани йўқ. 20-йиллар давомида у 10 га яқин ҳикоя эълон қилди. Буларнинг ҳар қайсиси ҳажман жуда кичкина бўлиб, ўзбек ҳаётининг бирор жиҳатини ифодалаган. Уларда миллийлик кучли, тил жуда пишиқ, образлилик, психологизм устувор. Бу ҳикоялар ичида «Қор қўйнида лола», «Ойдин кечалар», «Новвой қиз» кабилар ажралиб туради. Чўлпон

наsrнинг кичик жанрларида тажриба орттириб, романга қўл урди.

«Кеча ва кундуз» романини ёзиш нияти қачон туғилган ва Чўлпон қайси йили, қайси ой, қайси кунда бу асарни ёзишга киришган? Ҳозирча бу саволга аниқ жавоб йўқ. Аниғи шуки, Чўлпон асарни 1934 йилда ёзиб тугатган — унинг биринчи боби 1935 йилда «Совет адабиёти» журнаlining январь сонида «Конкурсга келган материаллар» рукнида «Ҳамал келди — амал келди» деган сарлавҳа билан чоп этилган. Китоб ҳолида эса «Кеча ва кундуз» 1936 йилда нашрдан чиқди.

Романда адиб ўзбек халқининг XX аср бошларидаги ҳаётини бадиий гавдалантиришни мақсад қилиб қўйган ва бунга тўла эришган — у Туркистоннинг зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаётини очиб берган. Айни чоғда, айтиш керакки, Чўлпон катта санъаткор бўлгани учун «ўтмиш — ёмон, бугун — яхши» деган примитив схема асосида иш олиб боролмасди. Бундай қилганда роман аввалдан белгилаб қўйилган ғояларга иллюстрация бўлишдан нарига ўтмас ва бугунги кунда эскириб, қимматини йўқотиб, ҳеч ким ўқимайдиган ҳолга тушиб қоларди. Шунинг учун Чўлпон халқ ҳаётини жамики ранглари, соя ва нурлари билан кўрсатишга интилади. У ижтимоий ҳаётнинг энг чуқур қатламларигача кўз ташлайди, унинг пинҳоний оқимларини кўз ўнгимизда намоён қилади, бу оқимлар қаёққа кетаётганини, ижтимоий зиддиятлар кескинлашиб бораётганини, «империя» дегани ичдан емирилиб келаётганини бадиий таҳлил қилади. Шу тарзда роман шунчаки уч-тўрт қаҳрамоннинг саргузаштларидан нақл қилувчи асар эмас, Туркистоннинг тарихий тақдирини бадиий ифодалаган асар даражасига кўтарилади. Унда чоризмнинг мустахлакачилик сиёсати чуқур очилган. Ўзбек халқининг эркинлик, мустақиллик ҳақидаги идеаллари ўз тажассумини топган. Энг муҳими шундаки, романда бу улуғ ғоялар яланғоч ҳолда эмас, балки асар тўқимасига сингдириб юборилган ҳолда тасвирланган.

«Кеча ва кундуз» романининг марказида Зеби, Акбарали, Мирёқублар туради; уларнинг ўзаро муносабатлари, тўқнашувлари, тақдирлари роман сюжети асосини ташкил қилади.

Биз романнинг биринчи саҳифалариданоқ Зеби билан учрашамиз. Адиб биринчи сатрларданоқ унга нисбатан тегран бир муҳаббат билан қалам тебратеди: «Зебининг қишичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илк ҳовури билан очила тушган, энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди».

Шундан бошлаб Зеби кўз ўнгимизда мукамал бир баҳорий тиниқлик соҳибаси сифатида кўринади. Мана, Зеби «бир кўлида супургиси, бир кўли тиззасида: кичкина ҳовли саҳнини супуряпти. Мана, дугонаси Салтанатхон сойдаги Энахонникига меҳмонга айтиб келди. Мана, ҳали отадан жавоб тегмаган бўлса-да, икки дугона қирлар, далаларнинг эркин ҳаволаридан тўйиб-тўйиб нафас олиш иштиёқида хурсанд бўлиб, ҳовлида қиёмат, тўс-тўполон кўтаришади».

Чўлпон асарнинг бошидан охиригача Зеби характеридаги самимиятни, очиқликни энг муҳим белги сифатида кўрсатади. Унинг томирларида навқиронлик жўш уради, кўнглида эса теварак-атрофни қуршаб олганларга, дугоналарига, баҳорга, ҳамма-ҳамма нарсага муҳаббат ҳоким! У ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган, ҳали тақдирнинг аёвсиз зарбаларига дуч келмаган, ҳали юракларни зардобга тўлдирадиган аламларни кечирмаган. Зебининг ўн гулидан бир гули энди очилиб келаётган мурғак қалби дунёда разолат ва қабиҳлик, ёмонлик ва ёвузлик борлигини сиғдира олмайди. Ҳатто Зебини ўстириб-улғайтган муҳит ҳам қиздаги ҳаётсеварликни сўндира олмаган, Зеби эса ҳамма ўзбек қизлари сингари тўрт девор ичида кишини димиқтирувчи, эркисиз қилувчи ҳаволардан нафас олиб улғайган.

Зеби ўсиб-унган муҳит кўп ғалати — у алланечук тесқари, инсоний мантиқдан йироқ, тўнтарилган оламга ўхшайди. Одатда, ота учун фарзанддан, фарзанд учун отадан азизроқ одам бўлмайди. Улар ўртасида энг илиқ, энг яқин муносабат ҳукмрон бўлади. Зебининг муҳитида эса бунинг тесқариси. Зеби дунёда ҳаммадан кўпроқ отасидан кўрқади, унинг қаршисида зир қақшайди, ҳатто «отам кулмаса экан-да», деб орзу қилади. Раззоқ сўфи эса қизига шундай муомала қиладики, унинг гаплари қизни «чақ-

моқ теккан дарахтдай турган жойида қотириб қўяди». У пуштикамаридан бўлган қизини «арзимаган гуноҳи» учун энг шалоқ сўзлар билан сўкишдан ҳам тоймайди. У ёши бир жойга етиб қолганига қарамай, ҳали бир касб пешасини тутган эмас, топар-тутарининг тайини йўқ, рўзғор тебратишни бутунлай хотини билан қизининг бўйнига юклаб қўйган, ўзи эса Эшон бобонинг хонақосидан чиқмайди. Бунинг устига Раззоқ сўфи ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақолар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўлишини истайди. Бироқ у фавқулодда ярамас одам бўлгани учун шундай қилмайди. У ўз эътиқодининг қурбони. Эътиқоди туфайли оилада қамчисидан қон томади, чунки у болалигиданоқ аёлни одам ўрнида кўрмай, унга паст назар билан қараб ўрганган. Хотин-халаж масаласида унинг ўз маслагини бор, хотин-халаж олдида тил қалдиратишни раво кўрмайди. «Бу тил, — дейди сўфи, — доим худонинг зикри билан қалдирайди. Бу оғиз ҳамма вақт худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилишадими? Бўлмаса, ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гаплашаверсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, бу тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом!»

Шу эътиқод тўрт девор салтанатининг асосий қонуни — унга ҳамма — ота ҳам, она ҳам, қиз ҳам, завжа ҳам, эр ҳам бўйсунушга мажбур!

Зеби ана шундай муҳитда ўсиб-улғайди. Бу муҳит Зебининг эътиқодини шакллантиради, лекин табиатини ўзгартира олмайди. Зеби ҳаётсевар, самимий, унинг қилиқларида, хатти-ҳаракатида, дугоналари билан муомаласида баҳор фаслидаги тошқин дарёдек ҳаёт ишқи, яшаш завқи жўш уриб туради. Зеби табиатан исёнкор эмас, у муте, мўмин қиз, у андишалик, ифбатли, ҳаёли қиз. Тўғри, у ҳаётида бир марта исён кўтаради — Акбаралининг чангалига тушмаслик учун ўзини тутқаноқ дардига чалинган қилиб кўрсатади. Бироқ бу исён жуда заиф эди. Ночорликдан, ожизликдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳеч нарсага эриша олмаган Зеби «исённи» йиғиштириб, тақдирга тан беришга мажбур бўлади.

Зебини ҳаётсевар қилган омиллардан биттаси шундаки, у ноёб истеъдод эгаси — унинг қўнғироқдек жарангдор овози бор, у қўшиқ айтганда, ҳар қандай муз юрак эрийди, ҳар қандай тошбағир одамда инсоний ҳислар уйғонади, инсофсизлар инсофни ўйлай бошлайди, қалблар илиқ нурларга йўғрилади. Хуллас, Зебида ўзбек аёлларига хос фазилатлар жамланган. У поклик ва тозалик, гўзаллик ва навқиронлик тимсоли. Муаллиф қаҳрамонининг фазилатларини қуруқдан-қуруқ мақтов билан очмайди, уни идеаллаштириш йўлидан бормади. У Зеби характерини тасвирлашда бирон нуқтада ҳам ҳаётийлик принциpidан чекинмайди, ҳамма жойда меъёрни сақлашга интилади. Ҳатто тасвир бениҳоя нозиклашган, кўтаринкилик ва патетика талаб қилинадиган ўринларда ҳам Чўлпон Зебини «ер қизи» сифатида кўрсатади. Масалан, романда Зебининг қалбида уйғона бошлаган муҳаббат куртаклари тасвирланган саҳифалар бор. Қизлар Ўлмасжоннинг арава-сида манзилга етиб келишади. Аллақачон уйқуга кетган кампирни уйғота туриб, Зебининг кўли бехосдан Ўлмаснинг кўлига тегиб кетади. Бу Зебининг умрида биринчи марта эркак кишининг кўлига тегиб кетиши эди. Шу фавқулодда ҳолат романда бениҳоя нафис тасвирда ички бир тиниқлик билан ифодаланган: «Зеби камоли ҳайрон бўлганидан аравакашнинг номаҳрамлигини ҳам унутиб, ҳалиги тангриқош назари билан унга қаради. Бу вақтда ой анчагина юқори кўтарилиб қолган эди. Аравакаш юмшоққина кулимсиради. Ёш йигитнинг бу ёш ва ширин табассумини ой ёруғида алайна кўролган ёш қиз, бутун баданларидан мулойимгина дуркираш кечганини пайқади ва қизариб тескари қайрилди. У қараш аравакаш йигитчага ҳам таъсир қилган бўлса керак, кампирни туртиб уйғотмоқ учун кўлини юқори узатди. Шунда кампирнинг бошидаги кўл бошқа бир кўлнинг ўзига келиб текканини боягидан кучлироқ бир дуркираш билан сизди. Эркак зоти билан биринчи марта бу хилда учрашган ёш қиз шу пайтда бир оз гангираган эди. Шу учун дарров тортиб олмасдан, ўзига келганидан кейин бирданига жеркиб тортди».

Бу парчада Зебининг ҳолати, ҳар бир хатти-ҳаракати фоят ҳаққоний кўрсатилганки, бунинг натижасида Зеби кўз ўнгимизда чинакам инсоний қиёфада намоён бўлади.

Энди суд воқеасини эслайлик. Узундан-узоқ савол-жавоблардан сўнг суд раиси: «Демак, эрингизни ўзингиз ўлдиргансиз» деган хулосага келади. Бунга эса Зеби: «Йўқ!.. Ўлибманми ўз эримни ўлдириб» деб жавоб беради. Бу жавобда Зебининг табиийлиги яхши ифодаланган. У ортиқ тақдирга тан берган. Акбаралини шаръий эри деб билади, бинобарин у Зебининг ҳақиқий хўжаси. Унинг ҳар бир сўзигина эмас, ҳар қандай хоҳиши ҳам Зеби учун қонун. Хотин эса эрини ўлдиришни хаёлига келтириши бир ёқда турсин, унинг ҳар қандай истагини бажо келтирмоғи, унинг кўнглини олмоғи керак. Бу — хотин киши учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шариатнинг йўриғи шундай. Шу тарзда суд раиси билан Зеби ўртасида бўлиб ўтган қисқагина савол-жавобда икки хил дунёқараш, икки хил психология тўқнашади — улар икки хил тилда гапиради ва бир-бирларини тушунмайди. Буларнинг бари ғоят ихчам ва аниқ ифодаланган.

Романда кўп учрайдиган бундай парчалар психологик теранлиги ва ҳаётийлиги билан Зеби характерига алоҳида жозиба бағишлайди, образнинг таъсир кучини оширади. Чўлпоннинг адабиётимизда реалистик принциплар ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси айти шундадир.

«Кеча ва кундуз» романидаги марказий қаҳрамонлардан яна бири Акбаралидир. Бу образ ҳам романнинг ғоявий концепциясида жуда муҳим ўрин тутади. Романда Акбарали образини яратишда адиб қора бўёқларни аямайди, лекин кўп ҳолларда уларни пичинг ёхуд кинояга йўгириб берадики, натижада тасвирдаги яланғочлик сусаяди. Мана, Акбарали китобхонга биринчи марта қай тарзда рўпара бўлади:

«Акбарали мингбошининг белида сопли қиличи, устида зарбоф чопони бўлмаса, ҳеч ким уни амалдор демайди. Оддий кийимда кўрганлар ё оддий бир қишлоқ бойи, ё Етгисув билан алоқаси бор қўйчи, ё бўлмаса яйлов томон билан иш кўрадиган туячи деб ўйлардилар. Чакка суяклари туртиб чиққан, пешона бўйига тор, энига кенг ва ҳам узун-узун уч чуқур ажинга эга... Бурун ўртача, лекин қаншари паст... Кўз қисилиброқ келган, парда томирларидан икки-учтаси ва ҳам иккала кўзининг бир ёнида жи:дай жойи ҳамма вақт қизил; бир кўзида пича шапағ-

лик асари ҳам бор... Ияк кенг, жағ серғушт. Жуда сийрак бўлган соқол иякнинг ўртасидагина тўпланиб, эчкиники сингари, пастга томон сангиллаб тушган».

Роман давомида Акбаралининг ички ва ташқи қиёфаси тўлароқ очила боради. У бизнинг кўз ўнгимизда ўта маишатпараст, ичкиликка муккасидан берилган, хотинбоз бир кимса бўлиб кўринади. Унинг учта хотини бор, уларга қаноат қилмай, невараси тенги Зебига уйланади. Ўзини мусулмон деб билса-да, гўё шариятга амал қилиб яшаётгандай бўлса-да, исловатхоналарга бориб туришдан ор қилмайди. Мингбоши сифатида ҳам Акбаралини уддабурро ёхуд тадбиркор одам деб бўлмайди. У жilовини тўлалигича Мирёқубнинг кўлига бериб қўйган. Унинг анчаинки майда, хашаки одам эканини, ақл-идроки мингбоши бўладиган даражада эмаслигини, элу юртнинг осойишталигини таъминлашга қурби етмаслигини, саводсизлигини, амални суиистеъмол қилишини Мирёқубгина эмас, рус тўралари ҳам жуда яхши билишади, бироқ уни бирор тузукроқ одамга алмаштиришни хаёлларига келтирмайдилар; аксинча, Акбарали айни шу туришида рус тўраларига маъқул — улар ўзларининг мустамлакачилик сиёсатларини шунақа соддадил «сартлар» орқали амалга оширадилар. Ахир, у фикрламайди, гап қайтармайди, ҳақини талашиб-тортишмайди, бунга ақли ҳам етмайди. У ҳоким тўраларнинг оғзидан чиққан ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаради, ўрнига қўйиб адо этади. Ҳоким тўралар худди Акбаралига ўхшаш ичи қалтироқ, усти ялтироқ одамларнинг кўли билан, дунёда ҳар нарсадан кўра ўз амалини яхши кўрадиган, амал йўлида виждон ва номус, иззатнафс ва инсоний гурурини сотиб юборишга тайёр турган кишиларнинг кўли билан халқ бошида тегирмон тоши юргизадилар, халқни сиқиб қонини ичадилар. Яна бунинг устига ҳоким тўралар бу амалдорни сариқ чақага ҳам олмайдилар, ундан пинҳона ҳам, ошкора ҳам кулаверадилар. Чўлпон Акбарали образи орқали мустамлака Туркистондаги идора усулини, тўралар ва маҳаллий амалдорлар ўртасидаги муносабатларни яхши кўрсатган. Романдаги бундай саҳифалар жуда кучли фош қилувчи қудрат касб этган. Масалан, суд мажлиси тасвирланган саҳифалар шундай: протоколда «Акбарали» исми бир жойда «Умара-

ли», бошқа жойда «Амир ўғли», яна бир жойда эса «Қамбарали» деб ёзилади. Бу фактга адиб киноя билан шундай изоҳ беради: «Зотан, бунинг нима аҳамияти бор? Тил келмаган нарсага, қалам қандай келсин? «Акбар» бўлди нима, «Қамбар» бўлди нима – барибир эмасми? Бир сартнинг номи!»

Романда Акбарали чоризм механизмининг бир мурватидай, кичкина бир винтчасидай кўрсатилган. Кичик бир винтнинг ҳеч қанчалик қадри йўқ, лекин шу винтча бўлма-са, машина бир текисда равон ишламаслиги мумкин. Халқ бошида данак чақишда, унинг устидан зулм тегирмонини юргизишда Акбаралига ўхшаганларнинг худбинлиги, амал-парастлиги, жаҳолати чоризмга жуда қўл келган. Шундай қилиб мингбоши Акбарали Туркистонда инқилоб арафаларида халқ бошига бало бўлган, унинг оғир аҳволини янада оғирлаштирган маҳаллий амалдорларнинг вакили сифатида кўринади. Бу қора кучлар шунчаки истибдод устунларигина эмас, улар халқдаги жамики соғлом интилишларнинг кушандаси, гўзаллик ва истеъдоднинг душманидир. Зебидай маъсума ва истеъдодли қизнинг Акбарали кўлида «бир озроқ очилмай, бир эркин кулмасдан» жувонмарг бўлиши фикримизни тасдиқлайди. Айни чоғда, Чўлпон Акбарали образини ишлашда ҳам реалистик принциплардан чекинган эмас. Адиб Акбаралини ҳар қанча ёмон кўрмасин, уни жонли инсон сифатида кўрсатишга уринади. Тўғри, Акбаралида инсоний сифатларни топиш амри маҳол, шундоқ бўлса-да, Чўлпон ундан баъзи чизгиларни топади. Буни қарангки, ҳатто Акбаралидай разил одам ҳам гўзаллик таъсирида жиндай бўлса-да ўзгара бошлайди. У Зебини кўргач, унинг қўшиқларини эшитгач, унда «итлик»дан кечиб, бу маъсума қизга одам қатори муомала қилиш истаги пайдо бўлади. Табиийки, Акбаралидаги «ўзгариш» унинг ишларида, хатти-ҳаракатида ифодаланмайди ҳисоб, асосан, оғзида қолади. Бунда Чўлпон одамларга хос бир нозик психологик ҳолатни ифодалаган – ҳар қандай одам ҳам ўз хатти-ҳаракатини ўзича оқлашга ҳаракат қилади ва охир-пировардида энг ёмон, энг ёвуз ишларини ҳам ўзича юмшоқроқ кўрсатадиган асослар ва далиллар топади. Мингбоши Акбарали ҳам шундай – биринчи навбатда ўз-ўзига боридан яхшироқ кўринишни



истайди. Ҳар нима бўлганда ҳам, муаллиф томонидан нозик пайқалган шу инсоний сифат Акбарали образининг схемага айланиб кетмаслигига ёрдам берган.

«Кеча ва кундуз» романидаги яна бир марказий қаҳрамон Мирёқубдир. Мирёқуб анча мураккаб образ. Уни шунчаки, мавҳум бир тарзда эксплуататор гуруҳнинг вакили деб бўлмайди. У айни XX аср бошларида, яъни капиталистик муносабатлар энди шакллана бошлаган шароитда майдонга кела бошлаган буржуача ишбилармон, корчалон одамлар тоифасига мансуб. Мирёқуб аслида саводсиз, газеталардан беҳабар, дунё ишларига кўп ҳам қизиқвермайдиган, рус тилини ҳам тузук-қуруқ билмайди. Лекин шунга қарамай, ишнинг кўзини биладиган ўта тадбиркор одам. Шунинг учун у «эпақа» деган лақаб орттирган. Одамлар ишонадики, Мирёқуб аралашган иш битмай қолмайди. Умумий саводи чатоқ, савияси паст, фикрлаш доираси чекланган бўлса-да, Мирёқуб қаердан пул чиқаришни, қай йўл билан давлатига давлат кўшишни яхши биледи. Бу борада у пул топишнинг ҳалол йўллари-ни соқит қилмаган ҳолда, турли-туман ҳаром-ҳариш ишлардан, ҳатто ўғирликдан ҳам тоймайди. Масалан, у Акбаралининг ишончини қозониб, маслаҳатгўйига ва ҳатто баъзи ишларда халоскорига айланиб қолгандан кейин унинг бойлигига ҳам шериклик қила бошлайди. Бироқ Мирёқубни хашаки бир ўғри деб таърифласак унча тўғри бўлмас эди. Бу ўринда ҳам бир нозик жиҳат бор — эҳтимолки, Мирёқуб янги шаклланаётган буржуа сифатида «пулнинг ҳиди бўлмайди», «пул топишнинг ҳар қандай йўли ҳам гуноҳдан фориғдир» деган эътиқодга эгадир. Ҳарҳолда, романда Мирёқубнинг ҳаром йўллар билан пул топишига кўпда урғу берилмаган, аксинча, унинг бу борадаги қонуний тадбиркорлиги алоҳида таъкидланади: «Қишлоқда икки баққоллик, битта қассоблик дўкони, гузарда иккита самовари бор. Билган одамлар шу беш муассасадан тўрти Мирёқубнинг кучи билан айланганини сўзлайдилар. Шаҳарда катта йўлнинг бўйига, қўрғон ташқарисига — бир янги пахта заводи тушди; заводнинг каттакон бир пахта саройи ҳам борки, пахта териш вақтида уч тарози билан пахта олади. Ана ўша заводга ҳам Мирёқубни шерик дейдилар. Воқеан, унинг икки филди-

ракли сариқ фойтунчаси ва сариқ йўрғачаси, аксар, завод олдида боғланган бўлади. Пулларини шаҳардаги катта банклардан бирига ўтказди...»

Мирёқуб характери муайян ички зиддиятларга эга. У бир томондан янги буржуа одамига хос сифатлар эгаси, иккинчи томондан эса ўз муҳитидан бутунлай узилиб ҳам кетган эмас. У художўй, намоз ўқийди, шариат талабларига риоя қилади, бола-чақасининг ҳолидан хабар олиб туради, уларга ювуқсиз рўпара келишга юзи чидамайди. Айни чоғда, бу ишларни у эътиқоди юзасидан, виждонининг буйруғига кириб қилмайди. Аксинча, у имкони бор жойда шариатга чап беришга ҳаракат қилади. Мирёқуб айш-ишратдан, маишатдан қочмайди. Айниқса, хотин-қизлар масаласида суяги йўқ. У заррача хижолат бўлмай, андиша қилмай, валинеъматни Акбаралининг хотини билан ҳам, Ноиб тўранинг хотини билан ҳам, шаҳардаги фоҳишалар билан ҳам дон олишаверади. Айни чоғда, унда бошига мушкул иш тушган одамга ачиниш, унга ёрдам қўлини чўзиш туйғуси ҳам бутунлай йўқолиб кетган эмас. Унда ҳали инсоф ва диёнат деган нарсалардан жиндай бўлса-да, топилади. Ишқ-муҳаббат деган нарса ҳам уни бутунлай тарк этиб улгурган эмас. Буни адиб Мирёқуб билан фоҳиша Мария ўртасидаги ишқий можаролар тасвирида анча ишонарли кўрсатган.

Мирёқубнинг характери, қарашлари, яшаш принциплари анча шаклланиб қолган бўлса-да, у ташқи таъсир оқибатида тез ўзгариши мумкин. Бу жиҳатдан Мирёқубнинг поездда ўзини жадид деб атаган савдогар билан учрашишдан кейинги ўзгариши характерли. Бу учрашув зоҳиран шунчаки ўткинчи воқеадай, эпизодик ҳодисадай кўринса-да, аслида, романнинг асосий ғоявий мазмуни ифодаланган сахнадир. Бу сахнада Чўлпон маърифат ва илм, маданият ва ҳунар тарқатиш йўли билан тараққий топган ғарб мамлакатларидан ўрганиш туфайли Туркистонни ҳам истиқболли тараққиёт йўлига олиб чиқишни, унинг мустақил бир ўлка сифатида ўзининг ички табиатига мос равишда ривожланишини таъминлашни мақсад қилиб олган маърифатпарварлар программасини кўрсатган. Шу сахнадаги кўпгина гаплар бу романда миллатчилик ғоялари эмас, аксинча, байналмилалчилик руҳи ус-

тун эканини кўрсатади. Уларда ҳаётий мантиқ кучли, халқ манфаатига хизмат қиладиган жиҳатлар кўп. Мана, масалан, болалар тарбияси қандай тасаввур қилинади: «Ибтидоий тарбияни рус мактаблардан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак. Ўз миллатини танитгандан кейин рус мактабига бериш керакки, хунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин... Ундан кейин, Германия, Франция, Англия мамлакатларига, ҳатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкога юбориб ўқитиш керак».

Мирёқуб — ўзбек адабиётига янги қаҳрамон сифатида кириб келди. Унинг янгилиги буржуа одами экани билангина эмас, фикрловчи, зукко одамлиги билан ҳам белгиланади. Мирёқуб ҳаётнинг кўпгина турфа хил воқеаларига, зиддиятли ҳодисаларига рўпара келади ва ҳар гал уларнинг мағзини чақишга интилади. Ҳаёт унинг қаршисига бири-биридан мураккаб жумбоқларни кўндаланг қўяди. Мирёқуб уларга жавоб излайди. Масалан, у «империя» деган сўзнинг маъносини излайди ва унинг жавобини Ноиб тўрадан қидиради. Албатта, бу ўринда гап биргина сўзнинг луғавий маъносини аниқлаш устида кетаётгани йўқ. Шу муаммога топилган жавоб романнинг асосий ғоявий йўналишини ташкил қилади. Романда Мирёқубнинг «Империя нима?» деган саволига жавобан Ноиб тўра ўзининг погонига ишора қилади. Мирёқуб англайдикки, «империя» дегани подшо ва унинг таянчи бўлмиш армия, унинг курол-аслаҳаси, тўпю тўпхонаси. Бу хулоса Мирёқубни яна янги ўйлар гирдобига бошлайди. Ноиб тўранинг оиласидаги бузуқликни кўрган Мирёқуб «империя дегани шу бўлса, роса ириб кетган экан-ку!» деган хулосага келади. Буни биз романнинг асосий ғоявий хулосаларидан бири сифатида қабул қиламиз.

Мирёқуб романдаги анча мукамал ишланган образлардан биридир. Лекин шунга қарамай, Чўлпон романида Мирёқуб ҳақида айтиши мумкин бўлган гапларини тўла айтиб улгурган эмас. Мирёқуб ҳам Зеби каби тугалланмай қолгандай кўринади. Ҳатто, у Кримга жўнаганидан кейин шу кўйи дом-дараксиз кетади ва сюжет ривожиди фаол қатнашмайди. Чўлпон «Кеча ва кундуз» романини икки қисмдан иборат қилиб ёзишни ўйлаган, лекин бу орзусига эришолмаган. Афтидан, романнинг иккинчи қисми ёзилганда

Мирёқуб характеридаги ўзгаришлар унинг табиатида, феъли атворида, реал ишларида намоён бўлиши мумкин эди.

«Кеча ва кундуз» романининг поэтикаси, услуб ва усуллари, адибнинг инсон тасвиридаги маҳорати ҳам етарли даражада ўрганилганича йўқ. Лекин шунга қарамай, комил ишонч билан айтиш мумкинки, насримизнинг навқирон авлоди Абдулла Қодирийдан таълим олгани каби Чўлпон романидан ҳам тил ва маҳорат бобида кўп сабоқ оладилар. Йўқлик қаъридан тортиб олинган бу асар, гарчи кечикиб бўлса-да, асосий вазифасини бажаради — прозамиз ривожига салмоқли туртки бўлади.

Хуллас, Ўзбек романлари эндигина шаклланаётган даврда майдонга келган «Кеча ва кундуз» ҳаётийлиги, миллий рангларга бойлиги, табиийлиги, самимийлиги билан, мазмунининг теранлиги билан, қаҳрамонлар характерининг бутунлиги ва тўқислиги билан реализм тантанасига катта ҳисса қўшди. «Кеча ва кундуз» — умрбоқий асарлар сирасига мансуб.

«Кеча ва кундуз» романи босилиб чиққандан сўнг ордан кўп ўтмай — 1937 йил 14 июнь куни Чўлпон қамоққа олинади. Ҳеч қанақа далил-исбот бўлмаса-да, унга «халқ душмани», «миллатчи», «аксилшўравий» деган айблар қўйилади ва 1938 йил 4 октябрь куни отиб ташланади. Табиийки, бундан кейин Чўлпон номини тилга олиш, асарларини ўқиш, ижодини тарғиб қилиш қатъиян ман этилади. Бу аҳвол 1956 йилгача давом этади. Сталин шахсига сифиниш фош қилингандан сўнг Чўлпон СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси томонидан бутунлай оқланади, аммо шундан кейин ҳам бу улуғ адиб рўшнолик кўрмайди. Негаки, ҳамон ҳукмронлик қилишда давом этган коммунистик партия Чўлпонни, унга ўхшаганларни ўзининг ашаддий мафкуравий душмани деб билар ва улардан ўтдан кўрққандек кўрқарди. Фақат ошкоралик шабадалари эса бошлагандан кейин, ва айниқса, Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнггина Чўлпон адабиётимиз сафларига қайтди. Унинг эҳтиросли, жўшқин, теран асарлари бугун қайтадан туғилгандек бўлиб, иккинчи умрини кечира бошлади. Улар Мустақиллик миллий мафкурасига жуда ҳамоҳанг.

## ОТАЖОН ҲОШИМОВ ШАХСИЯТИ. ТАҚДИРИ. ИЖОДИ

У Фафур Фуломдан икки ёш кичик, Абдулла Қаҳҳордан икки ёш улуғ, Ойбекка тенгдош эди. Шу дўстлари билан бир сафда 20-йилларнинг ўрталарида адабиётга кириб келган ва илк мақолалари биланоқ жамоатчиликнинг эътиборини қозонган эди. Бу мақолалар, ёш бўлишига қарамай, Отажоннинг билими чуқур, мулоҳазаси бақувват, фикри дадил, қалами ўткирлигидан далолат берарди. Одамлар унинг мақолаларини кутадиган, ҳатто қидириб ўқийдиган бўлиб қолишди, шоирлар билан адиблар эса янги асар ёзсалар Отажон Ҳошимов нима дейишини интиқиб кутишарди. Унинг мақолалари одамларнинг фикрини уйғотар ва кўпинча қизғин баҳсларга сабаб бўларди. Шу тарзда уч-тўрт йил мобайнидаёқ у ўзбек адабиётининг истиқболини ўйлайдиган етук арбоб, ёш истеъдод эгаларининг ўсиши ҳақида қайғурувчи мураббий, адабий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатадиган мунаққид сифатида танилди. Айниқса, 30-йилларнинг биринчи ярмида унинг илмий-жамоатчилик фаолияти шу қадар фаол ва самарали кечдики, 30 га кириб-кирмаган бу йигитнинг оламжаҳон иш қилиб улгурганига лол қоласан, киши. Хуллас, тик гавдали, қалин қора сочлари орқага таралган, чувак юзли, қирра бурунли, қора қош, қора кўз, чехрасидан нур ёғилиб турадиган Отажон Ҳошимов ўзбек адабиётшунослари ва мунаққидларининг олдинги сафидан ўрин олганди. Аммо... замон оғир эди. Замонанинг зайли қоziқнинг учи ё кети бўлиб эмас, ўртаси бўлиб, «фақир киши панада» деган маталга амал қилиб яшашни тақозо қилади. Сталин истибдодининг борган сари тезлаб бораётган ажал машинаси оғзини карракдай очиб, беҳисоб қурбонлар талаб қила бошлаганди. Бу машина, биринчи навбатда, олдинги сафда бораётган, хушомад ва ялтоқликни билмайдиган, расмий қолипларга мослашишни истамайдиган, мустақил фикрловчи одамларни ютишга киришганди. Отажон Ҳошимов ҳам истибдод қурбони бўлди. Кўп йиллар мобайнида унинг номи адабиёт тарихидан чиқариб ташланди, асарларини ўрганиш эмас, тилга олиш ҳам тақиқланди, бўйнига «миллатчи, халқ душмани» деган тавқи лаънат осилди. Фақат ярим аср ўтгандан

кейингина адолат тиклана бошлади, қадди букилган, лекин синмаган ҳақиқат рўёбга чиқа бошлади. Бугун Отажон Ҳошимов ҳам Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Фитрат ва Боту, Элбек ва Усмои Носирлар каби орамизга қайтмоқда ва адабиётимиздаги муносиб ўрнини эгалламоқда. Унинг қайтиши хароб бўлган тарихимизни тўғрироқ ва тўлароқ тасаввур қилишимизга, босиб ўтилган йўлларнинг нечоғли мураккаб ва қийин бўлгани, бу йўл музаффарият ва кашфийотлар йўли эмас, аксарият фожиали хатолар ва оғир талафотлар йўли бўлганини билиб олишга ёрдам беради. Тарихни билиш эса эски хатоларни такрорламасликка йўл очади деб умид қилиш мумкин.

Отажон Ҳошимов ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида 1905 йилда Тошкентда Пушти ҳаммом маҳалласида туғилганини маълум қилади<sup>1</sup>. Пушти ҳаммом Эски Жўвада қадимий бозорнинг рўпарасида Тинчоб маҳалласининг шундоққина биқинида жойлашган кўҳна маҳаллалардан бири бўлиб, Отажон Ҳошимов туғилган уй тасодиф билан ҳозирга қадар сақланиб қолган. Отажоннинг ёзишича, онаси уй бекаси, отаси эса деҳқончилик билан шуғулланган. Бўлғуси мунаққид 14–15 ёшларига қадар имкон бор фурсатларда отасига қарашиб турган. Аммо унинг кўпроқ вақти ўқишга сарф бўлган, албатта. Отажон аввал эски мактабда савод чиқарган, кейин икки йиллик рус-тузем мактабини битирган. Сўнг эса совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин очилган ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртида ўқийди ва комсомол ячейкасининг котиби сифатида жамоатчилик фаолияти билан шуғулланади. Ўқиш мобайнида Отажоннинг ўткир қобилияти намоён бўлади ва Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси уни 1922 йилда Москвага Бухарин номидаги ишчилар факультетига ўқишга йўллайди. Уни муваффақиятли битиргач, Отажон Ҳошимов Қизил профессорлар институтининг тайёрлов бўлимига қабул қилинади. Бу ўқув юрти 20-йилларда энг нуфузли, мўътабар илм даргоҳларидан бири бўлган. У талабаларга ҳар томонлама чуқур билим беради ва улардан етук мутахассислар тайёрлаб чиқарарди. Шунинг учун институтдаги ҳар бир ўрин ҳисоблик бўлиб, талабалар минг чиғириқдан

<sup>1</sup> Отажон Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли барча ҳужжатларни менга Жонрид Қосимов тўғфан тақдим этди.

ўтказилиб, чертиб-чертиб танлаб олинарди. Отажон Ҳошимов ҳам институтга РКП(б) Марказий Комитетининг тавсияси билангина киради. Институтда у рус тили ва рус адабиёти билан бир қаторда, ўша даврнинг таомилига кўра Маркс ва Энгельс асарларини чуқур ўрганади, фалсафа тарихи ва ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихи билан шуғулланади. Айни чоқда, у жамоатчилик вазифаларини ҳам адо этган. Масалан, ҳужжатлардан кўринишича, Отажон Ҳошимов Москвада Ўзбек Маориф уйи қошида амал қилган Театр студияси талабаларига сиёсий саводдан дарс берган. Маълумки, бу студия 1924 йилнинг охирида Ўзбекистон ССР ташкил қилингандан кейин вужудга келганди. Республика ҳукумати ўзбек миллий театрининг истиқболини ўйлаб, истеъдодли актёрлардан 24 кишини Москвага йўллади. Улар уч йил ўқиб, 1927 йилда Москвадан қайтадилар ва кейинчалик ўзбек театрининг довруғини дунёга таратишда мислсиз хизматлар қилишади. Булар орасида Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Ҳожисиддиқ Исломов, Музаффар Муҳамедов, Етим Бобожонов, Фатхулла Умаров, Лутфулла Нарзуллаев, Ҳикмат Латипов, Шариф Қаюмов, Саъди Табибуллаев, Фани Исомов, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятлова, Турсуной Саидазимовалар бор эди. Манзара тўлароқ бўлиши учун Москвадаги Театр студиясида буюк шоиримиз Чўлпон адабий эмакдош ва таржимон бўлиб хизмат қилганини айтмоқ керак. Студияда кимлар ўқигани ҳақида батафсил гапирётганимиз бежиз эмас, албатта. Рўйхатнинг ўзиданоқ кўришиб турибдики, студия талабалари гоёт истеъдодли, билимга ташна, савияси гоёт юксак бўлган. Бинобарин, уларга бирор гапни маъқул қилиш, айниқса, сиёсий саводдан сабоқ бериб ҳурмат қозониш гоёт амри маҳол бўлган. Ўша йиллардан бир фаройиб ҳужжат сақланиб қолган. Бу ҳужжат театр студияси талабаларининг умумий мажлиси қарори бўлиб, унга Ҳидоятлов имзо чеккан. Афтидан, Аброр Ҳидоятлов ўша мажлисга раислик қилган бўлса керак. Қарорда Отажон Ҳошимовнинг тўғарақдаги ўқитувчилик фаолиятига юқори баҳо берилган ва ундан келгуси йилда ҳам дарс беришда давом этиши илтимос қилинган.

Отажон Ҳошимовнинг бу давр ҳаёти ҳақида гапирганда, яна бир фактни тилга олиш керак. Отажон 1925 йил-

нинг 25 январида коммунистик партия сафига қабул қилинади. Албатта, бугунги кунда одамлар биографиясидаги бу факт ўзининг аввалги салмоғини, фавқулодда маъносини йўқотади. Бироқ шундай бўлса-да, бу фактни таъкидлаётган эканмиз, бунинг сабаби бор. Авваламбор, шуни айтиш керакки, у пайтларда одамлар коммунистик идеалларга астойдил ишониб, ҳамма бахтиёр яшайдиган жамият қуриш мумкинлигини эътиқод билиб ва шу эътиқодга садоқат билан партияга кирган. Отажон Ҳошимов ҳам йигирма ёшида шу эътиқодларни ўзлаштириб улгурган собит курашчи сифатида шаклланган эди. Иккинчидан, Отажонни Краснопресненск райкоми партияга қабул қилган эди.

Отажон Ҳошимов ўз устида тинимсиз ишлаб, билимларини чуқурлаштириш, назарий савиясини ошириш билан бирга, партия топшириқларини ҳам чинакам фидоқорлик билан бажара боради. Унинг кунлари нечоғли банд бўлганини тасаввур қилиш учун 1926 йилда ўз қўли билан тўлдирган шахсий варақасидан бир парча келтирамиз: «1925 йил мобайнида Краснопресненск райкомининг кўрсатмасига мувофиқ Сталин номидаги Узинпроснинг деворий газетасига ва комсомол тўғарақларига раҳбарлик қилдим ҳамда ҳар хил сиёсий мавзуларда лекциялар ўқидим». Ҳозир бу фактлар майдароқ ва арзимасроқ бўлиб кўриниши мумкин. Аммо у пайтларда ва ҳатто 30-йилларда ҳам партиявий топшириқнинг катта-кичиги бўлмас, уларни сидқидилдан бажариш ҳар бир коммунист учун виждон иши ҳисобланарди. Буларнинг бари энди 20 ёшга кирган Отажон Ҳошимовнинг имони бут, эътиқоди мустаҳкамлигидан далолат беради. У чиндан ҳам маданий қурилиш жабҳаларида астойдил хизмат қилмоқ учун комил ишонч билан бел боғлаган эди. Аммо Отажон Ҳошимовга Қизил профессорлар институтини тугатиш насиб қилмаган экан — у соғлиғи ёмонлашиб, Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлади, бироқ бу ерда бемалол даволаниш ўрнига, қайноқ, шиддатли меҳнат жабҳасига рўпара келади. Ўша пайтларда қўлидан иш келадиган ҳар бир саводли одам кўзга тўтиё эди, кун сайин жўш уриб бораётган ҳаёт тўлқинларини бошқариш учун уқувли, ишбилармон, билимдон дарғалар зарур эди. Отажон Ҳошимовни Маориф



Кенгашининг раиси қилиб тайинладилар. Айни чоғда, у Самарқанд педакадемиясида ижтимоий фанлардан лекциялар ўқий бошлади. 1929 йил 26 сентябрида Маориф Халқ Комиссари муовини Козирев имзоси билан берилган маълумотномада «Ўртоқ Ҳошимов методик ва илмий масалаларни жуда яхши билади, марксистик жиҳатдан яхши тайёрлиги бор» деган жумлаларни ўқишимиз мумкин. Отажон Ҳошимов бу иш билан барабар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига кўра 1927–1929 йиллар давомида «Қизил қалам» адабий уюшмасининг раиси бўлиб ҳам ишлайди. Худди шу йилларда унинг илмий қобилияти ҳам, ташкилотчилик иқтидори ҳам ғоят катта куч билан намоён бўлади. Масалан, 1925 йилда «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 3- ва 7–8-сонларида Отажон Ҳошимовнинг «Диалектика ҳам диалектика ҳақида ўйлаш» деган катта мақоласи эълон қилинади. Бу мақола Ўзбекистонда марксистик фалсафа масалаларига бағишланган илк мақола бўлганди. Шунингдек, 20-йилларнинг охирида у Ўзбекистонда илмий ишларни ташкил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган ёхуд ўзбек тилини ўрганиш масалаларидан баҳс қилувчи мақолалар ҳам ёзади. Аммо Отажон Ҳошимовнинг аксарият мақолалари адабиёт масалаларига бағишланган. Ўша кезларда адабий мерос масаласида муросасиз баҳслар кетаётган, баъзи бировлар «пролетар адабиётининг софлиги ва гегемонлиги» учун кураш баҳонасида ўтмиш адабиётини буткул рад этаётган эди. Отажон Ҳошимов қатор мақолаларида бундай ҳовлиқишларга, «сўллик» хуружларига зарба беради. Унинг салмоқли катта ишларидан яна бири «Қизил қалам» мажмуасининг биринчи ва иккинчи китобларини нашр эттирганидир. Мажмуанинг биринчи китоби араб ёзувида 1928 йилда, иккинчиси лотинча алифбода 1929 йилда босилган. Ҳар икки мажмуа икки қисмдан иборат: биринчи қисмда илмий ёхуд танқидий мақолалар берилган, иккинчи қисмдан эса шеърлар, ҳикоялар, очерклар ўрин олган. Мажмуаларнинг яна бир ғоят қимматли жиҳати бор — уларда Фитратнинг Умар Хайём ҳақидаги мақоласи билан бирга Чўлпоннинг баъзи асарлари ҳам чоп этилган. 1928 йилга келиб, бу икки йирик санъаткорга тавқи лаънатлар осий авж нуқталарга чиққанини, уларни

миллатчиликда айблаш, ёт мафкураларга берилишда қоралаш компанияси зўр бериб кучайтирилаётганини эътиборга олсак, шунингдек, «мафкуравий кураш» шиори остида матбуот саҳифаларидан ҳар қандай истеъдодли, мустақил фикрлайдиган, расмий тарғибот қолипларига сиғмайдиган одамларнинг номлари ситиб чиқарилаётганини инобатга олсак, Отажон Ҳошимовнинг бу икки санъаткор ижодига китобдан ўрин берганига ажабланмай илож йўқ. Негаки, аввало Отажон Ҳошимовнинг ўзи ҳам «пролетар адабиётининг ғоявий софлиги учун» фаол курашчилардан бири бўлган. Иккинчидан эса «Қизил қалам» ташкилоти ҳам мафкура бобида ҳар хил «сўллик» касалликларидан холи бўлган эмас. Демак, Отажон Ҳошимов мажмуалар мундарижасини белгилар экан, илмий жиҳатдан объектив мавқеда турган, ўзининг субъектив қарашларидан устун келиб, чинакам плюрализмга эришган: «мафкуравий бузуқ» адибларнинг асарларини босиш билан ўзимни хавф остига қўяманку» деб ўйлаган эмас. Биргина шу фактнинг ўзиёқ Отажон Ҳошимовнинг ғоят юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар эгаси бўлганидан дарак беради. Хуллас, бу мажмуалар ўша йиллардаги адабий ҳаётнинг нодир ёдгорликлари сифатида бугун ҳам ғоят қадрлидир.

20-йилларнинг охирига келиб, Отажон Ҳошимов ҳар қанча самарали фаолият кўрсатмасин, билимлари кифоя эмаслигини, ҳали ўз устида қаттиқ ишлаши, кўп ўқиши зарурлигини ҳис қилади. Шунинг учун у 1929 йилнинг сентябрида Ленинградга бориб, СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига аспирантурага киради. Шарқшунослик институти XIX асрнинг ўрталаридаёқ жаҳон шарқшунослигининг етакчи марказларидан бири сифатида танилган эди. Дунёга донғи кетган рус шарқшуносларининг деярли ҳаммаси шу институтда фаолият кўрсатган. Отажон Ҳошимов институтга келган кезларда унинг директори академик Ольденбург, адабиёт секторининг мудирини эса академик Самойлович эди. Талабчан ва ғамхўр устозлар Ўзбекистондан келган истеъдодли илм толибининг самарали ишлаши, вақтини зое кетказмаслиги учун ҳамма тadbирларни кўришарди. Отажоннинг ўзи ҳам зиммасидаги масъулиятни тўла англаган ҳолда енг шимариб ишга киришади.

1931 йилнинг март ойида академик Самойлович Отажон Ҳошимовнинг аспирантлик фаолиятига тавсиф берар экан, унинг илмий ишини «миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам керагидан ортиқ даражада қаноатланарлик» деб баҳолайди ва «Ҳошимов СССР Фанлар Академияси аспирантлари қаторида ҳақли ўрин эгаллаб турибди» деган мулоҳазани айтади. Академик Ольденбург имзолаган тавсифномада ҳам Отажон ҳақида илиқ гаплар айтилган, унинг «ўзбек, форс, татар, озарбойжон ва бошқа туркий тилларни яхши билиши, европа тилларидан эса немис тилини пухта ўзлаштиргани» таъкидланган. Шунингдек, «Отажон Ҳошимов илмий ходимлар ўртасида катта эътиборга эга» дейиладики, бу ўзбекистонлик илм толибига берилган ғоят юксак баҳо эди. Худди шунинг учун ҳам, 1932 йилда Отажон Ҳошимов аспирантурани тугатгач, институт раҳбарлари унга жавоб бериб юборишмайди, балки уни Шарқшунослик институтининг илмий котиби қилиб олиб қолишади. Чиндан ҳам бундай масъул лавозимда ишламоқ учун чуқур билимли ва юксак ташкилотчилик қобилиятидан ташқари институт илмий ходимлари орасида катта обрўга ҳам эга бўлиши керак эди. Истеъдодли ёш олим қаршисида илмий фаолият бобида ёрқин истиқбол эшиклари очила бошлаган эди. Аммо бу гал ҳам Отажон севган иши билан ўзи истаганидек шуғуллана олмади. 1933 йилнинг декабрь ойида 28 яшар Отажон Ҳошимовни ВКП(б) Марказий Комитети Тошкентга ишга йўллайди.

1932 йилнинг октябрь ойида жумҳурият Советларининг Марказий Ижроия Комитети илмий ҳаракатнинг янги ташкилий формаларини барпо этиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу қарорга кўра шу пайтга қадар амал қилиб келган ўзбек давлат илмий тадқиқот институтлари Ассоциацияси тугатилиб, унинг ўрнига барча тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилувчи Фанлар Комитети ташкил қилинади. 30-йилларнинг охирларига келиб, Комитет Фанлар Академияси филиалига айланади ва, ниҳоят шу асосда 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси майдонга келади.

Отажон Ҳошимов Фанлар Комитетининг раҳбарларидан бири сифатида ишлай бошлайди. Унинг бу бора-

даги хизматлари ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Бироқ мен икки-уч фактни таъкидлаш билан чекланаман. Отажон Ҳошимов ҳозирги «Фан ва турмуш» журналини ташкил қилишда фаол иштирок этган ва унинг муаллифларидан бўлган. 1934 йилда у Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтини ташкил қилган ва 1937 йилнинг августига қадар шу институтнинг директори бўлиб ишлаган. Отажон Ҳошимовнинг илм-фан бобида бағоят ташкилотчи бўлганини, жонкуярлик билан иш олиб бурганини шундан ҳам кўриш мумкинки, у жуда қисқа муддат мобайнида институтга ўша пайтдаги энг етук адабиётшунос ва тилшунос кучларни жамлай олган эди. Булар орасида Фитрат, Ғози Олим, Миён Бузрук, Ойбек, Ҳомил Ёқубов, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яхё Фулом, Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Фаҳри Камол каби фанда чуқур из қолдирган одамлар бор эди. Айни чоғда, Отажон Ҳошимов ёш олимларни тарбиялаб етиштириш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Институт қошида адабиётшунослик ва тилшунослик бўйича аспирантура очган, уларга иқтидорли ёшларни жалб қилган, ўзи ҳам бир қатор аспирантларга илмий раҳбар бўлган. Бу ўринда республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Фулом Каримовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида эълон қилинган хотирасига мурожаат қилиш жоиз кўринади. 30-йилларда Фулом Карим Отажон Ҳошимовнинг шогирди бўлган экан. Фулом Каримов ёзади: «Ҳафтада бир марта мунтазам равишда раҳбарим билан учрашиб турар эдим. Мен ҳафта давомидаги қилган ишларимдан ҳисоб бериб, келгуси ҳафта учун топшириқлар олар эдим. Суҳбатлардан бирида диссертация мавзуи ҳақида гап кўзғалиб, ўзбек адабиёти тарихига оид назарий масалаларга эътибор бериш кераклиги айтилди. Шундан бошлаб, бу масалалар менинг диққатимни бир умрга ўзига жалб қилди». Шу хотираларида профессор Фулом Каримов ўз устозининг «адабиёт билими соҳасида ўз даврининг олдинги мутахассиси, ҳамма томонидан тан олинган олим» бўлганини фахр билан ёзади. Дарҳақиқат, бу иқтидорли олим раҳбарлигида ўша йилларда институтда халқ ижоди, классик адабиёт ва тилшунослик соҳасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилган эди. Жум-

ладан, «Ўзбек фольклоридан намуналар» деган икки жилдлик мажмуа, «Ўзбек халқ эртаклари», «Ўзбек халқ мақоллари», «Алпомиш» достони, Гўрўғли туркумига кирадиган «Маликаи айёр», «Қундуз билан Юлдуз», «Хушкелди», «Равшанхон», «Гўрўғлининг туғилиши», «Далли» каби дostonлар, Алишер Навоий, Муқимий ва Ҳамза Ҳакимзодаларнинг дастлабки танланган асарлари, улар ҳақидаги илмий-танқидий китоблар, таржима назариясига оид ишлар, ўзбек адабиётшунослиги бўйича айрим тадқиқотлар худди шу даврда Отажон Ҳошимовнинг бевосита иштирокида ёхуд унинг раҳнамолигида вужудга келди. Ҳар ҳолда, институт дастлабки тетапоя қадамларини комил ишонч билан жуда дадил қўйган эди.

Отажон Ҳошимов 30-йилларнинг ўрталарида жумхуриятнинг адабий ҳаётида ҳам сезиларли роль ўйнаган. У Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Правления аъзоси, танқидчилар секциясининг раиси эди. Албатта, 30-йилларнинг ўрталарида танқидчиликда ур-йиқит авж олган кезларда унга раҳбарлик қилиш осон эмас эди. Аммо Отажон Ҳошимов 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзи қамоққа олингунга қадар биронта ёзувчини миллатчиликда айблаб, халқ душманига чиқариб, мақола ёзгани йўқ, бошқаларга тухмат қилиб ўзининг содиқ фуқаролигини кўз-кўз қилгани йўқ. 37-йил шароитида шунинг ўзи ҳам катта жасорат эди. У 1937 йилда Пушкин вафотининг 100 йиллигини нишонлаш ишларига қатнашди — у «Евгений Онегин» романининг Ойбек томонидан қилинган таржимасига муҳаррир бўлади ва таржимон маҳоратини, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб каттагина мақола ёзади. Шу фактларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, аспирантурани тугатиб, Ўзбекистонга қайтган Отажон Ҳошимов чуқур эътиқод билан, ҳақиқий фидойилик билан ўзбек фанини, маданиятини ривожлантириш бобида астойдил меҳнат қилган. Албатта, адабиётшунос олим сифатида унинг хаёллар уфқи гоят кенг бўлган. Ким билсин, ўша йиллардаги кескин курашлар жабҳасида у мардонавор жанг қилар экан, янги тадқиқот институтининг самарали ишлаши йўлида жонбозлик кўрсатар экан, кучини аямай, янги китоблар ва ёдгорликларни тезроқ халққа етказиш тадориқларини кўрар экан, ўзбек халқининг истиқболи

ҳақида нималарни орзу қилганикин? Унинг эртанги маданиятининг қандай ранго-ранг жилоларида яшашини хаёлига келтирганмикин? Эҳтимолки, шуларни ўйлаб, буларнинг барида ўзининг ҳам жиндай хизмати бўлажигидан мамнун жилмайиб қўйгандир... Аммо!

Аммо мамлакатнинг асл фарзандлари ёстигини қуриштишга жазм этган, халқ учун хизмат қилишни, мамлакатни гуллайтиб-яшанатишни бирдан-бир мақсад қилиб олган, бу мақсад йўлида сидқидилдан фидокорлик билан ҳалол меҳнат қилаётганлар қасдига дастасигача қонга ботган қиличини яланғочлаб 1937 йил яқинлашмоқда эди... Биз кўп йиллар мобайнида 30-йилларни Ватанимиз тарихидаги энг ёрқин, энг музаффар йиллар деб ҳисоблаб келгандик. Назаримизда, айти шу йилларда бизнинг мамлакатимиздан бутун заминга узил-кесил ғалаба қозонган социализмнинг тантанавор садолари янграгандай эди... Энди билсак... Масаланинг энг мураккаб томони, энг ақл бовар қилмайдиган жиҳати шундаки, худди шу йиллари мамлакатимиз қаддини анча ростлаб олгани ҳақиқат, худди шу йилларда халқнинг турмуши бир оз бўлса-да дурустлашгани, «ҳаёт ҳам соз, яшамоқ ҳам соз» бўлиб қолгани ҳақиқат. Агар жумҳуриятимизни оладиган бўлсак, афсонавий Миср эҳромларидан қолишмайдиган Текстилькомбинат ҳам, Турксиб ҳам, Чирчиқстрой ҳам худди шу йилларда барпо этилган эди. Бироқ бутун маълум бўляптики, буларнинг бари жуда оғир талофотлар ва мислсиз фожиалар эвазига қўлга киритилган экан. Худди шу йилларда зулм авж олган, ҳар қандай адолат поймол қилинган, халқни сиқиб, сувини ичиш энг баланд пардаларга кўтарилган, бутун мамлакат тиканли симлар билан ўраб олинган баҳайбат қамоқхонага, бутун халқ эса тилсиз-забонсиз, ҳақ-ҳуқуқсиз маҳбусга айлантирилган экан. Бизга «социализм» деб кўз-кўз қилганлари эса, аслида аксилсоциализмдан бошқа нарса эмас экан. Ана шу душманларнинг, даҳшатли қирғинбаротнинг, тийиқсиз қатли омнинг энг баланд нуқтаси 1937 йилга тўғри келади. Кейинги йилларда бу даврдаги умумхалқ фожиасининг бутун даҳшатини кўрсатадиган кўпгина ҳужжатлар эълон қилинди. Шулардан бири тарихшунос олим Роберт Конквестникнинг «Қирғинбарот» деган катта асаридир. У «Нева» журналида

1989 йилда эълон қилина бошлади ва 1990 йилда ҳам журнал саҳифаларида уни чоп этиш давом этди. Роберт Конквестникнинг ҳисобига кўра, 1938 йилнинг охирида совет турмалари ва лагерларида тўққиз миллион атрофида одам ҳибсда бўлган. 1937 йилнинг январни билан 1938 йилнинг декабри ўртасида етти миллион одам қамоққа олинган. Икки йил ичида бир миллионга яқин одам отилган. 1937—1938 йиллар мобайнида ҳибсда икки миллион одам ўлган. 1938—1950 йиллар давомида турмалар ва лагерларда ўн икки миллион одам ҳалок бўлган. Уларнинг ёнига яна кам деганда бир миллион отиб ташланган одамни қўшмоқ керак. Бу рақамларни тузукроқ ўйлаб кўринг — ахир, ҳар бир рақам ортида жонли одамнинг тақдири, унинг оиласининг бошига тушган мислсиз фожиа турибди. Отилган ва ҳалок бўлган ўн олти миллион одамни тасаввур қилинг. Уларнинг пешонасига «халқ душманининг қариндоши» деган тавқи лаънат осилган, хўрланган, ҳақоратланган, камситилган оила аъзоларини бир кўз олдингизга келтиринг. Инсоният тарихида ҳар хил қирғинлар, зўравонликлар, золимликлар кўп бўлган. Аммо уларнинг биронтаси ҳам шўро мамлакатадидаги катта қирғинбарот қаршисида урвоқ ҳам бўлолмайди. Яна бунинг устига ана шу миллион-миллион қамалган, отилган, ҳалок бўлган, сургун қилинганларнинг 99 фоизи мутлақо беғуноҳ бўлганини унутманг. 1936 йилда карнай-сурнайлар садолари остида «қурилиб битказилди» деб эълон қилинган Сталин социализмининг ҳақиқий қиёфаси, қонли башараси шундай эди.

Ана шу мислсиз қирғинбарот, ҳар қандай ёнғинлардан зўрроқ шу ёнғин, ҳар қандай фалокатлардан машғумроқ шу фожиа Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ, балки шу ерда ҳам юз минглаб, балки миллионлаб одамни домига тортди. Отилганлар, бадарға қилинганлар, хўрланганлар орасида кечаги инқилобчилар ҳам, атоқли партия ходимлари ҳам, иқтидорли олимлар ҳам, қўли гул ишчилар ҳам, меҳнаткаш деҳқонлар ҳам, ҳақиқатгўй шоиру адиблар ҳам бор эди. Афсуски, биз ҳали бу қурбонларнинг ҳаммаси неча киши бўлганини ҳисоблаб чиққанимиз йўқ, уларни номма-ном ҳам билмаймиз. Бу адолатсизликка барҳам бериш беғуноҳ қурбонлар олдидаги инсоний бурчимиздир.

Отажон Ҳошимов ана шу бегуноҳ қурбонлардан бири бўлди. У жуда ёш кетди, ўн гулидан бир гули очилмай кетди, қанчадан-қанча ниятларини рўёбга чиқаролмай, қанчадан-қанча асарларини ёзиб улгурмай кетди. У қамокқа олинганда бор-йўғи 32 ёшда эди. Савол туғилиши мумкин – ахир, Отажон Ҳошимов бирор жиддий хатога йўл қўйган бўлмаса, бирор жиноятчи гуруҳга қўшилган бўлмаса, Москвада ўқиган бўлса, садоқатли, фидокор коммунист бўлган бўлса, нечук уни қамадилар? Ахир, бунақа ишларда лоқайд кўринишга бўлса-да, бирор-бир баҳона сабаб бўлмоғи керак-ку? Ҳа, керак. Лекин у замонларда ҳақиқий сабаблар қидирилиб ўтирилмас, балки тўқиб-бичиб қўя қолинарди.

Отажон Ҳошимовга ҳам ана шу синалган туҳмат усули, ошириб-тошириб қора суртиш усули қўлланди. 1937 йилнинг апрелидан бошлаб, матбуотда Отажон Ҳошимовга бири-биридан оғир айблар қўйила бошланди. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 12 апрель сонидида «Тошкент совет ёзувчилари йиғилиши» деган ахборот босилади. Унда шундай жумлалар бор: «...Союз Президиумининг аъзоси ва Пушкин номидаги институтнинг директори Отажон Ҳошим жаҳид адабиёти намояндаларини фош этиб ёзилган бир катта китобни, адабий танқидчиликда буржуазия таъсирларини очиб берган бир асарни ва бошқа шунга ўхшаш яна бир неча муҳим асарларни ҳануз бостириб чиқармай, босиб ётади. Нима бу – сиёсий кўрликми ёки партия директиваларини атайин саботаж қилишми?» Бу парчанинг оҳангидаги дўқ-пўписига қаранг, «босиб ётади» қабалидаги иборага эътибор беринг. Отажон Ҳошимов фактни бузиб талқин қилиш йўли билан «сиёсий кўрлик»да ва «партия директиваларини атайин саботаж қилиш»да айбланияпти. Бу – «халқ душмани» деб қўйиладиган даҳшатли айбнинг дебочаси эди. Ҳолбуки, ўша кезларда у ёки бу китоб вақтида нашр қилинмаган бўлса, бунинг мутлақо объектив сабаблари бўлган бўлиши мумкин. Бироқ, бунинг аҳамияти йўқ эди, нима қилиб бўлса-да, Отажон Ҳошимовга қора суртилса бас эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, шу газетада У. Турсуннинг «Тил ва адабиёт соҳасидаги зиёнчилик» деган мақоласи босилди: «... Ҳошимов Марказком кўрсатган тадбирларни онгли



равишда бажармади. У адабиёт соҳасида марксизм таълимотига қарши ўзининг бузуқ фикрларини ҳам, миллатчи Фитрат, Қаюм Рамазон ва халқ душманлари Миён Бузрук, Фози Юнус, Сафо Зуфарий кабиларнинг ҳам зиёнчиликларини фош қилмади. Аксинча, у совет тил-адабиётига қарши миллатчиларнинг ифлос ишларига кенг йўл қўйиб келди».

Ўша пайтдаги орган ходимларининг маданий савияси қандай бўлган, китобу журнал ва газеталарни нечоғли иштиёқ билан ўқишган — бу тўғрида бир нарса дейишим қийин. Лекин шуниси аниқки, марказий газеталардаги бунақа чақувларни кўзларига суриб, жон-жаҳдлари билан ўқиган бўлсалар керак. Ёки бундай материаллар бевосита орган ходимларининг кўрсатмаси билан пайдо бўлганмикин? Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, бундай материаллар пайдо бўлиши баланоқ, орган ходимлари бўлажак ўлжалари устидан иш кўзгай берганлар.

Ифволар давом этади. Ўша йили 24 июль куни, яъни Отажон Ҳошимовнинг қамалишидан саккиз кун олдин яна «Қизил Ўзбекистон» газетасида Жуманиёз Шарифийнинг мақоласи босилади. Унда ҳам Отажон Ҳошимов марксизмга қарши мулоҳазалар юритишда, «пантуркизм тегиримонига сув қуювчи «назариялар» яратган, «Чигатой адабиёти»ни кўкларга кўтариб мақтаб, совет адабиётини пастга урганликда» айбланади. Муаллиф давом этиб, Отажон Ҳошимовнинг мактаблар учун адабиёт программаси тузганини айтиб, ундаги «хатолар»ни ҳам аямай фош қилади: «Бу программада ҳаммага машҳур миллатчи Чўлпон совет шоири сифатида ўқувчиларга тақдим қилинади. Программада унинг ўтмишдаги аксилинқилобчилиги, миллатчилигини кўрсатиб бериш тўғрисида бир оғиз ҳам гап йўқ. Агарда бу фактлар устида Отажон Ҳошимовнинг ўз атрофидаги аксилинқилобчи миллатчиларни фош қилиш учун ҳеч уринмаганини қўшиб қўйсак, унинг сиёсий қиёфаси равшан бўлиб қолади...» Бу ибораларнинг ички мазмунига бир эътибор беринг-а: — уларда «шундоқ ярамас одамни нега шу пайтгача ҳибсга олмаяпсизлар?» — деганга ўхшаш чақув аралаш таажжуб сезилиб турмайдими?

Юқоридаги чақувларнинг ҳеч қайсисида факт йўқ, далил-исбот йўқ, аммо тирноқ тагидан кир излаш бор,

нима қилиб бўлса-да, Отажон Ҳошимовни ёмон отлик қилиш иштиёқи бор, бўҳтон ва ифво, демагогия бор.

Шу тарзда ўзбек адабиётининг яна бир йирик сиймоси учун чоҳ қазилди, чоҳ қазилди эмас, унинг оёқ-қўлига бўғов осилиб, чоҳ лабига келтирилди. Энди уни қулатиш учун енгилгина бир туртки кифоя эди. Буни кўп кутишга тўғри келмади — 1937 йил 2 август куни Отажон Ҳошимов қамоққа олинди. Афтидан, у орган ходимларининг кўзига ўта хавфли давлат жиноятчиси бўлиб кўринди шекилли, улар Отажон Ҳошимовнинг уруғини бутунлай қуриштириш пайига тушганлар. Натижада, орадан бир ярим ой ўтказиб, унинг турмуш ўртоғи Зайнаб Валиевна Ҳошимовани ҳам қамоққа оладилар. Отажон Ҳошимов қамоққа олиниши биланоқ, ҳали бирор айби исбот бўлмай туриб, ҳали суднинг ҳукми чиқмай туриб, дарҳол ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум қилинади, ҳамма лавозимларидан қувилади, ҳамма унвонлари бекор қилинади. У 1937 йилнинг 3 августидан эътиборан фош қилинган аксилинқилобчи ва миллатчи сифатида Фанлар Комитетининг раиси муовинлигидан бўшатилади. Бундаги тезкорликни қаранг! Жаҳон бюрократияси тарихида ҳеч қачон бирон тadbир бунақа тезкорлик билан амалга оширилмаган бўлса керак. Бугунги бюрократларимиз бу ишда 37-йил бюрократларига ҳар қанча ҳавас қилсалар арзийди! Орадан кўп ўтмай, Отажон Ҳошимов Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директорлигидан ҳайдалади. Ёзувчилар союзининг аъзолигидан чиқарилади. Кейин эса партия сафларидан ўчирилади. Шу ўринда бир фактга эътиборингизни жалб қиламан. Отажон Ҳошимов қамалмасдан олдинроқ, матбуотда уни фош қилувчи материаллар чиқа бошлаши биланоқ Фанлар Комитети партия ташкилотининг раҳбари сиёсий хушёрликларини намойиш этиб, Отажон Ҳошимовнинг шахсий ишини умумий мажлисга қўядилар. Ўша замондаги расм-русум ва тартиб-қоидаларга биноан мажлис Отажон Ҳошимовни албатта, партиядан ўчирмоғи керак эди. Аммо бундай бўлмади. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг архивидан берилган справкада бу тўғрида шундай дейилади:

«Фанлар комитети партия ташкилоти котибининг ҳисобот докладида айтилишича, «партия ташкилотларимиз-

нинг илғор аъзолари мажлислардан бирида Ҳошимовнинг ашаддий душман эканини ҳис қилиб, уни партиядан ўчириш учун овоз берган эди, аммо, афсуски, уни партиядан ўчириш учун овоз берганлар озчилик бўлиб қолди ва Ҳошимов НКВД органлари томонидан қўлга олингунга қадар партия сафида бўлишда давом этди». Сезаётгандирсиз, шўринг қурғур котиб юқори ташкилотлар олдида ўзини ҳам ва ўзи каби фактлар, ҳужжатлар асосида қонунга таяниб эмас, ҳиссиётларига берилиб иш юритувчи «илғор» партия аъзоларини ҳам ҳимоя қилишга уриняпти. Афсуски, бу ҳужжат қисқа. Афсуски, унда ўша партия мажлиси қандай ўтгани, Отажон Ҳошимовни кимлар ёқлаб чиққани, унинг ҳимоясига нималар дейилгани айтилмаган. Балки ҳеч ким ҳеч нарса демаган-у, овоз бериш йўли билан ўз иродасини намоён этганмикин? Ҳарҳолда нима бўлганда ҳам, мен бу ҳужжатни ўқиб, танамга сиғмай суюндим. Буни қарангки, ўша даҳшатли қатғон йилларида ҳам хавф-хатардан қўрқмаган, ҳақиқат учун овоз берган ҳалол, виждонли одамлар бўлган экан. Албатта, Отажон Ҳошимовнинг партиядан ўчирилишига қарши овоз берилгани ўша йиллар шароитида жузъий ҳодиса, лекин жузъий бўлса-да, бу – исён эди! Орадан бир оз вақт ўтгач, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Отажон Ҳошимовни партиядан ўчиради ва унинг партия билети билан ҳисоб карточкасини бекор қилиб, архивга топширади.

Отажон Ҳошимов бир йилу икки ой давомида қамоқда ётади. Бу кунларни у қандай ўтказганини, сўроқлари қандай кечганини, жисмоний қийноқларга ёхуд руҳий азобларга дучор қилинган-қилинмаганини аниқ айтолмайман. Афсуски, ҳужжатлар бу масалада сукут сақлайди. Лекин турма ҳеч қачон истироҳат жойи бўлмаган. Сталиннинг турмаси эса инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг шафқатсиз турмалардан бўлгани аниқ. Ҳарҳолда, шу нарса маълумки, Отажон Ҳошимовни аксилинқилобий фаолиятда, миллатчиликда айблашди, унга «1934 йилдан бери аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида зараркунандалик ишларини олиб боряпсан» деган айб қўйишди.

Отажон Ҳошимовнинг иши билан шуғулланган терговчилар ҳамма имкониятларни ишга солиб, ҳамма чора-

тадбирларни қўллаб, керак бўлганда сира тортинмасдан жисмоний тазйиқ усулларидан фойдаланиб, уни ўз айбига иқрор бўлишига мажбур қилган бўлишлари керак. Отажон Ҳошимов бу беҳуда айбларнинг биронтасини ҳам тан олмайди, биронта ҳам одамнинг устидан ёлғон гувоҳлик бермайди. Давлат хавфсизлиги комитетининг ҳужжатлари орасида Отажон Ҳошимовнинг 1937 йил 13 август куни қилинган сўроқ протоколи сақланиб қолган. Унда, жумладан, Отажон Ҳошимовнинг шундай кўрсатмаси бор: «аксилнқилобий туркпараст ташкилотга илмий ходим Ойбек ҳам ёндошган эди, аммо у гуруҳнинг аъзоси ҳисобланмасди». Бу парчани ўқиб тахмин қилиш мумкин: афтидан, ўша куни Отажон Ҳошимовни сўроқ қилган кичик лейтенант Маврин ундан Ойбекка қарши гувоҳлик беришини талаб қилган. Қийноқлар жонидан ўтиб кетган Отажон Ҳошимов «ҳа, у ҳам ташкилотга ёндошган эди» деб айтишга мажбур бўлган-у, лекин шу ондаёқ бир одамнинг қисматига зомин бўлишини хаёлига келтириб, «аммо у гуруҳнинг аъзоси ҳисобланмасди» деб қўшиб қўйган. Бу илова эса «Ойбек миллатчи эмас, аксилнқилобий фаолият билан шуғулланмаган» деган маънони билдирарди. Хуллас, Отажон Ҳошимов бошига ҳар қанча қилич келмасин, ҳеч қачон миллатчи бўлмаганини, ҳеч қачон аксилнқилобий фаолият билан шуғулланмаганини, эсини таниганидан бери совет халқига ҳалол хизмат қилиб келганини уқдиради. Аммо турманинг тош деворлари соқов ва гунг эди, зиндонбонлар эса унинг таваллою илтижолагарига масхара билан жавоб берардилар. Ниҳоят, 1938 йилнинг 5 октябри ҳам етиб келади. Шу куни СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси сайёр мажлисида Отажон Ҳошимовнинг ишини кўради. Отажон Ҳошимовнинг жиний ишидан олинган кўчирмада айтилишича, суд мажлисига Бригада ҳарбий юристи Алексеев раислик қилган. Суд аъзолари Бригада ҳарбий юристи Зайцев, 1-разрядли ҳарбий юрист Болдиревлар бўлган. 1-разрядли ҳарбий юрист Батнер котиблик қилган. Суд мажлисида қораловчи ҳам, оқловчи ҳам иштирок этмаган. Гувоҳлар ҳам бўлмаган, тергов давомида қайд қилинган баъзи бир гувоҳлик кўрсатмалари ўқиб берилган, холос. Айбланувчи сўнгги сўзида ҳеч қачон буржуа миллатчиси бўлмаганини ва ўзини

айбдор деб ҳисобламаслигини маълум қилган. Лекин шунга қарамай, суд Отажон Ҳошимовнинг айбини тўла тасдиқланган деб ҳисоблаган ва олий жазога – отишга ҳукм қилган. Кўчирмада кўрсатилишича, ҳукмда СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабрдаги қарорига кўра ҳукм кечиктирмасдан дарҳол ижро этилмоғи зарурлиги таъкидланган. Аммо жиноят ишининг 104-саҳифасида ҳукм... 1938 йилнинг 4 октябрида ижро этилгани айтилган. Демак, ҳукм чиқарилганда Отажон Ҳошимов аллақачон отиб ташланган экан-да! Демак: у суд мажлисида гапирмаган, чунки унда иштирок этган эмас. Демак, суд мажлисининг протоколи мутлақо қалбаки, унинг биронта ҳарфига ишониш мумкин эмас. Савол туғилади – наҳотки юқорида номлари зикр этилган олий рутбалик юристларнинг биронтаси ҳам ҳукмга имзо чекаётганда қўли қалтирамадийкин? Наҳотки, қонунпарварликдай, қонунни ҳимоя қилиш ва жорий этишдай, қонун номи билан адолатни барқарор этишдай улуғ вазифа, олижаноб мажбурият зиммасига юклатилган тўрт юрист мутлақо бегуноҳ бир одамни энг оддий ҳуқуқ қоидаларини, тартибларини поймол қилган ҳолда ўлимга ҳукм қилиб, ўта виждонсиз бир иш қилиб ўтирса? Бу – том маънодаги жаллодлик-ку! Қўллари тирсагигача бегуноҳ одамнинг қонига ботган бу тўрт ҳарбий юрист йиллар мобайнида болаларининг кўзига қандай қараганийкин? Ютган ҳар тишлам нони ҳалқумидан қандай ўтганийкин? Ёки... протокол қалбаки бўлганидай, ҳарбий коллегиянинг сайёр мажлиси ҳам қалбакимикан? Ҳеч қанақа суд мажлиси бўлмаган-у, маҳбусни отиб ташлаб, кейин шунчаки номигагина расмийлаштириб қўйилганмикин?

Бу ўринда яна бир фактни таъкидламоқ керак. Кейинги пайтларда эълон қилинган материалларга қараганда, 1938 йилнинг 4 октябрида биргина Отажон Ҳошимов қатл этилган эмас. Худди шу кун Тошкентда Абдулла Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам отилган ва уларни отиш ҳақидаги ҳукм ҳам 1938 йил 5 октябрида чиқарилган. Балки бошқа яна кўпгина ёзувчиларнинг қисмати ҳам шундоқ бўлгандир – буни катта идораларнинг темир сандиқларида ҳамон дахлсиз ётган ҳужжатларни ўрганиш асосида аниқлаш керак. Аммо нима бўлганда ҳам, шу уч забардаст сиймонинг

қатл куни адабиётимиз тарихидаги энг қора кун бўлиб қолади.

Отажон Ҳошимовга нисбатан қилинган зулм ва адолатсизлик шу билан битгани йўқ — қатл қилингандан сўнг унинг қўлёмалари ҳам, босилган асарлари ҳам махсус омборларга темир панжалар ортига тиқиб қўйилади, унинг мақолалари чоп этилган журналлар китобхонларга берилмади. Худди Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар каби унинг асарларини ўқиш ҳам ғоят хатарли эди — бунинг учун ўқиган одам қаттиқ жазоланар, ҳатто халқ душмани сифатида озодликдан маҳрум этилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Отажон Ҳошимовнинг ўзини жисмонан йўқ қилиш билан чекланмай, унинг номини адабиёт ва маданият тарихидан буткул ўчириб ташлаш учун ҳам астойдил ҳаркат қилинди. Буларнинг бари 1956 йилга қадар, яъни КПСС XX съездида Сталин шахсига сиғиниш фош қилингунга қадар давом этди. Фақат 1957 йилнинг 9 май кунигина Отажон Ҳошимов бутунлай оқланди.

Шундан бери ҳам 33 йил вақт ўтди. Тафаккуримизнинг қотиб қолгани сабабли ёхуд белгилаб қўйилган чизикдан чиқмаслик қон-қонимизга сингиб кетгани учунми, ё қўрқув бутун вужудимизга чуқур томир отиб кетгани туйғайлими, ҳар қалай, шу йиллар мобайнида худди Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирларга нисбатан қилганимиздек, Отажон Ҳошимовга нисбатан ҳам уни адабиётдаги ўз ўрнига қайтариш борасида ғоят сусткашлик қилдик. Бу масалада катталаримиз бизга шошмасликни маслаҳат беришди ва биз шошилмадик. Энди маълум бўляптики, жуда-жуда кечикибмиз. Тўғри, бу йиллар мобайнида Отажон Ҳошимов ҳақида тўла сукут сақланди десак ҳам унча тўғри бўлмайди. Унинг ҳақида Ўзбек қомусида, ўзбек совет адабиёти тарихида, адабий танқид тарихида материаллар босилди, айрим журналларда мақолалар эълон қилинди. Бироқ буларнинг бари унинг ёрқин номини тиклаш учун мутлақо кифоя эмас эди. Лоақал биргина фактнинг ўзи — шу пайтга қадар Отажон Ҳошимовнинг танланган асарлари нашр этилмагани, бизнинг бу ажойиб инсон олдидаги қарзимиз нечоғлик катта эканини кўрсатади.

Отажон Ҳошимовдан бой ва ранг-баранг илмий ме-

рос қолган. Бу мерос рисоалардан, мақолалардан, тақрирлардан ташкил топади. Уларнинг анчагина қисми 20-йилларда турли-туман журналлар ва мажмуаларда араб ёзувида босилган, қолган қисми эса 30-йилларда дунё юзини кўрган асарлардир. Отажон Ҳошимовнинг асарлари ўз вақтида адабий жараёнда сезиларли роль ўйнаган, даврнинг энг долзарб масалаларига бағишланган, ўша давр назариясининг ютуқларига таяниб яратилган. Тўғри, бу мақолалар ва рисоалардаги ғоялар, назарий умумлашмалар, синчков кузатишлар заминида туғилган мулоҳазаларнинг ҳаммаси ҳам шафқатсиз вақт синовига бардош беролгани йўқ. Бироқ, бу ҳол ёлғиз Отажон Ҳошимовнинг ўзигагина тегишли эмас — бугунги кунда етмиш йиллик ҳаётимизнинг жуда кўп жиҳатлари, сажда қилган идеаларимиз, ҳақиқат деб сифиниб келган қонунқоидаларимиз хато бўлиб чиқди. Шунинг учун Отажон Ҳошимовнинг ҳам илмий меросини ўрганганда, биринчи навбатда, бу истеъдодли мунаққиднинг ўз даврининг фарзанди бўлганини, бинобарин, унинг қарашларида замонасининг кучли томонлари ҳам, нуқсон ва хатолари ҳам ифодаланганини эътиборда тутиш керак. Шу сабабдан унинг мақолалари, бир томондан, ёш ўзбек адабиётининг ривожига, сифат жиҳатидан юксалишига кўмаклашган бўлса, иккинчи томондан, адабиётга бир томонлама, догматик қарашларнинг авж олишига ҳам замин бўлди. Шу маънода Отажон Ҳошимовнинг илмий-танқидий мероси бугунги кунда биз учун, даставвал адабиётимиз тарихининг муҳим факти сифатида қадрлидир. Биз шу мақолаларни ўқиб-ўрганиб, адабиётимиз босиб ўтган йўл нечоғлик мураккаб бўлганини, тўғри йўлни топгунча кўпгина адашишларни бошидан кечирганини, катта-кичик хатоларга йўл қўйганини билиб оламиз. Халқнинг ўз-ўзини таниш жараёни ҳеч қачон осон кечган эмас. Шунингдек, ўз-ўзини танишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлмиш адабиёт ҳақидаги ҳақиқатни излаш, бу борадаги сохта тасаввурларга барҳам бериб, тўғри, объектив, илмий тушунчаларни шакллантириш жараёни ҳам жуда кескин курашлар ичида содир бўлган. Отажон Ҳошимовнинг адабий мероси, биринчи навбатда, адабиётшунос мутахассислар ва адабиёт ихлосмандларининг ана шу

йўл ҳақидаги тасаввурларини бойитади. Шу маънода унинг мероси жамики фазилатлари ва нуқсонлари билан бирга адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимиз тарихининг таркибий қисмини ташкил этади.

Отажон Ҳошимовнинг матбуотда босилган биринчи мақоласи танқидий асар эмас, балки соф фалсафий муаммоларга бағишланган бўлиб, «Диалектика ҳам диалектика усулида ўйлаш» деб аталади. Мақола 1925 йилда «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 3- ва 7-8-сонларида босилган. 20 яшар муаллифнинг мазкур мақоласи ўзбек тилида марксча фалсафа муаммоларидан баҳс қилувчи биринчи асар бўлса ва «диалектика» атамаси тилимизда биринчи бора шу мақолада қўлланган бўлса, ажаб эмас. Мен файласуф эмасман, мақоланинг мазмунини таҳлил қилолмайман, аммо бу мақола муаллифининг шахсияти тўғрисида, илмий қизиқишининг уфқлари, савияси ҳақида муайян тасаввур берадики, булар тўғрисида тўхташ жоиз деб ўйлайман. Аввало, мақола Отажон Ҳошимовнинг фалсафа ва ижтимоий тафаккур тарихи бобидаги билимлари анча пухта эканидан далолат беради. Эсингизда бўлса, бу даврда Отажон Ҳошимов ҳали аспирантурага киргани йўқ, бор-йўғи ишчилар факультетини тугатиб, Қизил профессорлар институтининг тайёрлов бўлимига қабул қилинган эди. Кўринадики, ҳали олий таълим босқичларини ўтмай туриб, Отажон мустақил ишлаш оқибатида фалсафадек мураккаб фаннинг асосларини анча чуқур ўзлаштирган. Мақолада Арасту, Суқрот, Афлотун каби файласуфлар ҳақида гап кетади, уларнинг қарашлари таҳлил қилинади, фалсафий фикр ривожига кўшган ҳиссалари белгиланади, шунингдек, мақолада Гегель диалектикаси ҳам атрофлича баён қилинган. Тўғри, Гегелга берилган баҳода ўша даврда ижтимоий фанлар соҳасида анча кенг тарқалган нигилизмнинг таъсири сезилади, муаллиф бир томонлама мавқеда туриб, Гегелнинг бугунги кун учун қимматини рад этади: «Гегелнинг дунёнинг асосига қўйган фикри (идея) емирила бошлаб, дунёни Гегелча тушунишликнинг одамнинг табиат билан қарашади, табиат сирларини билишда фойдаси йўқлиги очиқ билина бошлади». Ўша йиллар фалсафасидагина эмас, ундан кейин ҳам кўп вақт мобайнида Гегелнинг идеализминини рад қилиш ба-



ҳонасида, умуман, унинг фалсафий системасига ишонч-сизлик билан қараш, уни камситиш авж олди. Бунда ёш Отажон ҳам ана шу ҳукмрон кўрсатма ёхуд қоида таъсиридан чиқиб кетолмаган. Мақолада диалектик тафаккур масалаларини талқин қилишда бошқа нуқсонлар ёхуд мунозарали уринишлар ҳам анчагина. Айни чоғда мақолани жозибадор қиладиган жонли лавҳалар ҳам етарли. Жумладан, муаллиф Суқротнинг диалектик тафаккурини кўрсатувчи ибратли мисоллар ҳам келтиради: «Суқротнинг диалектика усулида ўйлаши душманга берган тубандаги саволидан маълумдир. Суқрот душманидан: «ёлғон сўзлаш яхшими ёки ёмонми?» деб сўрагон эди, душмани: «Албатта, ёмон» деб жавоб берган эди. Кейин Суқрот: «агар бир касалга тахир дорини бериш учун биз ул касални алдаб, мазкур дорини ширин деб берсак, қилгон ишимиз ёмонми бўладур?» деб қайтариб сўрагон. Ул вақт душмани: «албатта, бундай ишлар бўлиб турадир» деб жавоб бергон. Суқрот бул жавобни олғач, душманига: «демак, ҳар нарса тўғрисида қатъий сўзлаб бўлмайдур. Баъзи вақтда ёлғончилик яхши, баъзи вақтда ёмон бўладур» деб жавоб берган эди».

Бу ўринда баёндаги жиндай ғализликни эътиборга олмасак, бизнинг тушунчаларимизнинг нисбий экани дуруст очилган. Бундан ташқари, мазкур мақолада «мунозара қилингон вақтдагина бир тўғри фикрга келиш мумкин» деганга ўхшаш методологик жиҳатдан тўғри фикрлар олға суриладики, бу ҳозир ҳам эскирган эмас.

Кўринадики, Отажон Ҳошимовнинг биринчи мақоласидаёқ бугун эскириб қолган айрим жиҳатларига қарамай, анча-мунча ўзига хос томонларга эга эди ва илм дунёсига ғоят иқтидорли, мустақил фикрлай оладиган мутахассис кириб келаётганидан далолат берарди.

Отажон Ҳошимовнинг илмий меросида шундай мақолалар ҳам борки, биринчи қарашда, улар аҳамиятсиздай, шунчаки ахборот беришдан нарига ўтмайдигандай туюлади. Бироқ уларга менсимай қараш мутлақо тўғри бўлмас эди. Улар айни шу ахборотлари билан ҳам диққатга сазовордир, чунки уларда 30-йилларда тарих, адабиёт-шунослик, тилшунослик соҳаларида қандай йўналишларда

нима қилингани ҳақида кўплаб фактик маълумотлар борки, улар бугунги кунда фанимиз тарихини ўрганишида ғоят қимматлидир. Бундан ташқари уларда шундай мулоҳазалар ва кузатишлар учрайдики, ўзларининг теранликлари билан улар бугун ҳам илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина «Ўзбекистонда илмий ишлар» деган мақолани эслаш етарли. Унда Фитратнинг «Ўзбек музыка тарихи», «Эски турк адабиёти намуналари» деган асарлари ҳақида, «Тарихи Абдуллаи Балхий», «Жомеъат-таворих», «Тарихи тарокима» каби нашрга тайёрланган тарихий асарлар ҳақида маълумот берилади, халқ бахшиларидан ёзиб олинган дostonлар саналади. Шунингдек, Отажон Ҳошимов мақолада тилшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳақида сўзлар экан, йўл-йўлакай атамалар яратиш принциплари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён қилади. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақидаги Қонун амал қилаётган бир шароитда, атамалар яратишда, сўз қўллашда зиддиятли хатолар кузатилаётган бир вазиятда Отажон Ҳошимовнинг ярим аср аввал айтиб кетган мулоҳазалари ғоят диққатга лойиқдир. У атама яратишда тўрт принципга амал қилишни таклиф қилади:

1. Атамалар мумкин қадар ўзбекча бўлсин.
2. Мумкин бўлганда атама ўзбекчага таржима қилинади.
3. Ўзбек тилига кириб қолган арабча-форсча сўзлар ташланмайди ва янгилари олинмайди.
4. Ўзбекчада бўлмаган ва таржима қилиниши мумкин бўлмаган байналмилал сўзлар ўзбек тили савтиясига (фонетикасига) бўйсундирилиб қабул қилинади.

Бундай қимматли фикрлар Отажон Ҳошимовнинг ўзбек тили ва халқ оғзаки ижодига бағишланган мақолаларида ҳам кўп учрайди. Бугун биз кўпгина соҳаларда янги атамалар излаяпмиз. Отажон Ҳошимовнинг мақолалари бу жиҳатдан ҳам бизга асқотиши мумкин — уларда қўлланган айрим атамаларни бугунги тилимизга кўчиришни ўйласак ёмон бўлмасди. Масалан, унинг мақолаларида «капитализм» ўрнида «сармоядорлик», «натурал хўжалик» ўрнида «табиий рўзғор», «монополия» ўрнида «инҳисор», «эле-

мент» ўрнида «унсур» каби сўзлар қўлланилганки, ҳар ҳолда, Отажон Ҳошимовнинг меросини бу жиҳатдан ҳам ўрганса арзийди.

Отажон Ҳошимовнинг фавқулодда иқтидори, билим-донлиги, масаланинг моҳиятига чуқур кириб борадиган аналитик тафаккур эгаси экани, айниқса, унинг адабий-танқидий мақолаларида яққол кўзга ташланади. Уларнинг кўпчилиги назарий масалаларга бағишланган бўлиб, ўзбек адабиётининг материаллари асосида энг долзарб муаммолар тўғрисида баҳс қилади.

Шундай муаммолардан бири адабий мерос масаласидир. Маълумки, 20-йиллар мобайнида ҳам, 30-йилларнинг бошида ҳам адабий мерос масаласи фавқулодда муҳим аҳамият касб этди. Меросга муносабат масаласи, ундан фойдаланиш муаммолари фақат назарий қимматгагина эмас, муайян амалий қимматга ҳам эга эди. Маданият соҳасида кун тартибининг марказида янги социалистик адабиётни ёхуд ўша давр ибораси билан айтадиган бўлсак, пролетар адабиётини қандай яратиш масаласи турарди. Пролетар адабиёти қандай адабиёт? У қаердан пайдо бўлиб қолган? Унинг ўтмиш маданиятга муносабати қанақа? Пролетар адабиёти ёхуд кенгроқ маънода пролетар маданияти соф, мутлақо янги, ўйлаб топилган маданиятми ё асрлар давомида яратилиб келинган маданиятнинг меросхўрими? 20-йилларда шу масалалар атрофида жуда кескин баҳслар бўлган, марказда ҳам, жумҳуриятларда ҳам манман деган олимлар ўз иқтидорларини намойиш этиб, ўзларининг «марксизм»га садоқатларини кўз-кўз қилиб, муросасиз найрангбозликлар қилишган. Бу борада, айниқса, ўзларини пролетар маданиятининг мутахассислари, назариячилари деб атаган одамлар зўр жонбозлик кўрсатишган. Уларнинг ўзларича тушунган марксизмни маданият соҳасига «татбиқ» қилгандаги иштиёқи шу даражада чегарадан чиқиб кетганки, натижада «соф» пролетар маданияти ҳақидаги «таълимотлар» пайдо бўлган, ижтимоий келиб чиқиши пролетар синфига мансуб одамларгина ёзувчи сифатида тан олинган. Пушкину Толстойга ўхшаш санъаткорлар оқсуяклар, киборлар тоифасидан бўлга-

ни учун рад этилган, маданиятнинг «синфийлиги», «партиявийлиги» ҳақидаги қарашлар ўта бир томонлама, ўта муболаға билан, ўта сектантларча талқин қилиниб, маданият ривожига эмас, унинг таназзулига хизмат қиладиган даражага етказилган. Бундай сўл қарашларнинг тарғиботчи аскарлари Ўзбекистонда ҳам бўлган. Бизда, айниқса, 20-йилларнинг иккинчи ярмида мафкуравий кураш кескинлашиши муносабати билан айрим «назариячилар» пролетар адабиётининг «софлиги» учун кураш ниқоби остида ўтмиш маданияти, адабий меросни буткул инкор эта бошладилар. Улар ашаддий нигилистик позицияда турган ҳолда ўтмишда яратилган адабиётнинг ҳаммасини реакцион, мистик, зарарли, синфий жиҳатдан бизга ёт деб эълон қилишди. Бу борада, айниқса, Бойбўлатов деган «назариячи» жуда катта «фаоллик» кўрсатди. Бир қатор мақолалар эълон қилиш билан қаноатланмай, 30-йилларнинг бошида рус ва ўзбек тилларида «Чигатоизмми ёки пантуркизмми?» деган дағдағали сарлавҳа билан китоб ҳам чиқарди. Бойбўлатов, масалан, «Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик» деган мақоласида («Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 13,14,15-май) ҳеч тортинмасдан шундай дейди: «Чигатой шоирларидан ҳозирги ўзбек пролетар адабиёти учун қандай бўлса ҳам бир нарса ола олишимиз шубҳалидир. Бунда икки турли фикр бўлиши мумкин эмас, албатта. Биз ундан пролетар адабиёти туғдириш учун фойдалана олмаймиз». Юқорида номи зикр этилган рисолада эса Бойбўлатов бундан-да кескинроқ мавқени эгаллади — энди у Алишер Навоийни ҳам мистик шоир деб эълон қилади ва унинг номини тилга олувчиларнинг устига бири-биридан даҳшатли таҳдидлар ва ҳақоратлар ёғдиради. Бундай қарашларга зарба бермасдан туриб, янги маданиятни барпо этиш ва ривожлантириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Юксак санъат намунаси бўлган муҳташам бинолар фақат инқилобдан аввал яратилган важидан портлатилаётган, кунпаякун қилинаётган бир шароитда, нодир ва қимматбаҳо қўлёзма китоблар фақат араб ёзувида ёзилган важидан қабристонларга кўмилаётган, сувларга оқизиляётган бир шароит-

да, Бойбўлатовга ўхшаш «дўппи олиб кел» деса, бош олиб келишга тайёр турган сўл «азаматлар» айюҳаннос солиб, дунёни бошига кўтараётган бир шароитда адабий меросни ҳимоя қилиб чиқиш учун катта жасорат талаб қилинарди. Отажон Ҳошимов ёш бўлишига қарамай, мана шу оғир ишни зиммасига олади. У «Пролетариат ва чигатой адабиёти» (1928), «Пролетариат адабиёти ва адабий мерос» (1928), «Ленин ва маданий инқилоб» (1929), «Адабий мерос ва чигатой адабиёти» (1929) каби мақолалар ёзади ва уларнинг ҳаммасида ўзбек халқининг бой меросини сақлаб қолиш учун, уни халққа қайтариш учун курашади. Отажон Ҳошимов Лениннинг маданий мерос ҳақидаги қарашларига таяниб, пролетар маданиятининг моҳиятини тўғри белгилайди. У «пролетариат санъати, адабиёти осмондан тушмади ёки бирдан пайдо бўлиб қолмади, уни бир-икки киши ўйлаб ҳам чиқармади» деб ёзади. Бу фикрдан мантиқан пролетар адабиёти асрлар давомида яратилган маданиятнинг қонуний ворисидир деган хулоса келиб чиқади. Отажон Ҳошимов ўтмиш адабиётини ялписига формализмда айбловчиларга ҳам қарши чиқади. У ёзади: «Чигатой адабиёти бошдан оёқ «санъат санъат учун» фикри, назарияси, руҳи билан суғорилгандир» деган фикрга ёхуд бу адабиёт «шакли безак, зийнат адабиётидир» деган фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди».

Мақолада Отажон Ҳошимов бу мулоҳазаларини Лутфий газалининг таҳлили билан изоҳламоқчи бўлади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу мақолаларда Отажон Ҳошимовнинг ўтмиш адабиётини жуда яхши билгани, тарихдан мукаммал хабардор экани яққол кўриниб туради. У мақолаларида «Тузукоти Темур» каби бирламчи қўлёзма манбалардан фойдаланади, XIV асрда Темур саройига сафар қилган итальян сайёҳи Клавихонинг китобларидан парчалар келтиради. 1929 йилда ҳали буларнинг ҳеч қайсиси нашр қилинмаганини, қўлёзма ҳолида бўлганини эсласак, Отажон Ҳошимовнинг ўз ишига нечоғли масъулият билан қарагани маълум бўлади.

Отажон Ҳошимов адабий мерос масалаларига бағишланган мақолаларида ўзбек адабиётини фақат ўз қобиғига

ўралган ҳолда, бошқа адабиётлардан ажратиб олиб таҳлил қилмайди, балки уни Шарқ адабиётининг узвий қисми сифатида, ўзига хос бир бўлаги сифатида текширади. Шу муносабат билан у шарқ адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп гапирди, шарқ адабиёти билан ғарб адабиёти орасига айният белгисини қўйиб бўлмаслигини таъкидлайди. Ва бундан хулоса қилиб, шарқ адабиётига марксизм қоидаларини механик тарзда татбиқ қилиб бўлмаслигини, ижодий руҳда иш юритиш зарурлигини уқтиради. Бу тўғри ва самарали фикр эди. Аммо кейинроқ уни «халқ душмани»га чиқариш зарур бўлганида унинг адабий мерос ҳақидаги мақолаларидан ҳам, шарқнинг ўзига хослиги ҳақидаги фикридан ҳам фойдаланишган эди. Гўёки Отажон Ҳошимов мақолаларида ўтмишга танқидий муносабатда бўлмаган, гўёки у Темур даврини идеаллаштирган, гўёки у кўпгина ишларида «марксизм шарққа тўғри келмайди» деган даъвони олға сурган. — Ҳа, у йилларда виждонини ютиб, оқни қора дегувчилар ўз ишларига анча моҳир бўлишган. Ҳолбуки, унинг мақолаларида бутунлай тескари аҳволни кўрамиз, яъни ўтмишни идеаллаштириш эмас, адабий мерос ҳақида асосланмаган танқидий фикрлар айтилган ёки марксизмни шарққа ижодий татбиқ қилиш ҳақидаги тўғри фикрини изчиллик билан охирига етказмаган. Умуман олганда эса, кўпгина мақолаларида Отажон Ҳошимов мустақил фикрлашга интилган бўлсада, ўша даврнинг ҳукмрон қолипларини ёриб чиқиб кетолмаган.

Отажон Ҳошимов 1928 йилда ёзилган «Пролетариат ва чигатой адабиёти тўғрисида» мақоласида ёзади: «Эски маданий меросдан кўп нарса феодализм, капитализм фикрига боп қилинган. Бу жамиятларда ҳукм сурган синфларнинг руҳи киритилган. Шунинг учун пролетариат бу эски маданий мероснинг ҳаммасини тўғридан-тўғри қабул қилиб, ўз мақсади учун ишлатолмайди, ишлатишдан илгари уни феодализм, капитализм синфлари фикри, руҳидан тозалашни, марксизм усули билан пролетариат фикри, нуқтаи назаридан уни бошқатдан кўриб, ишлаб чиқиши керак».

Отажон Ҳошимов кўпгина мақолаларида замонавий

адабиёт ҳақида гапирганида унинг бадиий юксаклиги учун, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги учун қайғуради, асарларнинг баркамол бўлишига йўл қўймаётган нуқсонларни тўғри очади, «ғоявийлик» ниқоби остида томир ёяётган схематизмга, мавзунинг актуаллиги билан асарнинг заифлигини хаспўшлашга уринувчиларга кескин зарба беради. Масалан, 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, мамлакатни саноатлаштириш сиёсати амалга оша бошлагани муносабати билан бутун совет адабиётида бўлгани каби, ўзбек адабиётида ҳам саноат мавзуи биринчи ўринга чиқа бошлади. Асарларда завод ва фабрикалар тез-тез тилга олина бошлади, ишчилар ҳаётига кенгроқ ўрин берилди бошланди. Аммо кўп ҳолларда ёзувчилар бу мавзунини жуда юзаки ёритдилар. Асарларда, ҳатто шеърятда ишчилар ҳаётини ҳаққоний ёритиш ўрнига болгаларнинг тақир-туқури, машиналарнинг шов-шуви, завод мўриларида чикқан тутунлар, фабрика гудокларининг ёқимли садолари ва ҳоказолар куйлана бошланди. Шоирлар тасаввурида ана шу ташқи белгиларнинг ўзи билан ишчилар образини барпо этишдек катта вазифа бажарилиши мумкин эди. Бу бутун адабиётда юзакиликни вужудга келтирди, адабиётдан, шеърятдан путур кета бошлади. Отажон Ҳошимов бу ҳолни қаттиқ қоралайди:

«Заводга борадилар, у ерда кўрган нарсаларини, эшитган сўзларини юзаки тасвир этиб берадилар. Тонг отиши, гудок чалиниши, ишчиларни уйғотишини, клубга боришларини ҳам шунга ўхшашларни кўрсатадилар».

Отажон Ҳошимов реализмнинг ашаддий душмани схематизм эканини яхши тушунади ва 30-йиллар адабиётида схематизм қандай шаклларда намоён бўлишини ҳам очади: «турмушни кўрсатишда ўзбек шўро адабиётида схематизм учрайди. Бу схематизм бирда озроқ ҳамда бирда кўпроқ бўлса-да, ўзбек шўро ёзувчиларининг ҳаммасида учрайди».

Хўш, бу схематизм нималарда намоён бўлади?

«Масалан, ҳозирги завод-фабрикаларимизни шундай кўрсатурлар: завод, албатта, зарбдор, бутун ишчилар ялпи масса, меҳнатда бир хил онгли даражададирлар, ҳамма-

лари ҳам план билан ишлайдилар, планни бутунлай ба-  
жаралар ва шунинг кабилар».

Отажон Ҳошимов асарларда «темир, чўян, пўлат ва шунга ўхшашлар» кўпайиб кетганини кескин қоралайди, «пролетар ёзувчиси» бўлмоқ учун бунақа нарсаларни асарга киритиш шарт эмаслигини уқтиради ва шўро адабиётини яратиш ҳам унинг такомили масаласи мавзудангина иборат бўлса эди, «иш жуда осон бўларди» деган ғоят тўғри фикрни олға суради. Отажон Ҳошимов адабиётдаги жиддий нуқсонлардан яна бирини «шиорийликда» кўради, «шиорийлик», «шиори тамойил» катта камчиликдир. Буни йўқотиш керак, деб ҳисоблайди. Бунга ўхшаш камчиликларнинг илдизи эса ҳаётини яхши билмасликка бориб тақалади. Кўрамизки, Отажон Ҳошимов замонавий адабий жараённи чуқур тушунган, ундаги ижобий ва салбий тамойилларни аниқ фарқлай олган, ёш «шўро адабиётининг» ўсишига халақит бераётган нуқсонларни тўғри белгилаган. Бироқ тўғри белгиланган-у, кўп ҳолларда масаланинг туб моҳиятига кириб борган эмас. Масалан, шеърларда, бошқа асарларида кўплаб учрайдиган темир-терсақлар, вағ-вуғлар унинг жонига теккан, унинг ғашини келтиради-ю, лекин у бундай асарларнинг адабиётга мутлақо алоқаси йўқлигини баралла айтмайди, «бу — адабиёт эмас» дейишга тили бормайди. Ёхуд у адабиётдаги схематизмни танқид қилади, шиорбозликни қоралайди-ю, уларни туғдирган бош сабаб — адабиётни бир томонлама тушуниш, унинг моҳиятини юзаки изоҳлаш, адабиётни ҳаддан ташқари мафкуралаштириш, унинг олдига догматик талаблар қўйиш эканини айтмайди. Албатта, 30-йиллар шароитида буни айтишга имкон йўқ эди. Кўринадики, Отажон Ҳошимовнинг илмий-адабий меросида ана шундай бақувват, ёрқин томонлар давр тақозоси туфайли туғилган маҳдудликлар ва нуқсонлар билан чирмашиб кетган. Шунинг учун уни пардозламасдан, борица қабул қилайлик. Пардозсиз ҳам Отажон Ҳошимов ўз асарларида адабиётимиз тарихида муайян роль ўйнаган, ўзига хос тафаккурга эга сиймо тарзида кўринади. Адабиётимиз осмонида унинг ҳам юлдузи милт-милт ёниб турибди.



## САЪДУЛЛА ҚОСИМОВНИ БИЛГАН БОРМИ?

«Ораларингда Саъдулла Қосимовни билган борми?» Менинг бу саволимга ҳозирги ёшлар елка қисиб жавоб беради. Кексароқ одамларнинг ҳам кўпчилиги «Йўқ, билмаймиз» дейди. Фақат аҳён-аҳёндагина битта-ярим мункиллаган, лекин қиёфасидан бир замонлар зиёлилар тоифасига мансублиги сезилиб турадиган қария: «Қулоғимга чалингандек бўлган эди, лекин ким эканини, нима ишлар қилганини билмайман» дейди афсус билан. Мен бу саволни одамларга кўпдан бери бераман, адашмасам, буни суриштира бошлаганимга камида эллик йил бўлди-ёв...

Мана ҳозир сиз ҳам «Билмайман, эшитмаганман» деб турибсиз. Гарчи ярим аср мобайнида одамлардан бу инсон тўғрисида тузукроқ бирон маълумот ололмаган бўлсамда, изланишларимни тўхтатганим йўқ ва натижада тўла бўлмаса-да, унинг тўғрисида бир оз тасаввурга эга бўлдим. Бироқ шу чала тасаввуримнинг ўзиёқ шаҳид кетган бу йигит олдида, унинг пок хотираси қаршисида бош эгишга мажбур қилади. Истасангиз, шўро замонида бегуноҳ завоқ топган шаҳидлардан яна бирининг аламли қисмати ҳақидаги ҳикояни мен айтмай, сиз тинланг.

... Кўзингизни бир лаҳза юминг, азиз ўқувчим, ва ўзингизни бундан етмиш икки йил аввалги Самарқандда деб ҳис қилинг. Ўша кезларда Самарқанд Ўзбекистоннинг пойтахти эди. Табиийки, республикада ҳамманинг нигоҳи унга қаратилган, ўлка ҳаётидаги ҳамма йирик воқеалар пойтахтда содир бўларди. Мана, бугун — 1930 йилнинг 21 июнь куни бу шаҳарда бутун республикани тўлқинлантирган, салкам уч ойдан бери давом этган, довруғи оғизлардан оғизларга кўчиб юрган суд жараёни тугамоқда. Бугун ҳукм ўқилмоқда...

Кўримсизгина бир иморатнинг чоғроқ зали. Уч ойдан бери давом этаётган суд жараёнининг овозаси ҳамма ёқни тутиб кетган бўлса-да, суд залида одам кам. Бунақа суд мажлисларига кўп одам киритилмайди — улар «очиқ» деб аталсалар-да, аслида «ёпиқ» мажлислардан фарқи йўқ. Фақат судланувчиларнинг яқин қариндошларига-ю, махсус

текширувдан ўтказилган тўрт-бешта «томошабин»га рухсатнома берилади, холос.

Ҳукм ўқилаётганига 5 соатлар бўлиб қолди. Авжи саратон, ҳаво дим. Иссиққа чидаб бўлмайди. Одамлар терга ботган, кийимлар жиққа хўл. Суд раиси ҳам овози совуқдан-совуқ, худди чаласавод одамдек тутилиб-тутилиб, сўзларни ямлаб, тушуниб бўлмайдиган талаффузда ҳукм ўқимоқда. Залдагилар аллақачон сиқилиб, тарс ёрилиб кетадиган даражага етган бўлса-да, миқ этмай тинглашга мажбур — қондаси шунақа — ҳукми судьянинг ўзи ўқиб эшиттиради. Унга қолса-ку, аллақачон жонига тегиб улгурган шаҳарни ҳам, бу суд мажлисини ҳам ташлаб, жон-жон деб салқингина Москвасига қайтиб кетарди, бу димиққан залда сувдан чиқариб олинган балиқдай, ҳавонинг етишмаслигидан қаппа-қаппа оғзини очиб ўтирмас эди. Аммо ундай қилиб бўлмайди.

Ниҳоят, ҳамма сабрсизлик билан кутаётган фурсат ҳам етиб келди — судья маҳкумларга қандай жазо берилганини ўқий бошлади:

«Судланувчиларнинг юқорида зикр этилган жиноятларда айбдор эканини аниқлаб, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Олий Суди

#### ҲУКМ ҚИЛАДИ:

1. Саъдулла Рашидович Қосимов... олий жазога — отувга, унга тегишли ҳамма молу мулки мусодара қилишга...

2. Бадриддин Шарипов... олий жазога — отувга, унга тегишли ҳамма молу мулки мусодара қилишга...

3. Насриддин Олимов... олий жазога — отувга, унга тегишли ҳамма молу мулки мусодара қилишга...

4. Вячеслав Петрович Спиридонов — олий жазога, молу мулки мусодара қилишга ҳукм қилинсин».

Бундан ташқари, ҳукмда Мирсоат Мирзокиров, Акбар Самигҗонов ва Рустамхўжа Иброҳимхўжаевларнинг ҳар хил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлари айтилган эди.

Албатта, бу суд жараёни шунчаки оддий бир жиноий ишни кўрмаётгани, балки у сиёсий жараён экани, шунинг учун суд ҳукми бошқача бўлиши мумкин эмаслиги

аввалданоқ ҳаммага маълум эди. Буни маҳкумларнинг қариндош-уруғлари ҳам билишарди. Лекин шунга қарамай, бу ҳукм уларга ногаҳон портлаган бомбадай таъсир қилди. Залда қий-чув бўлиб кетди. Кимдир уввос солиб фарёд кўтарди, кимдир чинқариб юборди. Яна кимдир ҳушидан кетиб йиқилди. «Сув! Сув беринг!» деган ҳайқириклар янгради. Суднинг котиби йўғон овоз билан залдагиларга ўшқирди: «Жим! Жим бўлинглар!»

Суд аъзолари, терговчилар, жамоатчи ҳимоячилар апил-тапил қоғозларини йиғиштириб, залдан чиқиб кетишди.

Суд мажлиси ана шундай тамом бўлди.

Мажлис тамом бўлди-ю, аммо унинг одамлар юрагида туғдирган ваҳимаси қолди. Суд мажлисидан тарқалган ҳалқалар яна анча вақтгача — бир ой эмас, олти ой эмас, камида икки-уч йилгача бутун жамият ҳаётини тўлқинлантириб турди. Суд жараёни бошланиши билан, яъни 1930 йилнинг 25 мартидан бошлаб матбуотда кўтарилган шовқин-сурон, таҳдидли, маъноли, маъносиз даъватлар, ҳар хил дўқ-пўписалару писандалар, огоҳлантиришу қобилмўмин бўлишга чақиришлар яна камида уч йил давом этди. Шўро матбуоти ўша пайтда ҳам пашшадан фил ясашга устаси фаранг эди.

Қосимовнинг иши ҳақидаги материалларга мен биринчи марта 50-йилларнинг ўрталарида рўпара келган эдим. Номзодлик диссертациямга материал йиғиш мақсадида Ўзбекистонда 20—30-йилларда чоп этилган газета таҳламлиларини ва журналларни синчиклаб кўздан кечириб чиқишга тўғри келди. Ўшанда 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб газеталар ва журналларда бот-бот учраб турадиган бир сарлавҳа эътиборимни тортди. Унга қараганда, бу мақоланинг адабиётга дахли йўқ эди, лекин сарлавҳаларнинг ҳар бирида шунақа ғазаб ва нафрат бор эдики, улардан ларзага тушмасликнинг иложи йўқ эди. Сарлавҳаларнинг ҳаммасида рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам Қосимовнинг фамилияси ҳар мақомда такрорланар ва ҳар кўйга солиниб таҳқирланарди. Сарлавҳалар турли шаклда бўлсалар-да, мазмунан бир-бирини айнан такрорларди. — Қосимов пролетариатнинг душмани, ёт унсур, зараркунанда,

порахўр, шўро ҳукуматини ичдан кўпорувчи, бундай га-  
зандаларни мажақлаб ташламоқ керак, Қосимов ва унинг  
думларини таг-туғи билан қуритайлик, бир тўда аксилин-  
қилобчиларга қақшатқич зарба берайлик ва ҳоказо... Бун-  
дай ваҳимали мақолалар деярли икки йил, балки ундан  
ҳам ортиқроқ вақт мобайнида матбуотда мунтазам босила  
борди. Кейин-кейин бунақа сарлавҳалар йўқолди-ю, ҳар  
хил мафкуравий масалаларга бағишланган мақолаларнинг  
ичида ўрни бўлса-бўлмаса, Қосимовчилик қолдиқларини  
аёвсиз фош қилишга ундаган даъватлар учраб турди. Ал-  
батта, буларнинг ҳеч қайсисининг ажабланадиган жойи  
йўқ эди — уларнинг бари ўша замонларда шаклланиб қол-  
ган янгича шўро услубига жуда мос тушарди. Бу услуб-  
нинг характерли белгиларидан бири шунда эдики, ҳар  
қайси газета шундай аюҳаннослар ва асабий замзамалар  
йўли билан ўзининг инқилобий онглигини, шўролар-  
га, коммунистик партияга садоқати чексиз эканини, син-  
фий курашнинг олдинги марраларида дадил кўкрак ке-  
риб бораётганини намоиш қиларди. Уларнинг ажаблана-  
диган томони бошқа нарсада эди — мақолаларда Қосимов  
эҳтирос билан, жунбишга тушиб, аёвсиз фош қилинса-  
да, унинг ўзи ким, нима жиноят қилган, аксилинқилоб-  
чилиги нимада кўринади деганга ўхшаган саволларга улар-  
нинг биронтасидан тайинли жавоб топиб бўлмас эди. Асал-  
нинг ози яхши деган мақол бор. Шунга ўхшаш матбуотда  
босилган гаплар мадҳия бўладими ёхуд фош қилувчи ма-  
қола бўладими, дастлабки пайтларда унга чин деб ишо-  
нилган. Мен ҳам масаланинг бирор тафсилотидан хабар-  
дор бўлмай туриб, Қосимов тўғрисидаги гапларнинг ҳам-  
масига чиппа-чин ишондим, шўро ҳукуматининг ўн уч  
йиллигида шунақа бадкирдорлар, маразлар чиққанига  
ажабландим, уларни ўз вақтида фош қилган ва жазосини  
берган НКВД ходимларига, суд органларига тасаннолар  
ўқидим. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Чинга  
ўхшаган ёлғон ҳам меъёрдан ошса, унинг ёлғонлиги ўз-  
ўзидан билиниб қолади, одамлар ишонмай кўяди. Менда  
ҳам шундай бўлди — бу одамнинг «ёвуз»лигига шубҳа уй-  
ғонди. Мақолаларда тасвирлашганидек, Қосимов ҳар қанча  
зўр ва баҳайбат бўлмасин, ҳатто шериклари билан бирга

Совет Иттифоқини ағдариб ташлай оладиган иқтидорга эга эканига одам ишонгиси келмас эди. Икки йил давомида матбуотда ёғдирилган нафратлару таҳдидлар гўё чумчуқларга қарши тўплардан ўт очишдай беҳуда гап бўлиб кўрина бошлади. Бунинг устига унинг кирдикорларини исбот қиладиган жиддий далилларнинг йўқлиги ҳам матбуот материалларининг ишонтириш кучини кескин камайтирар эди. Хуллас, мен шубҳаларимни ҳеч кимга айтганим йўқ — у пайтларда бунақа гапларни бировга гапириб бўлмас эди, лекин аста-секин ими-жимиди Қосимовнинг кимлигини, қанақа одам бўлгани-ю, нима жиноят қилганини суриштира бошладим. Аммо юқорида айтганимдек, анча вақтгача бу суриштиришлар ҳеч қандай натижа бермади.

Ниҳоят, қайта қуриш ва ошкоралик йилларида калаванинг учини топгандай бўлдим. Кунлардан бирида Абдулла Қаҳҳор романларининг ижодий тарихи тўғрисида илмий иш қилаётган шогирдим Раҳмон Кўчқоров «Сароб» романининг манбалари тўғрисида бир қатор фикрлар айтиб қолди. Улар ҳали адабиётшунослигимизда айтилмаган дадил ва янги фикрлар эди. Мен Раҳмоннинг қандай қилиб бундай фикрларга келганини сўрадим. Аввал унинг айтгиси келмади, тайсалланди, ҳа деб ижиғилаб сўрайверганимдан сўнг у менга учта рисола кўрсатди. Бунинг учови ҳам 30-йилларнинг бошида, рус тилида юпқа муқовада босилган китоблар эди. Улардан бири М. Алексеевнинг «Кўқон мухторияти» деган рисоласи, иккинчи ва учинчиси 1931 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти (ЎзГИЗ)да рус тилида чоп этилган «Акселинқилобия миллатчиликка зарба» ва «Қосимовга қарши, қосимовчиликка қарши» деган китобчалар эди. Уларнинг иккови ҳам Қосимовнинг ишига дахлдор бўлиб, биттаси Қосимов ва унинг шериклари устидан чиқарилган ҳукм, иккинчиси эса шу иш бўйича давлат қораловчиси Р. Катаняннинг нутқидан иборат эди. Қизиги шундаки, рисоаларнинг учовида ҳам «Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий кутубхонаси» деган муҳр босилганди. Китобларнинг сўнгида қизил қалам билан «1932 йил» деб сана қўйилганига қараганда, Абдулла Қаҳҳор ўша кезларда бу китобларни синчиклаб, ҳошия-

ларига белгилар қўйиб ўқиб чиққан ва қай бир жойларидан «Сароб» романини ёзишда фойдаланган. Шу воқеадан бир неча муддат аввал мен Кибриё опанинг ижозати билан уч ёки тўрт кун давомида Абдулла аканинг кутубхонасини «ревизия» қилган эдим — ҳар бир китобни кўздан ўтказиб, уларни муайян тартиб билан қайтадан териб чиққандим. Ўшанда юқоридаги рисоаларга рўпара келганим йўқ. Мен Раҳмондан бу китоблар унинг қўлига қаердан тушиб қолганини суриштирдим. У нимадир деб жавоб бергани эсимда қолмапти. Сўнг бу китобларни ўқиб чиқмоқ учун Раҳмондан сўраб олдим. Лекин уларни ўқишим бир неча йилларга чўзилиб кетди. Рисоалар ҳозир ҳам менинг кутубхонамда сақланмоқда. Хуллас, мен шу рисоалардан илк марта Қосимов тўғрисида маълумотлар олдим.

Қосимов ва унинг шериклари устидан суд жараёни Самарқанд шаҳрида 1930 йилнинг 25 мартдан 21 июнига қадар бўлиб ўтган. Уларни СССР Олий судининг Жиноят-Судлов коллегияси суд қилган. Раис М.И. Васильев-Южин, суд аъзолари Я.П. Дмитриев ва Фахриддин Нуриёв, котиблари А.Ф. Яковлев ва И.С. Дудниченколар бўлган. Давлат қораловчиси Р.П. Катанян ва Г.М. Островскийлар, оқловчилар Самарқанд округ ҳимоячилар коллегиясининг аъзолари Гречишев, Салмо, Бессонова ва Оллоёровалар иштирок этишган. Суд жараёнида улардан ташқари жамоатчилик қораловчилари сифатида Сотти Ҳусайн билан Жаҳон Обидовалар қатнашган эди. Буни ўқиб, мен ғоятда таажжубланган эдим, чунки уларни озми-кўпми билардим. Тўғри, Сотти Ҳусайнни кўрган эмасдиму, лекин унинг ёзувчилигидан, «Юксалиш» деган пьеса ёзганидан, кейинроқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири бўлганидан ва 1941 йилда халқ душмани сифатида қамалиб кетганидан хабарим бор эди. Кейинчалик, 60-йилларнинг бошида мен Сотти Ҳусайннинг рафиқаси Фотима она Ҳудайбердиева билан дорулфунунда бирга ишлаганман. Бу аёл асли фарғоналик, кўҳликкина, ҳатто 60-йилларда ҳам ҳуснини йўқотмаган, тили бурро, эркаклар билан баравар аския айта оладиган шаддод аёл эди. Одатда эри қамалса, унинг оила аъзолари ва биринчи навбатда, хотини ҳам қамалар

ва сургун қилинарди. Бироқ тақдир Фотима опадан меҳрини аямаган шекилли, у Сталин қатағонларидан омон қолган, ҳатто кўп йиллар партия ва совет идораларида юқори лавозимларда ҳам ишлаган эди. Шахсга сиғиниш фош қилиниб, собиқ сиёсий маҳбуслар оқлана бошлагандан кейин, Фотима опа Сотти Ҳусайнни оқлаш учун кўп елиб-югурди, бунга эришди ва унинг кичикроқ ҳажмдаги танланган асарларини нашр этишга ҳам муваффақ бўлди.

Жаҳон Обидовани эса бир неча марта кўрган эдим. У ғалати бир аёл эди. Бўйи ўртадан пастроқ, гавдаси эркактарникига ўхшаш йўғонгина, эркактасига соч қўйган, овози ҳам дўриллаган, шашти баланд, қадам ташлашлари шахдам, гапни чўрт кесиб гапирарди. Тўғриси айтганда, у кўпроқ эркакшода бир кимсага ўхшарди. Уларнинг жамоатчилик қораловчиси бўлганларига кўп таажжубландим. Бу ишга улар, афтидан, содиқ фуқарочилик туйғулари жўшиб кетганидан ёки бирон тузукроқ амал илинжида рози бўлган бўлишса керак.

Бу ишни СССР Олий Суди кўрганлигига эътибор бериш керак — демак, шўро ҳокимиятининг энг юқори доиралари бу ишга алоҳида урғу берганлар, уни жуда катта ўрнакли жараён сифатида ўтказишга қарор қилишган. Шундай қилмаса бўлмас ҳам эди, чунки судланувчи Қосимовнинг ўзи Ўзбекистон Олий Судининг раиси эди. Уни Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 63-моддаси билан, яъни аксилинқилобия, аксилшўровия фаолияти учун суд қилишди. Ўз-ўзидан равшанки, аксилинқилобия фаолияти учун бир кишини ёлғиз ўзини суд қилгандилар, суднинг намунали ва таъсирчан чиқмоғи учун аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти ҳам керак. Шунинг учун қора курсига Қосимовнинг шериклари сифатида яна олти кишини ўтказиб қўйишди. Улар 64 яшар собиқ мударрис ва қози Мирсоат Мирзокиров, 40 яшар собиқ адвокат Вячеслав Петрович Спиридонов, 41 яшар савдогар Насриддин Олимов, 37 яшар савдогар Акбар Самифжонов, 46 яшар собиқ халқ судьяси Рустамхўжа Иброҳимхўжаев, 33 яшар Ўзбекистон Олий Судининг собиқ прокурори Бадриддин Латифович Шарипов эдилар. Лекин булар

жиддий жазоларга мустаҳиқ бўлган бўлсалар-да, расмий доираларнинг ҳақиқий ниятларини яширмақ учун бир беўхшов парда эдилар, холос. Асосий мақсад эса Қосимов эди.

Бу ишнинг яна бир эътиборли томони шундаки, Қосимов теварагидаги машмашалар суд жараёни бошланмасдан бирмунча аввал бошланган эди. 1929 йилнинг бошларида юқори ташкилотларга Қосимов устидан юмалоқ хат тушади. Унда Қосимов миллатчиликда, порахўрликда ва яна алланима балоларда айбланади. Бу хатни текшириш учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Назорат комиссияси Растопчин, Аҳмадбек Мавлонбеков ва Корнилов таркибида комиссия тузади. Эътибор беринг — уч кишининг иккитаси Москвадан, бунинг устига Корнилов ОГПУ дан. Комиссия Қосимовнинг изоҳларини ҳам тинглаб ўтирмайди, уни ишдан бўшатади ва қамоққа олади. Иш терговга оширилади, Москвадан алоҳида муҳим ишлар билан шуғулланувчи терговчи чақирилади. У уч ой мобайнида ишни обдан тергов қилади ва Қосимовни айблаш учун асос бўла оладиган бирор гуноҳини топа олмайди(!). Қосимовни озод қиладилар ва ишга тиклашга мажбур бўладилар. Бундай ечим олий рутбалик шўро идораларини мутлақо қаноатлантирмас эди, негаки, айби борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар Қосимов, албатта, йўқ қилиноғи шарт эди. Хўш, нега?

Менинг назаримда, Қосимовнинг бошига шундай фожиали қисмат тушишига унинг ўзи «айбдор». Суд материаллари билан танишганимда шунга амин бўлдим. Ҳарҳолда унинг кам деганда иккита кечириб бўлмайдиган катта «гуноҳи» бўлган. Бу «гуноҳлар»ни ҳамма кечирганда ҳам шўро ҳокимияти кечира олмас эди. Шўро ҳокимияти юритган сиёсат бунақа «гуноҳлар»га лоқайд, бамайлихотир қараб туришга йўл қўймас эди. «Хўш, қандай «гуноҳлар» экан улар?» дейсизми? Биринчидан шуки, Қосимов фавқулодда истеъдод эгаси бўлган. У жуда заковатли, ишнинг кўзини биладиган ташаббускор одам бўлган. Афтидан, унинг табиати ҳам ғоят жўшқин бўлган, ғайрати ичига сиғмаган йигит бўлган. Шу ўринда китобхон «Ие, шошманг, сиз бу одам билан бирон марта ба-



қамти ўтириб гурунглашмаган бўлсангиз, лоақал унинг тўғрисида бирон китоб ёки мақола ўқимаган бўлсангиз, бу инсоннинг фавқулодда истеъдод эгаси эканини қаёқдан биласиз?» дея менга эътироз билдириши мумкин. Бу — тўғри, мен Қосимов билан учрашмаганман, учрашмоғим мумкин ҳам эмас эди, унинг тўғрисида ҳатто юқорида айтилган иккита рисоладан бошқа ҳеч қандай материалга эга эмасман. Аммо суд материалларининг ўзидаги баъзи бир фактларга тузукроқ эътибор берилса, унинг фавқулодда қобилияти тўғрисида қатъий ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳукмдан ва қораловчининг узундан-узоқ нутқидан маълум бўлишича, Саъдулла Қосимов 22 ёшидан бошлабоқ суд идораларида ишлай бошлаган. У аввал Тошкент вилоят судининг аъзоси бўлган. Кейин бир йил ўтар-ўтмас вилоят судининг раиси бўлган, 1925 йилда эса, яъни 24 ёшида (!) Республика Олий Судининг раиси лавозимини эгаллаган. Бу республикадаги энг олий лавозимлардан бири эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу лавозимга илтимос қилиб юриб ёки таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ёрдамида ва ҳатто пул сарф қилиб ҳам эришиб бўлмасди. Ўша пайтларда Олий суд раиси сайланганми ёки тайинланганми — буни аниқ билмайману, лекин бу лавозимга номзод то уни эгаллагунча каттакатта идораларда обдан синовдан, текширувлардан ўтказилган бўлиши муқаррар. Эҳтимолки, у Москванинг чигиригидан ҳам ўтгандир. Табиийки, номзод зарур сифатларга эга бўлмаса, бу синовларнинг бирортасида йиқилиб қолиши турган гап эди. Йўқ! Саъдулла Қосимов 24 ёшида бу юксак лавозимни эгаллаган ва кейин ҳукмда ва қораловчининг нутқида эътироф этилганидек, беш йил мобайнида муваффақият билан иш олиб борган экан, у шунчаки оддий бир инсон бўлмаган — ё унинг билимлари зўр бўлган, ё у ёрқин ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, ё зеҳни ўткир бўлган, ё муаммоларни мардона ва тантилик билан ҳал қилиб ташлай олган, ё майдачуйда гаплардан устун туриб, дадиллик билан қарор қабул қила оладиган бир инсон бўлган. Хуллас, унинг бу мансабни эгалламоғи учун асос берадиган юксак фазилатлар

эгаси бўлганига менинг заррача шубҳам йўқ. Аммо айнан шу нарса унинг фожиасига, бевақт нобуд бўлишига асосий сабаб бўлди. Ахир, маълумки, — мевали дарахт ҳосилга кириши биланоқ унинг танасида ширасини сўриб оладиган курт-қумурсқалар, турли ҳашаротлар пайдо бўлади. Худди шунингдек, одам эътиқодли ва фавқулодда истеъдод эгаси бўлса, улар намоён бўлган куннинг ўзидаёқ, унинг истеъдод ва эътиқоди кушандалари пайдо бўлади. Одамзот табиатида ҳасад, кўролмаслик, бахиллик каби қусурлар бошқа ўнлаб хусусиятлар билан бир қаторда мангу яшайвериши мумкин. Хуллас, Саъдулла Қосимов вилоят судининг раиси бўлган кундан бошлабоқ унинг атрофида кўзга кўринмас душманлари гимирлаб қолишган, республика судига ўтгандан кейин эса улар кўзга тушган оқдек хунук кўринадиган бу «олифта»ни гумдон қилиш йўлига тушишган. Ҳасадгўйларнинг қора ниятлари ўша пайтда большевиклар яратиб улгурган тоталитар тузум шароитида жуда кенг кўламда қўллаб-қувватланган.

Чақимчилик, думалоқ хатлар, бировларнинг тагига сув қуйиш, «олтинчи бармоқ» ҳар қандай тоталитар тузумнинг «гуллаб-яшнаши»га йўл очадиган омиллардир. Бундан ташқари, пролетариат диктатураси шундай ҳодисаки, унга истеъдодлар керак эмас, айниқса, миллий ўлкаларда мустақил фикрлайдиган, ўзи билиб иш юритадиган одамларнинг сира ҳожати йўқ. Бундай одамлар — галванинг кони, улар одамларга раҳнамо бўлиб, бош кўтаришдан ҳам тоймайди. Диктатурага ижрочилар керак, юқоридан айтилган ҳар қандай гапни сўзсиз бажарадиган итоаткор ижрочилар керак. Шунинг учун пролетариат диктатураси «чилпиш сиёсати»ни яхши кўрарди — бот-бот умумий қолипга сиғмай, кўриниб қолган бошларни «чилпиб» турарди. Бу сиёсат халқни содиқ фуқарочилиқ, кўр-кўрона ижрочилиқ руҳида тарбиялашга, одамларни эркдан, иродадан маҳрум қилишда жуда қўл келарди. Буюк шоиримиз Чўлпоннинг «бир сомон парчадек оқиб бораман, ҳар буйруқ, ҳар гапни ҳақ деб бораман» деб афсусу надоматлар чекиши бежиз эмас эди. Хуллас, Саъдулла Қосимов бирдан оломон ичидан бир бош кўтарилиб кетган,

ўзининг истеъдоди билан лидерга — раҳнамога айлана бошлаган кимса эди.

Унинг иккинчи гуноҳи шунда эдики, у ўзининг судьялик фаолиятида қонунларни пролетариат диктатураси манфаатларини кўзлаб талқин қиларди. Натижада, айбдорларни олий жазога ҳукм қилиш ўрнига ўта кўнгилчанлик билан қанчадир муддатга қамоқ жазосига ҳукм қиларди. Шу йўл билан ўзини инсофли, виждонли, диёнатли қилиб кўрсатмоқчи бўлар, «гуманистлик» ниқобини кийиб олишга уринарди. Пролетариат диктатурасида эса бунақа нарсалар унчалик маъқул кўрилмайди. Негаки, виждон деганлари ҳам ўтмишда ўйлаб топилган, учига чиққан буржуа ахлоқининг қуроллари-ку! Инсоф, диёнат деган нарсалар қатъий ҳаракат қилишга, синфий душманларни супуриб ташлашга халақит беради, холос. Пролетар диктатураси — мақсадга элтадиган ҳар қандай восита яхши деб ҳисоблайди — керак бўлса, ур, яна мажакла, керак бўлса, от, ос, захарла — нима қилсанг ҳам олий мақсадга коммунизм салтанатига яқинлашсак бас. Қосимовга ўхшаганлар эса «қандоқ бўларкин? Бу адолатдан эмас-ку», деганга ўхшаш минғирлашлар билан оёқ остида ўралашиб, умумий ишимизга халақит бериш ва ҳатто, зарар келтиришдан бошқага ярамайди. Шунинг учун ҳар хил Қосимовларни ҳам темир супурги билан аёвсиз супуриб ташлаш керак.

1930 йилдаги олий суд жараёнини акс эттирган рисолалар билан танишиб чиққач, мен бунга қатъий амин бўлдим. Ўшанда ҳуқуқшунослик тарихидаги энг бадбашара, энг манфур, энг беандиша фожиали комедиялардан бири ўйналган экан. Бу «суд жараёни» умуман инсон ҳуқуқи, адолат, ҳақиқат деган қадриятларни оёқ остига олиб тепкилаган, одамлар тақдирини ҳал қилишда қонун нормаларига, мантиққа эмас, зўравонликка асосланиб иш юритишнинг энг аянчли намуналаридан бири бўлган эди. Бунга амин бўлмоқ учун ишнинг баъзи бир саҳифалари билан танишиш кифоя. Қосимов ва унинг шерикларини суд қилган СССР Олий Суди Жиноят Судлов коллегиясининг суди бошдан оёқ бир томонлама ғаразгўйлик билан иш тутган. Суд ҳайъати учун суд-

ланувчилар устидан чиқариладиган ҳукм аввалданоқ маълум бўлган. Шунинг учун салкам уч ой давом этган суд жараёни улар учун шунчаки ўйиндан бошқа гап эмас эди. Ундаги ҳамма нарса — айбнома ҳам, гуноҳкорларнинг сўроғи ҳам, қораловчиларнинг нутқлари ва ҳатто судьянинг саволлари-ю, луқмалари фақат бир нарсага қаратилган — ҳар нима қилиб бўлса-да, Қосимовнинг синфий душман эканини, ашаддий миллатчи эканини, босмачиларнинг малайи бўлганини, савдогарлар, қулоқлар ва бошқа текинхўрларнинг манфаатига хизмат қилганини кўрсатиб бермоғи керак эди. Бу борада, айниқса, давлат қораловчиси Р. Катанян катта жонбозлик кўрсатади. У қораловчи нутқида ўзининг гапга чечанлигини, ҳуқуқшунослик бобида илми ғоятда «теранлигини», ҳатто кам қўлланадиган лотинча атамаларни ҳам билишини намоён қилган. Худо уни бир томондан, айниқса, энг оддий инсоний мантиқ масаласида анча сиқиб қўйганини яшира олмаган. Унинг далил-исботсиз айбловлари, бармоқдан сўриб олингандай мулоҳазалари кейинчалик суд ҳукмининг матнида айнан такрорланган.

Улардан баъзи бир мисоллар келтирайлик. Қораловчи Саъдулла Рашидович Қосимовнинг 1901 йилда Тошкентда туғилганини айтади-да — шу жойнинг ўзида «майда буржуа оиласидан» деб қўшиб қўяди. Хўш, унинг «майда буржуалиги» нимада экан? Отаси Қосимхўжа Абдурашидов Тошкентдаги атоқли бойлардан бири Юсуф Давидовнинг қўлида гумашта бўлган ва унинг учун деҳқонлардан пахта сотиб олиш билан шуғулланган экан, бу ўриндаги чалкашликка қаранг — отасининг исми Қосимхўжа бўлса, Саъдулла нега «Рашидович» бўлади. Бувасининг исмини ота исми ўрнида кўрсатилмайди-ку? Майли, бу ноаниқликни сезмаган бўлайлик. У Саъдулланинг отаси нима иш қилганини гапирган жойда «унинг деҳқонларни аёвсиз эксплуатация» қилгани таъкидланади. Оддий бир гап, лекин бу ҳам тингловчида бу хонадоннинг синфий душман экани ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга хизмат қилади. Ҳолбуки, бу ёлғон гап — пахта сотиб оладиган одам деҳқонни сира эксплуатация қила

олмайди. Чунки савдо-сотик икки томоннинг ўзаро келишуви, ўзаро розилиги асосида битадиган энг ҳалол ишлардан бири. Буни «эксплуатация» деб аташ ноҳолисликнинг айнан ўзидир.

Кейин Қосимовнинг маълумоти ўрта экани айтилади. Бу ҳам ғалати. Қосимов 22-йилдан меҳнат фаолиятини бошлади дейлик. 1922 йилгача бизнинг ўлкамизда ўрта маълумот берадиган мактаб бўлмаган. Бу ҳам майли — бу гапнинг кетидан қораловчи унинг муаллимлари Эшонхўжа Хони ва Мунаввар қорилар бўлганини англатади-да, кетидан уларнинг аксилинқилобий ва миллатчилик фаолияти тўғрисида сайраб кетади. Хўп, бу гапларни тўғри ҳам дейлик. Лекин уларнинг Саъдуллага нима дахли бор? Ахир, мактабга борган бола ўқитувчи танлаш имкониятидан маҳрум бўлади-ку? Бу гаплар ҳам Саъдулланинг болалигиданоқ душманлик руҳида тарбия топганини кўрсатишга хизмат қилади.

Қораловчи Қосимовнинг кимлар билан дўст эканини, ошна-оғайнигарчилик қилганини, гапларда иштирок этганини санайди. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам, миллатчи, аксилинқилобчи, савдогар ва қулоқ унсурлар. Унинг ўзи ҳам уйида гап берган экан. Ва унда қайнотаси қатнашган экан. Қизиқ, борингки, Қосимовнинг қайнотаси катта савдогар бўлсин, нима, куёви уни уйида бўлаётган зиёфатга киритмаслиги керакми? Ёки қайнота куёвнинг гапида қатнашган бўлса, бу факт қандай қилиб Саъдулланинг миллатчилиги ёки аксилинқилобчи эканини исботлайди.

Ёки яна бир бошқа фактни олайлик: машҳур адвокат Убайдулла Хўжаев Қосимов раислик қилган баъзи суд мажлисларида оқловчи сифатида иштирок этган экан. Шундан кейин қораловчи ҳар нима қилиб бўлса-да, Қосимовнинг унга яқин дўст бўлганини исбот қилишга ҳаракат қилади; уларнинг иноқлигини далиллаши мумкин бўлган бирорта факт арзиса-арзимаса қораловчининг назаридан четда қолмайди: мана, Қосимов билан Убайдулла Хўжаев бирга овқатланишипти. Мана, суд жараёнидан кейин кўпчилик бирга суратга тушишипти — Қосимов унинг энг садоқатли шогирди сифатида ўнг томони-

да ўтирибди; мана, улар Андижонда бирга ҳаммомга тушишган экан. Буларнинг бари яна ўша гапни – Қосимовнинг миллатчилигини тасдиқлаш учун керак, чунки Убайдулла Хўжаев Саъдулланинг устози, донғи кетган миллатчи ва синфий душман.

Қораловчи Қосимов биографиясидаги энг қизил фактларни ҳам унга қарши йўналтиришга ҳаракат қилади – бироқ бундай туҳматларни бирор далил билан тасдиқлашдан ожизлик қилади. Масалан, Қосимов 1920 йилда, яъни 19 ёшида партия сафига кирган экан. Қораловчи бу фактни шундай изоҳлайди: «Қосимов партияга кираётганида унинг моҳиятини ва мақсадларини тушунмаган, кейин тушуниб олган бўлса, унга қарши курашмоқ учун тушунган».

Хўп, булар-ку шунчаки ҳавойи гаплар, туҳматнома бўҳтонлар экан, унинг аксилинқилобчи эканини кўрсатадиган бирор аниқ далил борми? Ахир, шунчалик доврўф солган суд жараёнида фактсиз-далилсиз иш юритмаган бўлишса керак? Ҳа, бор. Масалан, Қосимов бир неча марта пора олган дейилади. У баъзи бир тadbиркорларнинг солиғини камайтириш ҳақида ҳукм чиқарган экан. Ёки баъзи бир босмачиларнинг ҳомийлари ва ҳамкорларига ўлим жазоси тайинлаш ўрнига енгил жазолар беради. Бу даъволар ҳам мутлақо далил-исботларсиз айтилган. Албатта, «Ҳа, энди, қораловчи ҳаддан оширган экан-да!» деб унинг гапларига эътибор бермай қўя қолса бўларди. Лекин буларнинг баъзи бир ҳарфи ўзгартирилмаган ҳолда шубҳа остига олиб бўлмайдиган, исботланган фактлар сифатида ҳукм матнида такрорланган ва Қосимовга олий жазо бериш ҳақида ҳукм чиқаришга асос бўлган.

Саъдулла Қосимовнинг бениҳоя заковатли ва ҳуқуқшунослик асосларини пухта билиши суд жараёнида ҳам неча марталаб яққол кўринган. У турли бўҳтонлар ва туҳматларга индамай кўниб кетаверган эмас, балки имкон даражасида ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилган, суддан, қораловчидан айбларини далилловчи фактлар ва ҳужжатлар кўрсатишни талаб қилган, ёзма мурожаат қилган. Масалан, бир талабномасида у «Агар мен аксилинқилобчи бўлсам, буни менга исбот қилиб беринг-

лар!» дея хитоб қилади. Қораловчи эса унинг бу ҳақли талабига сурбетларча шундай деб жавоб беради: «Сиз ўз хатти-ҳаракатларингизнинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан кўргансиз, сиз ўз фаолиятингиз билан совет ҳокимиятининг обрўйига путур етказаетганингизни олдиндан билгансиз. Шунинг ўзи бизга кифоя!» Билмадим, бу жавобда қандай мантиқ бор экан? Ҳарҳолда, СССР Олий Судининг қораловчиси ҳақиқатга мос келадиган гапларни кўпроқ келтирса тузукроқ бўлармиди? Аммо судья учун ҳам, қораловчилар учун ҳам мантиқнинг мутлақо аҳамияти йўқ эди. Улар Қосимовни, у билан бирга яна уч одамни қурбон қилиши керак эди, шундай қилишди ҳам.

\* \* \*

Уларнинг отилиши ҳақидаги ҳукм 1930 йилнинг 21 июнь куни ўқилди. Лекин улар қачон, қаерда отилган, қабрлари қаерда — бу ҳанузга қадар маълум эмас. Бироқ мен аминман — ёш тадқиқотчилар қачонлардир бунинг тагига етишади. Биз эса — Истиклолимизнинг 11 йиллигида шаҳид кетган фидойиларимиз хотирасини ёд этар эканмиз, уларнинг руҳи покларига фотиҳалар ўқиймиз. Шу жумладан, Саъдулла Қосимов деган ўн гулидан бири очилмай, нобуд бўлган эл фарзанди шаънига ҳам «Оллоҳ охиратингни обод қилган бўлсин» дея дуолар ўқиймиз.

### АСПИРАНТУРА САБОҚЛАРИ

Корнелий Люцианович Зелинский аспирантурада ўқиган кезларимда менинг илмий раҳбарим бўлган эди. Илмий раҳбардан менинг умидим катта эди – менинг ўша пайтдаги гўр тасаввурларимга кўра илмий раҳбар шогирдини қўлидан тутиб, илмнинг тор ва қинғир-қийшиқ кўчаларидан олиб ўтиб, катта чароғон ва равон йўлига олиб чиқиб қўймоғи керак эди. Ва бу билан чегараланмай, у шогирдига отадек бўлмоғи, уни туғишганидек кўриб, турмушнинг ҳамма масалаларида ғамхўрлик билан раҳнамолик қилмоғи керак эди. Лекин биз ота-боладек бўлолмадик. Умуман, ўзаро муносабатларимиз мен ўйлаганчалик тарзда кечмади ва бунга, биринчи навбатда, мен ўзим айбдор эдим.

Кириш имтиҳонларини топшириб бўлгандан кейин менга илмий раҳбар Зелинский бўлишини эълон қилишди. Мен эса бундан мамнун бўлиш ўрнига, «биз қуёшли Ўзбекистондан келган илмга чанқоқ талабалармиз. Бизга тузукроқ домла берсаларингиз бўларди. Камида Бертельс бўлиши керак домламиз» деган маънода кичикроқ йиғилишда нутқ ирод айладим. Ўта фаросатсизлик ва анойлик билан айтилган бу гапнинг оқибати нима бўлишини ўйламабман ҳам. Бир ҳафта ўтар-ўтмас институтда катта йиғин бўлди ва унда бошланғич партия ташкилотининг котиби Силенко деган занчалиш бир одам ингичка овозда «баъзи бир аспирантларимизнинг бурни ҳалитдан кўтарилиб қолипти. Биз уларнинг «спесини қоқиб қўямиз» деди. Мен «спес» деган сўзни тушунмас эканман. Мажлисдан кейин суриштириб билсам, такаббурлик деган маънони англатар экан. Биринчи мажлисдаёқ бунақа гап эшитганим қаттиқ алам қилди. Лекин бундан ҳам ёмони шу бўлдики, бу гап бир зумда Зелинскийнинг қулоғига етиб боришти. Табиийки, у ҳам қаттиқ ранжиган ва шу-шу у мен-



га ўта расмий ва совуқ муомала қиладиган бўлиб қолди. Ҳарҳолда, у мени маълум масофагача ўзига яқинлаштирар, лекин орамизда самимий дўстона муносабатлар бўлишига йўл қўймасди. Лекин шунга қарамай, у илмий раҳбар сифатидаги вазифасини ҳалол бажарди — ҳақиқий олимлик қанақа бўлишини менинг онгимга сингдира олди.

Аста-секин мен уни яқинроқдан билиб олдим. Гарчи муносабатларимиз расмийлигича қолган бўлса-да, менинг унга бўлган эҳтиромим ошди. Корнелий Люцианович чиқиб келиши руслашган поляк зодагонларидан бўлиб, юриш-туришда, кийинишда, муомалада ва ҳатто гапириш тарзида ҳам зодагонларга хос назокат ва олифталикни сақлаб қолган эди. У инқилобдан олдиноқ олий ўқув юртини битирган, билими пухта, нутқи ҳам, қалами ҳам ўткир эди. 20-йиллардаёқ адабий фаолиятини бошлаган, қисқа муддатда конструктивистлар гуруҳининг назариячиларидан бири сифатида танилган эди. Ўша кезлардаёқ у Маяковскийнинг айрим қирраларини ёқтирмаган ва у билан бир-икки очиқ ижодий баҳсга ҳам киришган эди. Ўз навбатида Маяковский ҳам қайси бир шеърда уни номини айтиб, жуда қаттиқ чандиб ўтганди. Зелинский 30-йиллардаги адабий курашларда ўтти ҳам, сувни ҳам кўрди ва обдан чиниқди. Кейин эса уруш йилларида ўзи ишлаётган илмий-текшириш институти билан у Тошкентга кўчирилди. Бу ерда у «Алпомиш» тўғрисида, Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида маърузалар ўқиди, мақолалар ёзди, баъзи ўзбек ёзувчилари билан дўстлашди. Шу-шу Зелинский миллий адабиётларни яхши биладиган мутахассис сифатида донг чиқарди ва Фанлар академиясининг А.М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига келадиган ўзбек аспирантларига уни илмий раҳбар қилиб тайинлайдиган бўлишди.

— Қани, қандай мавзуда диссертация ёзмоқчисиз? — деб сўради у мендан биринчи суҳбатимиздаёқ. Мен бу гапга ҳайрон бўлдим.

— Билмасам, — дедим мен. — Мавзуни сиз берасиз-да. Қанақа мавзуда ишлаш менга барибир.

Менинг бу гапларимни эшитиб, ўз навбатида у ҳам ҳайрон бўлди.

— Диссертация ёзмоқчи бўлган одам анча пишиб, ети-

либ қолган бўлмоғи керак. Унинг илмий қизиқиш доиралари ҳам бир тўхтамга келиб қолган бўлади. Бизга келади-ганлар ҳар қанча ёш бўлмасин, ўз мавзулари билан келишади.

Менинг «ўз мавзуим» йўқ эди. Тўғриси айтсам, илмий иш тўғрисида тузукроқ тасаввурим ҳам йўқ эди. У кезларда адабиётдан ёқланган диссертациялар ҳам бармоқ билан санарли, бу иш эндигина қанот ёзиб бормоқда эди. Шунинг учун мен, ҳатто, кимлар қаерда, қандай мавзуларда иш олиб бораётганидан ҳам беҳабар эдим.

Бир-икки кун ўйлаб, бўлажак диссертация мавзуини аниқлагандай бўлдим.

— «Уйғун лирикаси» деган мавзуни ола қолайлик, — дедим мен Зелинскийга кейинги учрашганимизда ва далилларимни қалаштириб ташладим.

— Майли, бўлади, — деб лоқайдгина рози бўлди раҳбарим. Институтнинг илмий кенгаши бу мавзуни тасдиқлади, мавзу темир дафтарга тушди, қонуний тус олди, энди уни ўзгартириб бўлмас эди. Лекин бир ҳафта ўтар-ўтмас, маълум бўлдики, салкам уч йилдан бери Ленинградда айни шу мавзуда Минавар Салаева деган аёл диссертация ёзаётган экан. Унинг иши битиб қолипти, яқин ўртада ёқлар экан (кейинчалик шундай бўлиб ҳам чиқди). Бу гапни раҳбарга айтишим жуда уят эди. У юзимга айтмаса-да, ичида албатта, «э, садқаи аспирант кет-е, ўз адабиётингда нималар бўлаётганини билмайсан-а! Шунинг бир ҳафта олдин айтмайсанми?» деб ранжиши турган гап эди. Тасдиқланган темани яна ўзгартириш қийин кечадиган иш эди. Бунинг учун, айниқса, раҳбар илмий кенгаш қаршисида бир неча дақиқа жуда нохуш аҳволни кечирмоғи зарур бўларди. Ноилож, Зелинский мени койишга кўп ҳам ружу қилмай, кенгаш аъзоларининг танбеҳли ва истеҳзоли қарашларига рўпара бўлишни зиммасига олди. Илмий кенгаш гаши келиб, энсаси қотган бўлса-да, «Урушдан кейинги ўзбек лирикаси» деб янги мавзуни тасдиқлаб берди.

Аспирантликнинг дастлабки даврида ана шундай, уста кўрмаган шогирддай ҳар мақомга йўрғалай-йўрғалай, баъзи бир илмий ҳақиқатларни «кашф» қилдим. Жумладан, ҳар қандай диссертация кириш ва хотимадан қатъи назар, уч

бобдан иборат бўлмоғи керак экан. Нега икки ёки тўрт боб эмас-у, айнан уч боб, ким буни белгилаган — маълум эмасди. Лекин таомилга қараб иш қилмасангиз бўлмайди. Ўтириб дарҳол иш режасини тузиб чиқдим: биринчи боб — меҳнат мавзуининг куйланиши, иккинчиси — муҳаббат мавзуи, учинчиси ватан мавзуи бўлди. Раҳбарга югурдим. У ёзганларимга бепарво кўз югуртирди-да, «бўпти ишлайверинг» деб фотиҳа берди.

Мен ишга киришдим ва бир ой ўтар-ўтмас биринчи бобни тугатиб, машинкалатиб раҳбарнинг қўлига тутқаздим ва унинг нима дейишини сабрсизлик билан кута бошладим. Бир ҳафталардан кейин, у яна аввалгидай, лоқайдгина оҳангда «бўлади, ишлайверинг», — деди. Бу жуда катта ғалаба эди! Мен шапкамни осмонга отиб хурсанд бўлишим, уч-тўрт кун узлуксиз байрам қилишим мумкин эди. Лекин негадир кўнгил хира эди, кутилган байрам кайфияти йўқ эди.

Мен ишни давом эттиришга ўтирдим. Лекин аввалги кўтаринки кайфиятдан асар ҳам йўқ, ёзишдаги енгиллик аллақадёққа ғойиб бўлган эди. Кун бўйи қимир этмай ўтириб «ишлайман» — лекин ишда мутлақо унум йўқ — бори йўғи ярим бет, жуда ёрлақаса, бир бет ёзилади. Лекин ўша ҳам йиртиб ташлашдан бошқага ярамайди. Иш унмагандан кейин яна кайфият бузилади, турли-туман шубҳа-гумонлар юракни ўртай бошлайди. Баъзи ўртоқларим аҳволимни кўриб, «ижодий изланиш босқичига кирибсан» деб қўйишади. Ичимда эса чироқ ёқса ёришмайди. Мен аспирантлар ётоғида турардим. Мамлакатнинг ҳар бурчидан келган ҳар хил ёшдаги эркаклар ва аёллар. Уларнинг ҳеч қайсиси менга ўхшаб ишининг бир бобини бир ойда ёзиб битиргани йўқ. Уларнинг ҳаммаси бирдай диссертация ёзишнинг қийинлигидан, иши юришмаётганидан, муддати яқинлаб қолганидан зорланади. Мен эса ёзиб топширдим. Бир оз ҳафсала қилсам қолганини ҳам битириб ташлайман. Лекин бу нимаси? Ёнимдаги юзлаб аспирантлар ношуд-у, ёлғиз менгина шунақа «доно»манми? Бунинг устига домламга бериб қўйган «битган» ишдан ҳам унча кўнглим тўлгани йўқ. Айниқса, ишни бизнинг сектордаги аспирантлардан бири — украин адабиётидан мутахассис, жуда билимдон, жуда зукко аёл Нина Степа-

новна Надьярних ўқиб чиққандан кейин шубҳаларим яна ҳам ортди. «Раҳбаринг нега «бўлади» деганини билмадим-у, бу ҳали ҳимояга ярамайди» деди у ишнинг бир вариантини қўлимга қайтарар экан. Унинг айтган ҳамма фикрлари жуда жўяли эди. Мен ўзим ҳам илмий ишнинг бунақа бўлмаслигини, баландпарвоз гаплар, қуруқ олиб қочишлар билан бирга самарага эришиб бўлмаслигини англай бошлаган эдим. Аммо ноумид шайтон, домлам, ахир, ёзганларимни «бўлади» деган-ку! Тўғри, у ўқимасдан, шунчаки ишни варақлаб чиқиб шундай деган, эҳтимол, ўқиб чиққандан кейин ҳам шу фикрида қолар. Ниҳоят, домлам ишни ўқиб чиқди ва қайси бир кунга мени институтга чақирди. Мен бу кунни жуда интизорлик билан зориқиб кутмоқда эдим — домланинг баҳоси қандай бўлишидан қатъи назар, ишим ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлади-ку, ҳамма изтироблардан, гумонлардан, ўз-ўзимни кемиришларимдан қутуламан-ку! Домла билан суҳбатимиз камида уч соат давом этди-ёв. Домла ишни шу қадар синчиклаб ўқибдики, асти қўяверасиз. 120 бетлик матннинг ҳар саҳифасида камида иккита-учта мулоҳаза қайд қилинган. Ҳошиядаги бу фикрлар рўйирост айтилган ва афсуски, уларнинг деярли ҳаммаси аччиқ танбеҳлардан ва танқидлардан иборат эди: «чепуха», «бемаъни гап», «мақтанчоқлик», «бу фикр хато», «мантиқ қани?» каби фикр-мулоҳазалар японнинг аскарисдай қатор-қатор эди.

Сўник руҳим узил-кесил сўнди, бошим эгилди. Аспирантлик ишим барбод бўлган эди, бу яқин ўртада ҳимоя қилиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Мен учун қора кунлар бошланди. Ҳадемай аспирантлар аттестацияси бўлиши керак. Муддат тугашига бор-йўғи олти ой қолган. Диссертация йўқ. Тантана билан кавушимни Тошкентга тўғрилаб қўйишлари турган гап. Қайси юз билан Тошкентга қайтаман? Мени кутаётган оила аъзоларимга, қариндош-уруғларимга, ёру биродарларимга нима дейман? Мен сувратим ялтироқ бўлса ҳам, сийратим қалтироқ экан дейманми?

Яна изтиробли кунлар, уйқусиз тунлар, руҳий азоблар бошланди. Аммо вақт ҳар қанча шафқатсиз бўлмасин, унинг шифобахш томонлари ҳам бор — беш-олти кун ичида аста-секин одам ўзига кела бошлайди ва ҳар қандай муш-

куликни бошидан кечирган бўлмасин, унинг олдида яна ўша эски ва мангу масала кўндаланг бўлади. «Нима қилмоқ керак?» Мен ҳам бу саволга жавоб излай бошладим ва домланинг ўша кунги бир гапини эсладим: «Ишингизнинг сўнгги йигирма бетида бир оз жон бор кўринади. Тил ва услуб масалаларига бағишланган. Шунга бир уриниб кўринг!» Дастлабки карахтлиқдан кейин бир оз ўзимга келгач, домланинг шу гапини ўйлай бошладим. Аммо кўп ўйлашга сира вақт йўқ — аттестация куни яқинлашиб келяпти, бирон нарса қилмаса бўлмайди. Яна шошилиш равишида ишга киришдим. Иш юришгандай бўлди. «Урушдан кейинги ўзбек поэмаларининг тили ва услуби» деган мавзуда 60–70 саҳифалик ишни битириб, аспирант дўстларимга кўрсатдим. Улар ишни маъқул қилишди. Ниҳоят, аттестация куни келди. Аспирантлик муҳлати тугашига тўрт ой қолган, бу — сўнгги аттестация. Айтишим керакки, «миллий адабиётлар сектори» деб аталмиш бизнинг бўлим зоҳиран қараганда бир-бирига унча қовушмагандек кўринса-да, аслида инсофли, ҳалол, одамшаванда ва дилкаш инсонлардан таркиб топган эди. Сектор раҳбари Михаил Кузьмич Добринин, катта илмий ходимлар Михаил Иванович Ритман-Фетисов, Мадина Искандаровна Богданова ва бошқалар нафақат яхши олимлар, балки оҳори одамлар ҳам эди. Улар икки-уч йил давомида сектор аспирантларига ҳам жуда қадрдон ва меҳрибон бўлиб қолишган эди. Шунинг учун диссертацияни тугатиб, столга қўймаганим мени аспирантурадан муддатидан олдин ҳайдаш учун тўла асос берса-да, аввалги ишларимни ҳисобга олишди-ми ёхуд қаттиқ раҳм қилишдими, ҳарҳолда муайян шартлар билан аттестациядан ўтказишди, домламга менга ёрдам бериш зарурлигини алоҳида уқтиришди, аспирант дўстларим мен учун кафил бўлишди. Хуллас, яна қайноқ кунлар бошланди. Одатда одамлар иморат курса, ишни пойдеворидан бошлашади. Буни қарангки, диссертация ишларида буткул бунинг тескараси ҳам бўлмоғи мумкин экан. Менинг ишим шунақа бўлди — ишни иморатнинг тоmidан бошладик — аввал учинчи боб битди, кейин биринчи, иккинчи боблар ёзилди. Мавзу ҳам бутунлай янгиланди: энди иш урушдан кейинги ўзбек поэмаларига бағишланган эди. Диссертациямни яхши ишлар қаторига кирита

олмасам ҳам, аввалги ишларимдан тубдан фарқ қилишини айтмасам бўлмас. Ҳарҳолда, Зелинскийнинг аччиқ сабоқлари бекор кетмаган эди, аввалги гумону шубҳалар ортда қолиб, ҳақиқий илмий тадқиқот йўлида дастлабки атак-чечак қадамларни қўйишга бошлаган эдим. Бу орада муддатидан кечикиб бўлса-да, диссертация тайёр бўлди, секторда муҳокамадан ўтди, ҳимояга тавсия қилинди. Декабрь ойларига бориб, ҳужжатларни ҳам, диссертациянинг ўзини ҳам ҳимояга мутлақо тайёр аҳволга келтириб қўйдим.

Бу орада домла билан муносабатимиз ҳам анча ўзгариб қолди, Корнелий Люцианович менга анча меҳрибонроқ бўлиб қолди, ҳол-аҳволимни сўраб-суриштириб турди, тез-тез уйига чақира бошлади. У Беговая кўчасида икки хоналик квартирада турар эди. Ётоғи ҳам, меҳмонхонаси ҳам, емакхонаси билан иш кабинети ҳам шу икки хонанинг ичида эди. Бунинг устига хоналарда буюм кўп, айниқса, ҳаммаёқни китоб жавонлари эгаллаб олган эди. Хоналарнинг торлигини кўриб, менинг юрагим сиқилиб кетарди. Лекин Москва шароитида икки хоналик алоҳида квартирага эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермасди. Шаҳарда турар-жой масаласида жуда катта қаҳатчилик бор бўлиб, кўпчилик коммунал квартираларда турар эди, яъни квартирадаги ҳар бир хонада 5 киши ёки ундан ортиқроқ одам яшар, улар умумий ўчоқбошидан, умумий ваннадан, умумий ҳожатхонадан фойдаланишар, уйларига бир эшикдан кириб чиқишарди. Бу эса узлуксиз жанжаллар, талашиб-тортишишлар, можароларни туғдирар эди. Зелинскийнинг Мичуринец деган шаҳарчада дала ҳовлиси ҳам бор эди — ўрмоннинг ичида, жуда манзарали ва баҳаво жойда жойлашган эди. У ёшгина хотини ва бир кичик ўғли билан турар, лекин олдига ёзувчилар тез-тез келиб турарди. У ҳатто бир гал мени Всеволод Иванов деган атоқли адиб билан ҳам таништириб қўйган эди.

Зелинский бўш вақтларида ҳар хил антиқа ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланарди. Жумладан, у елканли кеманинг макетини ясар эди. Кўпинча улар катта-кичик елканлар, кўп чиройли ҳарбий кемалар бўларди. Уларни ясаб бўлгандан кейин зўр маҳорат билан уни оддий бир шишанинг ичига жойлаб қўярди. Ҳамма елканларига шамолни

тўлдириб олға елаётган кемани ярим литрлик шиша ичига қандай қамалганига ақл бовар қилмай лол қолардингиз. Шу кезларда, умуман, Зелинскийнинг кайфияти анча кўтаринки бўлиб қолди. Ҳарҳолда, урушдан кейинги йилларда у қандай тазйиқлар ва таъқибларга учраганини билмайман-у, ҳар қалай мақолалари ва китоблари чиқмай қолган эди. Фақат 50-йиллардангина унинг асарлари босила бошлади. Жумладан, унинг Александр Фадеев ва Жамбул ҳақидаги иккита танқидий-биографик очерки эълон қилинди, кейинчалик миллий адабиётлар ривожига доир иккита катта монографияси босилди. Москванинг қалин журналларида адабиётнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари чиқа бошлади. Сал кейинроқ эса у Сергей Есениннинг беш жилдлик асарларини нашрга тайёрлади ва бу буюк шоир тўғрисида хотиралар аралаш яхши бир мақола ёзди. Эҳтимол, шу ижодий кўтаринкилик туфайли унинг умумий кайфияти ҳам яхшиланган бўлиши мумкин. Ҳарҳолда, шу йилларда у катта ижодий фаоллик билан иш юритди. Унинг анча ёшга борган котибаси бор эди. Билмадим, бу котибага маошни Зелинскийнинг ўзи тўлармиди ёки институт ёхуд Ёзувчилар уюшмаси тўлармиди — билмайман. Лекин бир-икки кўрганам бор — Зелинский хона ичида у ён бу ён юриб туриб ёки китоб жавони олдидаги юмшоқ ўриндиғида ўрнашиб ўтириб, диктовка қилар, котиба стенография усулида унинг айтганларини ёзиб оларди. Кейин уларни машинкадан чиқариб олиб келиб беради ва муаллиф бир қур кўздан ўтказиб, тегишли жойларга юборади.

Зелинский бу гал мени қийнамади, аввалгидай бир йилга чўзмай, фикр-мулоҳазасини тезгина бера қолди ва диссертация ҳимояга тавсия қилинганч, биринчи бўлиб мени табриклади-да: «мана энди бир неча муддат дам олиб, ўйнаб юратуринг, ҳимоя қиладиганлар кўп, сизнинг навбатингиз икки-уч ойсиз келмас», деди.

Лекин домла айтгандай, ўйнаб-кулишга тўғри келмади. Гап шундаки, менинг муҳлатим 1954 йилнинг 1 октябрида тамом бўлганди. Яъни, шу кундан эътиборан мен стипендия олмай қўйгандим. Босиб қўйган пулим ҳам йўқ. Уйдан ёрдам қилиб туришади-ю, лекин бу ёрдам тирикчиликка етмайди. Бунинг устига ётоқни ҳам бўшатиб бе-

риш керак. Хуллас, ўйнаб кулиб, ҳордиқ чиқариш ўрнига яна елиб-югуриб тирикчилик аравасини судрамоқ керак. Бу гал ҳам дўстлар жонга ора киришди. Ёзувчилар уюшмасида ишлайдиган дўстим Пиримқул Қодиров аҳволимдан хабардор бўлгани учун менга жуда катта ёрдам берди. Москвада нима кўп — нашриёт кўп. Шулардан бири Абдураҳмонов таҳрири остида 50 минг сўзлик русча-ўзбекча луғат чиқармоқда экан. Иш жараёнида тайёр материални тақриздан ўтказмоқ талаб қилинар экан. Улар ёрдам сўраб, ёзувчилар уюшмасига мурожаат қилишган, Пиримқул мени тавсия қилган. Таҳририятдагилар аввалига менга ишонқирамай қарашди, бироқ дастлабки тақриزلардан кейиноқ орамизда ҳеч қандай ғубор қолмади. Мен луғатнинг ярмидан кўпроғига тақриз ёздим. Олган қалам ҳақим Москвада ҳимояга қадар бир амаллаб яшашимга имкон берди.

Ниҳоят, ҳимоя куни белгиланди — бу тўғридаги эълон ўша пайтдаги қоидага кўра «Вечерняя Москва» газетасида чиқмоғи керак эди. Ҳимоя 29 апрель куни бўлмоғи керак эди, мен 2 май кунига поездга билет олдим.

Одатда, ҳимоя қиладиганлар диссертациялари учун ҳар хил ташкилотлардан фикр-мулоҳазалар тўплашади. ВАК учун улар мутлақо зарур эмас, шундай бўлса-да, диссертантлар бу борада ким ўзарга пойга ўйнашади. Менинг диссертациямга бир дона ҳам отзив (фикр-мулоҳаза ёхуд тақриз) келгани йўқ. Ишда фақат илмий раҳбар билан биринчи ва иккинчи оппонентларнинг тақризларигина бўлган, холос. Лекин гап бунда эмас. Бошқа бир жиҳатдан ҳимоям жуда ғаройиб бўлди.

Одатга кўра ҳимояга битта докторлик ва битта кандидатлик диссертацияси қўйилар эди. Ўша куни кимнингдир (афсуски фамилияси хотирамдан кўтарилган) фольклор бўйича докторлик диссертацияси қўйилган экан. Ўша докторантнинг Ленинградда муҳолифлари сероб экан. Эринмаганлар «сўнгги жанг»ни ўтказмоқ учун уч кишими-тўрт киши бўлиб Ленинграддан атайин етиб келишипти.

Ҳимоя белгиланган вақтда — соат 12 да бошланди. Аввал диссертант сўзлади, кейин унинг ҳужжатлари, келган тақризлар билан таништирилди, учта расмий оппонент роса тўйиб гапиришди, ана шундан кейин ҳақиқий жанг



бошланди. Ленинградликлар битта-битта минбарга кўтарилиб, чунонам гапирдиларки, қўяверасиз. Улар диссертациянинг чангини қоқиб, роса авра-астарини ағдаришди, ишдан бирор саҳифа соғ жойи қолмади; шундан кейин диссертант ва унинг тарафдорлари ленинградликларни дабдала қилишди. Улар тугатгандан кейин ленинградликлар қайтадан минбарга чиқа бошлади. Қизиқ, ҳимояда регламент деган гап бўлмас экан, худди Америка парламентидагидек минбарга чиқиб олган одам кўнглига сиққанича ёки йиқилиб қолмагунча гапираверар экан. Албатта, бошқа бирон жойда ва бошқа бирон вақтда бўлса, буларнинг бари ғоятда қизиқарли ва мароқли бўлиши мумкин эди. Бирон томошаталаб роса мириқиб томоша қилиши мумкин эди. Аммо мен худди игна устида ўтиргандек эдим. Биринчи оппонентим профессор Насилов бу жанг бошланиши биланоқ, «зарур бўлганда чақирарсизлар» деди-ю уйига жўнаворди. Залга қарасам, Илмий кенгаш аъзоларининг сафи ҳам анча сийраклашиб қолипти. «Кворум бўлмай қолмаса гўрга эди», — деб юрагимни ҳовучлайман. Соатга қарасам, 5 дан ошипти. Биринчи ҳимоянинг охири ҳали кўринмайди. Шу пайт Зелинский яккам-дуккам томошабинлар орасидан мени топди-да, имлаб ташқарига чақирди.

— Ҳимоянгиз қоладиган бўлди, — деди у, — кўриб турибсиз, кенгаш аъзолари бунақа синовга чидаёлмайди.

Юрагим орқага тортиб кетди — яна ўн беш кун кутиш керак, яна газетадаги эълонларни янгилаш керак, яна оппонентларнинг эшиги олдида сарғайиш керак. Энг муҳими шуки, ўн беш кун туришга бир тийин пул қолмаган. Хуллас, бор дардимни домлага тўкиб солдим.

— Раҳмат, Корнелий Люцианович, — дедим унга. — Шу йиллар давомида менга кўп яхшиликлар қилдингиз, меҳр кўрсатдингиз. Яна бир марта — охирги яхшилигингизни аяманг. Мен етти ойдан бери стипендия олмайман. Икки-уч кунлаб туз тотмаган кунларим ҳам бўлди. Уйни, бола-чақаларни жуда соғиндим. Мана билет — чўнтагимдан темир йўл чиптасини олиб кўрсатдим. — Ҳимоя қилсам ҳам, қилмасам ҳам 2 май куни кетаман. Ортиқ чидаёлмайман. Ҳимоя шу бугун бўлсин — менга қилган оталигингиз шу бўлади.

– Майли, Кенгаш раиси билан бир гаплашиб кўрай,  
– деди Зелинский.

Мажлислар залига қайтиб кирдик. Домлам ҳайъатга бориб, раис билан нималарнидир гаплашди, кейин «масала ҳал» деган маънода узоқдан менга бош ирғади. Мен бир оз тинчлангандай бўлдим. Бироқ залда кворум йўқ эди, яъни ҳимоя учун овоз берадиган 15 киши йўқ, Илмий кенгаш аъзоларидан фақат 7 – 8 кишигина қолган эди.

Ниҳоят, соат 6 да менинг ҳимоям бошланди. Мен 15 – 20 минут ўрнига роса 5 минут гапирдим. Зудлик билан уйдан олиб келинган Насилов ҳам тақризни ўқиб бериб, уйига жўнаб қолди. Иккинчи оппонентим Зоя Григорьевна Османова ҳам гапни қисқа қилди. Ниҳоят, музокаралар тўхтади. Оппонентлардан бошқа ҳеч ким гапирмади ҳам, биронта тақриз ўқилмади ҳам. Ҳисоб комиссияси тузилди. Овоз бериш ва овозларни санаш учун танаффус эълон қилинди. Қандоқ бўларкин, ахир, кворум йўқ-ку? Кенгаш аъзоларининг деярлик ҳаммаси аллақачон уйларига кетиб бўлган. Ниҳоят, ҳисоб комиссияси натижани эълон қилди: 15 кишидан 14 таси менга илмий даража беришни ёқлаб овоз берипти, битта бюллетен бузилипти. Ниҳоят, Москвадаги салкам тўрт йиллик мусофирлик ҳаётим тугади, ниҳоят мақсадга эришдим – мен фан номзоди. Умримдаги энг толиқарли ва энг узун кун ниҳоясига етди.

Мен Тошкентга қайтгандан кейин ҳам Зелинский билан алоқани узмадим. Негаки, менинг бутунги балоғатимда бу одамнинг улуғ хизмати бор!

## МУДОМ МИННАТДОРМАН

«Беш йилликлар фарзанди» деб аталган бу асар аслида китоб эмас, бир китобча. У жуда одми, муқовасига рассом ҳафсаласизгина бир тарзда заводнинг нусхасини чизган, қоғози ҳам хира, кўримсиз, ўзи ҳам юпқа – атиги 38 бетдан иборат. Лекин шундай бўлса-да, бу китобча мен учун жуда ардоқли. Китобча Пиримқул Қодировнинг қаламига мансуб. У босилиб чиққанда Пиримқул ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган бошловчи адиб эди. Лекин бўлар боланинг бошидан маълум деганларидек, унинг биринчи китобиёқ, илк ҳикоялари ва очеркларийёқ ёш қаламкаш-

нинг келажагига умид билан қарашга асос берарди. Китобча Тошкентда 1951 йилда босмадан чиққан. Ўшанда Пиримқул ҳам, мен ҳам Ўрта Осиё давлат дорилфунунини тугатиб, катта ҳаёт йўлига қадам босишга тайёрлана бошлаган эдик. Лекин у пайтларда биз ҳали танишиб улгурганимизча йўқ эди, тўғрироғи — Пиримқул мени тузукроқ танимасди. Чунки мен ҳали ўзимни бирон нарса билан кўрсатганим йўқ эди. Пиримқул эса аллақачон газета ва журнал саҳифаларида тузук-тузук очерклар эълон қилган, улар одамларнинг оғзига тушган, ёш ёзувчидаги қобилиятни кўриб, ҳатто Абдулла Қаҳҳордай машҳур ёзувчи ҳам ундан меҳрини аямаётган эди. Шунинг учун биз — яъни филология факультетида ўқийдиган талабалар Ўратепанинг нариги томонидаги тоғлар орасида гўзал Искандар қишлоғида туғилиб ўсган, ёшлиги Бекобод теваққулида ўтган миқти гавдали, қора мағиз бу йигитнинг илк ижодини орқаваротдан бўлса-да кузатиб борардик. Пиримқул шарқшунослик факультетида ўқигани учун у билан ҳадеганда кўришавермас эдик.

Мана, ўқишлар тугади. Ҳаммамиз ҳар томонга тарқалиб кетдик. Мен Москвада Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида ўқий бошладим. Тақдир тақозосини қарангки, Пиримқул ҳам аспирантурада ўқиш учун Москвага келган экан. Мусофирликда одам ўзининг ватандошлари билан тез топишади. Биз ҳам шундай бўлдик. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб қолди, шекилли, бир топишгандан кейин бошқа ажралишмадик. Пиримқул талабалик чоғидаёқ уйланган, ҳатто фарзанд ҳам кўрган эди. Тошкентда қариндош-уруғлари бўлмагани учун хотини билан қизини ҳам Москвага олиб келган эди. Табиийки, аспирантлик стипендиясига уч киши тирикчилик қилолмайди. Шунинг учун Пиримқул ишга кирмас бўлмас эди. Иш ҳам топила қолди — Ёзувчилар уюшмасига ўзбек адабиётидан маслаҳатчи керак экан — Пиримқулни бажону дил ишга қабул қилишди. Унинг иш юриштиши, ўзбек адабиётидан берадиган маслаҳатлари, рус тилида битиб бериладиган турли-туман маълумотномалар уюшма раҳбариятига маъқул тушган бўлса керакки, аспирантура муддати тамом бўлгандан кейин ҳам анча вақтгача Пиримқулга жавоб тегмади.

Бизнинг учрашмаслигимиз мумкин эмас эди, чунки мен ўқийдиган институт билан Пиримқул ишлайдиган уюшма бир кўчанинг икки бетида жойлашган бўлиб, ораликдаги масофа ярим чақирим ҳам келмас эди. Хуллас, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик, кейин эса жуда иноқлашиб кетдик, фақат институт ёхуд уюшмада эмас, ҳатто Пиримқулнинг уйида ҳам кўришиб турардик. Пиримқул Москвада ижарага хона олиб турар, лекин нима сабабдандир уларни тез-тез ўзгартириб турарди. Фақат Большая Полянка кўчасида Ўзбекистон ваколатхонаси жойлашган жойдан унча узоқ бўлмаган уйдан ижарага олган хонасида узоқроқ турди. Хона узунгина бўлиб, барибир жуда тор эди. Унинг бир чеккасида эр-хотиннинг каравоти, ёнида уларнинг тўнғичи ётадиган жой, ўртароқда овқатланадиган стол, икки-учта стул. Афтидан, ёзув-чизув ишлари ҳам ўша овқатланадиган стол устида бажарилар эди. Рўзгор буюмлари ҳам ҳали анча ғариб — энг зарур усти-бошу энг керакли асбоб-ускуналаргина бор эди, холос. Лекин шундоқ бўлса-да, мезбонларнинг бағри кенг эди — бу уйда меҳмон бўлганимда бирон марта ҳам унинг торлигини ҳис қилган эмасман. Қорачалиги, бўйи-басти ва яна нимаси биландир Пиримқулга ўхшаб кетадиган Сафийхон ҳар гал юмшоқ табассум билан қарши олади ва тожикча оҳанги кучли ширин талаффузи билан бемалол ўтиришга ундайди. Сафийхоннинг ширин сўзидан бошқа ширин таоми ҳам бўлади — у, айниқса, самарқандча паловни яхши қилади. Биз эса Пиримқул билан баҳсдан бўшаймаймиз. Учрашувларимизда гаплашмаган гапларимиз қолмайди, лекин кўпроқ адабиётдан, янги асарлардан, адабиётнинг бурчидан баҳслашамиз. Ўша кезларда Пиримқул Л.Толстой асарларини, мақолалари ва кундалиklarини кўп ўқиган эканми — бу буюк ёзувчининг ўғитларидан кўп гапиради, унинг тўқсон жилдли асарлар тўпламига кўп муружаат қилади, адиб ҳақидаги замондошлари хотирасида тилга олинган ноёб воқеаларни гапириб беради. Бу баҳсларда менинг билимларим ҳали жуда-жуда саёз экани билиниб қолади, хижолатга тушаман ва кейинги кунлар кемтикларимни тузатишга ҳаракат қиламан. Шу туфайли Пиримқул сабабчи бўлиб, мен Толстойни ўзим учун бутунлай янгидан кашф қилдим ва бу кашф қилиш бугунга-

ча ҳам давом этмоқда. Ўшандаги баҳсларимиз Пиримқулга нима берганини билмайман-у, мен учун улар катта мактаб бўлди — мен аввалги билганларим, билишим керак бўлган нарсалар қаршисида урвоқ ҳам бўлмаслигини ҳис қилдим. Ва ортда қолмаслик учун енг шимариб астойдил ишлашга киришдим. Умуман, Пиримқулнинг характерида бир хусусият бор — у ўзи билибми, билмайми, ҳамиша етакчи бўлишга, суҳбатлашаётган одамани орқасидан эргаштиришга интилади. Бу интилиши зўрайиб кетса, баъзан насиҳатгўйликка ҳам ўтиб кетиши мумкин. Эҳтимол, унинг бу хислати кимгадир малол келиши мумкин, лекин мен бунга эътибор бермас эдим, чунки унинг «шатаги»да юрсам, ўзимга кўпгина фойдалар олардим. Бир куни Пиримқул мени Ёзувчилар уюшмасидаги бир мажлисга таклиф қилди. Бордим. Ўша кезларда марказий матбуотда Маяковский ҳақида жуда кескин баҳс кетаётган эди. Маълумки, Маяковский рус шеърлятига янгилик киритиб, уни зинапоя шаклида ёзар эди. Кейинчалик Н. Асеев, С. Кирсанов каби беш-олтита шоир ҳам Маяковскийга тақлидан зинапоя шаклида шеърлар ёзиб, ўзларини Маяковский мактабининг бирдан-бир давомчилари деб эълон қилишди. Уларнинг фикрича, бошқа биронта шоирнинг Маяковскийга меросхўр бўлишга ҳаққи йўқ эди. Бундай қараш, албатта, тўғри эмасди, лекин шунга қарамай уни рад этиш ҳам осон эмас эди. Ёзувчилар уюшмасидаги мажлис ана шу жиддий баҳснинг якунига бағишланган экан. Очигини айтганда, мен умримда ҳали бунақа муросасиз жангни, бунақа кескин баҳсни кўрмаган эдим. Шунақа шиддатли жанг бўлдики, унинг шовқин-суронидан қулоқлар том битди, шунақа найзабозликлар бўлдики, уларнинг шақир-шуқуридан бутун зал ларзага тушди. Баҳсни бир ёқли қилишда, айниқса, Сурковнинг гаплари салмоқли бўлди. Маяковскийни кўрган, у билан неча марта-лаб улфатчилик қилган Сурков ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, ҳали қадди-қомати тик, овози жарангдор экан. У ҳам эҳтиросга берилиб кетар экан, лекин шундоқ бўлса-да, бир зум гапларидаги мантиқ сусаймади. У пешонасига тушиб кетаверадиган сочини бошини силкитиб қайтарар экан, жуда ишончли қилиб, Маяковский ҳеч кимнинг маҳрига тушмаганини, у ҳамманики эканини,

ҳар қандай шоир ҳам унинг тажрибасидан ўрганиши мумкинлигини, умуман, адабиёт масалаларида кенг бўлиш зарурлигини, бирор гуруҳнинг қарашларини зўрлик билан ҳаммага сингдириб бўлмаслигини гапирди. Ҳозир бу гапларни гапиряпман-у, кўз ўнгимда бундан 45 йил аввал бўлиб ўтган ўша жўшқин мунозара бутун ранглари, бутун ола-ғовури билан гавдаланиб турипти.

1954 йилнинг декабрь ойида Колонна залида ёзувчиларнинг иккинчи съезди бўлди. Съезд ҳам ўша кезларда катта тарихий воқеа бўлганди. Унинг ишида фақат ўзимизнинг ёзувчиларгина эмас, бутун дунёдан атоқли адиблар келади. Уларнинг ўзини кўриш, улар нафас олган ҳаводан нафас олиш, ўнг келиб қолса, суҳбатини эшитиш — бу, ахир, ҳар қандай одамнинг ҳам ардоқли орзуси-ку? Хуллас, бу масалада ҳам Пиримқул жонга аро кирди — у нималарнидир амал-тақал қилиб, мен учун битта меҳмонлик билети ундирди. Табиийки, қанот боғлаб Колонна залига етиб бордим. 24 декабрнинг ярмини ўша ерда ўтказдим. Тўғри, ўн кундан бери давом этаётган съезд дами чиқиб кетган пуфакдек бўшашиброқ қолган экан. Залдаги анча-мунча ўринлар бўш. Кўпчилик ёзувчи тузукроқ одам гапирса залда эшитиб ўтиради, нўноқроқ одам минбарга чиқса, гурр этиб ҳамма ташқарига чиқиб кетади. Биринчи кунлардаги тантанаворликдан асар ҳам йўқ. Одамлар аччиқ ичкадай ҳаддан зиёд чўзилиб кетган сафсатабозликни тезроқ тугатишни истайди. Шундоқ бўлса-да, ҳали умрида бирон марта жиддийроқ қурултойда иштирок этмаган мендай ғўрлар учун ўша кунги мажлис ҳам унутилмас воқеа бўлган эди.

Фақат қурултоё эмас, Пиримқул туфайли, унинг қистови билан мен Москвада яна ўнлаб ҳар хил адабий йиғинлар, баҳслар, мунозаралар, юбилей ва ижодий кечаларда иштирок этдим. Буларнинг бари адабий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимни бойитишда катта роль ўйнади.

Кунлардан бирида Пиримқул менга кўнғироқ қилиб, «уюшмага бир келиб кетмайсизми» деди. Бордим.

— Дўстим, бир зарур юмуш бор. Ҳамид Фуломнинг тақризини рус тилига ағдариш керак. Шунини қилиб берасизми дегандим.

Ўша кезларда Ҳамза номидаги театрда Баҳром Раҳмо-

новнинг «Юрак сирлари» деган асари қўйилган эди. Бу асар ҳаддан ташқари уруглаб кетган силлиқ, зерикарли, ясама сахна асарларидан фарқ қилароқ анча ҳаётий бўлгани учун бирдан томошабинларнинг кўнглига ўтиришиб қолди. Анча вақтгача асар қўйилганда одамлар минди-минди бўлиб кўришди. Асарнинг бунақа муваффақияти кимларнингдир гашига ҳам тегди шекилли. Асар атрофида катта мунозара бўлди. Ҳамид Фуломнинг газетада чиққан тақризида асар кескин танқид қилинган, «совет воқелигини бузиб кўрсатувчи асарлар» қаторига қўшиб қўйилган эди. Бу эса мунозара оловига керосин сепгандай бўлди. Баҳслар шу даражада муросасиз эдики, унинг шовқини Москвага ҳам етиб келди. Шунда ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари масалани адолатли тарзда ҳал қилмоқ учун ҳамма материалларни рус тилида ўрганиб чиқишга аҳд қилган экан. Булар бари дуруст-а, лекин мен шу пайтга қадар рус тилига ҳеч нарсани ағдариб кўрмаган эдим. Пиримқул далда берди.

— Ҳечқиси йўқ. Кўз кўрқоқ. Қўл ботир, дейдилар. Сиз бу ишга дадил киришаверинг, зарур бўлиб қолса, яна маслаҳатлашармиз.

Мен қийналиб бўлса-да, тақризни таржима қилдим, машинкалатдим. Пиримқул ўқиб кўриб маъқуллади. Хурсанд бўлдим. Лекин мени бундан ҳам кўпроқ хурсанд қилган бошқа нарса бўлди — беш-олти кундан кейин қилинган иш учун дурустгина ҳақ тўлашди. Бу пул менинг ҳисобимда бўлмагани учун, осмондан тушгандай менга жуда асқотди.

Пиримқул Ёзувчилар уюшмасида ишлагани учун хизмат юзасидан Москвадаги кўпгина нашриётлар ва таҳририятлар билан боғланар эди. Уларда ўзбек муаллифларининг асарлари тез-тез босилиб тургани учун таҳририятлар ҳам ўзбек, ҳам рус тилини биладиган мутахассисларнинг кўмагига муҳтож эди. Пиримқул бунақа ишларга мени ҳам тавсия қилди, мен бир-иккита таҳририят билан боғландим. Уларнинг турли юмушларини бажариб турдим. Бу ўринда, айниқса, Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти билан ҳамкорлигимиз анча давомли ва самарали бўлганини эсламоқ жоиз. Бу нашриёт 1954 йилда Рустам Абдураҳмонов таҳрири остида 50000 сўзлик русча-

Ўзбекча луғат чоп этган эди. Камида унинг учдан бир қисмига мен тақриз ёзган эдим. Назаримда, ишларини енгиллатишга кўмак берадиган тақризчи топилганига нашриётдагилар, аспирантлик стипендиясининг ночорлигини яшириб юришга имкон берадиган қўшимча даромад манбаи топилганига мен хурсанд эдим.

Шунга ўхшаш «ижодий» ишларим юришиб кетгандан кейин Пиримкул яна бир масалада ҳоли-жонимга қўймай бошлади. Ҳар гал кўришганимизда, суҳбатнинг ўртасидами, охиридами у битта саволни беришдан чарчамасди — нега мақола ёзмайсиз? Кейин-кейин бу савол қатъий талабга айланди — сиз, албатта, мақола ёзмогингиз керак. Мен аввал парво қилмадим, кейин жиддий эътироз билдириб, «Ахир, қандай қилиб ёзаман, тажриба бўлмаса, нима деб ёзишни билмасам. Бўлар-бўлмас хашаки гапларни мақола қилиб бўларканми?», — дейман. Пиримкул эса ёши улуг оқсоқоллардек насиҳат қилади:

— Ҳеч ким онасининг қорнидан тайёр мақоланавис бўлиб тушмайди. Сузишни ўрганмоқ учун сувга кириш керак. Гапларингиз, мулоҳазаларингиз туппа-тузук. Шуларни қоғозга туширинг.

Хуллас «у» десам, «у» деди, «бу» десам «бу» деди, қўймади. Ўйлаша-ўйлаша, Чеховнинг иккита пьесаси ўзбек тилида китоб бўлиб чиққан экан — шунга тақриз ёзадиган бўлдим. Очигини айтганда, уни ёзиб битиргунча она сутим оғзимдан келди: Чехов пьесаларини икки марта ўқиб чиқдим, улар тўғрисидаги айрим мақолаларни айтиб ўтирмайман, ўша пайтда Ермилов деган адабиётшуноснинг «Чехов драматургияси» деган каттагина китоби чиққан эди, уни ҳам хатм қилдим, мақоланинг ўзини икки-уч қайта ёзишга тўғри келди. Тақриз ҳам иш жараёнида семира-семира катта бир мақолага айланди. Пиримкул бу жараёни бошдан-охир кузатиб турди, керак жойларида маслаҳатлар берди, бир қатор саҳифаларини бошқатдан ёздирди. Ниҳоят мақолага «Бадий таржиманинг баъзи бир принциплари тўғрисида» деб дабдабали, олимона савлатидан от хуркадиган сарлавҳани танлаб, охирига нуқта қўйилгандан кейин, Пиримкул уни Тошкентга «Шарқ юлдузи» журнаliga жўнатди. Орадан кўп ўтмай Тошкентдан пакет олдим — ичида мақолам босилган бир



жуфт журнал билан муҳаррирнинг мактуби. Мактубда мақоланинг чоп этилиши билан мени табриклаб, уни илиқ кутиб олингани хабар қилинган ва режаларим, нималар устида ишлаётганим сўралиб, ҳамкорлик қилиб туришга даъват этилган. Чидаб туrolмадим, дарҳол жавоб хати йўллаб, бир эмас, икки эмас, бир йўла ўнтача мақола устида ишлаётганимни, яқин ўртада уларни юборажгимни, умуман, режалар жуда катта эканини маълум қилдим. Тажрибасизлик қилиб ваъдани бериб юбораверибман — кейин ёзилган бўлса, ўша ўнта мақоланинг иккитаси ёзилди, холос, қолгани қолиб кетди. Шундай қилиб, Пиримқул менинг танқидчи бўлиб туғилишимда доялик қилган эди — шундай қилмаганида мен ўзим юрак ютиб қачон ёзишга киришар эдим-у, ундан нима чиқарди — худо билади.

Пиримқулнинг ҳаётимда ўйнаган роли тўғрисида ўйласам, унинг яна бир фазилатини айтмай туrolмайман — у одамларни бир-бирига топтириб қўйишдан, уларнинг яқинлашиб дўстлашишидан катта баҳра оларди. Мен, масалан, Матёқуб Қўшжонов билан таниш бўлсам-да, ўқиш даврида унчалик яқин бўлмаган эдик. Москвада Пиримқул туфайли жуда яқин бўлиб қолдик ва бу ижодий дўстлик ҳамон давом этмоқда. Пиримқул мени Одил Ёқубов билан ҳам таништирган ва у билан тил топишиб кетишимизда катта роль ўйнаган. Аммо у мени Абдулла Қаҳҳор билан ҳар жиҳатдан яқиндан таништирдик, бунинг учун мен ундан умрбод миннатдорман. Пиримқул мени Абдулла ака билан биринчи марта шахсан қандай таништиргани тўғрисида хотираларимда ёзганман. Шунинг учун бу ерда Қаҳҳор ижоди ҳақидаги тасаввурларимни бойитишда Пиримқулнинг ёрдами қандай бўлганини гапириб берай.

Пиримқул мутахассислигига кўра шарқшунос-тарихчи бўлса-да, аспирантурада номзодлик диссертацияси учун «Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди» деган мавзунини танлаб олган эди. Бу ишда Пиримқул «Қўшчинор чироклари» романини ва «Шоҳи сўзана» комедиясини таҳлил қилган. Бу асарлар ўша кезларда жуда кескин мунозараларга сабаб бўлиб турганди. Пиримқул ишида романга қўйилаётган асосий айб — ёзувчи колхозлаштириш жараёнини тасвирлашда синфий курашни кўрсатмаган деган

айб асоссиз эканини исботлайди, негаки романда колхозлаштириш тугаган даврдаги — 1933—34 йиллардаги ҳаёт тасвирланганини очиб беради. «Шоҳи сўзана» комедияси ҳақида гапирганда эса унинг жанрини қаҳрамонона комедия деб белгилайди ва бу жанр умуман, адабиётда янги жанр эканини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрлар Абдулла Қаҳҳор ижодини тухмату бўҳтонлардан, турли ғоявий таъна-дашномлардан ажратиб олиб, чинакам санъаткорлик талаби билан кўришга ёрдам берган эди.

Шу тарзда Москвада бирга кечирган йилларимиз хотималанди. Мен 1955 йилнинг апрелида диссертация ҳимоя қилиб, 2 май куни Тошкентга йўл олдим. Пиримқул билан Матёқуб Қозон вокзалида мени кузатиб қўйишди. Мен билан хайрлашар экан, Пиримқулнинг юраги ҳаяжон ва ҳавасдан ҳаприқаётганини ҳис қилдим. У ҳам ич-ичидан тезроқ Тошкентга кетишга ошиқар, лекин уюшма раҳбарияти ҳамма ишларни саришта қилиб бажариб турган шундай яхши ходимни қўлдан чиқаришни истамас эди.

Эҳтимолки, Пиримқулнинг ўрнида бошқа одам бўлганида Москвани тарк этишни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди, чунки бу даврга келганда унинг мусофирчилик билан боғлиқ асосий муаммолари ҳал бўлган эди. Иши тайин, адабий доираларда, нашриёт ва муҳарририятларда уни танишади, ҳурмат қилишади. Энг муҳими — университет районида уч хонали квартира беришган — квартираси кенг, ёруғ, ҳамма қулайликларга эга — теварак-атрофи магазин, ёнида кинотеатр, метро ҳам биқинида. Одамга бундан ортиқ нима керак? Лекин бу неъматларнинг ҳеч қайсиси Пиримқулни йўлдан қайтаролмади. «Адиб ўз элу юртида томир отмоғи керак, ўз халқи билан бир қозонда қайнамоғи зарур, акс ҳолда, унинг осмони рангсиз, заҳил бўлиб қолади» деб ҳисобларди Пиримқул.

Шундай қилиб, Москвадаги квартирасини Тошкентда Глинка кўчасидаги 4 хонали коттеджга алмаштириб, узил-кесил ўз юртига қайтиб келди. Мана, шунга ҳам 40 йилдан ошди. Албатта, Пиримқул Тошкентга кўчиб келиб кам бўлгани йўқ. Бу ерда у кўп йиллар мобайнида Фанлар академияси тизимидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади, бадиий ижод соҳасидаги самарали меҳнати учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юк-

сак унвонга сазовор бўлди, республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг, у Олий Мажлисга депутат бўлиб сайланди ва юртимизда маданий ишлар ривожига бақадри имкон ҳисса қўшиб келмоқда. Бир қараганда, у бир зиёли одам умри давомида эришмоғи мумкин бўлган неъматларнинг ҳаммасига эришди. Лекин кўпни кўрган донолар бу дунёни «бир кам дунё» деб бежиз аташган эмас. Ҳаёт шунақа бир ўжар дарёки, бир томонига тўғон қуриб саркаш сувни эплаб оламан десанг, бошқа томондан уриб кетганини билмай қоласан. Пиримқул ҳам тақдирнинг анча-мунча аччиқ зарбаларига рўпара келди. Кўп ҳолларда бу зарбалар унинг ихтиёрига боғлиқ бўлмас эди, кўп ҳолларда ижод билан боғлиқ, тўғрироғи шўро жамиятида истеъдодли ижодкорга бепишанд қараш анча кенг тарқагани билан боғлиқ эди. Пиримқул биринчи романини Москвада яшаб юрган кезларидаёқ тугатган эди. Бу — қай бир даражада автобиографик роман бўлиб, унда адиб дорилфунуннинг шарқ факультети мисолида ўша пайтдаги ёшлар ҳаётининг долзарб масалаларини кўтарган эди. Пиримқул, айниқса, ёшларнинг илк қадамларидаги мураккабликлар, улғайиш йўлининг зиддияти тўғрисида тўлқинланиб ёзганди. Мен қўлёзмани ўқиган эдим — уни ўша туришида китоб қилиб чиқарса, аминманки, ўзбек адабиётида катта ҳодиса бўларди. Бироқ адиб бунга улгурмади — бирдан XX съезд бўлиб қолди-ю, мафкуравий ҳаётни бошдан-оёқ алғов-далғов қилиб юборди, — съездда Сталин шахсига сифинишнинг кескин фош қилиниши ҳаётнинг кўпгина томонларини тубдан янгича идрок этишни тақозо қилди, аввалги қадриятларнинг кўпчилигини қайта баҳолаш зарурати туғилди. «Уч илдиз»дай ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланган романни тубдан қайта ишламаса бўлмас эди. Адиб ҳали эълон қилинмаган асарини қайта ёзиб чиқиш учун камида яна икки йил умрини сарфлади. Бу жуда қийин, машаққатли иш эди, лекин шундай меҳнат туфайли асар бутунлай ярқираб очилиб кетди, унда, алланечук, сифат ўзгариши рўй берди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ўткир фикрлар, кескин ҳаётий конфликтлар тасвирига унча ўрганмаган ўзбек китобхонини «Уч илдиз» романи янгича тафаккур қилишга ундаган салобатли асар

бўлган эди. Шунинг учун ҳам улуг қозоқ адиби Мухтор Аvezов 1959 йилда Москвада ўзбек адабиёти декадаси кунларида бўлиб ўтган йиғилишда романга, адибнинг истеъдодига жуда юксак баҳо берди. Табиийки, бу баҳо билан жамоатчиликнинг илиқ муносабати Пиримқулга ижод бобидаги дастлабки мураккабликни нисбатан осон енгилга кўмак берган.

Албатта, Пиримқул ижодида бундай мураккабликлар шу билан чекланмади. Бу ўринда уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўхтаб ўтишнинг зарурияти йўқ. Айтиш жоғди, «Юлдузли тунлар» романининг қисмати билан боғлиқ можаролар ҳақида индамай ўтиш ҳам бўлмайди. Афтидан, Бобур образини яратиш, Бобур мавзуини ёритиш Пиримқулнинг талабалик йилларидан бери кўнглида ардоқлаб келган буюк орзуси бўлган. Пиримқул бу ишнинг ўта масъулиятли эканини, мавзунинг шўро мафқурасига тўғри келмайдиган ўткир қирралари мавжудлигини жуда яхши билган ва муайян тажриба орттиргачгина бу ниятини амалга оширишга киришган. Шундай қилиб, у романи 1969 йилда ёзиб битирди. Дўстлар роман қўлёзмасини ўқишди, асар мутахассислар даврасида муҳокама қилинди — ҳамма унга юксак баҳо берди. Лекин асар ҳа деганда босилиб чиқавермади — китоб нашрига мутасадди бўлган айрим кимсалар китобнинг босилишига тўсқинлик қилишдан тўхташмади. Масала Шароф Рашидовгача етиб борди. Аммо у киши ҳам масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашдилар; ахир, нима бўлганда ҳам, Бобур Темурийзода, подшо, Ҳиндистонни босиб олган. Уни мақтаб, кўкларга кўтариб бўлмайди. Бу шўро мафқурасига асло тўғри келмайди. Бутун дунё мақтайди-ку! Ахир, у подшогина эмас, жуда ҳассос шоир, моҳир адиб, ўткир тарихчи, теран файласуф ҳам. Бундай ажодимиз билан ҳар қанча фахрлансак оз! Йўқ, бу гапларни кўйинг. Дунё мақтаса, мақтайверсин. Биз эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Шошган қиз эрга ёлчимайди. Шўро мафқураси ўтмишни идеаллаштирувчи миллатчилар билан ади-бади айтишиб ўтирмайди.

Бундай бемаъни аҳвол роса ўн йил давом этди — ўн йил ичида ўз меҳнатининг самарасини кўра олмаган адиб қанчалик оғир машаққатлар кўрганани, адоқсиз изтироблар чекганини айтиб адо қилиб бўлмайди. Бундай адолат-

сизлик ҳар қандай иродаси метин одамни ҳам руҳан эзиб юборади. Пиримқул ижодининг гуллаб-яшнаган даври ана шундай мураккабликлар ичида кечди.

Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ортда қолди, аммо улардан юракда битмас чандиқлар ҳам қолди. Худога шукур, бизга умр берган экан — мана етмишга ҳам кирдик. Мен бот-бот Пиримқулнинг Москвада менга тақдим этган илк китобини варақлаб тураман. Унда оддий юрак сўзлари бор:

«Озодга. Бир мақсад йўлида бирга бораётганимиз хотираси сифатида. Пиримқул.

9 март 1952 й. Москва».

Дастхат оддий сўзлардан таркиб топган бўлса-да, уларда аллақандай башоратомуз оҳанг бор. Дарҳақиқат, мана салкам эллик йилдирки, чиндан ҳам бир мақсад йўлида кетиб боряпмиз. Бу йўл кўп машаққатли эканига, одамдан жуда кўп ғайрат ва шижоат талаб қилишига ва айни чоғда шарафли эканига амин бўлдик. Икковимиз ҳам бу йўлда имкон қадар хизматимизни аямай келмоқдамиз. Бугун мен 70 ёшлик маррага етиб келган эканман, шу олис йўлда менга ҳамроҳ ва мадаккор бўлиб келаётган дўстим Пиримқулга чин юракдан миннатдорлигимни изҳор қиламан. Бир мақсад йўлида яшаб, ижод қилаверайлик, дўстим! Ҳали қиладиган ишларимиз кўп!

2000

## УМАРБЕКОВНИНГ ЎЛМАС ФАЗИЛАТЛАРИ

Мен аспирантурани тугатиб, университетга ишга келганимда, Ўлмас Умарбеков филология факультетининг V курсида талаба эди.

Мен иш бошлашим биланоқ уларнинг курсига дарсга кирганманми-йўқми — ҳозир аниқ эслолмайман. Лекин бунисидан қатъи назар, ўша кезлардаёқ Ўлмас билан танишмаган бўлишим мумкин эмас. Негаки, бу пайтга келганда Ўлмас матбуотда эълон қилинган бир қатор ҳикоялари билан анча танилиб қолган эди. Ўша пайтда бугун мамлакат қаҳратон қиш зимистонидан чиқиб, баҳорнинг илиқ шабадаларидан мириқиб нафас олаётганга ўхшарди. Адабиётда ҳам бир неча йиллар мобайнида алланечук мудроқлик ҳукм сурган бўлиб, ҳамма ўзи билан янги нафас,

янги қарашлар олиб келадиган асарларни интиқиб кутарди. Адабиётга ёниб кириб келган Ўлмас Умарбеков ана шу янги адабиётнинг қалдирғочларидан бири бўлди.

Дарҳақиқат, унинг илк ҳикояларидаёқ аллақачон қотиб қолган ёзувчининг оёқ-қўлларини кишандай бандлаб оладиган совуқ қолиплардан қочиш бор эди. Уларда жонли ҳаёт нафаси устувор эди, унинг қаҳрамонлари ўзимизга таниш бўлган, ўзимиз каби реал ташвишлар билан яшайдиган одамлар эди. Бунинг устига улар бир зумда китобхонда илиқ туйғулар уйғотар, уларнинг муҳаббатини қозониб оларди. Ўлмас ҳикояларида турғунлик даври адабиётида деярли йўқолиб кетган яна бир муҳим фазилат мавжуд эди – улар жуда теран самимият билан суғорилган бўлиб, ёш адиб китобхонга ўз қалбини тўлалигича очиб беришга, ўзининг ҳис ва туйғуларини яширмай, тўла-тўқис намоеън этишга интилганди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом каби атоқли санъаткорларнинг ҳам назарига тушди. Уларнинг диққат-эътибори асли ёш ёзувчини енг шимариб, янада ғайрат билан ижод қилишга ундади. Шу тарзда 60-йилларнинг бошида «Севгим-севгилим» қиссаси майдонга келди. Қисса ҳажман увоққина бўлса-да, худди Чингиз Айтматовнинг «Жамила»си ёки Одил Ёқубовнинг «Муқаддас»и каби ўша даврнинг адабий ҳаётида катта ҳодиса бўлди. У ўнг минглаб ёшларнинг эътиборини жалб қилди, уларнинг ўртасида қўлма-қўл ўқилди, қизгин баҳсларга ва мунозараларга сабаб бўлди. Бу қисса ўзбек прозасида шахсга сифиниш оқибатларига қарши ёзилган асарлардан бири эди. Ёш адиб бу улкан фожианинг аламли даҳшатини оддий ўзбек қизи Ойпопук тақдирида кишини ларзага соладиган даражада ҳаяжонли очиб берган эди. Ойпопукнинг отасини бекордан-бекорга қамайдилар. Бу Ойпопук учун даҳшатли зарба эди. У отасининг бегуноҳлигига тўла ишонади, дардини севгилиси Ўктам билан баҳам кўради. Аммо Ўктам қизнинг дардига шерик бўлиш, унинг руҳини кўтарадиган гаплар айтиш ўрнига, «Бирон айби борки, қамашгандир» деган маънода қизга жавоб беради. Бу дағал жавоб қиз қалбини чил-чил синдиради, унда омонатгина илиниб турган ишонч ришталарини бутунлай узади. Ойпопук ўз жонига қасд қилади.

Ўзбек прозасида ҳали бунақаси бўлмаган эди — ҳали биронта ижобий қаҳрамон шўро замонида ўз жонига қасд қилмаган эди. Ўшанда гарчи баҳсларнинг кўп қисми Ой-попукнинг тақдирини ҳал қилишда адиб тўғри йўл тутганми-йўқми, деган масала атрофида кетган бўлса-да, уларнинг замирида тоталитар тузумни рад этиш, инсон ҳақ-хуқуқларининг муқаддаслиги ва ижтимоий тафаккур ривожига адабиётнинг роли тўғрисида кетарди.

Хуллас, бу кичик қиссадан катта гапларнинг ҳиди келиб турар, ҳали ёзувчининг қалбида айтилиши керак бўлган дардлари ғоятда кўп экани яққол сезилиб турарди. Китобхонлар оммаси адибдан янги асарлар кута бошлади. Ўлмас Умарбеков уларнинг умидини чиппака чиқармади. У қатор-қатор янги ҳикоялар яратди, қиссалар ва романлар эълон қилди, драма театрларининг сахналарида кетма-кет унинг пьесалари қўйилди, улардаги бош ролларни Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева каби буюк актёрлар ижро этишди, унинг сценарийлари асосида анчагина фильмлар яратилди. Улар тўғрисида танқидчиликда кўп мақолалар ёзилган, уларнинг фазилатлари тўғрисида анча-мунча ижобий фикрлар айтилган. Мен уларнинг кўпчилигига қўшиламан. Ўлмас Умарбеков том маънодаги халқ ёзувчиси бўлган эди ва унинг асарлари ўзбек адабиёти хазинасини умри боқий асарлар билан бойитди.

Лекин мен ҳозир унинг ижод йўли тўғрисида ҳисобот ёзмоқчи, асарлари қайси жанрда, қандай мавзуларда ёзилгани ҳақида илмий тадқиқот ёзмоқчи эмасман. Мен бу гал ўзим билган ва таниган Ўлмаснинг ёрқин адабий истеъдодини рўёбга чиқаришга ёрдам берган инсоний сифатлар тўғрисида мулоҳаза юритмоқчиман. Шоир ёки адиб, хамир қорганда зувалага жиндай хамиртуруш қўшмаса бўлмаганидек, ёзадиган асарига жиндай муболаға аралаштирмаса бўлмайди. Тўғрироғи, ижодкор ҳаёлотининг қувватини ишга солади ва ҳаётда етишмаган ранглар, оҳанглар, нисбатлар, туйғуларни керагидан орттириб, бўрттириб китобхонга етказди. Лекин ижоднинг бу ўзига хослиги ижодкорнинг ҳаётда ҳам шунга мойил бўлишини тақозо қилмайди. Аксинча, ёзувчи инсоннинг қадр-қимматини ерга урадиган ҳар қандай нуқсонлар ва иллатлардан қанча йироқ бўлса, шунча яхши. Бошқача айтганда, ёзув-

чи ёки шоир юксак исоний фазилатларга эга бўлса, унинг тили билан дили бир бўлса, асарда айтадиган гаплари билан реал ҳаётда қиладиган ишлари бир-биридан айро тушмаса, бунинг бари истеъдоднинг тўла яшнаб очилишига ёрдам беради, унинг асарларини жуда-жуда ардоқли қилади. Лекин, афсуски, ҳаётда инсоний фазилатлар билан юксак истеъдоднинг бақамти келиши жуда ҳам кам учрайдиган, ўта ноёб ҳодиса бўлади. Негаки, одатда, ижодкор ҳам одам ва одамга хос бўлган ҳеч қандай хислат унга бегона эмас.

Ўлмас Умарбеков том маънода баркамол инсон эди. Оллоҳ уни ҳусни таважжуддан ҳам, ички фазилатлардан ҳам сиқмаган эди. Сочлари тимқора, қора қошлари, кўнғир кўзлари ғоятда жозибадор, қадди-қомати келишган, юзидан, кўзидан меҳр ва хайрихоҳлик ифодалари зуҳур этиб турадиган бу йигит қанчадан-қанча там-там қизларнинг ичини куйдирган бўлса, ажаб эмас. У бениҳоя хушмуомала, юмшоқ табиатли, яхши тарбия кўрган одам эди. Биров билан гаплашса, гўё қаттиқроқ гапириб юбориб, унга озор етказиб қўйишдан чўчигандек, тортиниб, ийманиб турарди. У том маънодаги зиёли эди, аммо бу зиёлилик гамлетона тараддудланишларда, иккиланишларда, бугунги ишни эртага қўйишларда эмас, бағрикенгликда, теранликда, назокатда намоён бўларди. Зиёлилик унга «ҳа» дейиш зарур бўлганда «ҳа», «йўқ» дейиш зарур бўлганда «йўқ» дейишга халақит бермасди. Ва у яна қўлидан келган ҳамма жойда яқинларига, дўстларига, ўртоқларига ёрдам беришга, уларни қўллаб-қувватлаб, ишларини силжитиб юборишга ёрдам берарди. У бағрикенг, кечиримли инсон эди. Унинг феълидаги олижаноблик, чинакам ўзбекона мардлик бир эмас, бир нечта одамга етгулик эди. Ўлмаснинг бу ёрқин фазилатларини мен ўзим у билан мулоқотларда неча марта кўрганман, кўп марталаб улардан баҳраманд бўлганман.

\* \* \*

60-йиллар менинг ишларимдан путур кета бошлади, расман айтилмаса-да, менинг тўғримда «бу — нигилист, ўзбек адабиётининг ютуқларини кўра олмайди» деган ифво гаплар тарқади. Матбуотда эълон қилинган бир-икки ма-



қолада ҳукмрон мафкура ақидаларига тўғри келмайдиган бир-икки гаплар ўтиб кетди. Шулар ҳаммаси бир бўлиб, сиёсий жиҳатдан «ишончсиз» одамга чиқдим, билмадим, бирор-бир қора рўйхатга тиркалдимми-йўқми, лекин ҳар-қолда мени телевидениега яқинлаштирмай қўйишди.

ТВда ўзимни кўрсатиш бир ёқда турсин, ҳатто номимни ҳам тилга олишмасди. Матбуотда ҳам худди шу аҳвол — бирон мақоламни таклиф қилсам, «ҳозир ўрин йўқ, майли, ўйлаб кўрамиз, кейинроқ бир гап қилармиз» деган мужмал жавобни эшитаман. «Нима гап ўзи? Нега бундай қилиясизлар?» деб сўрасам, ҳеч кимдан тайинли жавоб чиқмайди, ҳамма елкасини қисади, менга раҳми келиб қарайди, боши билан ирғаб юқорига ишора қилади.

Бундан ёмони бўлмас экан. Ўзингни тирик мурдадай ҳис қилар экансан. Сувратинг одам-у, сийратинг арвоҳдан баттар. Ҳеч кимга керагинг йўқ, ҳамманинг оёғи остида ўралашиб, халақит беришдан бошқани билмайсан. Қўлинг ишга бормайди, ҳатто бирон нарса ўқий десанг, баъзан ўша ҳам юракка сиғмайди. Ҳаммасига қўл силтаб, бепарво юраверай десанг, яна бўлмайди, тирикчилик деган нарса бор, бола-чақани боқиш керак. Университетнинг берадиган пули рўзғорга учма-уч етади, холос. Пул топишнинг бошқа бирон йўлини қилай десам, ўқитувчиликдан бошқага ярамайман. Ҳатто бир-икки уриниб, машинада киракашликни ҳам эплаёлмадим. Ана шу оғир кунларда Ўлмас жонимга ора кирди. У пайтларда Ўлмас радиода ишлар эди. Аввал бадийий муҳаррирликдан иш бошлаб, қисқа муддат ичида радиода адабиёт ва санъат бўлимининг бош муҳаррири даражасига кўтарилди. Бир куни у ким орқалидир мени чақиртирди.

— Радиода адабиёт ва санъат соҳасида катта ишлар бошладик. Ёрдам бериб турмасангиз бўлмайди. Бўлимда режалар тузилган. Шунини кўриб, ўзингизга мосларидан танланг. Истасангиз ўзингиз таклиф қилинг. Ҳарқолда қатнашиб туринг.

Мен қатнаша бошладим. Бу қатнашув ҳозирга қадар давом этиб келяпти. Лекин мен бу ўринда бошқа нарсани айтмоқчиман, албатта, мен билан қачон, қандай мулоқотда бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бироқ радио ҳеч кимнинг хусусий идораси эмас — у давлатнинг энг муҳим

тарғибот органларидан бири. Бу ерга ҳаммани ҳам таклиф қилавермайдилар. Менга ўхшаган урилган-сурилган одамни яқин йўлатмайдилар. Бу қоидага риоя қилмайдиган одамлар эса ким бўлишидан қатъи назар, ўзи жазога мустаҳиқ бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундоқ бўлгандан кейин бир марта-икки марта эмас, 10–15 йил мобайнида мени радио билан ҳамкорлик қилишимга йўл очиб кўйишнинг ўзи катта жасорат эди. Менинг радиодан ўқиган мақола-ларим ичида беозорлари билан бирга кактус барглари сингари ўткир тиканлилари ҳам бор эди. Жумладан, 1967 йилда ўзбек шеърятининг ярим асрига бағишланган мақолада Чўлпон тўғрисида анча очиқ гаплар айтилган эди. Бу ўринда мен Ўлмас Умарбековнинг ўзгаларнинг манфаатини шахсий манфаатларидан юқори қўя олишини, ўзининг амалдорлик мавқеини мустаҳкам сақлаш ўрнига радиода демократик тамойилларни жорий этишга катта ҳисса қўшганини таъкидламоқчиман.

\* \* \*

Мен Ўлмаснинг муҳлиси эдим, унинг асарларини яхши кўрардим, уларни ўқиб, кўп ҳузурланардим. Лекин айни чоғда уларда қай бир нуқталарда шундай кемтикларни, авжига етмаган жойларни ёки босиқ ва теран гапириш керак бўлган ўринларда баландпарвозликка, риторикага, хитоблар ва шиорларга берилиб кетилган ўринларни ҳам кўрар эдимки, улар асарнинг том маънода бадиият чўққиларига кўтарилишига халақит берарди. Ҳамма мақола-ларда бу асарлар мақтаб турилганда, мен тақриз ёки мақола ёзиб, уларни танқид қилай десам, ўзим яхши кўрган адибни ранжитиб кўйишдан кўрқардим. Шунинг учун бўлса керак, мен Ўлмас тўғрисида анча кам ёзганман. Лекин ундаги шу кемтиклик тўғрисида ўйлашдан тўхтамадим. Чуқурроқ ўйлаб қарасам, бундай хусусият биргина Ўлмаснинг ижодида эмас, ўша пайтдаги деярли ҳамма ўзбек ва нафақат ўзбек ёзувчиларининг ижодида учраб экан. Воқеалар мантиқи характерлар ўртасида кескин тўқнашувларга, фожиавий ечимларга олиб келиши муқаррар бўлган ҳолларда, негадир бирдан тасвирдаги кескинлик юмшайди-ю, ҳамма персонажлар «муроду мақсадига» етиб қўя қолади ва ҳаётини финал ўрнига «далада байрам» бошла-

нади. Фақат ёшлар эмас, ҳатто Одил Ёқубовдай тажрибали ёзувчининг «Диёнат» каби романида ҳам шундай ҳолни учратиш мумкин эди. Кейин ўйлаб қарасам, гап у ёки бу ёзувчида эмас экан, гап ўша замондаги ижодий муҳитда, адабиёт учун белгилаб қўйилган қолипларнинг торлигида, ижодий эркинлик ўрнига схемалар ҳукмронлиги мавжудлигида экан. Шу орада Ўлмаснинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» деган қиссаси чоп этилди. Қисса қаҳрамони Дамир Усмонов райком котиби эди. Адиб уни анчагина ҳаётий, ишонарли қилиб тасвирлаган, лекин унинг тақдирини ниҳояга етказишда қай бир даражада бўлсада, схематизм таъсиридан қутула олмаган эди. Тўғрироғи, қутулиши мумкин ҳам эмасди. Мен ўша кезларда оғир хасталикни бошимдан кечираётган эдим. Шунга қарамай, «Ҳаёт ҳақиқати ва схематизм инерцияси» деган мақолани эълон қилдим. Мақола Ўлмаснинг ана шу қиссаси тўғрисида эди. Аниқроғи, биргина Ўлмаснинг эмас, адабиётдаги жуда жиддий бир иллатга қарши қаратилган эди. Лекин нима бўлганда ҳам унда танқидий руҳ кучли эди. Ҳамма асарни мақтаб турганда, бундай мақоланинг чиқиши муаллифнинг қувончига қувонч қўшмайди. Албатта, Ўлмаснинг бу мақолани қабул қилиши осон бўлган эмас. Бу воқеадан кейин унинг менга ҳурмати ошиб қолган, деб ҳам айтолмайман. Негаки, ҳамма танқидни «келажакнинг меваси» деб кўкларга кўтарса ҳамки, ўзинг истеъмол қилганинда ҳазми анча оғир кечадиган мева у! Ўлмас бу мақолага раддия бериши мумкин эди. Унга қарши биронта мақола уюштириши ёки ҳеч бўлмаганда менга нисбатан қовоқ-тумшук қилиб, норозилигини ифодалаши мумкин эди. Лекин у буларнинг ҳеч қайсисини қилмади. Умуман, ҳеч нарса билан ранжиганини менга билдирмади — муносабатларимиз аввалгидай қолаверди. Бу чинаяк мардлик эди.

Орадан анча вақт ўтди. Ўлмас Умарбеков Ёзувчилар уюшмасига раҳбар бўлиб келди. Мен уюшмага бориб, уни янги лавозим билан табриқладим, бирмунча вақт у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, чақчақлашиб ўтирдик.

Ўлмаснинг кайфияти чоғ, менга муомаласи ҳар доимгидек илиқ ва эътиборли эди. Лекин орадан бирор ой ўтар-ўтмас, негадир орамиздан ола мушук ўтгандай бўлиб қолди.

Ўлмаснинг менга муносабати кескин ўзгарди, мен хона-сига кирсам гаплашишга унча хуши йўқдай, гапни қисқа қилар, менинг тезроқ чиқиб кетишимни хоҳлаётганини унча яширмас ҳам эди. Мен нима бўлганига ҳайрон эдим – ўйлаб-ўйлаб, бундай ўзгаришнинг сабабини сира аниқ-лай олмадим. Ўзимнинг сўнги пайтлардаги Ўлмасга айтган ёки бошқаларга Ўлмас тўғрисида айтган ҳамма гапларимни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим, лекин унинг муомаласини бу даражада ўзгартириб юборадиган ҳеч нарса тополмадим. Орага тушган совуқчилик ҳам, унинг сабабини тополмаганим ҳам мени жуда хуноб қилиб юборди. Ниҳоят, Ўлмас билан очикчасига гаплашиб олишга аҳд қилдим.

– Ўлмасжон, нима гап ўзи? Нега кейинги пайтларда менга муомалангиз бу қадар ўзгариб қолди? Бирор ноҳўя иш қилиб қўйдимми ёки бирон ноўрин гап гапирдимми? – дедим мен унинг ҳузурига навбатдаги киришларимдан бирида.

Ўлмас менга ярқ этиб қаради ва бир неча муддат юзимга синчковлик билан тикилиб турди.

– Ростдан ҳам нима деганингизни билмайсизми? Чинми шу гап?

– Ўлай агар билсам. Нима ҳам дейишим мумкин. Мен ҳамиша сиз тўғрингизда жуда юқори фикрда бўлиб келганман ва ҳозир ҳам шундай.

– Агар чиндан-да нима деганингиз эсингизда бўлмаса, бўпти. Гина-кудуратга шу ўринда нуқта қўямиз. Тамом!

Шундай деб у ўрнидан турди-да, қўлини узатди. Мен ҳам қўлимни узатдим. У қўлимни қаттиқ қисиб, бир-икки силкитди. Ташқаридан кўрган одам бизни нимагадир «бор, барака» қилишяпти, деб ўйлаши мумкин эди. Шу билан орамизда пайдо бўлган нохушлик кўтарилди, муносабатлар яна эски изига тушиб кетди.

Мен яна бир марта бу одамнинг бағрикенглигига тан бердим. Мен, албатта, «Ўлмасжон, нимадан хафа бўлганингизни, мен сизни нима деб ранжитганимни айтинг, ахир, билиб қўйишим керак-ку!» дедим. Бироқ Ўлмас бу гапимга кулди-да, «Билмасангиз билиб нима қиласиз, қўяверинг», деди. Шундай бўлса-да, мен, барибир тинчий олмадим. Нима бўлганикин? Нима деган бўлишим

мумкин? Бу тўғрида бир-иккита яқин дўстларга ҳам ёзилдим. Ниҳоят, улардан бири масалага ойдинлик киритди — икки-уч ҳафта олдин бир ёзувчиниқида тўйда бўлган эканмиз. Хўп «яйраган» эканмиз. Мен ҳам тормозимни қўйиб юборибман. Натижада оғиздан баъзи бир гаплар чиқиб кетаверган экан. Бунақа пайтларда ўзингга ўзинг жуда доно кўриниб кетасан, нимаики десанг ғоятда маънили, ҳазилларинг ўта маънодор ва ўринлидай туюлади. Ўзингга ўзинг маҳдиё бўлиб, бировга қаттиқ озор бераётганингни ўйлаб ҳам ўтирмайсан. Мен ўшанда Ўлмаснинг ҳамиятига тегадиган жуда бемаъни бир гап айтиб юборган эканман. Ўлмас қаттиқ хижолат бўпти, қизариб, бўзарипти-ю, ҳеч нарса демапти. Кейин эса мен ўзим оғиз очганимдан кейин, буларнинг бари кайфда қилинган бетамизликдан ўзга нарса эмаслигини инобатга олиб, гуноҳимни эслатиб ҳам ўтирмаган экан.

Ўлмас Умарбеков ана шунақа кечиримли одам эди. Бунақа олижаноб ва савоб ишларни у ҳар куни ва ҳаммага қиларди.

\* \* \*

Ўлмас Умарбеков Ёзувчилар уюшмасига раҳбар бўлиб ўтгандан сўнг, фақат ижодий ишлар билан шуғуланмай, ёзувчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берди. Муҳтож ёзувчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг китобларини чоп эттириш, далаҳовлилар олиб бериш, Литфонд йўли билан моддий ёрдамлар кўрсатиш каби ишлар ҳам унинг диққат марказида турди. У жиндай кекчи бўлганида, бировларнинг нохуш ишларини йиллар давомида кўнглидан чиқармайдиган ва кези келганда ундан ўч олиб лаззатланадиган одам бўлганида менга қилган навбатдаги яхшилигини қилмай қўя қолган бўлар эди. Аммо у мард эди, одамоҳун эди. Бировга яхшилик қилиб, шундан лаззатланадиган одам эди.

Ўша кезларда мен «Жигули» минар эдим. «Жигули» кўп жиҳатдан маъқул машина эди — енгил, инжиқлиги йўқ, тезюрар, бензинни кам сарфлайди, лекин унчалик мустаҳкам эмас, 5—6 йил ичида мурватлари қариб қолган раққосанинг суякларидай шиқиллаб қолар эди. Менинг ҳам «Жигули»м 6 йил ичида ана шунақа аҳволга келиб қол-

ганди. У пайтларда енгил машиналар ҳозиргидек магазинда қаторлашиб, харидорини пойлаб турмас эди. Машина дефицит эди. Дефицит деган «анқо»нинг уруғи дегани, яъни машина отлиққа ҳам йўқ. Республикага келадиган машиналарни энг юқори идоралар ташкилотларга бўлиб берарди. Шундай қилмаса бўлмас эди, чунки машинанинг баҳоси бозорда дўкондагига қараганда икки баравар юқори турарди.

Мен машина сўраб Ўлмас Умарбековга мурожаат қилдим.

— Ҳали лимитимиз берилганича йўқ. Ҳадемай келиб қолар. Аризангизни қолдириб кетаверинг.

Мен икки ҳафтадан кейин яна келдим.

— Лимит келди, — деди Ўлмас. — Сизга «Жигули» берадиган бўлдик. — Шундай деди-ю, бир оз ўйланиб туриб, яна сўз қотди: — Менга қаранг, Озод ака! «Жигули» олишингиз шартми? «24» олиб қўя қолсангиз бўлмайди-ми? Нима, сизга ярашмайдими?

Очиғини айтсам, мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ўзи аслида-ку Ўлмасдан «24» сўрасам ҳам бўларди — 60 йиллигим яқинлашиши муносабати билан уюшма бир жилдлик каттагина китобимни чиқаришга фотиҳа берганди. Фафур Фулом номидаги нашриётда иккита таржима китобим чиқяпти — шу кеча-кундузда нақд пулим бўлмаса-да, бир-икки ой ичида машинага етарли пул тушади. Лекин «24»га эришиш «Жигули»га қараганда ўн чандон қийинроқ — уюшмага йилда бир келадиган битта машинага кўз тикиб ётган «казо-казолар» қанча. Менга йўл бўлсин! Лекин Ўлмас нимтабассум билан жавобимни кутиб турипти. «Майли» дедим. Шу тарзда мен ҳам «24»лик бўлиб қолдим.

\* \* \*

Ўлмас бетобланиб анча узоқ ётиб қолди. 2—3 киши уйига кўргани бордик. Аҳволи анча оғир бўлса-да, бизга билинтирмасликка ҳаракат қиларди. У томоғи хасталаниб, гапиролмай қолган экан. Имо-ишоралар орқали гаплашдик, чаласига адибнинг рафиқаси Зухраҳон «таржимонлик» қилди. Ўлмас ўша аҳволда ҳам ижоддан тўхтамаган экан.

Орадан кўп ўтмай, Ўлмас оламни тарк этди. Афсуски,

унинг умри қисқа бўлди. Лекин битта тасалли бор — у жуда ҳалол, покиза, мазмундор ва ёрқин умр кечирди. Унинг умри гўзал бир қўшиққа ўхшайди. Минг афсуски, бу қўшиқ авж пардаларида узилди.

2004

## АМЕРИКАЛИК ДАРВЕШНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Авваллари дарвешлар фақат бизнинг шарқдагина бўлади деб ўйлаб юрардим. Адашган эканман — дарвешлар биздан анча олисда — Баҳри муҳит ортидаги Америка қитъасида ҳам истиқомат қилишаркан. Қизиги шундаки, америкалик дарвеш ҳам худди ўзимизнинг дарвешга ўхшайди-ундан бир туки ўзга эмасу ҳам жиндай ҳавойироқ, бир жойда узоқроқ тинчиб туролмайдиган, жаҳонгашта, қадими етган жойда етим-есирлар, мискинларнинг бошини силашга ҳаракат қилади. Бирор юпун одамга рўбарў келса, унинг кимлигини суриштириб ўтирмай, устидаги тўнини ечиб беради. Бундай одамларнинг туриш-турмуши бизга ўхшаган ўзига бино қўйган одамлар назарида анча галати кўринса-да, уларнинг самимийлиги, беғаразлиги ҳурмат-этиборимизни қўзғамаслиги мумкин эмас.

1997 йилнинг охири ойлари эди. Идорада таҳририят ишларини қилиб ўтиргандим. Телефон жиринглади, гўшакдан Ёзувчилар уюшмасида котиба бўлиб ишлайдиган қизнинг кўнғироқдек овози янгради:

— Домла, америкалик доктор Рональд Хонг сиз билан учрашиб суҳбатлашмоқчи эканлар. Ҳузурингизга борса бўладими?

— Нега бўлмас экан! Нима, мен министрмики, ҳузуримга кириб бўлмайди? Келаверсин!

Очигини айтсам, доктор Хонг нима мақсадда келаётганидан беҳабар бўлсам-да, кўнглим ёришиб, бўйим бир қарич ўсгандай эди. Буни қаранг, ўзим ҳам чакана эмас эканман-да?! Мени ҳатто Қўшма Штатларда ҳам танишар эканлар. Халқаро миқёсда донгдор эканимдан ҳузурланиб улгурмасимдан эшик очилиб, икки киши кириб келди.

Уларнинг бири қотмадан келган, очиқ чеҳрали, кўзида думалоқ гардишли кўзойнак, ҳаракатлари дадил ва чаққон, эллик-эллик бешлар чамасидаги корейс башара одам эди.

Иккинчиси эса тўлачадан келган, истараси иссиқ, жуда хушмуомала Ҳусниддин деган йигит бўлиб, америкалик меҳмоннинг таржимони экан. Йўқ, доктор Хонг мени танимас экан. Қолаверса, умуман адабиётга алоқаси йўқ экан. У ясама оёқ ёки ясама қўллар ясайдиган уста экан. Менга оёқ ясаб бериш ниятида келган экан. Мен, албатта, унинг олижаноб ниятидан хурсанд бўлдим, лекин менинг ногирон эканимни қаёқдан билганини сўрадим. Бунинг ҳам сири осон экан: беш-олти кун аввал президентимиз Ислон Каримов Ҳукумат уйида бир гуруҳ мукофотланганлар қатори менга ҳам орден топширган эдилар. Рональд Хонг бу маросимни телевизордан кўрган экан. Менинг қўлтиқтаёқда беўхшов турганимни кўриб таржимони Ҳусниддиндан кимлигимни сўраб билибди.

Кейин бу одамга ёрдам бермасак бўлмайди, уни то-пайлик, дебди Ҳусниддинга.

— Нима, сиз машҳур ногиронларни қидириб, уларга ёрдам берасизми?

Бу савол Рональдга малол келди. Бир оз қуруқроқ жавоб берди.

— Ёрдамга муҳтож ҳар қандай ногироннинг ҳожатини чиқариш, унга ёрдам бериш, ўзининг кемтиклигини «сезмай» яшашга ўргатиш менинг виждоний бурчим. Фақат шундагина мен Худо олдида юзим ёруғ бўлади деб ҳисоблайман.

Аввалига бу сўзлар менга баландпарвоз бўлиб кўринди. Ичимдан «доктори тушмагур жиндай мақтанчоқроқ эканми» деган фикр кечди.

Кейинчалик — Рональд билан яқинроқдан танишиб олганимдан кейин юқоридаги фикр кўнглимга келгани учун ўзимдан уялиб кетдим.

Ҳарҳолда ғалати одаммиз-да, бир нарсага дарров ишона қолмаймиз. Биров одамларга яхшилик қилиш ниятида юрибман деса, юз-кўзига «ҳа-ҳа» деймиз-у, ичимизда «миямни ачитмасанг-чи, биродар. Бир балоси бўлмаса...» — дея донолик қилиб ўзимизникини маъқуллаймиз.

Рональд бошқача одам экан, у санаб улгурилмаган дарвешлар тоифасидан экан.

Буни қарангки, менга эллик ёшлар атрофида кўринган, спортсменларникига ўхшаш қадди-қоматга эга бўлиб



кўринган Рональд аслида 65 ёшни уриб қўйган, бир оёғи йўқ ногирон экан. У корейс миллатига мансуб бўлиб, 1932 йилда Жанубий Кореяда ишчи оиласида дунёга келган, қишлоқда ўқиб саводини чиқарган. Бироқ Рональд 19 ёшида жуда катта фалокатга учрайди — автомобиль фалокатида чап оёғи эзилиб кетади. Эндигина катта ҳаётга қадам қўйиб келаётган навқирон йигитнинг аҳволини тасаввур қилиб кўрингу, ортиқ бошқа одамлар каби бемалол юролмайди, ортиқ севган қизининг ортидан қуволмайди, бирон кимса унинг кўмагига муҳтож бўлиб қолса, у бир зумда югуриб етиб боролмайди. У энди бир умр ожиз, ногирон, ночор бир аҳволда судралиб кун кечиришга мажбур. Бунақа пайтларда бутун дунё кўзингга қоронғи кўриниб кетмайдими? Бошингни ёстиққа буркаб, хўнг-хўнг аламли йиғлашдан бошқа тасалли борми?

Бор экан. Рональднинг бахтига шу кезларда бир гуруҳ америкалик врачлар одамларга ёрдам бериш учун Кореяга ташриф буюришган экан. Улар Рональднинг чап оёғини тиззасидан кесиб ташлашади ва унга ясама оёқ қилиб бериб, бу оёқда юришни ўргатиб қўйишади. Шунда орадан кўп ўтмай, Рональд бир оёғи ясама эканини ҳам унутиб юборди — энди у ҳар қандай соғлар билан бемалол ким ўзарга чопмоғи ҳам мумкин эди. Кундалик машқлар уни соғломлаштирди, балки унга навқиронлик ҳам ато қилди. Аммо буларнинг бари ҳолва экан — ҳақиқий мўъжиза бошқа нарсада рўй берди. Рональд аслида болалик чоғларида ноқ художўй бўлган, у Масиҳийликнинг қонун-қоидаларини юрагига сингдириб катта бўлган экан. Шу ақидалардан бири «яқинингни ўзинг каби севгин» деб ўргатади.

Америкалик жарроҳларнинг қилгани — Рональдни ногиронлик чоҳидан олиб чиқиб, руҳан тириклар бўстониغا қайтаргани «яқинингни севиши» амалда мўъжизалар яратишга қодир эканини исбот қилди. Шундан кейин ёш йигитнинг юрагида бир ўт пайдо бўлди, у ҳаётига Янги маъно кириб келганини ҳис қилди. У йўлида учраган ҳар бир ожиз, ночор, ногирон одамга ёрдам қўлини чўзишга ўзини бурчдор деб ҳисоблай бошлади. Шу мақсадини рўёбга чиқариш учун ортопедияни ўрганди, замонавий зўр протезлар яшаш сирларини ўзлаштирди.

У 1969 йилда Америкага кўчиб ўтди, бу ерда ҳам ўқиб

малакасини ошира борди ва бир қатор таниқли фирма-ларда, корхоналарда сунъий оёқ ясаш борасида етакчи мутахассис ва маслаҳатчи бўлиб ишлади. Бу орада Рональд ўзига ўхшаш батавфиқ, имонли корейс қизи Суен Хонга уйланди, улар учта фарзанд кўришди, Мичиган штатида ўзларининг кулбаларига эга бўлишди. Лекин Рональднинг турмушида ҳар қандай ўзгаришлар, силжишлар рўй бермасин, ногирон ва ночор одамга ёрдам қўлини чўзиш, унга қўмаклашиш, унинг ўзини тўлақонли тўкис инсон деб ҳис қилишига қўмаклашиш Рональд учун энг муқаддас иш бўлиб қолаверди. Эҳтимолки, бу қисматида Парвардигорнинг иродасини кўриб турса ҳам ажаб эмас, ночор инсонга қўмаклашиш учун, хайрли иш қилмоқ учун ўзини Худо томонидан юборилган элчи деб билиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Банданинг боши Оллоҳнинг тоши деган гап бор. Худо бандасининг ризқини курраи заминнинг қайси гўшасига сочган бўлса, у ўша ерда уни териб олади. Рональднинг ризқининг бир қисми Ўзбекистонга сочилган экан.

– Ўзбекистон тўғрисида биринчи марта Америка газеталаридан бирида ўқиб қизиқиб қолдим, – деб ҳикоя қилади Рональд.

– Сўнг бола-чақамиз билан юртингизни зиёрат қилишга келдик. Ватанингиз ўзининг табиати билан, одамларининг бағри кенглиги, соддалиги ва самимияти билан менга ёқиб қолди. Бундан ташқари, ўша келганимда сизнинг юртингизда анча-мунча ногиронлар борлигини кўрдим. Албатта, улар ҳукумат гамхўрлигидан бебаҳра эмас эканлар, шундоқ бўлса-да, мен нечундир ўзимни улар олдида бурчдор деб ҳис қилдим.

Рональд Америкага қайтади-ю, лекин тинчини йўқотади, у Ўзбекистонда ногиронларга ёрдам берувчи марказ очиш иштиёқига тушиб қолди. Қизлари уни қайтаради – ахир олис юрт бўлса, ўзи ҳам ёш йигит бўлмаса... Аммо Рональд бирор ишни бажариш ўзини инсоний бурчи деб билса, бу йўлдан қайтадиганлардан эмас эди. У 1993 йилда Тошкентга яна келади. Бу гал энди анча йил муқим ишлайдиган бўлиб, олижаноб ва эзгу ниятлар билан келади. Уни яхши қарши олишади. Ёнига кириб яқиндан ёрдам беришга чоғланган одамлар ҳам кўп бўлади. Ҳатто ўша вақтдаги

ижгимойй-таъминот вазири Б. Умрзоқовнинг қўмаги билан Чилонзор туманидаги ногиронлар техникумидан унга битта каттагина хона ҳам ажратиб беришади.

Мен бу ерга икки-уч бордим. Хона ҳар хил асбоб-ускуналарга, машқ қиладиган қурилмаларга тўла эди. Столлар устида битган ёки чала битган ёки битмаган ясама оёқлар. Деворларда схемалар, жадваллар, турли-туман фотосуратлар. Одам кети узилмай келиб-кейтиб турибди.

Табиийки, уларнинг кўпчилиги ногирон. Яхши ишнинг довуғи дарров таралади. Бу одамлар ҳар хил вилоятлардан, узоқ-яқин туманлардан келишибди. Қарангки, ўзи ҳам ногирон бу инсон ишнинг кўзини биладиган омилкор экан. Ҳаш-паш дегунча ўнлаб ногиронларнинг ҳожатини чиқарибди, уларга ясама оёқ қилиб беришдан ташқари, унда юришни, меҳнат қилишни ўргатибди. Бир гал келиб уни тополмадим — Рональд Фарғонага кетган экан. Яйпанга бориб, бир гуруҳ ногиронларга дастурхон ёзиб, атаган совға-саломини топшириб келибди. Ўзи тузукроқ ўрнашиб олишга улгурмай, ногирон ёшларга инглиз тили, сартарошлик, тикувчилик курслари очибди.

— Ногирон одам бировга муҳтож бўлмаслиги керак, — дейди Рональд. — Унга мустақил ҳаёт кечириш йўлларини ўргатмоқ лозим. Шундагина унинг кўнгли ўксинмайди, ўзини нотўқис деб ҳис қилмайди.

— Ниятларингиз жуда яхши! Биз ўзбеклар буни савоб ишлар деб атаймиз. Қийналмаяпсизми?

— Қийинчиликлар бор, албатта. Жойимиз тор. Бунақа хоналардан камида тўртта керак. Уларнинг бари биринчи қаватда бўлмоғи лозим.

Унинг гапини эшитиб бир оз ичимда ранжидим — мунча инжиқ бўлмаса. Лекин дарҳол бу фикрдан қайтдим. Йўқ, бу инжиқлик эмас, зарурат эди. Бу ерга эркаклар билан бирга аёллар ҳам келади. Албатта, алоҳида-алоҳида ечиниб кийинмоқлари зарур. Курслар учун дарсхоналар керак. Протез ясовчи ишчилар, тайёр маҳсулотни сақлаш учун ҳам жой зарур. Ногиронлар қаватларга кўтарила олмайдилар.

— Анча сарф-харажатингиз бор экан. Бунақада ясама оёқларнинг нархи ҳам, курсларда ўқиш ҳақи ҳам анча юқори бўлса керак?

– Йўқ, – деб жавоб берди Рональд. – Булар бари хайрия йўли билан қилинади. Бепул.

Бу гапга унча ишонқирамадим. Нечук бепул, қандай қилиб? Бунақа ишлар учун каттагина маблағ керак-ку! Наҳотки, Рональд бойлиги ошиб-тошиб кетган, пулини қаерга қўйишини билмай ётган миллионер бўлса?

– Йўқ, йўқ, – деди у менинг оддий нарсани тушунмаётганимга хайрон бўлиб. – Курслар ҳам бепул. Ҳатто бизга жой ажратишса, унга ҳам пул тўлаймиз. Ростини айтсам, ана шу бепул хизмат кўрсатишимиз баъзи бир бошлиқларга ғалатиноқ кўриняпти, шекилли. Улар даромад бўлмаса, бизга нима деган маънода бепарвороқ қарашяпти.

Мен ўйланиб қолдим – биз аввалги ҳаётимизда инсонийлик, инсонпарварлик ҳақида кўп гапирганмиз-у, лекин амалда бир-биримизга, бегараз ёрдам кўрсатишга, саховатпеша бўлишга келганда тайсалланар эдик. Бир чеккаси, саховатпешаликка ҳамён ҳам имкон беравермас эди. Шунинг учун биров «хайрия ишлари билан шуғулланаман, текинга ногиронларга оёқ ясаб бераман» деса, бунга «тагида бир балоси йўқмикан, бир оз дарвешроққа ўхшайди-ку» дея ишонқирамай гумонсираб қараймиз. Шунинг учун бўлса керак, мен Рональднинг қайси ҳисобдан саховатпешалик қилаётганини айтмагунча суриштиравердим. Ниҳоят, у бу хайриянинг ички «сири»ни айтиб берди.

– АҚШда турли-туман хайрия жамғармалари жуда кўп. Уларнинг ичида бақувватлари ҳам кўп, бу жамғармалар бутун дунё миқёсида фаолият кўрсатади – қаердаки уларнинг ёрдамига муҳтожлик сезилса, шу ерга ёрдам қўлини чўзишади. Лекин бунинг учун ўша жойларда чиндан ҳам қандайдир ишлар қилинган бўлмоғи, турли лойиҳалар мавжуд бўлиши керак. Хуллас, жамғарма ажратилган маблағ ҳавога совурилмаслигига ишонч ҳосил қилмоғи керак.

Бу гап менга маъқул бўлди, чуунки дунёда яхши одамлар билан бирга турли-туман енгилтомоқ қаллоблар ҳам анчагина бор. Улар ҳатто ногиронлар ёхуд беморларнинг ҳақини «туя» қилиб беришдан ҳам қайтмайдилар.

Бундай номаъқул ишларнинг олди олингани яхши, албатта. Лекин мен ижикилаб сўрашда давом этаман.

– Жамғармалар маблағни қаердан олади?

– Қаердан олади? Албатта пулдорлардан олади-да. Америкада кўпдан-кўп тадбиркорлар, ишбилармонлар, фирмалар ва бошқа ҳар хил жамоалар хайрия мақсадларига пул ажратади. Негаки, бу солиқларни ҳисоблашда, албатта ҳисобга олинади, бундан давлат ҳам манфаатдор.

Ҳа, ҳарҳолда бало-да, бу қурмағур америкаликлар ҳамма ишларини етти ўлчаб бир кесадилар. Рональд бир қанча вақт қийналиб ҳам юрди – унинг ишига ёрдам берадиганлар, ҳар томондан қўллаб-қувватлаб, руҳий мадад берадиганлар унчалик сероб бўлмади. Ниҳоят, бу мураккаблик ортда қолди, у бир фирманинг ёрдамида ниятларига мос келадиган жой ҳам сотиб олди, ҳозир уни таъмирлаш ишлари ҳам охишлаб қолди. Лекин энди унда бошқа орзу пайдо бўлди. Бир куни Рональд «Молодежь Узбекистана» деган газетани кўтариб уйимга кириб келди. Унда Ислом Каримовнинг соғлом авлод дастури эълон қилинган экан.

– Мен дастурни ўқиб жуда хурсанд бўлдим, – деди Рональд мамнуният билан жилмайиб. – Айниқса, мана бу ерини ўқинг. – У тагига сиёҳ билан чизиб қўйилган жойни кўрсатди. Унда қўйидаги сўзлар ёзиб қўйилган экан: «ногиронларни фаол тўлақонли ҳаётга қайтармоқ мақсадида, шунингдек ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 2005 йилгача давлат дастурини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш»...

– Камдан-кам давлат арбоблари ногиронларга ёрдам беришни бу даражада аниқ ва лўнда қилиб ифодалайди. Сиз билмайсизми, бу дастур ҳозир қаерда ишланаётган-кан?

Мен аниқ билмас эдим, тусмоллаб айтдим. Нега сўраётганини суриштирдим.

– Мен бу улуғ одамнинг сўзларидан жуда илҳомланиб кетдим. Бу кишининг сайлов олдида айтган олижаноб ниятларини амалга ошириш йўлида мен ҳам қўлимдан келган хизматимни қилсам. Мени ҳам шу дастурга қўшиб қўйсалар ва менга ҳам «эй Рональд, сенга фалон-фалон ишларни бажариш топширилади» дея вазифа беришса. Ўзбекларнинг бир гапи бор экан, мен ҳам қўшиламан – қамишдан камар бойлаб, жон дилим билан хизмат қилишга тайёрман.

Дунёда яхши одамлар кўп. Диёнатли, ҳалол, фидойи одамлар. Рональд — америкалик дарвеш оғайним шундайлардан бири. У шунчаки ногиронларга кўмаклашаётгани йўқ, балки соғларнинг ҳам мажруҳ қалбларига шифо берапти, биздаги инсонийлик туйғусининг қалбларимизда қайта бошидан мустаҳкамроқ ўрин олишига ёрдам берамоқда.

## КИТОБЛАР САЛТАНАТИНИНГ МАЛИКАСИ

Сизга ёлғон, менга чин — бундан тахминан 40—50 йиллар муқаддам одамлар китобга навбатда туришарди. Албатта, ҳар куни эмас ва ҳар қандай китобга ҳам эмас. Аввал «фалондай зўр китоб чиқипти», деган хабар тарқаларди, кейин ўша китоб фалон куни китоб магазинига келармиш, деган гап чиқарди. Ўша куни эрталаб 11—12 ларга айтилган дўконга етиб борсангиз, излаган китобингиз аллақачон сотилиб тамом бўлиб кетган бўларди. Хуллас, бизга ўхшаган оддий китобхонларга янги ва керакли китобларни харид қилиш жиддий муаммага айланди. Қизиқ, бўлмаса, китоблар 50 минг ёки 100 минг (ҳа, ҳа, 50 минг ёки 100 минг) ва ҳатто ундан ҳам ортиқ нусхадан босиларди, лекин шунда ҳам яхши китоб етишмасди. Пулимни чангаллаб, хуноб бўлиб китоб қидириб юрганганимни кўрган дўстларимдан бири Баҳри опага учрашни маслаҳат берди.

Мен Баҳри опани танимас эдим. «Ие, — деди суҳбатдошим альянечук таъна аралаш кинояли боқиб. — Баҳри опани танимайдиган китобсевар бор экан-да шахримизда! Баҳри опа — китоб салтанатининг маликаси-ку!»

Менинг ҳамон анграйиб турганимни кўриб, суҳбатдошим Баҳри опанинг республика китоб савдосининг бошлиғи, жуда дилкаш, меҳрибон ва том маънода зиёли одам эканини уқтирди.

Китоб савдосининг идораси Навоий кўчасида қурилган янги иморатнинг ўнг қаватида жойлашган бўлиб, Баҳри опа узун, катта, ёруғ хонада ўтирар экан. Тўрда катта раҳбарнинг портрети, бир томонда республика харитаси. Хонада бошлиқнинг салобатли столи, устида ҳар хил китоблар, альбомлар, аллақандай қоғозлар, бир томонда теле-

фон, селектор... Деворнинг бир томонида китоб тўла жавонлар, қарама-қарши томонда эса 15–20 чоғли одам мажлис қилса бўладиган узун стол ва стуллар.

Хонани кўрдим-у, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Негаки, бу хона мен биладиган калондимоғ, мутакаббир, бюрократ бошлиқларнинг хонасидан ҳеч нарса билан ажралиб турмасди. Лекин иш столининг ортида ўтирган ўрта ёшлардаги, истараси иссиқ аёл мени ўрнидан туриб қарши олди. У жуда оддий кийинган, шу билан бирга, устидаги костюм-юбкаси, оппоқ кўйлаги ўзига жуда ярашган эди. Юзида пардоз-андоз белгилари кўринмаса-да, аллақандай тиниқлик бор эди, бир оз қисик кўзлари, қирра бурни, лаблари ва даҳанида эса қайси бир таниш шоирнинг чеҳрасини эслатадиган чизгилар бор эди. Кейин билдим – Баҳри опа Фафур Фуломнинг туғишган синглиси экан, шунинг учун унинг чеҳраси менга жуда таниш кўринаётган экан.

Аввалига бу аёлни ҳам ўзига бино қўйган, қўли остидаги хизматчиларга буйруқ бериб кун кўришдан бошқани билмайдиган бюрократлардан бири деб ўйладим, ҳатто унинг ҳузурига илтимос билан келганимга ичимда афсусланиб ҳам қўйдим. Баҳри опа мени столи ёнида турган юмшоқ ўриндиққа ўтиришга таклиф қилди, столнинг устидаги чойнақдан бир пиёла чой қуйиб узатди, олдимга ширинликлар солинган вазачани суриб қўйди.

Мен нима илтимос билан келганимни айтдим. Ўша пайтда китобларга обуна бўлиш кенг расм бўлаётган эди. Бирон ёзувчининг кўп жилдлик асарлари ёки қомусларни, ҳар хил фантастик ҳамда саргузашт китобларими, бирон муҳим мавзудаги асарлар тўплами чиқадиган бўлса, уларга обуна эълон қилинади, сиз бир жилднинг ҳақини тўлайсиз. Қўлингизга қвитанция тутқазилади. Шу қвитанция бир йилми-икки йилми муддат ичида қолган жилдларни ҳам олишингиз учун кафолат беради. Лекин ҳақини тўлаб, шу қвитанцияни оламан, деганлар сон-мингта. Навбатда туриб, уларга етишмоқнинг иложи йўқ эди. Баҳри опа бунақа илтимосларга кўникиб қолган шекилли, ҳайрон бўлмади, аксинча, «китоблар ўзларининг чин эгаларига етиб боргани маъқул», дедилар-да, менинг нима сабабдан айна шу китобни сўраб келганимга қизиқа бошладилар. Кейин, умуман, нималарга қизиқишимни, ни-

малар ўқиганимни сўрадилар, гап орасида «Фалон китобни ўқиганмисиз?» деганга ўхшаш саволларни ҳам бериб қўярдилар. Биз орамизда 15–20 ёш фарқ бўлишига қарамай, дарров тил топишдик. Қаршимда ўтирган аёл одми ва тўпорига ўхшаб кўрингани билан бир зумда аён бўлдики, у жуда ўқимишли, савияси кенг, теран мулоҳазали, чиндан-да том маънода зиёли ва маърифатпарвар бир инсон эди. Мен кейинчалик Баҳри опанинг олдига тез-тез келадиган бўлдим. Шаҳардаги турли маданий-адабий йиғинларда учрашиб турардик. Мен у кишининг ўғли Дарвин билан танишиб, дўстлашдим. У қўли гул жарроҳ эди, ноёб операциялар қиларди. Кейинроқ университетда Баҳри опанинг қизи Нодирахон билан бирга ишладик. Бу учрашувлар ва танишувлар оқибатида Баҳри опага ҳурматим ортгандан орта борди. У чиндан-да китоблар салтанатининг маликаси, деса арзигулик аёл эди. Китоблар салтанати, китоб дунёси бамисоли ҳудудсиз, чегарасиз бир уммонга ўхшайди. Бу уммонга кирган одам кеманинг рулини маҳкам тутишдан ташқари, елканларини бошқариши, ўтхоналарига чапдастлик билан ўт ёқишни ҳам яхши билиши керак. Баҳри опа шу уммонда ўз кемасини билан фонлик билан бошқара оладиган, манзилга адашмай етказиб бера оладиган дарғалардан бири эди.

Китоб иши ҳар қанча нозик ва ноёб бўлмасин, бир вақтлар нисбатан осон иш бўлган. Ҳали матбаа унча ривожланмаган, машиналар бир кунда минглаб китобларни чоп этиб ташламайдиган, қўлёмани қўлда кўчириб, қўлда муқовалаб, қўлда китоб ҳолига келтирадиган замонларда китобни тарғиб қилиш ҳам, тарқатиш ҳам осон бўлган. Лекин кейинчалик китоб босиш ва китобни тарқатиш халқ хўжалигининг жуда муҳим ва мураккаб тармоқларидан бирига айланди. Китоб – фақат тарбия қуроли, маънавий озиқ манбаи эмас, бизнес предмети ҳам айланди. Бу соҳа ҳам махсус билимга, уқувга, қолаверса, истеъдодга эга бўлган мутахассисларни талаб қилувчи тармоққа айланди. Баҳри опа ўз соҳасининг энг нозик томонларини чуқур эгаллаган, унинг ҳамма паст-баландликларини биладиган мутахассис эди. Назаримда, айни китоб савдоси соҳасида унинг ташкилотчилик қобилияти ҳам, билимдонлиги ҳам, тадбиркорлик бобидаги салоҳияти ҳам анча-мун-



ча намоён бўлган. Республикада китоб савдоси тезкор, ихчам, самарали ва соат механизмидай аниқ ишлайдиган ташкилий шакллар касб этган эди. Тошкентдаги марказий аппаратдан ташқари, унинг вилоятларда ва шаҳарларда бўлимлари бор эди. Қишлоқларда эса «Ўзбекбирлашув»-нинг китоб савдоси билан шуғулланадиган бўлимлари, тўғрироғи, катта-кичик магазинлари бўларди. Албатта, улар ўртасида муайян рақобат, кўз илғамайдиган мусобақа бўлиб турарди, аммо бу рақобат китоб савдоси ходимларига ҳам, китоб мухлисларига ҳам фақат фойда келтирарди. Китоб савдоси катта соҳа эди. Унинг нафақат магазинларида, балки базаларида ҳам юзлаб, балки минглаб одамлар ишларди. Баҳри опа уларнинг кўпчилигини шахсан танир, кимнинг нимага лаёқатли эканини яхши биларди. Натижада бу соҳага тажрибали ва малакали одамлар йиғилиб қолган эдики, уларнинг ҳам кўпчилиги ўз соҳасини худди Баҳри опа каби чин дилларидан севар ва унчалик сердаромад бўлмаса-да, йиллар мобайнида, баъзилар ҳатто бутун умрлари давомида бу соҳани тарк этмас эдилар. Мен бу одамларнинг кўпчилиги билан Тошкентда, Фарғона водийсида, Самарқанд ва Бухоро каби кўҳна шаҳарларда кўришганман, айниқса, кўқонлик китоб савдоси ходимлари билан дўстлашиб ҳам қолганман. Улар нафақат малакали ходимлар, балки ўз касбига садоқатли ва фидокор одамлар сифатида чуқур таассурот қолдирган эдилар. Улар шунчаки савдо ходими эмас, халқ маданиятининг жонкуяр арбоблари, камсуқум, заҳматкаш тарғиботчилари эди. «Китоб савдоси» деганимиз ўз номига кўра «савдо» дейилгани билан бошқа савдолардан кескин фарқ қилади. Масалан, нон дўконига ҳар куни бир маҳал-икки маҳал харидорнинг ўзи ўз оёғи билан келиб, керакли нонни харид қилиб кетади. Китоб дўконига эса бир оз бошқача. Бунда баъзи китоблар шов-шув билан тезда қўлма-қўл бўлиб кетса-да, баъзи китоблар бир-икки йиллаб туриб қолади. Бу ҳодиса бизнес нуқтаи назаридан чидаб бўлмайдиган ҳол – пул чархчининг чархидай қанча тез айланса, шунча кўп даромад келтиради. Мен Баҳри опадан китоб савдосининг бунақа ички «сирлари» тўғрисида тез-тез сўраб турардим. Баҳри опа «ҳа, энди ҳар соҳанинг ўзига хослиги бор-да», дердилар-у, «сир»ни очишга ҳам ошиқавермас

эдилар. Ниҳоят, бир гал мен кўпроқ хиралик қилдимми ёки Баҳри опанинг кайфиятлари ҳар доимгидан чоғроқ бўлиб турган эканми, ўзлари гапириб қолдилар:

— Ҳозирги пайтда, кўп соҳалар каби китоб савдоси ҳам самарали бўлмоғи учун чуқур илмий асосларга қурилиши керак, — дедилар Баҳри опа. Мен ичимда «оббо, мен аралашмаган бир китоб соҳаси қолувди» дедим-у, кайфиятимни ошкор қилмай, тинглашда давом этдим. — Китобни кўпроқ сотмоқ ва эгасининг қўлига етказиб бермоқ учун маҳаллий жойларда расмана тадқиқотлар ўтказмоқ, потенциал китобхонларимизни обдан ўрганиб чиқмоғимиз керак.

Баҳри опа шундай деб картотекаларини кўрсатдилар. Мен уни ҳар ойда келадиган китоблар рўйхатидан иборат деб ўтирган эканман. Йўқ, унда республикамиздаги ҳар бир шаҳарда ва ҳар бир туманда яшайдиган одамларнинг ёшлари, маълумотлари, касб-корлари, мактаблар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳақида маълумотлар бор экан. Бинобарин, Тошкентдан, айтайлик, Оқтош ёки Каттақўрғон шаҳрига китоб жўнатилса, тўғри келган китобларни арава-арава жўнатмасдан, ўша ердаги одамларнинг ёшига ва касб-корига, қизиқиш даражасига, маданий савиясига мослаб жўнатар эканлар.

Баҳри опа ўзбек адабиётининг, ўзбек ёзувчиларининг яқин дўсти эди. Бу аёлнинг ўзбек адабиётига бевосита таъсири ҳам катта бўлган. Бу гапни ўқиб ҳайрон бўлманг, азиз ўқувчим. Ҳа, Баҳри опа шоира бўлмаган, романлар ёзмаган, лекин ўз касбининг тақозосига кўра адабиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Гап шундаки, адабиёт ривожига кўп жиҳатдан чоп этиладиган китобларнинг миқдорига боғлиқ. Китобнинг миқдори қанча кўп бўлса, ўқувчиларининг сони ҳам шунча ортиб боради. Масаланинг яна бир томони бор. У кезларда ёзувчининг қалам ҳақи китобларнинг ададига ҳам боғлиқ эди. Масалан, китоб маълум миқдорда, 10000 донадан ошса, қалам ҳақи 160 фоиз миқдорида тўланар эди. Бинобарин, ёзувчи нашр этилаётган китобининг адади кўпайишидан бевосита манфаатдор эди. Китобнинг ададини эса фақат Ёзувчилар уюшмаси ёки нашриёт эмас, китоб савдоси ташкилоти белгилар эди. Шунинг учун Баҳри опанинг идорасига ёзув-

чилар илтимос билан кўп келишар, Баҳри опа ҳам китобнинг кўпроқ сотилишига кўзи етса, унинг ададини кўпроқ белгилаб бераверар эди. Бу жиҳатдан ҳам Баҳри опа мардларча иш тутарди, бўладиган ишни чўзмасдан, мужмаллаштирмасдан, шартга ҳал қилиб берар ва ёзувчини мамнун қилиб чиқариб юборишга ҳаракат қиларди.

Ҳаёт бўлганида бугунги кунларда Баҳри опа 90 ёшга кирган бўларди. Бугун бу ажойиб аёлнинг унутилмас сиймосини кўз ўнгимга келтириб, унинг хотирасини эслар эканман, биринчи навбатда, халқимизнинг истеъодларга, бетакрор шахсларга нақадар бой эканидан ифтихор қиламан. Халқимиз орасидан асрлар мобайнида нафақат эркаклар орасидан буюк зотлар етишиб чиққан, балки ёрқин, ўзига хос, қобилияти ҳаммани қойил қолдирадиган аёллар ҳам кўплаб етишган. Уларнинг довуғи замонлар оша бизнинг кунларимизга ҳам етиб келган. Баҳри опа шундай аёлларимиздан бири эди. У буюк шоиримиз Гафур Фуломнинг туғишган синглиси эди. Аммо фақат шу хислати билангина бу аёл юртимизда катта донг қозонгани йўқ. У ўзининг ақл-заковати, билими, жўшқин ҳаракати, меҳр-мурувватга тўла қалби билан ҳам элу юртнинг ардоқли фарзанди бўлиб қолди. Баҳри опа китобга меҳри, унга фидойилиги, садоқати билан ҳам одамлар қалбида ўчмас из қолдирди.

Яқинда мен муҳтарам академигимиз Азизхон Қаюмов билан суҳбатлашиб қолдим. Гап айланиб, Баҳри опа тўғрисида кетди. Азизхон ака ҳам мен каби Баҳри опанинг мурувватларидан баҳраманд бўлган кўпгина одамнинг биттаси экан.

— Биз жадидларни ҳурмат қиламиз, — деди Азизхон ака. — Мана, ниҳоят мустақиллигимиз шарофати билан уларни тарихдаги ўринларига қайтаряпмиз. Улар жуда оғир шароитларга қарамасдан, зулматни маърифат машъали билан ёритишга ҳаракат қилишган, бу олижаноб ният йўлида молларини ҳам, жонларини ҳам аямаганлар. Менинг назаримда, элу юртимизни маърифатли қилишда, китобдан баҳраманд бўлишга ўргатишда Баҳри опанинг ҳам хизмати жадидларникидан қолишмайди. Биз жадидларни қанчалик эъзозласак, Баҳри Фуломовага ўхшаган сиймоларни ҳам шунча қадрламоғимиз керак.

Академикнинг бу гаплари менга жуда манзур бўлди. Дарҳақиқат, менинг уйим турли дурдона китобларнинг нурларидан чароғон экан, ҳар гал бу китобларнинг анча-мунчаси менинг уйимга Баҳри опанинг шарофати билан келиб қолгани эсимга тушади ва қалбим бу ажойиб, мунаввар инсонга нисбатан илиқ туйғуларга тўлади.

### **ДИЛИ ПОКУ, ТИЛИ ПОКУ, ЎЗИ ПОК...**

Ҳибзиддин Муҳаммадхонов жуссаси кичик бўлса ҳам ақли зўр эди. Қизиқ, ақл-заковат деганлари, истеъдод ва қобилият деганлари жусса танламас экан-да? Бўлмаса, у мактабга борар-бормас биринчи синфдан учинчига, кейин бешинчи синфдан еттинчига «сакрармиди»?! Ўн икки ёшида техникумга, ўн олти ёшида олий ўқув юртига кирармиди?! Ҳибзиддин курсдошлари орасида энг кичиги, энг ушоғи бўлса-да, бениҳоя илмга ташна, ҳаракатчан, тиришқоқ эди. Пединститутда филология факультетида у билан бирга ўқиган ва кейинчалик унинг умрлик дўсти бўлган таниқли адиб Ҳаким Назир шундай эслайди: «Филология факультетининг биз ўқийдиган курс студентлари орасида ёши жиҳатдан ҳам, бўйи-басти жиҳатидан ҳам энг кенжа-тойи бўлиб, биринчи қаторда ўтирадиган Ҳибзиддин эди. Эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган, қизларча нозик, оппоққина, тортинчоққина кўринган бу ёқимтой йигитча ўзининг илмга чанқоқлиги, ўткир зеҳни ва билагонлиги билан ажралиб турарди». Шуниси қизиқки, бу «ёқимтой йигитча» ҳали дурустроқ бирор асар ёзиб ёки бир-икки салмоқли асарларни таржима қилиб улгурмай, одамлар ўртасида ўзининг фавкулудда ақлий қобилияти билан шухрат топди, ўз даврининг кўпгина зиёлилари ўртасида катта обрў қозонди. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор Ҳибзиддин Муҳаммадхоновни жуда юксак қадрлар ва бирон муаммога дуч келиб қолса, албатта, у билан маслаҳатлашар эди. Абдулла Қаҳҳор Ҳибзиддин акадан чиқадиган маслаҳатларни нақадар қадрлашини менга бир-икки гапирган эдилар. Бир неча йиллар мобайнида Ҳибзиддин ака билан газета таҳририятида бирга ишлаган адабиётшунос олим Шариф Юсупов мақолаларидан бирида Абдулла ака билан Ҳибзиддин ака ўртасидаги муносабатларни яхши очиб берган:

«Абдулла Қаҳҳор Ҳибзиддин ака хонадонидаги деярли барча йиғинларга рафиқаси Кибриё опа билан бирга келар, Абдулла аканинг уйидаги қанчадан-қанча йиғинлар ҳам Ҳибзиддин акасиз ўтмас эди. Адиб дунё адолатсизликларидан азоб тортган чоғлари «яланғоч сувдан тоймас» қабиллида иш тутиш фикрига келгач, Ҳибзиддин аканинг таҳририятдаги хонасига кириб келар, дўстлар эшикни ичидан қулфлаб, узоқ суҳбатлашишарди, Абдулла ака унинг хонасидан шаштидан тушган ҳолда, юзига қон югуриб, жилмайиб чиқиб кетарди».

Мен Ҳибзиддин ака билан шахсан танишиб, яқиндан мулоқотга киришмасимдан анча олдин, мактабда ўқиб юрган кезларда унинг фамилиясини эшитган эдим. Ўша кезларда ўзбек тилида Лев Кассилнинг «Черемис қаҳрамоннинг укаси» ва Валентин Катаевнинг «Полк ўғли» деган китоблари нашр этилди. Бу китоблар болаларга аталган бўлиб, юксак маҳорат билан ёзилган эди. Уларни мазза қилиб ўқиб чиқдим. Бу китобларнинг таржимони Ҳибзиддин Муҳаммадхонов эди. У таржима қилган китоблардан чуқур лаззат олганим учун бу фамилия хотирам қатларига ўрнашиб қолди. Орадан ўн уч — ўн тўрт йил ўтгандан сўнггина бу ажойиб инсон билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ўша пайтда Ҳибзиддин ака «Ўзбекистон маданияти» газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлар эди. Мен «Лирика ҳақида мулоҳазалар» деган мақоламни кўтариб келдим. Уни ўқиб ҳам ўтирмасдан қўлимга қайтариб беришлари мумкин эди, чунки мақоланинг ҳажми сира-сира газетабоп эмасди — у тўрт подвалдан ҳам ошиқ эди. Иккинчидан, мақоланинг эълон қилиниши катта жанжалларга сабаб бўларди. Негаки, унда Фафур Фулом, Ҳамид Фулом, Уйғун, Мирмуҳсин ва яна бошқа бир қатор шоирларнинг айрим шеърлари кескин танқид қилинган эди. Бу шоирлар матбуот саҳифаларида танқидга дуч келиб ўрганишган эмасдилар. Мен-ку ёшлигимга ва ғўрлигимга бориб, қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ҳам ўтирмай мақолани ёзиб ташлаган эдим. Аммо ўша шароитда — матбуот соҳасида мустаҳкам қолиплар мавжуд бўлган бир шароитда бунақа мақолани эълон қилиш учун жуда катта жасорат керак эди — унинг босиб чиқарилишига руҳсат бериб имзо чекадиган муҳаррир ёхуд

унинг муовини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бошини кундага қўйиб бермоғи шарт эди. Мақола газетанинг икки сониди тўрт подвал бўлиб босилиб чиқди — у, албатта, муайян шов-шувларга сабаб бўлган бўлса керак. Лекин мақола туфайли менинг бошимда калтаклар синди, менинг қанотимни қайирдилар, шаштимни пасайтириб қўйдилар, деб айтолмайман. Назаримда, ўша кезларда менга отилган ўқларнинг ҳаммасига газета таҳририятидаги ўртоқлар ва биринчи навбатда, Ҳибзиддин ака балогардон бўлди, шекилли. Мақола эълон қилингандан сўнг Ҳибзиддин ака мени ҳузурига чақирди ва биз ошиқмай анча вақт давомида батафсил суҳбат қурдик. Ҳибзиддин ака менга адабий ҳаётнинг сув ости оқимлари кўплиги тўғрисида, бу уммонда ғоят ҳушёрлик ва усталик билан сузиш кераклиги ҳақида анча гапирди. Унинг гапларининг ҳаммаси жўяли ва маъноли эди. Кейин билсам, Ҳибзиддин ака бу гапларни бежиз айтмаган экан — у мендай ёш ва тажрибасиз қаламкашни ногаҳоний кулфатлардан, бехос тойилиб кетишлардан асраш учун айтган экан. Кейинчалик бу гаплар менга жуда асқотди. Шундан кейин мен таҳририят ёнидан ўтиб қолсам, албатта, бирров у ерга бош суқиб, Ҳибзиддин ака билан салом-алик қилиб чиқадиган бўлиб қолдим. Ўз-ўзидан менда бу одамнинг ҳаёт йўлига, қандай оилада туғилиб ўсганига, қаерларда ишлаганига қизиқиш уйғонди. Унинг ҳаёти бу жиҳатдан ҳам ибратли экан.

Ҳибзиддин ака 1921 йил февраль ойида Тошкентда туғилган экан. Унинг отаси Рамзиддин Муҳаммадхонов ҳар хил савдо ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Онаси Иқболой бўлса, уй бекаси бўлиб, тузуккина зиёлилар оиласидан чиққан. Жумладан, унинг тоғаси Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаларидан бири бўлган. У ўз даврининг энг ўқимишли ва маърифатли одамларидан бўлиб, ўзбеклардан чиққан олий маълумотли юрист эди. Саратов дорилфунунида ўқир экан, бу йигит 1909 йилда улуг рус ёзувчиси Лев Толстойга мактуб йўллайди ва ундан жавоб олади. Эътибор бериш лозим бўлган бир ҳолат: Убайдуллаҳўжа мактубини Саратовдан Тулага — Ясная Полянага 29 май кунини йўллаган, Толстой эса жавобни 5 июнь кунини,

яъни мактубни олиши биланоқ, эҳтимол, эртасига жўнатган. Афтидан, ёш бир талабанинг мактуби Толстойни шу даражада ҳаяжонлантириб юборган ва у кўтарган масалалар шу қадар муҳим ҳамда салмоқли кўринганки, 82 ёшга кирган адиб қулай пайт келишини кутиб ўтирмай, бир ҳафтанинг ичидаёқ жавоб ёзиб юборишга жазм қилган. Қани энди 80 га кирган ва кирмаганларнинг ҳаммасида ҳам шунақа ҳавас қилса арзийдиган ҳафсала бўлса!

Кейинроқ Убайдуллаҳўжа ўқишни битириши биланоқ она юртига қайтиб, «Садойи Туркистон» газетасини нашр қила бошлади ва ҳар хил мискин-бечораларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, зулмга ва мустамлакачиликка қарши кураш олиб борди. Табиийки, бундай исёнкор одам чор ҳукуматининг таъқибига учрамай қолмас эди. Бу улуғ маърифатпарвар ва мутафаккир инсон, албатта, жиянининг — туғишган синглиси ўғлининг ўсиб-улғайишига катта таъсир кўрсатиши мумкин эди. Аммо ҳаёт қизиқ экан — 1917 йилда ҳокимият тепасига «камбағалпарвар» шўролар келди-ю, биринчи навбатда, чоризмга қарши курашган миллий зиёлиларнинг уруғини қурита бошлади. Убайдуллаҳўжа яна таъқиб остига олинди, она шаҳри қолиб, бошқа жойларда яшириниб юрди, бир неча марта қамалди ва орадан 20 йил ўтгандан кейингина — 1938 йилнинг баҳор ойларида Тошкентга қайтишга муваффақ бўлди. Бу ерда у 5—6 ойгина яшади, сўнг яна — сўнгги марта қамалди-да, шўронинг Сибирдаги турмаларида дом-дараксиз ғойиб бўлиб кетди. Лекин у мана шу 5—6 ой ичидаёқ педагогика институтининг учинчи курсида ўқиётган жияни Ҳибзиддинга ҳар томонлама чуқур таъсир кўрсатиб улгурди, унинг билимга, китобга ўчлигини рағбатлантирди, Толстой ҳақидаги мароқли ҳикоялари билан жиянининг қалбида рус адабиётига ёлқинли муҳаббат уйғотди. Худди шу муҳаббат даъвати билан Ҳибзиддин ака кейинчалик Лев Толстой автобиографик трилогиясининг икки жилдини ўзбек тилига таржима қилди.

1931 йилда Ҳибзиддин акалар оиласининг бошига оғир мусибат тушади. Иқболой жўжабирдай беш бола билан қаровсиз қолади. Тўғри, кўп ўтмай, эри учун унга шахсий нафақа тайинлашади, Иқболойга қариндош-уруғлари ёрдам кўрсатиб туришади. Бироқ замон жуда оғир эди.

Шундай дейман-у, яна ўзимча ўйлайман — ахир, шўро замонида бирор йил енгилчилик, дориломонлик бўлганми?! Шундай бўлса-да, 1931 йилнинг ўзига хос бир даҳшатли томони бор эди — коммунистлар олиб борган аҳмоқона сиёсат туфайли бутун мамлакатда фожиали очлик бошланмоқда эди. Уч йил давом этган очлик миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди, нафақат қабристонлар, кўча-кўйлар, майдонлар ҳам шишиб ўлган одамларнинг жасадига тўлиб кетган эди.

Халқ бошига тушган бу мудҳиш фожиалар эндигина ўсмирлик палласига қадам қўйган Ҳибзиддиннинг қалбида битмас яра бўлиб қолди. У мурғак ақли билан бу фожиянинг илдиэларини идрок этишга, уни туғдирган сабабларни аниқлашга ҳаракат қилди. «Нима сабабдан бундай фожиа рўй берди?» деган савол уни қаттиқ қийнади. Ўша шароитда бу саволга жавоб топишнинг имкони йўқ эди, мабодо тусмоллаб бир тўхтамга келганда ҳам, уни овоз чиқариб айтиш, бировлар билан муҳокама қилишнинг иложи йўқ эди. Шундай қилиб, ёш Ҳибзиддин ўз ёғига ўзи қоврилганича қолаверди. Фақат бу қийинчиликлар уни чиниқтирди, изтироблар тезроқ улғайиб вояга етишига ёрдам берди, холос.

Шу йилларданоқ у меҳнат фаолиятини бошлашни орзу қилди — онасининг ёнига кириб, унга ёрдам бермаса, рўзғор тебратишга кичик бўлса-да, улушини қўшмаса бўлмас эди. Шундай қилиб, Ҳибзиддин 17 ёшга тўлар-тўлмас, ҳали институтни битирмай туриб, ишга киришга мажбур бўлади. У ўша йилларда чиқадиган болалар журнали «Вожатий»да бўлим бошлиғи бўлиб ишлай бошлайди. Кейин 1944 йилгача вақтли матбуот органларида муҳаррир, бўлим бошлиғи, масъул котиб каби лавозимларда ишлайди. Адабиётни севган, қалами бирмунча чархланиб қолган Ҳибзиддин шу йиллар давомида журналистлик касбини дил-дилидан яхши кўриб қолди. Бу бир умрлик муҳаббат эди ва у чиндан ҳам Ҳибзиддин аканинг вафотига қадар давом этди. Ҳибзиддин ака журналистлик касбини шу қадар севар эдики, у таҳририятда саккиз соат ишласа, бу ерда битказа олмаган ишларини уйига олиб кетар ва у ерда ҳам яна 5–6 соат меҳнат қилар эди. Умрининг сўнгги кунини ҳам у таҳририятда ўтказибди, ишдан кейин уйига олиб бориб қиладиган ишлари-



ни йиғиб, папкага жойлабди-да, уйига бориб ишлабди. Лекин юрак тушмагур 56 йиллик меҳнат жараёнида чекилган азоб-уқубатларга чидаёлмай тамом бўлиб қолган экан — у уришдан тўхтайтиди. Ўша куни Ҳибзиддин ака 32 йилдан бери қанда қилмай қатнаб келган даргоҳига биринчи марта бормай қолади.

Лекин бу кунгача ҳали анча бор — ҳали кўпгина ишларда ишламоғи, кўпгина машаққатларни бошидан ўтказмоғи лозим эди.

1944 йилда у Ўзбекистон радиокомитетига ишга ўтади. Уни сиёсий эшиттиришлар бўлимига масъулият билан ёндашиши шу қадар тўла намоён бўладики, уни бош муҳаррир ўринбосари қилиб тайинлашади. У бу лавозимда ҳам жамоанинг ҳурмати қозонади. Мен Ҳибзиддин аканинг, қолаверса, сон жиҳатдан унчалик катта бўлмаган жамоа аъзоларининг ҳаммасини урушдан кейинги йилларда радио соҳасида кўрсатган жонбозликлари ва фидойиликлари учун чинакам қаҳрамонлар деб атар эдим. Вазифа ўта муҳим, ўта масъулиятли, Худо кўрсатмасин, эфирга гапираётганинда бирон сўз ноҳўя айтиб юборилса, масалан, «главнокомандующий» деган сўзни айтаётганинда «л» товуши тушиб қолса борми, кунингни кўрсатишарди. Бунинг устига ҳамма овоз ёзувчи ва овоз узатувчи аппаратлар эски, алмисоқдан қолган, тасмалар сифатсиз, ҳадеганда узилади, тўхтаб қолади, аппаратларни яхши биладиган мутахассислар йўқ. Айниқса, радиода гапириб ўрганмаган одамларни гапиртириш қийин — улар иккита сўзни жуфтлаб, келиштириб айта олмайди, ҳаяжонланади, дами ичига тушиб кетади. Бунинг устига хоналар ёзда иссиқ, қишда иситилмайди. Буниси ҳам майли-я, бор-йўғи тўртга-бештагина каталак уй бор — одамларни қабул қиладиган ўринлар ҳам, репетиция хоналари ҳам бир жойда. Ишнинг яна бир қийинчилиги шундаки, эрталаб соат 6 да эфирга узатиладиган хабарлар кўпинча ярим кечада олинади — уларни таржима қилиб, таҳрирдан чиқариб, машинкалатиб, эрталабгача тайёр қилмоқ учун кечаси уйга кетмайсан, ана шу музхонага ўхшаган жойда ётиб қолсан. Бундай аҳвол бир кун эмас, икки кун эмас, ойлаб ва балки йиллаб давом этади. Ана шундай шароитда меҳнат қилган хонандалар, созандалар, редакторлар, овоз ёзди-

ганлар, аппаратни созлайдиган, камтарину камсукум машинисткалар, уларнинг раҳбарлари чинакамига қаҳрамонлар эмасми? Уларни нега ҳақиқий фидокорлар деб аташ мумкин бўлмасин? Ҳали телевидение йўқ, ҳамманинг ёлғиз илинжи ана шу қоралаппак — радио бўлиб турган шароитда унинг узлуксиз, соат механизмидай равон ишлашини таъминламоқ учун ўша пайтда ишлаган ходимлар том маънода мўъжизакор қудратга эга бўлмоқлари керак эди. Ҳибзиддин ака ҳам жамоаси билан биргаликда ана шундай оғир шароитда қаҳрамонона меҳнат қилди ва Ўзбекистон радио ишининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Эҳтимол, у умрининг охиригача шу ишда, шу лавозимда ўтган бўларди. Лекин у 5 йил ишлар-ишламас, хизматлари беқиёс бўлса-да, кавушини тўғрилаб қўйишди, «хе» йўқ, «бе» йўқ, ишдан олишди, ҳатто буни «бошқа ишга ўтиши муносабати билан» деган жумлани қўшиб, юмшатишни ҳам иштасмади. Тўғридан-тўғри уни кўчага ҳайдашди.

Ҳибзиддин ака хотираларида бир қизиқ воқеани ҳикоя қилади. Бу воқеа Ҳибзиддин аканинг ишдан кетишидан бир оз олдин рўй берган:

«Урушдан кейинги йилларнинг бири. Раис ўринбосариман. Ярим кечада ишни тугатиб уйга қайтдим. Яккаю ягона навбатчи машина ҳам бузилиб қолганди. Ярим йўлга етганимда қаттиқ сел қуйиб юборди. Томдан тушаётган сувлардан қочиб, кўча томонига ўтиб олдим. Кўчада ҳам сув дарё бўлиб оқаётган эди. Бир маҳалда оёғимни сув тўлдириб турган бир бўшлиққа босибман-у, чуқурга тушиб кетибман. Туби йўқ жарга қулагандек ҳис қилдим ўзимни. Қўлларим, юзларим қаттиқ-қаттиқ нималаргадир урилди. Бироқ оғриқларни дарров сезавермадим. Ёшлик экан, абжирлик қилдим, шекилли, чуқурдан чиқиб олдим. Ҳаво ҳам анча салқин эди. Шалаббо бўлиб уйга борибман. Ойим аҳволимни кўриб қўрқиб кетди. Эртаси яна ўша йўлдан бориб, чуқурни кўрдим. Қопқоқсиз қолиб кетган, билакдек-билакдек келадиган сим ва қувурлар уланган ертўла экан. Кўрдим-у ваҳимага тушдим. Бетоб бўлиб, шифохоналарда ётиб ҳам чиқдим».

Кузнинг салқин тунларидан бирида Ҳибзиддин аканинг бошидан кечган бу нохуш воқеа таассуфга арзийдиган бир тасодиф. Лекин, назаримда, у алланечук рамзий

маънога эга. Шўролар замонида ҳар бир одам учун истиқбол сари, бахтли ҳаёт сари кенг ва равон йўллар яратиб қўйилгани жуда кенг тарғиб қилинарди. Ҳар бир совет кишиси бу ёруғ йўлдан қўшиқлар айтиб, шахдам қадамлар ташлаб олға интилмоғи керак эди. Бироқ буларнинг бари шунчаки чиройли гаплар, шўро пропагандаси тўқиб чиқарган беҳисоб афсоналарнинг бири эди. Аслида эса бу йўллар равон ва ёруғ эмас, ўйдим-чуқур, ўралар ва ўпқонларга тўла эдики, миллион-миллион одам бу ўпқонларда ҳаётдан кўз юмишга мажбур бўлган. Ўсиб келаётган, ажойиб фазилатлари яққол намоён бўлаётган Ҳибзиддин ака ҳам бу қисматдан бенасиб қолмади. Ўша кезларда юқорида айтганимиздек, радио ижодкорлар учун фаолият кўрсатадиган асосий майдон эди. Шунинг учун теварагида Шайхзода, Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло ва яна кўпгина ёшлар тўпланган эди. 1950 йилда уларнинг ҳаммаси «халқ душмани» сифатида қамоққа олинди. Бунақа «хавфли» ижодкорларга ўрин бериб қўйгани учун, радиони «фикри бузуқ» ёзувчиларнинг уясига айлантириб юборгани учун радио раҳбарларидан бири жавоб бермоғи керак эди. Бундай айбловнинг тагида ётган мантиқни аниқлаб олиш жуда қийин, бироқ шўроларнинг жазо органлари ҳеч қачон мантиқ билан ҳисоблашиб ўтирмас эдилар. Тагин ҳам Ҳибзиддин аканинг «омади» бор экан – осон қутулди, ўша «миллатчилар»га қўшиб, уни ҳам тегишли жойларга олиб бориб қўйишса, қўлидан нима келарди? Ҳибзиддин ака бир неча муддат бу воқеаларнинг мағзини чақиб, ишсизлик «гашти»ни суриб, жамият томонидан четга суриб қўйилган, таҳқирланган одамнинг хўрлигини тортиб яшашга мажбур бўлди. Репрессиялар тўлқини бир оз босилгандан кейингина уни яна ишга олишди. Бу гал у, аввал, ўқув-педагогика нашриётига муҳаррир бўлиб ишга кирди, бу ерда ҳам юксак иқтидори тез намоён бўлди ва кўп ўтмай уни нашриётнинг бош муҳаррир муовини қилиб тайинлашди. У бу лавозимда ҳам бир неча йил муваффақият билан ишлаб, жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Сўнгра уни 1960 йилда «Ўзбекистон коммунисти» журнаliga ишга ўтказишди. Бу журналда у масъул котиб ва бош муҳаррир ўринбосари бўлиб умрининг охиригача ишлади. Бу журнал шўроларнинг асосий мафкуравий

журнали бўлиб, мафкурага алоқадор соҳаларнинг ҳаммасига раҳбарлик қилмоғи керак эди. Табиийки, унда санъат ва адабиёт олдига қўйиладиган мафкуравий талаблар ёритилар, бот-бот муайян қолиплардан чиқиб, бу соҳадаги «ўпирилишлар» ва «емирилишлар» фош қилинар, ҳар хил ижодкорларнинг «чанги қоқиб» туриларди. Айтмоқ керакки, бунга ўхшаган партия органлари аввалги замонларда «чанг қоқиш»нинг ҳадисини роса эгаллашган эди. Ҳибзиддин аканинг шаънига айтмоқ керакки, у ишлаган йилларда бу мафкуравий журнал тўқмоқли мақолалар эълон қилиш йўлидан, санъат ва адабиёт соҳасидаги ур-йиқитларга ҳайбаракалла деб туриш йўлидан бормади, шунақа материаллар эълон қилмасликнинг иложи бўлмаган чоғларда эса имкони борича босиқлик билан иш юритишга ҳаракат қилинди. Ҳибзиддин ака журналнинг раҳбарларидан бири сифатида унинг ишига республикадаги соғлом фикрли муаллифларни кўпроқ жалб қилишга, журнал сиёсатида ҳам босиқлик ва масъулият билан иш юритишга ҳаракат қилди. Шу тарзда у умрининг қолган қисмини ўтказди.

Ҳибзиддин ака 71 йил умр кўрди, шундан 56 йилини қизғин меҳнат фаолияти билан ўтказди. Шу йилларнинг ҳаммасида у ўзини нафақат меҳнатсевар ва фидокор инсон сифатида намоён қилди, балки қўлидан келганча одамларга яхшилиқ улашишга интилди. Худди шу сифатлари билан у замондошларининг қалбидан ўрин эгаллади ва уларнинг теран ҳурматига сазовор бўлди.

## НУРГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

— Шабот Хўжаев 80 га кирибдилар. Шу киши тўғрисида бир мақолача ёзиб берай, — деб таклиф қилдим муҳаррирга.

— Нима? — деди ҳайрон бўлганини яширмай. — Шабот Хўжаев дейсизми? 80 га кирибдиларми? Йўғ-е, бунақа эмасдир...

Дарҳақиқат, Шабот Хўжаевни кўрган бирорта одам унинг қиличдай тик қоматига, ҳали ажин изини кўрмаган юзларига, юлдуздек чақнаган кўзларига, эндигина битта-яримта оқ оралаган сочларига, бардам кайфиятига, ҳар

бир гапни дона-дона қилиб бийрон гапиришларига қараб, чиндан-да унинг 80 ёшга кирганига ишонмайди.

Мен уни салкам эллик йилдан бери танийман. Ўшанда у эндигина докторлик ишини ҳимоя қилган ёш тиббиётчи олим эди. Шундан бери ўтган йиллар мобайнида кўп сувлар оқиб кетди. Кўп қадрдонларимиз оламдан ўтиб кетди, ўзимиз ҳам мана — қарилик «гаштини» суриб юрибмиз. Лекин Шабот Хўжаев ҳамон ўша-ўша, бардам, тетик. Шу йиллар мобайнида мен унинг бирон марта ҳам «вой, белим» деб инқиллаганини, «юрагим ёмон» деб зорланганини, «шошмай туринг» деб гапини бўлиб, дори ичиб олганини билмайман. Домланинг бу тетик-бардамлигини кўрганимда бир ўй миямда чарх уриб айланаверади. Домла қандай қилиб бунга эришди — у инсон учун энг буюк, энг тансиқ, энг қадрли неъмат бўлган соғлиқ-саломатлигини қандай қилиб бу даражада кўз қорачиғидай авайлаб-асрайди? Врачлар ёрдамидами? Дорилар воситасидами? Йўқ, бундай эканига ишонгим келмайди. Менимча, бу ўринда гап Шабот Хўжаевнинг ўзида, унинг шахсиятида, унинг қунтида, ҳафсаласида. Энг муҳими, — унинг бир ақидасида. Менимча, домла ҳар қайси инсоннинг саломатлиги унинг ўз қўлида, унинг бу йўлда қиладиган саъй-ҳаракатларида, деган ақиди билан яшайди. Буни айтаётганимнинг боиси шундаки, биз — ўзбеклар ҳамма нарсани қадрласак қадрлаймизки, ўз соғлиғимизни қадрламаймиз, ўз организмимизга ваҳшиёна муносабатда бўламиз, йиқилиб, тўшакка ётиб қолмагунча врачга мурожаат қилмаймиз. Ҳолбуки, арзимаган ҳаракат билан бошга тушиши мумкин бўлган кўп касалликларнинг олдини олишимиз мумкин. Бу ҳаракатлар биздан ҳеч қанақа чиқимни талаб қилмайди. Одам ўзини болаликдан мунтазам чиниқтириб бориши, нафсини тийиб, расамади билан овқатланиши, жисмоний иш билан шуғулланиши, кўпроқ пиёда юриши, меҳнатни маромида қилиб, дам олишни ҳам ўрнига қўя олиши керак. Шу ишларни қилсангиз, мен аминманки, сиз ҳам 80 ёшингизда аталадай ёйилиб кетмай, ўқланган милтиқдай ҳар ишга шай турасиз. Лекин, минг афсуски, биз шахсий гигиена бобида ўз соғлиғимизга инсоний муносабатда бўлиш масаласида ҳам дурустроқ бир маданиятга эга

эмасмиз. Шабот Хўжаевнинг умр йўли биринчи навбатда бизга ана шундай сабоқ беради.

Юқорида айтганимдек, мен биринчи марта Шабот Хўжаев билан 60-йилларнинг бошида, Абдулла Қаҳҳорнинг уйида танишган эдим. Юзидан табассум аримайдиган, суҳбатдошининг гапларини жон қулоғи билан тинглайдиган, мулоҳазалари теран, сийқа гаплардан қочадиган, истараси иссиқ бу йигит дарҳол менга маъкул тушди. У мenden атиги 4-5 ёшлар чамаси катта эди, лекин аллақачон докторликни ёқлаган, таниқли олим сифатида донг қозонган эди. Ўша кезлардаёқ не-не атоқли арбоблар унинг бир оғиз маслаҳатини эшитишга мунтазир, тавсияларига муштоқ эди. Шабот Хўжаев ғоятда хушфёъл, камтар ва камсуқум, айнаи чоғда теран бир олижанобликка эга эди. У баъзи бир номдор врачларга ўхшаб бу дунёнинг «кўзир»лари олдида ялтоқланмас, унга шоҳу гадо баробар эди. Кейинчалик бунга мен кўп марталаб амин бўлдим. Мен ўзим — ҳали номи чиқмаган, бирор-бир амалга эга бўлмаган, бор-йўқ давлати, шавкати Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди, деган унвон бўлган инсон унга бир неча марта тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганман ва ҳар гал у менинг илтимосларимни пайсалга солмай, дарҳол бегараз бажо келтирар, қимматли тавсиялар берарди. 80-йилларнинг охирида қаттиқ бетоб бўлиб қолганимда эса иккита машҳур профессорни уйга бошлаб келиб, ўз ташаббуси билан консилиум ўтказган эди — кўп ўтмай мен оёққа туриб кетдим.

Шабот Хўжаев Ўзбекистонда тиббиёт илмининг ривожига катта ҳисса қўшган олим. Унга бежиз Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби деган унвон берилган эмас. Лекин биз кўп йиллик танишлигимиз давомида неча марталаб катта-кичик суҳбатлар қурган бўлсак-да, бу одам бирон марта, бирон хизматини айтиб мақтанганини эслай олмайман. Фақат яқиндагина Шабот Хўжаев тўғрисида ёзилган биографик маълумотномани ўқиб, унинг хизматлари ҳар қанча мақтанса арзигулик эканига амин бўлдим. Менинг кўз ўнгимда ўз касбини чин дилдан севадиган, унга ихлос билан, виждонан хизмат қилган фидойи бир зиёлининг ёрқин сиймоси гавдаланди. Баъзан одамлар, шу жумладан, ўзим ҳам, ҳозирги ўзбек зиёлелирининг фаол эмаслигидан, жамиятни олға элтувчи байроқдорлар бўла

олмаётганидан, баъзан лоқайдлигидан нолиб қоламиз. Эҳтимол, бу фикрда ҳам жон бордир. Лекин Шабот Хўжаевга ўхшаш одамларнинг мисоли зиёлиларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмаслигидан, улар орасида миллатнинг фахри дейишга арзигулик шахслар ҳам кўплигидан далолат бериб турибди.

Шабот Хўжаев — иммунолог, эпидемиолог, вирусолог олим: у юқумли касалликлар соҳасидаги катта ишлари билан ном чиқарган. Бироқ мендан мазкур мақолада унинг қайси касалликни қандай муолажа қилиш йўллари, қандай вакциналар кашф қилгани ҳақида ҳикоя эшитмоқчи бўлганлар адашади. Мен тиббиёт илмидан узоқ одамман, бу илмнинг ички нозикликларига тишим ўтмайди. Лекин мен ўқиган маълумотномаданоқ шуни англадимки, Шабот Хўжаевнинг ярим асрлик врачлик фаолияти бошдан-оёқ том маънодаги илмий жасоратга, улуғ мақсадлар йўлида фидоийлик билан хизмат қилишга тўла бўлган экан. Бу ажойиб инсон ўзининг билими ва фидоий ишлари билан нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўн минглаб эмас, юз минглаб одамларни ўлим чангалидан қутқариб қолган. Шунинг учун уни ҳар қанча алқаб, кўкларга кўтарсак арзийди. Мен бу фикримни исбот қилиш учун олимнинг кўп қиррали сермазмун фаолиятдан 2-3 та мисол келтириш билан чекланаман.

60-йилларнинг ўрталарида республиканинг баъзи жойларида вабо тарқаганмиш, деган совуқ хабар эшитилди. Бу жуда таҳликали, умумий ваҳима ва саросималик туғдиришга сабабчи бўладиган хабар эди. Зудлик билан чоралар кўрилди, қатновлар чекланди, вабо тарқалган жойдаги одамлар ўша жойлардан чиқолмай, бир неча ойга қолиб кетди. Бундай қилмаслик мумкин эмас эди. Гарчи сўнгги 40-45 йилда вабо балосини кўрмаган бўлсак ҳам, унинг даҳшати атом бомбасиникидан ҳам кучлироқ эканини яхши билардик. Ўтмишдаги ваболар, ўлатлар, чечаклар юз минглаб, балки ундан ҳам ортиқроқ одамларнинг ўлимига сабабчи бўлганини билардик.

Эпидемия — гиёҳлари қовжираб ётган чўли биёбонда юз берган ёнғинга ўхшайди — бир зумда у ҳаммаёқни қоплайди ва унинг ҳудудидаги ҳўлу қуруқ баравар ёна бош-

лайди. Эпидемиолог врач ҳам ўт ўчирувчига ўхшайди. Фақат фарқи шундаки, ўт ўчирувчи оловдан берирокда туриб уни сув ёки бошқа воситалар билан ўчиради, врач эса оловни ўчирмоқ учун аланганинг ичига, ўчоқнинг марказига кириб бориши керак. Яъни, вабо теккан юзлаб, минглаб одамлар билан бевосита мулоқот қилмоғи лозим. Табиийки, бундай шароитда бу ярамас касал врачнинг ўзига юқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Аҳволни чигаллаштирган яна бир масала — ўша йили вабони оддий ич кетардан ажрата оладиган врачларнинг ўзи йўқ эди. Тоза сув танқис эди, касалхоналарда кроватлар етишмас эди. Лекин нуқсонлар тўғрисида гап сотишга, нолишга вақт йўқ — ўлим тўшагида ётган одамларга тез ёрдам бериш, вабонинг тарқалишига йўл қўймаслик керак эди. Салкам 60 кун мобайнида вабога қарши курашга сафарбар қилинган врачлар кунни тунга улаб, дам олиш нималигини билмай меҳнат қилишади ва ниҳоят, бу қўрқинчли офатнинг устидан ғалаба қозонишади. Лекин тантана қилишга ҳали эрта эди.

Қорақалпоғистондан кейин вабо ўчоқлари Одессада, Тирасполь ва Кишинев шаҳарларида пайдо бўлди. Булар ҳам бор кучни сафарбар қилиб, фидокорона кураш олиб боришни тақозо қиларди. Шабот Хўжаев бу ишларда ҳам етакчи роллардан бирини ўйнади, нисбатан қисқа муддатда кам қурбонлар бериб, вабо ўчоқларини тугатишга муваффақ бўлинди. Ёмонликнинг яхшилиги ҳам бор деб бежиз айтилмаган — Шабот Хўжаев дунёдаги энг кам ўрганилган ва энг хатарли бўлган вабо хасталигига қарши курашда бебаҳо тажриба тўплади ва малака орттирди, бу соҳадаги йирик мутахассислардан бирига айланди. Шу тўғрисида уни дунёнинг вабо хуруж қилган бошқа жойларига ҳам юбора бошладилар. Қизиқ, 70-йилларда аллақачон унутилиб кетган вабо Осиёда ҳам, Оврупода ҳам, Африкада ҳам бош кўтариб, одамлар ҳаётига жиддий хавф туғдира бошлади. Шабот Хўжаев Индонезияда, Болгарияда, Яманда, Саудия Арабистонида ва яна бошқа бир қатор мамлакатларда эпидемия ўчоғини йўқотишда иштирок этди. Хорижий мамлакатларда ишлашнинг янада оғир томонлари бор эди — ҳар нима бўлганда ҳам бегона юртлар. Бегона шароит. Мутахассислар, дори-дармон-



лар етишмайди. Кўп ҳолларда врачдан чинакамига топқир бўлиш, «йўқни йўндириш» талаб қилинади. Шабот Хўжаев Яманда бўлган бир воқеани сира унутолмайди. Овлоқ қишлоқлардан бирида юзлаб одамлар ўлим тўшагида ётибди. Аммо уларни даволаш учун хастахоналар, кроватлар, тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар йўқ. Беморларни бошқа шаҳарга кўчиришнинг ҳам, бошқа жойлардан ёрдам кутиб ўтиришга ҳам имкон йўқ. Шунда врачлардан бирининг калласига қулинг ўргилсин фикр келиб қолади. Яъни каттагина бир дарахтзор тепаликда, беморлар ерга тўшалган бўйра устига ётқизилади, томчи дориларнинг системасини эса дарахтга илиб кўйиб, беморлар томирига қуйилади. Албатта, нормал шароитларда биронта ҳам шифокор бундай «янгилик»ни қўллашга мутлақо рози бўлмасди, лекин фавқулодда ҳолатларда, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш устида гап кетаётганди...

Билмадим, даҳшатли офатдан омон қолган хорижлик одамлар бугун қаерларда юришганикин? Лекин қаерда юришган, нима иш билан банд эканларига қарамасдан улар «фойдага қолган умрлари»ни ўйлар эканлар, бот-бот олис ўзбекистонлик, истараси иссиқ, хушмуомала, ўз ишини пухта биладиган докторнинг ҳақиқага дуо қилиб юрган бўлсалар, ажаб эмас.

Шабот Хўжаевнинг касбига фидойилигини, садоқатини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, у ўз билимларини бошқа врачларга ҳам улашди, уларнинг малакасини ошириш йўлида тинмай хизмат қилди ва бу мақсад йўлида бир эмас, бир нечта кафедралар ташкил қилди. Кафедра дегани илмнинг бирор соҳаси билан чуқурроқ шуғулланадиган кичик илмий жамоа. Шабот Хўжаев ташкил қилган кафедралар ҳозир ҳам муваффақият билан ишлаб турибди.

Шабот Хўжаев яна бир ғоятда ёқимсиз ва ғоятда баттол бир хасталикка қарши курашда жуда катта жонбозлик кўрсатди. 70-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда бирданга ич терлама, ошқозон касалликлари ва, айниқса, сариқ — гепатит касали жуда авж олиб кетди. Ўшанда далаларда пахтадан юқори ҳосил олиш учун жуда кучли заҳарли кимёвий дорилар қўлланилар эди. Бу заҳар ўсимлик билан одамни фарқ қилмас эди. Тўртта ҳашаротни ўлдирса, яна битта одамни қулатарди. Энг ёмони — бу

тўғрида ошкора гапириб, ёзиб бўлмас эди. Бизда ҳамма нарса жойида, ҳеч қандай муаммо йўқ, мабодо, деҳқоннинг тоби қочган бўлса, унга шабада-пабада теккан, деб ҳисобланарди. Қишлоқ врачларининг ҳаммасига ташхисларни яшириб, заҳарланиш билан боғлиқ бўлмаган навбатчи хасталикларни анкетага ёзиш буюрилган эди. Саратон жазирамасида шақиллаб қайнаб турган дошқозон қопқоғи пахтаю, гербициду, пахтакори билан ёпиқлигича қолмоғи керак эди.

Бундай шароитда ҳақиқий аҳволни очиқ айтиб, касалликларнинг номини аниқлатиб, уларни даволаш учун маблағ топиб ҳаракат қилмоқ керак эди. Ҳолбуки, гепатитга қарши курашда уни даволашда зарур бўлган вакциналар ҳам етишмас эди. Шабот Хўжаев бу масалалар ғоятда мураккаб, фақат энг олий ҳокимият табақаларида ҳал қилиниши мумкинлигини яхши биларди. Бироқ ўша пайтдаги ҳукмдорларимиз ҳадеб зорланаверадиган, айниқса, халқ учун бирор нарсани талаб қиладиган, маблағ, пул сўрайдиган мутахассисларни ёқтирмасди. Шунга қарамай, Шабот Хўжаев қишлоқда вужудга келган ҳаққоний вазиятни кўрсатиб, хориждан вакциналар сотиб олмақ учун маблағ сўраб «юқорилар»га мурожаат қилишдан чўчимасди. Ниҳоят, марказ бу мақсадларда сарфлаш учун бир миллион сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади. Тўғри, бу маблағ муаммони тўла ҳал қилишга кифоя қилмасди, лекин ҳарҳолда таранг вазиятни, бир оз бўлса-да, юмшатишга ёрдам берди.

Мустақиллик йиллари Шабот Хўжаев учун фаолиятини янада кенгроқ кўламда олиб бориш имконини яратди. Энди у бир вақтлар ўзи ташкил этган ва ўзи раҳбарлик қилаётган Вирусология маркази ишини яхшиламоғи керак эди. Мустақил республика ҳокимияти унинг бу интилишларини қўллаб-қувватлади, унга катта маблағ ажратди. Натижада, Юнусобод даҳасида ўзининг лабораторияларига, муолажа хоналарига, маъмурий биноларига, конференция залларига ва 126 та ўринли клиникасига эга муҳташам бино қад кўтарди. Бугун Ўрта Осиёда ягона бўлган Вирусология институти Шабот Хўжаев раҳбарлигида вазифаларини муваффақият билан бажариб келмоқда.

Ҳар гал у билан суҳбатлашганимда кўнглимдан бир

фикр кечади — аслида, бу одам адабиётчи бўлмоғи керак эди. Негаки, у чуқур илдизларга эга бўлган зиёли оилада дунёга келган. Унинг бобоси Асадуллахўжа бир неча тилни яхши билган, адабиёт ва тарих илмидан хабардор, фикри очик, миллатпарвар инсон ўтган эди. Унинг ўғилларидан бири Убайдуллахўжа Асадуллахўжа, ўзбеклардан чиққан биринчи олий маълумотли ҳуқуқшунос эди — 1938 йилда у қатагон қурбони бўлган. Шабот Хўжаев адабиётга жуда зўр муҳаббат билан улғайди. Кейинчалик Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби буюк ижодкорлар билан дўстлашди. Абдулла Қаҳҳор 1968 йили Москвада академик Вишневский клиникасида сўнгги кунларини ўтказётган пайтда Шабот Хўжаев унинг ёнида бўлган, қўлидан келганича бу улуғ инсоннинг дардини енгиллатишга уринганди.

Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясини тугатиб, кўлёмани Шабот Хўжаевга ўқишга берганида, уни ўқиб чиқиб, бир чеккасига: «Буюк бобомиз Улуғбек вафотларидан кейин яна 800 йил умр кўрган эдилар. Энди сизнинг моҳир қаламингиз сеҳри билан яна 500 йил яшайдиган бўлибдилар» деб ёзиб қўйган экан.

Хуллас, Шабот Хўжаев ана шунақа, адабиётга яқин одам. Лекин у адабиётчи бўлмади, шифокор бўлди. Эҳтимол, у мактабни битирмай Охунбобоев номидаги техникум остонасига биринчи бор қадам қўйганидаёқ шифокорлик билан элу юртга, миллатга хизмат қиламан деган олий ниятни кўнглига тутиб қўйган кун бу олий ният тўла вожиб бўлганини таъкидламоқ жоиз. Мабодо бу ажойиб инсоннинг салмоқли ва мазмунли ҳаёт йўлини бир иборада ифодалаш зарур бўлса, уни нурга йўғрилган умр, деб атаган бўлардим.

*2004. «Халқ сўзи» газетаси*

## **ФИДОЙИЛИК ТИЛДА ЭМАС, ДИЛДА**

«Бу киши сизни даволовчи шифокорингиз», деб уни биринчи марта таништирганларида, ростини айтсам, хурсандликдан дўппимни осмонга отганим йўқ. Кўринишидан у тажрибали шифокорга ўхшамасди — борган бўлса, энди бор-йўғи ўттизларга борган.

Фамилияси – Тешаев, ўзбекона, содда фамилия, отасининг исми ҳам чиройлик – Рухулло. Лекин ўзининг исми... Ундан ўтмишда қолиб кетган алланечук инқилобий хитобларнинг акс-садоси келарди. Ота-оналари унга Октябр деб исм қўйишган экан. У бўйчан, лекин жуда озгин, нимжонгина кўринарди. Суягининг бирон жойида тузукроқ эт битган жойи йўқ. Шундан бўлсамикин, жиндай шабада кўзғолса, йиқилиб тушадигандай. «Ўзи бу аҳволда бўлса, мени қандай даволаркин?», деган фикр ўтди кўнглимдан.

Аmmo кўпинча бўладигандек, бу гал ҳам биринчи таассурот тўғри бўлиб чиқмади – суврат бошқа, сийрат бошқа экан. Кунлар ўтиб, у билан яқиндан танишганимиз сари амин бўла бордимки, бу нимжон танада жуда катта матонат ва қатъият бор экан, қоқ суякдай кўринган билаклари алп йигитларникидек кучга тўла экан.

Ўша кезларда Октябр ўқишни тугатиб, бу ерга – Тошкент тиббиёт институти қошидаги йирингли хасталиклар жарроҳлиги клиникасига келиб қолганига ўн йил бўлиб қолган экан. Ўн йил ичида у оддий жарроҳликдан бўлим бошлиғи даражасига кўтарилган, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, юзлаб, балки ундан ҳам кўпроқ операциялар қилган. Уларнинг кўпчилиги муваффақиятли чиққан – операциядан кейин яралар очилиб кетмаган, тикиб қўйилан иплар ечилиб кетмаган, бирор-бир жиддий асорат изи кўринмаган. Шунинг учун одамлар ўртасида «қўли энгил жарроҳ», деб шуҳрат қозонишга ҳам улгурипти.

Шу тарзда ўн йил ичида Октябр жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Беморлар олис-яқинлардан унинг исмини айтиб, қидириб келадиган бўлиб қолишган. Бўлимдаги ходимларнинг ҳаммаси унинг оғзига қараб туради, маслаҳатини кутади. Катта-кичик ҳамшираларни-ку қўяверасиз – улар учун Октябрнинг гапидан мўътабарроқ гап йўқ, унинг қош чимиришиданоқ нима демоқчи эканини билиб олишади ва унинг кўрсатмаларини бекаму кўст адо этишга ҳаракат қилишади. Бўлимдаги тартиб-интизомга ҳавас қилса арзийди – ҳар бир укол, ҳар бир томчи дори ўз вақтида қилинади, яралар ўз вақтида ювилиб, тозаланиб, боғлаб қўйилади. Ҳакимлар беморларнинг ҳолидан муттасил хабар олиб туришади, ҳамшираларнинг нафақат қўллари

майин, балки тиллари ҳам ширин — бу ҳам беморларга уколу хобдорилардан кам таъсир кўрсатмайди.

Октябрнинг туриш-турмушига, ишларига разм солсангиз, унинг касбини яхши кўришига, унга чексиз садоқатига амин бўласиз. Унинг том маънодаги фидойи инсон эканига тан берасиз. Мен кўпгина фидойиларни кўрганман, касбимни яхши кўришда, унга садоқатда ўзим ҳам унча-мунча фидойилардан қолишмайман, лекин Октябрнинг фидойилигига тан бермасдан иложим йўқ. Одам ўқиб, ўрганиб, бирор касб-корнинг бошини тутар экан, буни биринчи навбатда тирикчилигини ўтказиш учун, тўқ, фаровон, беташвиш ҳаёт кечириш учун қилади. Аммо — жарроҳлик Октябр учун тирикчилик воситасигина эмас, аллақандай ундан ортиқ, ундан муҳимроқ нарса — эҳтимолки, ҳаётининг маъносини ташкил қилувчи омилдир. Мана, унинг бир кунлик иш тартибини кўз олдингизга келтиринг.

Октябр ҳар куни (шу жумладан, бозор кунлари ҳам) эрталаб соат 7 даёқ клиникада — иш жойида бўлади, ус-този профессор Бахтиёр Бобожонови кутиб олиб, унга бир кунлик аҳволдан ҳисоб беради, сўнгра профессор бошлиқ врачлар ва ҳамширалар билан бирга ҳамма палаталарга кириб, ҳар бир бемордан ҳол-аҳвол сўрашади. Муолажанинг қандай бораётганини суриштиришади, зарур бўлса янги дори-дармонлар тайинлашади. Октябр профессор айтганларини ёзиб олмайди, балки эсида сақлаб қолади ва кўриқдан кейин уларни беморларнинг касаллик варақасига ёзиб қўяди. Кўриқдан кейин Октябрнинг ўзи шифо олаётган беморларнинг яра-чақасини текшириб кўради. Бу ҳам бирмунча вақтни олади — ярани ювиш керак, тозалаш керак, унга қўйиладиган дориларни, ёғларни, малҳамларни янгилаш зарур. Тоза бинтлар билан боғлаб қўймоқ шарт. Бу иш бир хилдек, зерикарли кўринсада, ҳар куни қўлланиши керак бўлган иш. Ярани ҳамшира боғласа ҳам бўлади, лекин Октябр буни ҳеч кимга ишонмайди — билмадим, яранинг ҳар куни жиндай-жиндайдан бўлса-да, битиб бораётганини кўриш унга қандайдир ҳузур бағишлайдимми?

Бу орада соат 12 бўлиб қолади. Клиникада операция вақти бошланади. Операциялар бирда енгил, бирда оғир,

мураккаб бўлади. Врач икки соатда операция хонасидан чиқиб келса, демак енгил экан. Тўрт-беш ва баъзан ундан ҳам ортиқ чўзилса, демак, оғир операция. Беш-олти соат оёқда туриб, аввал кесадиган жойни кесиб, жароҳатни олиб ташлаб, кейин ҳар бир томирини томирига, суягини суякка, асаб толасини асаб толасига улаб тикиб қўйиш — осон иш эмас. Бунақа ишдан кейин ҳар қандай полвон одамнинг ҳам бели зирқираб, оёқлари қақшаб оғриши мумкин. Жисмоний толиқишдан анча ҳолсизланиши турган гап. Лекин Октябр ҳар қанча толиқмасин, яна клиникага чиқади, кечки кўрикни ўтказди. Беморлар ҳолидан хабар олади. Кеч киради. Кечки овқатдан сўнг клиникада осойишталик чўккандай бўлади, келди-кетди тинади, беморлар ҳам тунги ҳордиққа кирадилар. Шундан кейин Октябр учун яна иш соатлари бошланади — китоб ўқийди, мақолалар ёзади, компьютерда ишлайди, интернет орқали тиббиёт оламидаги янгиликлар билан танишади.

Бу гапларни ўқиб, сиз, албатта, ҳайрон бўлсангиз керак — ҳўп, буларнинг бари яхши, лекин сиз мақтаётган одамнинг уй-жойи, бола-чақаси борми? У овқат-повқат ҳам еб турадимми? Умуман, дам-пам ҳам оладими?

Мен 1997 йилдан бери ҳар йили рафиқам билан бирга камида уч марта шу клиникада ётиб даволанамиз. Сизга ёлгон, менга чин — биз шу вақт ичида Октябрнинг уйи шу яқин-ўртада эканини, гулдай хотини, учта фарзанди борлигини билиб олди-у, лекин унинг қачон, қай пайтда уйига бориб келишини, қачон дам олишини, қачон овқатланишини ҳали ҳам аниқ билиб ололганимиз йўқ. Рафиқам унинг билимдонлиги-ю, фидойилигини кўриб, уни ўз ўғлидай билиб қолди, ҳатто бирон бош оғриқ дорисини ҳам ундан бемаслаҳат ичмайди. Баъзан Октябрнинг оч-наҳор юрганини кўриб, баъзи оқшомлар топган-тутганидан косага ёхуд тарелкага солиб, хонасига олиб кириб беради. Октябр уни олиб қолса, ўзида йўқ хурсанд бўлиб чиқади. Лекин кўпинча, Октябр «бутун овқат емай-диган куним», деб косани қайтаради. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашиб қайтган рафиқам анча вақтгача «Ё тавба, овқат емай-диган одам ҳам бўлар экан-да», деб ёқа ушлаб, ҳайрон бўлиб юради.

Қизиғи шундаки, бу аҳвол ҳар фаслда бир, ҳар ойда

ёхуд ҳар ҳафтада бир рӯй бермайди, балки ҳар куни шунақа. Унинг иш куни саккиз соат эмас, эҳтимол ўн саккиз соатдир. Яна бир қизиқ томони шундаки, у ортиқча ишлаган соатлари учун қўшимча ҳақ олмайди, бундай қилиш унинг хаёлига ҳам келмайди.

Октябрнинг фидокорлиги мени лол қолдиради. У жуда кўп меҳнат қилаётганини бировга писанда қилмайди, кўкрагига уриб, мақтанмайди. У умуман, ўзи тўғрисида гапиришни ёқтирмайди, бирор гап керак бўлиб қолса, уни омбир билан суғириб оласиз. Биламан, бугун баъзи бир «доно»лар назарида бунақа фидокорлик эскириб қолгандек, жўн, примитив, бир ҳужайралик одамларгина шунақа меҳнат қилиб, обрў орттиришга ҳаракат қилади. Бундай «доно»лар чинакам фидойиларни кўрганда уларга ачингандай мийиқларида кулиб қўя қоладилар. Мен ҳам бир гал унга «Эй, биродари азиз, мунча жонингизни жабборга бермасангиз? Сизга ҳаммадан ортиқ керакми? Биров «раҳмат», дермиди?», деб юборишимга сал қолди. Лекин бунинг ўрнига «Нима учун доктор бўлишга иштиёқманд бўлиб қолгансиз? Бу орзу қачон кўнглингиздан жой олди?», деб савол бердим. Бунга Октябр «ўқиб доктор бўлганман-да», дея шунчаки жавоб билан қутулмоқчи бўлди. Лекин, мен ҳам бўш келмадим – саволимга жавоб излаб оёқ тираб туриб олдим.

Октябр ўйланиб қолди. Анча сукутдан кейин хаёлчанлик билан жавоб берди:

– Қачон доктор бўлиш орзуси кўнглимда пайдо бўлганини аниқ эслолмайман. Ҳарҳолда, бу илк болалигимда рўй берган эди. Ҳали медицина тўғрисида ҳам, жарроҳлик ҳақида ҳам бирор-бир аниқ тушунчага эга эмас эдим. Биров «доктор» деган сўзни тилга олса, кўз ўнгимда қордек оппоқ халат кийган одам билан укол қиладиган игна келар эди. Мен болалигимда қаттиқ касал бўлгандим. Юзимга яра чиқиб кўп қийналганман. Кўрсатмаган табибимиз, қилмаган дори-дармонимиз қолмаган. Фойдаси бўлмаган. Охирида, бир доктор даволаб, тузатиб юборган. Уни «жарроҳ» дейишган эди. Аввалига, мен буни «Жавҳар», «Жаҳонгир» деганига ўхшаш атоқли от бўлса керак деб ўйлагандим. Кейин менга «жарроҳлик» докторликнинг бир тури эканини тушунтириб беришди. Ўшан-

дан кейин «жарроҳ» бўлиш менинг энг катта орзуим бўлиб қолди.

Бирон марта бошқа бирон касбни эгаллашни хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Бутун ҳаётим шу пайтга қадар бир тўғри чизиқ бўйича ҳаракатланиб келяпти. Баъзан туриб-туриб ўйланиб кетаман — аслида менинг болаликда бетоб бўлганим ва меҳрибон бир жарроҳга рўпара келиб шифо топганим тақдиримда бир белги бўлмаганмикин? Жарроҳ бўлиш менинг ёзиғимда бор бўлган эмасмикин. Менинг ўзлигимни намоён этадиган, ички имкониятимни рўёбга чиқарадиган нарса шу бўлмаганмикин?

Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам, яхши ният — ярим мол деган гап бор. Яхши ният қилсангиз, шу ниятга эришиш йўлида астойдил, оғишмай меҳнат қилсангиз, албатта, мақсадга етар экансиз.

Унинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Ажабо, унинг тақдирида ҳам алланечук менинг тақдиримга ўхшаган жиҳатлар бордек кўринди менга. Мен ҳам ҳали биронта йирик китобни ўқиб чиқмай, дунёда «адабиёт» деган нарса борлигини, уни «ёзувчи» деган касб-кордаги одамлар яратишини мутлақо билмай туриб, 2 ёки 3-синфда ўқиб юрганимдаёқ адабиётчи бўлишга узил-кесил қарор қилган эдим ва кейинчалик бирор марта ҳам бу аҳдимдан чекинган эмасман. Менинг йўлим ҳам ўқдек тўғри чизиқдан борган. Афтидан, бунда ҳам тақдир ёки «Ёзуқ»нинг қўли бор кўринади. Мен Октябрни гапга солиб, яна бир нарсаларни билиб олишга интилавердим.

— Бухоронинг олис бир қишлоғида туғилиб ўсган экансиз. Ўша қишлоқда яшаб юрганингиздаёқ жарроҳ бўлишни орзу қилибсиз. Лекин ўша чоғларда ўқишга кириш осон эмас эди. Истаган институтда битта ўринга ўнлаб толиби илмлар даъвогарлик қилишарди. Сизнинг жарроҳ бўлиш тўғрисидаги орзуингиз Ойга учиб борадиган космонавт бўлишдек амалга ошириб бўлмайдиган орзу эмасмиди?

— Билмадим. Ундай бўлмаса керак. Лекин бу масалада ҳам бахтим бор экан, омадим чопдими, билмадим. Табиатнинг чиндан ҳам бехато амал қиладиган бир сирли қонуни борми? Интилганга толе ёр, дейишади. Бундан ташқари, «сендан ҳаракат, мендан баракат», деган гап ҳам бор. Ҳарҳолда, менда иштиёқ бор эди, ҳаракат деганлари бис-



ёр эди, эҳтимол, шунга ярашадир — баракат деганини ҳам кўрдим. Жуда кўп одамлар менга ёрдам қўлини чўзди, менга кўмаклашди, қанот бўлди. Кўпчиликнинг мадади билан мен бугунги кунга етиб келдим.

Дарҳақиқат, Октябр мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ Тиббиёт институтига киришга қандай тайёрланганини, кейин кириш имтиҳонларидаги муваффақиятсизликлари ва улардан қандай халос бўлганларини гапириб берса, бамисоли бир эртақ тинглаётгандай бўласиз. Ҳарҳолда ҳаётнинг бурилиш нуқталарида алланечук бир илоҳий қудрат бехосдан ёрдам қўлини чўзади-ю, битиши мумкин бўлмаган ишлар битиб кетади ва Октябр катта мақсади сари илгарилайверади. Наҳотки, буларнинг бари унинг кўнглидаги сўнмас машъаладай ёниб, йўлларини ёритиб турган олижаноб ниятнинг шарофати бўлса? Мактабда ундан икки синф юқорида опаси ўқир эди. У ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. У бир неча йил Октябрга устозлик қилиб, уни обдан ўқитиб, адабиётга ошно қилиб, химия, биология, физикалардан мулла қилиб, ўқитувчиликнинг ҳадисини олди. Октябр унинг дарсларига шу қадар кўникиб кетдики, ҳанузга қадар опасини «опа» деб эмас, «устоз» деб чақиради. Опаси берган сабоқлар, ҳар қайси фандан уни аёвсиз «терлатганлари» кейинчалик жуда асқотди.

Тўғри, Октябр биринчи йили имтиҳондан ўтолмади — арзимаган бир-икки балл етишмади. Уни стоматология ёхуд санитария факультетида олиб қолишмоқчи бўлишди.

Лекин Октябр кўнмади — бошқа ҳар қандай бола мамнуният билан қабул қиладиган таклифдан бош тортди. Ўқиш ўрнига армияга кетди. Москванинг шимол томонидаги Коврово шаҳрида хизмат қилди. Икки йил ўтгач, яна ТошМИга келди. Бу гал ҳам имтиҳонда жиндай англашилмовчилик бўлди. Комиссия аъзолари унинг ҳужжатларини қўлига бериб, хайр-маъзур қилишга кўзлари қиймади. Улардан бири Октябрга деди:

— Сизни тайёрлов бўлимига олишимиз мумкин эди. Аммо хизмат қилган жойингиздан йўлланма бўлиши керак. Афсуски, эртага муддат тугайди. Ишингиз янаги йилга қоладиганга ўхшайди.

— Ҳужжатни олиб келаман, — деди Октябр қатъий

оҳангда. Комиссия аъзоси унинг гапига ишонмай, елкасини қисди.

Октябр ўша куниёқ Москвага учди, аэропортдан электричкага ўтириб, тўғри Ковроводаги ҳарбий қисмга етиб борди.

Ҳарбий қисмдагилар уни очиқ юз билан кутиб олишди — хизмати чоғида бу хушфешл, интизомли, билимга интиладиган йигит ҳарбий қисмдагиларга маъқул келиб қолганди. Улар гап нимадалигини билишди-ю, бир зумда унга йўлланмани тўғрилаб беришди.

Эртаси куни пешинда Октябр қўлида ҳали сиёҳи қурмаган, муҳрлари ялтираб турган йўлланма билан қабул комиссия вакилининг ҳузурини турарди. Уни тайёрлов бўлимига қабул қилишди.

Буларнинг бари эртакка ўхшамайдими — Октябрнинг қалбидаги олижаноб ниятини рўёбга чиқаришда илоҳий бир қудратнинг кўмаги эмасми бу? Албатта, Октябр тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашиб, орзуси ушалмаётганидан гарангсиб қайтиб кетаверганида ҳеч нарса бўлмас эди. Аммо у ҳаракат қилди, ҳаракатдан тўхтамади, шунга яраша баракат ҳам кўрди.

Кейин тақдир унга яна бир марта катта ёрдам берди. Бу воқеа юқори курсда ўқиб юрганида содир бўлган эди.

Ўша замонлардаги таомилга кўра талабалар ўқув йилини далада — пахта теримида бошлардилар. Лекин бу йил пахта плани ҳа деганида бажарила қолмади ва талабалар кеч кузгача пахтада қолиб кетишди. Эрталаблар анча аёзди. Ҳали қор ёғмаган бўлса-да, ҳамма ёққа тушган қировнинг совуғи юзларни чимчилайди, баданига найзадек ботади. Шундай кунларнинг бирида пахтага болалардан хабар олгани хирургия кафедрасининг мудири Бахтиёр Бобожонов келиб қолди. Эрталаб у баракка кирди. Унда тоби қочиб қолган бир-иккита талаба билан бирга Октябр ҳам бор эди.

— Қайси бўлимдансиз? Фамилиянгиз нима? Нега ҳамма далада-ю, сиз бу ерда ётибсиз?

Октябр жарроҳлик бўлимида ўқишини айтди.

— Мен рухсат олганман. Бир-икки соат кечикиб чиқсам-да, кунлик режамни бажараман. Совуққа аллергиям бор.

— Ие, — Бобожонов ҳайронлигини яширмай. — Жин-

дай совуққа чидаёлмасангиз, қандай қилиб хирург бўлмоқчисиз?

Октябр домланинг бу саволига нималардир деб жавоб берди. Лекин у чиндан ҳам далага кун илиганда чиқса-да, кечгача ҳаммадан кўп пахта терар ва ҳамиша илгор теримчилар қаторида юарди. Ўша куни ҳам шундай бўлди. Пахтадан қайтишгандан кейин Бобожонов бу тиришқоқ ва меҳнаткаш талабани кафедрага яқинлаштирди ва унга ўзи раҳбарлик қила бошлади.

Октябрнинг омади яна бир марта кулиб боққан эди. Негаки, хоразмлик машҳур жарроҳлар оиласидан чиққан Бахтиёр Бобожонов юксак истеъдодли, маҳорати зўр, нигоҳи ўткир врач бўлиши билан бирга бағрикенг, ёшларга меҳрибон инсон ҳам эди. Мен, албатта, тиббиётдан узоқ одам сифатида унинг бу бобдаги лаёқатига баҳо бера олмайман, аммо беш йилдан бери у билан яқин мулоқотда бўлиб, унинг клиникасида даволаниб келаётган одам сифатида айтишим мумкинки, Бахтиёр Бобожонов нафақат моҳир жарроҳ, балки у том маънода маданий савияси кенг, жуда юқори даражада фикрлайдиган, юксак замонавий даражада турадиган инсондир.

Яқинда қизиқ воқеа рўй берди. Домла эрталабки обходга кирганларида менинг кроватим устида яқинда шуҳрати оламга ёйилган Бразилия адиби Пауло Коэльонинг «Алхимик» романи ётган эди. Домла мендан ҳол-аҳвол суриштириб бўлганларидан кейин, китобга ишора қилиб:

– Бу ўша машҳур ёзувчининг асарими? Дарров қўлингизга етиб келибди-да! Иложи бўлса биз ҳам бир кўриб чиқайлик.

Мен узр сўрадим – китоб бировники эди. Лекин домланинг адабиётга бу қадар қизиқишидан лол қолдим. Қалбининг қай бир жиҳати билан у менга янада қадрли бўлиб қолди.

Ана шу одам Октябр билан яқиндан танишгандан кейин, унда ниш уриб келаётган истеъдод куртакларини пайқади-да, уни қанотига олди, қунт билан унга жарроҳлик алифбесини ўргатди, маҳорат сирларидан сабоқ берди. Уларнинг орасидаги устоз-шогирдлик муносабатлари бу икки инсонни бир-бирига мустаҳкам боғлаган ришталар бўлди.

Мен Октябрни гапга солишда давом этаман — имкони бор қадар бу йигитнинг муҳим инсоний сифатларини тўла-роқ тасаввур қилишга интиламан.

— Биринчи операциянгизни эслайсизми? Энг қийин операциянгиз қандай бўлган? Қўрққанмисиз? Ҳарҳолда, инсонга тиф урасиз. Бундан ташқари, масъулият ҳам катта.

— Биринчи операциям эсимда йўқ. Адашмасам, аппендикни операция қилган эдим. Эсимда қолмаганининг боиси шуки, талаба мустақил иш юрита бошлагунга қадар узоқ вақт давомида амалий машғулотларда бўлади, катта домлалар операция қилганида уларга дастёрлик қилади, уларнинг буйруғи билан баъзи бир майда ишларни бажариб боради. Шу тарзда у секин-аста жарроҳлик муҳитига кириб сингишиб боради, муайян кўникмалар ҳосил қилади. Шунинг учун биринчи мустақил иши аслида биринчи иш бўлмайди. Лекин менда бир мураккаб операция бўлган эди. Ҳозиргача унута олмайман. Ўша куни мен ҳам навбатчи эдим. Тўғри, ҳали талабаман. Асосий навбатчи бошқа, тажрибали бир врач, мен эса навбатчи, холос. Вақт ярим кечага яқинлаб қолди. Байрамларда бўлиб турадиган бирон фавқулудда воқеа бўлгани йўқ. Навбатчи врач бунга хурсанд бўлиб, «жиндай» байрам қилипти. Шу пайт бир беморни олиб келишди — олти жойидан пичоқ еган экан. Қон оқиб ётибди. Жуда тез операция қилмаса бўлмайди. Навбатчи врачни чақиртирдик, аммо у қаергадир ғойиб бўлипти. Ўзим ва бир-икки ҳамширалардан бошқа ҳеч қим йўқ. Ҳали бирон марта бунақа катта ва мураккаб операцияни қилган эмасман. Бундай операциянинг энг қийин жойи шундаки, пичоқнинг учи қаергача етиб борганини билиш жуда қийин. Яранинг ярим сантиметри ҳам ишловсиз, дориланмай қолса, яллиғланиши, иситма чиқариб, йиринглаб кетиши мумкин. Унда яна бир марта операция қилишга тўғри келади. Айни чоғда, кутиб ўтириб ҳам бўлмайди — минутлар ўтган сари беморнинг аҳволи оғирлашмоқда. Мен талаба бўлганим учун, ҳали мустақил равишда операция қилишга ҳаққим йўқ. Икки ўт ичида қолдим — операция қилишни ҳам, қилмасликни ҳам биллолмай қолдим. Кейин, «бор-е, таваккал» дедим-у, ишга киришдим. Беморга наркоз берилди. Кейин ҳар бир ярани ишлашга киришдим. Операция эрта тонггача давом этди.

Кейин беморни реанимация бўлимига кўчирдик. Энди унинг бошидан жилмай наркоздан эсон-омон чиқишни кутиш керак, унинг иситмаси кўтарилмасагина тинчиб, бемалолроқ нафас олиш мумкин.

Қиёматнинг каттаси эртасига бўлди — бўлим бошлиғи ишга келиши билан ҳамма гапдан хабар топди. У биринчи навбатда «байрам қилган» врачнинг байрамини бурнидан булоқ қилиб олди — клиникада иккинчи марта кўринмайдиган қилиб ҳайдаб юборди.

У мени ҳам ҳайдади, оғзига келганини қайтармай, чапараста сўкди-да, «Йўқол! Иккинчи қорангни кўрмай!» деб хонасидан қувлаб чиқарди. Лекин мен эртасига бошимни қуйи солиб, яна келдим. Бошлиғимиз баджаҳл бўлса-да, инсофли одам эди. Бизда бир одат бор — касаллик варақасига беморнинг қачон, қай аҳволда келганидан бошлаб, операция вақтида қандай амаллар қилинганини батафсил ёзиб қўйилади. Бошлиқ шуни ўқиб чиққандан кейингина жаҳлидан тушипти. Шундан кейин менга узил-кесил ишонадиган бўлиб кетди.

— Октябр, чиндан ҳам жарроҳлик жуда қийин иш, лекин сиздан шифо топган одамлар умрбод миннатдор бўлишса керак? Кўпчилик беморлар билан дўстлашиб кетарсиз?

Октябр кулди. Унинг кулгисини қўзғаган нарса менинг анойилигим бўлганди.

— Албатта, миннатдорлари ҳам бўлади. Лекин кўпчилик тузалиб чиқиб кетгандан кейин жарроҳни ҳам, бошқа врачларни ҳам унутиб юборади. Баъзан эса миннатдорлик ўрнига таъна-дашномлар остида қоласиз. Бир куни кекса бир кампирни олиб келишди. Унинг оёғидаги томири беркилиб, қон айланмай қолипти. Бу жуда хавфли ҳолат, бир дақиқа ҳам кечикмай, операция қилиш керак. Бўлмаса, аҳвол чатоқ бўлади. Бемор оёқни кесиб ташлашга тўғри келди. Жанжал икки-уч соатдан кейин бошланди. Иккита девдай-девдай йигит ёқавайрон, кўзлари чақчайган, ранги оқарган ҳолатда аюҳаннос солиб кириб келишди. Улар «Вой онам! Жоним онамни нима қилиб қўйдинг! Нега биздан бесўроқ операция қиласан?!» деб бақириб-чақиритар, ўзларининг намунали ўғил эканликларини намоиш қилишарди. Зўрға тинчитишга муваффақ бўлдик. Бунақа «миннатдорчилик-

лар» ҳам бўлиб туради. Лекин, барибир, шифо излаб келган одамнинг ҳожатини чиқарганингдан кейин унинг чеҳрасидаги мамнунликни кўриб, бошинг осмонга етади, ҳамма чарчоқларинг унут бўлади. Ўзингни бахтиёр ҳис этасан. Шу дақиқалар учун яшасанг арзийди.

– Анча одамларни операция қилиб, умрини узайтиряпсиз, қанча-қанча хонадонлар бағрига уларнинг қадрдон одамларини қайтаряпсиз. Одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонгансиз. Ниҳоят, бугун-эрта докторлик диссертациясини ҳимоя қиляпсиз. Таниқли олимлар яқдиллик билан ишингизга юксак баҳо беришяпти. Яна қандай армонингиз бор?

Октябр «қўйинг, дафтаримни кавламанг» дегандай бир ёвқараш қилди, лекин ундан жавоб олмасдан қўймаслигимни сезди, шекилли, аста жавоб берди:

– Биласизми, мен ўзбек тиббиёти учун ҳамиша фахрланаман. Президентимиз айтганидек, ўзбек медикларининг дунёда ҳеч кимдан кам жойлари йўқ. Ҳатто баъзи соҳаларда улар анча илгарилаб кетган. Бугун бизнинг кўпгина олимларимиз дунёнинг энг машҳур тиббиёт муассасаларида маърузалар ўқишади. Кўп мамлакатларда уларнинг китобларидан фойдаланишади.

Лекин шунга қарамай, қай бир масалаларда жаҳон тиббиётидан орқада қолаётганимиз яққол сезилиб қолади. Айниқса, ҳозирги кунларда. Бугун халқ хўжалиги янги изларга – бозор муносабатларига ўтяпти. Бизнинг соҳада ҳам ислохотлар бошланган, лекин негадир улар жуда суст кечмоқда. Врачлар ҳали ҳам истеъдоди, қобилияти, меҳнатидан қатъи назар ҳаммалари бир хил ҳақ олади (унвонларни назарга олмаганда). Бу ҳақ – қаср қуришга ёхуд машина харид қилишга етмайди, баъзан эса... Умуман, тиббиётга ажратиладиган маблағ сурункасига етишмайди.

Энг алам қиладигани шундаки, бугун жаҳон тиббиёти техник жиҳатдан жуда илгарилаб кетган. Айниқса, операциялар техника жиҳатидан жуда юқори савияда ўтказилади. Биз эса ҳамон ўша пичоқ, ўша болта, ўша ип билан...

Ҳа, бу жарроҳнинг армонлари ҳам ўзининг шахсий дардлари, оилавий турмуши, ўзи севган соҳанинг дардлари билан боғлиқ эди.

Яқинда Октябр Рухуллаевич Тешаев тиббиёт фанлари

доктори бўлади, яъни унинг олимлиги, кашфиётчилиги, ижодкорлиги расман тан олинади.

Бундай чоғларда фақат уни чин кўнгилдан табриклаш ва унинг йўлларида янги уфқлар тилаш қолади, холос. Бундай фидойи фарзандлари бор юрт улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

2002

## ҲАМ КОМИЛ ИНСОН, ҲАМ КАТТА ОЛИМ

Халқимизда олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин деган нақл бор. Менимча, бу нақлга жиддий тузатиш киритиб, яхши олим бўлиш ҳам яхши инсон бўлишдек жуда қийин иш деб атасак тўғрироқ бўларди. Умуман, иккала сифатни ўзида мужассам этган, ҳам яхши олиму, ҳам яхши инсон бўлган сиймолар, афсуски, ҳаётда анча кам учрайди. Абдуғофур Абдумажидов ана шундай ноёб бахтга ноил бўлган инсонлардан бири.

Мен Абдуғофур ака билан мактабдош дўстим, атоқли файласуф Ҳайдар Пўлатов орқали 1963 йилнинг ёзида танишган эдим. Ўша йили кутилмаганда бошимга оғир мусибат тушди — ўзим айбдор бўлмаган ҳолда, ишим тергов органларига тушди. Яқиндагина иш бошлаган терговчи мен содир қилган автоавариядан фойдаланиб, мени қаматиб юбориш учун қўлидан келган ва келмаган ҳамма чораларини кўра бошлади. Умримда бунақа вазиятга тушмаган эдим, нима қилишимни, қаерга бош уришимни билмай гарангсиб қолдим. Ҳаёт кўп ғаройиб нарса бўлар экан — бир томондан ўзинг кутмаган ҳолда тақдирнинг ногаҳоний зарбаларига рўпара келасан, ўзингни тегирмон тошининг тагига тушиб қолган бугдой донидек ожиз ва ночор ҳис қиласан, иккинчи томондан, теварагингда яқинларинг, дўсту биродарларинг сенга бағрини очади, уларнинг меҳрибонлигидан, яхшилигидан тақдир зарбасига дош беришга ўзингда куч топасан.

Яхши одамларнинг яхшилиги сенга қувват бахш этади, ҳатто сени ҳаётга қайтаради, кўнглингда сўна бошлаган умид учқунларини қайта алангалатади. Ўшанда менинг аҳволимни эшитган Ҳайдар Пўлатов дарҳол ёнимга етиб келди, гап нимада эканини суриштириб билди-да, бир-

икки кундан кейин учта ҳуқуқшунос дўстини бошлаб келди. Ҳайдар менга таништирган Абдуғофур Абдумажидов, раҳматли Тўлаган Аюбов, Георгий Саркисянцлар тергов идораларида эмас, илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлар эдилар. Улар ҳуқуқшунослик илмини сув қилиб ичиб юборган, турли-туман ҳуқуқий қонунларни ёд билишар эди. Хуллас, улар менинг ишимни адолатли ҳал қилишда жуда катта ёрдам беришди. Ишим ижобий ҳал бўлди-ю, лекин бир савол анча вақтгача кўнглимда гимирлаб, менга тинчлик бермай юрди. Қизиқ, бу одамлар ва айниқса, Абдуғофур Абдумажидов нима учун менинг тақдиримни бу қадар ўзларига яқин олдиларикин? Анча-мунча вақтларини сарфлаб, қаерларгадир бориб, кимларгадир учраб, ҳақиқатни уқтиришга ҳаракат қилишди, ношуд терговчининг хатоларини исбот қилиб, ишни тажрибалироқ ва холисроқ бир терговчига ўтказишга муваффақ бўлишди. Хўш нега? Мен, ахир уларнинг қариндош-уруғи ёки бирон яқини бўлмасам? Ҳатто, авваллари бир-биримизни таниган ҳам бўлмасак? Мендан ҳеч қанақа манфаат кўришмаса? Нима учун менга бу қадар астойдил ёрдам қўлини чўзишди, нима учун мени чохдан чиқариб олишга уринишди? Ўйлай-ўйлай шундай хулосага келдим — бу одамларда адолат туйғуси кучли экан, одамларга яхшилик қилиш, ҳақни қарор топтиришга ҳаракат қилиш улар учун зарур эҳтиёжга айланиб кетган экан. Ўшанда яна бир хулосага келган эдим — ҳақиқий ҳуқуқшунос бўлмоқ учун, биринчи навбатда албатта билим керак, лекин билимнинг ўзи билан иш битмайди. Бунинг учун яна инсофли, диёнатли, адолат туйғуси ўткир, виждони бутун одам ҳам бўлмоқ зарур. Одамларга яхшилик қилиш эҳтиёжи, савобталаблик, бошига мусибат тушган одамга дардкаш бўла билмоқ ҳақиқий ҳуқуқшуноснинг бирламчи фазилатлари бўлмоғи керак. Шундай одамларнинг борлиги қандай яхши-я!

Айни шундай одамлар туфайли ҳаёт гўзалроқ ва маънолироқ кўринади. Ўшанда шу дўстларимга ҳавас қилиб битта ўғлимни ҳуқуқшунос қилишни кўнглимга тугиб қўйган эдим — худога шукур, ниятимга етдим. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос унвонига эга бўлган ўғлим ёмон юрист бўлмади, шекилли.



Ўша воқеалардан сўнг Абдуғофур ака иккимиз жуда иноқлашиб кетдик. У бўйдор, озгин, ҳазил-мутойибага мойил, қувноқ одам эди. У билан истаган мавзуда баҳслашиш, тортишиш мумкин эди. Суҳбатлашганда шундай таассурот қолар эдики, гўё бу одамнинг дунёда билмаган нарсаси йўқдай... Унинг одамни ўзига тортиб турадиган жозибаси бор эди — билмадим бу жозоба билимдонлигиданми ёки бутун вужудидан уфуриб турадиган самимиятмиди? Ёки икковининг бирлашганидан туғилган бетакрор ўзига хосликмиди?

Абдуғофур аканинг уйига биринчи марта борганимни сира унута олмайман. У киши Шофайздан ўтганроқда Дадил деган кўчада жой солган экан. Ҳовли жуда озода, саришта, анвойи гуллар очилиб ётибди. Бир томонда новдалари қиз сочидек тараб қўйилган тоқ. Бир-иккита мева дарахтларининг тагига тангадек офтоб тушмайди, лекин мени маҳлиё қилган нарса бошқа бўлди. Абдуғофур ака мени залга бошлади. Зал катта, шифти баланд эди. Унинг бир томонидаги деворига эса полдан шифтгача китоб жавони ўрнатилганди. Китоб жуда кўп эди. Менда ҳам анчамунча китоб йиғилиб, очиғини айтганда, ичимда китобларим учун жиндай гердайиб ҳам юраман. Аммо Абдуғофур аканинг китоблари меникидан беқиёс кўп эди. Бунинг устига, унинг китоблари ичида ўтган асрда ва ҳатто ундан ҳам аввал нашр этилган жуда нодир ва ажойиб китоблар бор эди. Буларнинг кўпчилиги саҳтиён муқовада, ичида жуда зўр ишланган суратлар, қоғозлар аъло сифатли. Масалан, Миср тарихига оид, ёш Наполеон урушлари ҳақида ҳикоя қиладиган китоблари шунақа. Мен меҳмонлигимни ҳам унутиб, китоб титкилашга тушиб кетдим. Абдуғофур ака тепамда туриб, кўпгина китобларнинг тарихини айтиб берар, уларнинг мазмунидаги ўзига хослик тўғрисида гапирар эди. Китоб титкилаш жараёнида унинг яна бир фазилати намён бўлди. Одатда китоби кўп одамлар китобга жуда зиқна бўлади, ҳар нима қилиб бўлса-да, китобидан бирортасини ҳам бировга бермасликка ҳаракат қилади. Абдуғофур акада бу зиқналик йўқ экан. Бирор китобини ёқтириб қолсангиз, уни қўшқўллаб сизга тўтишга тайёр туради. Ўшанда мен истеъдоднинг табиати устида изланишлар олиб бораётган эдим. Бирдан унинг

китоблари орасидан «Истеъдод ва меҳнат» деган XIX асрда нашр қилинган бир китобни топиб олдим. У шунақа мукаммал эдики, ижод сирини англамоқчи бўлган одам уни ўқиб чиқмаслиги мумкин эмас эди. Менинг китобга суқланиб қараётганимни кўриб, Абдуғофур ака деди:

– Майли, олинг. Ўқиб бўлганингиздан кейин қайтарарсиз.

Мана қирқ йил бўлди – китобни ҳали ҳам ўқиб тугатганим йўқ. Яхши китоб бўлса, қайта-қайта ўқигинг келаверади.

Яқинда Абдуғофур ака бизникига келди. Суҳбатимиз давомида гап айланиб китобларга кўчди. Мен луғатлар масаласида нимадандир ранжиб гапирдим. Абдуғофур ака гапни-гапга улаб кетди.

– Дарвоқе, луғатларимизнинг тури кам. Эски олимлар бу соҳада кўп ажойиб ишлар қилган экан-да... Қараб туриб, уларнинг билимига, фидойилигига ҳайрон қоласан киши.

Бир-икки кундан кейин Абдуғофур ака каттагина китобни қўлтиқлаб келди. Мен дарҳол бу китобга қизиқиб қолдим.

– Мана, ўзингиз кўринг. Эҳтимол, бирор ишингизга яраб қолар. Бемалол фойдаланаверинг.

Китоб ҳақиқатан ҳам ноёб эди. Унинг бичими ҳам катта, қоғози ҳам асл, муқоваси ҳам қалин. У 1896 йилда Санкт-Петербургда нашр қилинган экан. Муаллифи М. И. Михельсон. Номи «Ходячие и меткие слова». Унда 600 саҳифа давомида ҳар хил маталлар, мақоллар, ойномалар, фразеологик иборалар келтирилган, уларнинг турли вариантлари, бошқа тиллардаги муқобил нусхалари берилган, шарҳланган, келиб чиқиши ҳақида фикрлар билдирилган. Бунақа луғат тилшунослар ва адабиётшунослар учун кони хазина. Қани энди бугунги луғатларимизни ҳам ҳар жиҳатдан ана шундай мукаммал даражага кўтара олсак. Бу китоб юз йилдан бери яшаб келаётган экан, лекин ишончим комилки, улар ҳали яна бемалол икки юз йил ва ундан ортиқ ҳам мутлақо эскирмаган ҳолда умр кўради. Хуллас, Абдуғофур аканинг кутубхонаси ана шундай «бахоси синса оз ўлмаз мабодо косли зарринлар»га бой. Бир умр шундай кутубхона билан мулоқотда бўлган одам зук-

ко бўлмаслиги, уларнинг нуридан бебаҳра қолмоғи мумкинми? Ҳа, чиндан ҳам Абдуғофур ака бу китоблардан руҳ олиб, ўзбек зиёлиларининг олдинги қаторидан мустақкам ўрин эгаллади. Лекин унга куч берган манба фақат китобларгина эмас. Назаримда, бу оила ёки янада тўғрироқ айтганда бу сулоланинг зиёлилики бобида жуда теран анъаналари борга ўхшайди. Мен уларнинг илдизи асрлар қаърига нечоғли кириб кетганини тадқиқ қилганим йўғ-у, лекин Абдуғофур аканинг атоқли аллома, етук адабиётшунос, давримизнинг тан олинган мунавварларидан бири Воҳид Абдуллонинг жияни эканини билиб, ундаги фазилатларнинг яна бир манбаидан огоҳ бўлгандай бўлдим. Воҳид Абдулло олий ўқув юртларида ҳозир амал қилаётган ўзбек адабиёти тарихидан дарслик ёзган эди. У мумтоз адабиётни жуда теран биларди, айниқса, Самарқандда ўсиб улғайган олимлардан яхши хабардор эди. Мен домланинг бир маърузасини эшитгандим – у киши Самарқандий номи билан машҳур бўлган олиму уламоларнинг исмларинигина санай бошлади. Бу санаш чамамда камида чорак соат давом этдиёв. Охир-пировард сомиёлар моҳир хонанда бирон қийин ашуланинг авжини қойилмақом ижро этганида уни олқишлагандек, домланинг ҳам билимига, ҳам нотиклик санъатига тан беришиб, қарсақ чалиб юборишди. Табиийки, бундай одамнинг донолиги, зукколиги ва бошқа инсоний фазилатлари яқин қариндош-уруғларига, илм талаб жиянларига юқмай қоладими? Қўйинг-чи, Абдуғофур ака, аввал, номзодлик диссертациясини, кейин докторлик ишини ҳимоя қилди, уларда ва кейин эълон қилган бир қатор китобларида ҳуқуқшунослик илмининг долзарб масалаларини кўйиб, уларни ҳал қилиш бўйича амалий таклифларини баён қилди. Улар кучли мантиқий заминга, нафақат назарий, балки жуда катта амалий қийматга ҳам эга эди. Шунинг учун бўлса керак, академик Кудрявцев каби бир қатор хорижий олимлар бу ишларга катта баҳо берди. Абдуғофур ака илмий-тадқиқот муассасаларида ишлади, юридик институтда ва милиция академиясида маърузалар ўқиди, республикаимиз мустақил бўлгандан кейин янги Конституция лойиҳасини тайёрлашда иштирок этди. Республика Конституцион судида фаолият кўрсатди. Бир неча йил-

лардан бери эса ҳуқуқшунослик илмларини тарғиб қилувчи марказга раҳбарлик қилмоқда. Бу соҳада ёшлар учун керакли китобларни нашр этишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Абдуғофур ака турли лавозимларда, ҳар хил мансабларда хизмат қилди, турли-туман юмушларни адо этди, аммо қаерда ишламасин, қай мансабда фаолият кўрсатмасин, ҳамма жойда ўз вазифасига жуда теран бир масъулият билан қаради, зиммасидаги ишларни сидқидилдан ҳалол бажаришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга у ҳамisha ўзининг инсонийлик удумларига, адолат туйғусига, оддий одамларга дардкашлигига содиқ қолди. Бундан икки-уч йил аввал бир воқеа рўй берди. Менинг ҳузуримга Фарғона водийсидан бир йигит келди, у хусусий адвокатлик идораси очган, учта ширкатнинг ишини олиб бораётган экан. Қай бир ташкилотлар бу ширкатларнинг молини олган-у, неча йилдан бери ҳақини бермай овора-ю сарсон қилиб юрган экан. Суд эса бу ишни қабул қилмоғи учун хўжаликлардан бадал пулини аввалдан тўлаб қўйишни талаб қилибди. Ширкатларда эса маблағ қолмаган. Менинг назаримда, бу учини топиб бўлмайдиган калавага ўхшаб кўринди. Ўша кезларда Абдуғофур ака Конституцион судда хизмат қилар эди. Мен ундан адвокат йигитга ёрдам беришини илтимос қилдим. Абдуғофур ака бандлигига қарамай, уни қабул қилди ва керакли юридик маслаҳатларни берди. Унинг бундай ишларидан кўплаб мисол келтириш мумкин.

Шулар ҳақида ўйлаганимда, кўнглимдан бир фикр ўтади — Абдуғофур ака — ҳуқуқшунос. Бироқ бу унинг биринчи касби, холос. Унинг иккинчи касби ҳам бор — бу одамларга яхшилик қилиш, бирор-бир мискин ва муҳтож одамдан қўлидан келган ёрдамини аямаслик, савобталаблик. Билмадим, бу касбларнинг қай бири унинг учун биринчи даражали экан? Менимча, Абдуғофур ака олим бўлишни ҳам, одам бўлишни ҳам бир-биридан кам кўрмаса керак. Бу фазилатларнинг яна бир жиҳати бор — улар одамнинг умрини теран бир мазмун билан тўлдиради, унга ўз ҳаётидан қониқиш, умридан мамнунлик туйғусини бахш этади. Инсон бахтининг негизи ҳам шунда эмасми?

Бугун Абдуғофур ака ўз ҳаётидан муборак бир санани нишонляпти. Мен бу сананинг нима эканини айтиб ўтир-

майман, чунки унинг бугунги қадди-қомати, тиниб-тинчмаслиги, фидойилиги, жонкуярлигини кўрган ҳар қандай одам мен айтадиган санага, албатта ишонмайди. Ишон-маса майли, ишонмасин. Ҳар нима бўлганда ҳам шу навқиронлик, шу гайрат ва шижоат, бутун умрингизни нурлантириб келган адолат туйғуси сизни ҳеч қачон тарк этмасин, Абдуғофур ака!

### ЧЕТСУВЛИК АБДУМАННОБ АКА

Ангрендан чиқиб, Қамчиқ доवони томон ўн-ўн беш чақирим йўл боссангиз, Четсув қишлоғига етиб борасиз. Ҳамма тоғ қишлоқлари каби Четсув ҳам кичикроқ бир сойликка жойлашган. Жуда баҳаво ва сўлим қишлоқ. Айниқса, баҳор фаслида бу ернинг ҳавоси шунақа хушбўй ва муаттар бўлиб кетадики, нафас олиб тўймайсиз. Тоғдан эсадиган шабада гўеки тоғдаги ҳамма ўт-ўланларнинг, гулларнинг бўйларини йиғиб, шу қишлоқнинг устидан сочиб юборгандай.

Четсувда менинг 35 йиллик қадрдоним Абдуманноб ака Мингбоев истиқомат қилади. Авваллари довон орқали водийга йўлим тушганда унинг эшигини қоқиб ўтардим, уйнинг орқасидаги кўкаламзорда ўтириб бир-икки пиёла чой ичишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб ўтардим. Сафарга ярамай қолганимдан бери у томонларга борганим йўқ. Абдуманноб аканинг ўзи ҳам ташвишларидан ортиб Тошкентга келар-вермайди.

Яқинда эшик қоқиб, уйга барвастигина бир одам кириб келди. Унинг чеҳрасида, қадди-қоматида аллақандай таниш белгилар бор эди, лекин мен уни дабдурустдан таниёлмай қолдим. Фақат овозини эшитгандан кейингина танидим — бу ўша четсувлик қадрдоним Абдуманноб ака эди. У соқол қўйиб олипти — бир тутамгина оппоқ соқол уни кексароқ кўрсатиб турарди:

— Ие, ие, келинг, Абдуманноб ака! Қадамларингизга ҳасанот. Тинчмисиз, эсон-омон юрибсизми? Бола-чақа соғомонми? Қишлоқлар тинчми? Соқоллар муборак бўлсин!

Абдуманноб ака саломга алик олиб, мендан ҳам ҳол-аҳвол сўради, кейин соқол қўйганининг боисини айтди:

— Ўтган йили Маккага бориб келдим. Бунни қарангки,

бизнинг қишлоқдан на ўтмишда, на бугун Маккага ҳеч ким бормаган экан. Мен Четсувнинг биринчи ҳожиси бўлдим. Шу сабабдан сизникига ҳам вақтида кела олмадим.

Абдуманноб ака бутун умри бўйи мактабда ишлаган, жўғрофиядан дарс берган, кези келганда, илмий мудир ҳам бўлган, директорлик ҳам қилган. Меҳнаткашлиги, ҳалоллиги ва донолиги учун ҳамқишлоқлари ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. Бир вақтлар одамлар уни қишлоқ шўросининг раиси қилиб сайлашган. Ўша-ўша мана, нафақага ҳам чиқибдики, раисликдан бўшатишмайди. Кўз тегмасин-у, Абдуманноб ака етмиш бешни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳамон кўзларида йигитларникига ўхшаш олов чақнаб туради, ҳали ҳам ғайрати ичига сиғмайди, ҳамон у ялтоқиликни, хушомадни билмайди, тўғри гап келганда отасини ҳам аямайди, одамларнинг манфаатини кўзлаб, ҳақиқатни айтишдан, адолатни қарор топтириш учун курашмоқдан чўчимайди. Бу бировга ёқади, бировга ёқмайди. Шу сифатлари важдан бошига нима кунлар тушмади, лекин Абдуманноб ака билганидан қолмади. Ўлгудай ўжарлиги бор, ўрни келганда тили заҳаргина, лекин унинг қайсарлиги ҳали биронта яқинига, дўст-биродарларига панд берган эмас. Шу қайсарлиги билан дўст учун жонини фидо қилишга тайёр. Келинг, яхшиси Абдуманноб ака ҳақидаги ҳикояни бир бошдан гапириб бера қолай.

Абдуманноб ака билан танишувимиз тарихи бундай бўлган эди: 60-йилларнинг ўрталарида шогирдларимдан бири – андижонлик Тўлқин Йўлдошев диссертация ҳимоясидан кейин Ангренда янги ташкил қилинган педагогика институтида ишлаган эди. Ўша кезларда мен Ангрен тоғларида Арашон бува деган шифобахш булоқ борлигини, лекин у анча баландда эканини, бориш йўли ҳам анча оғирлигини эшитган эдим. Мен ўша пайтларда ҳали шифоли сувларга ҳожатманд эмас эдим, лекин билардимки, булоқлар, кўллар, дарёлар табиатнинг энг гўзал жойлари бўлади, бунақа жойларга бир марта борсангиз, ўнта курортга борганнинг савобини топа берасиз.

Тўлқин Тошкентга келганида ундан сўрадим:

– Тоғларда Арашон бува деган жой бор экан. Шу булоқни биладиган, бизни олиб бориб келишга кўнадиган бирор одам топилармикин?

– Топилади. Бир ажойиб одам бор, – деди Тўлқин комил ишонч билан. Кейин бу одамнинг географ эканини, Ангрен тоғларини беш қўлдай билишини айтди.

– Бўлмаса, бир гаплашиб кўринг...

Кўп ўтмай Тўлқиндан хабар келди – Абдуманноб ака таклифимизга бажонидил рози бўлипти. Биз, яъни мен, Абдуғафур Расулов, Ўткир Ҳошимов, Бегали Қосимов ва Баҳодир Фуломовлардан иборат саргузаштгалаб улфатлар келишилган вақтда Четсувга етиб келдик. Абдуманноб ака бизларни биринчи кўриши бўлса-да, очиқ чехра билан кутиб олди. Абдуманноб аканинг ҳовлиси тор бўлса ҳамки шинамгина экан, йўлкалари харсангдан терилган, гулларга кўмилган, икки-уч туп олма пишиш арафасида, ўртага сўри қўйилган. Лекин биз ҳовлида эмас, сой бўйига қурилган ва меҳмонхона вазифасини ўтайдиган меҳмонхонага кўндик. Абдуманноб ака ҳақиқатан ҳам жуда ширинсухан, шинаванда одам экан, у нафақат география муаммоларини, балки оддий одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш уринишлари билан боғлиқ турли-туман ижтимоий масалаларни ҳам яхши билар ва булар тўғрисида ўзининг фикрларига эга экан. Гап айланиб, тоғ қишлоқларида шароитнинг қийинлиги, қашшоқ одамларнинг кўплиги тўғрисида кетди: экинбоп ерлар камчил, сув етишмайди, техникадан фойдаланиш қийин, об-ҳаво шароити ноқулай...

– Тўғри айтасиз, – деб тасдиқлади Абдуманноб ака, – қийинчилик бор, етарли. Фақат тоғ қишлоғида эмас, оддий қишлоқларда ҳам яшаш осон эмас. Лекин бу қийинчиликларнинг илдизи қаерда? Менимча, бу илдизларнинг катта қисми ўзимизда, бизнинг ичимизда. Ҳозир кўп одамлар текин ишга баковул бўлишга ҳаракат қилади, ишнинг енгилини қидиради, иложи борича жон койитмай, жононага эришмоқни орзу қилади. Бунақа бўлмайди-да, домла. Меҳнатсиз ҳеч нарсага эришмоқ мумкин эмас. Тўқлик, фаровонликнинг онаси – меҳнат. Меҳнат ва сабртоқат, бардош. Мана, боғимни кўрдинлар – ниҳоллар гуркираб авж оляпти. Лекин боғни шу аҳволга етказгунча қанча тошини тердим, машина-машина тупроқ олиб келиб тўқдим, ўғитладим, кўриб турибсиз – сой анча пастдан оқади – юқорироқдан ариқ очиб келдим.

Дарҳақиқат, унинг чайир мускуллари, келишган қадди-

қомати Абдуманноб аканинг меҳнатдан қочмайдиган, тоғ табиатидан ўзининг ризқини ажратиб олиб зуваласи пишган инсон эканлигини кўрсатиб турарди.

Гурунг билан бўлиб кетиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганини пайқамабмиз ҳам. Эртасига вақтли уйғондик, сойга тушиб, белимизгача муздек сувда мазза қилиб ювиндик, кейин ширчой ичдик, янги ёпилган нонга сариғ ёғни булаб, мириқиб еб олдик ва йўлга тушдик. Биз Эртош деган жойга етиб олишимиз керак эди. Сафаримиз шу ердан бошланади. Эртошда Абдуманноб аканинг яқин дўсти — совхоз бригадири (у кишининг исмлари ёдимдан кўтарилипти, ўзлари ўтган йили бандаликни бажо келтириптилар — жойлари жаннатда бўлғай) ҳаммамизга от ва бошқа сафар жабдуқларини тайёрлаб қўйган эканлар. Шу кеча бригадирникида меҳмон бўлдик ва эртасига эрталаб, тоққа кўтарила бошладик. Абдуманноб ака менга теккан отни ўзи минди-да, менга ўзининг тулпорини берди. Бу от чиндан-да отмисан от эди. У бошқа отларга қараганда бир ярим баравар каттароқ, бир-икки қарич баланд, оёқлари бақувват, бели ингичка, бўйни эса худди оққушники сингари жуда чиройли ва узун эди. От бағоят ақлли жонивор бўлади. Абдуманноб аканинг оти ҳам мен минишим билан чавандозлик борасида укувсизлигимни дарров пайқади ва мени толиқтирмаслик учун бориб-келгунча йўрға юриш билан бир текисда одимлашга ҳаракат қилди. Отга минаётганимда, Абдуманноб ака огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўлинг, кўп ҳам эгарда эгилиб ўтирманг. От бошини силкитиб орқага ташлаб-ташлаб юрадиган одати бор. Боши билан бошингизни уриб ёриб юбормасин.

Мен тикроқ ўтирдим, ҳар қалай, сафар давомида бошим ёрилгани йўқ.

Абдуманноб ака отбоз экан. Бу хислат унга ота-боболаридан ўтган экан.

— От жуда хосиятли жонвор бўлади. Биз минсак-минмасак уйда, албатта, битта от сақлаймиз. Сиз миниб кетаётган айғир ҳам жуда бақувват, чидамли, ақл-фаросати ҳам кўп, садоқатли от. Фақат айғир эмасми — ғурури баланд, ўта рашкчи, теварак-атрофида биронта айғир бўлишини истамайди.

Абдуманноб аканинг оти чиндан-да жуда чидамли эди



— бошқа отлар юқорига кўтарилди-да сув-терга тушиб кетишди, бизнинг отга жин ҳам ургани йўқ — бир текисда пишқириб, бошини сарак-сарак қилиб йўрғалашда давом этди. Лекин можаронинг каттаси манзилга етиб борганимиздан кейин чиқди. Биз йўлга чиққан кунимизнинг эртасига кун пешиндан оғанида Арашон бува булогига етиб бордик. У уч минг метрдан ортиқроқ баландликда жойлашган экан. Бу ердаги тоғлар дарахтсиз, шип-шийдам эди, лекин шундай бўлса-да, жуда гўзал жой эди. Манзилимиз уч томони тоғлар билан ўралган водийдан иборат бўлиб, унинг ўртасидан ўзимизнинг Анҳордай келадиган бир тоғ дарёси ҳайқириб оқиб ётарди. Булоқ тоғнинг ёнбағридан чиқар экан, у ерда қуйидан ёғоч ва цемент ташиб, бир бетон ҳовузча қилиб қўйилган экан. Бу ҳовузча зиёратга келганлар учун ванна вазифасини ҳам ўтар экан. Булоқнинг суви сероводородли эди, унинг иссиқлиги 35—40 градус келиб қоларди. Ташқарида ёзнинг чилласи бўлишига қарамай, ҳаво совуқ, ёнбағирларнинг терскай жойларида қор эриб битмаган, булоқ бўйида ечиниб бўлгунингизгача, тишингиз тишингизга тегмай, такиллаб қолади. Аммо сувга тушганингиздан кейин шунақа роҳат қиласизки, уни айтиб тутатиб бўлмайди. Ҳовузнинг суви белингиздан, тубига ўтириб олсангиз томоғингиздан келарди. Сувнинг ҳиди анчагина қўланса, сассиқ балчиқ ҳиди келарди. Биз бир сувга тушганча, бир соат ундан чиқмадик, ундан «банияти шифо» деб тўрт-беш мартадан тўйиб-тўйиб ичдик, роса сузишиб, ўмбалоқ ошиб, бир-биримизга сув сепиб, болаларча шўхлик қилиб яйрадик. Сув бел оғриғи ёхуд қўл-оёқларнинг бўғинларидаги оғриққа қандай таъсир қилишини билмадик, чунки ҳаммамизнинг тўрт мучамиз соғ эди. Фақат мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, менинг оқ-қора йўл-йўл плавким бор эди. Унинг оқ йўллари кўп кийилганидан хира тортиб, жигаранг тусга кириб қолганди. Чўмилиш оқибатида плавкени махсус юлмаган бўлсам ҳам шунақа очилиптики, оқ йўллари худди магазиндан олинган кундагидек оппоқ бўлиб товланарди. Кейин пастга тушдик, шу жойларнинг паст-баландига қараб турадиган кекса шайх кўримсизгина кулба қуриб олган экан — зиёратга келадиган одамлар шу кулбада ётиб туришаркан. Шайх шўрва солиб қўйган экан. Ҳам-

мамиз шўрвани ичдик ва шу кулбада тунаб қолдик. Албатта, каравот ё ўрин-тўшак деган нарсалардан асар ҳам йўқ эди, пахталари чиқиб кетган эски кўрпачаларнинг ичига кириб, совуқдан жунжикиб, қалтираб тонг оттирдик. Сезиб турибман — домла можаронинг каттаси ҳақида оғиз очган эди, эсидан чиқиб кетди, шекилли, деб мендан гина қилаётган бўлсангиз керак. Эсимдан чиққани йўқ. Мана, эшитинг. Кеча биз бу кулбага яқинлаб келар эканмиз, мен минган от тўсатдан безовта бўлиб қолди, у тўхтади, бирикки депсинди, жиндай орқасига тисарилди ва бир томонга қараб бошини баланд кўтариб, икки марта қаттиқ кишнади.

— Оббо, шуниси етмай туриб эди, — деди Абдуманноб ака отининг олдига келиб, уни бир ўзигагина маълум бўлган йўллар билан тинчитар экан, — шу атрофда уюр бор экан. Бошқа айғирнинг ҳидини олди.

Мен аланг-жаланг теварак-атрофга қарадим — у пайтларда кўзим қарчиғайнинг кўзидек ўткиргина эди — теварак-атрофда нигоҳ етадиган жойда ҳеч қанақа уюр ҳам, бирор айғирнинг ҳиди ҳам йўқ эди. Мен Абдуманноб акага индамадим, лекин ичимдан «хўп мақтанчоқ эканми?» деган фикр ўтди. Энди бўлса...

Мен уйқум қочиб кетиб, тонгга яқин ҳовлига чиқдим. Во ажаб! Шунда кўрган мўъжизам мени лол қолдирди — бунақасини авваллари ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Осмон ҳаддан ташқари яқин кўринарди — шу даражада яқинки, бошингиз тегиб кетиши ҳеч гап эмас. Осмоннинг бир чеккаси оқаришиб келаётган бўлса-да, кўп жойи ҳали қора духобага ўхшарди. Унда юлдузлар жуда кўп эди. Шаҳардаги осмонда кўрган юлдузлардан ўн баравар, юз баравар кўп эди. Бунинг устига ҳар бир юлдуз шапалоқдек келарди. Назарингизда, юлдуз ҳам жуда яқин — шундоқ қўлингизни чўзсангиз, қўлингиз етадигандек. Мен бу мўъжизавий манзарадан ақлим шошиб, анграйиб қолгандим. Шу аҳволда қанча турдим — билмайман, бир маҳал от туёқларининг дупуридан ҳушим ўзимга келди. Қарасам, Абдуманноб ака... От устида зўрға ўтирипти. Устидаги кийимлари ҳам тартибсизроқ ҳолга келган.

— Ҳа, Абдуманноб ака, тонг саҳарлаб қаёқдан келяписиз? — деб сўрадим ҳайронлигимни яширмай.

– Э-э, домла, кеча кечкурун айтиб эдим-ку, бу сабил бир можарони бошлайди деб. Ярим кечада отдан хабар олай деб чиқсам, у боглаб қўйган жойимда йўқ. Қанақа қилиб ечилик кетдийкин – сира ақлим етмаяпти. Дарров теваарак-атрофни қараб чиқдим – от йўқ. Кейин кечкурун кишнагани эсимга тушди, бу ярамас ҳойнаҳой уюрга кетган-ку деб ўйладим ва таваккал деб кишнаган томонига қараб йўл олдим. Дарҳақиқат, уюр бор экан, лекин жуда олисда экан. Қоронғида туртиниб-суртиниб етиб бориб қарасам, ўша уюрнинг айғири билан жанг қиляпти. Бир амаллаб, ажратиб олиб келяпман...

Бу гапларни эшитиб ҳайрон қолдим – биринчидан, отнинг ажойиб табиатига ҳайрон қолган бўлсам, иккинчидан, Абдуманноб аканинг чидамлилигига, кечаси билан уйқуни ҳаром қилиб, шунча жойга қийналиб бориб, отини айириб олиб келганига ҳайрон эмас, тўғрироғи қойил бўлган эдим. Эртасига қайтар эканмиз, Арашон бува таассуротлари, тоғдаги Ойдин булоқ, Тулпоркўл каби кўллар таассуротини эслаш билан бирга, бот-бот бир нарсага ҳайрон бўлардим: қанақа одамикин бу Абдуманноб ака деганлари? Биз унинг қариндош-уруғи бўлмасак, хеш-ақрабоси ёки ёшлиқдан бирга ўсган дўсти-биродари бўлмасак... Суриштириб келганда, етти ёт бегонамиз. Унинг биздан кўзлаган бирон манфаати ҳам йўқ. Нега у беш кундан бери овораи-сарсон бўлиб, бизни тоғма-тоғ бошлаб юрипти? Қандай куч уни бу ишга мажбур қилди? Унга нима зарури бор? Тўлқинжон бизнинг таклифимизни биринчи бор айтганда, «Йўқ, биродар, бандман, кўриб турибсиз-ку, ёзда иш қайнайди» деса биз нима ҳам қила олардик? Қизиқ, бунда бир гап бўлиши керак, лекин нима гап?..

Тоғдан зўр мамнуният билан кўтаринки кайфиятда қайтиб келдик ва ишларимизга шўнғиб кетдик. Бир неча муддат Абдуманноб ака билан хабарлаша олмадик. Кейин тўсатдан бир совуқ хабар етиб келди – Абдуманноб ака партиядан ўчирилиб, ишдан олинди. Қулоқларимга ишонмадим. Негаки, бу одам катта гуноҳлар қилиш бир ёқда турсин, ҳатто ёш болага ҳам озор бермоғи мумкин эмасди. Яна ким билади дейсиз, одам оласи ичида дейдилар. Наҳотки, биз билан бирга бўлган кунларида Абду-

манноб ака ҳақиқий башарасини шу қадар усталик билан яшириб юрган бўлса?

Яна бир неча муддат вақт ўтгач масала равшанлашди – кимдир унинг устидан думалоқ хат ёзиб, «иморат қурган» деб хабар берипти. Абдуманноб ака ҳақиқатан ҳам иморат қурган экан. Жонажон партиямизнинг кўп қизиқ, ақл бовар қилмайдиган, соғлом мантиқдан узоқ ишлари бўлар эди. Масалан, бирор амалдор давлатнинг миллионлаб пулини совуриб, ўзига шоҳона қаср қуриб олса ва унга «дала ҳовли» деб от қўйиб, ҳар хил харажатларини ҳам тўлаб юрмаслик учун идора балансига ўтказиб қўйса, бунақа одамга партия ҳеч нарса демас эди. Аммо бирор одам «мен фалондай одамман, имтиёзларга ҳаққим бор, менга бепул уй-жой берасан» деб, столни муштлаб, жанжал кўтармай, ҳалол ишлаб топган пулига ўзи бирон иморат қуриб оладиган бўлса, бунақа одамни онадан туғилганига пушмон едирар эди. Бўлмаса, айтайлик, Фанлар академиясининг президенти, турли мукофотлар соҳиби, дунёга танилган олим Тошкентнинг бир чеккасига ўз ёнидан сарфлаб иморат қурган бўлса, уни муҳокама қилиб, ишдан олишармиди? Мен партиянинг бундай мантиғига ўшанда ҳам тушунган эмасман, ҳозир ҳам тушунмайман. Абдуманноб аканинг ҳовлиси тумордаккина, каталакдек учта-тўрттагина хонаси борлигини юқорида айтган эдим. Бунинг устига бешта фарзанди бор эди. Фарзандлар улғаядиган нарса бўлади, улғайгандан кейин эса кечагина ҳаммаси бир уйга сиғиб юрган болаларга жой керак бўлиб қолади. Абдуманноб ака жойлари етишмай, сиқилишиб қолган бўлса, иморат қурган бўлса қургандир. Фақат, бунинг нима жинояти бор, партия аъзосининг ахлоқининг қай жиҳатига тўғри келмайди бу иш? Хуллас, Абдуманноб акага нисбатан жуда катта адолатсизлик содир этилган, унинг инсоний қадр-қиммати камситилган, емаган сомсасига ҳақ тўлашга мажбур қилинган эди. Аммо Абдуманноб ака анойи одам эмас эди, у ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши танирди. У адолатнинг топталишига лоқайд қараб туролмас эди, айниқса, ўзига нисбатан адолатсизлик қилинган бўлса, номи тупроққа қорилган, шаънига доғ туширилган бўлса, истаган идора, истаган амалдор билан тикматик олишишга тайёр эди. Унинг қайсарлиги шунчаки қай-

сарлик эмас, бу ўжарлик замирида имонининг покизалигидан, эътиқодининг мустақамлигидан туғиладиган катта қудрат бор эди. Райкомдагилар унинг гапларига қулоқ осишмади. Абдуманноб ака вилоят қўмитасига мурожаат қилди, бироқ улар райкомнинг Абдуманноб акани партиядан ўчириш ҳақидаги қарорини тасдиқлашдан нари ўтишмади. Марказий Комитетда ҳам унинг додига қулоқ соладиган одам топилмади. Вақт ўтиб борар, Абдуманноб аканинг умиди аста-секин камайиб борар эди. Энди сўнгги илинж қолди. Яқинда партиянинг съезди бўлади — у партиянинг энг олий органи, айти чоғда партиянинг энг олий ҳаками. Адолатсиз таҳқирланган, ўчирилган, ишдан қувилган партия аъзоларининг сўнгги илинжи ана шу съезд. Тўғри, съездда ёзилган минглаб хатлардаги илтимослар ҳамма вақт ҳам қаноатлантирилмайди, ҳатто топшириғи билан аризаларни кўриб чиқувчи мутасаддилар ҳам бу ишларга тузукроқ эътибор беришмас эди. Шу билан бирга, оддий партия аъзолари ўртасида ўта расмиятчи, ўта бюрократ сифатида таассурот қолдирмаслик учун раҳбар органлар баъзан мутлақо асоссиз жазоланган партия аъзоларининг илтимосларини қондирар ҳам эдилар. Абдуманноб ака шу кейингилар сирасига кириб қолди — уни Москвага — Марказий Комитетга таклиф қилишди. Бу ерда уни бутун мамлакатга қаттиққўллиги ва шафқатсизлиги билан донг чиқарган, орқаваротдан «туссиз генерал» деб лақаб олган Суслов қабул қилди. Суслов биринчи қарашдаёқ жазо мутлақо асоссиз эканини, Абдуманноб ака партиядан беҳуда ўчирилганини тушунди, лекин шундоқ бўлса-да, у билан батафсилроқ суҳбатлашишга қарор қилди. Суҳбат 18 минут давом этди. Абдуманноб ака Марказий Комитет котибининг саволларига шахдам-шахдам жавоб берди. Суслов унинг дадиллигига тан берди, рус тилида бурро-бурро гапиришига қойил қолди ва у билан хайрлаша туриб, деди:

— Сизни партиядан ноҳақ ўчиришипти. Сиз партияга тикланасиз, билетингизни Тошкентда, партия Марказқўмидан оласиз. Мен кўнғироқ қиламан. Сиз ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовга учранг.

Абдуманноб ака Тошкентга қайтганидан кейин бир неча кун ўтгач, уни Шароф Рашидов ҳузурига чақирди.

Шароф Рашидович Абдуманноб акани эски қадрдонлардек очиқ чеҳра билан кутиб олди, стол ортидан чиқиб қўл бериб кўришди-да, ўтиришга жой кўрсатди ва котибасига чой буюрди. Абдуманноб ака стаканда олиб келинган иссиқ чойни пуфлаб-пуфлаб ичар экан, Марказқўмининг биринчи котиби ундан ҳол-аҳволини, бола-чақаларини суриштирди ва ниҳоят ундан гина қилишга ўтди:

– Нима қилардингиз шунча оворагарчиликни? Ўзимизга мурожаат қилганингизда, масалани аллақачон ҳал қилардик-ку?

Абдуманноб ака «Уэр, шунақа бўлиб қолди» деган йўсинда жавоб қилиб қўя қолса ҳам бўларди, лекин у гапнинг ҳақиқатига кўча қолди:

– Шароф ака, бу ерда бошимни урмаган эшигим қолмади. Марказқўмга ҳам мурожаат қилганман. Ҳеч қаерда ишимга кушойиш топмадим. Шундан кейингина съездга хат ёзишга мажбур бўлдим.

Шундай қилиб, Абдуманноб ака партияга тикланди, ҳақиқат тикланди, унга чапланган қора бўёқлару тавқи лаънатлар олиб ташланди. Унинг бўҳтонлардан фориг бўлгани, албатта, душманларини ранжитди, аммо қишлоқдаги кўпчилик одам бундан хурсанд бўлди. Негаки, адолатнинг қарор топиши, ҳақиқатнинг тикланиши жабр-дийда одам учун бир бора керак бўлса, бошқа ҳалол одамларга ўн чандон ортиқ керак – чунки бу одамларнинг имонини мустаҳкамлайдиган омил.

\* \* \*

Абдуманноб аканинг ҳаётига шунча ғам-ғусса олиб келган, эҳтимол, бир неча йиллик умрига эгов бўлган, қанчадан-қанча сарсону саргардончилигига сабаб бўлган ўша иморатни кураётганида ҳам, ундан олдин ҳам ва куриб бўлгандан кейин ҳам унинг кўнглида бир орзуси бор эди – бу орзу катта ҳам эмас, кичик ҳам эмас, ҳар бир ўзбекнинг ҳаётининг мазмунини ташкил қилувчи орзу – болачақаларининг бахтини кўриш, қизларини узатиб, ўғилларини уйлантириб, уларнинг олдидаги қарзини ўташ, не-вара-чевараларининг қувноқ кулгиларини, йиғи-сиғиларини эшитиб, уларга меҳр улашиб катта қилиш. Ҳаёт мураккаб экан – унда ҳамма истаган нарсанг ҳам рўёбга

чиқавермас экан — насиб қилмаган экан, биринчи аёли болалар бахтини кўриб тўя олмай оламдан кўз юмди. Иккинчи марта уйланди — барака топсин — уқувли, саришта, қўл-оёғи чаққон, эсли-хушли аёл бўлди. Болаларга оналик қилди, ҳаммасини тинчитди. Ҳозир Абдуманноб аканинг ҳамма ўғиллари ҳам, қизлари ҳам Ангренда, уйли-жойли, ўзидан тинчиган, улар ота касбининг этагидан тутишди. Неваралар, чеваралар сероб. Баъзан ёпирилиб келишиб, ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқариб кетишди. Шунисига ҳам шукур. Лекин Абдуманноб аканинг фақат биргина орзуси ушалмади — у қариб нафақага чиқсам, ётиб боғимга қарасам, отимни парвариш қилсам, зерикканимда бир Қўқонга, бир Тошкентга бориб сайр қилсам, хуллас, ҳеч ким халақит бермаса-ю, роҳат қилиб қарилик гаштини сурсам деб орзу қиларди. Йўқ, шу орзуси рўёбга чиқмади. Тўғри, нафақа олишга оляпти-ю, лекин ишдан бўшашнинг иложи бўлмади. Одамлар: «Ҳали бақувватсиз, зарур бўлса ўзимиз ёрдам берамиз», деб туриб олишди. Энди элу юрт қаттиқ тургандан кейин, унинг юзига оёқ тираб бўлмайди-да. Яна шўронинг раислиги юкини бўйинга олишга тўғри келди. Албатта, раис бўлиш, ҳамманинг назарида юриш, тўйларда, маъракаларда тўрда ўтириш яхши нарса. Бироқ вақт-соати келганда раисликнинг шунақа масъулияти борки, уни адо этиш жуда қийин.

— Мана, масалан, яқинда районимизга тайинланган янги ҳоким Чинорда фаоллар билан йиғин қилди, — деб ҳикоясини бошлади Абдуманноб ака. — Йиғинда ҳоким доклад қилди, қилишимиз керак бўлган ишлардан гапирди. Ҳозир районнинг иқтисодий аҳволи анча ночор — йирик корхоналар кўнгилдагидек ишламаяпти. Хом ашё йўқ, пул йўқ дейишади. Хуллас, шулар тўғрисида батафсил гапириб, ҳоким докладини тугатди. Орага жимлик чўкди. «Қани, кимда нима гап бор?» деса, ҳеч ким «миқ» этмайди. Ҳамма оғзига талқон солиб олгандек. Жимлик чўзилиб кетди, қарасам, бўлмайди. Ҳокимнинг ҳурматига ҳам тўғри келмайди. «Мен гапирай» дедим. Сўз беришди. Энди минбарга чиққанингдан кейин бамаънироқ бир гап айтишинг керак. Ичи бўш қўғирчоқдек даранг-дурунг қилиб, бириккита ҳавойи гап айтиб тушиб кетаверадиган бўлсанг, одамлар ўртасида бурдинг қолмайди. Шунинг учун мен

раис сифатида қишлоқ аҳлини қийнаб келаётган бир масалани айтдим. Президентга минг раҳмат дедим, доvon йўлини қайта қурди, йўлимиз катта, текис, равон бўлиб қолди. Аммо қишлоғимиз ичидаги йўл бузилиб, юриб бўлмайдиган аҳволга етган. Нима, шундай улуғ йўлни қурган давлатнинг бир қишлоқ йўлини тузатиб беришга қурби етмайдими? Ахир, халқаро талабларга жавоб берадиган катта йўлни қурганда, ҳеч ким қишлоқ йўли хароблигича ётаверсин демаган-ку! Гапим шу ерга келганда, қарасам, ҳоким безовта бўла бошлади, ёнидаги одам билан шивир-шивир қилишга тушди. Билдим — гапим ёқмаяпти. Аммо нима қилай — унга ёқадиган гапни гапирсам, қишлоқнинг катта муаммоси қолиб кетаверади-да. Бир бошладингми, таваккал, гапни охирига етказиб қўйиш керак. Бизнинг қишлоқда, — деб давом этдим, — ўн учта уруш фахрийси бор — ҳамма жойда уларга гамхўрлик кўрсатилади, фақат бизда йўқ бу гамхўрлик. Улар нафақасини вақтида ололмайди. Ҳукуматнинг қарори бор уруш фахрийларига ҳар йили бир тонна кўмир текинга, бир тонна кўмир пулга берилсин деган. Уч йилдан бери ҳар хил идораларга қатнаб, шу кўмирни ундира олмайман. Шу ҳам инсофданми? Шундай деб гапимни тугатдим. Залнинг у ер-бу еридан «тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди. Лекин ҳокимнинг авзойи бузилиб бўлган эди:

— Сиз нима деяпсиз? Қандай тилингиз борди бизнинг давлатимизни камбағал дейишга! — деб ўдагайлади у.

— Мен давлатни камбағал деяётганим йўқ, айб давлат буюрган ишни бажармаётганларда.

— Сиз тўғидек жуда яхши сайрадингиз, гапга чечан экансиз, — дея кесатди ҳоким.

Мен эса гапириб бўлган эсам-да ҳали ҳам оёқда турибман. Охири жаҳлим чиқди.

— Ўғлим, отангиз тенги одамман. Ўтирсам бўладими-йўқми? — дедим зарда аралаш.

— Ўтиринг! — деди ҳоким жеркиб.

Ўтирдим. Лекин гапирганимга минг пушаймон чекиб, таъбим тирриқ бўлиб ўтирдим.

Мажлис ёпилиши билан ташқарига чиқдим.

Ҳоким ҳам уч-тўрт киши қуршовида ҳовлига чиқди. Ҳарҳолда, барака топсин — эси бутун йигит экан — би-



рортаси мени тушунтирганми ёки ўзи андишага борди-ми, ҳарқалай, ёнига чақирди-да:

– Мени кечиринг, ота, қизишиб кетибман, шекилли, – деди.

Мен ҳам кўнглимдаги гапни яшириб ўтирмадим.

– Мен сизни кечирмайман, ўғлим. Президентимиз бу йилни қариялар йили деб эълон қилиб, уларни бошига кўтариб иззат қилиб турганида, сиз мени тўтига, бир жонворга тенг қилдингиз-а!

Ҳоким муросаи мадора йўлига ўтди. Мен ҳам аста эгардан тушдим.

– Майли, – дедим мен. – Мен кечираман, фақат сиз биринчидан фахрийларимизнинг илтимосини бажо келтирасиз. Кейин кўпчилик олдида мен билан кучоқлашиб кўришасиз.

Ҳоким ваъда берди ва кейинги учрашувлардан бирида мен билан кучоқлашиб кўришди. Раисликнинг бунақа машаққатлари ҳам бўлар экан.

Мен Абдуманноб аканинг ҳикоясини эшитиб ўйланиб қолдим ва унинг характеридаги бир мурувватини топгандай бўлдим. Билмадим – бу хусусият эҳтимол, унинг ота-боболаридан ўтгандир, балки унинг ўзида туғма пайдо бўлгандир – ҳарҳолда унда яхшилик генлари бор. У ўқитувчи ва бу сифатда билим улашиш унинг касби. Лекин унинг қалби одамларга, жониворларга, табиатга меҳрга тўла ва меҳр улашиш ҳам унинг табиатидаги бир хислатга айланган. Унинг ҳамманинг бошида гирдикапалак бўлиб, яхшилик қилишга интилиши ҳам шундан бўлса керак. У ўзини ўйлашдан кўра кўпчилик манфаатини ўйлаши, шу йўлда тўғри сўзни айтишдан қайтмаслиги туфайли одамлар ҳам ундан диққат-этиборини дариф тутмайди. Қандай яхши-а, оламда шундай одамларнинг борлиги. Айни шундай одамлар туфайли ҳаёт гўзал эмасми?

## ШАХМАТ ҚИРОЛИНИНГ МУХТОР ВАКИЛИ

Ҳа, Мамажон Муҳиддиновни ҳеч муболағасиз шахмат қиролининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор вакили эди, десак хато қилмаймиз. Ҳарҳолда, республикамизда кейинги эллик йил давомида шахмат ҳаётидаги

бирон йирик ҳодиса Мамажон Муҳиддиновнинг ишти-рокусиз ёхуд унинг назаридан ташқарида содир бўлгани йўқ. Унинг ўзи жуда зўр, бақувват ўйинчи эди. Урушдан кейинги йилларда тўсатдан шахмат осмонидаги ёрқин юлдуздай пайдо бўлди, йирик-йирик турнирларда ўйнаб, биринчи ўринларни олди, бир неча марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Унинг ўйинлари пухталиги билан ажралиб турарди, ҳар бир партияда у забот қилиб бўлмайдиган қалъага ўхшаш мустаҳкам иморат қуради, душмanning хатти-ҳаракатини анча аввалдан сезиб, зийраклик билан ҳимоя чораларини кўриб қўяди, ҳужумга киришган чоғларида эса унинг шахмат қиличи ҳазрат Алининг зулфиқоридек ўттиз газга чўзиларди. Кутилмаган комбинацияларга, пухта ўйланган кўмма ўйинларига ҳар қандай рақиб ҳам дош беролмасди. Хуллас, Наманганнинг тупроғида туғилган, унинг ҳавосида нафас олиб улғайган ёшгина йигит ўша йилларда ўз маҳорати билан республикада ҳаммани ўзига ром қилган эди. Биз шундай ўзига хос, ёрқин, ўткир шахматчимиз етишиб чиққанидан фахрланар, у иштирок этган турнирларда соатлаб қадалиб ўтириб, унинг ўйинларини томоша қилар, маҳоратидан завқланар эдик. Ва унинг Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери бўлишини жуда-жуда хоҳлар эдик, негаки, у нафақат Ўзбекистондаги мусобақаларда, балки собиқ иттифоқ мусобақаларида, жумладан, колхозчи шахматчилар мусобақасида ҳам ютиб чиқиб, чемпион бўлганди. Бироқ гроссмейстер бўлишдан олдин, мастер — спорт устаси бўлмоқ керак эди. Ўша кезларда Ўзбекистонда бақувват ўйинчилар кўп эди-ю, лекин биронта ҳам мастер йўқ эди. Негаки, Шахмат федерацияси мастерлик унвонини олишни жуда қийинлаштириб қўйган эди. Бунинг учун талабгор одам биронта мастер билан яккама-якка мусобақага киришиб, уни енгмоғи шарт эди. Бизнинг Муҳиддиновимиз ҳеч шубҳасиз ана шу юксак унвонга муносиб эди. Шахмат федерацияси жойлардаги талабларни инобатга олишга мажбур бўлди ва Муҳиддинов билан мусобақалашгани Тошкентга Тигран Петросянни юборди. Бу ўрта бўй, қорасоч, қирра бурун арман йигити ўша кезларда ўзининг ўйини билан бутун дунёда доғруғ таратган, не-не машҳур шахматчиларни доғда

қолдирган одам эди. У аслида мастер эмас, беш минути кам гроссмейстер эди — чиндан ҳам орадан кўп ўтмай, у гроссмейстер бўлди, гроссмейстер бўлганда ҳам оддийси эмас, жаҳон чемпиони бўлди. Билмадим, собиқ иттифоқ марказидагилар уни бу ерга йўллаганда нимани ўйладилар экан — ҳарҳолда, Ўзбекистондан мастер чиқишига гаплари келганми?.. Мамажон Муҳиддинов сира тап тортмай Петросян билан жангга киришди. Биз — унинг ишқибозлари дамимизни ютиб, «жанг» нима билан тугаганини кута бошладик. Йўқ, бўлмади. Петросян бизнинг шахматчимизни аяб ўтирмади. Бироқ Муҳиддинов осонликча «жон берадиган» шахматчилардан эмас эди. Унинг учун бу мағлубият катта сабоқ бўлди, у яна ўз устида ишлади, ўз ўйинининг кемтик жойларини бутлашга киришди, яна мастерликка даъвогар бўлди. Бу гал Тошкентга Соловьев деган мастер келди — бугун, эҳтимол, уни кам одам танир, лекин ўша йилларда у Москва шахрининг чемпиони эди. Москва чемпиони эса ҳарҳолда осон қўлга киритиладиган унвон эмас. Хуллас, бу гал Мамажон Муҳиддинов мусобақада уни енгиб чиқди ва Ўзбекистонда биринчи бўлиб спорт устаси деган унвонни қўлга киритди...

Спорт олами, шу жумладан, шахмат дунёси ҳам шунанча бир дунёки, унда ҳаминиша кескин рақобат ва аёвсиз кураш давом этади, ёшинг бир жойга бориб, маҳоратинг авж нуқтадан ўтгандан кейин эгаллаб турган ўринларингни янги келаётган авлодга бўшатиб бериш керак бўлади. Мамажон ака шундай қилди, лекин бу билан у ўзбек шахматчиларининг етакчиси, сарвари деган нуфуздан айрилиб қолгани йўқ. У энди шахмат бобида мураббий ва ташкилотчи бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Мамажон ака баъзи бир «вундеркинд»ларга ўхшаб, фақат бўйи осмонга ўсиб кетаверган шахматчи эмас эди. У олий маълумотли, ўз мутахассислигидан ташқари бошқа соҳалардан ҳам хабардор, айниқса, ўз халқининг тарихини яхши биладиган ва яхши кўрадиган инсон эди. У Ўзбекистонда шахмат тарихига бағишланган илмий иш бошлади, кўпгина археологик материалларга, қўлёзма манбаларга таяниб, Ўзбекистонда шахмат кўп асрлик тарихга эга эканини, бу ерда ҳам шахмат ўйини Ҳиндистондаги каби қадимдан тарқа-

ганлигини исбот қилиб берди ва бу иш учун тарих фанлари номзоди деган илмий унвон олди. Сўнгра Мамажон ака кўнглидаги энг ардоқли орзусини рўёбга чиқариш устида иш бошлади. У тарихда машхур ўйинчиларга, том маънодаги шахмат усталарига эга бўлган Ўзбекистонда бугунги кунда мастерлар ва гроссмейстерлар йўқлигидан изтироб чекар, бу соҳада ҳам дадил қадам қўйиб, истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш, уларнинг ўсишига зарур шароит яратиб бериш керак, деб ҳисобларди. Энг муҳими, у шундай деб ҳисоблаб кўя қолмади. Балки ўзи астойдил энг шимариб, амалий ишга ҳам киришди. Бу иш тезда самара берди — Ўзбекистонда мастерлар кўпайиб қолди ва ҳатто гроссмейстер ҳам пайдо бўлди. Биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамовнинг етишиб чиқиши Муҳиддинов учун чинакам байрам бўлди. Мамажон ака бу истеъдодли йигит билан фахрланар, унинг отаси ва акалари билан дўстона алоқасини канда қилмас, Жоранинг ўсишига, ўз устида ишлашига алоҳида эътибор билан қарарди. Жора ҳам эртақдаги паҳлавонлардек, соат сари кучга тўлиб борар, йирик-йирик мусобақаларда голиб чиқиб, олий шахмат тахти учун ҳам кураш бошлашга чоғлана бошлаган эди. Аммо унинг умри қисқа экан — фожиаги ўлим уни бу олий тилакларга етишига йўл қўймади. Мамажон ака энг севимли шогирдидан ажраб қолганига қаттиқ қайғурди, лекин умидсизликка тушмади. У бу соҳадаги ишини — ёш истеъдодларни излаш ва тарбиялаш ишини давом эттирди. Бу масалада Мамажон ака чигални ҳал қилиб берадиган бирдан-бир тўғри калитни топди — республикада шахмат ҳаракатини жонлаштиришнинг йўли, мастерлар ва гроссмейстерларни кўпайтиришнинг бирдан-бир воситаси шахматни одамлар ўртасида ва биринчи навбатда ёшлар ўртасида имкон қадар кенгроқ омалаштиришдир. Имкони бўлса, бутун халқ шахматни билсин ва ўйнасин. Шундай замондагина ёш истеъдодлар ўсиб чиқади. Шахматни кенг ёйишнинг яна бир йўли эса уни атрофлича тарғиб қилишдир. Аслини олганда, бу ишни катта-катта ташкилотлар, йирик жамоалар амалга оширмоғи керак. Аммо Мамажон ака буни кутиб ўтирмади, балки энг шимариб ишга киришди. У шахмат масалаларига бағишланган китоблар ёза бошлади. Шахмат китобла-

рининг, дарсликлар ва қўлланмаларнинг аҳамиятини, зарурлигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат таққослаш учун бир фактни келтираман. 30-йилларда ўзбек тилида шахматдан фақат иккита китоб бўларди — буларнинг бири жаҳон чемпиони Эйвенинг «Шахмат лекциялари», иккинчиси эса Переводников деган одамнинг қўлланмаси. Шу иккита китобнинг ўзиёқ ўша пайтда анча ёшларга ёрдам берган. Ҳарҳолда мен умримда биринчи марта Андерсон, Морфи каби афсонавий шахматчилар тўғрисида Эйве китобидан ўқиб, шахмат мўъжизалари ҳақида илк тасаввурга эга бўлганман. Мамажон ака эса бир ўзи нисбатан қисқа муддат ичида ўттиздан ортиқ йирик-йирик шахмат китобларини яратди. Шуниси қизиқки, бу китоблар катта тиражларда босилганига қарамай, дўконларда бирортаси ҳам туриб қолгани йўқ — ҳаммаси одамларнинг қўлига етиб борган. Мамажон ака бу билан ҳам чеклангани йўқ. У Ўзбекистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларни шахматга оид материал билан таъминлаб турарди. Бу мақолачалар ва ахборотларга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, бирор газетада бирор ҳафта Мамажон аканинг имзоси кўринмай қолса, бир нарсамизни йўқотган одамдай хумори тутиб турарди. Билмадим, бирор азамат бу материалларнинг сонини ҳисоблаб чиққанмикан? Ҳарҳолда, улар мингта бўлса керак, балки ўн мингтадир. Ҳарҳолда, бир одамнинг қўлидан келадиган иш эмас бу! Фақат фидойи одамгина, бори-йўқ жаҳонини шахматга бағишлаган ва шу йўл билан халқига хизмат қилишга бел боғлаган одамгина шундай ишни қилиши мумкин. Мамажон аканинг китоблари ҳам, оммавий ахборот воситаларидаги фаолиятлари ҳам, ташкилий ишлари ҳам жуда катта самара берди — бугун ўзбек шахматчиларининг сафи кенгайди, уларнинг ичида нафақат спорт усталари, балки ўнлаб истеъдодли гроссмейстерлар бор. Бир марта ўзбек шахматчилари Жаҳон олимпиадасида иккинчи ўринни олишди, айрим гроссмейстерларимиз ҳам халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашмоқда. Шуларнинг ҳаммасида Мамажон Муҳиддиновнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу одам ҳаётлигидаёқ китоблари билан ўзига ҳайкал ўрнатган эди, чунки ҳеч ким шахматни тарғиб қилишда Мамажон акадай изчиллик

билан ҳаракат қилмаган, у кишидай фидойилик билан кўп иш қилмаган.

Мамажон ака нафақат шахматчи, балки жуда ажойиб инсон эди. У жуда камтар, камсукум, андишали, дўстликнинг қадрига етадиган, субутли ва лафзли одам эди.

Биз Мамажон ака билан кўпдан таниш эдик, учрашганда қуюқ салом-алик қилишар эдик-у, яқиндан мулоқотда бўлмаган эдик. Бир неча йил аввал Мамажон ака уйга кўнғироқ қилиб қолди. «Озоджон, бир кўришсак, маслаҳатли гап бор эди» деб қолдилар. Мен уйга таклиф қилдим. Келдилар. Дастурхон устида маслаҳатли гап айтилди:

— Хабарингиз бор, бир неча йилдан бери китоблар ёзиб келяпман. Ёзувчилар уюшмасига кираман десам бўлармикин?

Мен бир оз ўйланиб жавоб бердим — ахир шахматнинг бир учи спорт, бир учи фан бўлса, бир учи санъатку! Нега энди бундай одам Ёзувчилар уюшмасидан ташқарида бўлиши керак. Менинг гапимни эшитиб Мамажон ака хурсанд бўлди. Кейин ўртага шахмат тахтаси тушди. Агар адашмасам, тўрт партия ўйнадик ва ҳамма ўйинимиз дуранг билан тамом бўлди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим, бошим осмонга етди. Ўзим ҳам билмай юрган эканман, чакана ўйинчи эмас эканман. Кимсан Мамажон аканинг ўзи билан тўрт марта дуранг қилдим-а! Тўғрироғи, Мамажон ака зўрға дуранг қилди. Кайфиятим шу қадар чоғ, руҳим шу қадар кўтаринки эдики, шу тобда Эркин Воҳидовлардан йигирматаси рўпара келса, ҳаммасини қатор ўтқазиб қўйиб, сеанс берардим... Ҳой, жиндай оғирроқ бўл, дейдиган одам йўқ.

Кейин билсам, буларнинг ҳаммаси бекор экан. Мамажон ака биринчи марта меҳмон бўлиб келган хонадоннинг эгасини ранжитишдан хижолат бўлган экан. Бизнинг бир неча йилдан бери давом этиб келаётган шахмат даврамиз бор. Унда Ақром Тошхўжаев, Маҳмуд Юнусов, Улуғбек Элбеков, Сайфиддин ака каби мастерлар бор. Қолганлар ҳам ҳар бири рақибининг титиғини чиқариб юборишга қодир шербаччаларга ўхшайди. Бу даврамизга Мамажон ака ҳам аъзо эди. Лекин у киши «конкурсдан ташқари» иштирок этарди, яъни у кишининг ўйинлари умумий ҳисобга киритилмасди. Нега десангиз, ҳар хил хаста-

ликлар анча заифлаштириб кўйган, кўзлари ҳам шахмат доналарини яхши ажратолмай қолганига қарамай, Мамажон ака ҳаммамиздан зўр ўйнар, у киши билан дуранг ўйнашнинг ўзи ҳаммамиз учун ҳам қувончли иш эди. Мен шу йиллар давомида у киши билан йигирма мартача ўйнаган бўлсам, бу ўйинларнинг кўпини тантана билан ютқазганман. Уйимиздаги дуранглар қанақа эканини шунда билиб олганман.

Мамажон ака муборак 75 ёшини кўришга бир неча ой қолганда оламдан ўтди. Бугун у киши орамизда йўқ, лекин у киши ўтқазиб кетган ниҳоллар гуркираб ўсиб турибди. Мамажон ака юқорида айтганимиздек, бугун умри давомида шахмат орқали халқига, элу юртига хизмат қилиб келди, энди бизнинг навбатимиз — унинг руҳини шод қилмоқ учун бу фидойи инсонни ҳамиша қалбимизда ардоқлайлик.

### **БУНЧАЛАР ШИРИНСАН, АЗИЗ ВАТАНИМ!**

Улуғ айём кунлари яқинлашиб келмоқда. Ҳар йили Мустақиллик байрамига бир-икки ой қолганида руҳиятимда ажиб бир енгиллик пайдо бўлади, кайфиятим кўтаринкилик билан тўлади. Жонажон, қадрдон, қутлуғ Ватаним учун ифтихор туйғулари тўлиб-тошади. Бундай чоғларда кўча айланаман, болаликдан таниш масканларни, янги кўчалар ва майдонларни, кўприкларни томоша қиламан.

Баъзан эса болалигимдан таниш бўлган жойларни таниёлмай қоламан. Эски шаҳарда Чифатой, Сағбон, Хас-тимом, Қорасарой кўчаларининг бугунги қиёфасини кўраману, очигини айтганда, кўзларимга ишонмайман. Бўлмаса, менинг болалигим шу кўчаларда ўтган. Мактабимиз Қорасарой кўчасининг бошланишида, Тахтапул кўчасида жойлашган эди. Ҳозир мактаб қолганми ёки бузилиб кетганми, аниқ билмайман. Мабодо бузилиб кетган бўлса, бунинг учун кўп ҳам қайғурмайман, негаки, ўрнига бошқа муҳташамроқ бино пайдо бўлади. Бундай ўзгаришлар, янги қурилишлар, янгиланишлар фақат пойтахтимиздагина рўй бераётгани йўқ. Мен Самарқандда ҳам, Наманганда ҳам, Андижонда ҳам, бошқа вило-

ятларда ҳам кўплаб иншоотлар пайдо бўлаётганини кўриб турибман. Худди эртақлардагидек, кеча чўлу биёбон бўлиб ётган жойлардан темирйўллар ўтиб, ҳаммамизнинг оғиримизни енгил қилувчи поездлар елиб-югурмоқда. Айтиш мумкинки, шўролар даврида, 70 йилдан ортиқроқ муддат мобайнида юртимизда қурилган иншоотлар шу сўнгги ўн уч йил мобайнида содир бўлган ўзгаришлардан кам. Шундай экан, холисона айтганда мустақиллик шарофати билан эришган ва эришаётган ютуқларимиздан фахрланса ярашмайдими? Яна бунинг устига, юқорида айтганларим, ҳаётда эришилаётган ютуқларнинг бир қисми, холос. Мана, бу йил ҳам халқимиз Мустақиллик кунига тайёрланар экан, тўйга тўёна билан деганларидек, байрамга муносиб совға билан келмоқда. Мен бу ўринда биринчи навбатда ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг оламшумул ғалабасини кўзда тутяпман. Айни 13 июль кuni у шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Рустам Ливиянинг пойтахтида Ткачук, Алмаши, Гринчук, Топалов каби жаҳонга танилган, жуда бақувват шахматчиларни енгиб, чемпионлик тожини кийди. Баъзи бир оғзига кучи етмаган, бурнидан нарини кўролмайдиган бахил ва қитмир одамлар «Ҳа, энди бир бўлиб қолди-да! Турнирнинг ўзи унчалик бақувват эмас эди», деганга ўхшаш фиску фасодларни тарқатишмоқда. Ҳар қандай одам биладики, тасодифий ютуқлар бўлса, бир марта ёки икки марта бўлиши мумкин, ҳолбуки Рустам турнир давомида етти-та машҳур шахматчини доғда қолдирди, бундан ташқари у аввалги йилларда ҳам неча маротабалаб ўзининг бақувват шахматчи эканини исбот қилиб берган. Рустам турнирдан кейинги интервьусида «Мен бу ютуғимни республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман», — деди. Дарҳақиқат, унинг ютуғи том маънода бутун юртимиз учун муносиб совға бўлди. Каттаю кичик одамлар, шахмат ўйнаши ва ўйнамаслигидан қатъи назар, гўё бу ютуқ уникадек, гўё ўзи жаҳон чемпиони бўлганидек қувониб кетди. Рустамнинг ютуғи — ҳаммамизнинг миллий ғуруримизни янада ошириб юборди. Ҳар биримизнинг кўнглимиздан: «Ўзбекни ким деб ўйлаяпсан? У фақат пахта экмасдан ёки Новосибирск бозорларида узумфурушлик қилмасдан, у космосга учадиган фазогир ҳам,



математика соҳасида америкалик олимларни лол қолдирадиган олим ҳам, иқтидорли, келажакни олдиндан кўрадиган мутафаккир арбоб ҳам, бир сўз билан айтганда, ўзбеклар дунёда ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч кимдан тили қисик жойи йўқ» деган гап ўтди. Рустамнинг бу ғалабаси ана шу ҳақиқатни яна бир бор дунёга исбот қилиб берди.

**Юртбошимиз Ислон Каримов Рустам Қосимжоновга йўллаган табрик хатида унинг ғалабаси ўзбек халқининг интеллектуал салоҳиятини яна бир бор бутун дунёга намоён этганини таъкидлади.** Мен шу сўзларни ўқир эканман, бир замонлар юз берган воқеани эсладим. 1951 йил эди. Мен Москвада ўқирдим. Баъзан чарчаган вақтларимда марказий истироҳат боғига бориб, бир соат, икки соат айланиб ҳордиқ чиқариб келардим. Боғда жуда катта шахмат павильони бор эди. Унга бир вақтнинг ўзида камида беш юз киши сиғар, усти ёпиқ бўлганидан қишин-ёзин бу ердан одам аримасди. Мен ҳам жиндек шахмат ўйнаганим учун кўпинча шу павильон атрофида айланардим. Бир куни дам олгани келсам, павильон яқинидаги тахта ўриндиқларнинг бирида икки киши шахмат ўйнаб ўтирганини кўрдим. Беихтиёр тўхтаб, томоша қила бошладим. Икковлари ҳам анча бўш ўйнар экан. Лекин бири — девдай келадиган совуқ башара бир одам ҳар бир юришда рақибини масхара қилиб, ерга уриб, ўзининг «зўрлиги»ни кўрсатиб қўймоқчи бўларди. Ҳақиқатан ҳам ўйинни ютқазётган иккинчиси унга нима деб жавоб беришини билмас, муштумдеккина ғужанак бўлиб олган ва палапартиш юришлар қиларди.

Мен бир оз томоша қилгач, чидаб туrolмадим, ҳалиги ютаётган шахматчининг юришини танқид қилдим, унда мантиқ йўқлигини айтдим. У ялт этиб менга қаради-ю, хохолаб кулиб юборди.

— Манавини кўриб қўйинглар, шахматдан мантиқ қидириб юрипти. Менга қара, кимсан ўзинг? Қаердан келиб қолгансан?

— Тошкентдан, — дедим мен.

— Ие, ўзбекмисан? Э, ука-я, гўр экансан, шахмат қаёқда-ю, ўзбек қаёқда? Бор, бозорингдан қолма, қовунигни сотавер.

Унинг бу гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди. Унинг

жағига ўхшатиб туширишим керак эди. Лекин... Аламинни ва нафратимни бир жумлага жам қилиб сўрадим:

– Бир қўл ўйнаб кўрмаймизми?

– Мен бекорга ўйнамайман, 100 граммга ўйнайман.

Мен ёнимни кавлаштирдим. Бор-йўғи 245 сўм пулим бор эди. Ютқазиб қўйсам уйга пиёда кетишга тўғри келади. Лекин ўйнамаслигим мумкин эмас эди. Ҳақиқатан ҳам бу одам анча билиб ўйнар экан. Кўп ўтмай ютқазди. Унинг юзидан «Аллақаёқдан келган бу осиелик мени қандай ютди?» деган маънодаги ҳайрат зуҳур этар эди. Афтидан, у ўзига жуда ҳам маълиё бўлган, «зўрлигига» астойдил ишонган кўринарди. Бир оз ўйлагач, таклиф қилди:

– Қани, орани очиқ қилиш учун ўйнаймиз.

Биринчи ютуқ менга далда берди, кайфиятимни кўтариб берди. Бу гал у аввалгисидан ҳам тезроқ ютқазди. Кейин ёнини кавлай бошлади. Энди «100 грамм»га етадиган пули қолмади, бўшашибгина деди:

– Икки кружка пиводан ўйнаймиз.

Ўйнай бошладик. Унинг аввалги савлатидан нишон ҳам қолмаганди. Ҳар бир юриш устида узоқ-узоқ ўйланар, лекин барибир дурустроқ юришни тополмас эди. Ҳаммадан «аллақандай бир тирмизак ўзбек ютиб кетаверадими» деган алам уни ёмон ўртаб ётгани сезилиб турарди. Кўп ўтмай, у учинчи ўйинни ҳам ютқазди ва бир неча фурсат саросимада, қаттиқ «мушт еган» боксчидай гарангсиб ўтирди. Мен унинг аламини кучайтирмаслик учун таъна-дашном бермадим. Унинг ўзи бўлари бўлиб ўтирган эди. Мен кетиш учун аста кўзгалдим. У аранг гап қотди:

– Қаёққа? Ютқазган ароғимни олиб берай...

– Мен шахматдан ютқазган одамнинг ароғини ичмайман.

Шунақа деб орқамга ҳам қарамай, мағрур қадам ташлаб павильондан чиқиб кетдим.

Бу ғалаба менга қай бир даражада тасалли берди, лекин барибир, юрагимда битмас чандиқ қолдиргандек бўлди. Орадан кўп ўтмай Ботвинник билан Смыслов ўртасида жаҳон чемпионати учун ўйин бўлди. Учрашувлардан бирига мен ҳам томоша қилиш учун бордим. Ўйин Москванинг энг мухташам залларидан бирида ўтди. Мен ҳам чиптада кўрсатилган жойга ўтириб, ўйинни мириқиб томоша

қилдим. Томоша қилдиму барибир кўнглимнинг бир чек-каси бир оз хира эди. Унда алланечук ўксиш бор эди. Нима учун бундай мусобақаларда ўзбеклар қатнаша олмайди? Умуман, ўзбекдан ҳам жаҳон чемпиони чиқармикан? Мен бугун Худога шукр қиламан — шу орзуимнинг рўёбга чиққанини кўриш насиб этди. Мен бу улуғ айёмни роса 30 йил кутдим.

Бу йиллар давомида ўзбеклардан яхши шахматчилар етишиб чиқди. Аммо минг афсуски, уларнинг довруғи Оренбургдан нари ўтмас эди. Ҳатто жуда бақувват ўйинчи сифатида танилган гроссмейстер Георгий Аъзамов ҳам жаҳон чемпиони бўлмади. У кучли эди. Ким билсин, эҳтимол у шахмат тоғининг энг юксак чўққисини забт этишга ҳам қурби етарди. Лекин умри вафо қилмади. Ўн гулидан бир гули очилмай фожиали ҳалок бўлди. Яқиндаги интервьюларидан бирида Рустамдан сўрадилар:

— Чемпион бўлишингизда ҳал қилувчи роль ўйнаган омиллар нима?

— «Суянчигим бор эди. Мени бутун эл-юрт, бутун халқ кўллади. Мен Президентимиз Ислон Каримовнинг мададини ҳамиша сезиб турдим», — деб жавоб берди Рустам.

Дарҳақиқат, кўп йиллар мобайнида ўзбек шахматчиларининг жаҳон майдонларига чиқмай келаётганликлари боиси айтилган шунда — ғамхўрликнинг, эътиборнинг йўқлигидан бўлмаганмиди? Эътиборсиз ташлаб қўйилган шахматчилар ўз ёғига қовурилиб ётаверганлар. Уларда истеъдод ва имконият бўлса-да, кўзи ёпилиб қолган булоқдек эди. Бу булоқнинг кўз очмоғи учун Ватанимизнинг мустақил бўлиши керак эди. Менинг ҳамкасб дўстим Саъдулла Ҳаким «Хуррият» газетасида эълон қилинган жуда яхши эссесига Гата Камский деган ёш шахматчининг тақдирини эслайди. У 80-йилларда чиққан ва жуда кучли ўйини билан ҳаммани лол қолдирган. Аммо унинг энг юксак чўққини эгаллаши учун компьютер зарур эди. Гатанинг отаси вилоят партия қўмитасидан ёрдам сўрайди. Шахмат федерациясига мурожаат қилади. Ҳеч жойдан ёруғлик чиқмайди. Охир-оқибатда истеъдодли йигит ҳафсаласи пир бўлади, унинг шахматдаги ютуқлари ўзидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Шу тарзда у шахмат салтанатини тарк этади. Ҳозир Американинг ал-

лақайси фирмасида ишлаётган эмиш. Ҳақиқатан ҳам ғоятда ачинарли ҳол! Рустамнинг бахти шундаки, унда нафақат бақувват истеъдод, бетакрор хотира бор. Унинг бағри кенг, саховатли, ғамхўр халқи бор. Унинг Президенти Ислом Каримов бор. Рустам Президент номига ёзган мактубида унга ўз отасидек мурожаат қилади. Чиндан ҳам Ислом Каримов Рустам илк муваффақиятларга эриша бошлаганидан унга ўз фарзандидек эътибор бериб, ҳар қадамда кузатиб, ғамхўрлик қилиб келди. Компьютер керак бўлса, компьютер берди, зарур бўлганда уй-жой билан таъминлади. «Ўзбекистон ифтихори» деган нишон билан тақдирлади ва ниҳоят, унинг жаҳон чемпионлигига эришганини жуда юқори баҳолаб, «Амир Темур» ордени билан мукофотлади.

Бу ўринда масалага кенгроқ қараш керак. Ислом Каримовнинг Рустамга ғамхўрлиги ҳар қанча муҳим бўлмасин, бу янада каттароқ ғамхўрликнинг бир учқуни, холос. Ислом Каримов мустақиллик йилларида спортнинг ҳамма турига доимий бир эътибор билан қаради. Мамлакатда эски спорт иншоотлари таъмирланди, юзлаб янгилари қурилди. Кураш, теннис, футбол, енгил атлетика, каратэ каби спорт турлари ривожлана бошлади. Боксдан, курашдан, каратэдан, самбодан жаҳон чемпионлари, олимпиада ғолиблари етишиб чиқа бошлади. Болалар спорти соҳасида махсус қарор қабул қилинди. Ёш спортчилар спартакиадалари, универсиадалар ўта бошлади. Хуллас, жуда қисқа муддат ичида, айниқса, ёшлар ўртасида оммавий спорт ҳаракати мислсиз даражада кучайиб кетди. Рустамга бўлган эътибор ана шу бутун мамлакат кўламидаги спортга бўлган эътиборнинг бир қисми эди. Президентимиз спортни давлат сиёсати даражасига кўтара олди. Бутун ҳамма вилоятлар ўзининг бу соҳадаги ютуқлари, чемпионлари билан қонуний тарзда фахрландилар. Бу ҳам мустақил ривожимизнинг зарурий шартларидан бири эди. Аввалги тузумдан кўп соҳаларда бизга оғир мерос қолди. Экология, қишлоқ хўжалигида кимёвий дориларни ўйламай ишлатиш турли-туман касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Натижада кўпгина ёшлар ёш бўла туриб нафақага эҳтиёжманд бўлиб ўтирибдилар. Бундай аҳволни тўғрилашнинг бирдан-бир йўли жисмоний тарбия ва спортнинг бутун халқ ўртасида кенг тарқалишига эришиш-

дир. Фаол яшамоқ учун нон, сув ва тоза ҳаво қанчалик зарур бўлса, ҳар бир одам ўзининг жисмоний саломатлиги тўғрисида қайғуриши ҳам шунчалик керакдир. Мустақиллигимиз шарофати билан ана шу ҳақиқат секин-секин онгимизга сингиб бормоқда. Шунинг учун кураш, бокс ёки бошқа бирон турдаги спорт билан шуғулланаётган кичик ёшдаги болаларнинг «ойнаи жаҳон» орқали «Мен чемпион бўламан», деб комил ишонч билан гапирганини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетаман ва ниятинг ўзингга йўлдош бўлсин, дея дуо қиламан.

Мана шунга ўхшаган ютуқлар ва ҳаракатлар Ватанимизнинг буюк келажаги тобора яқинлаб келаётганидан далолат беради. Эҳтимол шунинг учундирки, Мустақиллик куни яқинлашгани сари фарахбахш туйғулар вужудимни кўпроқ эгаллаб борар. Албатта, бу мақолани ўқигач кимдир, домласи тушмагур ҳаётнинг қийинчиликларидан беҳабар-да, шунинг учун бунақа кўтаринки кайфиятларда мақола ёзадилар, деб айтишлари ҳам мумкин. Йўқ, биродарлар, мен турмушдаги қийинчиликлардан жуда яхши хабардорман.

Албатта, ҳамма нуқсонларни турли сабабларга боғлаб қўйиб бўлмайди. Кўп ҳолларда ўзимизнинг калтабинлигимиз, оёғимиз тагидан бир оз нарини кўра олмаслигимиз, сабр-қаноатимизнинг йўқлиги, нафсимизнинг ёмонлиги шундай йўлларга бошлайдики, у йўлларнинг охири, албатта фожа, бахтсизлик билан тугайди. Масалан, ёш-ёш йигитларнинг диний экстремизм йўлига киришига нима сабаб? Наҳотки, ўша кимнингдир берадиган арзимас пулига учиб ўз ҳаётини мангу зулматга, бахтсизликка улоқтиришга рози бўлса? Наҳотки, наркотиклар савдосига қўл урадиганлар шу қинғир ишларни орқасида 5–6 йил умргузаронлик қилиш учун етадиган давлат орттириб оламан, кейин бемалол кайфу сафо қилиб юравераман, деб ҳисобласа. Бунақа ҳаёлларга халқимизнинг жуда яхши жавоби бор – чучварани хом санаманг! Тўғри, мураккабликлар ва муаммолар бор. Лекин қачон, қайси даврда инсон ҳаётида қийинчиликлар ва енгил кунлар тун билан кундай алмашиб турмаган. Шунинг учун сал қийинчиликка учраган эркакдир, аёлдир тўнини тескари кийиб, бутун дунёга зарда қилиш йўлига кириши керак эмас. Шайтонга «ҳай»

бериб, нафсини жиловлаб, озига чидаб, қаноат билан яшамоғи керак.

Мана, байрам арафасидаги ўйларда ҳам кемтикликлар ва нуқсонлар ҳақидаги гапларни четлаб ўта олмадим. Бунинг боиси шуки, уларни йўқотиш, ҳаётимизни обод ва фаровон қилиш ҳар битта одамнинг зиммасидаги ишдир. **Қўл қовуштириб, осмонга қараб ўтирган билан ҳеч қачон осмондан чалпак тушмайди. Фақат яхши ниятлар қилиш, шу ниятларга интилиш, фаол меҳнат қилишгина инсон ҳаётининг мазмунан тўлиқ бўлишини таъминлайди.**

Азиз биродарлар! Ўзбекистон деб аталмиш шу гўзал ва ширин юрт ҳаммамизники, у ҳаммамизнинг онамиз, бошимизни силайдиган, зарур бўлганда адашган болаларига бағридан жой бериб тўғри йўлга бошлайдиган энг буюк қудрат! Юртимизнинг гўзалликлари ҳам, қийинчилик ва кемтиклари ҳам ўзимизники. Ҳар тонгда уйқудан кўз очарканман, «Шу кунга етказганингга шукр» дея тавалло қиламан. Бир кунни хайрли, самарали ўтказар эканман, уйқуга кетишдан аввал «Мунча ҳам кўркаман, азиз Ватаним!» деган сўзларни дуодай пичирлайман.

*2004. «Тошкент оқшоми» газетаси*

## МУНДАРИЖА

<b>I. Мустақиллик меъмори</b> .....	3
Йўлбошчи .....	3
Мустақиллик меъмори .....	11
Истиқлол жилolari .....	29
Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож .....	35
<b>II. Довондаги ўйлар</b> .....	52
Эътиқодимни нега ўзгартирдим? .....	52
Довондаги ўйлар .....	86
Бозор ва маънавият .....	108
Фан гўзаллик ҳисси билан тирик .....	125
Мангулик шуъласи .....	143
Самарқанд сафари .....	163
Нажот – ҳамкорликда .....	182
Барселонада ўзбек патири .....	189
<b>III. Маънавият арконлари</b> .....	199
Муҳаббат кунда керак .....	199
Дорилфунун менинг тақдиримда .....	238
Виждон керакдир инсонга .....	244
Тилда ҳикмат кўп... ..	253
Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам .....	261
Навой сабоқлари .....	279
Фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж .....	285
Масъулият .....	293
Муסיқа кошонасида сўлим бир оқшом .....	297
Ватан ардоғида .....	298
Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан .....	303
<b>IV. Истиқлолнинг олис йўларида</b> .....	316
Туркистон мустақиллигининг атоқли курашчиси .....	316
Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон .....	338
Отажон Ҳошимов шахсияти. Тақдири. Ижоди .....	381
Саъдулла Қосимовни билган борми? .....	409
<b>V. Замондошлар билан учрашув</b> .....	424
Аспирантура сабоқлари .....	424
Мудом миннатдорман .....	434
Умарбековнинг ўлмас фазилатлари .....	445
Америкалик дарвешнинг саргузаштлари .....	455
Китоблар салтанатининг маликаси .....	462
Тили поку, дили поку, ўзи пок... ..	468
Нурга йўғрилган умр .....	476
Фидойилик тилда эмас, дилда .....	483
Ҳам комил инсон, ҳам катта олим .....	495
Четсувлик Абдуманноб ака .....	501
Шахмат қиролининг мухтор вакили .....	513
Бунчалар ширинсан, азиз Ватаним! .....	519

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

ДОВОНДАГИ ҰЙЛАР

*Тошкент «Маънавият» 2004*

Масъул муҳаррир *Абдуғафур Расулов*

Наشريёт муҳаррири *Усмон Қўчқор*

Рассом-дизайнер *А. Турсунов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга 22.04.2004 й.да берилди. Босишга 09.11.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 27,72 + 0,26 рангли форзац. Шартли кр.-отт. 28,58. Нашр т. 26,34 + 0,19 рангли форзац. 3000 нусха. Буюртма № А-5898 Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 04-04.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2004.